

“Шримад Бхагаватам”

Учинчи кўшиқ

“Статус кво”

24-33 боблар

Санскрит тилида ёзилган матн, уларнинг ўзбекча ўқилиши, сўзларнинг алоҳида таржимаси, бадиий таржима ҳамда

Кришнани англаш Халқаро жамиятининг асосчи-аचारьяси

Ҳазрат А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупаданинг изохлари

**Йигирма тўртинчи боб
Кардама Мунининг таркидунё қилиши**

Текст 1

Парвардигор Вишнунинг айтган гапларини эслаб, меҳрибон донишманд Кардама Муни Сваямбхува Манунинг муносиб қизи Девахутининг таркидунёлик руҳи синган гапларига шундай жавоб берди.

Текст 2

Донишманд деди: Ўзингни қийнама, эй малика. Сен ҳар қандай олқишга сазоворсан. Бегуноҳ тез кунда Парвардигор, Олий Шахс Худонинг Ўзи қорнинга кириб, сенинг ўғлинг бўлиб дунёга келади.

Изоҳ: Кардама Муни хотинини юпатар экан, унга ўзини омадсиз аёл деб ўқинишнинг ҳожати йўқлигини, тез орада Олий Шахс Худо, Парвардигорнинг Ўзи унинг фарзанди бўлиб дунёга келишини айтди.

Текст 3

Сен муқаддас қасамлар ичгансан, Парвардигор албатта сенга бахт-саодат ато этади. Шу боис сен ҳиссиётингни жиловлаб, диний маросимлар ўтказиб, риёзат чекиб ҳамда саховат билан садақа эҳсон қилиб чуқур имон билан Худого сизиниб яшашинг керак.

Изоҳ: Рухий ўзликни англаб етиш ҳамда Худонинг марҳаматига эришиш учун инсон ўзини тута билиши, ҳиссиётини жиловлаб олиши лозим, яъни ҳиссий лаззатларни чеклаб, барча диний қонун ва кўрсатмаларга қатъий амал қилиб яшаши лозим. Риёзат чекмасдан ва ўзининг дунёвий бойлиқларини қурбон қилмасдан Худонинг марҳаматига эришиб бўлмайди. Кардама Муни хотинига шундай маслаҳат беряпти: “Сен риёзат чекиб, диний қоидаларга риоя қилиб, хайр-садақа эҳсон қилиб Худого садақат билан хизмат қилишинг керак. Шунда Парвардигор сендан мамнун бўлиб, сенинг ўғлинг бўлиб туғилади”.

Текст 4

Сен сажда қилиб сизинадиган Парвардигор, Худо Шахси ҳамма жойда менинг номимни шарафлаб юради. Сенинг ўғлинг бўлиб, сенга Браҳман ҳақидаги илмни ўргатиб, У қалбингдаги моддий боғланиш тугунларини чопиб ташлайди.

Изоҳ: Барча инсонларнинг бахт-саодатини ўйлаб рухий илмни тарғибот қилиш учун Олий Шахс Худо, Парвардигор одатда Уни ўзининг садақатли хизмати билан мамнун қилган бирор содиқ хизматкорининг оиласида дунёга келади. Олий Шахс Худо, Парвардигор барча тирик мавжудотларнинг отаси ҳисобланади. Унинг отаси йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, лекин, Ўзининг англаб бўлмас қуввати ёрдамида У шундай қиладики, баъзи содиқ хизматкорлар Унинг ота-онаси ёки Унинг авлодлари бўлади. Бу ерда айтилганки, рухий илм тирик мавжудотнинг қалбидаги боғланиш тугунини чопиб ташлайди. Модда билан руҳ бир-бирига сохта ўзлик тугуни билан боғланган. Барча тирик мавжудотларда хридая-грантха деб аталадиган, ўзини модда билан қиёслаш хусусияти бор, тирик мавжудот жинсий ҳаётга қанчалик кучли боғланган бўлса, унинг қалбидаги ана шу боғланиш тугуни шунча қаттиқ боғланган бўлади. Мана шу ҳақиқатни ўзининг ўғилларига тушунтирар экан, Парвардигор Ришабха айтгандики, моддий олам – ҳамма нарса эркак билан аёлнинг бир бирига бўлган интилиш туйғуси сингиб кетган жой. Ана шу интилиш инсоннинг қалбида тугун ҳосил қилади, моддий боғланишлар бу тугунни яна ҳам мустаҳкамлайди. Моддий бойликка, жамиятда обрў-эътибор қозонишга интилиб, ўзаро дўстлик ва муҳаббатни орзу қилиб юрган одамларда ана шу боғланиш тугуни жуда мустаҳкам боғланиб қолади, ана шу тугунни фақат браҳма-бхавана, яъни амал қилса рухий илм эгаллаш имконини берадиган насихатлар чопиб ташлай олади. Инсон қалбидаги ана шу боғланиш тугунини бошқа бирор моддий йўл билан чопиб ташлашнинг иложи йўқ, уни фақат ҳақиқий рухий устознинг насихатлари чопиб ташлашга қодир. Кардама Муни хотинига айтдики, Парвардигор унинг ўғли бўлиб дунёга келади ва инсонлар қалбидаги ўзини моддага қиёслаш тугунини чопиб ташлаш учун ер юзига рухий илм олиб келади.

Текст 5

Шри Майтрея деди: Девахути Праджапатилардан, инсоният бобокалонларидан бири бўлган эри Кардаманинг насихатларига чуқур ҳурмат-эҳтиром ва ишонч билан қулоқ солди. Эй буюк донишманд, унинг маслаҳатига амал қилиб, у ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган Парвардигорга, бутун борлиқнинг ҳукмдорига сажда қилиб сизина бошлади.

Изоҳ: Бу ерда рухий ўзликни англаб етиш йўли таърифланган: инсон аввало ҳақиқий рухий устоздан насихат тинглаши лозим. Кардама Муни Девахутининг эри эди, лекин, унга рухий юксалиш йўлини кўрсатиш билан унинг рухий устози ҳам бўлди. Инсоният тарихида эри ўз хотинининг рухий устози бўлганига жуда кўп мисоллар бор. Маъбуд Шива ҳам рафиқаси Парватининг рухий устози ҳисобланади. Ўзи илмга эга бўлган ҳолда эркак киши ўз хотинининг рухий устози бўлиши ва унга Кришнани англаб етишда ёрдам бериши лозим. Аёл(стри)ларнинг аксарият кўпчилиги эркакларга қараганда тафаккури заифроқ бўлади, шунинг учун агар эри етарлича ақл-заковатли бўлса, унинг хотини рухий илм эгаллашнинг нодир имкониятига эга бўлади.

Бу ерда аниқ айтилган: самйак шраддхайа – шогирд рухий устозига сўзсиз ишониши, чуқур имон келтириши, ундан рухий илм ўрганиши ва худди шундай чуқур имон билан Худога садоқат билан хизмат қилиши лозим. "Бхагавад-гита"га ёзган изоҳида Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакура рухий устознинг насиҳатларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтади. Рухий устознинг кўрсатмалари унинг шогирди бўлган содиқ хизматкор учун қонун бўлиши лозим. Содиқ рухий озодликка чиққанми йўқми, барибир у рухий устозининг кўрсатмасига ўзгармас чуқур ишонч билан амал қилиши лозим. Шунингдек, бу ерда яна айтилганки, Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд. Уни ташқаридан излаб юришнинг ҳожати йўқ – У бизнинг қалбимизда. Фақат рухий устознинг кўрсатмаларига қатъий амал қилиб, Парвардигорга чуқур имон билан сажда қилиб сиғиниш лозим, шунда биз бу йўлда албатта муваффақият қозонамиз. Яна шу нарса аниқки, Парвардигор, Олий Шахс Худо оддий чақалоқ сингари онадан туғилмайди, У бу дунёга Ўзининг азалий мангу қиёфасида келади. "Бхагавад-гита"да айтилганидек, У моддий оламга Ўзининг ички қуввати, атма-майя ёрдамида келади. Парвардигор бу дунёда қандай пайдо бўлади? У бу дунёга қачон содиқ хизматкор Уни ўзининг хизмати билан мамнун қила олганида келади. Масалан, содиқ хизматкор Парвардигордан унинг ўғли бўлишни илтижо қилиши мумкин. Парвардигор ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд, агар Парвардигор бу дунёга Ўзининг содиқ хизматкорининг қорнидан дунёга келса, шу хизматкор ғофил одамлар ўйлаганидек, Унинг ҳақиқий онаси бўлиб қолади дегани эмас. Парвардигор содиқ хизматкорнинг қалбида ҳамиша мавжуд, лекин уни хурсанд қилиш учун Парвардигор унинг ўғли сифатида дунёга келади.

Текст 6

Орадан кўп йиллар ўтгандан кейин Олий Шахс Худо, Мадхусудана, иблис Мадхуни мағлуб қилган Зот, Кардаманинг уруғлигига кирди ва худди қурбонлик маросими пайтида ўтинлардан ёнғин пайдо бўлгани сингари, Девахутининг қорнидан дунёга келди.

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, гарчи бу дунёга Кардама Мунининг ўғли бўлиб келган бўлса ҳам, барибир Парвардигор ҳамиша Олий Шахс Худо бўлиб қолаверади. Олов ўтиннинг таркибида аввалдан бор, лекин у ўзини намоён этиши учун маълум бир усулда қандайдир амаллар қилиш керак бўлади. Худди шундай, Худо ҳамма жойда мавжуд, ҳамма ерда бор бўлгани сабабли У истаган жойида пайдо бўла олади. Бу ерда У Ўзининг содиқ хизматкорининг уруғлиги ичига кирган. Худди оддий тирик мавжудот бошқа бир тирик мавжудотнинг уруғлигига кириб туғилгани сингари, Олий Шахс Худо ҳам Ўзининг содиқ хизматкорининг уруғига киради ва унинг ўғли бўлади. Парвардигорнинг Унга Ўзи истаган ишини қилиш имкониятини берадиган мутлақ эркинлиги, мустақиллиги ана шундай намоён бўлади. Парвардигор ҳам худди оддий тирик мавжудотларга ўхшаб, у ёки бу аёл қорнига моддий табиат қонунарига бўйсуниб киради деб ўйламаслик керак. Парвардигор Нрисимха Хираньякашипу саройидаги устундан дунёга келди, Парвардигор Вараха

- маъбуд Браҳманинг бурнидан, Парвардигор Капила – Кардаманинг уруғлигидан дунёга келди, лекин бу, маъбуд Браҳманинг бурни, Хираньякашипунинг саройидаги устун ёки Кардама Мунининг уруғлиги Парвардигорнинг дунёга келишига сабаб бўлган дегани эмас. Худо ҳамиша Худо бўлиб қолаверади. Бхагаван мадхусуданаҳ – У иблисларни яқсон қилади ва хатто Ўзининг содиқ хизматкорининг ўғли бўлганда ҳам Парвардигор бўлиб қолаверади. Мазкур шеърдаги кардамам ибораси алоҳида муҳим аҳамиятга эга: у бир томондан Парвардигор, иккинчи томондан Кардама ва Девахути орасида ўзаро муҳаббатга асосланган, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида юзага келган муносабатлар борлигини билдиради. Лекин бу, Кардама Мунининг уруғлигига, у билан бирга Девахутининг қорнига кириш билан Парвардигор худди оддий тирик мавжудотлар сингари дунёга келди дегани эмас.

Текст 7

Парвардигор ер юзига ташриф буюрганида ёмғирли булут қиёфасига кириб олган фаришталар самода мусиқа асбабларида куйлар чала бошладилар. Жаннатий машшоқлар, гандҳарвалар Унинг улуғворлигини шарафлаб куйладилар, самовий раққосалар, апсаралар эса, қувончдан яйраб рақсга туша бошладилар.

Текст 8

Парвардигор дунёга келганида осмонда муаллақ турган фаришталар ерга гуллар ёмғирини ёғдира бошладилар. Бутун ер юзи, барча сув ҳавзалари тинчланиб, барча тирик мавжудотларнинг ақлига хотиржамлик ва осойишталик ҳолати кирди.

Изоҳ: Бу шеърдан кўриниб турибдики. Юқори сайёраларда ҳавода ҳеч қандай тўскинликка учрамасдан ҳаракат қила оладиган тирик мавжудотлар яшайди. Одамлар ҳам космосда учадилар, лекин бунда улар жуда каттиқ қаршиликларни енгишга мажбур бўладилар, самовий аҳоли эса бундай қаршиликларга учрамайдилар. "Шримад Бхагаватам"дан биз биламизки, Сиддхалокада яшайдиган зотлар коинот бўйлаб эркин ҳаракат қилиб, бир сайёрадан бошқа сайёрага эркин кўчиб юра оладилар. Парвардигор Кардама Мунининг ўғли Капила бўлиб дунёга келганида айнан шулар ер юзига гуллар ёмғирини ёғдирган эдилар.

Текст 9

Коинотдаги биринчи тирик мавжудот бўлган маъбуд Браҳма Маричи ва бошқа донишмандлар билан биргаликда донишманд Кардаманинг кулбаси жойлашган, Сарасвати дарёси сувлари билан ўралган ерга йўл олдилар.

Изоҳ: Маъбуд Браҳмани Сваямбху деб атайдилар, чунки унинг моддий ота-онаси йўқ. Коинотдаги биринчи тирик мавжудот Браҳма Олий Шахс Худо Гарбходакашайи Вишнунинг киндигида ўсиб чиқадиган нилуфар гулидан дунёга келади, шунинг учун уни Сваямбху, яъни ўзидан ўзи пайдо бўлган, деб атайдилар.

Текст 10

Майтрея давом этди: Эй душманларига кирон келтирувчи, туғилмаган, илм ўрганишда деяри тўла мустақил бўлган маъбуд Браҳма тушундики, Парвардигорнинг қисман экспансияси, бу дунёдаги одамларга ҳамма сохани камраб оладиган ва санкхья-йога деб аталадиган илмни ўргатиш учун, Парвардигорнинг соф мавжудлик қуввати ёрдамида Девахутининг қорнига кирган.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"нинг ўн бешинчи бобида айтилганки, "Веданта-сутра"нинг муаллифи ва "Веданта" фалсафасининг энг яъло билимдони Парвардигорнинг Ўзи ҳисобланади. Санкхья фалсафасини ҳам Капила киёфасида келган Парвардигорнинг Ўзи нозил қилган. Ўзининг санкхья фалсафасини тарғибот қилган бошқа бир Капила ҳам бор, лекин ҳеч қачон Олий Шахс Худо мужассам бўлган Парвардигор Капила билан адаштирмаслик керак. Кардама Мунининг ўғли Капила Ўзининг санкхья фалсафасида фақат моддий оламни эмас, балки рухий оламни ҳам батафсил таърифлаб беради. Маъбуд Браҳма буни яхши биларди, чунки у – сварат. Бу дегани, у илм ўрганишда ҳеч кимга қарам эмас. Илм ўрганиш учун у мактабга ёки университетга бориб юриши шарт эмас. Унга илм ўзининг ичидан, қалбидан келади, шунинг учун уни сварат деб атайдилар. Маъбуд Браҳма коинотдаги биринчи тирик мавжудот бўлгани учун ҳеч ким унинг рухий устози бўла олмаган, бу вазифани Парвардигор, ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган Худо Шахси Ўз зиммасига олган. Маъбуд Браҳманинг қалбига илмни Парвардигорнинг Ўзи жойлаб қўйган, шунинг учун маъбуд Браҳмани баъзида сварат ёки аджа деб атайдилар.

Мазкур шеърда кўрсатилган яна бир масала устида тўхтаб ўтиш жоиз. Саттвенамшена: моддий оламга ташриф буюрганида Парвардигор Ўзи билан бирга Вайкунтханинг ҳамма нарсасини олиб келади, шунинг учун Унинг номи, киёфаси, сифатлари, анжомлари, ва Унинг атрофидаги ҳамроҳларининг ҳаммаси илоҳий оламга мансуб бўлади. Соф эзгулик – илоҳий оламнинг сифати. Моддий оламда эзгулик соф ҳолда учрамайди. Бу сифатнинг моддий оламда намоен бўлган ҳар қандай кўриниши эҳтирос ва ғафлат илллати аралашмаси билан булганган бўлади. Аммо рухий оламда шуддха-саттва деб аталадиган соф эзгулик ҳукм суради. Шуддха-саттва яна васудева деб ҳам аталади, чунки Парвардигор Васудеванинг ўғли. Бу яна шуни билдирадики, соф эзгулик поғонасига эришган киши Олий Шахс Худонинг киёфасини, номини, сифатларини, анжомларини ва ҳамроҳларини англай олади. амшена ибораси ҳам Олий Шахс Худо, Кришна Ўзининг бир бўлагининг бўлаги сифатида, Капиладева киёфасида қисман мужассам бўлди. Парвардигорнинг экспансиялари икки тоифага бўлинади – кала ва амша. Амша – "бевосита экспансияси", кала эса, Унинг экспансиясининг экспансияси. Парвардигорнинг экспансияси, Унинг экспансиясининг экспансияси ва Олий Шахс Худо бир биридан фарқ қилмайди, чунки бир хилда ёниб турган шамчироклар бир биридан фарқ қилмайди; лекин бошқа шамчироклар тугаштириб олинган шамчирокни бошланғич шамчирок бўлгани

сингари, Кришнани Парабрахман – бошланғич Худо Шахси, барча сабаблар сабабчиси деб атайдилар.

Текст 11

Бутун вужуди яйраб кетган маъбуд Браҳма пок қалби билан Парвардигорнинг бу киёфаси кўрсатиши керак бўлган кароматларни самимий олқишлади, кейин Кардама ва Девахутига юзланди.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"нинг тўртинчи бобида айтилганки, Олий Шахс Худонинг бу дунёга келиши, кўрсатган кароматлари ва кетишининг илоҳий табиатини англаб етган кишини озодликка эришган шахс деб ҳисоблаш лозим. Демак, маъбуд Браҳма – рухий озодликка эришган зот ҳисобланади. Гарчи маъбуд Браҳма моддий оламга ҳукмронлик қилиб турган бўлса ҳам, уни оддий тирик мавжудотлар қаторига қўшмаслик керак. Оддий тирик мавжудотларга хос бўлган жуда кўп камчилик-нуқсонлардан холи бўлган ҳолда маъбуд Браҳма Олий Шахс Худонинг бу дунёга келишини олдиндан биларди, шунинг учун у Парвардигорнинг кароматларини шарафлаб қўйлади ва қалби қувончга тўлиб, Кардама Мунини олқишлади, чунки Олий Шахс Худо, Парвардигорнинг Ўзи унинг ўғли бўлиб Капила киёфасида бу дунёга ташриф буюрган эди. Ҳеч шубҳа йўқки, Парвардигорнинг отаси бўлиш бахтига мушарраф бўлган киши Худонинг буюк содиқ хизматкори ҳисобланади. Қадим замонларда бир браҳман шундай шеър ёзган эди: "Мен Ведалар ва Пураналар ҳақида ҳеч нарса билмайман. Уларни бошқалар ўрганаверсинлар. Мен Парвардигор Шри Кришнанинг отаси бўлган Нанда Махаражга сажда қиламан". Ана шу браҳман Нанда Махаражга сажда қилиб сиғинмоқчи бўлган, чунки Олий Шахс Худо, Парвардигор унинг ҳовлисида ёш бола киёфасида ўйнаб юрарди. Худонинг содиқлари қалбини ана шундай туйғулар камраб олади. Ҳақиқатан ҳам, Олий Шахс Худонинг отаси бўлиш шарафига муяссар бўлган содиқ хизматкорнинг шон-шухрати чексиз! Шунинг учун маъбуд Браҳма фақат Парвардигор мужассам бўлган Капилага сажда қилиб қолмасдан, Унинг отаси бўлиш шарафига эришган Кардама Мунини ҳам олқишлади.

Текст 12

Маъбуд Браҳма шундай деди: Эй ўғлим Кардама, менинг насиҳатларимни қабул қилиб, уларга муносиб ҳурмат-эҳтиром билан самимий риоя қилганинг билан менга муносиб иззат-икром кўрсатдинг. Менинг барча кўрсатмаларимни бажариш билан сен менга бўлган ҳурмат-эҳтирмингни изҳор этдинг.

Изоҳ: Коинотдаги биринчи тирик мавжудот бўлган ҳолда маъбуд Браҳма барча тирик мавжудотларнинг рухий устози ҳисобланади, бунинг устига у – уларнинг отаси ва яратувчиси. Кардама Муни инсоният бобокалонларидан бири, маъбуд Браҳманинг ўғли эди. Маъбуд Браҳма рухий устозининг барча кўрсатмаларига айёрлик қилмасдан самимий амал қилгани учун Кардама Мунини олқишляпти. Моддий оламдаги шартланган руҳларнинг камчиликларидан бири уларнинг алдашга мойиллиги ҳисобланади. Шартланган тирик мавжудотларнинг тўрт турли

камчилиги бор: улар хатолашадилар, алданадилар, бошқаларни алдайдилар, сезгилари мукамал эмас. Аммо, шогирдлар силсиласида турган рухий устозининг барча кўрсатмаларини бажариб юрган шогирд ана шу камчиликларнинг ҳаммасидан халос бўлади. Демак, ҳақиқий рухий устоз берган илм, шартланган руҳлардан “илм”дан фарқли равишда сохта илм, алданиш эмас. Кардама Муни унинг барча кўрсатмаларига қатъий риоя қилганини ҳамда ўзининг рухий устозини чуқур хурмат қилишини маъбуд Браҳма яхши биларди. Рухий устозни хурмат қилиш – унинг кўрсатмаларини сўзсиз ва аниқ бажариш демакдир.

Текст 13

Ўғил фарзандлар отасига ана шундай хизмат қилишлари лозим. Отаси ёки рухий устозининг амрини эшитиб, муносиб хурмат эҳтиром билан унга: “Эшитаман, эй ҳукмдорим” - деб жавоб бериш лозим.

Изоҳ: Мазкур шеърда икки иборага алоҳида аҳамият бериш лозим: питари ва гуру. Ўғил ёки шогирд отаси ва рухий устозининг амрига сўзсиз итоат қилиши лозим. Уларнинг ҳар қандай кўрсатмасини ҳам сўзсиз қабул қилиш керак: “Лаббай, эшитаман!” Шогирд ёки ўғил фарзанд: “Йўк. Мен бундай қила олмайман!” – деб айтишга ҳаққи йўк. Отаси ёки рухий устозга шундай деб айтишга журъат қилган киши – тубанликка юз тутган, адашган инсондир. Ота билан рухий устоз бир поғонада турган зотлардир, чунки рухий устоз – иккинчи ота ҳисобланади. Жамиятнинг олий табақасига мансуб одамларни двиджа, яъни иккибор туғилганлар деб атайдилар. Ҳар қандай туғилиш албатта ота бўлишини тақозо этади. Биринчи марта биз отамиз ёрдамида дунёга келамиз, рухий устоз шарофати билан эса иккинчи марта туғиламиз. Ота билан рухий устоз бир шахс бўлиши ҳам, бошқа-бошқа шахслар бўлиши ҳам мумкин. нима бўлганда ҳам ота ёки рухий устознинг ҳар қандай кўрсатмасини ҳеч иккиланмасдан сўзсиз бажариш лозим. Уларнинг буйруқларини инкор этмаслик ёки уларни бажаришда иккиланмаслик керак. Инсон ўзининг отаси ва рухий устозига шундай хизмат қилиши лозим. Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакура айтганки, шогирд учун рухий устознинг кўрсатмаси жонидан, ҳаётидан ҳам қадри бўлиши лозим. Одий одамларнинг онгида ҳаёт унинг танаси билан қандай боғланган бўлса, шогирднинг онгида рухий устознинг кўрсатмалари ҳам ўзининг ҳаёти билан шундай боғланган бўлиши лозим. Рухий устозининг кўрсатмаларини шундай қатъият ва тушунча билан бажариб юрган киши албатта рухий баркамолликка эришади. Бу ҳақиқат Упанишадаларда ҳам тасдиқланади, унда айтилганки, Ведалар илмининг сирли мазмуни фақат Олий Шахс Худо ва рухий устозига чуқур имон келтирган кишиларга очилади. Ҳатто инсон дунёвий илмлардан бугунлай беҳабар бўлса ҳам, лекин, рухий устозига ва Олий Шахс Худога чуқур имон келтирган бўлса, унга шу захотиёқ барча муқаддас китобларнинг мазмуни очилади.

Текст 14

Кейин маъбуд Браҳма Кардама Мунининг тўққиз кизининг фазилатларини олқишлай бошлади: Сенинг

сарвқомат кизларинг бенуқсон покдомон зотлардир. Ишончим комилки, улар кўплаб авлодларга ҳаёт бағишлаб, бу коинотнинг аҳоли сонини кўпайтиради.

Изоҳ: Олам яралиш тонгида маъбуд Браҳма асосан коинот аҳоли сонини қандай кўпайтиришни ўйлаб юрарди. У Кардама Мунининг тўққиз ажойиб қиз фарзанди дунёга келгани ҳақида эшитганида, унинг қалбидан улардан кўплаб авлодлар қолади, уларнинг фарзандлари эса, ота-онасининг яратувчанлик фаолиятини давом эттиради деган умид пайдо бўлди. Шунинг учун маъбуд Браҳма уларни кўришдан хурсанд эди. сумадхйама ибораси “чиройли аёлнинг муносиб кизи” деган маънони билдиради. Кардама Мунининг ҳамма қизлари нодир гўзалликка эга сарвқомат кизлар эди.

Текст 15

Шунинг учун шу бугуноқ кизларингнинг ҳар бирининг хулқ-атворини ва истагини эътиборга олиб, уларни энг яхши донишмандларга эрга бер. Шунда сенинг шон-шуҳратинг бутун коинотга тарқалади.

Изоҳ: Коинотдаги тўққиз бош риши(донишманд) – Маричи, Атри, Ангира, Пуластья, Пулаха, Крату, Бхригу, Васиштха ва Атхарвалар ҳисобланади. Уларнинг ҳаммаси коинот ҳаётида жуда муҳим роль ўйнайди, шунинг учун маъбуд Браҳма Кардама Муни ўзининг тўққиз кизини айнан уларга турмушга беришини истаган эди. Мазкур шеърдаги йатха-шилам ва йатха-ручи иборалари асосий сўзлар ҳисобланади. Кардама ўзининг қизларини ришиларга ўз билганича эмас, балки уларнинг истақлари ва хулқ-атворини ҳисобга олган ҳолда турмушга бериши лозим эди. Эр-хотин бўладиган жуфтларни танлаш санъати шундан иборат. Эрак билан аёл фақат бир бирига жинсий яқинлик асосида никоҳ қурмаслиги керак. Оила қурганда бошқа жуда кўп нарсаларга эътибор бериш керак, биринчи навбатда бўлғуси эр-хотинларнинг хулқ-атвори ва истақлари, мойиллигига аҳамият бериш лозим. Агар эрак билан аёлнинг хулқ-атвори бир бирига мос бўлмаса, уларнинг интилишлари бир хил бўлмаса, уларнинг оилавий турмуши муваффақиятли бўлмайди. Ҳиндистонда хали қирқ йиллар олдин ҳам ёшларни никоҳдан ўтказишдан олдин уларнинг хулқ-атвори ва табиий мойилликлари таққослаб кўрилар, фақат шундан кейин уларнинг никоҳдан ўтиб оила қуришига рухсат бериларди. Бу ишлар билан ёшларнинг ота-оналари шуғулланарди. Йигит ва кизнинг тақдирини, гороскопини ўрганиб, уларнинг хулқ-атворини ва мойиллигини, бир бирига қанчалик мос келишини аниқлашарди. Агар улар бир бирига мос келадиган бўлса, бу масала ҳал бўлган ҳисобланарди: “Бу йигит билан киз бир бирига мос келади, улар оила қуришлари лозим”. Бошқа маълумотларга унчалик катта аҳамият берилмасди. Олам яралиши тонгида маъбуд Браҳма ҳам айнан шу қоидага амал қиляпти: “Сен кизларингнинг хулқ-атворини ва мойиллигини ҳисобга олган ҳолда танлаб, уларни донишмандларга эрга беришинг керак”.

Астрологик ҳисоб-китоблар ҳар бир шахснинг табиати қандай эканини – иблис табиатлими ёки илоҳий табиатга эга эканини аниқлаш имконини беради. Бўлғуси эр-хотинларга жуфт танлашда ана шунга

алоҳида эътибор бериледи. Эзгу ниятли киз болани эзгу ниятли йигитга турмушга берадилар, иблис табиатли киз бола эса, ўзига ўхшаган иблис табиатли йигитга турмушга чиқиши лозим. фақат шундагина улар оилада бахтиёр турмуш кечири оладилар. Агар киз бола иблис табиатли бўлса, йигит эса фариштасифат бўлса, улар оила куриши мумкин эмас, чунки бундай оила уларга ҳеч қачон бахт келтирмайди. Ҳозирги даврда йигит ва киз бир бирининг табиатини ҳисобга олмаган ҳолда турмуш қургани сабабли оилаларнинг аксарият кўпчилиги бахтсиз бўлиб, ажралиб кетяптилар.

"Шримад Бҳагаватам"нинг ўн иккинчи кўшиғида айтилганки, Кали юга даврида одамлар фақат жинсий алоқа қилиш учун оила қурадилар: агар жинсий яқинлик йигит билан қизга лаззат келтирса бас, улар оила қурадилар, улар ўзаро жинсий алоқа қилишдан лаззат олмай қолган заҳоти ажралиб кетадилар. Бундай никоҳни ҳатто никоҳ деб айтиш мумкин эмас. Эрақ билан аёлнинг бундай муносабатлари ит ва мушукларнинг ўзаро муносабатидан фарқ қилмайди. Шунинг учун Кали югада туғилган фарзандларни том маънода инсон деб айтиб бўлмайди. Фақат икки бор туғилган зотларгина инсон деган улўғвор номга эга бўлишга ҳақли. Аввалига инсон тақводор ота-она оиласида дунёга келади, кейин эса руҳий устоз ва Ведалар уни иккинчи бор дунёга келтирадилар. Биринчи ота-она унинг дунёга келишига шароит яратиб беради, шундан кейин руҳий устоз ва Ведалар унинг иккинчи ота-онаси бўлади. Одамлар фақат тақводор фарзандларни дунёга келтириш мақсадида оила қурадиган ведавий жамиятда эрақ ва аёлларнинг ҳаммаси руҳий илмга эга эдилар, улар фарзанд дунёга келтириш ниятида оила қурганида эса, ҳамма ишларни илмий асосда, чуқур фикр юритган ҳолда амалга оширганлар.

Текст 16

О Кардама, менга маълумки, азалий Парвардигор, Олий Шахс Худо Ўзининг ички қуввати ёрдамида ер юзида намоён бўлган. У тирик мавжудотларнинг барча истакларини бажаради, ҳозир У Капила Муни киёфасида мужассам бўлган.

Изоҳ: Мазкур шеърда пурушам аватирнам сва-майайа ибораси ишлатилган. Олий Шахс Худо ҳамиша пуруша, ҳукмдор ва лаззатланувчи бўлиб қолаверади. Моддий оламда пайдо бўлганда У моддий қувватдан ҳеч нарса олмайди. Руҳий олам Парвардигорнинг шахсий, ички қувватининг намоён бўлиши, моддий оламни эса, Унинг ташқи, яъни ажралиб чиққан қуввати яратган. Сва-майайа, яъни "Ўзининг ички қуввати ёрдамида" ибораси шуни билдирадики, ҳар гал Парвардигор моддий оламда пайдо бўлганида бу дунёга У Ўзининг ички қувватида келади. У инсон киёфасига кириши мумкин, лекин Унинг танаси моддий табиатга эга эмас. Шунинг учун "Бҳагавад-гита"да айтилганки, фақат аблаҳ ва ярамас, мудхалар Кришнанинг танасини оддий одамнинг танаси билан бир деб билладилар. Шевадхим ибораси қадим замонлардан бери бошқа барча тирик мавжудотларнинг ҳаётини зарур ҳамма нарса билан таъминлаб келади. Ведаларда ҳам айтилганки, Парвардигор – асосий тирик мавжудот, ва бошқа тирик мавжудотларнинг барча истакларини бажаради. Бошқа

барча тирик мавжудотларнинг барча эҳтиёжини кондиргани туфайли Уни Худо деб атайдилар. Парвардигор ҳам тирик мавжудот; Уни шахсиятсиз деб ҳисобламаслик керак. Парвардигор ҳам худди бизлар сингари алоҳида шахс сифатида эга. Лекин У олий тирик мавжудот, олий алоҳида шахс. Худо билан оддий тирик мавжудотлар орасидаги фарқ шундан иборат.

Текст 17

Сочлари олтинранг, кўзлари нилуфар гулини эслатадиган, нилуфар пойи қадамларида нилуфар белгилари бор Капила Муни одамларга сеҳрли йога илмини, муқаддас китоблардаги ҳақиқат илмини амалда қандай қўллаш кераклигини ўргатиб, уларнинг қалбини чуқур илдиз отиб кетган моддий оламда яшаш истагидан поклайди.

Изоҳ: Мазкур шеърда Капила Мунининг ташқи кўриниши ва Унинг миссияси ажойиб тасвирланган. Бу ерда Парвардигор Капила кўрсатадиган кароматлар башорат қилинган: У санхья фалсафасини шундай тушунтириб берадики, уни ўрганиш ёрдамида одамлар қалбида чуқур илдиз отиб кетган карма – натижасидан лаззатланиш ниятида кўрсатиладиган фаолиятга интилиш истагидан ҳалос бўла оладилар. Моддий оламда яшаётган ҳар бир тирик мавжудот ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланишга интилади. Ҳар бир инсон ҳалол меҳнат билан тўплаган мол-дунёсидан лаззатланиб бахтга эришаман деб ўйлайди, лекин аслида у ўз фаолиятининг карма оқибатларига баттарроқ ўралиб қолади. Токи биз муқаммал илмга эга бўлмас эканмиз, яъни токи Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирмас эканмиз, ана шу кармали фаолият тўрларидан озодликка чиқиб кетишнинг иложи йўқ.

Фалсафий изланишлар ёрдамида моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишга уриниб юрган кишилар ҳам тўғри йўлдан бораётган одамлардир, лекин Ведаларда айтилганки, Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши кармали фаолият билан шўғулланиш истагидан осон қутула олади. Капила Муни айнан ана шу мақсадда санхья фалсафасини тарғибот қилади. Шунингдек, бу ерда Унинг ташқи кўриниши ҳам таърифланган. Гьяна илмини дунёвий тадқиқот ишлари билан адаштирмаслик керак. Гьяна деганда шогирдлар силсиласида турган ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида муқаддас китоблар илмини ўрганиш назарда тутилади. Ҳозирги даврда одамлар ҳар хил тахминлар ва гипотезалар ўйлаб, фалсафий изланишлар ёрдамида ҳақиқатни англаб етишга интиладилар. Лекин, улар шартланган одамларга хос бўлган тўрт камчиликни эсдан чиқариб кўядилар: инсоннинг табиатида адашишга мойиллик бор, унинг сезгилари муқаммал эмас, улар алданадилар, бошқаларни алдашга интиладилар. Шогирдлар силсиласи орқали бериладиган муқаммал илмга эга бўлмаган киши фақат ўзини ҳам бошқаларни ҳам алдаб, ҳар хил назариялар ўйлаб топиши мумкин, ҳолос. Гьяна – муқаддас китобларда нозил қилинган, шогирдлар силсиласи орқали олинган илм, вигьяна эса - ана шу илмини амалда қўллашдир. Капила Муни ўргатган санхья

фалсафаси гьяна билан вигьянанинг синтези бўлган илохий илм ҳисобланади.

Текст 18

Кейин маъбуд Браҳма Девахутига мурожаат қилди: Эй Манунинг кизи, иблис Кайтабхуни ўлдирган Парвардигор, Олий Шахс Худонинг ўзи ҳозир сенинг корнингда. У сендаги ғофиллик ва шубҳаларнинг барча тугунларини чопиб ташлайди, кейин эса бутун оламни айланиб чиқади.

Изоҳ: Бу ерда ишлатилган авидья ибораси муҳим ахамиятга эга. авидья деб ўзининг асл табиатини эсдан чиқаришни айтадилар. Аслида ҳар биримиз алоҳида руҳмиз, лекин бизлар буни эсдан чиқариб юборганмиз. “Мен - танаман” деб ўйлаймиз. Авидья дегани мана шу бўлади. Самшайагрантхи ибораси “шубҳа-гумонлар” деган маънони англатади. Руҳ ўзини моддий оламга қиёслаб бошлаганида шубҳаю-гумонлар тугуни боғлана бошлайди. Ана шу тугунни аханкара, яъни “модда билан руҳнинг қўшилган жойи” деб ҳам атайдилар. Муқаддас китобларда берилган илохий илмни шогирдлар силсиласи орқали олиб, уни амалда қўллаб бошлагандан кейин инсон модда билан руҳнинг ана шу тугунини ечиш имкониятига эга бўлади. Маъбуд Браҳма Девахутини ишонтириб айтяптики, ундан тўғилган ўғил унга шундай илм ато этади, кейин эса санкхья таълимотини тарғибот қилиб бутун дунёни айланиб чиқади.

Самшайа ибораси “шубҳали илм” деганини билдиради. Фалсафий сафсаталар ва сохта йогларнинг кенг тарқалган ҳақиқатлари бошидан охиригача шубҳали. Ҳозирги йога таълимоти - ўзининг ҳар хил асаб томирларини уйғотиш ёрдамида инсон ўзининг худо эканини англаб этади – деган тасаввур асосида қурилган. Дунёвий файласуфлар ҳам шундай ўйлайдилар, аммо уларнинг барча таълимотлари кишида бирор ишонч уйғотмайди. Ҳақиқий илм "Бхагавад-гита"да берилган: “Кришна ҳақида ўйла, Кришнага сажда қил, Кришнанинг содиқ хизматкори бўл!” Ҳақиқий илм шундан иборат, ана шу йўлдан бораётган киши албатта руҳий баркамолликка эришади.

Текст 19

Сенинг ўғлинг барча руҳий баркамолликка эришган жонларнинг сардори бўлади. Уни барча ачарьялар, ҳақиқий илмнинг тажрибали тарғиботчилари тан олададилар, одамлар орасида у Капила деган ном билан шуҳрат қозонади. Эй Девахути, сенинг фарзандинг бўлиб дунёга келиб, У сенинг номингни ҳам барҳаёт қилади.

Изоҳ: Санкхья фалсафаси – Девахутининг ўғли Капила асос солган фалсафий тизим. Девахутининг ўғли бўлмаган бошқа Капила эса ҳеч ким эмас, сохта файласуф. Маъбуд Браҳма шуни тасдиқлапти, бизлар маъбуд Браҳмадан бошланадиган шогирдлар силсиласига мансуб бўлганимиз учун биз ҳам ҳақиқий Капила – Девахутининг ўғли, ҳақиқий санкхья фалсафаси – айнан шу Капила асос солган ва барча ачарьялар, илохий илм билимдонлари тан олган фалсафа деб билишимиз лозим. Сусаммата ибораси

“фикри ишонарли бўлган зотлар тан олган” деган маънони англатади.

Текст 20

Шри Майтрея деди: Кардама Муни ва унинг хотини Девахутига шу гапларни айтиб, коинотнинг яратувчиси, одамлар баъзан Хамса деб ҳам атайдиган маъбуд Браҳма ўзининг оққуш кемасига чиқди ва тўрт Кумар, Нарада Муни билан биргаликда барча уч сайёралар тизими ичида энг олий бўлган сайёрага қайтиб кетди.

Изоҳ: Бу шеърда хамсена йанена иборасига алоҳида эътибор бериш керак. хамса-йана – маъбуд Браҳма бутун коинот бўйлаб сайёр қилиб юрадиган ҳаво кемаси, унинг шакли оққушга ўхшайди. Ҳар нарсанинг мазмун-моҳиятини англаб ета билиш қобилиятига эга бўлгани туфайли баъзан маъбуд Браҳмани ҳам хамса деб атайдилар. Унинг даргоҳини три-дхама-парамам деб атайдилар. Коинот уч сайёралар тизимига бўлинган – олий, ўрта ва қуйи сайёралар, лекин маъбуд Браҳманинг даргоҳи ҳатто Сиддхалокадан, уч сайёралар тизими ичида энг юқори бўлган сайёрадан ҳам устун туради. Маъбуд Браҳма ўзининг даргоҳига тўрт Кумар ва Нарада Муни билан бирга қайтиб келди, чунки улар оила қурмоқчи эмасдилар. Маъбуд Браҳма билан бирга келган бошқа донишмандлар: Атри, Маричи ва бошқалар – ер сайёрасида қолдилар, чунки улар Кардаманинг қизларига уйланишлари лозим эди, лекин уларнинг акалари Санат, Санака. Санандана, Санатана ва Нарада Муни маъбуд Браҳма билан бирга оққушни эслатадиган ҳаво кемасида қайтиб кетдилар. Тўрт Кумар ва Нарада Муни найштхика-брахмачарилар ҳисобланади. Ҳеч қачон жинсий уруғлигини тўкмаган кишини шундай деб атайдилар. Тўрт кумар ва Нарада Муни акалари - Маричи ва бошқаларнинг никоҳ тўйида иштирок этмаслиги керак эди, шунинг учун улар отаси Хамса билан бирга қайтиб кетдилар.

Текст 21

О Видура, Браҳма кетгандан кейин Кардама Муни унинг амрини бажо келтирди ва ўзининг қизларини тўққиз донишмандга хотинликка берди. Уларнинг авлодлари бу дунёни тўлдирди.

Текст 22-23

Кардама Муни қизи Калани Маричига турмушга берди, бошқа қизи Анасуяни – донишманд Атрига берди. Шраддхани Ангира Мунига, Хавирбхани – Пуластьяга берди. Гатини у Пулахага эрга берди, эзгу ниятли Крияни – донишманд Кратуга, Кхьятини донишманд Бхригуга, Арундхатини – Васиштхага берди.

Текст 24

Қурбонлик маросимини муваффақиятли ўтишига ёрдам берадиган Шантини у донишманд Атхарвага хотинликка берди. Шу тариқа у брахманларнинг аълоларини уйлантирди ва то улар унинг уйини тарк этиб кетмагунча уларга хизмат кўрсатиб турди.

Текст 25

Донишмандлар уйланиб бўлгандан кейин Кардама Муни билан хайрлашдилар ва қувончдан яйраб ҳар бири ўз сайёрасига қайтиб кетди.

Текст 26

Кардама Муни ер юзига барча фаришталарнинг хукмдори, Парвардигор Вишнунинг Ўзи ташриф буюрганини билгандан кейин Парвардигор билан ёлғиз қолиб, Унинг олдида чуқур таъзим қилиб шундай деди.

Изоҳ: Парвардигор Вишнуни три-юга деб атайдилар. У уч юга – Сатья-юга, Трета-юга ва Двапара-юганинг ҳар бирида ер юзига ташриф буюради, аммо Кали-югада Парвардигор моддий оламда намоён бўлмайди. Лекин Прахлад Махаражнинг илтижоларидан билиб олишимиз мумкинки, Кали-югада Парвардигор ер юзига Худонинг содиқ хизматкори қиёфасида келади. Парвардигорнинг ана шу қиёфаси Парвардигор Чайтанья ҳисобланади. Парвардигор Шри Кришна Ўзининг содиқ хизматкори қиёфасида мужассам бўлди, гарчи У Ўзини ҳеч кимга ошкор этмаган бўлса ҳам, Рупа Госвами дарров Уни таниб олди, чунки Парвардигор ҳеч қачон Ўзининг асл содигининг кўзидан яширина олмайди. Рупа Госвами Унга биринчи марта сажда қилган заҳоти Уни таниб олди. У олдида турган зот Парвардигор Шри Кришна эканини билиб қолди ва Унга шундай мазмундаги шеър битди: “Мен ер юзига Парвардигор Чайтанья қиёфасида келган Парвардигор Шри Кришна олдида чуқур эҳтиром билан сажда қиламан”. Прахлад Махараж ҳам ўзининг илтижоларида шуни тасдиқлайди: Кали-югада Парвардигор ер юзига Парвардигор бўлиб келмайди, У Ўзининг содиқ хизматкори қиёфасида намоён бўлади. Шунинг учун Парвардигор Вишнуни три-юга деб атайдилар. Три-юга деган ном яна шуни англатадики, Парвардигор уч жуфт илоҳий сифатга эга – илоҳий қудрат ва бойлик, эзгулик ва шон-шухрат ҳамда донишмандлик ва боғланмаслик. Шриддхара Свамининг фикрига кўра, Парвардигорнинг уч жуфт бойлиги барча бойликлар ва барча куч-қудрат, барча шон-шухрат ва барча гўзаллик, бутун илм ва тўла мустақиллик ҳисобланади. Три-юга иборасини ҳар ким ҳар хил изоҳлашига қарамай, муқаддас китобларнинг барча билимдонлари три-юга дегани Вишну эканини бир овоздан тан оладилар. Кардама муни ўзининг ўгли Капила Парвардигор Вишнунинг Ўзи эканини тушуниб етгандан кейин Унга муносиб ҳурмат эҳтиром кўрсатишни хохлади. Шунинг учун У билан ёлғиз қолиб, Кардама Парвардигор олдида сажда қилди ва Унга ўзининг қалбидаги фикрларини ошкор этди.

Текст 27

Кардама Муни деди: Ниҳоят, шунча вақт ўтгандан кейин, ўзларининг гуноҳлари сабабли моддий олам зиндонидида азоб чекиб ётган ғариб тирик мавжудотлар бу коинотни бошқариб турган фаришталарни мамнун қилишга эришдилар.

Изоҳ: Моддий олам – азоб-укубатлар уммони, бунга сабаб эса, унда яшаётган тирик мавжудотларнинг, шартланган рухларнинг содир қилаётган гуноҳ ишларидир. Шартланган рухларнинг чекаётган мусибатларига қандайдир ташқи кучлар сабабчи эмас, уларнинг ўзлари гуноҳ ишлари оқибатида келажакда ўзлари учун ҳар хил бахтсизликлар тайёрлайдилар. Ўрмонда ўзидан ўзи ёнғин пайдо бўлади. Ҳеч ким

ўрмонга бориб атайлаб ўт қўймайди. Ўрмонда ўсаётган дарахтларнинг бир бирига ишқаланиши сабабли ўзидан ўзи ёнғин чиқади. Моддий олам ўрмонида ловуллаб ёнаётган ёнғин тафти жуда кучли куйдира бошлаганида, унинг иссиғидан қийналаётган маъбуд Брахма бошлиқ фаришталар ўзларининг мусибатини енгиллатишни тилаб Парвардигорга илтижо қиладилар. Фаришталарнинг илтижолари билан Олий Шахс Худо моддий оламга ташриф буюради. Бошқача қилиб айтганда, шартланган рухларнинг азоб-укубатлари фаришталарнинг тинчини бузганида улар Парвардигордан уларнинг мусибатини енгиллатишни илтимос қиладилар, шунда Олий Шахс Худо моддий оламга ташриф буюради. Парвардигор бу дунёга ташриф буюрганида барча фаришталар қалби қувончга тўлиб яйраб кетадилар, шунинг учун Кардама муни: “Ниҳоят, одамлар шунча йиллар мусибат чеккандан кейин барча фаришталар ўзларини бахтиёр ҳис қила бошладилар, чунки Олий Шахс Худонинг мужассам бўлган қиёфаси Капила моддий оламга ташриф буюрди”.

ТЕКШИРДИ

Текст 28

Кўпдан кўп умрлар давомида барқамолликка эришган йоглар хилват жойга кетадилар ва бор кучини Олий Шахс Худонинг нилуфар қадамлари пойини кўришга сарфлаб, илоҳий жазавага ғарқ бўладилар.

Изоҳ: Бу шеърда йога билан шуғулланиш жараёнининг бир неча жуда муҳим жиҳатлари кўрсатиб ўтилган. Баху-жанма-випаквена дегани “йога билан шуғулланишга бағишланган кўплаб умрлардан кейин” деган маънони билдиради. Самйаг-йога-самадхина ибораси эса “йогада барқамолликка эришгандан кейин” деган маънони билдиради. Йога билан шуғулланишнинг мукамал ҳолати бхакти-йога ҳисобланади; токи инсон бхакти-йога поғонасига кўтарилмас экан, яъни, то у ўз ихтиёрини Олий Шахс Худого топширмас экан, уни йогада барқамолликка эришган деб бўлмайди. Бу ҳақиқат “Бҳагавад-гита”да ҳам тасдиқланади. Бахунам жанманам анте: кўплаб умрлар давомида гьяниллар мукамал илоҳий илмга эга бўладилар ва ўз ихтиёрини Худого топширадилар. Бу ерда Кардама Муни ҳам шу ҳақда гапиряпти. Кўплаб умрлар давомида йога билан шуғуллангандан кейин сеҳргар-йог барқамолликка эришади ва хилват жойга бориб, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини томоша қилишга ғарқ бўлади. Баъзи бировлар йогада барқамолликка эришиш учун бир неча асаналарни ўрганиш керак деб ҳисоблайдилар. Лекин аслида бундай эмас. Комил йог бўлиш учун узоқ вақт, “кўплаб умрлар давомида”, хилват жойда йога билан шуғулланиш лозим. Шаҳарда ёки шаҳар хиёбонида озгина вақт муруқабга қилиш ҳамда “йога бўйича устозга катта тўлаш” уларни Худо даражасига етказди, деб юрган одамлар ёлғон ташвиқот қурбони бўлган ғофил одамлардир. Ҳақиқий йоглар хилват жойда йога билан шуғулланадилар ва кўплаб умрларини сарфлагандан кейин ниҳоят, ўз ихтиёрини Парвардигорга топшириб, руҳий барқамолликка эришадилар. йога камолоти шундан иборат.

Текст 29

Лекин Олий Шахс Худо, ўша Парвардигорнинг Ўзи, бизга ўхшаган оилали одамларнинг ихлоссизлигига (нерадивость ???) қарамай, содиқ хизматкорларини қўллаб-қувватлаш учун бизларнинг хонадонимизда дунёга келади.

Изоҳ: Худонинг содиқлари Парвардигорни шу қадар кучли севадиларки, Парвардигор кўплаб умрлар давомида хилват жойга бориб йога билан шуғулланиб юрган йоглар олдига боришга шошилмайди, лекин, Худога садоқат билан ҳолис хизмат қилиб юрган ва йога билан жисмонан шуғулланиб юрмаган оилали одамлар хонадониди дунёга келади. Бошқача қилиб айтганда, Худога садоқат билан хизмат қилиш шу қадар осон ва содаки, ҳатто оилали одамлар ҳам бу йўлдан бориб, уларнинг оиласининг аъзоси бўладиган, масалан, Кардама Мунининг ўғли бўлгани сингари, ўғли бўлиб туғиладиган Парвардигорнинг жамолини кўра оладилар. Кардама Муни оилали одам эди, лекин шунга қарамай, Олий Шахс Худо мужассам бўлган Капила Муни унинг ўғли бўлиб дунёга келди.

Худога садоқат билан хизмат қилиш шу қадар қудратли илохий усулки, илохий ўзликни англашнинг бошқа барча йўлларида устун туради. Шунинг учун Парвардигор У Вайкунтхада ҳам эмас, йогларнинг қалбида ҳам эмас, балки Худонинг асл содиқлари Унинг шон-шухратини бетиним шарафлаб куйлайдиган уйларда бўлишини айтқади. Олий Шахс Худонинг номларидан бири – бахкта-ватсала. Уни ҳеч қачон гьяни-ватсала ёки йоги-ватсала деб эмас, балки бхакти-ватсала деб атайдилар, чунки У барча илохийгчилар орасида Ўзининг содиқ хизматкорларига алоҳида ғамхўрлик қилади. "Бхагавад-гита"да ҳам айтилганки, фақат Худонинг содиқлари Парвардигорнинг ҳақиқатан ҳам англаб ета оладилар. Бхактия мам абхиджанати: "Мени фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида англаб етиш мумкин, бунинг бошқа йўли йўқ". Худони англашнинг бошқа ҳар қандай йўли ҳақиқий йўл эмас, чунки гьянилар, эмпирик-файласуфлар фақат Олий Шахс Худонинг танасидан таралиб турган ёғдуни англай оладилар, йоглар – Олий Шахс Худонинг қисман намоён бўлган жиҳати, Параматмани англаб етадилар, бхаткилар эса, Парвардигор қандай бўлса шундайлигича англаб қолмасдан, Олий Шахс Худо билан шахсан мулоқотда бўлиш имкониятига эга бўладилар.

Текст 30

Кардама Муни деди: Эй азиз Парвардигор, Сен хамиша Ўз содиқ хизматкорларининг шон-шухратини оширишни ўйлаб юрасан, шунинг учун Сен берган ваъдангнинг устидан чиқиб, одамлар орасида ҳақиқий илми тарғибот қилиш учун ҳозир менинг хонадонимда пайдо бўлдинг.

Изоҳ: Кардама Муни йогада баркамолликка эришганида Парвардигор унинг олдида пайдо бўлиб, унинг ўғли бўлиб дунёга келишга ваъда берган эди. Ўз ваъдасининг устидан чиқиш учун У ер юзида Кардама Мунининг ўғли киёфасида мужассам бўлди. Унинг бу дунёга келишидан кўзлаган яна бир мақсади чикиршур бхагаван джнанам – илм тарқатиш. Шунинг учун Уни бхактанам мана-вардханах, яъни, "Ўзининг

содиқларининг обрўсини оширадиган Зот" деб ҳам атайдилар. Санкхья фалсафасини тарғибот қилар экан, Парвардигор Капила Ўзининг содиқ хизматкорларининг обрўсини қўллаб-қувватлади. Шундай қилиб, санкхья фалсафаси билан абстракт(чекланган) дунёвий фалсафий таълимотлар орасида ҳеч қандай умумийлик йўқ. Санкхья фалсафаси – Худога садоқат билан хизмат қилиш таълимотидир. Агар санкхья фалсафасининг мақсади Худога садоқат билан хизмат қилиш эмас, бошқа нарса бўлганида, бу фалсафани тарғибот қилиш билан Худонинг содиқларининг обрўсини қандай ошириш мумкин бўларди? Худонинг содиқларини чекланган фалсафий илмлар қизиқтирмайди, демак, Парвардигор Капила тарғибот қилган санкхья фалсафаси фақат одамларни Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига олиб чиқиш учун мўлжалланган. Ҳақиқий илмга эга бўлиш ва ҳақиқий озодликка эришиш – ўз ихтиёрини Худога топшириш ва ҳаётини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлашдан иборат.

Текст 31

Эй Парвардигор, Сенинг моддий тананг йўқ, шунга қарамай, Сен сон-саноксиз киёфаларга эгасан. Улар содиқ хизматкорларингга чексиз қувонч келтирадиган Сенинг ҳақиқий илохий киёфаларингдир.

Изоҳ: "Брахма-самхита"да Парвардигор ягона Мутлак Ҳақиқат деб аталган; У битта, лекин Унинг чексиз кўп киёфалари(ананта) мавжуд. адвайтам ачйутам анадим ананта-рупам. Бошланғич илохий киёфа бўлган ҳолда Парвардигор айна пайтда сон-саноксиз кўп киёфаларга эга. Парвардигорнинг сон-саноксиз киёфаларининг ҳаммаси илохий табиатли бўлиб, У уларни ўзининг сон-саноксиз содиқ хизматкорларининг истақларини бажариш учун намоён этади. масалан, Парвардигор Рамачандранинг буюк содиғи Хануман бир куни шундай деган эди: "Лакшмининг рафиқаси Нараяна билан Ситанинг эри Рама аслида бир шахс эканини биламан. Лакшми билан Сита бир биридан умуман фарқ қилмаслигини мен яхши биламан, лекин барибир, мен Парвардигор Рамачандрани ҳаммадан яхши кўраман". Бошқа содиқлар Парвардигорнинг бошланғич киёфаси – Кришнага сиғинадилар. Кришна деганда биз Парвардигорнинг ҳамма киёфаларини, фақат Кришнани эмас, балки Рамани, Нрисимхани, Варахани, Нараянани ва бошқаларни назарда тутамиз. Парвардигорнинг ҳар хил илохий киёфалари бир вақтнинг ўзида мавжуд. бу ҳақда ҳам "Брахма-самхита"да айтилган: рамади-муртишу...наватарам. Парвардигор сон-саноксиз турли киёфаларда мавжуд, лекин уларнинг бирортаси моддий табиатга эга эмас. Шриддхара Свами буни шундай тушунтиради: арупинах, яъни "киёфага эга эмас"дегани, Парвардигорнинг "моддий киёфага эга эмас"лигини билдиради. Албатта, Парвардигорнинг киёфаси бор, акс ҳолда бу ерда: тани эва те бхирупани бхагавамс тава – "Сенинг киёфаларинг бор, лекин уларнинг ҳаммаси моддий табиатга эга эмас. Сенинг моддий киёфанг йўқ, лекин сон-саноксиз рухий, илохий табиатли таналаринг бор". Майявади-файласуфлар Парвардигорнинг илохий табиатини англаб етишга қодир эмаслар. Бунга эришишдан умидларини узиб, улар Парвардигорни

шахсиятсиз деб эълон қиладилар. Лекин бу ҳақиқатга тўғр келмайди; каерда қиёфа бор бўлса, ҳамиша шу ерда албатта шахс ҳам мавжуд бўлади. Ведавий муқаддас китобларда Парвардигор такрор ва такрор пуруша, яъни “азалий қиёфа, азалий лаззатланувчи” деб аталган. Шундай қилиб, Парвардигор моддий қиёфага эга эмас, лекин, ҳар хил содиқларнинг истагини бажариб. У Ўзини Рама, Нрисимха, Вараха, Нараяна ва Мукунда сингари кўплаб илоҳий қиёфаларда намоён этади. Парвардигорнинг минглаб қиёфалари мавжуд, лекин уларнинг ҳаммаси вишну-таттва, Кришна ҳисобланади.

Текст 32

Эй Парвардигор, Сенинг нилуфар пойи қадамларинг Мутлак Ҳақиқатни англаб етишга интилиб юрган буюк донишманд сажда қилса арзийдиган муносиб саждагоҳдир. Сен – бутун бойликлар ва эркинлик, илоҳий шон-шухрат, илм, куч ва гўзаллик манбаисан, шунинг учун мен ҳам Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сажда қиламан.

Изоҳ: Мутлак Ҳақиқатни англаб етишга интилиб юрган кишилар Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан нажот топиб, Унга сажда қилишлари лозим. "Бҳагавад-гита"да Парвардигор Аржунни такрор ва такрор Унга ўз ихтиёрини тпширишга чақиради, айниқса тўққизинчи боб охирида У шундай дейди: ман-мана бхава мад-бхактах – “Агар сен руҳий баркамолликка эришишни истасанг, фақат Мен ҳақимда ўйла, Менинг содиқ хизматкорим бўл, Мени ҳурмат қил ва Менга сажда қил. Шунда сен Мени, Худо Шахсини англаб етасан, охир-оқибатда Менга, ўз уйингга, Худонинг даргоҳига қайтиб келасан”. Нимага? Парвардигор мазкур шеърда санаб ўтилган олти хил мукамалликка эга: бойлик, эркинлик, шон-шухрат, илм, куч ва гўзаллик. Пуртам ибораси “тўлиқ равишда” деганни билдиради. Кришнадан бошқа ҳеч ким бу дунёдаги барча бойликларнинг тўлиқ эгасиман деб даъво қилолмайди, чунки ҳақиқатан ҳам дунёдаги ҳамма бойликлар Унинг мулки ҳисобланади. Бундан ташқари У бутун илм, эркинлик, барча кучлар ва барча гўзалликлар соҳибидир. У ҳар жиҳатдан тўла бутун. Ҳеч ким Ундан устун бўла олмайди. Кришнанинг номларидан бири – асамаурдхва дегани бутун дунёда Унга тенг келадиган ёки Ундан буюкроқ бирор зот йўқлигини билдиради.

Текст 33

Мен Капила қиёфасида мужассам бўлган, ҳар нарсага қодир қудрати билан тўла мустақил ҳамда илоҳий табиатга эга Олий Шахс Худого ўз ихтиёримни топшираман; мен ўз ихтиёримни Унга - моддалар бирикмасининг ҳукмдорига ва қудратли Замонга, моддий табиат гуналари ҳукми остидаги барча коинотларнинг мавжудлигини таъминлаб турган ҳамда моддий коинот яқсон бўлганда уни яна Ўзининг ичига тортиб оладиган, ҳар нарсадан хабардор Парвардигорга топшираман.

Изоҳ: Мазкур шеърда ўзини ўғли Капила Мунини парам деб атаб, Кардама муни Парвардигорнинг олти хил мукамаллигини назарда тутяпти: бойлик, куч,

Шон-шухрат, гўзаллик, илм ва эркинлик. Парам ибораси "Шримад Бҳагаватам"нинг биринчи шеърда, парам сатйам бирикмасида учрайди. Унда бу сўзлар суммум бонум, яъни Олий Шахс Худони ифодалаган. Парам иборасининг мазмунини ундан кейинги, “асосий”, “бош”, “бутун борлиқнинг манбаи” деган маънони англатадиган прахнама ибораси тўларок ифодалайди – сарва-карана-каранам, яъни “барча сабаблар сабабчиси”. Парвардигор, Олий Шахс Худо жонсиз, ўлик зот эмас, У – пурушам, яъни лаззатланувчи, бошланғич шахс. У – ҳар нарсадан хабардор, У – мангу Замон. Унга ҳамма нарса аён – ўтмиш, ҳозир ва келажак, буни "Бҳагавад-гита"(7.26)да Парвардигорнинг Ўзи ҳам тасдиқлайди: “Менга ҳамма нарса аён – оламнинг ҳамма жойидаги ҳозир, ўтмиш ва келажак”. Моддий табиат гуналари ҳукми остидаги моддий олам ҳам Унинг қувватининг намоён бўлган кўриниши. Парасйа шактир вивидхаива шруйате: биз кўриб турган нарсаларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг қувватларининг ўзаро фаолиятидир (“Шветашватара-уп”,6.8). "Вишну-пурана"да парася брахманах шактис татхедам акхилам джагат – деб ёзилган. Бизни ўраб турган нарсаларнинг ҳаммаси моддий табиатнинг уч гунасининг ўзаро фаолияти эканини тушуниб олиш қийин эмас, лекин аслида бу Парвардигорнинг қувватларининг ўзаро фаолиятидир. Лока-палам: У – барча тирик мавжудотларнинг посбони. Нитйо-нитйанам: У – барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори; У ягона, лекин сон-саноксиз тирик мавжудотларнинг мавжудлигини таъминлаб туради. Парвардигор барча тирик мавжудотларга ғамхўрлик қилади, лекин Унинг Ўзи ҳеч кимнинг ғамхўрлигига муҳтож эмас. Унинг сваччханда-шакти сифати шундай намоён бўлади: У ҳеч кимга бирор жиҳатдан қарам эмас. Баъзи бировлар ўзини мустақил деб ҳисоблайдилар, лекин барибир улар қарам бўлган кимдир бор. Лекин Парвардигор, Худо Шахси мутлак эркин Зот; бутун борлиқда Унга тенг келадиган ёки Ундан устун бўлган бирор тирик мавжудот мавжуд эмас.

Капила Муни ер юзига Кардама Мунининг ўғли бўлиб келди, лекин, Капила Муни Олий Шахс Худо мужассам бўлган Зот бўлгани учун Кардама Муни Унинг олдида чуқур эҳтиром билан бош эгди ва Унга ўзини топширди. Бу ерда яна бир жуда муҳим ибора ишлатилганб атманубхутйанугата-прапанчам. Парвардигор моддий оламда Капила, Рама, Нрисимха ёки Вараха қиёфаларида намоён бўлади, лекин У мужассам бўладиган қиёфаларнинг ҳаммаси Унинг шахсий ички қувватининг намоён бўлган кўринишларидир. Уларнинг моддий қувватга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Оддий тирик мавжудотлар моддий оламга келганда моддий қувват яратган таналарга эга бўладилар, аммо моддий оламга Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзи, Унинг экспансияларидан бири ёки Унинг экспансиясининг қисман намоён бўлган қиёфалари келганида, уларнинг танаси гарчи моддий табиатга эгадай бўлиб кўринса ҳам, аслида ундай эмас. Парвардигорнинг танаси ҳамиша илоҳий табиатга эга бўлиб қолаверади. Муддхалар деб аталадиган аблаҳ ва ярамаслар Парвардигорни оддий тирик мавжудот деб ҳисоблайдилар, шунинг учун Унинг усидан куладилар. Кришнани англашга қодир бўлмаганидан улар Уни Олий Шахс Худо деб тан олишдан бош тортадилар.

"Бхагавад-гита"да Парвардигор Шри Кришна шундай дейди: аваджананти мам мудхах: "аблаҳ ва ярамас одамлар Менинг устимдан куладилар". Агар Парвардигор бирор танада мужассам бўлса, бу Унинг моддий табиат хизматидан фойдаланяпти дегани эмас. Моддий оламга ташриф буюрар экан, Парвардигор шу ерда яшайдиган одамларга Ўзининг рухий киёфасини намоён этади, У Ўзининг рухий салтанатида ҳам айнан шу танада бўлади.

Текст 34

Бугун мен Сенга, барча тирик мавжудотларнинг Парвардигорига бир илтимос билан мурожаат қилишга қарор қилдим. Сен мени отага нисбатан барча мажбуриятлардан халос этганинг ва барча орзуларим рўёбга чиққани туфайли, энди мен гадой қаландар бўлиб яшамоқчиман. Оилавий турмушни тарк этиб, мен қалбимда фақат Сен ҳақингда ўйлаб, ҳеч нарсадан ташвишланмасдан дунё кезиб юраман.

Изоҳ: Санньяса, яъни оилавий турмушдан воз кечиб таркидунё килиб яшаш деганда инсоннинг онги Кришна онгига ҳамда ўзининг рухий "мен"ига бутунлай ғарқ бўлишини назарда тутди. Санньяса турмуш тарзини янги оила қуриш ёки ўзининг мартабасини ниқоб қилиб олиб, илоҳийлик никоби остида ҳар хил шармандали ишлар билан шуғулланиш учун қабул қилмайдилар. Санньяси ўзига кўп кийим-кечак тўпламаслиги ёки одамларнинг ишонувчанлигидан фойдаланиб, улардан кўп пул тўпламаслиги керак. санньяси қалбининг тўрида ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юриши билан фахрланади. Албатта, Худонинг содиқлари икки тоифа бўлиши эсдан чиқармаслик керак. Бир содиқлар гоштхй-ананди деб аталадилар, улар тарғиботчилар бўлиб, уларнинг Парвардигорнинг шон-шуҳратини оламга тарқатишда ёрдам берадиган издош ва шогирдлари кўп бўлади. Бундай содиқлар ўзларининг издошлари даврасида яшайдилар ва Ҳақиқат илмини тарғибот қилиш билан шуғулланадилар. Бошқа тоифа содиқлар атмананди деб аталади ва улар қалбида Парвардигорни эслаш билан лаззатланиб яшайдилар, улар тарғибот қилиш ташвишларини ўз зиммасига олишни истамайдилар. Шунинг учун улар қалбидаги Парвардигор билан ёлғиз қолишга интилиб, бошқа одамлар билан ҳамсуҳбат бўлишни, уларга Парвардигорнинг шон-шуҳратини тарғибот қилишни истамайдилар. Кардама Муни ҳам ана шундай содиқлар тоифасидан эди. У дунёвий ҳаётнинг ташвишларидан бутунлай халос бўлишга ва қалбидаги Парвардигор билан яккама-якка қолишга интиларди. Паривраджа ибораси "гадой қаландар" деган маънони билдиради. Гадой қаландар бир жойда уч кундан ортик вақт қолмаслиги керак. у ҳамиша саёҳатда юриши лозим, чунки унинг бурчи – эшикма-эшик юриб, одамларга Парвардигор Кришна ҳақида гапириб, рухий илм тарқатишдан иборат.

Текст 35

Худо Шахси Капила шундай деди: Мен айтган ёки муқаддас китобларда ёзилган ҳар бир гап моддий оламда яшаётган ҳар бир инсон учун қонундир. Эй донишманд, бир пайтлар Мен сенинг ўғлинг бўлишга

ваъда берган эдим, шу ваъдамнинг устидан чиқиш учун мен ҳозир ер юзига келдим.

Изоҳ: Кардама Муни ҳаётини бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаш учун оиласини тарк этмоқчи эди. Лекин у Парвардигорнинг Ўзи Капила киёфасида мужассам бўлиб унинг уйида дунёга келган ва унинг ўғли бўлганини биларди. Нимага у шунга қарамасдан рухий ўзлигини англаб етиш ҳамда Худони излаш учун уйини тарк этиб кетмоқчи бўляпти? Агар Кардама Мунининг уйида Парвардигорнинг Ўзи пайдо бўлган бўлса, унинг қаергадир кетишининг нима кераги бор? Бу жуда ўринли савол. Лекин мазкур шеърда айтилганки, Ведаларда ёзилган ҳар бир гап ёки Ведаларга асосланган ҳар қандай урф-одат ҳамма учун қонун бўлиши лозим. Ведаларда инсон эллик ёшга тўлгандан кейин уйини тарк этиши лозимлиги айтилган. Панча-шордхвам ванама враджет: ёши элликка боргандан кейин эрақ киши оиласини тарк этиб ўрмонга кетиши лозим. Ведаларнинг ишончли кўрсатмаси шундан иборат. Бу қонун инсон ҳаётининг тўрт поғонасига асосланган: брахмачарья, грихастха, ванапрастха ва санньяса.

Кардама Муни уйлангунга қадар брахмачарья қодаларига қатъий риоя қилиб, йога билан шуғулланиб юрди. Натижада у шу қадар қудратли сеҳр қудратига эга бўлдики, унинг отаси маъбуд Браҳманинг ўзи унга уйланишни ва оила қуриб фарзандлар дунёга келтиришни буюрди. Кардама Муни отасининг шу амрини бажарди; тўққиз ажойиб қиз фарзанди ва битта ўғли, Капила Муни туғилгандан кейин, у оилали киши бурчини бажарган, энди уйини тарк этиб кетиши лозим эди. Унинг ўғли Олий Шахс Худо, Парвардигорнинг Ўзи бўлишига қарамасдан, у Ведаларнинг қонунларига қатъий риоя қилиши лозим эди. Унинг бу иши бизларнинг ҳар биримиз учун жуда муҳим сабоқ бўлиши лозим. Ҳатто Парвардигорнинг Ўзи уйимизда дунёга келиб, ўғлимиз бўлган бўлса ҳам, бизлар барибир Ведаларнинг кўрсатмасини бажаришимиз лозим. маҳаджано йена гатаҳ са пантхаҳ – буюк шахслар кўрсатиб кетган йўлдан оғишмай бориш керак.

Кардама Муни кўрсатиб кетган йўл ўрнат олса арзийдиган йўл: Олий Шахс Худонинг отаси бўлиб туриб ҳам у Ведаларнинг кўрсатмасини ҳурмат қилиб уйини тарк этди. Бу ерда Кардама Муни уйдан кетишдан қўзлаётган асосий мақсадини айтяпти: дунё кезиб юриб, фақат садақа сўраш билан тирикчилик қилиб, қалбининг тўрида у ҳамиша Олий Шахс Худони эслаб юради ва шу тарика дунёвий ҳаётнинг барча ташвишларидан халос бўлади. Кали-югада санньяса қабул қилиш таъқиқланган, чунки ҳозирги даврда ҳамма шудра бўлиб туғилади ва шунинг учун санньяси қодаларига қатъий риоя қилиб яшашга қодир эмаслар. Шунинг учун сохта санньясиларнинг бемаъни одатларни тарк этолмаётганини, ҳатто аёллар билан жинсий алоқа қилиб юрганини тез-тез учратиш мумкин. Кали юганинг инкор этиб бўлмайдиган жирканч ҳақиқати ана шундан иборат. Санньяси либосини кийиб олган бўлишига қарамай улар дунёвий ҳаётнинг тўрт турли гуноҳ ишларини тарк эта олмайдилар: ноқонуний жинсий ҳаёт, гўшт ейиш, маст қиладиган нарсалар истеъмол қилиш ва қимор ўйнаш. Ана шу тўрт турли гуноҳ ишлар чангалига тушиб қолган сохта санньясилар

ўзларини свами қилиб кўрсатиб, одамларни алдаб юрадилар.

Ведалар қонуни бўйича Кали югада санньяса қабул қилиш таъқиқланган. Албатта, санньяса турмуш-тарзининг барча қондаларига қатъий риюя кишига кучи етган киши санньяса қабул қилиши лозим. Лекин, одамларнинг аксарият кўпчилиги санньяса турмуш тарзи билан яшашга қодир эмаслар, шунинг учун Чайтаня Махапрабху алоҳида таъқидлаб айтган: калау настй эва настй эва гатиранийатха. Ҳозирги даврда Худонинг муқаддас номларини зикр қилишдан бошқа йўл йўқ, йўл йўқ, йўл йўқ: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Санньяса қабул қилишдан асосий мақсад – Парвардигор ҳақида ўйлаб юриш ёки У ҳақида тинглаш орқали ҳамшиша Худони эслаб юришдан иборат. Кали юга даврида ўйлашдан кўра тинглаш муҳимроқ, чунки бу даврдаги одамларнинг ақли хотиржам эмас, у ҳар нарсага чалғиб, Парвардигор ҳақида узлуксиз ўйлаш имконини бермайди; лекин, агар биз ақлимизни Ҳаре Кришна мантрасини тинглашда жамласак, ўзидан-ўзи Кришнанинг номлари билан мулоқот қилган бўламиз. Кришна билан Унинг номининг бир биридан фарқ қилмайди, шунинг учун овозини чиқариб “Ҳаре Кришна” деб айтган киши ўзидан ўзи Кришна ҳақида ўйлай бошлайди. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш Кали-юга даврида руҳий ўзликни англашнинг энг яхши усули ҳисобланади, шунинг учун Парвардигор Чайтанья бутун инсоният манфаатини ўйлаб, ана шу илоҳий фалсафани сўнмас шижоат билан бутун оламга тарқатди.

Текст 36

Мен одамларга кераксиз моддий истаклардан халос бўлишга интилиб юрган зотларнинг фикрига кўра, руҳий ўзликни англаш жараёнида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган санкхья фалсафасини ўргатиш учун келганман.

Изоҳ: Мазкур шеърда дурашайат ибораси муҳим аҳамиятга эга. дур ибораси “ташвиш”, яъни дукха, “изтироб” негиздан ҳосил бўлади. ашайат дегани эса “паноҳ жойидан” деганни билдиради. Биз шартланган руҳлар чексиз ташвиш ва мусибатлар макони бўлган моддий тана ичида паноҳ излаб юрибмиз. Нодон одамлар шуни тушуна олмайдилар, ана шу оддий ҳақиқатни тушуна олмасликнинг сабабини ғофиллик, яъни майянинг алдови(шайтоннинг шаъри) деб атайдилар. Одамлар шу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари ва охир-оқибатда барча мусибатларининг манбаи моддий тана эканини англаб етишлари лозим. Ҳозирги замон маданияти илмий тараққиёт йўлидан ривожланипти деб айтадилар, лекин аслида шу илмий тараққиёт нима ўзи? Илмий тараққиётнинг ўз олидга кўйган ягона мақсади тана учун қулайлик яратишдан иборат; одамлар ҳеч тушуна олмайдиларки, ўзларининг танасига қанчалик қулайлик яратмасинлар, уларнинг ҳозирги моддий танаси мангу уларники бўлиб туролмайди. "Бхагавад-гита"да шундай ёзилган: антаванта име дехах – моддий тана ҳалок бўлишга маҳкум. Нитйасйоктаҳ шариринах ибораси тирик жонни, яъни тана ичидаги ҳаёт учқунини ифодалайди.

Рух, жон мангу, моддий тана эса вақтинчалик, ўткинчи. Тана бизга фақат моддий оламда ҳаракат қилиш учун керак; танасиз, сезги аъзоларисиз биз ҳаракат қила олмаймиз. Лекин одамлар мангу тана олиш мумкинлиги ҳақида фикр юритмайдилар. Аслида ҳамма мангу танага эга бўлишни истайдилар, чунки одамлар қаттиқ боғланиб қолган ҳиссий лаззатларнинг боши ва охири бор, аммо одамларнинг ўзи мангу лаззатга интиладилар. Лекин, афсуски, улар ана шу орзусига қандай эришиш йўлини билмайдилар. Шунинг учун Капиладева санкхья фалсафасини таттванам деб атапти. Санкхья фалсафаси одамларга мангу ҳақиқат илмини англаб етиш имкониятини беради. Ана шу мангу ҳақиқат нимадан иборат? Мангу ҳақиқат – барча мусибатлар манбаи бўлган моддий танадан қандай кутулиш йўлини кўрсатадиган илм. Одамларга ана шу илмни ўргатиш учун Парвардигор ер юзида Парвардигор капила қиёфасида мужассам бўлди. Мазкур шеърда бу ҳақда аниқ айтилган.

Текст 37

Рухий ўзликни англашнинг мана шу машаққатли йўлини вақт ўтиши билан одамлар унутиб юборган эдилар. Билсанг, Мен ана шу фалсафани қайтадан нозил қилиш ва уни одамларга тушунтириш учун Капила бўлиб дунёга келдим.

Изоҳ: Худди дунёвий файласуфлар бир бирини ҳайрон қолдириш учун янги-янги таълимотлар ўйлаб чиққани сингари, Капила санкхья фалсафаси деган ном билан янги таълимот ишлаб чиқди деб ҳисоблаш хато бўлган бўларди. Моддий оламда ҳамма, айниқса эмпирик-файласуфлар бошқалардан устун бўлишга интиладилар. Ана шундай файласуфларнинг фаолият майдони ақл ҳисобланади, ақлни ҳаракатга келтиришнинг эса, сон-саноксиз усуллари бор. Ақлни тақдор ва тақдор ҳаракатга келтириш мумкин, шунда у янгидан янги таълимотлар ўйлаб топаверади. Аммо санкхья фалсафаси бундай таълимотлар тоифасидан эмас; бу фалсафа қандайдир дунёвий файласуфнинг нотинч ақли ўйлаб топган фалсафа эмас. Бу ҳақиқий фалсафий таълимот, лекин ер юзига Парвардигор Капила келган пайтда одамлар уни унутиб юборган эдилар.

Тарихий ривожланиш жараёнида одамлар у ёки бу илмни йўқотишлари ёки вақтинча эсдан чиқаришлари мумкин; моддий оламнинг табииати шундай. Парвардигор Шри Кришна ҳам "Бхагавад-гита"да шу ҳақда гапирган: са каленеха махата його наштах - "Вақт ўтиши билан "Бхагавад-гита"да нозил бўлган йога тизими йўқолиб кетган эди". Бу илм шоғирдлар силсиласи орқали келган эди, аммо вақт ўтиши билан у йўқолиб кетганди. Шафқатсиз замон моддий оламдаги ҳамма нарсани ҳалокатга ва унутилишга маҳкум этади. Кришна билан Аржун сўхбатлашиб турган даврга келиб "Бхагавад-гита"да нозил қилинган йога тизими одамларнинг эсидан чиқиб кетган эди, шунинг учун Кришна қадимий йога илмини "Бхагавад-гита"нинг мазмунини тушуна олишга қодир бўлган Аржунга тақдор ўргатди. Бу ерда ҳам Парвардигор Капила айтяптики, санкхья фалсафасини Унинг ўзи ўйлаб топган эмас; бу фалсафа Ундан олдин ҳам мавжуд бўлган, лекин вақт ўтиши билан бу таълимот сирли равишда йўқолиб кетган, шунинг учун У бу таълимотни

одамларга қайтадан ўргатиш учун келган. Парвардигор моддий оламда мужассам бўлганда бажарадиган вазифаси шундан иборат. Йада йада хи дхармасйа гланир бхавати бхарата. Дхарма – тирик мавжудотнинг ҳақиқий фаолияти. Тирик мавжудот ўзининг мангу фаолияти билан шуғулланмай кўйганида Парвардигор бу дунёга келиб тирик мавжудотларга уларнинг бурчи нимада эканини эслатиб кўяди. Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай сохта диний таълимот адхарма-самстхапана деб аталади. Одамлар ўзларининг Парвардигор билан бўлган мангу муносабатларини эсдан чиқариб, Худога садоқат билан хизмат қилиш ўрнига бошқа бир ишлар билан шуғуллана бошлаганида, уларнинг фаолияти гуноҳ ишлар, имонсизлик деб аталади. Санкхья фалсафаси моддий оламда тутқун бўлиб юришдан озодликка чиқиш йўлини кўрсатади, одамларга ана шу улўғвор илмни ўргатиш учун ер юзига Парвардигорнинг Ўзи таширф буюради.

Текст 38

Энди эса, Мендан рухсат олиб, истаган тарафга йўл олишинг мумкин, шу кундан бошлаб бутун фаолиятингни Менга бағишла. Менга сажда қил, шунда сен муқаррар ўлимни енгиб, мангу ҳаётга эришасан.

Изоҳ: Мазкур шеърда санкхья фалсафасининг мақсади ифодаланган. Ҳақиқий, мангу ҳаётга эришишни истагайдиган киши Худога садоқат билан хизмат қилиши, яъни Кришна онгида яшаши лозим. Туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқиш жуда мушкул. Туғилиш ва ўлиш моддий тана билан чамбарчас боғлиқ. Судуржайам ибораси “машаққат билан енгиш мумкин” дегани билдиради. Ҳозирги бечора-олимлар туғилиш ва ўлишнинг ҳақиқий табиатини тушунишга қодир эмаслар, шунинг учун улар туғилиш ва ўлиш муаммосини муҳокама қилишдан йироқ юрадилар. Улар ўзларини гўё бундай муаммо умуман йўқдай қилиб тутадилар, ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган шу муаммо билан шуғулланиш ўрнига улар барибир ўлиб кетадиган ўткинчи моддий тана билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш билан шуғулланадилар.

Аслида, инсон танаси тирик мавжудотга у бешафқат туғилиш ва ўлиш қонуни ҳукми остидан қутулиш учун берилади, мазкур шеърда Парвардигор Капила бунга қандай эришиш мумкинлигини тушунтиради. Мам бхаджа – ана шу мақсадга эришиш учун Худога садоқат билан хизмат қилиш лозим. "Бхагавад-гита"да ҳам Парвардигор шуни айтади: ман-мана бхава мад бхактах – “Менинг содиқ хизматкорим бўл, Менга сажда қил!” Лекин "Бхагавад-гита"га изоҳ ёзган баъзи бир аҳмоқ одамлар биз сажда қиладиган ва садоқат билан хизмат қиладиган Зот Кришна эмас, балки қандайдир бошқа Зот бўлиши лозим, деб тушунтирадилар. Шундай қилиб, Парвардигор Шри Кришнанинг мархаматисиз санкхья фалсафасини ёки инсонга руҳий озодликка чиқиш йўлини очиб берадиган бошқа фалсафани англаб етишнинг иложи йўқ. Ведаларда айтилганки, тирик мавжудот ўзининг ғофиллиги сабабли моддий ҳаёт чангалига тушиб қолади. Моддий олам тутқунлигидан фақат ҳақиқий илмга эга бўлган киши озодликка чиқа олади, санкхья фалсафаси одамларга моддий олам тутқунлигидан

озодликка чиқишда ёрдам берадиган ҳақиқий илм ҳисобланади.

Текст 39

Тафаккуринг сенга ҳамиша қалбингда Мени – барча тирик мавжудотларнинг қалбида яшайдиган, порлаб ёғду таратиб турган олий руҳни кўриб юриш имконини беради. Шу тариқа сен мангу ҳаётга эришиб, мусибат ва кўрқув туйғусидан халос бўласан.

Изоҳ: Мутлақ Ҳақиқатни англашга интилиб юрган кишилар ҳар хил йўлдан борадилар. Уларни айниқса брахмадждйоти, Брахман нури ўзига кўпроқ жалб этади, ана шу нурни ҳис қилиш учун улар муруқоба билан шуғулланадилар, фалсафий изланишлар олиб борадилар. Лекин, мам иборасини ишлатиш билан Капиладева Мутлақ Ҳақиқатнинг олий аспект(жиҳати, кўриниши) Худо Шахси эканини алоҳида таъкидламоқчи бўляпти. "Бхагавад-гита"да ҳам Парвардигор ҳамма жойда мам, яъни “Менга” деб айтади, аммо нодон одамлар Унинг гапларининг аниқ мазмунини бузиб талқин қиладилар. Мам ибораси Олий Шахс Худони билдиради. Агар инсон Парвардигор Ўзининг турли қиёфаларида бу дунёга келишини билса ва бунда У моддий тана олмаслигини, Ўзининг мангу руҳий танасида келишини тушунса, демек у Худо Шахсининг табиатини англаб етган бўлади. Лекин калтафаҳм одамлар Парвардигор мужассам бўлган қиёфаларнинг илоҳий табиатини англаб етишга қодир эмаслар, шунинг учун муқаддас китобларда бу ҳақиқат тақрор ва тақрор таъкидланган. Парвардигор Кришна, Рама ёки Капила қиёфасида мужассам бўлганида, Унинг ички қуввати намоён этган, кўз олдимизда намоён бўлган қиёфасини бевосита томоша қилиб кўрганимизда биз айна пайтда брахмадждйотини ҳам кўриб турган бўламыз, чунки брахмадждйоти – Парвардигорнинг илоҳий танасидан таралиб турган ёғдудан бошқа нарса эмас. Куёшнинг нури – куёшдан таралиб турган нур, шунинг учун куёшни кўрганда инсон куёш нурини ҳам кўриб турган бўлади; худди шундай, Олий Шахс Худони кўрар экан, тирик мавжудот айна пайтда Парвардигорнинг Параматма аспектини ҳам, шахсиятсиз Брахман аспектини ҳам кўриб турган бўлади.

"Шримад Бхагаватам"да Мутлақ Ҳақиқатни уч кўринишда англаб етиш мумкинлиги айтилган эди: аввал шахсиятсиз Брахман кўринишида, кейин ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган Параматма кўринишида, ниҳоят, Мутлақ Ҳақиқатнинг олий кўриниши Олий Шахс Худо, Бхагаван кўринишида. Олий Шахс Худони кўрар экан, инсон Парвардигорнинг бошқа аспектиларини: Параматма ва Брахманни ҳам англаб этади. Мазкур шеърда вишоко бхайам риччхаси ибораси ишлатилган. Худо Шахсини томоша қилар экан, инсон гамма нарсани англаб этади ва қайғу ва кўрқув туйғусидан халос бўлади. Ана шундай ҳолатга эришиш учун Худо шахсига садоқат билан хизмат қилишнинг ўзи кифоя.

Текст 40

Шунингдек, онам ҳам руҳий баркамолликка эриша олиши, руҳий ўзлигини англаб, кармали фаолиятининг барча оқибатларидан халос бўла олиши учун, руҳий

хаёт эшигини очадиган бу илми Ўз онамга ҳам ўргатаман. Улардан халос бўлиб, у барча дунёвий кўркувлардан халос бўлади.

Изоҳ: Уйини тарк этар экан Кардама Муни садоқатли хотини Девахутининг тақдирдан хавотир олаётган эди, шунинг учун унинг муносиб фарзанди отасига айтдики, моддий олам тутқунлигидан фақат унинг ўзи, яъни Кардама Муни эмас, балки, ўз ўғлининг насихатларини тинглаб, Девахути ҳам рухий озодликка эришади. Бу мисол жуда ибратли: эркак киши санньяса олиб, қолган умрини рухий ўзлигини англашга бағишлаш учун уйини тарк этиб кетади, лекин уйда ўзининг вакили бўлган ўғлини ташлаб кетади. Худди отаси сингари рухий илмга эга бўлган ўғил фарзанд онасини моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқара олади. Уйини тарк этиб кетар экан, санньяса ўзи билан бирга хотинини олиб кетиши мумкин эмас. Ванапрастха, яъни санньяса билан оилавий турмуш тарзи ораллигидаги поғонада инсон дунёвий ишларни тарк этади, бунда у эрига ёрдам берадиган, лекин у билан жинсий алоқа қилмайдиган хотини билан мулоқот қилишда давом этиши мумкин. Лекин, санньяса қабул қилгандан кейин эри хотини билан бирга бўлишга ҳаққи йўқ. акс ҳолда Кардама Муни сингари буюк зот хотини билан бирга қолиши мумкин эди, бу унинг рухий ўзлигини англаб етишига тўсқинлик қилмаган бўларди.

Кардама Муни Ведаларнинг “санньяса қабул қилган киши аёллар билан бўладиган ҳар қандай алоқани бутунлай тарк этиши лозим” деган кўрсатмасига риоя қиларди. Лекин, санньяса қабул қилган эри ташлаб кетган хотиннинг тақдири нима бўлади? у онасига моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишда онасига ёрдам бериши лозим бўлган ўғлининг қарамоғида қолади. Аёллар санньяса олмаслиги керак. Ҳозирги даврдаги баъзи бир сохта рухий ташкилотларда аёллар ҳам санньяса оладилар, лекин ведавий муқаддас китобларда бу таъқиқланган. Агар бунга рухсат бўлганда, Кардама Муни хотинини ўзи билан бирга олиб кетган ва унга ҳам санньяса берган бўларди. Аёл киши уйда қолиши лозим. аёл кишининг ҳаёти уч поғонада ўтади: ёшлигида у отасининг қарамоғида бўлади, ёшлигида - эрининг қарамоғида, кексайганида эса -Капила сингари балоғат ёшига етган ўғлининг қўли остида қолади. Кексайганида аёлнинг рухий юксалиши унинг ўғлига боғлиқ бўлади. Отаси кўнгли хотиржам бўлиб, ўзининг садоқатли хотини тақдирини ўйлаб безовта бўлмаслиги учун намунали ўғил бўлган Капила Муни отасини ишонтириб айтяптики, онасининг рухий озодликка чиқишига албатта ёрдам беради.

Текст 41

Шри Майтрея деди: ўғли Капиланинг гапларини тинглаб туриб, инсоният бобокалони Кардама Муни Унинг атрофини айланиб ўтди ва қалби хотиржам бўлиб ўрмонга йўл олди.

Изоҳ: Ҳар бир инсон умрининг охирида албатта ўрмонга кетиши лозим. Бу шунчаки кўнгил ёзадиган, истаган киши борадиган, истаса бормайдиган сайр эмас. Ҳар бир одам умрининг охирида, ҳеч бўлмаса ванапрастха бўлиб ўрмонга кетиши лозим. ўрмонга

кейтиш – ўз ихтиёрини бутунлай Худонинг амрига топшириш демакдир, бу ҳақда отаси билан суҳбатлашганда Прахлад Махараж айтган эди. сада самудвигна-дхийам("Шримад Бхагаватам".7.5.5). Ўткинчи моддий танага боғланиб қолган кишилар ҳамиша кўркув остида яшайдилар. Шунинг учун моддий тананинг таъсирига қаттиқ берилиб кетмаслик керак, аксинча, ана шу таъсирдан қутулишга интилиш керак. Озодликка чиқиш шундан бошланадики, инсон оиласи билан алоқани узиб, ўрмонга кетади ва ўзини бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишга, Кришна онгидаги фаолиятга бағишлайди. Ўрмонга кетишдан кўзланадиган ягона мақсад шундан иборат, акс ҳолда, ўрмон – шунчаки маймун ва бошқа ҳайвонлар яшайдиган жой. Инсон маймун ёки бошқа бир йиртқич ҳайвонга ўхшаб яшаш учун ўрмонга кетмайди. Ўрмонга кетиш – ўз тақдирини бутунлай Худога топшириш ва Унга хизмат қилишга ғарқ бўлиб яшаш демакдир. Аслини олганда ўрмонга кетиб яшашнинг ҳам ҳожати йўқ. Бунинг устига айниқса ҳозирги даврда бутун умрини катта шаҳарда яшаган одамларга бундай қилиш рухсат этилмайди. Прахлад Махараж айтган эдики: хитватма-патам грихам андхакупам, яъни, эркак киши умрининг охиригача оилавий ишлар билан шуғулланмаслиги керак, чунки Кришна онгида бўлмаган оилавий турмуш худди ўт ўсиб ётган, ташландик қудуққа ўхшайди. Агар одам далада ёлғиз айланиб юриб, ана шундай қудуқ ичига тушиб кетса, агар унинг ёнида унга ёрдам беришга қодир бўлган ҳеч ким бўлмаса, у йиллар давомида одамларни ёрдамга чақириб ётавериши мумкин, барибир унинг овозини ҳеч ким эшитмайди. Ундай одам ҳалокатга маҳкум. Худди шундай, Парвардигор билан ўзининг мангу муносабатларини эсдан чиқариб қўйган кишилар ҳам, оилавий ҳаётнинг ташландик қудуғи ичида чириб ётаверадилар, улар келажакдан бирор яхшиликка дуч келишдан умидвор бўла олмайдилар. Прахлад Махараж уларни ана шу қудуқдан чиқишга ҳамда чексиз ташвиш ва мусибатларга тўла дунёвий ҳаётнинг барча ришталарини узиб ташлашга чақиради.

Текст 42

Донишманд Кардама ўзининг қолган бутун умрини Олий Шахс Худо ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб ўтказиш ва фақат Ундан нажот топиш учун ҳамиша сукут сақлаб юришга қасам ичди. У санньяса турмуш тарзи билан, олов ва бошпанадан фойдаланмасдан, ёлғиз ҳолда дунё кезиб юрди.

Изоҳ: Мазкур шеърда анагир аникетанах иборасига алоҳида эътибор бериш керак. Санньяси олов ва бошпанадан фойдаланмаслиги керак. Грихастхалар қурбонлик маросими ўтказиш, овқат пишириш учун оловдан фойдаландилар, аммо санньяси бундай икки вазифадан озод. У овқат ҳам тайёрлаши керак эмас, гулхан ёқиб қурбонлик маросими ҳам ўтказмайди: у бутун вақтини Кришна онгидаги фаолиятга бағишлайди, шунинг учун у барча диний маросимларни ўтказган ҳисобланади. Аникетанах ибораси “бошпанасиз” деган маънони англатади. Санньясининг шахсий уйи бўлмаслиги керак; овқат ва бошпана бўйича у фақат Худодан умидвор бўлиб, ўзини бутунлай Унинг иродасига топшириб, дунё кезиб юриши лозим.

Мауна ибораси “сукут” деганни билдиради. Токи жим бўлиб сукут сақламагунча инсон Парвардигорнинг эрмак ва кароматлари ҳақидаги фикрларга ғарқ бўла олмайди. Маунига қасам ичар экан санъяси буни гапира олмайдиган телба бўлгани учун қилмайди. У бошқа одамлар унга халақит беришни тўхтатиши учун сукут сақлайди. Чанакъя Пандит айтадики, нодон киши то гапира бошламагунча жуда ақлли одамдай бўлиб кўринади. Инсонни гапираётган гапларига қараб билиб олиш мумкин. Қандайдир имперсоналист-сваминингсукут сақлаши фақат унинг Парвардигор ҳақида ҳеч нарса гапира олмаслигини билдиради; уни фақат бир нарса кизиқтиради – унга садақа берадиларми-йўқми? Лекин, Кардама Муни сукут сақлашга қасам ичишдан бутунлай бошқа мақсад кўзлаган эди. у бошқалар билан бекорчи суҳбатларга берилмаслик учун сукут сақлашга қасам ичган эди. муни деган унвон ҳамиша жиддий юрадиган, ҳеч қачон бемаъни гапларни гапирмайдиган кишига берилади. Ҳақиқий мунига Амбариша Махараж мисол бўла олади: у фақат Парвардигорнинг эрмаклари ҳақида гапириш учунгина оғзини очган. Мауни қасамига риоя қилиш – бекорчи гапларни гапиришни тарк этиб, ўз нуткидан фақат Парвардигорнинг эрмаклари ҳақида гапириш учун фойдаланиш демакдир. Мауни қасами инсонга ҳамиша Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва бошқаларга гапириб бериш имкониятини беради, ана шундай ҳолат унинг ҳаётини камолотга етказди. Вратам ибораси шуни билдирадики, "Бхагавад-гита"да тушунтирилганидек(аманитвам адамбхитвам), инсон манманликдан халос бўлиши ва ўзининг дунёвий обрў-эътибори билан фахрлинишни бас қилиши лозим. Ахимса ибораси “бирор тирик мавжудотга зарар етказмаслик” деганни билдиради. Инсон илмга эга бўлиб руҳий баркамолликка эришиш учун амал қилиши лозим бўлган ўн саккиз қоида бор; Кардама Муни сукут сақлашга қасам ичиб, ана шу қоидаларнинг ҳаммасига риоя қила бошлади.

Текст 43

Кардама Муни ақлини Олий Шахс Худода, бу дунёнинг барча сабаб ва оқибатларидан устун турадиган, моддий табиатнинг уч гунасининг яратувчиси бўлган, Ўзи уларнинг таъсирига берилмайдиган ва фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида англаб етиш мумкин бўлган Парабрахманда жамлади.

Изоҳ: Бхакти бор жойда албатта содиқ хизматкор, садоқат ва Парвардигор бўлиши лозим. Ана шу уч таркибий қисм: бхакта, бхакти ва Бхагавансиз бхакти ибораси ҳеч қандай маънога эга эмас. Ақлини Олий Брахманда жамлаб, Кардама Муни Уни бхакти, Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали англаб етди. Демак, у ўзининг ақлини Парвардигорнинг Шахсий киёфасида жамлади, чунки фақат Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсий жиҳатини англаб етган киши бхакти билан шуғуллана олади. Гунавабхасе. Парвардигор моддий табиат гуналаридан устун туради, лекин айнан Унинг Ўзи уларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигор гарчи моддий қувватнинг манбаи бўлса ҳам, бизлардан фарқли равишда Унинг Ўзи моддий табиатнинг уч гунаси таъсирига берилмайди. Бизлар шартланган руҳлар тоифасига

кирамиз, аммо Парвардигор Ўзи моддий табиатнинг манбаи бўлса ҳам, Ўзида уларнинг таъсирини ҳис қилмайди. У – олий тирик мавжудот, шунинг учун У ҳеч қачон майя таъсирига тушиб қолмайди, бизлар, арзимаган даражада кичик, тобе заррачалар эса, унинг чеклаб қўйган чегараларига бўйсунмишга мажбурмиш. Лекин, Худога садоқат билан хизмат қилиб, ҳамиша Парвардигор билан алоқада бўлиб юрган шартланган тирик мавжудот майя илатидан покланади. Бу ҳақиқат "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланади: са гунан саматитйаитан. Кришна онгидаги фаолият билан шуғулланиб юрган киши шу захотиёк моддий табиатнинг уч гунаси таъсиридан озод бўлади. Бошқача қилиб айтганда, Худога садоқат билан хизмат қилиш туфайли шартланган руҳ ҳам Парвардигор сингари озод бўлади.

Текст 44

Шу тариха у тирик мавжудотни ўзини моддага киёслашга мажбур этадиган сохта ўзлик таъсиридан аста-секин халос бўлди ва барча моддий боғланишлардан озод бўлди. Хотиржам ва осойишта, барча тирик мавжудотларга бир хилда меҳрибон, бу дунёнинг қарама-қаршиликларига бутунлай бефарқ бўлган ҳолда у ўзининг ҳақиқий “мен”ини кўриш қобилиятига эга бўлди. Унинг ақли ҳамиша қалбига қаратилган ва худди шамолсиз кундаги уммон сингари тинч, осойишта эди.

Изоҳ: Ақли Кришна онги билан, ўзи Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлган киши худди шамолсиз кундаги океанга ўхшайди. "Бхагавад-гита"да ҳам худди шундай мисол келтирилган: инсон океандан ибрат олиши лозим. минглаб дарёлар океанга ўзининг сувларини олиб келади, миллион тонналаб сувлар буғланиб булутга айланади, шунга қарамай океан ҳамиша ўзгармай қолаверади. Худди шундай, Худога садоқат билан хизмат қилишда мустаҳкам турган кишига моддий табиат қонунлари таҳсир қилмайди, чунки ундай одам ҳамиша ўзининг қалбига, ички дунёсига ғарқ бўлиб юрган бўлади. Ана шундай содиқ хизматкорнинг нигоҳи ташқи оламнинг моддий табиатига эмас, балки ўзининг руҳий борлигининг табиатига қаратилган бўлади. Ҳамиша хотиржам ва осойишта юриб, у ҳамиша Худога хизмат қилади. Шу тариха у ўзининг ҳақиқий “мен”ини англаб етади, ўзини моддага киёслашни тарк этади ва дунёвий мол-мулкка боғланиш туйғусидан халос бўлади. Ана шундай буюк содиқда ҳеч қачон бошқаларга нисбатан муаммо юзага келмайди, чунки у теварак-атрофга руҳий илм назари билан қарайди ва шу туфайли ўзининг ҳолатини ва бошқаларнинг ҳолатини тўғри баҳолай олади.

Текст 45

Шу тарзда у шартланган ҳаёт тутқунлигидан озодликка чиқди ва Худо Шахси Васудевага, ҳар нарсадан хабардор бўлган, ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишда ҳақиқий ўзлигига эга бўлди.

Изоҳ: Парвардигорга илоҳий хизмат қилиш билан машғул бўлар экан, инсон ўзининг табиатига кўра у алоҳида руҳ сифатида Парвардигор Васудеванинг мангу

хизматкори эканини англаб етади. Гарчи Олий Рух билан алоҳида рух бир хил илоҳий табиатга эга бўлса ҳам, руҳий ўзлигини англаб етиш – Олий Рух билан тенглашиш дегани эмас. Алоҳида рух моддий қувват таъсирига берилади, Олий Рухда эса ҳеч қачон бундай ҳолат бўлмайди. Шартланган рух ўзининг Олий Рухга қарам, тобе эканини англаб етганида у лабхатма, руҳий ўзлигини англаш яъни, мукта-бандхана, моддий иллатлардан поклик поғонасига кўтарилади. Токи инсон ўзини Худога тенг деб ёки ўзини Унга ўхшатиб юрар экан, инсонда моддий иллатлар сақланиб қолаверади. Ҳаёт ҳақидаги ана шундай тасаввурлар – майянинг тирик мавжудотнинг руҳий юксалиш йўлида кўядиган охириги тузоқларидир. Шартланган рух хамиша майя таъсири остида бўлади. Инсон ҳатто муруқаб ва фалсафий изланишларга шунча умрини сарфлагандан кейин ҳам, ўзини Парвардигорга тенг деб ҳисоблаб юрган бўлса, демак ҳали у аввалгидай майянинг алдовига учиб, унинг чангалида юрган бўлади.

Мазкур шеърда асосий ибора парена. Пара ибораси “илоҳий, моддий иллатлардан пок” дегани билдиради. Ўзини Худонинг мангу хизматкори сифатида тўла англаб етиш пара бхакти деб аталади. Токи содиқ ўзини моддий нарсаларга қиёслаб, у ёки бу дунёвий мақсадга эришиш ниятида Худога садоқат билан хизмат қилиб юрар экан, унинг хизмати виддха бхакти, нопок бхакти тоифасидаги хизмат бўлади. Тирик мавжудот фақат пара бхакти поғонасида тўла руҳий озодликка эришади.

Мазкур шеърда сарва-джне ибораси ҳам ишлатилган. Қалбимизда мавжуд бўлган олий рух ҳамма нарсани билади. У ҳар нарсдан хабардор. Мен танамни алмаштириб, аввалги ҳаётимда қилган ишларимни эсдан чиқаришим мумкин, аммо қалбимда Параматма сифатида мавжуд бўлган Парвардигор ҳаммасини эсида сақлайди ва аввалги ҳаётимда қилган барча ишларим учун жавоб беришимни назорат остига олади, яъни карма қонуни бўйича қилган ҳар бир амалимнинг оқибатини кўришимни таъминлайди. Мен ҳеч нарсани эсламаслигим мумкин, лекин барибир Парвардигор менинг аввал қилган савоб ишларим учун мукофот ва қилган гуноҳларим учун жазо сифатида мусибатларни адашмасдан юбориб туради. Аввал қилган ишларини эсидан чиқариш билан инсон ўзининг қилган гуноҳлари учун жазо олишдан қутулиб кетади деб ўйламаслик керак. Биз ҳар бир қилган ишимиз учун албатта жавоб беришга мажбур бўламиз, ҳозирги машгул бўлиб юрган фаолиятимизнинг оқибатини бизга хамиша гувоҳ бўлиб юрган Парвардигор аниқлайди.

Текст 46

У Парвардигор ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд эканини ва барча тирик мавжудотлар Унинг ичида эканини кўрди, чунки Парвардигор бутун борлиқнинг Олий Рухи.

Изоҳ: Ҳар бир тирик мавжудот Парвардигорнинг ичида жойлашган деганда, Майтрея Муни ҳар бир тирик мавжудот ўзи Худо демайди. Бу "Бхагавад-гита"да ҳам тушунтирилган: бутун борлиқ Парвардигорда жойлашган, лекин бу Парвардигор ҳам шахсан ҳамма

жойда мавжуд дегани билдирмайди. Бунинг сирини фақат руҳий юксалишнинг юқори поғонасига эришган содиқлар англай оладилар. Худонинг содиқлари уч тоифа бўлади: тажрибасиз, янги содиқлар, ўрта поғонада турган содиқлар ва юксак даражага эришган содиқлар. Тажрибасиз содиқлар Худога садоқат билан хизмат қилишнинг барча қонун-қоидалари билан таниш эмас, у эҳромда ўрнатилган Илоҳга сажда қилиб Худога хизмат қилади. Ўрта поғонадаги содиқ Худо ҳақидаги илмга эга, Худонинг содиқларини, бегуноҳ одамларни ва имонсизларни бир бирдан ажрата олади ва улар билан турлича муносабатда бўлади. Аммо, Парвардигор Параматма қиёфасида ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд эканини ва бутун борлиқ Парвардигорнинг илоҳий қуввати ичида эканини кўра оладиган содиқ Худога садоқат билан хизмат қилишнинг энг юқори поғонасида бўлади.

Текст 47

Худога соф садоқат билан хизмат қилиб Кардама Муни нафрат туйғусидан ва барча истаклардан халос бўлди, барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлишни ўрганди ва ниҳоят Худонинг даргоҳига олиб борадиган тўғри йўлга чиқиб олди.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"га асосан, Парвардигорнинг илоҳий табиатини фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида англаб етиш мумкин, Парвардигорни ва Унинг илоҳий ҳолатини англаб етгандан кейин инсон Парвардигорнинг салтанатига қайтиб боради. Тирик мавжудотга Парвардигорнинг салтанатига кириш ҳуқуқини берадиган усул три-пада-бхути-гати, яъни “уйга, Худонинг даргоҳига олиб борадиган йўл” деб аталади, ана шу йўлдан бораётган киши инсон ҳаётининг олий мақсадига эришади. Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини мукаммал эгаллаб, Парвардигорга комил хизмат қилиб, Кардама Муни бхагавати гатих деб аталадиган олий мақсадга эришиди.

"Шримад Бхагаватам"нинг Учтинчи кўшиқ, “Кардама Мунининг таркидунё қилиши” деб аталадиган йигирма тўртинчи бобига Бхактиведантанинг ёзган изоҳлари шундай яқунланади.

Йигирма бешинчи боб

Худога садоқат билан хизмат қилишнинг улуғворлиги

Текст 1

Шри Шаунака деди: Олий Шахс Худо, ягона Парвардигор – аджа, туғилмаган бўса ҳам, Ўзининг ички қуввати ёрдамида У Капила Муни қиёфасида мужассам бўлди. Бутун инсониятнинг бахт-саодатини ўйлаб, У бу дунёга одамларга илоҳий илм ўргатиш учун келди.

Изоҳ: атма-праджнаптаге ибораси шуни билдирадики, инсониятга руҳий илм бериш билан Парвардигор биринчи навбатда унинг манфаатини кўзлайди. Ведаларда нозил бўлган илм одамларга ўзларининг барча эҳтиёжларини, шу жумладан моддий

эҳтиёжларини ҳам қондиришга ёрдам беради; ведавий муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига риоя қилиб юрган одамлар яхши шароитларда яшаш ҳамда аста-секин саттва-гуна, эзгулик гунаси поғонасига кўтарилиш имкониятига эга бўладилар. Ана шу поғонага эришганда инсон илмга эга бўлади. Эҳтирос гунаси таъсири остида юрган кишилар илмдан маҳрум, чунки эҳтирос гунаси уларни фақат моддий лаззат ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Ғафлат гунаси таъсири остида юрган кишиларда эса, на илм олиш, на лаззатланиш имконияти бўлмайди. Шундай одамларнинг ҳаёти ҳайвонларнинг ҳаётидан деярли фарқ қилмайди.

Ведаларнинг мақсади – тирик мавжудотларга ғафлат гунаси таъсири остидан чиқиб, эзгулик гунаси поғонасига кўтарилишга ёрдам беришдан иборат. Эзгулик гунаси инсонга ўзини англаб етиш, яъни руҳий илм эгаллаш имкониятини беради. Лекин, оддий одам ўзи мустақил равишда руҳий илм ўргана олмайди, бунинг учун шогирдлар силсиласи бўлиши лозим. Руҳий илм фақат Парвардигорнинг Ўзидан ёки Унинг асл содиғидан чиқиши мумкин. Мазкур шеърда Шаунака Муни ҳам тасдиқлаяптики, Олий Шахс Худонинг мужжасам бўлган киёфаси Капила бу дунёга одамларга илоҳий илм ўргатиш учун келган. Руҳнинг табиатини ва унинг фаолиятини англаб етиш учун фақат биз аслида моддий тана эмас, балки руҳий табиатга эга бўлган жон(ахам брахмасми – мен брахманман) эканини тушунишнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун Браҳман, яъни руҳга муносиб равишда ҳаракат қилиб яшаш ҳам керак. Руҳий фаолиятни таърифлаб берадиган илмни одамларга Парвардигорнинг Ўзи ошқор этган. Мана шу илоҳий илмни фақат одамлар тушунишга қодир, буни мазкур шеърдаги нринам – “одамлар учун” деган ибора ҳам кўрсатиб турибди. Бу илмни ҳайвонлар англай олмайдилар. Лекин, уни тушуниш учун одамлар ўзларининг ҳаётини маълум қодалар асосида қуришлари лозим. Ҳаёти, ҳатти-ҳаракатлари туғма инстинктларга асосланган ҳайвонлардан фарқли равишда инсон Ведавий қонун-қодаларига ва ишонарли руҳий устозларнинг кўрсатмаларига риоя қилиб яшаши лозим. фақат шундагина у илоҳий илмга эга бўла олади.

Текст 2

Шануака давом этди: Дунёда Парвардигор дан кўпроқ биладиган зот йўқ, сажда қилишга Ундан ҳам муносиброқ бўлган зот йўқ, йога санъатини Ундан яхшироқ биладиган зот йўқ. Шунинг учун Уни Ведаларнинг ҳукмдори деб атайдилар, У ҳақидаги ҳикоялар уларни мунтазам тинглаб юрган зотларга ҳақиқий лаззат келтиради.

Изоҳ: "Бҳагавад-гита"да айtilганки, ҳеч ким Парвардигор билан тенглаша олмайди ёки бирор соҳада Ундан устун бўла олмайди. Ведаларда ҳам шу нарса тасдиқланади: эко бахунам йо видадхати каман. У – бошқа барча тирик мавжудотларнинг эҳтиёжларини таъминлаб турадиган олий тирик мавжудот. Шунинг учун ҳам вишну-таттва тоифасига мансуб бўлган, ҳам жива-таттва тоифасига мансуб бўлган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси Олий Шахс Худо,

Парвардигор Шри Кришнага қарам. Мазкур шеърда ҳам шу ҳақда айtilган. На хй асйа варшманах пумсам: бирор тирик мавжудот Парвардигордан устун бўлмайди, чунки Парвардигордан бойроқ, шавкатлироқ, қудратлироқ, чиройлироқ, донишмандроқ, эркинроқ ҳеч ким йўқ. Мана шу сифатлар Уни Олий Худо, барча сабабларнинг сабабчиси қилиб қўяди. Йоглар қанчалик қаройиб мўъжиза кўрсатмасинлар, улар ўзларининг қудрати билан қанчалик мағрурланмасинлар, уларнинг бирортаси Олий Шахс Худо билан тенгаш олмайдилар.

Парвардигор билан боғлана олган ҳар бир инсонни комил йог деб ҳисоблаш лозим. Гарчи Худонинг содиқлари Парвардигор сингари қудратли бўлмасалар ҳам, У билан мунтазам алоқада бўлгани учун улар ҳам Унинг барча сифатларига эга бўладилар. Баъзан Худонинг содиқлари Парвардигордан ҳам каттароқ қудратга эга эканини анмоён этадилар. Албатта, бу Парвардигорнинг ўзининг содиқ хизматкорига алоҳида марҳамат кўрсатганидан бошқа нарса эмас.

Мазкур шеърда шунингдек варимнаҳ ибораси ишлатилган бўлиб, у “йоглар ичида энг хурматлиси” деган маънони англатади. Кришнанинг гаплари сезгиларимизга ҳақиқий лаззат бағишлайди, шунинг учун Уни Говинда деб атайдилар. Ўзининг нуқти, насихатлари, кўрсатмалари ва Ўзи билан боғлиқ бўлган бошқ анарсалар билан Парвардигор тирик мавжудотларнинг ҳиссиётига лаззат бағишлайди. Унинг насихатлари илоҳий табиатга эга, улар мутлақ табиатга эга ва шунинг учун Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. Кришнанинг ёки Унинг Тўла ёки қисман анмоён бўлган киёфаларининг, масалан Парвардигор Капиланинг насихатларини тинглаб, биз ҳеч нарса билан тенглаб бўлмайдиган лаззат ҳис қиламиз. Шунинг учун "Бҳагавад-гита"ни узлуксиз ўқиш ёки тинглаш мумкин. Биз "Бҳагавад-гита"ни қанча кўп ўқисак, уни шунча кўп тақроран ўқигимиз келаверади, ҳар гал бизга илоҳий илмнинг янги қирралари очилаверади. Бу муқаддас китобнинг илоҳий табиати шундай. "Шримад Бҳагаватам"ни ўқишдан ҳам худди шундай лаззат олиш мумкин. Парвардигор ҳақида қанча кўп тингласак, Уни қанча кўп шарафласак, шунчалик бахтиёр бўлаверамиз.

Текст 3

Илтмос, Худо Шахсининг, мустақил ҳолда хоҳиш-истак билдира оладиган ва Ўзининг ҳамма истаklarини ички қуввати ёрдамида амалга оширадиган Парвардигорнинг барча қароматларини ва эрмаklarини таърифлаб бер.

Изоҳ: Бу ерда ишлатилган анукиртаёя ибораси алоҳида аҳамиятга эга. анукиртаёя - “таърифланганига амал қилиш” деган маънони билдиради; ҳар ким ўз билганича эмас, балки ишонарли зотлардан эшитганимизга амал қилишимиз керак. Шаунака Риши Сута Госвамидан унга руҳий устози Шукадева Госвамидан Парвардигор Ўзининг ички қуввати ёрдамида намоён этадиган илоҳий эрмаklarи ҳақида эшитланларининг ҳаммасини гапириб беришни илтмос қилди. Олий Шахс Худо, Бҳагаванинг моддий танаси йўқ, лекин У Ўзининг истагига қараб истаган

танада мужассам бўла олади, бундай таналарни Унга Унинг ички қуввати тайёрлаб беради.

Текст 4

Шри Сута Госвами деди: Қудратли донишманд Майтрея Вьясадеванинг дўсти эди. Видуранинг илоҳий илмга тааллуқли саволларидан мамнун бўлиб, Майтрея уларга жавоб бера бошлади.

Изоҳ: Савол-жавоблар фақат савол бераётган киши ҳам, уларга жавоб бераётган киши ҳам муносиб сифатларга эга бўлсагина самара беради. Сута Госвами Майтреяни қудратли донишманд деб биларди, шунинг учун у бу ерда уни бхагаван деб атапти. Фақат Олий Шахс Худога эмас, балки Парвардигор билан бир хил қудратга эга бўлган ҳар қандай шахсга ҳам шундай ибора билан мурожаат қилиш мумкин. Сута Майтреяни бхагаван деб атапти, чунки у руҳий юксалишда жуда юксак поғонага эришган эди. У Парвардигорнинг бадий тимсоли бўлган Двайпаяна Вьясадеванинг яқин дўсти эди. Парвардигорнинг ҳақиқий ва улғвур содиқ хизматкори бўлган Майтреянинг саволлари уни жуда мамнун қилди ва у унинг саволларига жавоб беришдан хурсанд эди. Руҳий юксалишда бир хил поғонада турган содиқлар руҳий мавзуларда суҳбатлашганда. Уларнинг савол-жавоблари уларнинг суҳбатини тинглаётган кишиларнинг ҳаммасига бахт келтиради ва уларга ижобий таъсир қилиб, уларни Худога садоқат билан хизмат қилишга илҳомлантиради.

Текст 5

Майтрея деди: Кардама ўрмонга кетганида Парвардигор Капила онаси Девахутини мамнун қилиш ниятида Бинду-саровара қўли бўйида қолди.

Изоҳ: Отаси уйни тарк этиб кетгандан кейин, онаси эридан ажралганидан қаттиқ қийналмаслиги учун бор кучини аямасдан унга ғамхўрлик қилиш тўнғич ўғилнинг зиммасига тушади. Хонадон отасининг бурчи – тўнғич ўғли вояга етиб, онасига ғамхўрлик қила оладиган ва оилани тебрата оладиган бўлгандан кейин уйни тарк этиб кетишдан иборат. Ведавалар маданиятига асосланган оилавий турмушнинг қондаси шундай. Эрақ киши то умрининг охиригача оилавий ишлар билан шуғулланиб юрмаслиги керак. У оила ишларини ва ўзининг хотинини тўнғич ўғлига топшириб, уйини тарк этиб кетиши лозим.

Текст 6

Бир куни бўш вақтида онасига Мутлак Ҳақиқатнинг олий жиҳатини ошкор этишга қодир бўлган Капила Девахутининг олдида ўтирганида, у маъбуд Браҳманинг айтган гапларини эслади ва фурсатдан фодаланиб, ўғлига қуйидаги саволларни бера бошлади.

Текст 7

Девахути деди: Эй Парвардигор, моддий сезгиларнинг тўймас истаклари мени қаттиқ қийнаб юборди, чунки менинг ҳофиллик ботқоғига чуқур ботиб кетишимга шулар сабаб бўлган.

Изоҳ: Мазкур шеърда ишлатилган асад-индрийа-таршанат иборасига алоҳида аҳамият бериш керак. асат

ибораси “ўткинчи” яъни “вақтинчалик”, индрийа ибораси – “сезгилар”, таршанат ибораси эса – “ташвиш”, “безовталиқ” деган маънони англатади. Шундай қилиб, асад-индрийа-таршанат дегани “моддий тананинг вақтинча мавжуд бўлган сезги аъзолари мени безовта қилаётгани сабабли” деган маънони билдиради. Эволюцион ривожланиш жараёнида биз ҳар хил турларга мансуб таналарга эга бўламиз, бу таналар инсонники ёки ҳайвонники бўлиши мумкин. қандай тана олишимизга қараб, моддий сезги аъзоларимизнинг фаолияти ҳам ўзгариб туради. Ўзгаришга маҳкум бўлган нарсаларнинг ҳаммаси асат, ўткинчи, вақтинчалик нарсалар ҳисобланади. биз шуни яхши тушунгиб олишимиз лозимки, вақтинчалик моддий сезги аъзоларининг ортида ҳозирча моддийпарда билан тўсиб қўйилган мангу туйғулар, ҳиссиётлар мавжуд. модда билан булғангани сабабли бизнинг мангу туйғуларимиз ҳозир нормал ҳаракат қила олмайди. Шунинг учун Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида энг аввало сезгиларимизни моддий иллатдан поклашимиз лозим. Ана шу иллатдан бўла покланганимизда, сезгиларимиз соф Кришна онгида ҳаракат қила бошласа, демек, биз ҳиссиётимизнинг мангу фаолиятини(сад-индрийа) қайта тиклаган бўламиз. Сезгиларнинг мангу фаолияти Худога садоқат билан хизмат қилиш деб, уларнинг ўткинчи фаолияти эса – ҳиссий лаззатланиш деб аталади. То моддий лаззатлар жонига тегиб кетмагунча инсон Парвардигор Капилага ўхшаган руҳий устознинг илоҳий насиҳатларини тинглаш имкониятидан маҳрум бўлади. Бу ерда Девахути айтяптики, сезгиларининг истакларини амалга оширишдан чарчаган, энди, эри оилани тарк этиб кетгандан кейин, ниҳоят хотиржам бўлиб, Парвардигор Капиланинг насиҳатларини тинглашни истаяпти.

Текст 8

Фақат Сенинг ёрдаминг билан мен ҳофилликнинг қоронғу зулматидан ёруғликка чиқа оламан, чунки Сен – мен кўлаб умрлар яшагандан кейин Ўзингнинг бесабаб марҳаматинг билан эришган менинг илоҳий кўзларимсан.

Изоҳ: Бу шеърдаги гаплар жуда ибратли гаплардир, чунки унда руҳий устоз билан шогирдининг ўзаро муносабатларининг табиати таърифланган. Ҳофиллик зулматида бўлган шогирд ёки шартланган рух, моҳияти ҳиссий лаззатланишдан иборат бўлган моддий тирикчилик тўрларига ўралиб қолади. Моддий олам тутқунлигидан халос бўлиб руҳий озодликка эришиш жуда мушкул, лекин, агар инсон Капила Муни ёки Унинг вакили сингари ҳақиқий руҳий устозни учратиш бахтига муяссар бўлса, у руҳий устозининг марҳамати билан ҳофиллик чангалидан қутула олади. Шунинг учун шастраларда руҳий устоз “илм машъаласи билан йўлини ёритиб, ўзининг шогирдини ҳофиллик уммонидан қутқариб оладиган зот” деб олқишланган. Бу борада парагам иборасига алоҳида эътибор бериш лозим. Бу ибора шуни билдирадики, руҳий устоз шогирдининг шартланган ҳаёт қирғоғидан руҳий озодлик қирғоғига сузиб ўтишга ёрдам беради. Руҳий устоз шогирдининг йўлини илм нури билан ёритиб, уни бошқа қирғоққа олиб ўтади. Бизларнинг барча

мусибатларимизнинг асосий сабаби фақат ғофилликдир. Рухий устознинг насихатлари ғофиллик зулматини тарқатиб юборади ва шогирдга озодлик қирғоғига чиқиш имконини беради. "Бхагавад-гита"да айтилганки, сон-саноксиз кўп умрлардан кейин инсон ўз ихтиёрини Олий Шахс Худога топширади. Бошқача қилиб айтганда, агар сон-саноксиз кўп умрлар яшагандан кейин инсон ҳақиқий рухий устозни учратса ва унда Кришнанинг ҳақиқий вакилини кўриб, унга ўз ихтиёрини топшира олса, унинг олдида ёруғликка чиқиш имконияти очилади.

Текст 9

Сен – Олий Шахс Худо, барча тирик мавжудотларнинг манбаи ва Олий Ҳукмдорсан. Сен қуёшга ўхшайсан ва бу дунёга бутун оламни қоплаб олган ғофиллик зулматини Ўз нурларинг билан ёритиш учун келгансан.

Изоҳ: Капила Мунини Олий Шахс Худо, Парвардигор Шри Кришнанинг мужассам бўлган қиёфаси деб ҳисоблайдилар. Мазкур шеърда ишлатилган адиб ибораси “барча тирик мавжудотларнинг манбаи” деган, пумсам ишварах ибораси эса – “тирик мавжудотларнинг ҳукмдори(ишвара)” деган маънони билдиради(ишварах парамах кришнах). Капила Муни рухий илм қуёши бўлган Кришнанинг шахсий экспансияси ҳисобланади. Худди қуёш коинотдаги коронгулик зулматини тарқатиб юборгани сингари, Олий Шахс Худонинг нурлари бу дунёга тушиб, унда ҳукм сураётган майя зулматини тарқатиб юборади. Бизларнинг кўзларимиз бор, лекин, агар қуёш нури бўлмаса, кўзларимиз ҳеч қандай фойда бермайди. Худди шундай, Парвардигорнинг ёки рухий устознинг илоҳий ёрдамсиз биз ҳаёт ҳақида тўғри тасаввурга эга бўла олмаймиз.

Текст 10

Эй Парвардигор, Ўз марҳаматинг билан менинг барча гумонларимни тарқатиб юбор. Сохта ўзлик таъсирига берилиб, мен Сенинг майянг ҳукми остига тушиб қолдим ва ўзимни ианага қиёслаб, танам билан боғлиқ нарсаларнинг ҳаммасини ўзимники деб ҳисоблай бошладим.

Изоҳ: Тирик мавжудотни ўзини моддий танасига қиёслашга ҳамда танаси билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммасининг эгаси деб ҳисоблашга мажбур қиладиган сохта ўзлик майя деб аталади. "Бхагавад-гита"нинг ўн бешинчи бобида Парвардигор шундай дейди: “Мен ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжудман, хотира ва унутиш Мендан чиқади”. Мазкур шеърда эса, Девахути тасдиқлаётгани, тирик мавжудотнинг ўзини моддий танасига қиёслаб бошлашида ва танаси билан боғлиқ бўлган нарсаларга боғланиб қолишида ҳам Парвардигорнинг алоқаси бор. Демак, бундан Парвардигор бир тирик мавжудотни Худога садоқат билан хизмат қилишга ундаб, бошқа бир тирик мавжудотни эса ҳиссий лаззатланишга ундаб билан адолатсизлик қиладиган хулоса чиқариш керакми? Агар шундай бўлса, Парвардигор адолатсиз, ноҳақ бўлган бўларди, аслида ундай эмас, ҳаммаси аксинча. Тирик мавжудот аслида ўзи Парвардигорнинг мангу хизматкори эканини, Унга хизмат қилиш ўрнига

ўз ҳиссиётининг талабини қондириб лаззатланишни истаганида эсидан чиқарганида, у майянинг чанғалига тушиб қолади. Натижада у ўзини танага қиёслаб бошлайди ва танаси билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммасига боғланиб қолади. Буларнинг ҳаммасини майя уюштиради, лекин, у ҳам Худонинг содиқ хизматкори бўлгани сабабли, унинг қилаётган ишлари ҳам аслида қандайдир даражада Парвардигорнинг Ўзининг ишлари ҳисобланади. Парвардигор ҳаммага бир хилда меҳрибон. Агар тирик мавжудот Худони эсдан чиқариб моддий оламда лаззатланиб яшашни истаса, Парвардигор унга бунинг учун барча имкониятларни яратиб беради, У буни шахсан Ўзи эмас, балки Ўзининг моддий қуввати ёрдамида амалга оширади. Лекин моддий қувват ҳам Парвардигорнинг қуввати бўлгани сабабли айтиш мумкинки, бир томондан Парвардигорнинг Ўзи бизга Уни унутишга имкон беради. Шунинг учун Девахути айтяпти: “Менга моддий оламда лаззатланишга Ўзинг рухсат бердинг. Илтимос, энди мени бу алданишдан қутқариб ол!”

Парвардигор Ўз марҳамати билан бизга моддий оламда лаззатланиш имконини беради, лекин эртами-кечми барибир бизнинг ҳафсаламиз пир бўлади, шунда биз ҳиссий лаззатлардан нафратланиб жиркана бошлаймиз. Агар ана шундай ҳафсаласи пир бўлган киши Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига бош эгиб, ўз ихтиёрини Унинг амрига топширса, Парвардигор Ўзининг чексиз марҳамати билан уни моддий тутқунликдан озодликка чиқаради. Шунинг учун "Бхагавад-гита"да Кришна шундай дейди: “Аввал ўз ихтиёрингни Менга топшир, шунда Мен сенга ғамхўрлик қилиб, сени барча гуноҳларинг оқибатидан халос этаман”. Парвардигор билан ўзининг мангу муносабатларини эсдан чиқарган тирик мавжудотнинг ҳар бир ҳаракати, бар босган қадами гуноҳ ҳисобланади. Моддий оламда ҳатто савоб ҳисобланган ишлар ҳам гуноҳ ҳисобланади, чунки одамлар савоб ишларни ҳам унинг натижаларидан кейин ўзи лаззатланиш ниятида қиладилар. Масалан, баъзи бировлар кейин эвазига тўрт марта кўпроқ бойликка эга бўлиш учун муҳтож одамларга садақа берадилар. Бундай савоб ишлар эҳтирос гунасидаги савоб ишлар тоифасига кириди. Бу дунёда инсон қиладиган ишларнинг ҳаммаси у ёки бу даражада моддий табиат гуналари билан булганган бўлади, шунинг учун моддий оламдаги Худога садоқат билан хизмат қилишдан бошқа ҳар қандай фаолият гуноҳ ҳисобланади. Гуноҳ қилиш билан биз алдамчи моддий боғланишлар ҳукми остига тушиб қоламиз ва ўзимизни моддий танага қиёслаб бошлаймиз. Мен танамни ўзим деб ҳисоблай бошлайман, танам билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммасини эса “меники” деб биламан. Шунинг учун Девахути Парвардигор Капиладан илтимос қилиб, уни ана шу сохта ўзликдан халос қилишни ва сохта эгалик туйғусидан қутулишга ёрдам беришни сўраяпти.

Текст 11

Девахути давом этди: Мен Сенинг нилуфар қадамларинг пойи паноҳидан анжот топдим, чунки нажот беришга қодир бўлган ягона Зот Сен Ўзингсан. Сен – моддий тирикчилик дарахтини чопиб ташлашга қодир бўлган болтасан. Шунинг учун мен чуқур

эхтиром билан барча илоҳиёт кишилари орасида энг буюги бўлган Сенинг олдингда бош эгаман ва Сендан эркак билан аёлнинг ўзаро муносабатларининг табиатини, шунингдек модда билан руҳнинг табиатини тушунтириб беришни илтимос қиламан.

Изоҳ: Маълумки, санкхья фалсафаси пракрити билан пурушанинг табиатини ўрганади. Пуруша Олий Шахс Худони ёки ўзини лаззатланувчи деб ҳисоблаб, ўзини Худого қиёслайдиган зотни айтадилар, пракрити эса – унинг табиати. Моддий оламда моддий табиатдан кўплаб пурушалар, тирик мавжудотлар лаззатланадилар. Практик билан пурушанинг қийин ва чигал ўзаро муносабатлари моддий оламда самсарага, тирик мавжудотнинг моддий тутқунлигига сабаб бўлади. Девахути ўзининг моддий ҳаёти дарахтини чопиб ташлашни ва моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишни истаган эди, у бунинг учун жуда ажойиб восита – Капила Мунини топди. "Бҳагавад-гита"нинг ўн бешинчи бобида моддий тирикчилик дарахти ашваттха деб аталган, ана шу дарахтнинг илдизи тепага қараб ўсган, шохалари эса пастга қараган. Шу ерда айтилганки, тирик мавжудот ана шу дарахт илдизини боғланмаслик болтаси билан чопиб ташлаши лозим. Боғланиш дегани нима ўзи? Боғланиш – пуруша билан пракритининг ўзаро муносабатлари. Тирик мавжудотлар моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интиладилар. Шартланган тирик мавжудот моддий табиатга лаззатланиш манбаи деб қарагани ва ўзи лаззатланувчи ўрнини эгаллагани сабабли уни пуруша деб атайдилар.

Девахути ўзининг саволлари билан Капила Мунига мурожаат қилди, чунки у фақат Унинг Ўзи уни моддий оламга боғланиш илатидан поклашга қодир эканини биларди. Эркак ва аёл қиёфасидаги тирик мавжудотлар моддий қувватдан лаззатланишга интиладилар, шунинг учун қайсидир маънода уларнинг ҳаммаси пурушалар ҳисобланадилар, чунки пуруша – "лаззатланувчи", пракрити эса "лаззат берадиган нарса" деган маънони билдиради. Моддий оламда эркаклар ҳам, аёллар ҳам ҳақиқий пурушага тақлид қиладилар. Аслида ягона илоҳий лаззатланувчи Парвардигорнинг Ўзи ҳисобланади, қолган барча тирик мавжудотлар пракрити тоифасига киради.

"Бҳагавад-гита"да Парвардигор Шри Кришна моддани апара-пракрити, қуйи қувват деб айтган; ундан бошқа олий табиат ҳам мавжуд бўлиб, тирик мавжудотлар ана шу табиатга мансуб. Тирик мавжудотлар ҳам пракрити, лаззат берадиган зотлар ҳисобланади, лекин, майянинг жилвасига учиб, улар ўзининг табиатига қарши равишда лаззатланувчи бўлишга интилиб юрадилар. Самсара-андха, моддий оламда шартланган тирикчилик қилишнинг сабаби ана шунда. Девахути шартланган ҳаёт чангалидан халос бўлишни ва ўз ихтиёрини Парвардигорга бутунлай топширишни истапти. Бу ерда у Парвардигорни шаранйя, яъни "ўзини топширса бўладиган ягона Зот" деб айтпти, чунки Парвардигор барча бойликлар ва эзгу фазилатлар соҳибидир. Ҳақиқатан ҳам барча мусибатлардан халос бўлишни истаган киши ўз ихтиёрини Олий Шахс Худого топшириши лозим. Мазкур шеърда Девахути Парвардигорни сад-дхарма-видам вариштам деб ҳам атаган. Бунинг мазмуни руҳий

фаолиятлар ичида энг аълоси Олий Шахс Худого илоҳий муҳаббат билан мангу хизмат қилиш дегани билдиради. Дхарма иборасини одатда "дин" деб таржима қиладилар, лекин аслида бундай таржима қилиш нотўғри ҳисобланади. Аслида дхарма – "жисмдан ажратиб бўлмайдиган сифат, табиат" "бирор нарсанинг ажралмас хусусияти" ҳисобланади. масалан, иссиқлик – оловнинг хусусияти, шунинг учун иссиқликни оловнинг дхармаси, оловнинг табиати деб аташ мумкин. Худи шундай, сад-дхарма дегани "мангу фаолият"ни билдиради. Тирик мавжудотнинг мангу фаолияти Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишдан иборат. Капиладева баён этган санкхья фалсафасининг мақсади - одамларни Парвардигорга соф, бенуксон пок муҳаббат билан хизмат қилишга ундашдан иборат. Шунинг учун Девахути бу ерда Капилани сад-дхарманинг, яъни "тирик мавжудотнинг илоҳий фаолияти"нинг мазмунини биладиган зотлар ичида энг мўътабар Зот деб атайпти.

Текст 12

Майтрея деди: Онасининг руҳнинг табиатини англаб етишга самимий интилаётганини кўриб, берган саволлари учун Парвардигор ичида унга миннатдорчилик билдирди ва юзида табассум билан унга руҳий ўзлигини англаб етишга интиладиган илоҳиёт кишилари борадиган йўлни таърифлаб бера бошлади.

Изоҳ: Девахути ўзининг моддий оламда тутқун бўлиб қолганини тан олиб, ўғлига шу ҳақда гапириб берди ва Унга ана шу асирликдан халос бўлиш нияти борлиги айтди. Унинг Парвардигор Капилага берган саволлари ҳақиқатан ҳам моддий олам тутқунлигидан халос бўлишга ва руҳий баркамолликка интилиб юрган кишиларда жуда қизиқини уйғотади. Агар одамда руҳий борлиқнинг ва ўзининг ҳақиқий ҳолатининг асл табиатини англаб етишга интилиш бўлмаса, агар у моддий оламда яшашдан нафратланмаса, унинг инсон танасидаги ҳаёти бекорга кетган деб ҳисоблаш мумкин. фақат ақлсиз нодон кишилар ўзининг руҳий эҳтиёжлари билан қизикмайдилар ва худди ҳайвонларга ўхшаб, бутун умрини фақат еб-ичиш, ухлаш, ҳаётини ҳимоя қилиш ва бола-чақа қилиш билан ўтказадилар. Парвардигор Капила онасининг саволларидан жуда мамнун бўлди, чунки бундай саволларга жавоб бериш инсонда моддий олам тутқунлигидан тезроқ халос бўлиш истагини уйғотади. Ана шундай саволлар апаварга-вардханам деб аталади. Руҳий баркамолликка самимий интилиб юрган одамларни сат, яъни содиқлар деб атайдилар. Сатам прасангат("Шримад Бҳагаватам".3.25.25). Сат дегани "мангу", асат ибораси эса "ўткынчи" деган маънони англатади. Ана шу тоифага мансуб одамлар яқсон бўлишга маҳкум нарсаларга ишонадилар, аммо руҳий поғонага кўтарилган кишилар мангу ҳаётга эришадилар. Табитан руҳий бўлган ҳолда бизлар мангу мавжудмиз, шунинг учун ҳеч қачон тиним билмаймиз. Руҳнинг асат шароитига тушиб қолишга асад-грахан, унда модда билан лаззатланиш истагининг юзага келишидир. Аслида мангу руҳ сат табиатига эга. шуни англаб етиб, Кришна онгини қабул қилган киши ўзининг сат

ҳолатига қайтади. Сатам гатиҳ, мангуликка элтувчи йўл, рухий озодликка интилиб юрган кишиларни ўзига жалб этади, шунинг учун Парвардигор Капила Девахутига ана шу йўл ҳақида гапира бошлади.

Текст 13

Олий Шахс Худо, Парвардигор деди: Тирик мавжудотни Парвардигор билан боғлайдиган, унга энг буюк саодат келтирадиган ва моддий оламнинг барча шодлигу-мусибатларидан халос бўлишда унга ёрдам берадиган йога – йоганинг энг олий тизимидир.

Изоҳ: Моддий оламда ҳар бир инсон бахтга интилиб яшайди, аммо ҳар қандай дунёвий бахтга албатта бирор мусибат ҳамроҳ бўлиб келади. Бу дунёда ҳақиқий бахтга эришиб бўлмайди. Инсон бу дунёда қандай лаззат ҳис қилмасин, унга албатта бирор изтироб ҳамроҳ бўлади. масалан, лаззатланиб сут ичишни истаган киши сигир сут бериш учун уни боқиш билан боғлиқ бўлган азобларни ўз зиммасига олиши керак бўлади. Сут ичиш лаззатли, бу ҳақиқий лаззат ҳисобланади, лекин ана шу лаззат учун у тер тўкиб машаққат чекиб ишлаши лозим. Парвардигор айтяптики, йога билан шуғулланишдан мақсад – моддий лаззатлардан ҳам, моддий азоб-уқубатлардан ҳам биратўла ва бутунлай халос бўлишдан иборат. "Бхагавад-гита"да Парвардигор Шри Кришна айтадики, йога тизимлари ичида аълоси – бхакти-йога. Шу ерда яна айтилганки, инсон тақдирида дуч келган нарсаларга сабр қилиб, инсон бахт ва мусибатларни хотиржамлик билан бошидан кечириши лозим. Албатта, кимдир дунёвий бахт инсонга ҳеч қандай ташвиш келтирмайди деб, эътироз билдириши мумкин, лекин одамлар билмайдиларки, ҳар қандай дунёвий бахтдан кейин албатта бирор мусибат келади. Моддий оламда тирикчилик қонуни шундай. Парвардигор Капила айтяптики, йога – руҳ ҳақидаги илм. Рухий баркамолликка эришиш ва рухий поғонага кўтарилиши учун йога билан шуғулланадилар. Йогада баркамолликка эришган киши дунёвий бахт-мусибатлардан устун бўлган поғонага кўтарилади. Мана шу илоҳий поғона ҳисобланади. Кейинги шеърларда Парвардигор Капила нимага йогани илоҳий деб аташини тушунтиради, бу ерда У бизларни фақат ана шу ибора билан таништиряпти.

Текст 14

Эй Менинг эзгу ниятли онам, Мен сенга бир вақтлар буюк донишмандларга гапириб берган қадимий йога тизини таърифлаб бераман. Бу йога тизим ҳар жихатдан фойдали ва сенга бахт-саодат келтиради.

Изоҳ: Парвардигор янги йога тизимини кашф этган эмас. Баҳазн кимдир ўзини Парвардигор мужассам бўлган зот деб эълон қилиб, Муллақ Ҳақиқат ҳақида янги таълимот тарғибот қила бошлагани ҳақида эшитиб қоламиз. Лекин мазкур шеърда бунинг бутунлай акси бўляпти. Капила Муни, Парвардигорнинг Ўзи, Ўз онаси учун янги фалсафий таълимот ўйлаб топиши мумкин эди, лекин шунга қарамай У айтяптики: “Мен сенга қадимий йога илмини таърифлаб бераман, Мен уни бир пайтлар буюк донишмандларга гапириб берган эдим, чунки улар ҳам худди сендай йога ҳақида

тинглашни қаттиқ истаган эдилар”. Рухий ўзликни англашнинг мукамал усули Ведаларда аллақачон таърифлаб берилган, шунинг учун йоганинг янги тизимларини ўйлаб чиқаришнинг ва содда одамларни йўлдан адаштиришнинг умуман ҳожати йўқ. Ҳозирги замонда ишонарли йога тизимини инкор этиб, унинг ўрнига “янги йога тизими” деб одамларга сохта тизимни таклиф қилиш одат тусига кириб қолган.

Текст 15

Тирик мавжудотнинг онги моддий табиатнинг уч гунасига ғарқ бўлган ҳолат шартланган ҳолат деб аталади. Тирик мавжудотнинг онги Олий Шахс Худода мужассам бўлганда у озодликка чиққан зот бўлади.

Изоҳ: Кришна онги майя онгидан фарқ қилади. Гунешу, яъни майя онги моддий табиатнинг уч гунасига боғланганликни билдиради, унинг таъсири остида тирик мавжудот баъзан эзгулик ва илмда, баъзан эҳтиросда, баъзида эса ғофилликда ҳаракат қилади. Мана шу – шартланган ҳаётнинг сабабчиси бўлган фаолиятнинг сифат жиҳатдан турли кўринишлари бўлиб, уларнинг асосида моддий лаззатланишга интилиш истаги ётади. Тирик мавжудотнинг онги(четах) Олий Шахс Худо, Кришнага мурожаат қилганида, яъни тирик мавжудот Кришна онгига эга бўлганида, у рухий озодликка олиб чиқадиган йўлга чиққан бўлади.

Текст 16

Инсон ўзини танага қиёслаш(“мен”) ва тана билан боғлиқ нарсаларга эгалик қилиш(“меники”) туйғусининг натижаси бўлган эҳтирос ва очкўзлик(қизғаниш) сифатларидан бутунлай халос бўлганида унинг ақли пок ҳолатга эришади. Онгнинг ана шундай пок ҳолатида мустаҳкам туриб олгандан кейин у моддий бахт ва мусибатлардан устун поғонага кўтарилади.

Изоҳ: Кама ва лобҳа моддий тирикчилик аломатларидир. Бу дунёда яшайдиган ҳар бир тирик мавжудот нимагади эгалик қилишга интилади. Бу ерда айтилганки, очкўзлик ва эҳтирос тирик мавжудот адашганидан ўзини моддий танага қиёлаши натижасида юзага келади. Инсон ана шу иллатдан покланганида унинг ақли ва онги ҳам покланади ва ўзининг бошланғич азалий ҳолатига қайтади. Тирик мавжудот, унинг ақли ва онги, ҳеч қачон бир биридан ажралмайди. Тирик мавжудот ҳақида гапирганда биз унинг ақли ва онгини ҳам назарда тутамиз. Биз ақлимизни ва онгимизни поклганимизда шартланган ҳаёт билан озод ҳаёт орасидаги фарқ яққол кўриниб туради. Ақл ва онгни поклаш билан тирик мавжудот дунёвий бахт ва мусибатлардан юқори бўлган поғонага кўтарилади.

Парвардигор Капила Ўз насихатларининг бошида айтган эдики, мукамал йога тизими инсонга моддий бахт ва мусибатлардан устун бўлиш имконини беради деб айтган эди. Бу шеърда эса, ана шу ҳолатга қандай эришиш мумкинлиги кўрсатилган: бунинг учун инсон ақлини ва онгини поклаши лозим. Бхакти-йога тизими инсонга ана шундай имконият беради. “Нарада-панчаратра”да айтилганидек, инсон аввало ақлини ва онгини поклаб олиши лозим(тат-паратвена нирмалам), бунинг учун эса инсон ўзининг барча сезги аъзоларини

Худога хизмат қилиш билан машғул қилиши лозим. Бхакти-йога усулининг мазмуни шундан иборат. ақл ҳамиша бирор иш билан машғул бўлиши лозим, уни ҳаракатсиз ушлаб туришнинг иложи йўқ. Албатта, ақлни бўшатишга ёки уни ҳаракатсиз ушлаб туришга уринадиган аҳмоқлар ҳам топилиб қолади, лекин амалда бунинг иложи йўқ, ақлни поклашнинг ягона йўли – уни Кришна ҳақидаги ўйлар билан машғул қилиш. Ақл абатта бирор фаолият билан машғул бўлиши лозим. Биз ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаганимизда, онгимиз бутунлай покланади, шунда унга эҳтирос ва очкўзлик илллати яқинлаша олмайди.

Текст 17

Шунда руҳ ўзининг моддий оламга нисбатан илоҳий ҳолатда ва ўзидан нур таратиб мангу порлаб туришини кўради. Ана шу пайтда у аслида ўзи ўлчамлари жуда кичик руҳий заррача бўлса ҳам, ҳамиша бўлинмасдан ўзгармай қолишини англаб етади.

Изоҳ: Ўзининг онгини поклаб, яъни Кришна онгига эга бўлиб, инсон ўзининг Парвардигордан сифат жиҳатидан фарқ қилмайдиган руҳий заррача эканини кўради. "Бхагавад-гита"да айтилганидек, жива. Алоҳида руҳ Парвардигорнинг заррачаси сифатида мангу қолаверади. Куёш нурларининг кичик корпускулалари – Куёш нурунинг кичик заррачалари бўлгани сингари, тирик мавжудот ҳам Олий Руҳнинг ажралмас кичик заррачасидир. Алоҳида руҳ Парвардигордан моддий нуктаи-назардан ажралмаган. У азалдан заррача ҳисобланади. Алоҳида руҳ(жон, тирик мавжудот) руҳий заррача бўлса, демак у руҳий тўла бутун Зотдан ажралган бўлиши лозим, деб ўйламаслик керак. майявад-файласуфлар айтадиларки, аслида ягона битта руҳ мавжуд, ана шу руҳнинг жива деб аталадиган зарраси эса, алданиш чангалига тушиб қолган. лекин бундай фалсафа ўринсиз, чунки моддадан фарқли равишда, руҳни бўлақларга бўлиб бўлмайди. Жива, руҳий зарра - руҳий зарра бўлиб мангу қолаверади. Олий Руҳ қанча вақт мавжуд бўлса, Унинг заррачаси ҳам шунча вақт мавжуд бўлади. Токи куёш мавжуд экан, унинг нурларининг корпускулалари ҳам мавжуд бўлиб қолаверади.

Ведаларда айтилганки, живанинг ўлчами соч толаси учининг ўн мингдан бир бўлагига тенг, шунинг учун уни арзимас даражада кичик деб айтадилар. Олий Руҳ чексиз, тирик мавжудот, яъни алоҳида руҳ эса, гарчи сифат жиҳатидан Олий Руҳдан фарқ қилмаса ҳам, арзимас даражада кичик.

Мазкур шеърда алоҳида эътиборга лойиқ бўлган икки ибора бор. Улардан биттаси – нирантарам, яъни “фарқ қилмайдиган”, “сифат жиҳатидан бир хил”. Иккинчи ибора алоҳида руҳнинг сиқатини ифодалайдиган аниманам ибораси. Аниманам ибораси “арзимас даражада кичик” деган маънони билдиради. Олий Руҳ ҳамма жойда мавжуд ва чексиз, руҳий заррача, алоҳида руҳ эса, арзимас даражада кичик. Акхандитам дегани нафақат “бўлинмас”, балки “табиатан чексиз кичик” деганни ҳам билдиради. Куёш нурунинг корпускуласини куёшдан ажратиб олиб бўлмайди, лекин ана шу зарранинг ўлчамлари куёшнинг ўлчамига қараганда жуда кичик. Худди шундай, тирик мавжудот ҳам сифат жиҳатидан Олий

Руҳдан фарқ қилмайди, лекин ўлчами жиҳатидан Ундан чексиз кичик.

Текст 18

Худога садоқат билан хизмат қилиб илм эгаллаган, моддий нарсалардан юз ўгирган ва шу тариқа ўзини англаб етган киши ҳаёт ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлади. Шундай инсон дунёвий ҳаётга бефарқ бўлиб қолади ва унга моддий табиатнинг таъсири камайиб кетади.

Изоҳ: Худди касаллик тарқатадиган микроблар биринчи навбатда заифлашган организмга таъсир қилгани сингари, моддий табиат, Парвардигорнинг алдамчи қуввати ҳам биринчи навбатда заиф кишига, яъни руҳий озодликка эришган зотга эмас, балки шартланган руҳга таъсир қилади. Руҳий озодликка чиқиш - ўзининг руҳ эканини англаб етиш демакдир. Бунинг учун инсон гйана(илм) ва вайрагйа(боғланмаслик, таркидунёлик)га эга бўлиши лозим. Илмсиз инсон руҳнинг, ўзининг ҳақиқий “мен”нинг табиатини англаб ета олмайди. Ўзи аслида Олий Руҳнинг кичик заррачаси эканини англаб етган киши моддий, шартланган ҳаётга бўлган боғланишдан халос бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилиш ана шундан бошланади. Моддий боғланиш илллатидан покланмай туриб Худога садоқат билан хизмат қилишнинг иложи йўқ. Шунинг учун мазкур шеърда: жнана-ваирагйа-йуктена – ўзининг табиатини англаб етган, дунёвий боғланишлардан халос бўлган ва таркидунё қилган киши Худога соф садоқат билан хизмат қилиб(бхакти-йуктена) Худонинг содиқ хизматкори бўлиши ва қалбида Унга муҳаббат туйғусини ривожлантириши мумкин дейилган. Парипашйати ибораси шуни билдирадики, ундай инсон ҳаёт ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлади. Шунда моддий табиат унга ўз таъсири деярли ўткази олмайди. Бу ҳақиқат "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланади: брахма-бхута-прасаннатма. Руҳий ўзлигини англаб етган киши ҳақиқий бахтга эришади, моддий табиат таъсири остидан чиқади ҳамда истак ва мусибатлардан халос бўлади. Парвардигор ана шу ҳолатни мад-бхактим лабхате парам – Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бошланиши деб атайди. "Нарада-панчаратра"да ҳам айтилганки, фақат ўзининг сезгиларини поклагандан кейин тирик мавжудот уларни Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул қилиши мумкин. Токи инсонда моддий оламнинг илллатларига бўлган боғланиш сақланиб қолар экан, у Худонинг содиқ хизматкори бўла олмайди.

Текст 19

Олий Шахс Худога садоқат билан хизмат қилишни бошламас экан, биро йог руҳий ўзлигини англашнинг олий поғонасига кўтарила олмайди, чунки Худога садоқат билан хизмат қилиш – руҳий баркамолликка олиб боровчи ягона йўл ҳисобланади.

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки. Худога садоқат билан хизмат қилмай туриб инсон мукамал илмга ва таркидунёликка эриша олмайди. На йуджйаманайа дегани “боғланмаган” деганни билдиради. Садоқат билан хизмат қилиш ҳақида гапирганда кимга хизмат

килиш кераклигини кўрсатиш керак. Олий Шахс Худога, бутун борлиқнинг Олий Рухига, хизмат қилиш керак, чунки Парвардигорга хизмат қилиш – рухий ўзликни, яъни Брахманни англаб етишга олиб борадиган ягона йўлдир. Брахма-сиддхайе ибораси “ўзининг моддадан фарқ қилишини тушуниш”, “ўзининг рух, брахман эканини англаш” деганини билдиради. Ведаларда ана шу ҳақиқат “ахам борахмасми” деган ибора билан ифодаланади. Брахма-сиддхи: инсон ўзининг модда эмас, пок рух эканини англаб етиши лозим. Йогларнинг турли тоифаси мавжуд, лекин охир-оқибатда уларнинг ҳаммаси рухий ўзлигини англаб етишга, яъни Брахманни англашга интиладилар. Мазкур шеърда аниқ айтилганки, токи инсон ҳаётини Олий Шахс Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишламак экан, унинг брахма-сиддхи йўлига кириши жуда мушкул бўлади.

"Шримад Бхагаватам"нинг Биринчи кўшиқ иккинчи бобининг бошида айтилганки, Васудевага садоқат билан хизмат қилиб юрган киши ўзидан ўзи рухий илмга ва таркидунёликка эришади деб айтилган. Демак, Худонинг содиқ хизматкори рухий илм ва таркидунёликка эришиш учун алоҳида куч сарфлаб юришининг ҳожати йўқ. Худога садоқат билан хизмат қилиш шунчалик қудратлики, Парвардигорга хизмат қилиб юрган кишига ҳамма нарса аён бўлади. Мазкур шеърда айтилганидек, мана шу – рухий ўзликни англаб етишга олиб борадиган ягона саодатли йўлдир(шивах пантах). Худога садоқат билан хизмат қилиш – инсонни Брахманни англаб етишга олиб борадиган энг махфий сирли йўл. Мазкур шеърда саодатли Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бораётган кишилар эришадиган Брахманни англаб етишнинг энг юқори поғонаси ҳақида гап боради. Демак, “Брахманни англаш” яъни, брахмаджйони англаб етиш ҳали брахма-сиддхи поғонаси эмас. Брахмажйотидан кейин Олий Шахс Худо келади. Упанишадаларда содиқ хизматкор брахмажйоти орқасида яширинган Парвардигорнинг мангу киёфасини кўра олиши учун Парвардигордан брахмажйотининг ёрқин нуруни олиб ташлашни илтимос қилади. Парвардигорнинг илохий киёфасини англаб етмай туриб бхакти ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бхакти деганда хизматни қабул қиладиган шахс, хизмат қиладиган содиқ хизматкор назарда тутилади. Шундай қилиб, брахма-сиддхи, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида эришиладиган рухий баркамоллик – Олий Шахс Худони англаб етиш демақдир. Парвардигорнинг рухий танасидан таралиб турган илохий нурни англаб етиш Брахманни англаб етиш, брахма-сиддхининг олий поғонаси эмас. Олий Шахс Худонинг жиҳатларидан бири бўлган Параматмани англаб етиш ҳам Парвардигорни тўлмиқ англаб етиш ҳисобланмайди, чунки бутун борлиқнинг Олий Рухи(акхилатма) Багаван, Олий Шахс Худо ҳисобланади. Парвардигорни Олий Шахс Худо сифатида англаб етган киши Унинг бошқа жиҳатларини: Параматма ва Брахманни ҳам англаб етади. Парвардигорни ана шундай англаб етиш брахма-сиддхи деб аталади.

Текст 20

Илмга эга эга бўлган ҳар инсонга яхши маълумки, моддий лаззатларга бўлган боғланиш туйғуси рухий

табиатга эга бўлган жон(тирик мавжудот)ни моддий тутқунлик чангалига солиб қўяди. Лекин, тирик мавжудотда рухий ўзлигини англаб етган зотлар билан ҳамсухбат бўлишга нисбатан ана шундай боғланиш туйғуси ривожланса, унинг олдида рухий озодликка чиқиш дарвозалари кенг очилади.

Изоҳ: Бу ерда, шартланган ҳаётнинг кули бўлиб юришнинг асосий сабаби моддий нарсаларга боғланиш экани аниқ айтилган, агар худди шундай боғланиш туйғуси бошқа нарсага қаратилса, тирик мавжудот олдида рухий озодлик дарвозалари кенг очилади. Боғланиш туйғусидан биратўла кутулишнинг иложи йўқ, фақат боғланадиган объектни ўзгартириш лозим. Дунёвий нарсаларга боғланиш моддий деб, Кришна ёки Унинг содиқларига боғланиш эса – Кришнани англаш, Кришна онгида бўлиш деб аталади. Шундай қилиб, боғланишнинг асосида онг ётади. Мазкур шеърда аниқ айтилганки, онгни поклаб ва уни моддий онгдан Кришна онгига айлантириб, биз рухий озодликка эришамиз. Боғланишлардан халос бўлишга чақириш билан тирик мавжудот ўзининг барч истакларидан биратўла поулана олмайди. Боғланиш тирик мавжудотнинг табиатига хос бўлган тўйғу. Ёлғиз ёки фарзандсиз одамлар ит ёки мушук асраб, шу ҳайвонларга боғланиб қолганини кўриш мумкин. Мана шунинг ўзи инсон боғланишлардан бутунлай поклана олмаслигини кўрсатди. Боғланишлардан халос бўлишга уриниш ўрнига биз ўзимизнинг бу сифатимиздан кўпроқ манфаат келтирадиган йўлда фойдаланиш йўлини топишимиз лозим. Моддий нарсаларга боғланиш бизларни шартланган ҳаётга тутқун қилиб қўяди, лекин, ана шу боғланиш туйғусидан биз Олий Шахс Худога ёки Худонинг содиқ хизматкорига нисбатан фойдалансак, у бизни озодликка олиб чиқади.

Мазкур шеърда Парвардигор Капила бизларни қалбимизда Худонинг рухий ўзлигини англаб етган содиқ хизматкорига, садхуга боғланиш туйғусини ривожлантиришга чақиради. Садху дегани ким? Садху шунчаки сариқ либос кийиб олган ёки соқоли оқарган чол эмас. "Бхагавад-гита"да айтилганки, садху – ўзини бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган киши. Ҳатто, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг барча қонун-қоидаларига қатъий риоя қилмаса ҳам, лекин қалбда ошхга, Парвардигор Шри Кришнага чуқур имон ҳосил қилган кишини ҳам садху деб ҳисоблаш лозим. садхур эва са мантавайах. Садху ҳеч қачон Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан четга чиқмайди. Мазкур шеърда айтилганки, агар инсон Брахманни англаб етишга, яъни рухий баркамолликка интилаётган бўлса, у қалбидаги боғлаништуйғусини садхуга, Худонинг содиқ хизматкорига қаратиши лозим. Парвардигор Чайтанья ҳам шун ҳақда гапирган. Лаваматра садху-санге сарва-сиддхи хайа – ҳатто садху билан бўлган қисқа учрашув ҳам инсон олдида рухий баркамолликка эришиш йўлини очади.

Махатма ва садху иборалари бир маънони англатадиган синоним сўзлардир. Парвардигорнинг улғувор содигига, махатмага хизмат қилиш – дварам ахур вимуктес – озодликка олиб чиқадиган тўғри йўл. Махат-севам дварам ахур вимуктес тамо-дварам йошигам санги-сангам("Шримад Бхагаватам".5.5.2). Дунёвий одамларга хизмат қилиш бунинг акси бўлган

натижга олиб келади. Ашаддий имонсиз дунёвий одамга, яъни фақат ўз хиссиётининг талабини қондириш билан лаззатланиб яшайдиган кишига хизмат қилиш, у билан ҳамсухбат бўлиш билан биз ўзимиз учун дўзахга йўлланма тайёрлаймиз. Мазкур шеърда ҳам ана шу ҳақиқат таъкидланган. Худонинг содиқ хизматкорига боғланиш – Худога хизмат қилишга боғланиш деганидир, чунки садху ўзи билан ҳамсухбат бўлган кишиларни Худонинг содиқ хизматкори бўлишга, Худога сажда қилишга, Унга самимий садоқат билан хизмат қилишга ўргатади. Садху билан ҳамсухбат бўлишнинг фойдаси шундай. Агар биз садху билан ҳамсухбат бўлишни истасак, ундан моддий фаровонлигимизни қандай яхшилаб олиш ҳақида маслаҳат кутмаслигимиз лозим, аксинча ундан қалбимиздаги моддий боғланишлар тугунини чопиб ташлашга ҳамда Худога садоқат билан хизмат қилишда юксалишга ёрдам берадиган маслаҳатлар сўрашимиз лозим. Садху билан учрашишнинг натижаси шундай бўлади. Шунинг учун Капила Муни Девахутига берган насиҳатларининг бошида таъкидлаб айтадики, руҳий озодликка эришиш йўли садхулар билан учрашишдан бошланади.

Текст 21

Садху сабрли ва меҳрибон, у – барча тирик мавжудотларнинг дўсти. Унинг душмани йўқ, у ҳамиша хотиржам, шастраларнинг кўрсатмаларига қатъий риоя қилади ва барча эзгу фазилатларга эга.

Изоҳ: Аввал айтганимиздек, садху Худо Шахсининг содиқ хизматкори, шунинг учун у ҳамиша одамларга Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини тарқатишга интилади, бу билан у ўзининг меҳрибонлигини намоён этади. У Худога садоқат билан хизмат қилмай юрган одамлар ўзларининг умрини бекорга хазон қилишини билади. Бутун дунё бўйлаб саёҳат қилиб, Худонинг содиқ хизматкори эшикма-эшик юриб, одамларга даъват қилади: “Қришнани англабетишлар. Худонинг содиқ хизматкори бўлинглар. Ҳайвонларга хос туйғуларга берилиб умрингизни хазон қилманг. Инсон умри сизларга руҳий ўзлигингизни англаб етиш, яъни қалбингизда Қришна онгини ривожлантириш учун берилган”. Садху одамларга шундай тарғибот қилади. Ўзи озодликка эришганига қаноат ҳосил қилмасдан у ҳамиша бошқалар ҳақида ўйлаб юради. Унинг шартланган руҳлар бўлган меҳрибонлиги чегара билмайди. Унинг эзгу фазилатларидан бири – каруника, адашган руҳларга бўлган чексиз ҳамдардлиги шундай намоён бўлади.

Садху чексиз сабр-тоқатли бўлиши лозим, чунки у тарғибот қилар экан ўзига жуда кўп душманлар орттиради. Одамлар уни ҳақорат қиладилар, қувгун қиладилар, чунки Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақидаги илоҳий илмни шартланган руҳларнинг ҳаммаси бирдай қабул қилишга тайёр эмас. Улар касал, шунинг учун улар руҳий илмни қабул қилмайдилар. Садху ана шундай ғофил одамларни Худога садоқат билан хизмат қилиш зарурлигига ишонтиришдай жуда машуққатли вазифани ўз зиммасига олади. Баъзан Худонинг содиқларига зулм қилиб, уларга қарши жисмоний куч ишлатадилар. Ийсо пайғамбарни хочга михлаб ўлдирдилар, Харидас Тхакурни йигирма икки

бозорда калтаклаб қийнадилар, Парвардигор Чайтаньянинг яқин ҳамроҳи бўлган Нитьянандага ака-ука Джагай ва Мадхай ҳужум қилди. Лекин, Парвардигор бу содиқ хизматкорлари бу дунёга шартланган руҳларни қутқариш учун келганини эсида сақлаган ҳолда, имонсиз одамларнинг барча ҳақорат ва зулмларига чидам билан сабр қилдилар. Садху ҳаммага меҳрибон, чунки барча тирик мавжудотларга, фақат одамларга эмас, балки ҳайвонларга ҳам фақат яхшилик қилишни истайди. Сарва-дехинам ибораси “моддий тана олган барча тирик мавжудотлар” дегани билдиради. Фақат одамлар эмас, бошқа тирик мавжудотлар ҳам моддий танага эга. Худонинг содиқлари итми, мушукми ёки дарахтми, ҳаммага бир хилда ҳамдардлик билдиради. У ҳамма тирик мавжудотларнинг моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишига ёрдам беришга ҳаракат қилади. Парвардигор Чайтаньянинг шогирдларидан бири Шивананда Сена итнинг танасида шартланган руҳни кўриб, уни озодликка чиқарган эди. Садхулар билан учрашгани шарофати билан итларнинг руҳий озодликка эришганига тарихда жуда кўп мисоллар бор, чунки садхулар барча тирик мавжудотларнинг энг юксак саодатини ўйлайдилар. Лекин, садху барча тирик мавжудотларга бир хилда дўст бўлса ва ҳеч кимга душманлик ўйламаса ҳам, ғофил одамлар шунчалик яхшиликни билмайдиган кўрнамакларки, уларнинг кўплари садхуларга душманлик қилиб юрадилар.

Дўст нимаси билан душмандан фарқ қилади? Биринчи навбатда улар ўзларининг бизга бўлган муносабати билан. Садху шартланган руҳларнинг моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишига ёрдам бериш учун бор кучини аямасдан ҳаракат қилади, шунинг учун шартланган руҳларнинг уларга озодлик йўлини кўрсатадиган садхулар яхшироқ дўсти йўқ. Садху ҳамиша хотиржам, у қийналмасдан бир хилда муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига риоя қилиб яшайди. Садху – Ведаларнинг кўрсатмаларига амал қиладиган ва Худонинг содиқ хизматкори бўлган киши. Ҳақиқатан ҳам шастраларнинг кўрсатмаларига амал қиладиган киши Худонинг содиқ хизматкори бўлмаслиги мумкин эмас, чунки шастраларнинг ҳаммаси Олий Шахс Худога бўйсунини талаб қилади. Шундай қилиб, садху деб, Ведаларнинг кўрсатмаларига амал қилиб юрган кишини айтадилар. Юқорида кўрсатилган сифатларнинг ҳаммаси Худонинг содиқ хизматкорида бор. Худонинг содиқ хизматкори ўзида фаришталарнинг барча эзгу фазилатларини ривожлантиради деб айтадилар. Худонинг содиқ хизматкори бўлмаган одам эса, ҳатто у дунёвий жиҳатдан яхши таълим-тарбия олган ва илмли бўлса ҳам, руҳий жиҳатдан ўзлигини англаб етган кишиларга хос бўлган яхши сифат ва фазилатларга эга эмас.

Текст 22

Садху ўзгармас қатъият билан Худога садоқат билан хизмат қилади. Худо учун у ўзини бу дунёга боғлаб турган оила ва дўстлик ришталарининг ҳаммасини узиб ташлайди.

Изоҳ: Таркидунё қилган санньясини ҳам садху деб атайдилар, чунки у Худога эришиш ниятида бу дунёдаги ҳамма нарсани: уйини, моддий қудайликларни,

дўстларини, қариндошларини ва ўзининг уларга нисбатан бўлган бурч-вазифаларини тарк этади. У Олий Шахс Худого хизмат қилиш учун ҳамма нарсани тарк этган инсон. Одатда санньяси таркидунё қилиб яшашга қасам ичади, лекин унинг ичган қасами фақат у ўзининг бор кучини Худого садоқат билан хизмат қилишга сарфласагина натижа беради. Шунинг учун бу ерда: бхактим курванти йе дридхам деб айтилган. Худого самимий холис хизмат қилиб юрган ва таркидунё қилишга қасам ичган кишини садху деб атайдилар. Ундай инсон ўзининг ҳаётини бутунлай Худого садоқат билан хизмат қилишга бағишлаш учун жамиятга, оиласига ва инсониятга нисбатан бўлган бурчларидан воз кечган. Дунёга келишимиз билан биз ўзимизнинг ватандошларимиз, фаришталар, буюк донишмандлар, ҳайвонлар, ота-онаиз, аждодларимиз ва бошқа кўп тирик мавжудотлар олдида қарздор бўлиб қоламиз. Худого садоқат билан хизмат қилиш учун ана шу қарзларининг ҳаммасидан юз ўтирган киши уларнинг олдидаги бурчини бажармаганлиги учун жазо олмайди. Лекин инсон агар одам фақат ўзи лаззатланиб яшаш учун ана шу бурчларини бажармаса, бунинг учун уни моддий табиат қонунлари қаттиқ жазолайди.

Текст 23

Ҳамиша Мен, Олий Шахс Худо ҳақидаги ҳикояларни тинглаб, Мени шарафлаб қуйлаб юриб, садху ҳеч қачон моддий азоб-уқубатларга учрамайди, чунки унинг ақли ҳамиша Менинг эрмакларим ва ва кароматларим ҳақидаги фикрларга ғарқ бўлиб юради.

Изоҳ: Моддий ҳаёт сон-саноксиз изтиобларга тўла. Бизга ақлимиз, танамиз, бошқа тирик мавжудотлар ва табиий офатлар турли азоб-уқубат келтиради. Лекин садху, уларга умуман эътибор бермайди. Чунки ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юради. У ҳамиша Кришна онгига ғарқ бўлиб юради, шунинг учун Парвардигорнинг кароматларидан бошқа бирор нарса ҳақида гапирмайди. Масалан, Амбариша Махараж ҳеч қачон Кришнанинг эрмакларидан бошқа бирор нарса ҳақида гапирмаган. вачамси ваикунтҳа-гуануварнане("Шримад Бхагаватам".9.4.18). Унинг айтган ҳар бир сўзи Парвардигорга айтилган ҳамдасано эди. Парвардигорнинг кароматларини эсдан чиқарган шартланган руҳлар ҳамиша ташвишга ботиб, чексиз мусибат ва изтиробларга мубтало бўлиб юрадилар. Аммо, ақли ҳамиша Парвардигорнинг кароматлари ҳақидаги фикрларга ғарқ бўлиб юрган Худонинг содиқлари бу дунёдаги моддий тирикчиликнинг барча ноқулайликларини унутиб юборадилар.

Текст 24

Эй меҳрибон онам, эй эзгу ниятли аёл, Мен сенга барча моддий боғланишлардан пок бўлган буюк содиқларнинг сифатларини санаб кўрсатдим. Сен ана шу авлиё зотлар билан ҳамсухбат бўлишга интилишинг керак, чунки фақат уларга боғланишгина сенга моддий боғланишларнинг зарарли таъсиридан халос бўлишга ёрдам беради.

Изоҳ: Онаси Девахутига мурожаат қилар экан, Капила Муни айтадики, агар у моддий боғланишлардан халос

бўлишни истаса, қалбида садхуларга, ҳар қандай дунёвий боғланишлардан холи бўлган Худонинг содиқларига боғланиш туйғусини ривожлантириши лозим. "Бхагавад-гита"(15.5)да Парвардигорнинг салтанатига киришга муносиб бўлган зотларнинг фазилатлари ёзилган: нирмана-моха джита-санга-дошах. Бу гаплар ўзини бирор нарсанинг эгаси деб биладиган кишининг моддий сифати юзага келтирадиган мағрурлик иллатидан пок бўлган кишиларни ифодалайди. Инсон қанчалик бой ва обрўли бўлмасин, агар у руҳий салтанатга эришишни ва ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтишни истаса, у ўзининг қалбидаги, уни алданиш чанғалида ушлаб турган, моддий нарсаларга эгалик туйғусидан бутунлай покланиши лозим.

"Бхагавад-гита"нинг мазкур шеърисида ишлатилган моха ибораси инсоннинг ўзини бой ёки камбағал деб биладиган сохта тасаввурни ифодалайди. Бу дунёдаги одамларни бой ва камбағалларга ёки моддий тирикчилик шароити билан боғлиқ бўлган бошқа бирор сифатлар бўйича бир биридан ажратиш сохта тасаввур ҳисобланади, чунки моддий тана вақтинчалик ўткинчи нарса. Моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишга интилаётган пок руҳ биринчи навбатда моддий табиат гуналари билан бўлган алоқасини узиб ташлаши лозим. Ҳозир бизнинг онгимиз моддий табиат гуналарининг таъсири остида булганган, шунинг учун "Бхагавад-гита"да шундай дейилган: джита-санга-дошах – моддий табиатнинг инсон онгини булғайдиган таъсири остидан чиқиш керак. "Шримад Бхагаватам" ҳам буни тасдиқлайди: руҳий салтанатга эришишга интилиб юрган асл содиқ моддий табиатнинг уч гунаси таъсир доирасидан юқлори кўтарилади. Биз ана шундай содиқлар билан учрашиб ҳамсухбат бўлишга интилишимиз лозим. Айнан ана шу мақсадда Кришнани англаш Халқаро жамияти ташкил этилган. Бутун дунёда кўплаб илмий ва тижорат жамиятлари ва бирлашмалари мавжуд, уларнинг мақсади – дунёвий илмнинг у ёки бу турини тарғибот қилиб, одамларда маълум сифатга эга бўлган онгни шакллантиришдан иборат. Лекин, шу пайтгача дунёда одамларга барча моддий боғланишлардан халос бўлишга ёрдам берадиган жамият ташкил этилмаган эди. Моддий иллатлардан покланиш зарурлигини тушунган киши аъзолари қалбида Кришна онгини ривожлантиришдан бошқа иш билан шуғулланмайдиган жамиятни излаб топиши керак.

Худонинг содиқ хизматкори моддий табиатнинг зарарли таъсири остидан чиққани учун у моддий оламнинг турли мусибатларига бефарқ қарайдиган бўлиб қолади. Гарчи шундай содиқ аввалгидай моддий оламда яшаб юрган бўлса ҳам, у энди моддий мусибатлардан аввалгидай изтироб чекмайди. Буни мушукнинг ҳатти-ҳаракатларини кузатиб туриб тушуниб олиш мумкин. Мушук ўзининг оғзида болаларини ҳам олиб юради, ўзи ушлаб олган сичқонни ҳам, лекин уларнинг бунда хис қиладиган туйғулари бир хил эмас. Онасининг оғзидаги мушук боласи ўзини қулай хис қилади, худди шундай шароитдаги сичқон эса ўзининг дахшатли ажалини хис қилади. Худди шундай садху, яъни Парвардигорга илохий хизмат қилиб юрган содиқ хизматкор моддий азоб-уқубатлардан қийналмайдилар, Кришнани англаб

етмаган имонсиз кишилар эса, дунёвий ҳаёт мусибатларидан изтироб чекиб яшайдилар. Шунинг учун бизлар имонсиз дунёвий одамлар билан ҳамсуҳбат бўлишни тарк этишимиз ва Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқлар билан ҳамсуҳбат бўлишга интилишимиз лозим. Шундай инсонлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, бизлар аста-секин руҳий баркамолликка эришамиз, чунки уларнинг гапларини тинглаб ва кўрсатмаларига амал қилиб, бизлар ўзимизни моддий олам билан боғлаб турган барча ришталарни узиб ташлашга қодир бўламиз.

Текст 25

Олий Шахс Худонинг эрмак ва кароматларини Худонинг асл содиқлари даврасида муҳокама қилиш кулоққа ёқимли ва инсон қалбини қувончга тўлдирди. Инсон вақтини ана шундай ишларга сарфлаб, руҳий озодликка олиб чиқадиган йўлдан илдам ҳаракатлана боради, озодликка эришгандан кейин эса, унинг Парвардигорга бўлган боғланиши яна ҳам кучаяди. Шу тариқа ҳақиқий садоқат юзага келади ва Худога садоқат билан хизмат қилиш бошланади.

Изоҳ: Бу ерда инсоннинг Кришнани англашда ва Худога садоқат билан хизмат қилишда юксалиш жараёни таърифланган. У Кришна онгидаги ва Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одамлар билан ҳамсуҳбат бўлишдан бошланади. Худонинг содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлмай туриб руҳий юксалишга эришишнинг иложи йўқ. Руҳий илмни билиш ва муқаддас китобларни ўрганиш бизга сезиларли натижаларга эришишга имкон бермайди. Парвардигорнинг кароматларининг маҳфий сирларини англаб етишга интилаётган киши дунёвий одамлар билан бўладиган ҳар қандай алоқаларни тарк этиши ва Худонинг содиқлари билан учрашишга интилиши лозим. Одамларнинг аксарият кўпчилиги Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз жиҳати мавжудлигига ишонадилар. Улар Худонинг содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлмагани сабабли Мутлақ Ҳақиқатнинг шахс эканини ва шахс бўлиб ҳаракат қилишини тушуниб етиш имкониятидан маҳрумдирлар. Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсий жиҳатини англаб етиш жуда қийин, лекин шунга эришмай туриб Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Қандайдир шахсиятсиз Зотга хизмат қилиш ёки ўз ихтиёрини топширишнинг иложи йўқ. фақат шахсга хизмат қилиш мумкин. Имонсиз одамлар, ҳатто "Шримад Бхагаватам" ва Парвардигорнинг кароматлари ҳақида ёзилган бошқа ведавий муқаддас китобларни ўқиб юрган бўлсалар ҳам, Кришна онгининг мазмунини тушунишга қодир эмаслар. Улар Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни афсона ёки ўйлаб топилган эртақлар деб биладилар, чунки руҳий ҳаёт ҳақида тўғри тасаввурга эга эмаслар. Парвардигорнинг илоҳий кароматларининг мазмунини англаб етиш учун Худонинг содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлиш лозим. Парвардигорнинг илоҳий табиати ҳақидаги фикр-мулоҳазалар билан биргаликда ана шундай суҳбатлар инсон олдида руҳий озодликка эришиш йўлини очади. Олий Шахс Худога ишончи комил бўлган киши Худога садоқат билан хизмат қилишда мустаҳкам туриб олади, Унинг Парвардигор ва Худонинг содиқлари билан

ҳамсуҳбат бўлишга бўлган боғланиши тобора кучая боради. Худонинг содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлар тэканмиз биз Парвардигорнинг Ўзи билан алоқа ўрнатамиз. Ана шундай алоқа натижасида инсон ўзининг қалбида Худога хизмат қилиш истагини ривожлантиради, Парвардигорга илоҳий хизмат қилиш поғонасига кўтарилган киши эса, оқибат-натижада руҳий баркамолликка эришади.

Текст 26

Худога хизмат қилиш ва Худонинг содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлиш шарофати билан инсон нафақат бу дунёдаги, ҳатто жаннатий лаззатлардан ҳам совиб кетади, чунки ундай кишининг ақли ҳамиша Парвардигорнинг кароматлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга ғарқ бўлиб юради. Кришнани англаш усули – сеҳр қудратини ривожлантириш усуллари ичида энг осондир; Худога садоқат билан хизмат қилишда ҳақиқатан ҳам мустаҳкам туриб олган киши ўзининг ақлини жиловлай олиш қобилиятига эга бўлади.

Изоҳ: Муқаддас китобларнинг ҳаммаси инсонларни тақводор инсон бўлиб яшашга чақиради, бунинг эвазига улар ҳозирги ҳаётида ҳам, кейинги ҳаётида ҳам чексиз ҳиссий лаззатланиш имкониятига эга бўлишини ваъда қиладилар. Масалан, уларда айтилганки, кармали савоб ишлар билан шуғулланиб юрган киши кейинги ҳаётида коинотдаги жаннатий сайёраларнинг бирига эришади. Лекин, Худонинг бошқа содиқлари билан учрашиб юрган содиқ хизматкор бундан Парвардигорнинг кароматлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга берилишни устун қўяди: қандай қилиб Парвардигор оламни яратиши, унинг мавжудлигини қандай таъминлаб туриши, қандай яқсон қилиши, шунингдек Парвардигорнинг руҳий оламдаги эрмаклари ҳақида. Парвардигор Шри Кришнанинг кароматлари ҳақида ёзилган муқаддас китоблар жуда кўп, уларнинг асосийлари "Бхагавад-гита", "Шримад Бхагаватам" ва "Брахма-самхита". Бошқа содиқлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, самимий содиқ хизматкор Парвардигорнинг эрмаклари ҳақида тинглаш ва фикр юритиш имкониятига эга бўлади, бу эса уни Ер сайёрасидаги, шунингдек жаннатдаги ёки моддий оламдаги бошқа ҳар қандай сайёрадаги ўткинчи лаззатларга нисбатан берафқ қилиб қўяди. Худонинг содиқлари фақат бир нарсга – Парвардигор билан шахсан ҳамсуҳбат бўлишга интиладилар; ўткинчи ва алдамчи моддий бахт энди улар учун ўзининг аввалги латофатини умуман йўқотиб қўяди. Руҳий юксалишнинг ана шу поғонасида турган кишини йога-юкта деб атайдилар. Ҳақиқий йогни моддий оламдаги у ёки бу сайёранинг гўзаллиги ўзига жалб эта олмайди. Унинг мақсади – руҳий илм эгаллаш ва руҳий оламга эришиш. Агар бхакти-йога, яъни руҳий ўзликини англаш усуллариининг энг осон йўлидан фойдаланилса, бунга эришишнинг қийин жойи йўқ. Риджубхир йога-маргаих. Мазкур шеърда жуда аниқ ибора ишлатилган: риджубхих – “энг осон”. Йоганинг, йогада камолотга эришиш имконини берадиган ҳар хил турлари мавжуд аммо Худога садоқат билан хизмат қилиш усули энг осон йўл ҳисобланади. осон бўлишига қарамай, бу усул ажойиб натижаларга олиб келади. Шунинг учун ҳар бир инсон

Кришнани англаш усулидан фойдаланиб рухий баркамолликнинг олий поғонасига эришиши лозим.

Текст 27

Моддий табиат гуналарига хизмат қилишни тарк этиб, калбида Кришна онгини ривожлантириб, илмга ва таркидунёликка эришиб, ақлини бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишда жамлаш имконини берадиган йога билан шуғулланиб, инсон ҳозирги ҳаётининг ўзидаёқ Менга эришади, чунки Мен – Олий Шахс Худо, Мутлак Ҳақиқатман.

Изоҳ: Бхакти-йоганинг ишонарли муқаддас китобларда кўрсатилган тўққиз тури: тинглаш(шраванам), такрорлаш(киртанам), эслаш, сажда қилиш, илтижо қилиш ва шахсан хизмат қилиш орқали Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши, хизмат қилишнинг бир тури ёки бирданига бир неча тури билан машғул бўлишидан қатъий назар, моддий табиатнинг уч гунасига хизмат қилиш имкониятига эга бўлмайди. Токи инсон рухий фаолият билан машғул бўлмас экан, у моддий фаолиятга боғланишдан халос бўлолмайди. Шунинг учун ҳам имонсиз одамлар ҳар хил шифохоналар ва ҳайр-саховат муассасаларини очиб, инсонпарварлик фаолиятига жуда катта эътибор берадилар. Булар ҳам албатта, эзгу ишлар ҳисобланади ва инсонга ҳозирги ҳаётида ёки кейинги ҳаётида унинг натижаларидан лаззатланишдан умидвор бўлишга имкон беради. Аммо, Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳиссий лаззатланиш поғонасидан устун туради. Бу соф рухий фаолият ҳисобланади. Инсон бутунлай рухий фаолиятга, Худога садоқат билан хизмат қилишга фарқ бўлганида, унинг ҳиссий лаззатланишга умуман вақти қолмайди. Кришна онгидаги фаолият билан кўр-кўрона шуғулланмаслик керак, бундай фаолият билан шуғулланиш кишидан мукамал илм ва дунёвий нарсалардан бутунлай воз кечишни талаб қилади. Ақлни Олий Шахс Худода жамлашни назарда тутадиган йоганинг ана шу усули Худонинг содиқ хизматкорига ўзининг ҳозирги ҳаётидаёқ озодликка эришиш имконини беради. Шундай фаолият билан машғул бўлиб, у Олий Шахс Худо билан бевосита мулоқот қилиш имкониятига эга бўлади. шунинг учун Парвардигор Чайтанья мана шу усулни маъқуллади ва бизларга Худонинг асл содиқларидан Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаб юришни тавсия қилди. Бунда тингловчиларнинг жамиятда қандай мартаба эгаллаб туришининг аҳамияти йўқ. Рухий ўзлигини англаб етган кишининг Парвардигорнинг кароматлари ҳақида гапимраётган ҳикояларини камтарин ҳолда диққат билан тинглаган киши бошқа бирор йўл билан мағлуб қилишнинг иложи бўлмаган Парвардигорни ўзига жалб қилишга қодир бўлади. Асл содиқларнинг гаплари тингламасдан ёки улар билан ҳамсухбат бўлмасдан инсон ўзининг рухий табиатини англаб етолмайди. Бу – рухий ўзлиқни англаш жараёнининг энг муҳим таркибий қисмидир.

Текст 28

Парвардигорнинг насиҳатларини тинглаб туриб, Деввахути шундай савол берди: Сенинг нилуфар қадамларинг пойи хизмат қилиш имкониятига осон ва

тез эришиш учун мен Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қайси тури билан шуғулланишим керак?

Изоҳ: "Бхагавад-гита"да айтилганки, ҳар қандай инсон ҳам Худога хизмат қила олади. Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган ҳар бир инсон, ишчими, савдогарми ёки аёл зотиданми, ким бўлишидан қатъий назар, рухий баркамолликка эришади ва ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб боради. Қайси содиққа Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қайси тури билан шуғулланиш тўғри қилишини рухий устоз аниқлаб беради, хизматнинг ана шу тури билан шуғулланиш имкониятини ҳам ўзининг чексиз марҳамати билан унинг ўзи беради.

Текст 29

Сеҳрли йога тизими, Ўзинг айтгандай, Олий Шахс Худони англаб етиш ва моддий тирикчиликка барҳам бериш учун мўлжалланган. Илтимос, менга йоганинг ана шу усулининг мазмунини тушунтириб бер. Ана шу маҳфий илоҳий илмни англаб етишнинг қандай йўллари бор ва улар нечта?

Изоҳ: Йоганинг турли тизимлари Мутлак Ҳақиқатнинг турли жиҳатларини англаб етиш учун мўлжалланган. Гйана-йоганинг мақсади – Брахманнинг шахсиятсиз нурини англаб етиш, хатха-йога Мутлак Ҳақиқатнинг мужассам бўлган шахсий жиҳати(Параматма)ни англаб етиш имконини беради, бхакти-йога, яъни тўққиз турли жараёндан таркиб топган Худога садоқат билан хизмат қилиш усули эса, Олий Шахс Худони мукамал англаб етиш имконини беради. Рухий ўзлиқни англашнинг жуда кўп усуллари мавжуд, лекин бу ерда Деввахути айнан асосий қисмини Парвардигор аллақачон айтиб берган бхакти-йога ҳақида гапиряпти. Бхакти-йоганинг таркибий қисмлари тинглаш, такрорлаш, эслаш, илтижо қилиш, эҳромда Парвардигорга сажда қилиш, Унга шахсан хизмат қилиш, Унинг кўрсатмаларини бажариш, У билан дўст бўлиш ва ўзимизнинг ҳамма нарсамиздан Унга хизмат қилишда фойдаланиш.

Мазкур шеърда нирванатман ибораси алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Парвардигорга садоқат билан хизмат қилмай туриб моддий тирикчиликка барҳам беришнинг иложи йўқ. Гйанилар эса, ўзларига гйана-йога йўлини танлаганлар, лекин улардан бирортаси қаттиқ риёзатлар натижасида Брахманнинг нурига қўшилиш имконига эга бўлса ҳам, барибир унда тубанликка қулаб, яна моддий оламга қайтиш эҳтимоли сақланиб қолаверади. Шундай қилиб, гйана-йога усули инсонга моддий ҳаётни биратўла ва узил-кесил тарк этиш имкониятини бермайди. Худди шундай, мақсади Худо Шахсининг мужассам бўлган жиҳати Параматмани англаб етиш бўлган хатха-йога билан шуғулланиб юрганларнинг кўплари рухий юксалиш йўлидан қулашдан қутула олмадилар. Муруқабга билан шуғулланиб юрган Вишвамित्रа ва бошқа йогларнинг тақдири шундай бўлди. Аммо, бхакти-йоглар, Олий Шахс Худонинг даргоҳига эришгандан кейин моддий оламга ҳеч қачон қайтиб келмайдилар, бу ҳақиқат "Бхагавад-гита"да тасдиқланган: йад гатва на нивартанте – бу ердан кетган киши қайтиб бу дунёга келмайди. тйактва дехам пунар джанма наити – танасини тарк этиб, улар моддий оламда бошқа

туғилмайдилар. Нирвана ҳолатига эришгандан кейин рух мавжудликни тарк этмайди. Рух мангу. Нирвана дегани моддий ҳаётни тарк этишни, яъни ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтишни билдиради.

Баъзан одамлар шундай савол берадилар: нимага тирик мавжудотлар рухий оламдан моддий оламга кулайдилар. Бунинг жавоби шундай: токи тирик мавжудот Олий Шахс Худо билан шахсан бевосита мулоқот қилиш имконияти бўлган Вайкунтха сайёраларига эришмас экан, ҳатто у шахсиятсиз Браҳманни англаб етган ёки жазавали муруқабача ҳолатига эришган бўлса ҳам, у яна моддий оламга қайтиб тушмасликдан қафолатланмайди. Мазкур шеърда ишлатилган бхагавад-банах ибораси ҳам алоҳида муҳим аҳамиятга эга. банах ибораси “пайкон” деган маънони билдиради. Бхакти-йога Олий Шахс Худога қаратилган пайконга ўхшайди. Бхакти-йога инсонни Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз Браҳман ёки Параматма жиҳатини англаб етиш билан қаноатланиб қолмасликка ундайди. Мана шу пайкон(банах) шунчалик ўткир ва тезкорки, шахсиятсиз Браҳман ва Параматма соҳаларини четлаб ўтиб, тўппа-тўғри Олий Шахс Худога қараб учиб боради.

Текст 30

Эй азиз ўғлим Капила, мен шунчаки бир аёлман. Менинг тафаккурим заиф, шу боис Мутлақ Ҳақиқатни англаб етиш мен учун қийин. Аммо менга бу ҳақда Ўзинг гапириб берсанг, ҳатто аёл бўлсам ҳам, мен Уни англаб, илоҳий бахтга эриша оламан.

Изоҳ: Чуқур тафаккурга эга бўлмаган оддий инсон учун Мутлақ Ҳақиқатни англаб етиш жуда қийин, аммо рухий устоз ўзининг илоҳий марҳамати билан ҳатто энг пасткаш ғофил шогирдини ҳам илоҳий илм сирларидан баҳраманд эта олади. Шунинг учун Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакура шундай дейди: йасай прасадад – рухий устознинг марҳамати билан шогирд Олий Шахс Худонинг марҳаматига, бхагавад-прасададга эришади. Мазкур шеърда Девахути у бошқа барча аёллар сингари чуқур тафаккурга эга эмаслигини, бунинг устига Унинг онаси эканини айтиб, ўзининг буюк ўғлидан ўзига марҳамат кўрсатишини илтимос қилапти. Капиладеванинг марҳамати билан у оддий одамлар, айниқса аёллар англаб етиши жуда қийин бўлган Мутлақ Ҳақиқатни англаб етиш имкониятига эга бўлади.

Текст 31

Шри Майтрея деди: Онасининг илтимосини тинглаб туриб, Капиладева унинг ниятини тушунди. Ўзининг бу дунёга унинг қорнидан келганини эслаган ҳолда, Капиладеванинг қалбида Девахутига нисбатан чуқур ҳамдардлик туйғуси уйғонди ва унга шогирдлар силсиласи орқали ўтиб келаётган, ўзида Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳамда сеҳрли йога илмини бирлаштирган санкхья фалсафасини баён қилиб берди.

Текст 32

Парвардигор Капила деди: Сезгилар ҳар хил фаришталарнинг тимсолидир, асл табиатига кўра улар ведаларнинг кўрсатмалари асосида ҳаракат қилишга интиладилар. Худди сезгилар фаришталарнинг тимсоли

бўлгани сингари, ақл Олий Шахс Худонинг тимсоли ҳисобланади. Хизмат қилишга мойиллик ақлнинг табиатида азалдан мавжуд, ана шу мойилликни Худога садоқат билан холис хизмат қилишда қўллаш рухий озодликка эришишдан кўра ҳар жиҳатдан устун туради.

Изоҳ: Тирик мавжудотнинг сезгилари ҳаминча ё Ведаларда кўрсатилган фаолият билан, ё моддий фаолият билан машғул. Бирор мақсадни кўзлаб хизмат қилиш сезгиларнинг табиатида бор, ақл эса уларнинг ҳаракатини бошқариб туради. Аслини олганда ақл сезгиларни бошқариб туради, шунинг учун уни саттва деб атайдилар. Худди шундай, моддий коинотни бошқарадиган фаришталар: Куёш фариштаси, Ой фариштаси, Индар ва бошқаларнинг фаолиятини Олий Шахс Худо бошқариб туради.

Ведаларда айтилганки, фаришталар – Олий Шахс Худонинг фазовий қиёфасининг ҳар хил қисмларидир. Фаришталар шунингдек бизларнинг сезгиларимизни ҳам бошқариб тургани сабабли, улар турли фаришталар тимсоли ҳисобланади, ақл эса – Парвардигорнинг тимсолидир. Ақл бошқариб турган сезгилар фаришталарга бўйсунди. Тирик мавжудотнинг сезгиларининг фаолияти Олий Шахс Худога хизмат қилишга қаратилганида, унинг сезгилари ўзининг табиий ҳолатида бўладилар. Парвардигорни Хришикеша деб атайдилар, чунки охир-оқибатда сезгиларнинг эгаси Унинг Ўзи ҳисобланади. Ҳаракат қилишга мойиллик сезгилар ва ақлнинг табиатида азалдан мавжуд, лекин улар модда билан булганганида, аслида Олий Шахс Худога хизмат қилиш учун яратилган бўлсалар ҳам, ё бирор оддий мақсадга эришиш учун, ё фаришталарни мамнун қилиш учун ҳаракат қиладилар. Сезгилар хришика деб аталади, Олий Шахс Худо эса —Хришикеша деб аталади. Бизларнинг сезгиларимиз ҳозир нима билан машғул бўлмасин, улар аслида Худога хизмат қилиш учун мўлжалланган, ана шундай хизмат бхакти деб аталади.

Капиладева айтадики, Худога садоқат билан хизмат қилиш шундай хизматки, унда тирик мавжудотнинг барча сезгилари Олий Шахс Худога ҳеч қандай шахсий мақсадга интилмасдан хизмат қилиш билан машғул бўлади. Парвардигорга холис хизмат қилиш сиддхи, рухий озодликдан анча устун туради. Бхакти, яъни Олий Шахс Худога холис хизмат қилиш истаги илоҳий табиатга эга ва мукти, озодликдан анча устун туради. Шундай қилиб, бхакти – рухий озодликдан кейин келадиган поғона ҳисобланади. фақат рухий озодликка эришган зот ўзининг сезгиларини Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул қила олади. Инсоннинг сезгилари уларга лаззат келтирадиган моддий фаолият билан ёки, Ведаларда кўрсатилган фаолият билан машғул бўлганида у бундан бирор шахсий манфаат кўзлаётган бўлади, лекин, ана шу сезгилар Худога садоқат билан беминнат хизмат қилиш билан машғул бўлганида, уларнинг фаолияти ақлнинг мангу табиатига мос бўлади ва анимитга деб аталади. Шундай қилиб, Ведаларнинг кўрсатмаларига ҳам, моддий фаолиятга ҳам чалғимасдан, Кришна онгидаги фаолият билан, яъни Олий Шахс Худога садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлган ақл моддий олам тутқулигидан рухий озодликка эришишга интилаётган ақлдан анча устун туради.

Текст 33

Худди ошқозондаги овқат ҳазм қилиш олови еган таомни ҳазм қилиб юборгани сингари, бхакти, Худога садоқат билан хизмат қилиш содиқнинг бошқа бирор уринишларисиз унинг нафис танасини эритиб юборади.

Изоҳ: Бхакти муктидан анча устун туради, чунки Худога садоқат билан хизмат қилиб, инсон бошқа бирор ҳаракат қилмасдан моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқади. Бу жараён мазкур шеърда овқат ҳазм бўлиш жараёнига қиёсланади. Агар одамнинг овқат ҳазм қилиш тизими яхши ишласа, унинг ошқозонидаги олов ҳар қандай овқатни ҳазм қилиб юбора олади. худди шундай, Худонинг содиқ хизматкори ҳам руҳий озодликка эришиш учун алоҳида бирор ҳаракат қилиб юришига ҳожат йўқ. Олий Шахс Худога садоқат билан хизмат қилиб юришнинг ўзи руҳий озодликка эришиш учу кифоя, чунки Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ўзи моддий олам тутқунлигидан халос бўлиш демакдир.

Худонинг содиқ хизматкори учун озодликка чиқиш муаммоси мавжуд эмас. У руҳий озодликка ўзидан ўзи эришади. Имперсоналистлар шунчалик қаттиқ интилиб юрган муктидан бхактининг афзаллиги ҳам мана шунда. Муктига эришиш учун имперсоналистлар қаттиқ риёзат чекишлари лозим бўлади, бхактилар эса, шунчалик Худога садоқат билан хизмат қилиш билан, Ҳаре Кришна мантра куйлаб, Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре, Парвардигорга таклиф этилган таом қолдиқларидан еб юриб, бир пасда нафсини жиловлаб оладилар. Тилини, нафсини жиловлаб олгандан кейин эса, у қолган барча сезги аъзоларини жиловлай олади. Йога билан шуғулланишдан мақсад сезгиларни жиловлаб олиш ҳисобланади, шунинг учун Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирган ҳар бир содиқ хизматкор шу заҳотиёқ озодликка эришади. Капиладева ҳам тасдиқлаптики, бхакти, Худога садоқат билан хизмат қилиш – гарийаси, яъни сиддхи, озодликдан анча устун туради.

Текст 34

Фақат Менга хизмат қилишдан лаззат оладиган ва ҳаминиша Менинг нилуфар қадамларим пойига хизмат қилиб юрган асл содигим қалбида ҳеч қачон Мен билан қўшилиб кетиш истаги пайдо бўлмайди. У чалғимасдан Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан боради ва тинмасдан Менинг эрмак ва кароматларимни олқишлаб юради.

Изоҳ: Муқаддас китобларда озодликка чиқишнинг беш тури ҳақида айтилган. Уларнинг биттаси Олий Шахс Худо билан қўшилиб кетиш, яъни ўзининг алоҳида мавжудлигини йўқотиб, Парвардигорнинг борлиғига қўшилиб кетиш. Ана шундай озодлик экатматам деб аталади. Худонинг содиқ хизматкори ҳеч қачон бунга рози бўлмайди. Озодликнинг қолган тўрт тури тирик мавжудотга

Парвардигорнинг сайёралари(Ваикунтҳа)дан бирига эришиш, Парвардигор билан шахсан мулоқотда бўлиш, Парвардигор эга бўлган бойликларга эга бўлиш,

Парвардигорники сингари руҳий танага эга бўлиш имконини беради. Капиладева кейинчалик тушунтирадики, Худонинг асл содиқ хизматкори озодликнинг мана шу беш турининг бирортасига интилмади. Лекин айниқса Олий Шахс Худо билан қўшилиб кетиш ғоясидан у қаттиқ нафратланади. Шри Прабодхананда Сарасвати. Парвардигор Чайтаньянинг буюк содиқ хизматкори шундай дейди: каивалиям наракайате – “майявадиларнинг шунчалик интилиб юрган мақсади - Парвардигор қўшилиб кетишдан келадиган лаззат, Худонинг содиқ хизматкори учун дўзах азоби билан баробар”. Парвардигорнинг асл соф содиқлари бундай қўшилиб кетишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмайдилар.

Ўзларини Худонинг содиқлари деб атайдиган, қалбида эса, тирик мавжудот токи шартланган ҳолатда бўлар экан Худо Шахсига сиғиниши керак, аслида Худо Шахси мавжуд эмас, деб ҳисоблайдиган одамлар кўп. “Мутлақ Ҳақиқат шахсиятсиз бўлгани учун, - деб ҳисоблайди улар, - биз вақтинча Унинг қиёфасини хаёлан тасаввур қилишимиз мумкин. Аммо руҳий озодликка эришган заҳоти бизда Унга эҳтиёж қолмай кўяди”. Майявади-файласуфлар ана шунлай таълимотни тарғибот қиладилар. Лекин аслида, имперсоналистлар Худо Шахсининг борлиғига қўшилиб кетмайдилар, улар фақат Парвардигорнинг танасидан таралиб турган брахмажйотига қўшилиб кетадилар. Гарчи брахмажйоти Худо Шахсининг танасидан фарқ қилмаса ҳам, Парвардигорнинг нурига қўшилиб кетиш Парвардигорнинг борлиғига қўшилиб кетадиган руҳлар оладиган лаззатдан анча устунроқ лаззат ҳис қиладиган Худонинг содиқ хизматкорини ўзига жалб этолмайди. Худога садоқат билан хизмат қилиш энг буюк лаззат манбаидир. Худонинг содиқлари фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида ўйлаб юрадилар; ҳатто моддий табиат уларнинг йўлида ўтиб бўлмас тўсиқларни қўйган пайтларда ҳам улар ўзининг хизмати билан Парвардигорни мамнун қилиш йўлларини топадилар.

Майявадилар Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни афсона деб биладилар, аслида Пураналарда ёзилган ҳикояларнинг ҳаммаси тарихий воқеалардир. Асл содиқлар бу ҳикояларни Мутлақ Ҳақиқат деб қабул қиладилар. Мазкур шеърда ишлатилган мама паурушани ибораси муҳим аҳамиятга эга. Парвардигорнинг кароматларини олқишлар эканхс ҳеч нарса билан тенглаб бўлмайдиган лаззат ҳис қиладилар, майявадилар эса, Мутлақ Ҳақиқат ҳаракат қилади деган фикрни хаёлига ҳам келтирмайдилар. Улар Мутлақ Ҳақиқатни шахсиятсиз деб биладилар, шахсиятсиз зот қандай ҳаракат қилиши мумкин? Имперсоналистлар "Шримад Бхагаватам", "Бхагавад-гита" ва бошқа ведавий муқаддас китобларда ёзилган Парвардигорнинг кароматлари ҳақидаги ҳикояларни афсона деб ҳисоблайдилар, шунинг учун уларни бутунлай аҳмоқона гаплар билан талқин қиладилар. Улар Худо Шахси ҳақида заррача ҳам тасаввурга эга эмаслар, шунга қарамай, бу муқаддас китобларга бурнини тикиб, ўзларининг аҳмоқона изоҳлари билан, ишонувчан оддий одамларни йўлдан адаштирадилар. Майявадилар фалсафаси инсонга жуда катта зарар етказиши мумкин, шунинг учун Чайтаня Махапрабху ўзининг издошларига майявадиларнинг муқаддас

китобларга ёзган изоҳларини тинглашни қатъиян таъқиқлаб қўйган. Майявадиларнинг изоҳлари уларни тинглаган кишини адаштирибгина қолмасдан, уларни Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кириш ва руҳий баркамолликка эришиш имкониятидан бутунлай маҳрум қилади. Шунда, агар у бу иллатдан қутула олса ҳам, бундай имкониятга бир неча йиллар, ҳатто умрлардан кейин эришиш мумкин.

Капила Муни аниқ айтяптики, бхакти, Худога садоқат билан хизмат қилиш муктига нисбатан илоҳий даражада. Бхактини панчама-пурушатха деб атайдилар. Инсон фаолиятини тўрт асосий йўналишга бўладилар: диндорлик, иқтисодий тараққиёт, ҳиссий лаззатланиш ва озодликка эришиш(мукти). Бунда озодликка эришиш деганда одатда Парвардигор билан қўшилиб кетишни назарда тутадилар. Аммо бхакти ана шу фаолият турларининг ҳаммасига нисбатан илоҳий поғонада, шунинг учун "Шримад Бҳагаватам" бу асарда сохта диндорликка заррача ўрин йўқ деган гапдан бошланади. "Шримад Бҳагаватам"да ҳиссий лаззатга ёки иқтисодий фаровонликка эришиш ниятида амалга ошириладиган маросимлар ҳақида бирор гап ёзилмаган. "Шримад Бҳагаватам"да моддий лаззатлардан бахтга эришишдан ҳафсаласи пир бўлган кишиларнинг ақлида пайдо бўладиган Парвардигор билан қўшилиб кетиш ғояси ҳам қораланади. "Шримад Бҳагаватам" биринчи навбатда Худонинг ҳамиша Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиб, тинмасдан Унинг илоҳий кароматларини шарафлаб юрадиган асл содиқлари учун мўлжалланган. Худонинг асл содиқлари Парвардигорнинг "Шримад Бҳагаватам" ва бошқа Пураналарда ёзилган Вриндаван, Дварака ва Матхурадаги илоҳий эрмакларига сиғинадилар. Майявади-файласуфлар лаззатли мазасини фақат асл содиқларгина ҳис қила оладиган ана шу ҳикояларнинг ҳақиқий эканини бутунлай инкор этадилар, уларни афсона деб биладилар. Майявадилар билан асл содиқларнинг муқаддас китобларга бўлган нуқтаи-назаридagi фарқ мана шундан иборат.

Текст 35

Эй азиз она, содиқ хизматкорларим ҳамиша кўз олдида Менинг энди чиқаётган куёшдай порлаган кўзларимни, кулиб турган юзимни кўриб юрадилар. Улар Менинг ҳар қандай истакларини амалга оширадиган сон-саноксиз илоҳий қиёфаларимни лаззатланиб томоша қиладилар ва Менга ўзларининг ёқимли ширин сўзлари билан мурожаат қиладилар.

Изоҳ: Майявади ва даҳрийлар эҳромларда ўрнатилган Илоҳларни бут-санам деб ҳисоблайдилар, лекин Худонинг содиқлари ҳеч қачон бут-санамларга сиғинмайдилар. Улар фақат Олий Шахс Худога, арча-виграха қиёфасида мужассам бўлган ягона Парвардигорга сиғинадилар. Парвардигорнинг шартланган тирик мавжудот сиғина оладиган қиёфаси арча деб аталади. Биз ўзимизнинг ҳозирги ҳолатимизда Парвардигорнинг илоҳий қиёфасини кўришга қодир эмасмиз, чунки бизларнинг моддий кўзларимиз ва бошқа сезги органларимиз руҳий қиёфани сезишга ва қабул қилишга қодир эмас. Биз ҳатто алоҳида тирик мавжудотнинг руҳий қиёфасини кўришга ҳам қодир эмасмиз. Одам ўлганида биз унинг танасидан жони

қандай чиқиб кетганини кўра олмаймиз. Моддий сезгиларнинг номукамаллиги ҳам мана шунда. Шунинг учун Олий Шахс Худо бизлар қабул қила оладиган, арча-виграха деб аталадиган қиёфада намоён бўлади. Баъзан арча-аватара деб ҳам аталадиган Парвардигорнинг арча-виграха қиёфаси Парвардигорнинг Ўзидан фарқ қилмайди. Олий Шахс Худо сон-саноксиз қиёфаларда, шунингдек моддий унсурлардан: лойдан, ёғочдан, металлдан ва кимматбахо тошлардан ясалган қиёфаларда намоён бўлади.

Шастраларда Парвардигорнинг ана шундай қиёфаларини қандай яшаш кераклиги батафсил тушунтирилган. Бу қиёфалар моддий қиёфалар ҳисобланмайди. Парвардигор ҳамма жойда мавжуд бўлгани учун, У моддий унсурлар ичида ҳам албатта мавжуд. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Лекин имонсиз даҳрийлар бошқача фикр юритадилар. Уларнинг тасаввурига кўра бутун борлиқ Худодан иборат, шунга қарамай, улар эҳромга келиб меҳробда турган Илоҳни кўрганда улар У Худо эмас деб айтадилар. Уларнинг ўзлари ўйлаб топган таълимотга кўра, бутун борлиқ – Худо, агар шундай бўлса, нимага энди мурти ҳам Худо бўлиши мумкин эмас? Аслида улар Худо ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслар. Лекин Худонинг содиқлари бошқача тасаввурга эгалар, уларнинг кўзлари қалбидаги Худога муҳаббат туйғуси билан очилган. Улар Парвардигорни сон-саноксиз қиёфаларидан бирида кўрган заҳоти қалбида Унга нисбатан муҳаббат туйғуси юзага келади. Чунки улар, имонсиз даҳрийлардан фарқли равишда, Парвардигор ва Унинг эҳромдаги Илоҳини бир биридан ажратмайдилар. Илоҳнинг кулиб турган ажойиб жамоли улар учун Парвардигорнинг илоҳий ва руҳий сиймосидан фарқ қилмайди, шунинг учун улар унга меҳр-муҳаббат билан қараб тўймайдилар. Руҳий устознинг вазифаси – ўзининг шогирдларини Илоҳларни безашга, Унинг эҳромини тозалашга, Парвардигорга сажда қилишга ўргатишдан иборат. Вишнунинг эҳромларида ишонарли муқаддас китобларнинг аниқ кўрсатмаларига қатъий риоя қилинган ҳолда ҳар қуни сиғиниш маросимлари ўтказилади, Худонинг содиқлари шу ерга Парвардигорнинг, арча-виграханинг жамолини кўриш учун келадилар. Парвардигорнинг жамолини томоша қилиш уларга илоҳий лаззат бағишлайди, чунки Илоҳлар Ўзининг содиқларининг барча руҳий истакларини амалга оширади. Худонинг содиқлари Илоҳларга ўзининг ички сирларини айтадилар, Илоҳлар ҳам уларга жавоб берганига тарихда жуда кўп мисоллар бор. Лекин Парвардигор билан бевосита мулоқот қилишга фақат руҳий юксалишда жуда юқори поғонага кўтарилган сордиқлар қодир бўладилар. Баъзан Парвардигор содиқ хизматкорининг тушида келади ва унга насиҳат ёки кўрсатма бериб кетади. Парвардигор билан содиқ хизматкорнинг ўзаро муносабатларини имонсиз даҳрийлар ҳеч қачон тушуна олмайдилар, аммо Худонинг содиқлари учун бундай муносабатлар чексиз илоҳий лаззат манбаи ҳисобланади. Капила Муни мазкур шеърда Худонинг содиқларининг Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида ажойиб безатилган Илоҳнинг қиёфасини

томоша қилиши ва У билан мулоқот қилишлари ҳақида гапиряпти.

Текст 36

Парвардигорнинг кишини ҳайратга соладиган гўзал киёфасини, Унинг қулиб турган гўзал жамолини томоша қилиб, Унинг ёқимли ширин гапларини тинглаб, Худонинг асл содиқ хизматкори бошқа ҳамма нарсани бутунлай эсдан чиқариб юборади. Унинг Худога садоқат билан хизмат қилишга бутунлай ғарқ бўлган сезгилари бошқа бирор иш билан машғул бўлмай қолади. Шу тариқа у ўзи ҳам билмаган ҳолда, ҳеч қийналмасдан руҳий озодликка эришади.

Изоҳ: Худонинг содиқлари уч тоифага бўлинадилар, лекин уларнинг учинчи, энг паст тоифасига мансуб содиқлар ҳам, озодликка чиққан руҳлар ҳисобланади. Мазкур шеърда айтилганки, гарчи учинчи тоифа содиқлар илмга эга бўлмасалар ҳам, улар эҳромга келиб Илоҳнинг жамолини томоша қиладилар, Парвардигор ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб, теварак-атрофидаги нарсаларга бутунлай эътибор бермай кўядилар. Кришна онгида мустаҳкам туриб олиб, фикру-хаёлини Худога хизмат қилишда машғул қилиб, Худонинг содиқлари ўзлари билмаган ҳолда озодликка эришадилар. Бу ҳақиқат "Бҳагавад-гита"да ҳам тасдиқланади. Шастраларда ёзилган қоидалар асосида Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши тез вақт ичида Браҳман поғонасига кўтарилади. Лекин, тирик мавжудот ўзининг бурчи Парвардигорга мангу хизмат қилиш эканини эсдан чиқарганида, у майя чанғалига тушиб қолади. Ўзининг ҳақиқий бурчи нимадан иборат эканини эсдан чиқариш майя деб аталади, лекин барибир тирик мавжудот аслида Браҳман(руҳ) бўлиб қолаверади.

Ўзининг асл ҳолатини тушуниб етгандан кейин, тирик мавжудот ўзининг Парвардигорнинг мангу хизматкори эканини англай бошлайди. Тирик мавжудотни Браҳман деб айтганларида, унинг руҳий ўзлигини англаб етгани назарда тутилади. Ҳатто Мутлақ Ҳақиқат илмга эга бўлмаган, аммо Парвардигор олдида ҳаяжон билан бош эгадиган, Парвардигор ҳақида ўйлаб юрадиган, эҳромдаги Илоҳни томоша қилиб, Унга гул ва мевалар таклиф қиладиган учинчи тоифа содиқ хизматкор ҳам ўзи ҳам билмаган ҳолда озодликка эришади. Шраддхайанвитах: Худонинг содиқлари чуқур имон ва садоқат билан Илоҳларга сиғиниб, Уларга хизмат қиладилар. Радха-кришна, Лакшми-Нараяна, Сита-Рама илоҳлари Худонинг содиқларининг қалбини шунчалик ўзига ром этиб оладиларки, улар эҳромга келиб ажойиб безатилган Илоҳларга кўзлари тушиши билан беихтиёр Парвардигор ҳақидаги ўйларга ғарқ бўладилар. Худонинг содиқлари шу тарзда озодликка эришадилар. Бошқача қилиб айтганда, мазкур шеърда хатто учинчи тоифа содиқ хизматкор ҳам фалсафий изланишлар ёрдамида ясалган киёфаларда намоён бўлади озодликка чиқишга интилиб юрган ёки илм олишнинг бошқа йўллари билан бораётган одамлардан устун туриши тасдиқланади. Ҳатто Шукрадева Госвами ва тўрт Кумар сингари буюк имперсоналистларни ҳам Эҳромдаги чиройли безатилган Илоҳларнинг гўзаллиги ва Парвардигорга таклиф этилган туласи барглари

муаттар ҳиди ўзига ром қилиб қўйган ва натижада улар ҳам Худонинг содиқлари бўлган эди. Гарчи улар аллақачон озодликка эришган зотлар бўлсалар ҳам, улар имперсоналист бўлиб қолишни истамадилар, Парвардигорнинг гўзаллигига мафтун бўлиб, Худонинг содиқлари бўлдилар.

Мазкур шеърда виласа ибораси алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Парвардигорнинг эрмакларини ёки кароматларини шундай ибора билан ифодалядилар. Эҳромда Илоҳларга сиғинишни тартибга соладиган қоидаларга кўра содиқ хизматкор эҳромга фақат Парвардигорнинг гўзал жамолини томоша қилиш учун эмас, балки эҳромда мунтазам ўқиладиган "Шримад Бҳагаватам", "Бҳагавад-гита" ва бошқа муқаддас китобларни тинглагани келиши керак. Вриндавандаги барча эҳромларда ҳар куни муқаддас китоблар ўқилади. Шундай қилиб, муқаддас китобларни тушунмайдиган ёки "Шримад Бҳагаватам" ва "Бҳагавад-гита"ни ўқишга вақт тополмайдиган янги содиқлар ҳам эҳромга келиб Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш имкониятига эга бўладилар. Бу эса уларга ҳамиша Парвардигор ҳақида – Унинг киёфалари, кароматлари, Илоҳий табиати ҳақида ўйлаб юришга имкон беради. Кришнани англашнинг ана шундай поғонасига кўтарилиб, Худонинг содиқлари озодликка эришган зотлар бўлиб қоладилар. Шунинг учун Парвардигор Чайтанья Худога садоқат билан хизмат қилишнинг беш асосий турини алоҳида таъкидлаб айтиб кетган. Ҳар бир содиқ хизматкор: 1) Худонинг муқаддас номларини зикр қилиши – Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Ҳаре Ҳаре Ҳаре; 2) Худонинг содиқлари билан учрашиб туриши ва уларга хизмат қилиши; 3) "Шримад Бҳагаватам" тинглаши; 4) Чиройли безатилган Илоҳларнинг жамолини томоша қилиш учун мунтазам равишда эҳромга келиб туриши; 5) Иложи бўлса, Вриндаван ва Матхура сингари муқаддас жойда яшаши лозим. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг мана шу беш тури билан шуғулланиб юрган киши бошқа бирор иш қилмаса ҳам, руҳий баркамолликнинг энг юқори поғонасига кўтарилади. Буни "Бҳагавад-гита" ҳам, "Шримад Бҳагаватам"нинг мазкур шери ҳам тасдиқлайди. Ҳатто тажрибасиз содиқ хизматкор ҳам ўзи билмаган ҳолда руҳий озодликка эриша олиши мумкинлиги барча муқаддас китобларда тасдиқланади.

Текст 37

Мен ҳақимдаги фикрларга ғарқ бўлиб, содиқ хизматкор хатто Сатьялока сингари олий сайёраларда мавжуд бўлган бойлик ва лаззатларга ҳам интилмаб кўяди. Уни йога билан шуғулланиш жараёнида эришиш мумкин бўлган сеҳр қудратининг саккиз тури ҳам ўзига жалб этолмайди, у хатто Парвардигорнинг салтанатига эришишга ҳам интилмабди. Аммо, ўзи ҳам билмаган ҳолда Менинг содиғим хатто ўзининг ҳозирги ҳаётидаёқ мавжуд бўлган барча бахт-саодатлардан лаззатланиб яшайди.

Изоҳ: Вибхути, яъни майя бизларни ўзига жалб этадиган инъомлар сон-саноксиз ва ранг-баранг. Ҳатто мана шу сайёранинг ўзидаёқ турли хил моддий лаззатларни татиб кўриш мумкин, олий сайёраларда – Чандралокада, Қуёшда, ундан ҳам юқори бўлган

Махарлока, Джаналока ва Таполокада, моддий коинотнинг энг юқори сайёраси бўлган Сатьялока, маъбуд Брахманинг саёрасида – ҳиссий лаззатланиш имконияти нисбатан чексиз бўлади. Масалан, олий сайёраларда тирик мавжудотларнинг умри ердагига қараганда анча узоқ бўлади. Ойдаги бир кун ер сайёрасидаги олти ойга тенг. Коинотнинг энг юқори сайёрасидаги тирик мавжудотлар қанчалик узоқ умр кўришини биз ҳатто тасавуур ҳам қила олмаймиз. "Бхагавад-гита"да айтилганки, маъбуд Брахманинг шунинг учун икки соати, яъни ярим кун умри қанча эканини ер юзидаги математик олимлар ҳам сон билан ифодалай олмайдилар. Буларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг ташқи қуввати бўлган майянинг фаолият кўрсатадиган соҳаси чегараларида ҳисобланади. Сехр қудратига эришган йоглар баҳраманд бўла оладиган бошқа лаззат турлари ҳам мавжуд, лекин бу қобилиятлар ҳам барибир моддий табиатга эга. Гарчи, агар истаса ҳар қандай лаззатга эриша олсалар ҳам, Худонинг содиқлари ҳеч қачон моддий лаззатларга интилмайдилар. Худонинг содиқ хизматкори агар истаса, Худонинг марҳамати билан ҳар қандай моддий бойликка эга бўлади, лекин Парвардигорнинг асл содиғи уларга бутунлай бепарк. Парвардигор Чайтаня Махапрабху Худонинг асл содиқ хизматкори моддий бойликка ва дунёвий шон-шухратга, моддий оламнинг ўткинчи гўзаллигидан лаззатланишга интилмаслиги керак деб ўргатган; содиқ хизматкор фақат бир нарсага – ҳатто бунинг учун озодликка эришиш мумкин бўлмай, тақрор ва тақрор тўғилиб-ўлиш керак бўлса ҳам, ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилишга интилиб яшаши лозим. Лекин, аслида Кришна онгидаги фаолият билан шуғулланиб юрган содиқ хизматкорга руҳий озодликка эришиш қафолатланган бўлади. Худонинг содиқлари моддий оламдаги сайёраларнинг ва Ваикунтха сайёраларининг барча бойликларига эга бўла оладилар. Мазкур шеърда алоҳида таъкидлаб айтилган: бхагаватим бхадрам. Ваикунтха сайёраларида мангу осойишталик ҳукм суради, шунга қарамай Худонинг асл содиқ хизматкори у жойга боришга интилмади. Лекин, ўзи ҳам билмаган ҳолда у ҳозирги ҳаётининг ўзидаёқ ҳам моддий оламнинг, ҳам руҳий оламнинг барча бойликларига эга бўлади.

Текст 38

Парвардигор давом этди: Эй азиз онажон, ана шу илоҳий бойликларга эга бўлган содиқлар ҳеч қачон улардан маҳрум бўлмайдилар, чунки бу бойликларга на замон, на бирор қурол таъсир қилмайди. Худонинг содиқлари Мени ўзларининг дўсти, қариндоши, ўғли, устози, посбони ва Олий Илоҳи деб билганлари учун улар эга бўлган мана шу бойликларидан мангу лаззатланадилар.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"да айтилганки, савоб ишлар қилиб юрган киши коинотнинг олий сайёраларига, шу жумладан Брахмалокага эришиши мумкин, аммо, савоб ишларининг натижалари тамом бўлгандан кейин улар, моддий фаолият билан тўла янги ҳаётни бошлаш учун яна ер сайёрасига қайтиб тушишга мажбур бўладилар. Шундай қилиб, агар биз ҳиссий лаззатларга берилиб, жуда узоқ умр кўрадиган олий сайёраларга эришсак

ҳам, биз у жойда мангу қолиб кетолмаймиз. Худонинг содиқларининг эришган бойликлари эса, (Парвардигорга хизмат қилиш, Ваикунтха бойликлари) мангу. Мазкур шеърда Капиладева Ўзининг онасини шанта-рупа деб атапти, бунда У ҳамиша Ваикунтха муҳитида бўлган содиқнинг эришган бойлиги мангу эканини назарда тутяпти. Ана шундай муҳит шанта-рупа деб аталади, чунки Ваикунтхада эҳтирос ва ҳафлатдан асар ҳам бўлмаган соф эзулик гунаси ҳукм суради. Парвардигорга соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига етган кишини ҳеч қим илоҳий хизмат қилиш имкониятидан маҳрум қила олмайди, унинг Худога хизмат қилиш истаги ва бундан оладиган илоҳий лаззати ҳамиша кучайиб ва кўпайиб бораверади. Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиб, Ваикунтха муҳитида яшаб юрган содиқларга ҳатто замон ҳам ўз ҳукмини ўтказа олмайди. Моддий оламдаги ҳамма нарсени замон яқсон қилади, аммо Ваикунтха сайёраларига на замон, на фаришталар таъсир қила олмайдилар, чунки Ваикунтхада уларга шунчаки ўрин йўқ. Бу ерда бизларнинг ҳар бир ҳаракатимизни ҳар хил фаришталар бошқарадилар, уларнинг руҳсатисиз биз ҳатто қўл ёки оёғимизни ҳам қимирлата олмаймиз. Аммо Ваикунтха сайёраларида замон ҳам, фаришталар ҳам мавжуд эмас, шунинг учун у жойда ҳамма нарса мангу. Замон ҳукм юритиб турган жойда ҳамма нарса яқсон бўлишга маҳкум, аммо ўтмиш ҳам, ҳозир ҳам, келажак ҳам бўлмаган жойда ҳаёт мангу бўлади. Шунинг учун мазкур шеърда руҳий бойликларнинг мангу эканини билдирадиган нанкшйанти ибораси ишлатилган.

Мазкур шеърда шунингдек, нима сабабдан Худонинг содиқларининг руҳий бойлигини тортиб олиш мумкин эмаслиги тушунтирилган. Ўзлари учун Парвардигорни ҳамма нарсдан азиз биладиган содиқлар У билан ўзаро турли хил муносабатларда бўлиши мумкин. Уларнинг баъзилари Олий Шахс Худони ўзининг дўсти деб билади, бошқалари – қариндоши, ўғли, руҳий устози, посбони, сажда қиладиган Илоҳи деб биладилар. Парвардигор мангу, шу боис бизларнинг У билан ўзаро муносабатларимиз ҳам мангу. Бу ерда аниқ айтилганки, бу муносабатлар ҳеч қачон бузилмайди, демак, уларнинг содиққа келтирадиган мевалари ҳам мангу. Кимнидир севишга эҳтиёж тирик мавжудотнинг табиатига хос бўлган хусусият. Биз муҳаббатимизга муносиб бўлган инсонни топа олмаганимиз учун уни ит ва мушукларга қаратамиз. Шундай қилиб, тирик мавжудотнинг табиатига азалдан хос бўлган севиш хусусияти, муҳаббатга эҳтиёж ҳамиша изланишда бўлади. Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, бизлар қалбимиздаги ана шу севиш эҳтиёжини фақат муҳаббатимизни Парвардигорга қаратиш билан қондира оламиз. Бизни алдаб ёки ташлаб кетишидан қўрқмасдан Парвардигорни биз дўстимиз сифатида, ўғлимиз, руҳий устозимиз, ҳимоячимиз сифатида севишимиз мумкин. Биз Парвардигор билан бўлган ана шундай ўзаро муносабатларимиздан мангу лаззатланиб яшашимиз мумкин. Капиладеванинг мазкур шеърда Парвардигорни барча тирик мавжудотларнинг олий руҳий устози деб гапираётганига алоҳида эътибор бериш керак. "Бхагавад-гита" таркибига кирган насихатларнинг ҳаммасини Парвардигорнинг Ўзи

берган эди, уларни тинглашдан олдин Аржун Кришнани ўзининг гуруси, рухий устози деб қабул қилди. Ундан ўрнак олиб, бизлар ҳам Парвардигор Шри Кришнани энг олий ишонарди Зот ва рухий устоз деб қабул қилишимиз лозим.

Парвардигор Шри Кришна ҳақида гапирар эканмиз, биз албатта Унинг ишончли вакиллари ҳам назарда тутамиз, чунки Кришна ҳеч қачон ёлғиз бўлмайди. Кришна тушунчаси Парвардигор Кришнанинг Ўзини, Унинг номларини, Унинг киёфасини, сифатларини, даргоҳини, ҳамроҳлари ва бошқа нарсаларни ўз ичига олади. Кришна ҳеч қачон бир Ўзи қолмайди, чунки Унинг содиқлари имперсоналистлар эмас. Худди шундай шоҳ ҳам ҳамиша ўзининг ҳамроҳлари билан юради: котиби, лашкарбошилари, вазирлари, хизматкорлари ва ҳоказо. Агар биз Кришнани ва Унинг ҳамроҳларини ўзимизга рухий устоз деб қабул қилсак, бизнинг илмимизни ҳеч қандай куч яқсон қила олмайди. Моддий оламда ўрганган ҳар қандай илмимиз албатта ўзгаради, аммо Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзи айтган "Бхагавад-гита" илми ҳеч қачон ўзгармайди. "Бхагавад-гита" илмини ўз билганича талқин қилишга уринишнинг ҳеч қандай маъноси йўқ, чунки у мангу илм.

Биз Парвардигор Шри Кришнани ўзимизнинг энг яқин дўстимиз деб билишимиз лозим. У ҳеч қачон Уни ўзининг дўсти деб билиш кишини алдамайди, ҳар қандай вазиятда уни Ўзининг сўзи ва иши билан албатта қўллаб туради. Агар биз Кришнани ўзимизнинг ўғлимиз деб қабул қилсак, ҳеч қачон ўлмайдиган ўғилга эга бўламиз. Моддий оламда ота-онанинг ўз фарзандига бўлган муҳаббати уларни ҳамиша хавотирланиб юришга мажбур қилади: "Фақат ўғлим ўлмай қолса, бас!" Кришна эса, ҳақиқатан ҳам ҳеч қачон ўлмайди, Уни ўзининг ўғли қилиб олган киши ҳеч қачон Уни йўқотиб қўйишдан қўрқмайди. Худонинг содиқлари кўпинча Илоҳга худди ўзининг ўғлидай муносабатда бўладилар. Бу одат айниқса Бенгалияда кенг тарқалган, баъзида ана шундай содиқ хизматкори бу дунёни тарқ этгандан кейин Илоҳ уни эслаш, шрадҳа маросими ўтказади. Парвардигор билан Унинг содиқ хизматкори орасидаги ўзаро муносабатлар мангу ўзгармас. Кўпчилик одамлар урф-одатларга кўра фаришталарга сиғинадилар, аммо "Бхагавад-гита"да бундай одатлар маъқулланмайди. Ҳақиқий ақл-идрокли киши фақат ягона Парвардигорга, Унинг Лакшми-Нараяна, Сита-Рама, Радха-Кришна сингари ранг-баранг киёфаларига сиғиниши лозим. Шундай қилиб юрган кишининг ҳеч қачон умидлари пучга чиқмайди. Фаришталарга сиғиниб юрган киши олий сайёраларга кўтарилиши мумкин, аммо моддий олам яқсон бўлганда ана шу сайёралар ҳам уларни бошқариб турган фаришталар билан бирга яқсон бўлади. Аммо Олий Шахс Худога сиғиниб юрган киши замоннинг емирувчи таъсири ўз ҳукмини ўтказа олмайдиган рухий оламнинг мангу сайёраларига эришади. Юқорида айтилган гаплардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Парвардигорни ҳамма нарсадан азиз деб биладиган содиқларга замон ҳам ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Текст 39-40

Менга, яъни бутун борликнинг ҳамма жойида мавжуд бўлган Парвардигорига хизмат қилишда ўзгармас қатъият билан мустаҳкам туриб олган киши ўзининг жаннатга эришиш ёки бу дунёда бахтга эришиш истакларини унутиб юборади ва бойлик, бола-чақа, уй ҳайвонлари, уй ва танаси билан боғлиқ бўлган бошқа нарсаларга эришиш умидидан воз кечади. Менинг марҳаматим билан шундай зот туғилиш ва ўлиш чегарасининг нариги томонига ўтиб қолади.

Изоҳ: Мазкур икки шеърда Худога садоқат билан хизмат қилишда мустаҳкам туриб олган содиқ хизматкор ҳақида гап боради. Шундай киши бутунлай Кришна онгидаги фаолиятга ғарқ бўлган ва ҳаётини бутунлай ўзи учун ҳамма нарсадан азиз бўлган Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлайди. Парвардигор ҳамма нарсани қоплаб олгани сабабли Унга чуқур имон билан самимий сиғиниб юрган киши инсон эришиши мумкин бўлган ҳамма нарсага эришган ва ўзининг ҳамма бурчини бажарган ҳисобланади. Мазкур шеърларда Парвардигор ана шундай содиқ хизматкорни туғилиш ва ўлиш мавжуд бўлмаган оламга олиб кетишни ваъда беради. Шунинг учун Парвардигор Чайтанья айтадики, туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқишни истаган киши моддий нарсаларга эғалик қилиш ниятидан воз кечиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, шундай инсон жаннатий сайёраларга эришишга ёки моддий бойлик, бола-чақа, уй ёки уй ҳайвонлари келтирадиган дунёвий бахтга интилмаслиги керак.

Биз Худонинг содиқ хизматкори ўзи ҳам билмаган ҳолда озодликка эришиши ва шундай содиқ хизматкорни қайси белгиларига қараб билиб олиш мумкинлиги ҳақида гапирган эдик. Ҳар бир шартланган тирик мавжудотнинг ҳаётининг икки жиҳати бўлади. Биз тақдир тақозоси билан ўзимиз тушиб қолган шароитда яшашга мажбурмиз ва айни пайтда ўзимизнинг келажакдаги ҳаётимизга замин тайёрлаймиз. Эзгулик гунаси таъсири остида юрган кишилар ўзлари учун келажакда жаннатий сайёралардан жой ҳозирлайдилар, эхтирос гунаси таъсири остида юрган кишилар эса, кейинги ҳаётда яна моддий фаолият билан шуғулланиш учун одамлар орасида туғилади, ғофиллик гунаси таъсири остида юрган кишилар эса, тубанликка юз тутиб, кейинги ҳаётда ҳайвон танасига ёки маданиятсиз, ҳайвонсифат одамлар танасига эга бўладилар. Аммо Худонинг содиқ хизматкори ўзининг ҳозирги ҳаёти ҳақида ҳам, келажакдаги ҳаёти ҳақида ҳам қайғурмайди, чунки уларнинг бирортасида ҳам у моддий фаровонликка ёки ҳозиргидан юқоридаги мартабага эришишга интилмайди. У Парвардигордан фақат бир нарсани илтижо қилади: "Эй Парвардигор, қаерда дунёга келмас ҳам менга барибир. Мен Сендан фақат бир нарсани тилайман: ҳатто чумоли танасида бўлса ҳам Сенинг содиқ хизматкоринг уйида туғилишга рухсат бер!" Худонинг асл содиқ хизматкори ҳеч қачон Ундан ўзини моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқаришни илтимос қилмайди. Ўзининг ўтган умрини ва қилган угноҳларини эслаган ҳолда у дўзахдан бошқа жойда туғилишга муносиб эмас эканини билади. Мен ҳатто ҳозирги ҳаётимда Худонинг содиқ хизматкори бўлишга интилаётган бўлсам ҳам, бу дегани, мен аввалги

хаётимда намунали тақводор инсон бўлганман дегани эмас. Бу эҳтимолдан жуда йироқ. Худонинг содиқ хизматкори ўзининг ҳолатини ҳамиша тўғри баҳолайди. У биладики, Парвардигор Ўзининг чексиз марҳамати билан у албатта дуч келиши лозим бўлган мусибатларнинг ҳаммасини юбормай турибди. "Бҳагавад-гита"да Парвардигор: "Ўз ихтиёрингни менга топшир, Мен сени қилган гуноҳларинг оқибатидан халос этаман!" – дейди. Парвардигорнинг чексиз марҳамати шундай намоён бўлади. Лекин, бу дегани ўз ихтиёрини Худога топширган киши аввалги хаётимда гуноҳ иш қилмаган дегани эмас. Шунинг учун содиқ хизматкор Парвардигорга шундай илтижо қилади: "Майли, қилган гуноҳларим учун мен моддий оламда тақрор ва тақрор туғилаверайин, лекин Сендан фақат битта нарсани илтимос қиламан: ҳеч қачон Сенга хизмат қилишни тарк этишимга йўл қўймасанг, бас". Худонинг содиқ хизматкори Парвардигорга шундай илтижо қилиш учун етарли тафаккурга эга: "Мен тақрор ва тақрор туғилиш ва ўлишга тайёрман, лекин, Сенга хизмат қилишни давом эттиришим ва руҳий юксалишда давом этишим учун ҳар гал менга Сенинг содиқ хизматкоринг хонадонида туғилишга имкон бер!"

Худонинг асл содиқ хизматкори кейинги хаётимда ҳозиргига қараганда юқорирок бўлган дунёвий мартабага эга бўлишга интилмайди. У бундай ниятлардан аллақачон воз кечган. Кейинги хаётимизда ким бўлиб туғилсак ҳам – инсон танасидами ёки бирор хайвон танасидами – биз барибир бола-чақа қилишга, қандайдир бойлик орттиришга мажбур бўламиз, аммо Худонинг содиқ хизматкорини бундай моддий бойлик қизиқтирмайди. У Худонинг буюрганига қаноатланиб, шукр қилади. У жамиятда катта обрў орттиришга ёки фарзандларини катта институтларда ўқитиб дунёвий олий маълумот беришга интилмайди. Бунинг учун уни маъсулиятсиз деб ҳисобламаслик керак, у ўзининг бурчини виждонан бажаради, лекин у оилавий аҳволини ёки жамиятдаги мартабасини яхшилашга кўп вақтини сарфлаб ўтирмайди, чунки буларнинг ҳаммаси ўткинчи нарсалар эканини яхши билади. У Худога садоқат билан хизмат қилишга ғарқ бўлиб яшайди, қолган ишларнинг ҳаммасига эса у энг кам вақт ажратади(йаттархам упайунджатах). Худонинг содиқ хизматкорини ўзининг ҳозирги ёки кейинги хаёти нима бўлиши қизиқтирмайди: уни ҳатто оиласи, бола-чақаси ёки жамиятнинг тақдири ҳам қизиқтирмайди. Кришна онгига ғарқ бўлиб, у ўзини бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлайди. "Бҳагавад-гита"да айтилганки, содиқ хизматкорига билдирмаган ҳолда Парвардигорнинг Ўзи унинг Худонинг даргоҳига эришишини таъминлайди. Танасини тарк этгандан кейин Худонинг содиқ хизматкорининг руҳи бошқа онанинг қорнига тушмайди. Оддий тирик мавжудот ажали етиб ўлгандан кейин, ўзининг қилган ишлари(карма)га мос равишда янги тана олиш учун бошқа бир онанинг қорнига тушади. Худонинг содиқ хизматкори эса, шу заҳотиёқ руҳий оламга тушади ва у жойда Парвардигор билан мангу яшайди. Парвардигорнинг Ўзининг содиқ хизматкорига кўрсатадиган алоҳида марҳамати ана шундай бўлади. Парвардигор Ўзи истаган ҳар қандай ишни амалга оширишга қодир. У тирик мавжудотнинг ҳамма

гуноҳларини кечириб юбориши ва уни шу заҳотиёқ Вайкунтхага олиб ўтиши мумкин. Ўзининг содиқларига ҳамиша меҳрибон бўлган Парвардигорнинг ҳар нарсага қодир, англаб бўлмас қудрати ана шундай.

Текст 41

Токи тирик мавжудот Менинг паноҳимга кирмас экан, у туғилиш ва ўлишлар чархпалаги олдидаги бешафқат кўрқинчли даҳшат туйғусидан халос бўла олмайди, чунки Мен – Олий Шахс Худо, бутун борлиқнинг азалий яратувчиси ва барча жонларнинг Олий Руҳи бўлган ҳар нарсага қодир ягона Парвардигорман.

Изоҳ: Мазкур шеърдан маълум бўладики, туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан фақат Худонинг асл содиқ хизматкори озодликка чиқа олади. харим вина на сритим таранти. Олий Шахс Худони мамнун қилмай туриб ҳеч ким туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан қутулиб кета олмайди. Мазкур шеър ҳам шунини тасдиқлайди: ўзининг мукамал бўлмаган сезгилари ва ақлига ишониб, фалсафий изланишлар ёрдамида Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишга уриниш ёки, сеҳрли йога билан шуғулланиб руҳий ўзлигини англашга интилиш мумкин, аммо токи биз ўзимизни Олий Шахс Худога топширмас эканмиз, бу йўлларнинг бирортаси бизга руҳий озодликка эришишга ёрдам бера олмайди. Бундан, шастраларнинг барча қоида ва кўрсатмаларига қатъий риоя қилиб қаттиқ риёзатларга берилиб юрган кишилар ўзларининг кучини ва умрини бекорга сарфлаб юрибдилар, деган хулоса келиб чиқади. Бу саволга "Шримад Бҳагаватам"(10.2.32)да шундай жавоб берилган: йе нйе равиндакша вимукта-манинах. Кришна ҳали Девакининг қорнида бўлган пайтда маъбуд Брахма ва бошқа фаришталар Унга илтижо қилиб шундай дедилар: "Эй нилуфарқўзли Парвардигор, ўзларини озодликка эришган, ёки Парвардигор билан қўшилиб кетган, ёки Худо бўлган деб мағрурланиб юрган одамлар бор, лекин улар шунчаки ақли етишмайдиган калтафаҳм одамлардир". Шундай кишилар, тафаккури қанчалик ривожланган бўлмасин, барибир уни моддий иллатдан поклай олмаган кишилардир.

Соф ақл-идроқка эга бўлган тирик мавжудот Худога садоқат билан хизмат қилишдан бошқа бирор нарса ҳақида ўйламайди. Шунинг учун "Бҳагавад-гита"да айтилганки, фақат одамлар ичида энг донишмандларигина покланган соф тафаккурга эга бўладилар: Бахунам джанманам анте джннанван мам прападйате. Кўп миллион умрлардан кейин, ҳақиқатан чуқур иафаккурга эга бўлган киши ўз ихтиёрини Худога топширади. Акс ҳолда озодликка чиқиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. "Шримад Бҳагаватам"да айтилганки, "Сенга хизмат қилмай туриб руҳий озодликка эришдик деб мағрурланиб юрган кишилар шунчаки ақлсиз одамлардир, чунки улар ҳалигача ўз ихтиёрини Сенга топширмаганлар. Кўп умрлар давомида қаттиқ риёзатлар чекиб, Брахманни англаб етишга жуда яқинлашиб, улар ўзини брахманнинг нури ичидамиз деб биладилар. Лекин улар руҳий фаолият билан шуғулланмагани туфайли, эртами кечми барибир яна моддий фаолиятга қайтиб келишга мажбур бўладилар". Озодликка эришиш учун тирик мавжудот Брахман эканини билишнинг ўзи камлик қилади. Биз

албатта Олий Браҳманга хизмат қилишимиз лозим, ана шу хизмат бхакти деб аталади. Браҳман Парабраҳманга хизмат қилиши лозим. Олий Браҳман – бу Олий Шахс Худо. Тирик мавжудот ҳам Браҳман ҳисобланади. Токи инсон ўзининг Браҳман, яъни руҳий заррача ва Парвардигорнинг мангу хизматкори эканини англаб етмаган экан, унинг илми фақат назарий илм бўлиб қолаверади ва ўзини руҳ деб юраверади. Ҳақиқатан ҳам Браҳман поғонасига кўтарилиш ва унда мангу қолиш учун ўзининг руҳий табиатини англаб етиши, шу илмини Худога садоқат билан хизмат қилишда қўллаши лозим. акс ҳолда уалбатта тубанликка юз тулади.

"Шримад Бхагаватам"да айтилганки, имонсиз одамлар Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишни инкор этгани сабабли уларнинг ақли нопоклигича қолаверади, мана шу уларнинг тубанликка кулашига сабаб бўлади. Тирик мавжудот ҳаракатсиз тура олмайди. Агар у Худога хизмат қилиб руҳий фаолият билан машғул бўлмаса, у албатта моддий фаолият билан шуғулланишга мажбур бўлади, бу эса уни яна туғилиш ва ўлишлар чархпалагига боғлаб қўяди. Парвардигор Капила бу ерда шундай дейди: "Менинг марҳаматимсиз..."(нанйатра мад бхагаватах). Мазкур шеърда Парвардигор Бхагаван деб аталган. Бхагаван деган унвон унинг барча илоҳий бойликларга эга эканини ва шу боис тирик мавжудотни туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан халос этишга қодир эканини билдиради. Парвардигорнинг бу ерда кўрсатилган яна бир жиҳати – прадхана. Прадхана ибораси "Олий Зот" деганини билдиради. Парвардигор барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлади, Унга ўз ихтиёрини бутунлай топширган тирик мавжудотларга алоҳида ғамхўрлик қилади. "Бхагавад-гита"да ҳам Парвардигорнинг ҳаммага бир хилда меҳрибон экани таъкидланган. У ҳеч кимни Ўзининг дўсти ёки душмани деб ҳисобламайди, аммо Худонинг содиқлари Унинг алоҳида меҳрибонлик қилишидан умидвор бўлишлари мумкин. Ўз ихтиёрини Унга топширган киши Худонинг марҳамати билан туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқади. Унинг марҳаматига эриша олмаган киши эса, моддий оламда руҳий ўзликнинг бошқа йўллари орқали озодликка чиқишга бекорга уриниб такрор ва такрор туғилиб ўлиб юришга маҳқум.

Текст 42

Бутун борлиқнинг эгаси бўлган Мендан кўрққанидан шамол эсиб туради, Мендан кўрққанидан Куёш ўз нурларини таратиб туради, булутлар ҳукмдори Индра Мендан кўрққанидан ерга ёмғир ёғдиради. Мендан кўрққанидан олов гуриллаб ёнади, фақат Мендан кўрққанидан ажал дунё кезиб, ўз улушини олиб юради.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"да Олий Шахс Худо, Парвардигор Шри Кришна айтадики, моддий табиат қонунлари бенуксон ҳаракат қилишининг боиси шундаки, унинг ҳаракатини Унинг Ўзи назорат қилиб туради. Ведаларда айтилганки, булутларнинг ҳаракатини фаришта Индра бошқариб туради, куёш фариштаси оламга иссиқлик таратиб туради, ерга салқин ой нурини Чандра деган фаришта юбориб

туради, шамол эса Ваю деган фариштага бўйсунди. Аммо ана шу фаришталарнинг ҳаммасига Олий Шахс Худо, олий тирик мавжудот ҳукмронлик қилади. Нитйо нитйанам четанаш четананам. Фаришталар – ўзларининг Худога бўлган садоқати ҳамда Унга хизмат қилиш истаги шарофати билан ана шундай юқори мартабага эришган оддий тирик мавжудотлардир. Моддий табиатни бошқариб турган Чандра, Варуна ва Ваю сингари сон-саноксиз фаришталарни адхикари-деватма деб атайдилар. Уларнинг ҳар бири моддий оламдаги фаолиятнинг маълум бир соҳасига маъсулдирлар. Парвардигорнинг ҳукми остида битта эмас, икки ёки учта эмас, миллионлаган сайёра ва коинотлар бор. Олий Шахс Худонинг салтанатчечексиз, унда етарлича тартиб интизомни сақлаб туриш учун Унга ёрдамчилар керак. Фаришталар Парвардигорнинг танасининг айрим бўлаклари ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси Ведаларда ёзилган. Шундай қилиб, Куёш фариштаси, Ой фариштаси, олов фариштаси, ҳаво фариштаси Парвардигор назорати остида ҳаракат қиладилар, буни "Бхагавад-гита"(9.10) ҳам тасдиқлайди: майадхйакшена пракритих суйате са-чарачарам. У моддий табиат қонунларининг ҳаракатини бошқариб туради, Унинг шарофати билан табиат механизми хатолашмасдан бенуксон аниқ ҳаракат қилади.

Олий Шахс Худонинг паноҳига кирган киши фаришталарнинг ва бошқа моддий кучларнинг таъсиридан ҳимояланган бўлади. У Парвардигордан бошқа ҳеч кимга хизмат қилмайди, барча дунёвий бурч ва вазифалардан озод. Албатта, у итоаткорлик билан ундан талаб қилинадиган шартларни бажаради. Аммо унинг бутун фикру-хаёли фақат Парвардигорга хизмат қилиш билан банд бўлиб юради. Парвардигор Капиланинг шамол, олов ва куёш Унинг ҳукмига бўйсунди деб айтиши – шунчаки чиройли сўзлар эмас. Имперсоналистлар айтадиларки, "Шримад Бхагаватам"нинг издошлари Парвардигорнинг қандайдир қиёфасини ўйлаб топиб, Уни умуман мавжуд бўлмаган сифатлар билан олқишлайдилар. Аслида эса. "Шримад Бхагаватам"да айтилган гапларнинг бирортаси муболаға ёки қимдир ўйлаб топган нарсалар эмас. Ведаларда шундай дейилган: бхишасмад ватах павате бхишодети сурйах – "шамол фариштаси ва куёш фариштаси Парвардигордан кўрққанидан ўз бурчини аниқ бажарадилар". Бхишмасад агниш чендраш ча мритйур дхавати панчамах – "Унинг назорати остида Агни, Индра ва Мритью ҳаракат қилади". Ведаларнинг хулосаси шундай.

Текст 43

Илоҳий илм ва таркидунёлик билан қуролланиб, йоглар Менга садоқат билан хизмат қиладилар, бу уларга мангу саодат келтиради. Шундай йоглар Менинг нилуфар қадамларим пойидан паноҳ топадилар, Мен – бутун борлиқнинг Парвардигори бўлганим учун, улар кўрққудан халос бўлиб, жасорат билан Парвардигорнинг салтанатига киришга муносиб бўладилар.

Изоҳ: Моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиб, ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтишга интилиб юрган киши ҳақиқий сеҳргар-йог ҳисобланади. Бу ерда аниқ айтилган: йуктена бхакти-йогена. Худога садоқат

билан хизмат қилиб юрган йог ёки сеҳргарлар рухий баркамолликнинг энг юқори поғонасига кўтарилган зотлардир. "Бхагавад-гита"да ҳам айтилганки, йоглар ичида энг аълоси – ақли ҳамиша Парвардигор, Олий Шахс Худо, Кришна ҳақидаги ўйлар билан банд бўлган кишидир. Шундай йоглар илмга ва таркидунёликка эга эмас деб ўйламаслик керак. бхакти-йога билан шуғулланиб юрган кишига илм ва таркидунёлик ўзидан-ўзи келади. Булар бхакти-йога билан шуғулланиш жараёнининг кўшимча маҳсулотларидир. "Шримад Бхагаватам"нинг Биринчи қўшиқ иккинчи бобида Сута Госвами айтадики, Васудевага, яъни Кришнага хизмат қилиб юрган киши мукамал илохий илмга ва таркидунёликка эга бўлади. Содик хизматкорнинг бу ютуғини тушунтириш қийин. Илм ва таркидунёлик унга бирор сабабсиз, ўзидан ўзи келади(ахаитуки). Агар одам ҳатто умуман саводсиз бўлса ҳам, унга муқаддас китобларда ёзилган илохий илм ошқор бўлади, чунки у Парвардигорга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилади. Олий Шахс Худога ва рухий устозига қалбида чуқур имон ҳосил қилган кишига ведавий муқаддас китобларнинг махфий сирли илми очилади. Илм ўрганиш учун у алоҳида ҳаракат қилиб юриши шарт эмас; Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган йог илм ва таркидунёликка тўлиқ эга бўлади. илм ва таркидунёли етишмай юрган киши ҳали ўзининг Худога хизмат қилиши мукамал эмаслигини тушуниши лозим. хулоса қилиб шуни айтиш керакки, токи инсон ўз ихтиёрини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига топширмаган экан, у хоҳ брахмажйоти бўлсин, хоҳ ундаги Вайкунтҳа сайёралари бўлсин, Парвардигорнинг салтанатига эришишидан умидвор бўла олмайди. Ўз ихтиёрини Худога топширган зотни акуто-бхайа деб атайдилар. Ҳар қандай кўрқув ва гумонлардан озод бўлган шундай инсон олдида рухий салатанат дарвозалари очилади.

Текст 44

Шунинг учун, ақли Парвардигор ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга ғарқ бўлиб юрган киши ўзининг бор кучини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлайди. Мана шу – ҳаётда рухий баркамолликнинг энг олий чўққисига олиб борадиган йўлдир.

Изоҳ: Мазкур шеърда мано майи арпитама: “Менда мужассам бўлган ақл” ибораси алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Бизнинг ақлимиз Кришнанинг ёки У мужассам бўлган киёфалардан бирортасининг нилуфар қадамлари пойида мужассам бўлиши лозим. Онгини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида жамлаб, эркинликка чиқарган киши озодликка чиқади. Бунга Махараж Амбариша мисол бўла олади. Унинг ақли ҳамиша Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида жамланган эди, у фақат Парвардигорнинг илохий эрмаклари ҳақида гапирарди, фақат Парвардигорга таклиф қилинган туласи барг ва углларини ҳидларди. Оёқлари уни Парвардигорнинг эҳромига олиб борар, кўллари шу эҳромни ювиб-тозаларди, тили Парвардигорга таклиф этилган таомлар қолдигидан лаззатланарди, кулоқлари Худонинг содиқларининг Парвардигорнинг буюк қароматлари ҳақида айтган хикояларини тингларди. Шундай қилиб, унинг барча сезгилари Худога хизмат қилиш билан банд эди.

Биринчи навбатда ақли Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида жамлаш керак. Инсоннинг ақли ҳамиша Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида жамланган бўлса, ақлга бўйсунган сезгилар ҳам фақат Кришнага хизмат қилиш билан машғул бўладилар. Бхакти-йога усулининг моҳияти шунда. Йога дегани сезгиларни жиловлаб олишни назарда тутади. аслини олганда. Сезгилар бизга бўйсунмайди, худди бир лаҳза ҳам тинч ўтира олмайдиган ёш бола сингари, улар ҳамиша ҳаракатда бўладилар. Ҳатто Аржун ҳам: чанчалама хи манах кришна – “Ақлим ҳамиша нотинч, ҳаракатда” деган эди. Шунинг учун энг яхшиси – уни Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида жамлаш. Мано майи арпитама стхирам. Ҳамиша Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши таркидунёликнинг олий поғонасига эришади. Кришна онгидаги фаолият инсон фаолиятининг энг улғвор шаклидир.

"Шримад Бхагаватам"нинг Учинчи қўшиқ, “Худога садоқат билан хизмат қилишнинг улғворлиги” деб аталадиган йигирма бешинчи бобига Бхактиведантанинг ёзган изоҳлари шундай яқунланади.

Йигирма олтинчи боб Моддий табиатнинг бошланиши

Текст 1

Худо Шахси Капила давом этди: Эй азиз она, Мен ҳозир сенга Мутлақ Ҳақиқатнинг турли жиҳатларини тушунтириб бераман, уларни англаб етган киши моддий табиат гуналари таъсири остидан чиқади.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"да айтилганки, Олий Шахс Худо, Мутлақ Ҳақиқатни фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида англаб етиш мумкин(бхактиа мам абиҳджанати). "Шримад Бхагаватам"да ҳам Худога садоқат билан хизмат қилишдан мақсад мам, яъни Кришна деб айтилган. "Чайтанья-чаритамрита"да айтилганки, Кришнани англаб етиш – Унинг ички қуввати, ташқи қуввати, экспансиялари ва мужассам бўлган киёфалари билан бирга Кришнанинг шахсий киёфасини англаб етиш демақдир. Кришна ҳақидаги таълимот жуда кўп қисмлардан иборат. Санкхья фалсафаси асосан моддий оламда яшайдиган шартланган руҳлар учун мўлжалланган. Парампара, яъни шогирдлар силсиласи орқали ўтиб келаётган тасаввурларга асосан санкхья фалсафаси Худога садоқат билан хизмат қилиш илми билан бир хил. Аввалги бобда Худога садоқат билан хизмат қилиш илмининг боши баён этилган эди. Энди эса, Парвардигор бу илмни тартиб билан баён этишга киришяпти. У ўзининг таҳлилини Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини тартиб билан ўрганиш инсоннинг моддий табиат гуналари таъсири остидан чиқишига ёрдам беришини айтишдан бошляпти. "Бхагавад-гита"да ҳам шундай дейилган: тато мам татваго джнатва – Парвардигорни ҳар хил жиҳатларда англаб етган киши Парвардигорнинг салтанатига кириш ҳуқуқига эга бўлади. Парвардигорнинг айтаётган гаплари ҳам ана шу шеърдаги гапларни

тасдиқлайди. Худого садоқат билан хизмат қилиш илми санкхья фалсафасида қандай баён этилган бўлса шундай ўрганиш билан инсон моддий табиат гуналари таъсири остидан чиқади. Мангу рух моддий олам тутқунлигидан озодликка чиққанида Парвардигорнинг салтанатига кириш ҳуқуқига эга бўлади. Токи тирик мавжудотда озгина бўлса ҳам моддий табиат устидан ҳукмронлик қилиш ёки ундан лаззатланиш истаги қолар экан, у моддий табиат гуналари таъсири остидан чиқа олмайди. шунинг учун бизлар Парвардигор Капила баён этган санкхья фалсафасининг тахлилий усулидан фойдаланиб Парвардигорни англаб етишга интилишимиз лозим.

Текст 2

Илм ўзликни англашнинг олий поғонасидир. Мен ҳозир сенга моддий оламга боғланиш ришталарини узиб ташлайдиган ана шу илми ошкор этаман.

Изоҳ: Муқаддас китобларда айтилганки, рух ҳақида ҳақиқий илмга эга бўлган, яъни ўзининг рухий табиатини англаб етган киши барча моддий боғланишлардан халос бўлади. Илм унга рухий баркамолликнинг энг юқори поғонасига кўтарилиш ва ўзининг ҳақиқий табиатини тушуниш имконини беради. Бу ҳақиқат “Шветашватара-упанишад”(3.8)да тасдиқланади: там эва видитвати-мритйум эти – ўзининг рухий табиатини англаб, яъни ўзининг ҳақиқий “мен”ини кўргандан кейин инсон моддий тутқунлик чангалидан озодликка чиқади. Бу гаплар ҳар хил шаклларда жуда кўп ведавий муқаддас китобларда такрорланади, "Шримад Бҳагаватам" ҳам шунини тасдиқлаб айтадики, инсон ўзининг ҳақиқий “мен”ини кўриши ва ўзининг табиатини тушуниб олиши лозим(пурушасйа атма-даршанам). Капиладава онасига айтяптики, инсон ругий илмга эга кишиларнинг гапларини тинглаш билан шундай “назар”га, кўриш қобилиятига эга бўлади. Капиладаванинг Ўзи энг олий ишонарли Зотдир, чунки У – Олий Шахс Худо, инсон Унинг таълимоти асл холида, яъни уни ўз билганича талқин қилмасдан қабул қилса, у ўзининг ҳақиқий “мен”ини кўриш қобилиятига эга бўлади.

Санатана Госвами билан бўлиб ўтган суҳбатида Парвардигор Чайтаня Махапрабху унга алоҳида тирик мавжудотнинг ҳақиқий, азалий табиатини тушунтириб берди. У очикдан-очик аниқ айтдики, ҳар бир алоҳида рух Кришнанинг хизматкоридир: дживера сварупа хайа – кришнера нитйа-даса – ҳар бир тирик мавжудот мангу хизматкор бўлиб қолаверади. Ўзининг Олий Рухнинг ажралмас заррачаси эканини ва унинг мангу бурчи – Парвардигорга хизмат қилиш эканини англаб етган киши рухий ўзлигини англаб етган бўлади. Ўзининг ҳақиқий “мен”ини англаб етгандан кейин у қалбдаги моддий боғланишлар тугунини чошиб ташлайди: хридайа-грантхи-бхеданам. Сохта ўзлик таъсири остига тушиб қолган тирик мавжудот ўзини танасига ва моддий оламга қиёслайди, шу тарзда у майя чангалига тушиб қолади, аммо у ўзининг Парвардигор билан сифат жиҳатидан бир хил эканини англаб етганҳамда Парвардигорнинг мангу хизматкори эканини тушунган заҳоти, у атма-даршанам ва хридайа грантха-бхеданам поғонасига кўтарилаи, яъни ўзлигини англаб етади.

Моддий боғланишлар тугунини чошиб ташлаган кишининг ҳаёт ҳақидаги тасаввури, нуқтаи-назари ҳақиқий дунёқараш деб аталади. Атма-даршанам – “Ўзига илм кўзи билан қараш” деганни англатади. Шу боис ҳақиқий илм йўлидан бораётган киши сохта ўзлик таъсиридан халос бўлади ва ўзининг ҳақиқий “мен”ини кўриш қобилиятига эга бўлади, бу эса – инсон ҳаётининг энг олий мақсадидир. Шартланган рух шу тарзда моддий табиатнинг йигирма тўрт унсурига асир бўлиб юришдан қутулади. Илм ўрганишнинг санкхья деб ном олган фалсафий тахлил усулини амалда қўллаш илм ва ҳақиқий ўзлигини кўриш деб аталади.

Текст 3

Олий Шахс Худо – азали бўлмаган Олий Рухдир. Парвардигор моддий табиат гуналарига илоҳий ҳолатда бўлиб, моддий олам чегараларидан ташқарида жойлашган. Бутун борлик Ундан таралиб турган порлок ёғду ичидан жой олган, ана шу ёғду Унинг ҳамма жойда мавжудлигини ҳис қилиш имконини беради.

Изоҳ: Бу ерда айтилганки, Олий Шахс Худонинг бошланиши, азали йўқ. Парвардигор – пуруша, Олий Рух. Пуруша ибораси “шахс” деган маънони билдиради. Бизга таниш бўлган одамларнинг ҳаммаси ҳам шахс, аммо уларнинг ҳар бирининг бошланиши бор, яъни улар қачондир дунёга келган ва аниқлаш мумкин бўлган маълум бир вақтда уларнинг ҳаёти бошланган. Аммо мазкур шеърда Парвардигор анади, яъни бошланиши йўқ деб аталган. Ҳамма одамлардан сўраб-суриштириб, биз уларнинг ҳар бирининг бошланиши борлигини билиб оламиз, лекин биз бошланиши йўқ бўлган Зотни топсак, ўша зот - Олий Шахс бўлади. Парвардигорнинг "Брахма-самхита"да келтирилган таърифи шундай: ишвараҳ парамаҳ кришнаҳ – Олий Шахс Худо – олий ҳукмдор Кришна; Унинг азали йўқ, Унинг Ўзи бутун борликнинг азалидир. Барча ведавий муқаддас китобларда Парвардигор шундай таърифланган.

Мазкур шеърда Парвардигор жон, яъни рух деб ҳам аталган. Лекин рух дегани нима? Рух – бутун борликқа сингиб кетган зот. Браҳман ибораси “буюк” деган маънони англатади. Браҳманинг буюклигини ҳамма жойда ҳис қилиш мумкин. Унинг буюклиги нимада? Онгда. Биз онг нима эканини биламиз, чунки онг бизнинг бутун вужудимизга сингиб кетган; танамизнинг ҳар бир ҳужайрасида биз онг мавжудлигини ҳис қиламиз. Бу алоҳида рухнинг онги. Ундан ташқари олий онг ҳам мавжуд. Буни куёш нури ва кичкина ёруғлик манбаидан таралаётган нур мисолида тушунтириш мумкин. Куёш нури ҳамма жойда – хона ичида ҳам, осмонда ҳам кўриш мумкин, аммо лампочкадан таралаётган нурни фақат маълум бир чекланган масофада кўриш мумкин. Худди шундай бизнинг онгимизнинг мавжудлигини ҳам фақат бизнинг танамизда ҳис қилиш мумкин, олий руҳни, Худонинг мавжудлигини эса, ҳамма жойда ҳис қилиш мумкин. Ўзининг қуввати шаклида Парвардигор бутун борликнинг ҳар бир бурчагида мавжуд. "Вишну-пурана"да айтилганки, биз атрофимизда кўриб турган нарсаларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг қувватининг намоён бўлган турли хил кўринишларидир. "Бҳагавад-гита" ҳам тасдиқлайдики, Парвардигор ҳамма жойда

мавжуд ва Ўзининг икки хил – рухий ва моддий куввати кўринишида бутун борлиқни қоплаб туради. Рухий кувват ҳам, моддий кувват ҳам ҳамма жойда мавжуд, мана шунинг ўзиёқ Олий Шахс Худонинг мавжудлигини исботлаб турибди.

Бутун борлиқни қамраб олган онг замон, вақт чегаралари билан чекланмаган. Унинг бошланиши, демак охири ҳам йўқ. Мазкур шеърда онг – моддий унсурларнинг ўзаро ҳаракати натижасида эволюцион ривожланишнинг маълум бир босқичида юзага келади, деган тасаввур инкор этилади, чунки бу ерда айтилган, ҳамма жойни қамраб олган онгнинг азали йўқ. Материалистлар ва атеистлар ўртага ташлаётган, рухнинг мавжудлигини, Худонинг мавжудлигини инкор этадиган ва онг – моддий унсурларнинг ўзаро фаолиятининг маҳсулидир, деб ҳисоблайдиган таълимот мутлақо асоссиз. Модданинг азали йўқ деб бўлмайди; унинг азали, бошланиши бор. Худди бизнинг танамизнинг бошланиши бўлгани сингари коинотнинг ҳам азали бор. Бизнинг моддий танамиз рух мавжудлиги сабабли юзага келди, худди шундай коинотнинг баҳайбат танаси ҳам Олий рухнинг мавжудлиги туфайли пайдо бўлди. Джанмадй асйа – дейилган "Веданга-сутра"да. Бутун моддий олам Олий Шахсдан чиққан. Фақат Олий Шахс мавжуд бўлгани шарофати билан моддий олам пайдо бўлади, мавжуд бўлиб туради ва яқсон бўлади. "Бхагавад-гита" ҳам Парвардигор: "Мен – бутун борлиқнинг боши ва манбаиман" - дейди.

Мазкур шеърда Парвардигор таърифланган. Парвардигор ҳалокатга маҳкум бўлган тирик мавжудотлар ооифасига кирмайди, Унинг боши ҳам охири ҳам йўқ. Унинг сабаби ҳам йўқ, Унинг Ўзи – барча сабабларнинг сабаби. Параҳ дегани "илоҳий", "яратувчи кувватнинг таъсир доирасидан ташқарида" дегани билдиради. Парвардигор – яратувчи кувватнинг яратувчисидир. Моддий олам яратувчи кувватнинг салтанатидир, аммо Парвардигорнинг Ўзи унинг қонунарига бўйсунмайди. У – пракрити-параҳ, яъни "моддий кувватдан устун турадиган Зот". Унинг ҳаракат соҳасидан ташқарида бўлган ҳолда, У ана шу кувват келтириб чиқарадиган уч турли азоб-уқубатларга дучор бўлмайди. Моддий табиат гуналари Унга заррача таъсир қилмайди. Мазкур шеърда шу ҳақда ҳам айтилган: свайам-джйотих – У Ўзининг табиатида кўра Ўздан нур таратиб туради. Биз биламизки, биз моддий оламда кўриб юрган нур бошқа бир ёруғлик манбаининг акс этиб турган ёғдуси бўлади, масалан, Ой нури қуёш нурунинг акс этиб турган ёғдусидир. Қуёш ҳам оламни акс этган нур билан ёритиб туради, унинг нури – брахмажйотидан таралаётган ёҳдунинг акси, брахмажйоти, рухий ёғду эса – Парвардигорнинг танасидан таралиб турган нурунинг акс жилоси. Бу ҳақиқат "Брахма-самхита"да ҳам тасдиқланади: йасйа прабха прабхаватах – брахмажйоти, яъни Брахманнинг нури – Парвардигорнинг танасидан таралиб турган нур. Шунинг учун бу ерда: свайам джйотих – "Унинг Ўзи нур" - деб айтилган. Парвардигорнинг нури турли кўринишда таралади: брахмажйоти сифатида, қуёш ва ой нури сифатида. "Бхагавад-гита"да айилганки, рухий оламда қуёш ва ой нурига, электр кувватига ҳожат йўқ. Буни Упанишадалар ҳам тасдиқлайди: Рухий олам Парвардигорнинг танасидан таралиб турган нур билан

ёруғ бўлиб туради, шунинг учун у жойда қуёш, ой, электр ёки бошқа бирор ёруғлик манбаига ҳожат йўқ.

Парвардигорнинг Ўздан нур таратиб туриш табиати ҳам рухий табиатга эга бўлган жон, яъни рухий табиатли онг эволюция жараёнида моддий кнсурларнинг ўзаро фаолияти давомида юзага келади деган таълимотга қарши далил ҳисобланади. свайам-джйотих ибораси шуни билдирадики, ўзининг табиатига кўра рух модда билан аралашмайди ва моддаларнинг ўзаро ҳаракатига боғлиқ эмас. Мазкур шеърда тасдиқланганки, Парвардигорнинг ҳамма жойда мавжудлиги Унинг нури бутун борлиқни қамраб олганига асосланган. Бизга маълумки, қуёш ҳаммиша бир жойда туради, аммо унинг нурулари миллион ва миллиард километрларга таралади. Буз буни ўз тажрибамиздан ибламиз. Худди шундай, ёруғликнинг олий манбаи бўлган Парвардигор ҳам ҳаммиша Ўзининг даргоҳида, Вайкунтҳа ёки Вриндаванда яшайди, аммо Ундан таралиб турган ёғду бутун рухий оламни ёритиб қолмасдан ундан ташқарига ҳам чиқади. Моддий оламда ана шу ёғдуни Қуёш акс эттириб туради, қуёш нури эса Ой да акс этади. Шундай қилиб, Парвардигор ҳаммиша Ўзининг даргоҳида қолса ҳам, Ундан таралаётган ёғду рухий ва моддий оламларни ёритиб туради. Бу "Брахма-самхита"(5.37)да тасдиқланади: голока эва нивасатй акхилатма-бхутах – У ҳаммиша Голокада қолади, айна пайтда бутун борлиқнинг ҳар бир бурчагида ҳам мавжуд. У – бутун борлиқнинг Олий Рухи, Олий Шахс Худо, Унинг илоҳий сифатларининг сон-саногйи йўқ. Ммазкур шеърдан яна шу нарса маълум бўладики, Парвардигор гарчи шахс(пуруша) бўлса ҳам, У билан моддий оламдаги пурушалар орасида ҳеч қандай умумийлик йўқ. майявади-файласуфлар моддий оламдан ташқарида қандайдир шахс мавжуд бўлишини тушунишга қодир эмаслар, шунинг учун уларни имперсоналистлар деб атайдилар. Лекин бу ерда аниқ айтилганки, Худо Шахси моддий оламдан ташқарида жойлашган.

Текст 4

Барча буюк зотлар ичида энг буюги бўлган Парвардигор эрмак учун моддий табиатнинг уч гунасига эга бўлган ва Вишну билан боғланган нафис моддий кувватнинг ичига кирди.

Изоҳ: Мазкур шеърда ишлатилган гунамайим ибораси муҳим аҳамиятга эга. Даивим ибораси "Олий Шахс Худонинг куввати", гунамайим ибораси эса - "моддий табиатнинг уч гунаси берилган" деган маънони англатади. Олий Шахс Худонинг моддий куввати юзага келганида бу кувват(гунамайим) уч гуна кўринишида намоён бўлади ва бутун моддий оламни қоплаб олади. Олий Шахс Худодан таралаётган кувват икки хил намоён бўлади: у Парвардигорнинг эманациялари вазифасини бажаради, айна пайтда Парвардигорнинг жамолини тўсиб турадиган парда сифатида ҳракат қилади. "Бхагавад-гита"да айтилганки, бутун олам аҳли моддий табиатнинг уч гунаси яратиб қўйган сароб билан алданган, шунинг учун ана шу кувват билан қопланган оддий шартланган рух Олий Шахс Худони кўришга қодир эмас. Буни қуйидаги мисолда тушунтириш осон. Баъзан очиқ осмонда қутилмаганда катта булут пайдо бўлади. Бу булутга икки нуқтаи-назар

билан қараш мумкин. Қуёш учун бу булут унинг қуввати юзага келтирган нарса, шартланган ҳолатда бўлган оддий инсон учун эса, бу булут ундан қуёш нурларини тўсиб турадиган парда бўлиб кўринади. Аслида булут қуёшни эмас, шунчаки инсоннинг кўриш чегарасини тўсади. Худди шундай, майя, моддий қувват ўзининг таъсир доирасидан ташқарида бўлган Парвардигорни қоплай олмайди, у фақат оддий тирик мавжудотни қоплаб олади. У билан қопланган тирик мавжудотлар – алоҳида тирик мавжудотлар, қуввати майяни яратган Зот эса. Олий Шахс Худо бўлади.

"Шримад Бхагаватам"нинг Биринчи кўшиқ еттинчи бобида қандай қилиб Вьясадева илоҳий наўарга эга бўлгани, ҳамда Парвардигорни ва унинг ортида турган моддий қувватни кўргани ҳақида ҳикоя қилинган. Бундан маълум бўладики, худди қоронғу зулмат қуёшни қоплай олмагани сингари, моддий қувват Парвардигорни қамраб оломайди. Зулмат қоплаб олиши мумкин бўлган майдон Қуёшнинг ўлчамларига қараганда жуда кичик. Зулмат кичкина ғорни қоплаб олиши мумкин, аммо у кенг осмонни қоплаб ололмайди. Худди шундай, моддий қувватнинг қоплаб олиш қобилияти ҳам чекланган, Парвардигор унинг таъсир доирасидан ташқарида, шунинг учун Уни вибху деб атайдилар. Худди қуёш булутга осмонда пайдо бўлишга имкон бергани сингари, Парвардигор ҳам моддий қувватга маълум бир муддатга ўзининг салтанатида намоён бўлишга рухсат беради. Гарчи Парвардигорнинг моддий қуввати моддий оламни яратса ҳам, бу ҳали у Парвардигорнинг ўзини ҳам ўраб олади дегани эмас. Моддий қувват билан қопланган зотларни шартланган руҳлар деб атайдилар. Парвардигор моддий оламни яратиш, мавжудлигини таъминлаш ва яқсон қилиш билан боғлиқ бўлган эрмакларини намоён этиш учун моддий қувват ичига қиради. Аммо шартланган руҳ ана шу қувват билан қопланган; худди калтафаҳм одам булутнинг ортида қуёш аввалгидай нур сочиб турганини тушуна олмагани сингари, моддий қувватдан ташқарида барча сабабларнинг сабабчиси бўлган Парвардигор жойлашганини тушуна олмайди.

Текст 5

Уч гуна кўплаб тур ва шаклларга бўлиб ташлаган моддий табиат тирик мавжудотларнинг ҳар хил турларини яратади, тирик мавжудотлар буни кўриб, алданиб қолади. Алдамчи қувватнинг илмни қоплаб олувчи аспекти ана шу алданиш манбаи ҳисобланади.

Изоҳ: Моддий қувват бизни илмдан маҳрум қилиш учун етарли бўлган қудратга эга, лекин у Олий Шахс Худо эга бўлган илмни қоплаб оломайди. Фақат праджах, яъни моддий танада туғилган зотлар, яъни шартланган руҳлар унинг таъсири остига тушиб қоладилар. "Бхагавад-гита" ва бошқа кўплаб ведавий муқаддас китобларда айтилганидек, тирик мавжудотларнинг ранг-баранглиги уларга моддий табиатнинг турли гуналари таъсир қилиши сабабли юзага келади. "Бхагавад-гита"(7.12)да жуда аниқ тушунтирилганки, гарчи эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гунасининг манбаи Парвардигор бўлса ҳам, Унинг ўзи уларнинг таъсирига берилмайди. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигордан чиқадиган қувват Унинг ўзига таъсир қилмайди; у

моддий қувват билан қопланган шартланган руҳларга таъсир қилади. Парвардигор барча тирик мавжудотларнинг отаси ҳисобланади, чунки У моддий табиатни уруғлантриб. унинг ичига тирик мавжудотларни жойлаб қўяди. Шундай қилиб, шартланган руҳлар моддий қувват яратган таналарга эга бўладилар, аммо барча тирик мавжудотларнинг отаси моддий табиатнинг уч гунасининг таъсир доирасидан ташқарида жойлашган.

Аввалги шеърда айтилган эдики, Парвардигор моддий қувватдан лаззатланишни ва унга ҳукмронлик қилишни истаган тирик мавжудотларга ғамхўрлик қилиб, ўзининг эрмакларини намоён этиш учун моддий қувватни яратган. Парвардигор ана шундай тирик мавжудотларга "лаззатланиш" имконини бериш учун ўзининг моддий қуввати ёрдамида бу оламни яратган. Нимага бу моддий олам шартланган руҳлар учун азоб-укубатлар маконига айлангани – қийин масала. Аввалги шеърда ишлатилган лилайя - "Парвардигор ўзининг эрмакларини намоён этиш учун" ибораси буни тушуниб олишнинг қалити бўлиши мумкин. Парвардигор шартланган тирик мавжудотларни лаззатланишга интилиш иллатидан халос этишни истайди. "Бхагавад-гита"да айтилганки, ягона лаззатланувчи Олий Шахс Худо. Шунинг учун моддий олам ўзини лаззатланувчи деб кўрсатишга уринадиган зотлар учун яратилган. Буни қуйидаги мисол ёрдамида тушуниб олиш мумкин: Ҳукуматнинг ўзига полициянинг кераги йўқ, лекин ҳукумат қонунларига бўйсунини истамайдиган одамлар тоифаси мавжуд бўлгани учун, ҳукумат ана шундай жиноятчилар билан курашадиган ташкилот тузишга мажбур бўлади. Бир томондан полициянинг кераги йўқ, лекин барибир унга эҳтиёж бор. Худди шундай, Парвардигорга шартланган руҳларнинг мусибат чекадиган жойи бўлган моддий оламни яратишнинг кераги йўқ, лекин нитья-баддха, яъни "мангу шартланган" деб аталадиган тирик мавжудотлар тоифаси мавжуд. Уларнинг мангу шартланган деб аталишига сабаб шуки, қачон тирик мавжудот, Парвардигорнинг ажралмас заррачаси Унинг ҳукмига қарши чиққанини ҳеч ким аниқлай олмайди.

Ҳар ким кўриши мумкинки, одамларнинг икки тоифаси мавжуд: Худонинг қонунларига бўйсунадиган кишилар ва Худонинг мавжудлигини тан олмайдиган, ўзлари ўйлаб топган қонунлар асосида яшашга интиладиган агностиклар, яъни имонсиз атеистлар. Улар ҳар кимга ўз қонунини ва ўз динини яратиш ҳуқуқини беришни истайдилар. Бу икки тоифа одамлар қачон пайдо бўлгани ҳақида бош қотириб ўтирмасдан, қачон ишонч билан айтиш мумкинки, баъзи тирик мавжудотлар Худонинг қонунларига қарши чиққанлар. Ана шундай зотларни шартланган руҳлар деб атайдилар, чунки улар моддий табиатнинг уч гунаси яратган шароитга шартланиб қолганлар. Шунинг учун мазкур шеърда гунаир вичитрах ибораси ишлатилган.

Моддий оламда шартланган ҳаётнинг 8.400.000 тури мавжуд. Табиатан руҳий бўлган ҳолда барча тирик мавжудотлар моддий оламга нисбатан илоҳий табиатга эга. Ундай бўлса, нимага улар ҳар хил таналарда, эволюцион ривожланиш зинапоясининг турли поғоналарида яшайдилар? Бу саволга жавоб мазкур шеърда берилган: шартланган тирик мавжудотлар моддий табиатнинг уч гунаси таъсири остида

яшайдилар. Уларни моддий табиат яратгани учун уларнинг танаси моддий унсурлардан таркиб топган. Моддий қувват тирик мавжудотни қоплаб олганида улар ўзининг рухий табиатини эсдан чиқариб юборади, шунинг учун бу ерда мумухе ибораси ишлатилган бўлиб, бу ибора улар ўзининг рухий мохиятини унутиб юборганини кўрсатади. Ўзининг рухий табиатини унутиш моддий қувват қобиғи остида жойлашган живаларга, яъни шартланган рухларга хос бўлган хусусиятдир. Мазкур шеърда ишлатилган яна бир ибора – джнана-гухайа. Гуха ибораси “парда” деганни англатади. Чексиз кичик шартланган рухларнинг илми моддий қувват пардаси остида яширинган бўлгани учун улар ҳаётнинг турли шаклларида дунёга келадилар. "Шримад Бхагаватам"нинг биринч Кўшиқ еттинчи бобида шундай дейилган: “Тирик мавжудотларни моддий қувват адаштириб қўйибди”. Ведаларда ҳам айтилганки, мангу тирик мавжудотлар моддий табиат гуналари пардаси билан қопланган, шунинг учун уларни уч рангли – қизил-оқ-кўк – тирик мавжудотлар деб атайдилар. Қизил ранг эҳтирос гунасини билдиради, оқ ранг – эзгулик гунасини, кўк ранг – ғафлат гунасини билдиради. Моддий табиатнинг уч гунаси моддий қувватга тааллуқли, у ёки бу моддий гуна таъсири остига тушган тирик мавжудотлар ҳар хил шаклдаги моддий таналарга эга бўладилар. Ўзининг рухий табиатини унутиб, улар ўзларини моддий тана деб биладилар. “Мен” деганда шартланган рух ўзининг танасини назарда тутди. Мана шу ҳолат моха, алданиш деб аталади.

“Катха-упанишад”да бир неча бор такрорланганки, Олий Шахс Худо ҳеч қачон моддий табиат таъсири остига тушиб қолмайди. Фақат шартланган рухлар, Парвардигорнинг чексиз кичик заррачалари моддий табиат ҳукми остига тушиб қолади ва моддий табиатнинг у ёки бу гунаси таъсири остида бўлган ҳар хил таналарда дунёга келадилар.

Текст 6

Ўзининг асл табиатини эсдан чиқарган илоҳий тирик мавжудот моддий қувватни ўзининг фаолият кўрсатиш майдони деб билади, ана шундай нотўғри тасаввурдан келиб чиққан ҳолда ҳамма ишларни ўзим амалга оширишман деб ўйлайди.

Изоҳ: Унутувчан тирик мавжудот худди бирор касаллик сабабли ақлдан озган ёки ўзининг ҳаракатларини бошқара олмайдиган жин урган, лекин барибир аввалгидай ўзини соғлом, ўзимни бошқара оламан деб биладиган кишига ўхшайди. Моддий қувват таъсири остига тушиб, шартланган рух ўзига моддий онгни сингдириб олади. Шундай ҳолатда тирик мавжудот аслида моддий қувват амалга ошираётган ўзининг барча ҳаракатларини ўзим қиялпман деб ўйлайди. Рух ўзининг соф, асл ҳолатида Кришна онгида бўлади. Кришна онгида ҳаракат қилмаган киши моддий онг билан ҳаракат қилади. онгни яқсон қилиб бўлмайди, чунки онг тирик мавжудотнинг ажралмас хусусияти. Шунчаки моддий онгни поклаш лозим. Кришнани, ягона Парвардигорни ўзининг ҳукмдори сифатида тан оладиган ва моддий онгини Кришна онгига айлантириб, онгини ўзгартирган киши рухий озодликка эришади.

Текст 7

Моддий онг тирик мавжудотнинг шартланган ҳаётига сабаб бўлади, шундай ҳаёт шароитини унга моддий қувват яратиб беради. Гарчи илоҳий табиатга эга рухнинг моддий фаолиятга дахли бўлмаса ҳам, моддий қувват таъсири остига тушиб, у шартланган ҳаётга асир бўлиб қолади.

Изоҳ: Олий Рух билан алоҳида рухнинг бир биридан фарқини кўролмайдиган майявади файласуфлар айтадиларки, тирик мавжудотнинг шартланган ҳаёти унинг лиласи, эрмакларидир. Лекин аслида эрмак ибораси бирор ўйинда иштирок этишни назарда тутди. Лила иборасининг мазмунини нотўғри талқин қилиб, майявадилар атадиларки, тирик мавжудот ҳатто чўчка танасида туғилганда ва ахлат еб тирикчилик қилиб юрганда ҳам ўзининг шу эрмакларидан лаззатланиб яшайди. Муқаддас китобларнинг сўзларини ана шундай талқин қилиш жуда зарарли. Аслида Парвардигор барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори ва ҳимоячисидир. Унинг эрмаклари ҳар қандай моддий фаолиятга нисбатан илоҳий. Парвардигорнинг эрмакларини ҳеч қачон шартланган рухлар фаолиятига тенгламаслик керак. Шартланган ҳаётда тирикчилик қилаётган тирик мавжудот аслида моддий қувват қўлида тутқун бўлиб яшайди. Шартланган рух фақат моддий қувват уни мажбур қилган ишларни бажариб яшайди. Рухнинг ўзи қилаётган ишларига маъсул эмас, у фақат ўз фаолиятини кузатиб туради, холос, моддий қувват шартланган рухни шундай ҳаракат қилишга мажбур қилади, чунки у Кришнадан юз ўгирди ва У билан ўзининг мангу муносабатларини узишга уриниб Уни қаттиқ ҳақорат қилди. Шунинг учун "Бхагавад-гита"да Парвардигор Шри Кришна айтадики. Унинг қуввати бўлган майя жуда кучли, уни деярли енгиб бўлмайди. Лекин, агар тирик мавжудот ўзининг табиатига кўра Кришнанинг мангу хизматкори эканини тушунса ва ана шу тушунчага асосланиб ҳаракат қилишга ҳаракат қила бошласа, у қанчалик кучли шартланиб қолган бўлмасин, шу заҳотиёқ у майянинг ҳукми остидан чиқиб кетади. Бу ҳақда "Бхагавад-гита"нинг еттинчи бобида аниқ айтилган: Ўзининг ночор ҳолатда эканини тан олиб ўз ихтиёрини Кришнага топширган ҳар қандай кишига ғамхўрлик қилишни Кришна Ўз зиммасига олади ва уни майя чангалида. Яъни шартланган ҳаёт асирлигидан қутқариб олади.

Аслида рухий табиатга эга бўлган тирик мавжудот мангу, илм ва лаззатга тўла(сач-чид-ананда). Аммо майя чангалига тушиб қолиб, улар такрор ва такрор туғилишга, ўлишга, кексайишга ва касалланишга маҳкум бўладилар. Ҳар бир фаросатли инсон моддий оламда шартланган ҳаёт билан яшаш касали устида жиддий бош қотириши ва қалбида Кришна онгини ривожлантириб, ана шу касалдан даволанишга ҳаракат қилиши лозим. Бу бизга барча мусибатлардан биратўла қутулиш имконини беради. Худоса қилиб шуни айтиш мумкинки, шартланган рухнинг моддий оламда азоб чекиб яшашига унинг моддий табиатга боғланиши сабаб бўлади, ана шу мусибатлардан халос бўлиш учун тирик мавжудот ўзининг боғланишини моддий нарсалардан Кришнага олиб ўтиши лозим.

Текст 8

Шартланган рухнинг моддий танасининг, шу танага хос сезги аъзоларининг ва уларни бошқарадиган фаришталарнинг пайдо бўлишига моддий табиат сабаб бўлади. Табиатига кўра илоҳий бўлган рухнинг ўз бошидан кечирадиган бахт ва мусибатларига эса, унинг ўзи сабабчи бўлади.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"да айтилганки, Парвардигор моддий оламда пайдо бўлганида У бу ерга қандайдир олий куч мажбур қилгани сабабли эмас, балки атмамайя қуввати ёрдамида Ўзининг шахсий киёфасида келади. У бу дунёга Ўз истаги билан келади, мана шуни эрмак, ўйин деб айтса бўлади. Лекин бу ерда аниқ айтилганки, шартланган рух маълум сезги аъзоларига эга бўлган, моддий табиат гуналарининг аниқ бир бирикмалари ҳукми остида бўлган маълум бир танада туғилишга мажбур. У бу танани ўз хоҳиши билан олмайди. Бошқача қилиб айтганда, шартланган рух танлаш эркинлигига эга эмас, у ўзининг кармасига асосан маълум бир танада туғилишга мажбур. Лекин, тирик мавжудот ўз фаолиятининг оқибати сифатида ҳар хил бахт ва мусибатларга дучор бўлганида, уларнинг сабабчиси рухнинг ўзи деб ҳисоблаш лозим. Агар у истаса, Кришнага садоқат билан хизмат қилиш йўлига кириб, зиддиятларга тўла бу моддий оламдаги шартланган ҳаётига чек қўя олади. Бошидан кечираётган мусибатларга тирик мавжудотнинг ўзи сабабчи, лекин у ўзининг мангу бахтга эришишига ҳам сабабчи бўла олади. Тирик мавжудот Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлишни истаганида Парвардигорнинг ички рухий қуввати унга шунга мос бўлган тана беради, лекин у ўзининг ҳиссиётини лаззатлантиришга интилса, унда моддий унсурлардан таркиб топган танага эга бўлади. Шундай қилиб, тирик мавжудотнинг ўзи рухий ёки моддий таналардан бирини ўзи танлаши мумкин, аммо у ёки бу танада мужассам бўлиб, у ўзининг танлагани асосида мусибат чекиши ёки лаззатланиб яшаши мумкин. Майявади-файласуфларнинг айтишига кўра, тирик мавжудот ўзининг эрмакларидан лаззатланиш учун чўчка танасида туғилармиш. Лекин бундай таълимот мутлақо нотўғри, чунки эрмак, ўйин иборасининг ўзи тирик мавжудотга лаззат келтирадиган танани ўз истаги билан олишни назарда тутади. Шундай қилиб, майявадиларнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввури бутунлай асоссиз ва умуман нотўғри ҳисобланади. Тирик мавжудотга зўрлаб бериладиган мусибатларни унинг эрмаги деб бўлмайди. Парвардигор эрмак қилади, тирик мавжудот эса аввал қилган гуноҳ ишлари учун жазо сифатида азоб чекади, тирик мавжудотнинг мусибатлари билан Парвардигорнинг эрмакларини тенглаштиришга ҳеч қандай асос йўқ.

Текст 9

Девахути деди: Эй Олий Шахс Худо, илтимос, менга Олий Шахснинг сифатлари ва Парвардигорнинг қувватлари ҳақида гапириб бер, чунки Парвардигор ва Унинг қувватлари намоён бўлган ва намоён бўлмаган оламларнинг сабабчисидир.

Изоҳ: Пракрити, яъни моддий табиатнинг Парвардигорга ва тирик мавжудотларга нисбатан ҳолатини худди аёл кишининг ўзининг эри ва фарзандларига нисбатан ҳолатига ўхшатиш мумкин. "Бхагавад-гита"да Парвардигор айтадики, У она-табиатни уруғлантиради ва унга тури хил шакл ва киёфаларда дунёга келадиган тирик мавжудотларни жойлаб қўяди. Парвардигор Капила онаси देвахутига тирик мавжудотлар ва моддий табиат ўзаро қандай муносабатда экани ҳақида гапириб берган эди, энди онаси моддий табиат билан Парвардигор орасидаги муносабатлар ҳақида илм олмоқчи бўляпти. Ана шу муносабатлар натижасида намоён бўлган ва намоён бўлмаган моддий олам пайдо бўлади деб айтадилар. Намоён бўлмаган моддий олам –нафис табиатга эга бўлган махат-таттва бўлиб, у намоён бўлган моддий оламни яратади.

Ведавий муқаддас китобларда айтилганки, бирлашган моддий қувватга назар ташлаб, Парвардигор уни уруғлантиради, моддий табиат эса моддий оламни юзага келтиради. "Бхагавад-гита"нинг тўққизинчи бобида ҳам айтилганки, моддий табиат Парвардигорнинг нигоҳи остида ҳаракатга келади(адхйакшена), Унинг раҳбарлиги остида ва Унинг амри билан ҳаракат қилади. Моддий табиат кўр-кўрона ҳаракат қилади деган фикр ҳақиқатга тўғри келмайди. шартланган рухларнинг ҳолатини ҳамда уларнинг моддий табиат билан ўзаро муносабатларини билгандан кейин Девахути энди Парвардигор моддий табиатни қандай бошқаришини ва у билан қандай муносабатда эканини билмоқчи. Бошқача қилиб айтганда, у Парвардигорнинг моддий табиат билан ўзаро муносабатларида намоён этадиган сифатлари ҳақида билишни истапти.

Майявади файласуфлар нима дейишларидан қатъий назар, тирик мавжудотларнинг моддий табиат билан ўзаро муносабатлари Парвардигор билан модданинг ўзаро муносабатларидан бутунлай фарқ қилади. Муқаддас китобларда тирик мавжудотларнинг адашиб юргани ҳақида гап борганида майявадилар бунда Парвардигор ҳам адашиб юргани назарда тутилади деб ҳисоблайдилар. Лекин уларнинг ҳаёт ҳақидаги бундай тасавури ҳақиқатга умуман тўғри келмайди. Парвардигор ҳеч қачон алданиш домига тушмайди. Мана шу имперсоналистлар ва пресоналистларнинг ҳаёт ҳақидаги тасавурини бир биридан ажратиб турадиган асосий фарқ ҳисобланади. Девахути тирик мавжудотлар ҳеч қачон Парвардигор билан тенгалаш олмаслигини тушуна оладиган фаросатли аёл. Чексиз кичик тирик мавжудот ўлчамлари арзимас даражада кичик бўлгани сабабли моддий табиат ҳукми остига тушиб қолади, моддий табиат эса уларни ўзининг шароитига мослаб қўяди, адаштириради, лекин бу Парвардигор ҳам шартланиб қолади ва У ҳам адашади дегани эмас. Шартланган рух билан Парвардигор орасидаги фарқ шундан иборатки, Парвардигор ҳамииша моддий табиатнинг ҳукмдори бўлган Парвардигор бўлиб қолаверади, шунинг учун У ҳеч қачон унинг ҳукмига бўйсунмайди. У на рухий, на моддий табиатга бўйсунмайди. У – олий ҳукмдор, шунинг учун Уни моддий табиат ҳукми остида бўлган оддий тирик мавжудотларга тенглаштириб бўлмайди.

Мазкур шеърда икки ибора ишлатилган: сат ва асат. Моддий олам мавжуд эмас(асат), аммо Парвардигорнинг моддий куввати мангу мавжуд. Парвардигорнинг куввати бўлган моддий табиат ўзининг нафис кўринишида мангу мавжуд, аммо баъзан у моддий олам деб аталадиган мавжуд бўлмаган, яъни вақтинча, ўткинчи табиатни намоён этади. Моддий табиатни онага қиёслаш мумкин, Парвардигорни эса - отага. Ота ҳам, она ҳам мавжуд, лекин она баъзан фарзандларни дунёга келтиради. Худди шундай, манбаи Парвардигорнинг намоён бўлмаган моддий табиати бўлган моддий коингот вақти-вақти билан дунёга келиб вақти келганда яксон бўлиб туради, лекин моддий табиатнинг ўзи мангу мавжуд, Парвардигор эса, моддий оламнинг нафис ва кўпол шаклларининг олий сабабчиси ҳисобланади.

Текст 10

Олий Шахс Худо, Парвардигор деди: Моддий табиатнинг уч гунасининг намоён бўлмаган, мангу мавжуд бирикмаси модданинг намоён бўлишининг сабабчисидир ва прадхана деб аталади. Намоён бўлган ҳолатда у пракрити деб аталади.

Изоҳ: Мазкур шеърда Парвардигор модданинг прадхана деб аталадиган нафис шакли ҳақида гапириб, уни таҳлил қиляпти. Практикдан фарқли равишда прадхана моддий унсурлар бирикмасининг нафис кўринишида мавжуд бўлган ҳолатидир. Лекин, гарчи прадхана намоён бўлмаган ҳолатда бўлса ҳам, унда барча моддий унсурлар мавжуд ҳисобланади. Моддий табиатнинг уч гунасининг ўзаро фаолияти натижасида моддий унсурлар бирикмаси пракрити деб аталадиган намоён бўлган ҳолатга ўтади. Имперсоналистлар айтадиларки. Браҳман ранг-баранглик ва зиддиятлардан маҳрум. Бундан хулоса қилиб тахмин қилиш мумкинки, прадхана – Браҳман, лекин аслида Браҳман – прадхана эмас. Браҳман прадханадан фарқ қилади, чунки Браҳманнинг моддий табиати йўқ. Бунга эътироз билдириб айтишлари мумкин: махат-таттва ҳам прадханадан фарқ қилади, чунки махат-таттвада ҳар хил моддий унсурлар намоён бўлган ҳолатда бўладилар. Мазкур шеърда прадхананинг ҳақиқий ҳолати таърифланган: Ҳали сабаб ва оқибатлар охиригача намоён бўлмаганида(авйакта), махат-таттванинг унсурлари бир бири билан ўзаро ҳаракатга киришмайдилар, моддий табиатнинг ана шу ҳолати прадхана деб аталади. Прадхана вақт унсури эмас, чунки вақт ҳаракат ва қарши ҳаракатни, яратиш ва яксон қилишни назарда тутади. Прадхана жива, яъни тирик мавжудотлар мансуб бўлган оралик кувват ҳам эмас, моддий парда билан қопланган тирик мавжудотлар ҳам эмас, чунки тирик мавжудотларнинг моддий пардаси мангу эмас. Мазкур шеърда нит'я ибораси ишлатилган, у прадхананинг мангу эканини кўрсатади. Шундай қилиб, моддий табиатнинг намоён бўлган ҳолатга ўтиш арафасидаги ҳолати прадхана деб аталади.

Текст 11

Бешта кўпол, бешта нафис моддий унсурларнинг, тўрт ички сезгиларнинг, беш сезадиган сезгиларнинг ва беш

ҳаракат қиладиган аъзоларнинг бирикмаси прадхана деб аталади.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"га асосан, мазкур шеърда келтирилган йигирма тўрт унсурнинг бирикмаси йонир махад-брахма деб аталади. Моддий табиатни уруғлантириш жараёнида тирик мавжудотлар бирикмаси йонир махад-брахма ичига қиради, натижада тирик мавжудотлар маъбуд Браҳмадан то кичик чумолигача бўлган турли таналарда дунёга келадилар. "Шримад Бхагаватам" ва бошқа ведавий муқаддас китобларда йигирма тўрт унсурнинг бирикмаси бўлган прадхана - йонир-махад-брахма деб ҳам аталади: у тирик мавжудотларни дунёга келтириб, уларнинг мавжудлигини таъминлаб туради.

Текст 12

Беш кўпол унсур – ер, сув, олов, ҳаво ва эфир. Бундан ташқари бешта нафис унсур мавжуд: ҳид, таъм, ранг, товуш ва тегиш??? (касание).

Текст 13

Ҳаракат қиладиган ва маълумот оладиган органлар биргаликда ўнта – эшитиш органи, таъм билиш, тегишни хис қилиш органи, ҳид билиш органи, кўриш органи, нутқ органи, ҳаракат қилиш органлари, шунингдек, тирик мавжудот бир жойдан иккинчи жойга кўчиш учун ишлатадиган, насл қолдириш учун ҳамда танасидан чиқиндилар чиқариш учун фойдаланадиган органлар.

Текст 14

Ички нафис органлар тўрт хилда намоён бўлади: ақл, тафаккур, эго(ўзлик) ва булганган онг. Уларни бир биридан фақат бажарадиган вазифаларига қараб ажратиб олиш мумкин, чунки уларнинг ҳар бири ўзини фақат ўзига хос равишда намоён этади ва ўзига хос белгилари бор.

Изоҳ: Мазкур шеърда санаб ўтилган тўрт ички, яъни нафис сезгиларни улар намоён этадиган сифатларга қараб билиб олиш мумкин. Тирик мавжудотнинг соф онги модда билан булганганиб, ўзини танага қиёслаб бошлаганда уни сохта ўзлик таъсири остида деб атайдилар. Онг руҳнинг белгиси, вазифаси, хоссаси, шунинг учун онг ҳамиша руҳ билан бирга бўлади. Моддий иллатга булганган онг аханкара деб аталади.

Текст 15

Буларнинг ҳаммаси сифатларга эга бўлган Браҳман деб аталади. Вақт деб аталадиган ва уларни боғлаб турадиган унсур оламни яратишдаги йигирма бешинчи моддий унсур ҳисобланади.

Изоҳ: Ведаларда айтилганки, Браҳмандан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмас. Сарвам кхалв идам брахма("Чхандогья-упанишад" 3.14.1) . "Вишну-пурана"да ҳам шундай дейилган: Биз атрофимизда кўриб турган нарсаларнинг ҳаммаси парасйя браҳманах шактиҳ, бошқача қилиб айтганда, бутун борлиқ Олий Мутлақ Ҳақиқатнинг, Браҳманнинг кувватининг намоён бўлган кўринишидир. Браҳман уч гуна: эзгулик, эхтирос ва ғафлат билан бирикканида – баъзан сагуна-

Брахман деб аталадиган ва йигирма беш моддий унсурдан таркиб топган моддий олам пайдо бўлади. Ниргуна-Брахманда, яъни модда билан бирикиб булганмаган Брахманда, рухий оламда эхтирос ва ғафлат гунаси мавжуд эмас. У жойда соф, бенуксон эзулик ҳукм суради. Санкхья фалсафасининг таълимотига кўра сагуна-Брахман йигирма беш унсурдан иборат, унинг таркибига замон(ўтмиш, ҳозир ва келажак) унсури ҳам киради.

Текст 16

Моддий табиат билан аралашган шартланган руҳни адаштириш учун Олий Шахс Худонинг ҳукми замон кўринишида намоён бўлади ва сохта ўзлик таъсири остида бўлган шартланган руҳга ўлимдан кўркув туйғусини киритади.

Изоҳ: Тирик мавжудотга ҳос бўлган ўлимдан кўрқиш туйғусига сабаб – уни моддий танасига қиёслашга мажбур қиладиган сохта ўзликдир. Бу дунёда ҳамма ўлимдан кўрқади. Аслида руҳий табиатга эга бўлган тирик мавжудот мангу, ўлмас, аммо тирик мавжудот ўзини тана деб ҳисоблай бошлаганида, унда ўлимдан кўркув туйғуси пайдо бўлади. "Шримад Бҳагаватам"(11.2.37)да ҳам шу ҳақда айтилган: бхайам двитийабхинивешатаҳ сйат. Двитийа ибораси руҳдан фарқ қиладиган моддага тааллуқли. Руҳ юзага келтирган зот бўлган модда унинг иккиламчи намоён бўлган кўринишидир. Худди юқорида санаб ўтилган моддий унсуруларни Парвардигор, яъни Олий Руҳ яратгани сингари, моддий тана ҳам мангу руҳ юзага келтирган зот ҳисобланади. Шунинг учун моддий танани двитийа, яъни "иккинчи" деб атайдилар. Ўзини ана шу иккинчи унсур, яъни руҳнинг иккинчи намоён бўлган ҳолати деб ҳисоблайдиган зот ўлимдан кўрқади, аммо, ўзи аслида танадан фарқ қилишига ишончи комил киши ўлимдан кўркмайди, чунки руҳ ҳеч қачон ўлмайди.

Худого садоқат билан хизмат қилиб, руҳий фаолият билан машғул бўлиб юрган жон туғилиш ва ўлиш деган тушунчалардан юқори кўтарилади. Шундай руҳга тўлиқ руҳий эркинлик ва моддийтана тутқунлигидан озодлик тайёрлаб қўйилган. Ўлимдан кўрқиш туйғусини Олий Шахс Худонинг ҳукмининг тимсоли бўлган кала, замон унсури келтириб чиқаради. Бошқача қилиб айтганда, вақт яқсон қилувчи қувват вазифасини бажаради. Дунёга келган ҳамма нарсани замон ҳалокатга ва яқсон бўлишга маҳкум этади. Парвардигорнинг вақили бўлган ҳолда замон бизга ўз ихтиёримизни Худого топшириш кераклигини эслатиб туради. Замон қиёфасида Парвардигор ҳар бир тирик мавжудот билан суҳбатлашиб туради. "Бҳагавад-гита"да Парвардигор айтадики, ўз ихтиёрини Худого топширган тирик мавжудот туғилиш ва ўлишни енга олади. Шунинг учун биз замон тимсолида бизга намоён бўлиб турган Олий Шахс Худони кўра билишимиз лозим. бу ҳақиқат кейинги шеърда батафсил тушунтирилади.

Текст 17

Эй азиз она, эй Сваямбхува Манунинг қизи, Мен аввал айтганимдай, замон – Олий Шахс Худонинг тимсоли,

намоён бўлмаган табиатнинг уйғониши натижасида юзага келадиган оламнинг манбаидир.

Изоҳ: Мазкур шеърда Парвардигор Капида Девахутига прахнанани, моддий табиатнинг намоён бўлмаган ҳолатини таърифлаб беряпти. У айтадики, Олий Шахс Худонинг нигоҳи остида моддий табиат ҳаракатга келганида у ўзини ранг-баранг турли қиёфаларда намоён этади. Шунгача у намоён бўлмаган ҳолатда бўлиб, унда моддий табиатнинг уч гунаси бир бири билан ўзаро фаолиятга киришмаган эди. Бошқача қилиб айтганда, Олий Шахс Худо аралашмаса, моддий табиат намоён бўлган ранг-баранг моддий оламни яратишга қодир эмас. Бу "Бҳагавад-гита"да жуда яхши таърифланган. Моддий табиат яратган нарсаларнинг ҳаммасига Олий Шахс Худо сабабчи. Парвардигорнинг ёрдамисиз моддий табиат бирор нарсани дунёга келтиришга қодир эмас.

Бу борада "Чайтанья-чаритамрита"да аниқ бир мисол келтирилган. Эчкининг бўйнидаги ўсмаси кўринишидан худди эмчакка ўхшайди, лекин ундан сут соғиб олишнинг иложи йўқ. Худди шундай, дунёвий олимга моддий табиат гўё мўъжизалар яратаётгандай бўлиб туюлади, аслида эса, уни ҳаракатга келтирадиган куч, Олий Шахс Худонинг вақили бўлган замоннинг аралашувисиз унинг ўзи мустақил ҳолда ҳаракат қилишга қодир эмас. Замон инерт моддий табиатни ҳаракатга келтиргандан кейин, у ҳаётнинг сон-саноксиз турларини ярата бошлайди. Бу ерда айтилганки, оламнинг яралишининг азалий, бошланғич сабабчиси Олий Шахс Худо бўлади. Худди токи эркак киши уруғлантирмагунча аёл фарзанд туға олмагани сингари, моддий табиат ҳам токи Олий Шахс Худо замон шаклида уни руғлантирмаса, бирор нарсани ярата олмайди.

Текст 18

Ўзининг қувватларини намоён этиб Олий Шахс Худо, ҳар хил моддий унсуруларнинг ичида Олий Руҳ қиёфасида, улардан ташқарида эса мангу замон қиёфасида мавжуд бўлган Парвардигор уларни бирлаштиради.

Изоҳ: Мазкур шеърда айтилганки, Олий Шахс Худо Олий Руҳ қиёфасида ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд. Бу ҳақда "Бҳагавад-гита"да ҳам айтилган: Олий Руҳ алоҳида руҳнинг барча ҳаракатларига гувоҳ бўлиб, ҳамиша унинг ёнида юради. Буни бошқа бир ведавий муқаддас китоб тасдиқлайди, унда айтилганки бир дарахтда икки куш ўйтирибди; уларнинг биттаси ана шу дарахт меваларидан тотеди, юошқа куш эса, унинг ҳаракатларини кузатиб ўтиради. Алоҳида руҳнинг танасида жойлашган ана шу пуруша(Параматма), "Бҳагавад-гита"(13.23)да упадрашта, яъни "гувоҳ" деб ҳамда ануманта, "алоҳида руҳнинг ҳаракатига рухсат берадиган зот" деб аталган. Шартланган руҳ Парвардигорнинг ташқи қувватидан маълум бир тана олади, ана шу танада у лаззат олади, изтироб чекади. Лекин олий тирик мавжудот, яъни Параматма, алоҳида руҳдан фарқ қиладди. "Бҳагавад-гита"да У махешвара, Парвардигор деб аталган. Уни живатма деб, балки Параматма деб атайдилар. Параматма – шартланган руҳнинг ҳаракатларига рухсат

бериш учун ҳамиша унинг ёнида юрадиган Олий Рухдир. Шартланган рухлар моддий оламга моддий табиат устидан ҳукмронлик қилиш учун келади. Лекин тирик мавжудот Парвардигорнинг рухсатисиз ҳеч нарса қилолмагани сабабли Парвардигор дживатманинг, алоҳида рухнинг ҳаракатларини кузатиб ва уларга рухсат бериб, ҳамиша ёнида юради. Уни бхокта деб ҳам атайдилар; У шартланган рухларга ҳаёт учун зарур бўлган нарсаларни етказиб, уларнинг мавжудлигини таъминлаб туради.

Азалий табиатига кўра тирик мавжудотлар Парвардигорнинг ажралмас зарраларидир, шунинг учун Парвардигор уларга чуқур муҳаббат билан ғамхўрлик қилади. афсуски, ташқи қувват тирик мавжудотни адаштириб қўйганида, у ўзининг Парвардигор билан бўлган мангу муносабатларини эсдан чиқариб қўяди, лекин, тирик мавжудот ўзининг ҳақиқий ҳолатини англаб етган заҳоти яна озодликка эришади. Тирик мавжудотга берилган арзимас мустақиллик, эркинлик шундан иборатки, у оралиқ ҳолатни эгаллаб туради. Агар у истаса Олий Шахс Худони эсдан чиқариши ва моддий оламга тушиб қолиши мумкин, шу ерда у сохта ўзлик таъсири остида моддий табиатга ҳукмронлик қилишга уриниб юради, лекин, агар у Парвардигорга мурожаат қилиб, яна Унга хизмат қилишини истаса, у ўзининг бу истагини ҳам амалга ошира олади. Алоҳида тирик мавжудот мана шу икки имкониятдан истаганини танлаш имкониятига эга. У Парвардигорга мурожаат қилганида унинг моддий оламда тирикчилик қилиши ниҳоясига етади ва у инсон ҳаётининг олий мақсадига эришади, лекин, токи тирик мавжудот ўзининг мустақиллигини суистеъмол қилиб юрар экан, у моддий оламда чексиз мусибатларга дучор бўлиб қолиб кетишга маҳкум. Лекин Парвардигор шунчалик меҳрибонки, Олий Рух қиёфасида ҳамиша шартланган рухга ҳамроҳ бўлиб юради. Парвардигор буни моддий тананинг лаззат ва мусибатларини тотиб юриш учун қилмайди. У живанинг ҳаракатларига рухсат бериш ва унинг ўз фаолиятининг барча яхши-ёмон натижаларини тўла олишини назорат қилиб юриш учун ҳамиша унга ҳамроҳ бўлиб юради.

Шартланган рухнинг танасидан ташқарида Олий Шахс Худо замон шаклида мавжуд бўлади. Санкхья фалсафасига кўра, моддий олам йигирма тўрт унсурдан таркиб топган. Йигирма тўрт унсур юқорида таърифланган эди, йигирма бешинчи унсур вақт ҳисобланади. Баъзи файласуйлар мана шу рўйхатга Олий Рухни ҳам қўшадилар ва уни оламнинг йигирма олтинчи унсури деб атайдилар.

Текст 19

Олий Шахс Худо Ўзининг ички қуввати ёрдамида моддий табиатни уруғлантиргандан кейин, моддий табиат Хиранмайя деб аталадиган фазовий тафаккурни юзага келтиради. Бу жараён шартланган рухларнинг тақдири ҳаракатга келтирадиган моддий табиат ичида амалга ошади.

Изоҳ: Моддий табиатнинг уруғланиш жараёни "Бхагавад-гита"(14.3)да таърифланган. Моддий табиатнинг асосини барча хилма-хил тур ва шаклларнинг манбаи бўлган махат-таттва ташкил этади. Моддий табиатнинг прадхана ва Брахман деб

аталадиган қисми Олий Шахс Худо уруғлантиргандан кейин тирик мавжудотларнинг сон-саноксиз тур ва шаклларини дунёга келтиради. Шу боис моддий табиатни баъзан Брахман деб ҳам атайдилар, чунки у рухий табиатнинг бузилган акси ҳисобланади.

"Вишну-пурана"да айтилганки, тирик мавжудотлар рухий табиатга эга. Парвардигорнинг қуввати рухий табиатга эга, гарчи орлалик қувват деб атасалар ҳам, аслида тирик мавжудотлар ҳам рухий табиатга эга. Агар тирик мавжудотлар рухий табиатга эга бўлмасалар, мазкур шеърда келтирилган, Парвардигорнинг моддий табиатни уруғлантириш жараёнини таърифлашнинг маъноси бўлмасди. Парвардигор ҳеч қачон Ўзининг уруғини рухий табиатга эга бўлмаган жойга қўймаган бўларди, бу ерда айтилганки, У ўзининг уруғини моддий табиат ичига жойлади. Демак, тирик мавжудотлар рухий табиатга эга. Моддий табиат уруғлангандан кейин энг буюк зот маъбуд Брахмадан то энг кичик ҳашаротгача бўлган ранг-баранг шакл ва турдаги тирик мавжудотларни дунёга келтиради. "Бхагавад-гита"(14.4)да Кришна моддий табиатни сарва-йонишу деб атайди. Демак, моддий табиат ҳаётнинг барча турларининг: фаришталар, одамлар, хайвонлар, қушлар ва бошқа тирик мавжудотларнинг онаси ҳисобланади, Олий Шахс Худо эса, уларнинг уруғини берадиган ота ҳисобланади. маълумки, ота фарзандга ҳаёт ато этади, она эса - тана; гарчи фарзанднинг уруғини ота берса ҳам, унинг танаси онанинг қорнида шаклланади. Худди шундай, Парвардигор уруғлантириш жараёнида рухий табиатга эга бўлган тирик мавжудотларни моддий табиат ичига жойлаб қўяди, уларнинг моддий табиат ичида ривожланадиган таналари эса, сон-саноксиз ҳаёт турларини юзага келтириб, хилма-хил шаклларга киради. Мана шу шеър ҳаёт йигирма тўрт моддий унсурнинг ўзаро фаолияти натижасида юзага келади деган ғояни инкор этади. Ҳаёт кучи бевосита Олий Шахс Худодан чиқади ва бутунлай рухий табиатга эга. Шунинг учун моддий илм –фан қанчалик ривожланмасин, олимлар ҳеч қачон ҳаётни, тирик мавжудотни ярата олмайдилар. Ҳаёт кучи рухий оламдан келади, у моддий унсурларнинг ўзаро ҳаракатига умуман боғлиқ эмас.

Текст 20

Моддий оламнинг илдизини бўлган мана шу ранг-барангликни яратиб, ярқираб турган, ўзида барча коинотларни мужассам қилган ва ҳеч қачон яқсон бўлмайдиган махат-таттва моддий оламнинг яқсон бўлиш даврида унинг ёғдусини қоплаб оладиган қоронғу зулматни ютиб олади.

Изоҳ: Илм ва лаззатга тўла бўлган Парвардигор мангу мавжуд бўлгани туфайли, хилма-хил қувватлари ҳам намоён бўлмаган ҳолатда мангу мавжуд. Шунинг учун махат-таттва пайдо бўлганида у моддий эгони юзага келтирди ва моддий олам яқсон бўлганда моддий коинотни қоплаб олган зулматни ютиб юборди. Буни қуйидаги мисолда тушунтириш мумкин. Инсон тунда, ўзини зулмат ўраб олган пайтда ҳаракатсиз уйкуда бўлади, у эрталаб у уйғонганида, уни ўраб олган зулмат ва уйкудаги унутиш исиз йўқолиб кетади. Худди шундай яқсон бўлиш туни тугаганда ва махат-таттва

яна дунёга келганида у ўзидан нур тарата бошлайди, ундан эса ранг-баранг моддий олам пайдо бўла бошлайди.

Текст 21

Шунда махат-таттвада Худо Шахсини англашнинг хотиржам, тиниқ ҳолати бўлган эзгулик гунаси намоён бўлади. Бу ҳолатни одатда васудева, яъни онг деб атайдилар.

Изоҳ: Васудева, яъни Олий Шахс Худони англаш ҳолатини соф эзгулик, яъни шуддха-саттва деб атайдилар. Ҳеч қачон шуддха-саттванинг тинчинини бошқа сифатлар – эҳтирос ва ғофиллик буза олмайди. Ведавий муқаддас китобларда Парвардигор Ўзини Худонинг тўрт шахси қиёфасида намоён этади: Васудева, Санкаршана, Прадьюмна ва Анируддха. Парвардигорнинг тўрт экспансияси махат-таттванинг мазкур шеърда таърифланган қайта-тикланиш босқичида юзага келади. Ҳар бир тирик мавжудот қалбида Параматма қиёфасида мавжуд бўлган Парвардигор аввалига Васудева сифатида намоён бўлади.

Васудева ҳолатига эришган тирик мавжудотларнинг тиниқ онги моддий истаклар билан булганмайди, шу боис улар "Бхагавад-гита"да адбхута деб аталган Олий Шахс Худони англаб етишга қодир бўладилар. Бу – махат-таттванинг яна бир кўриниши. Васудева ҳолатини Кришна онги деб ҳам атайдилар, чунки бунда моддий эҳтирос ва ғафлатдан заррача кўшимча ҳам йўқ. Онгнинг тиниқлигини тирик мавжудотга Олий Шахс Худони англаб етишга ёрдам беради. "Бхагавад-гита"да васудева поғонаси кшетра-гья деб аталган, бу ибора фаолият майдонини биладиган зотни ҳам, ҳамма нарсани биладиган Парвардигорни ҳам англатади. Маълум турдаги тана ичида мавжуд бўлган тирик мавжудот шу танани биледи. Ҳамма нарсани биладиган Парвардигор Васудевага эса, қандайдир битта тана эмас, сон-саноксиз турдаги моддий таналардаги фаолият майдони маълум. Соф онг, яъни Кришна онгига эга бўлиш учун биз Васудевага сажда қилишимиз лозим. Васудева деб, ҳамроҳларисиз Кришнанинг Ўзини айтадилар. Кришнанинг, яъни Вишнунинг ички қуввати ҳамроҳ бўлмаган қиёфасини Васудева деб атайдилар, Кришна ўзининг ички қуввати билан бирга бўлганда Дваракадиши деб аталади. Соф, тиниқ онгга, Кришна онгига эга бўлиш учун Васудевага сажда қилиш лозим. "Бхагавад-гита"да ҳам айтилганки, фақат кўплаб умрлар яшагандан кейин инсон ўзини Васудевага топширади. Лекин, бундай буюк зот жуда кам топилади.

Сохта ўзликдан халос бўлиш учун Санкаршанага сажда қилиш лозим. Санкаршанага маъбуд Шивага эҳтиром кўрсатганда ҳам сажда қиладилар; маъбуд Шиванинг танасига ўралиб юрган илонлар Санкаршанинг вакиллари ҳисобланади, маъбуд Шиванинг ўзи ҳам ҳаммиша Санкаршанага муроқабани килиб юради. Маъбуд Шивага Санкаршанинг содиқ хизматкори сифатида сажда қилиш билан инсон сохта моддий ўзликдан халос бўлади. Ақли келтирадиган ташвишлардан халос бўлиш учун инсон Анируддхага сажда қилиши лозим. Бу мақсадга эришиш учун Ведалар Ойга сажда қилишни ҳам тавсия қилади. худди

шундай, чуқур тафаккурга эга бўлиш учун Прадьюмнага сажда қилиш лозим, Брахмага сиғиниб юрганлар уни англаб ета оладилар. Буларнинг ҳаммаси Ведаларда таърифланган.

Текст 22

Парвардигорнинг бу аспектилари махат-таттва дунёга келгандан кейин бир вақтда пайдо бўлдилар. Сув ўзининг табиий ҳолатида, ер билан аралашмасдан аввал соф, ширин ва тиниқ бўлгани сингари, соф онгнинг белгиси ҳам тиниқлик, ўзгармаслик ва диққатли(жамланган)ликдир.

Изоҳ: Соф онг, яъни Кришна онги фақат олам яралишининг бошида мавжуд бўлади. Яралиш тонгида онг булганмаган соф ҳолатда бўлади, лекин модда билан аралашган тирик мавжудот қанча кўп булганса, унинг онги шунчалик хиралашаверади. Соф онгга эга бўлган тирик мавжудот унда Олий Шахс Худонинг кўринар-кўринмас хира аксини кўра олади. Тиниқ, сокин ва булганмаган сувда ҳамма нарса аниқ кўрингани сингари, соф онга, яъни Кришна онгига ҳам ҳамма нарсани асл ҳолида кўриш мумкин. Соф онг ойнасида тирик мавжудот Олий Шахс Худони ва ўзининг ҳақиқий ўзлигини кўради. Онгнинг ана шундай ҳолати шодликка тўла, шаффоф ва хотиржам бўлади. Шундай қилиб, олам яралиш тонгида онг пок бўлади.

Текст 23-24

Моддий ўзлик(эго) Парвардигорнинг шахсий қувватидан шаклландиган махат-таттвадан пайдо бўлади. Моддий ўзликка биринчи навбатда уч турли яратувчи қувват ато этилган: эзгуликда, эҳтиросда ва ғофилликда. Моддий эганинг мана шу уч тури ақли, сезиш органларини, ҳаракатланиш органларини ва кўпол моддий унсурларни яратади.

Изоҳ: Олам яралиш аввалида Кришнанинг тиниқ, соф онгидан биринчи моддий булганган унсур пайдо бўлади. Шу унсур сохта ўзлик, яъни ўзини танага қиёслаш деб аталади. Тирик мавжудот ўзининг асл табиий ҳолатида кришна онгига бўлади, аммо тирик мавжудотнинг оралик ҳолатда бўлиши унга ўзининг эркинлигини суьистемол қилиш ва Кришнани нутиш имконини беради. Аввалига ҳар бир тирик мавжудот соф кришна онгига бўлади, лекин у ўзининг оралик ҳолатдаги эркинлигини суьистемол қилса, Кришна ҳақида нутиш имконига эга бўлади. Бунга амалда ишонч ҳосил қилиш мумкин: Кришна онгига ҳаракат қилиб юрган кишиларнинг бирданига ўзгариб кетганига жуда кўп мисоллар бор. Шунинг учун Упанишадалар рухий юксалиш йўлини худди ўткир устара тиғи устида юриш билан тенглаштирадилар. Бу жуда ўринли мисол. Ўткир устара ёрдамида силлиқ қилиб соқолни олиш мумкин, аммо соқол олаётганда салгина чалғисангиз, сал хато қилсангиз бир жойингизни кесиб олиш мумкин.

Шундай қилиб, соф Кришна онгига кўтарилишнинг ўзи камлик қилади; ана шу поғонага эришгандан кейин биз жуда эҳтиёт бўлишимиз лозим. Озгина эҳтиётсизлик ҳам тубанликка кулашга сабаб бўлиши мумкин. Ана шундай кулашнинг сабабчиси сохта ўзлик бўлади. Сохта ўзлик тирик мавжудот ўзининг эркинлигини суьистемол қилганида соф онгдан

пайдо бўлади. Нимага соф онгдан сохта ўзлик юзага келиши устида бахслашиб ўтиришнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. Аслида бундай ҳолат истаган вақтда юзага келиши мумкин, шунинг учун биз жуда эҳтиёт бўлишимиз лозим. Моддий табиат гуналарининг таъсири остида бўлган ҳар қандай моддий фаолиятнинг асосида сохта ўзлик ётади. Тирик мавжудот соф Кришна онгидаги ҳолатдан қулаган заҳоти ўз фаолиятининг карма оқибатлари тўрига илиниб қолади. Материализмнинг таянчи моддий ақлдор, ақлдан эса ўз навбатида сезгилар ва тананинг моддий органлари юзага келади.

Текст 25

Кўпол унсурларнинг, сезги органларининг ва ақлнинг манбаи бўлган уч турли аханкара(сохта ўзлик) уларнинг ўзидан фарқ қилмайди, чунки уларнинг сабабчиси бўлади. Аханкарани минг каллалари Парвардигор Анантанинг ўзи бўлган Санкаршана деб атайдилар.

Текст 26

Ана шу сохта ўзлик ўзини фаолият кўрсатувчи, фаолият воситаси ва унинг натижаси сифатида намоён этади. Бунда сохта ўзлик қайси гуна – эзгулик, эҳтирос ёки ғофиллик – таъсир кўрсатаётганига қараб, хотиржам, ҳаракатчан ва суёт бўлиши мумкин.

Изоҳ: Аханкара, яъни сохта ўзлик моддий оламнинг фаолиятини бошқарадиган фаришталарга айланади. Сохта ўзлик восита сифатида ўзини турли хил сезгилар ва сезиш органлари сифатида намоён этади; фаришталар ва сезгилар бир бири билан бирикиб моддий нарсаларни юзага келтирадилар. Моддий оламда яшайдиган тирик мавжудотлар сон-саноксиз нарсаларни ишлаб чиқарадилар ва шуни жамият ривожланиши деб ҳисоблайдилар, лекин аслида бундай тараққиёт – сохта ўзликнинг намоён бўлишидан бошқа нарса эмас. Моддий нарсаларнинг ҳаммаси сохта ўзлик яратган нарсалар бўлиб, сезгиларни лаззатлантириш учун мўлжалланган. Биз ўзимизнинг моддий нарсаларга бўлган эҳтиёжларимизни сунъий равишда кўпайтиришни бас қилишимиз лозим. Буюк ачарья Нароттама дас Тхакур соф Васудева онгидан, яъни Кришна онгидан маҳрум бўлган инсон моддий фаолият тўрларига илиниб қолишига ачинаиб зорланган эди. У шундай деб ёзганди: сат-санга чхади кайну асате виласа \ те-каране лагила йе карма-бандха-пханса – яъни “Ўтқинчи моддий олам билан лаззатланиш истагида мен соф онгдан маҳрум бўлдим ва ўз фаолиятим ва унинг оқибатлари тўрига илиниб қолдим”.

Текст 27

Ўз навбатида, эзгулик гунасидаги сохта ўзлик ҳам ўзгаради, натижада ақл юзага келади, ақл юзага келтирган фикрлар ва шакллардан бизнинг истақларимиз пайдо бўлади.

Изоҳ: Ақлнинг асосий вазифаси – ҳар хил истақлардан келиб чиққан ҳолда қалуб қилиш ёки инкор этишдан иборат. Биз сезгиларимизга лаззат берадиган нарсани истаймиз, лаззатланишга ҳалақит берадиган нарсаларни эса инкор этамиз. Моддий ақл жуда нотинч,

лекин уни Кришна онгидаги фаолият билан машғул қилиб жиловлаб олиш мумкин. Аммо, токи ақл моддий поғонада экан, у ҳамиша ҳаракатда бўлади, у қабул қиладиган ва инкор этадиган нарсаларнинг ҳаммаси асат, вақтинчалик ҳисобланади. Агар инсоннинг ақли Кришна онгида жам бўлмаса, у ё қабул қилиб, ё инкор этиб, ҳамиша сарсон бўлиб юради. Қанчалик чуқур илмга эга бўлмасин, токи инсон ақлини Кришна онгида жамлаб олмас экан, у ҳамиша қабул қилиб ё инкор этиб, ақлини бирор нарсада жамлай олмайди.

Текст 28

Тирик мавжудотнинг ақлини Парвардигор Анируддха, сезгиларнинг олий ҳукмдори деб атайдилар. Унинг кўкимтир–қора танаси кузда очиладиган нилуфар гулини эслатади, йога йўлидан бораётган кишилар аста-секин ўзларига Уни очиб оладилар.

Изоҳ: Йога билан шуғулланишдан мақсад ақли жиловлашдан иборат, ақлнинг ҳукмдори эса Анируддха. Анируддханинг тўрт қўли бор бўлиб, уларда У сударшана-чакра, сур, гурзи ва нилуфар гулини ушлаб туради. Вишнунинг йигирма тўрт хил қиёфаси бор ва уларнинг ҳар бирининг ўз номи бор. Санкаршан, Анируддха, Прадьюмна ва Васудева "Чайтанья-чаритамрита"да батафсил таърифланган, унда Анируддха барча йоглар сиғинадиган Зот деб айтилган. Бўшлиққа мувоқабат қилиш – қандайдир билимдоннинг серҳосил ақли янгидан ўйлаб топган усули. Ҳақиқий йога мувоқабаси мазкур шеърда айтилганидек, Анируддханинг қиёфасига қаратилган бўлиши лозим. Анируддхага мувоқабат қилиб, йог қабул қилиш ва инкор этиш билан боғлиқ бўлган ташвишлардан халос бўлади. Ақли Анируддхада мужассам бўлган киши аста-секин Худони англаб этади; у соф Кришна онгида бўлиш ҳолаътига эришади, мана шу йоганинг олий мақсади ҳисобланади.

Текст 29

Эй эзгу ниятли аёл, сохта ўзликнинг эҳтирос гунасида ўзгариши натижасида тафаккур юзага келади. Тафаккурнинг вазифаси тирик мавжудотнинг кўзи тушган нарсаларнинг табиатини аниқлашдан ва унинг мезгиларига ёрдам беришдан иборат.

Изоҳ: Нрсаларнинг табиатини англаб этиш учун зарур бўлган фикрлаш, маъносини англаб ета билиш қобилияти тафаккур деб аталади. Тафаккурнинг яна бир вазифаси – сезгиларга танлашда ёрдам беришдан иборат. Шунинг учун тафаккур сезгиларнинг хўжайини бўлиши лозим. Инсон ўз тафаккурини Кришна онгидаги фаолиятда жамлаганида у ўзининг мукамал ҳолатига эришади. Тафаккурдан тўғри фойдаланиб юрган кишининг онги то Кришна онгига айлангунча аста-секин кенгайиб боради.

Текст 30

гумонланиш, адашиш, тўғри тасаввур қилиш, хотира ва ҳар хил вазифаларни бажарадиган уйку – тафаккурнинг хусусиятлари, белгилари ҳисобланади.

Изоҳ: Гумон – тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан бири; ҳамма нарсага кўр-кўрона ишонавериш кишининг чуқур тафаккурга эга эмаслигини билдиради. Шунинг учун мазкур шеърда энг муҳим ибора самшайа ҳисобланади; тафаккурни кучайтириш учун инсон аввалига ҳамма нарсага гумон кўзи билан қараши лозим. Лекин, ишонарли мхтабар манбадан олинган маълумот ҳақида гап борганда гумон фойда бермай қолади. "Бҳагавад-гита"да Парвардигор айтадики, ишонарли мўътабар зотнинг гапларига ишонмаслик ҳалокатлидир.

Йога тизимининг муаллифи Патанджали шундай дейди: прамана-випарйайа-викалпа-нидра-смритйах. Фақат тафаккур ёрдамида нарсаларнинг моҳиятини англаб етиш мумкин. Фақат ўзининг тафаккурига таяниб инсон ўзининг тана ёки тана эмаслигини тушуна олади. Ўзининг асл табиатини излаш энг аввало гумондан, шубҳадан бошланади. Ўзининг асл ҳолатини англаб етгандан кейин, инсон тушунадики, ўзини тана деб ҳисоблаб адашиб юрганини тушуниб етади. Ана шу адашиб випарйаса деб аталади. Ҳаёт ҳақида танага асосланган тасаввур нотўғри эканини тушуниб, инсон ўзининг табиати ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш қобилиятига эга бўлади. Мазкур шеърда ҳаёт ҳақидаги тўғри тасаввур нишчайах ибораси билан ифодаланган: “тажрибада тасдиқланган илм”. Ана шундай илмни фақат ҳаёт ҳақида моддий тасаввурнинг нотўғри эканини тушунган киши эгаллай олади. Тажриба йўли билан, яъни тажриба орқали текшириб кўриилган илм йўлидан бориб, инсон охир оқибатда англаб етадики, у – тана эмас, балки илоҳий табиатга эга руҳ, жон.

Смрити ибораси “хотира”, свапа ибораси эса – “уйқу” деганини билдиради. Уйқу хотиранинг ишга яроқли ҳолатини таъминлаб туриш учун керак. Уйқу етарли бўлмаса, инсон тафаккури нормал ишламайди. "Бҳагавад-гита"да таъкидлаб айтилганки, меъёрида овқатланадиган, меъёрида ухлайдиган ҳамда тананинг бошқа эҳтиёжларини камроқ таъминлаб юрган киши йоганинг мақсадига эришади. Патанджали ёзган йога тизимида ва "Шримад Бҳагаватам"да баён этилган Парвардигор Капиланинг санкхья фалсафасида таърифланган тафаккурнинг табиатини таълилий ўрганиш натижасида юзага келадиган баъзи бир ҳулосалар шундан иборат.

Текст 31

Эҳтирос гунасидаги эгоизм танада сезги аъзоларининг икки турини: сезадиган ва ҳаракат қиладиган органларни юзага келтиради. Ҳаракат қиладиган аъзолар ҳаёт қуввати билан боғланган, сезадиган аъзолар эса - тафаккур билан.

Изоҳ: Аввалги шеърларда айтилган эдики, ақл – эзгулик гунасидаги сохта ўзликнинг маҳсули ва унинг асосий вазифаси – тирик мавжудотнинг истагига қараб қабул қилиш ва инкор этиш. Бу ерда айтилганки, тафаккур – эҳтирос гунасидаги сохта ўзликнинг маҳсули. Ақл билан тафаккурнинг бир биридан фарқи мана шунда. Ақл эзгулик гунасидаги сохта ўзликнинг маҳсули, тафаккур эса, эҳтирос гунасидаги сохта ўзликнинг. Бирор нарсани қабул қилиш ёки инкор этиш истаги ақлнинг асосий белгиси ҳисобланади. Ақл

эзгулик гунасининг маҳсули бўлгани учун уни ақлни бошқарадиган фаришта Анируддхада мужассам қилиб, биз ақлимизни Кришна онги билан тўлдириб ўзгартира оламиз. Нароттама дас Тхакур айтадики. Бизни ҳамшиша турли истаклар безовта қилади. Истаклар оқимини тўхтатишнинг иложи йўқ, агар бизнинг истагимиздан мақсад Олий Шахс Худони лаззатлантириш бўлса, биз рухий баркамолликка эриша оламиз. Тирик мавжудот моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилганида унинг истаклари модда билан булғанади. Шунинг учун биринчи навбатда инсон ўзининг истакларини поклаши лозим. Бошланғич поғонада ақлни поклаш жараёни рухий устоз раҳбарлиги остида амалга ошиши лозим, чунки рухий устоз шогирдининг истагини қандай қилиб Кришна онгидаги фаолиятга жалб қилишни билади.

Тафаккурга келсак, мазкур шеърда айтилганки, у эҳтирос гунасидаги сохта ўзликнинг маҳсули. Рухий фаолият билан шгуғулланиш жараёнида инсон эзгулик гунасига кўтарилади, Олий Шахс Худога ўз ихтиёрини топшириб, ёки ақлини Парвардигорда мужассам қилиб, у буюк шахс, яъни махатма даражасига етади. "Бҳагавад-гита"да бу ҳақда шундай дейилган: са махатма судурлабхах – “бундай буюк зот жуда кам учрайди”.

Мазкур шеърдан маълум бўладики, сезгиларнинг икки тури – сезадиган ва ҳаракат қиладиган сезгилар ҳам эҳтирос гунасидаги сохта ўзликдан пайдо бўлган, ҳаракат қилиш ва билиш учун танага қувват керак бўлгани туфайли, ҳаёт қуввати ҳам эҳтирос гунасидаги эгоизмдан келиб чиқади. Шунинг учун биз кўрамызки, эҳтирос гунаси таъсири остида юрган кишилар тез вақт ичида моддий фаровонликка эришадилар. Инсонни моддий бойлик тўплашга ундамоқчи бўлган киши унинг жинсий алоқадан лаззатланишга бўлган истагини рағбатлантириб туриши лозим. Шаҳвоний эҳтиросга берилган кишилар одатда моддий жиҳатдан ривожланган эканини кузатиш мумкин, чунки жинсий ҳаёт, яъни эҳтирос гунасидаги ҳаёт моддий тараққиётни рағбатлантириб турувчи куч ҳисобланади. Аммо рухий юксалишга интилиб юрган киши эҳтирос гунасининг таъсиридан бутунлай халос бўлиб, эзгулик гунасига кўтарилиши лозим. Кришна онгидаги фаолият билан шгуғулланиб юрган кишилар одатда моддий жиҳатдан ночор бўладилар, лекин ҳақиқий кўзи бор инсон уларнинг қайси бири буюк эканини кўра олади. Кришна онгидаги киши моддий жиҳатдан камбағал бўлиши мумкин, лекин уни камбағал деб бўлмайди; ўзларининг моддий бойлигига ёпишиб олган, лекин Кришнани, ўзини англашга қизиқмайдиган кишилар ҳақиқий камбағал кишилардир. Моддий онг кўзини кўр қилиб қўйган одамлар ўзларига моддий қулайлик яратишда кишини хайратга соладиган ихтиролар кашф этадилар, лекин улар руҳни англаб етишга ва рухий ҳаётнинг маҳфий сирларини билиб олишга қодир эмаслар. Шунинг учун рухий юксалишга интилиб юрган киши соф истаклар поғонасига – Худога хизмат қилиш истагига қайтиши лозим. "Нарада-панчаратра"да айтилганидай, Кришна онги билан покланган сезгилар ёрдамида Худога хизмат қилиш соф садоқат деб аталади.

Текст 32

Олий Шахс Худонинг жинсий қуввати ғафлат гунасидаги эгоизмни ҳаракатга келтирганида нафис табиатга эга бўлган эшитиладиган унсур(товуш) юзага келади, ана шу товушдан эфир ва эшитиш органи(кулоқ) пайдо бўлади.

Изоҳ: Мазкур шеърдан маълум бўладики, сезгиларимизни лаззатлантириш учун мўлжалланган нарсаларнинг ҳаммаси ғафлат гунасидаги эгоизмдан келиб чиқади. Бу ерда тушунтирилганки, ғафлат гунасидаги эгоизм ҳаракатга келиб, эфирнинг нафис кўриниши бўлган товушни юзага келтиради. "Веданта-сутра"да ҳам айтилганки, товуш барча моддий унсур(нарсалар)ларнинг манбаидир ва товуш ёрдамида моддий оламдаги тирикчиликка барҳам бериш мумкин. Анаврителик шабдат дегани "товуш орқали озодликка эришиш" дегани билдиради. Бутун моддий олам товушдан бошланган, маълум қудрат ато этилган товуш бизни мана шу моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқаришга қодир. Ана шу товуш - Ҳаре Кришна мантрасининг илоҳий тебранишларидир. Бизнинг моддий оламдаги тутқунлигимиз моддий товушдан бошланган, энди эса, биз ана шу товушни руҳий илм ёрдамида поклашимиз лозим. Товуш руҳий оламда ҳам мавжуд, ана шу товуш бизни руҳий фаолиятни бошлаш ва руҳий юксалишга эришиш учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлайди. Бизнинг сезги аъзоларимизни лаззатлантириш учун мўлжалланган барча моддий унсурларнинг пайдо бўлиши товушдан бошланишини жуда яхши тушуниб олиш керак. Худди шундай, агар биз товушни поклай олсак, унда ўзимизнинг барча руҳий эҳтиёжимизни қондира оламиз.

Бу ерда айтилганки, товушдан эфир юзага келган, эфирдан ҳаво пайдо бўлади. Товушдан қандай қилиб эфир(осмон) пайдо бўлгани, осмондан қандай қилиб ҳаво пайдо бўлгани, ҳаводан қандай қилиб олов пайдо бўлгани кейинги шеърда баён этилади. Товуш осмонни яратади, осмон шротрам – кулоқни яратади. Кулоқ сезиш органларининг биринчидир. Илм ўрганиш учун, хоҳ у моддий илм бўлсин, хоҳ руҳий илм бўлсин – биз уни тинглаш, эшитиш орқали билиб оламиз. Шунинг учун шротрам, кулоққа шундай катта эътибор берилади. Ведалар илми шрути деб аталади, чунки бунда илм тинглаш орқали ўрганилади. Фақат тинглаш орқали моддий ёки руҳий бахтга эришиш мумкин.

Моддий оламда биз ўзимизга қулайлик яратиш учун шунчаки тинглаш орқали сон-саноксиз моддий нарсаларни яратамиз. Аслида бу нарсаларнинг хаамаси аввалдан мавжуд, тинглаш бизга фақат уларга бошқача шакл беришга ёрдам беради. Агар биз осмонўпар бино қурмоқчи бўлсак, бу биз уни йўқдан барпо қиламиз дегани эмас. Осмонўпар бино қуриш учун ҳамма нарса табиатда аввалдан мавжуд: ёғоч, металл, ер ва ҳоказо, лекин бошқалардан ана шу нарсалардан қандай фойдаланиш мумкинлигини эшитиб, билиб олгандан кейин биз ўша мавжуд унсурлар билан маълум бир муносабатларга кириша бошлаймиз. Аслида моддий фаровонлик яратишга қаратилган замонавий илм-фан тараққиёти ҳам тинглаш натижасидир; худди шундай, руҳий илмга эга бўлган кишиларнинг суҳбатини тинглаш орқали руҳий фаолият учун зарур бўлган шароитни яратиш мумкин. Аржун ашаддий

материалист ва ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган киши эди, мана шу унинг учун каттик изтироблар келтириб чиқарарди. Лекин, Кришнани тинглаши билан у руҳий, Кришна онгида бўлган шахсга айланди. Тинглаш жуда муҳим аҳамиятга эга, тинглаш органи эфирдан пайдо бўлган. Тинглаш билиш қобилияти бизга азалдан мавжуд бўлган нарсалардан тўғри фойдалана билиш имконини беради. Руҳий имкониятлардан фойдаланишда ҳам мана шу қондани қўллаш мумкин: фақат тинглаш ёрдамида биз азалдан бизга ато этилган нарсалардан тўғри фойдалана оламиз. Бунинг учун биз руҳий илмга эга бўлган кишиларни тинглашимиз лозим.

Текст 33

Ҳақиқий илмга эга бўлган донишмандлар товушни нарсалар ҳақида тасаввур берадиган, кўзимизга кўринмайдиган зотнинг мавжудлигини билдирадиган ва эфирнинг нафис шакли бўлган нарса, унсур деб таърифлайдилар.

Изоҳ: Мазкур шеърда аниқ айтилганки, тинглаш жараёни гапираётган зотнинг мавжудлигини назарда тутуди; гапирадиган киши болмаса тинглаш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун, шрути, яъни "тинглаш орқали олинган" деб ном олган Ведалар илмини апауруша деб ҳам атайдилар. Апауруша дегани "моддий оламдан бўлмаган зотнинг айтганлари" деган маънони англатади. "Шримад Бҳагаватам"нинг бошида шундай дейилган: тене брахма хрида. Брахманнинг товуши, яъни Ведалар илми, аввалига донишмандлардан биринчиси(ади-кавайе) маъбуд Брахманнинг фалбига жойланган эди. У илмга қандай эришди? Илм олиш жараёни гапираётган зотни ва тинглашни назарда тутуди. Аммо, маъбуд Брахма биринчи яратилган мавжудот эди. У Ведалар илмини тинглаган? Ўша пайтда Брахма ёлғиз эди, ким унинг руҳий устози бўлиши ва унга илоҳий илмни айтиши мумкин? Ўша пайтда у коинотда мавжуд бўлган ягона мавжудот эди, шунинг учун Параматма қиёфасида ҳар бир тирик мавжудот қалбда мавжуд бўлган Парвардигорнинг Ўзи унинг қалбига жойлаб қўйди. Маъбуд Брахмага ведалар илмини Парвардигорнинг Ўзи ўргатган эди, шунинг учун бу илм моддий илмга хос бўлган ҳар қандай нуқсонлардан холи. Ҳар қандай дунёвий илм мукамал эмас. Шартланган руҳни тинглаш билан биз ҳар хил нуқсон ва камчиликларга тўла бўлган илмга эга бўламиз. Ҳар қандай дунёвий моддий илмда шартланган руҳларга хос бўлган хатолашиши, адашиши, бошқаларни алдаш ва ўзининг номукамал сезгилариша ишониш сингари нуқсонларининг таъсири бўлган камчилик мавжуд бўлади. Аммо Ведалар илми моддий оламга нисбатан илоҳий табиатли бўлган Парвардигорнинг Ўзидан чиққан, шу боис бу илм нуқсонлардан холи. Шунинг учун маъбуд Брахмага бориб тақаладиган шогирдлар силсиласи орқали келадиган илмни ўрганган киши мукамал илмга эга бўлади.

Биз тинглаган ҳар бир сўзда маълум бир маъно бўлади. "Сув" деган сўз ақлимизда сув унсури ҳақида тасаввурни юзага келтиради. Худди шундай, "Худо" сўзи ҳам ана шу сўзга берадиган маънони билдиради. Агар "Худо" сўзининг маъносини бизга Худонинг Ўзи

тушунтирса, биз мукаммал илмга эга бўламиз. Лекин, биз “Худо” сўзининг маъносини биз ўзимизнинг аклимиз ўйлаб топган фикрларга асосланиб тасаввур киладиган бўлсак, бизнинг тасаввуримиз ҳақиқатдан йироқ бўлади. Худо ҳақидаги илм ҳисобланадиган "Бхагавад-гита"ни Парвардигорнинг Ўзи гапириб берган. Унда мукаммал илм баён этилган. Парвардигорнинг табиатини англаб етишга уринишларида фақат ўзларининг тафаккур кучига ишониб юрган дунёвий файласуфлар ҳеч қачон Худони англаб етолмайдилар. Худо ҳақидаги илмни бу илмни Парвардигорнинг Ўзи ўргатган коинотдаги биринчи тирик мавжудот маъбуд Браҳмадан бошланадиган шогирдлар силсиласи орқали ўрганиш лозим. Парвардигор ҳақидаги ҳақиқий илмни ана шу шогирдлар силсиласида турган ишонарли рухий устоздан "Бхагавад-гита"ни тинглаш орқали ўрганиш мумкин.

Кўриш қобилияти шакл мавжудлигини назарда тутади. Бизнинг сезгиларимиз сеза оладиган биринч унсур осмон(эфир) ҳисобланади. Осмон – яратилган бошланғич шакл бўлиб, бошқа шаклларнинг ҳаммаси ундан юзага келади. Шундай қилиб, биз билладиган ва сезадиган биринчи нарса осмон ҳисобланади.

Текст 34

Эфирнинг аломатлари ва вазифалари шундан иборатки, у барча тирик мавжудотларнинг ички ва ташқи борлиғига макон беради, яъни ҳаёт нафасининг, сезгиларнинг ва ақлнинг фаолият кўрсатадиган майдони ҳисобланади.

Изоҳ: Гарчи оддий кўз билан кўриб бўлмаса ҳам, ақл, сезгилар ва ҳаёт кучи яъни тирик мавжудот шаклга эга. шаклнинг нафис кўриниши эфирда мавжуд, тананинг ичида эса, у веналар ва ҳаёт нафасининг айланиши кўринишида намоён бўлади. Биздан ташқарида сезги органлари сезадиган кўринмас нарсалар жойлашган. Сезгилар сезадиган кўринмас нарсаларни яратиши эфир унсурининг ташқи вазифаси ҳисобланади, ҳаёт нафасининг ва қоннинг айланиши эса – унинг ички вазифаси. Замонавий фан ҳам эфирда нафис таналар мавжудлигини тасдиқлайди. Олимлар бирор шаклни ёки пленкага туширилган расмларин бир жойдан иккинчи жойга эфирнинг хусусиятларидан фойдаланиш орқали узатиш усулини ихтиро қилдилар ва буни телевидение деб атайдилар. Буларнинг ҳаммаси мазкур шеърда жуда яхши тушунтирилган. Мазкур шеър катта тадқиқот ишларини олиб бориш имконини берадиган асос ҳисобланади, чунки унда қандай қилиб эфирдан нафис таналар юзага келишини, улар қандай хусусиятларга эга бўлишини, қандай ҳаракат қилишини, қандай қилиб нафис шаклдан бизнинг сезгиларимиз сеза оладиган унсурлар – ҳаво, олов, сув ва ер пайдо бўлишини тушунтиради. Ақлнинг фаолияти яъни тирик мавжудотнинг фикрлашида, ҳис-туйғуларида ва истакларида намоён бўладиган рухий фаолият ҳам эфирда бўлиб ўтади. Бундан ташқари, мазкур шеърда "Бхагавад-гита"да айtilган муҳим қоида: инсоннинг кейинги ҳаёти унинг ажали етган пайтдаги ақлнинг ҳолатига мос бўлади, деган қоида тасдиқлайди. Ақлда мавжуд бўлган шакл булғаниш натижасида

нафис шаклдан кўпол унсурлар пайдо бўлган заҳоти кўпол сезгилар сеза оладиган кўпол қиёфага айланади.

Текст 35

Товуш юзага келтирган эфир вақт таъсири остида ўзгаради, натижада нафис табиатга эга бўлган сезилиш, тегиш унсури юзага келади, ундан эса ҳаво ва уни сезадиган орган пайдо бўлади.

Изоҳ: Вақт ўтиши билан нафис унсурлар кўпол унсурларга айланганида, улар сезиладиган нарсаларга айланади. Аста-секин бўладиган эволюция жараёни ҳавонинг ва сезиш органининг пайдо бўлишига олиб келади. Товуш моддий олам яралиши жараёнида сезиладиган биринчи унчур ҳисобланади, товушни қабул қилиш сезиш жараёнини бошлаб беради, сезиш кўришни келтириб чиқаради. сезги органларимиз сезадиган унсурларнинг аста-секин бир бирига эволюцион ўзгариши шундай амалга ошади.

Текст 36

Қаттиқ ва юмшоқ, иссиқ ва совуқ – ҳавонинг нафис шакли бўлган сезиш органи(тери) ёрдамида сезиладиган сифатлар ана шулардан иборат.

Изоҳ: Сезилиш – ҳавода шакл мавжудлигини исботлайди. Аслида моддий унсурларни икки жиҳатдан сезиш мумкин. Улар юмшоқ ёки қаттиқ, иссиқ ёки совуқ ва ҳоказо бўлиши мумкин. Сезиш органи(тери) амалга оширадиган сезиш вазифаси эфирдан пайдо бўлган ҳавонинг эволюцион ўзгариши натижасида юзага келади.

Текст 37

Ҳаво ҳаракат, кўчиш ҳамда барча сезги аъзоларининг нормал ишлашини таъминлайди, шунингдек товушнинг яқинлашишига имкон беради ва бошқа сезиладиган нарсаларни олиб юради.

Изоҳ: Биз дарахт шохаларининг қимирлашини ёки қуриган барглар бир жойга тўпланганини кўрсак, бунда ҳавонинг ҳаракат қилаётганини тушунамиз. Худди шундай, ҳаво мавжудлиги туфайли тана ҳаракатланади, организмда ҳаво айланишининг бузилиши жуда кўп касалликларга сабаб бўлади. паралич, нерв тизимининг ишдан чиқиши, рухий касалликлар ва бошқа кўплаб касалликлар аслида танада ҳавонинг ҳаракат тартиб бузилгани сабабли пайдо бўлади. Аюрведага асосланган тиббиёт ана шу касалликларни инсон организмда ҳавонинг нормал айланишини қайта-тиклаш билан даволайди. Агар ёшлиқдан танада ҳавонинг айланиш ҳаракатини нормал ҳолатда ушлаб юрилса, бундай касалликларнинг олдини олиш мумкин. “Аюр-веда”, ҳамда "Шримад Бхагаватам"дан биз биламизки, моддий тана ичидаги ҳамда ундан ташқаридаги кўплаб жараёнлар ҳаво ёрдамида амалга ошади, унинг айланиш тартиби ишдан чиққанда эса, бу жараёнлар тўхтаб қолади. Бу ерда аниқ айtilган: нетритвам драйва-шабдайох. Ҳаво туфайли биз ўзимизни у ёки бу ҳаракат қилдик деб айта оламиз. Ҳаво айланиши тўхтаган заҳоти биз товуш манбаига яқинлаша олмай қоламиз. Бизни чақирганларида биз фақат ҳавонинг ҳаракати туфайли товушни эшитамиз

ва товушга ёки товуш келаётган томонга борамиз. Мазкур шеърда аниқ айтилганки, буларнинг ҳаммаси ҳаво оқимларининг ҳаракати натижасидир. Ҳаво хидларни олиб юради ва бизга уларни сезиш имконини беради.

Текст 38

Ҳаво билан сезиш туйғусининг ўзаро фаолияти натижасида тирик мавжудот унга Тақдир тайёрлаб қўйган ҳар хил таналарга эга бўлади. Бу шакллар эволюцион ривожланиб оловни юзага келтирадилар, кўзлар эса уларнинг рангини ажратиб кўра бошлайди.

Изоҳ: Тақдир, сезиш туйғуси, ҳаво оқимларининг ўзаро ҳаракатлари ҳамда ақлнинг эфир юзага келтирган ҳолати тирик мавжудотнинг аввалги фаолиятига мос келадиган танани шакллантиради. Маълумки, руҳий табиатга эга бўлган тирик мавжудот ҳамиша бир танадан иккинчи танага ўтиб юради. Тирик мавжудотнинг янги танаси унинг кармасига асосан шаклланади ва бизнинг ақлимизнинг танамиздаги ҳаво оқимлари билан ўзаро фаолиятини бошқариб турадиган Тақдир томонидан берилади. Ҳар хил ҳис қилган туйғуларимизнинг ўзаро бирикиши натижасида шакл юзага келади, тақдир тайёрлаб қўйган ҳаракатларимиз эса, ҳаво оқимларининг таъсири натижасида ақлимизда пайдо бўладиган истакларнинг амалга ошишидир.

Тест 39

Эй азиз она, шакл ўзининг ўлчамлари, сифатлари ва алоҳида ўзига ҳослиги билан ажралиб туради. Оловнинг шаклини биз ундан таралаётган ёғду сабабли кўра оламиз.

Изоҳ: Биз кўра оладиган ҳар қандай шакл маълум бир ўлчамга ва сифатларга эга. Ҳар қандай нарсанинг сифати унинг вазифаси билан аниқланади. Лекин товушнинг шакли бошқача. Кўринмайдиган шаклларни фақат сезиш мумкин, кўринмас нарсаларнинг сезишнинг алоҳида ўзига ҳос хусусияти шундан иборат. Кўринадиган нарсаларни уларнинг таркибини таҳлил қилиб ўрганадилар. Бирор нарсанинг таркибини унинг намоён этадиган ички таъсирига қараб билиб олиш мумкин. Масалан, тузнинг шакли шўр таъмига қараб, шакларнинг шакли – унинг ширин таъмига қараб аниқланади. Таъм билиш ва нарсанинг сифат таркиби унинг шаклини ифодаладиган асосий хусусиятлардир.

Текст 40

Олов ўзидан таратиб турган ёғду билан, шунингдек овқатни қайнатиш ва ҳазм қилиш қобиляти билан, киздириш, буғлантириш, очлик ва ташналик юзага келтириш ҳамда уларни қондириш хусусиятларига эга.

Изоҳ: Оловнинг асосий белгилари ундан таралиб турадиган ёруғлик ва иссиқлик ҳисобланади, шунингдек ошқозонда ҳам оловнинг мавжудлигини ҳис қилиш мумкин. олов бўлмаса еган овқатни ҳазм қилиб бўлмайди. Овқат ҳазм қилиш қобилятидан маҳрум бўлган киши очлик ва ташналикни ҳис қилмай, еб-ичмай қўяди. Агар одамнинг иштаҳаси бўлмаса ёки ташна бўлмаса, демак унинг ошқозонида олов

етишмайди, бу касалликни аюрведа тиббиёти олов унсури – агни-мандйамни кучайтириш билан даволайди. Бундай ҳолларда беморга ўт(желчь)ни кучайтирадиган дори берилади, чунки ўт ҳазм қилиш оловини кучайтиради. Шундай қилиб, аюрведа кўрсатмалари ҳам "Шримад Бҳагаватам"да айтилган гапларни тасдиқлайди. Олавнинг совуқнинг таъсирини кетказиш хусусиятини ҳамма билади – кишда слвукда исиниш учун олов ёкиш керак.

Текст 41

Худонинг амрига бўйсуниб, олов кўриш қобиляти билан ўзаро ҳаракат қилади ва нафис табиатли бўлган таъмни юзага келтиради. Таъмдан сув ҳамда унинг таъмини биладиган орган тил юзага келади.

Изоҳ: Тил мазкур шеърда таъни биладиган орган деб айтилган. Таъм сувдан юзага акелгани учун тил ҳамиша сўлак билан хўлланиб туради.

Текст 42

Ҳар хил нарсалар билан аралашиб, бошланғич ягона таъм ҳар хил шаклларга киради ва боғловчи ????(вяжущий), ширин, аччиқ, ўткир, ачиган ва шўр сифатларга эга бўлади.

Текст 43

Сув бошқа унсурларни хўллаш, лаззат келтириш, турли унсурларни аралаштириш, ҳаётни таъминлаб туриш, юмшатиш, иссиқни пасайтириш, сув ҳавзаларини поклаб, бетиним тўлдириб туриш ҳамда ташналикни қондириб, роҳат келтириш хусусиятга эга.

Изоҳ: Сув ичиб ташналикни қондириш мумкин. Оч юриб рўза тутаётган киши вақти-вақти билан сув ичиб турса очликни анча енгил ўтказиши мумкин. Ведаларда ҳам: апомайах пранах, яъни “Сув – ҳаёт манбаидир” деб ёзилган. Сув билан ҳар қандай нарсани хўллаш мумкин. Ҳамир қориш учун унга сув қўшилади. Тупроқ сув билан аралашиб лойга айланади. "Шримад Бҳагаватам"нинг бошида айтилган эдики, сув ҳар хил моддий унсурларни бириктиради. Сув уй қуришга ҳам керак, чунки сув бўлмаса ғишт тайёрлаб бўлмайди. Олов, сув ва ҳаво бутун моддий оламни бир бирига боғлаб турган унсурлардир, аммо улар орасида энг муҳими сув ҳисобланади. Бундан ташқари, қаттиқ кизига юзага сув сепиш билан унинг иссиғини тушириш мумкин.

Текст 44

Худонинг амрига бўйсуниб, сув таъм билан қўшилади ва нафис табиатли хид унсурини юзага келтиради. Натижада ер ва ҳидни сезиш органи пайдо бўлади. бу орган ёрдамида биз ерга мансуб бўлган хилма-хил ғидларни сезамиз.

Текст 45

Ягона хид унга бегона нарсалар қанчалик аралашганига қараб ҳар хил шаклларда намоён бўлади: аралаш, бадбўй, ёқимли, кучсиз, кучли, сассиқ ва хоказо.

Изоҳ: Одатда ҳар хил маҳсулотлардан, масалан турли зираворлар ва асафетида қўшиб тайёрланган таомлар

аралаш хидга эга бўлади. Ёқимсиз хид одатда ифлос жойларда бўлади, камфора, ментол ва шунга ўхшаган нарсалардан ёқимли хид чиқиб туради, пиёз ва саримсоқ ўткир хидли, куркума ва бошқа ачиган маҳсулотлар нордон??? (кислий) хид таратади. Ернинг хиди азалий, бошланғич ягона хид бўлиб, у ҳар хил унсурлар билан аралашиб, турли хидларда намоён бўлади.

Текст 46

Ернинг хусусияти олий Браҳманнинг Илоҳларини яратишда, уй қуришда, сув солиш учун кўза ясашда ва ҳоказо ишларда намоён бўлади. Ернинг мазкур шеърда кўрсатилган яна бир жиҳати шундаки, ундан Олий Шахс Худонинг турли қиёфаларини яратиш мумкин. Бу ҳақда эслар экан, Капила Олий Шахс Худо, Браҳман шастраларда кўрсатилган сон-саноксиз қиёфаларга эга эканини тасдиқлапти. Парвардигорнинг ердан ва ундан пайдо бўладиган унсурлар – тош, ёғоч ва турли гавҳарлардан – ясалган қиёфалари бизларга Ўзини намоён этади.

"Брахма-самхита"да Парвардигор Шри Кришнанинг даргоҳи, рухий салтанатнинг ранг-баранглиги ва най чалиб турган Парвардигорнинг рухий қиёфасининг таърифланган. Бу қиёфаларнинг ҳаммаси шастраларда таърифланган бўлиб, уларни тупроқдан ясаганида улар содиқлар сажда қилса бўладиган кўринишга эга бўладилар. Майявади-файласуфларнинг айтиб юрганидек, бу Илоҳлар кимдир хаёлида ўйлаб топган қиёфалар эмас. Баъзида майявадилар бхавана иборасини “хом хаёл” деб нотўғри талқин қиладилар. Аслида бхавана ибораси “хаёлда пайдо бўлган нарса” эмас, у Ведаларда келтирилган қиёфаларнинг кўзга кўринадиган шаклини билдиради. Ер – тирик мавжудотлар ҳамда уларга таъсир қиладиган моддий табиат гуналари бошидан кечирадиган ўзгаришлар сабабли охириги пайдо бўладиган унсурдир.

Текст 47

Товушни қабул қиладиган сезги эшитиш қобилияти(слух) деб аталади, тегишни сезадиган сезги эса ????(осязание) деб аталади.

Изоҳ: Товуш осмоннинг кўринишларидан ва эшитиш сезгиси сезадиган унсурлардан бири. Худди шундай тегиш ҳам ҳавонинг кўринишларидан ва сезиш органи(тери) сезадиган тасирлардан бири.???

Текст 48

Оловнинг ўзига хос хусусияти бўлган шакли сезадиган сезги кўриш деб аталади. сувнинг ўзига хос хусусияти бўлган таъмининг таъсирини сезадиган сезги таъм билиш??? (вкус) деб аталади. Ниҳоят, ернинг ўзига хос хусусияти бўлган хидни сезадиган туйғу хид билиш??? (обоняние) деб аталади.

Текст 49

Сабаб оқибатда ҳам иштирок этгани туфайли сабабнинг аломатларини оқибатда ҳам кўриш мумкин. Шунинг учун фақат тупроқ, ер қолган барча унсурларга хос бўлган сифатларнинг ҳаммасини ўзида мужассам қилган.

Изоҳ: Товуш осмоннинг сабабчиси, осмон – ҳавонинг сабабчиси, ҳаво – оловнинг, олов – сувнинг, сув эса ернинг сабабчиси. Осмоннинг хусусияти фақат товуш, ҳаво икки хусусиятга эга – товуш ва сезилиш(тегиш), олов – товуш, сезилиш ва шаклга эга, сувда тўрт хислат бор – товуш, сезилиш, шакл ва таъм, ерда беш хислат бор: товуш, сезилиш, шакл, таъм ва хид. Демак, ер бошқа унсурларга хос хислатларнинг ҳаммасини ўзида мужассам қилган бўлиб барча унсурлар аралашмаси ҳисобланади. Ер барча беш турли кўпол унсурларнинг беш сифатига эга, сувнинг тўрт сифати бор, оловнинг - уч, ҳавонинг – икки, осмоннинг фақат битта сикати бор – товуш.

Текст 50

Мана шу унсурлар соф ҳолда мавжуд бўлган пайтда Олий Шахс Худо, оламнинг манбаи бўлган Парвардигор вақт, фаолият ва моддий табиат гуналари билан бирга етти унсурдан таркиб топган моддий қувват бирикмаси билан тўлган коинот ичига кирди.

Изоҳ: Сабаблар қандай юзага келишини тушунтириб бўлиб, Капиладева оқибатлар қандай пайдо бўлганини тушунтиришга киришяпти. Ҳали сабаблар пок ҳолатда бўлган пайтда Парвардигор Гарбходакашайи виўну қиёфасида моддий етти асосий унсур – беш кўпол моддий унсур, қувват бирикмаси(махат-таттва) ва сохта ўзлик билан тўлган коинотларнинг ҳар бири ичига кирди. Коинотлар ичига кириб Парвардигор моддий оламнинг ҳар бир атоми ичига кирди. Буни "Брахма-самхита"(5.35) ҳам тасдиқлайди: андантара-стха-параману-чайантара-стхаи. У нафақат коинот ичида эмас, балки ҳар бир атомнинг ичида мавжуд. у ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд. Шундай қилиб, Гарбходакашайи Вишну, Олий Шахс Худо, бутун борлик ичига кирди.

Текст 51

Парвардигорнинг таъсири остида ҳаракатга келган ва бир бири билан бириккан ана шу етти унсурдан тафаккурдан маҳрум бўлган тухум пайдо бўлди, ундан эса, ўз навбатида машхур Космик Мавжудот пайдо бўлди.

Изоҳ: Жинсий алоқа пайтида эркак ва аёлнинг уруғлиги кўшилиб, алоҳида руҳнинг моддий қобик ичига кириш имконини берадиган шароитни юзага келтиради. Шундай қилиб, моддий унсурлардан аста-секин тирик мавжудотнинг моддий танаси шакллана бошлайди. Моддий оламини яратиш жараёни ҳам худди шундай қоида бўйича амалга ошади: Аввалига моддий унсурлар пайдо бўлади, кейин Парвардигор уларнинг ичига қиради, фақат шундан кейин модда ҳаракатга кела бошлайди. Мана шу олам яралишининг ҳақиқий сабаби бўлади. Бунга биз кундалик турмушдан жуда кўп мисоллар топишимиз мумкин. Бизда тупроқ, сув, олов бўлиши мумкин, лекин улар фақат уларни бирлаштириш учун биз ўзимиз қўл ургандан кейингина ғишт ҳолига келади. Ўзидан ўзи модда қандайдир шаклга қира олмайди; бунинг учун унга ҳаёт қуввати таъсир қилиши лозим. Худди шундай, моддий олам ҳам фақат Парвардигор Ўзининг вират-пуруша қиёфасида

уни ҳаракатга келтиргандан кейингина ривожлана бошлайди. Йасмад удатиштхад асау вират: У моддани ҳаракатга келтирди, натижада космик олам пайдо бўлди, унинг ичида эса Парвардигорнинг фазовий киёфаси намоён бўлди.

Текст 52

Ана шу коинот тухуми, яъни тухум шаклидаги коинот моддий қувватнинг намоён бўлиши деб аталади. Коинотни бир биридан қалин сув, ҳаво, олов, осмон, эго ва махат-таттва пардалари қоплаб туради. Ҳар бир парда ўзидан олдинги пардадан ўн марта қалинроқ, охирги, ташқи парда прадханадан таркиб топган. Ана шу тухумнинг ичида Парвардигор Харининг фазовий киёфаси жойлашган, сайёраларнинг ўн тўрт тизими эса, Унинг танасининг таркибий қисмлари ҳисобланади.

Изоҳ: Бизга сочилган сон-саноксиз сайёралар тўла космик осмон бўлиб кўринадиган коинот тухум шаклига эга. Худди қобиқ билан ўралган тухум сингари, коинот ҳам турли пардалар билан қопланган. Биринчи парда сувдан иборат, ундан кейин олов, ҳаво, эфир, ва ниҳоят қобиқ вазифасини бажарадиган парда прадханадан иборат. Коинот тухуми ичида Парвардигорнинг фазовий киёфаси – вират-пуруша жойлашган. Ҳар хил сайёралар тизими Унинг баҳайбат танасининг аъзолари ҳисобланади. Бу ҳақда "Шримад Бхагаватам"нинг Иккинчи кўшиғида ёзилган эди. Парвардигорнинг илоҳий киёфасига бевосита сиғина олмайдиган кишиларга Парвардигорнинг фазовий киёфаси ҳақида фикр юритиш ва унга сажда қилиш тавсия этилади. Қуйи сайёралар тизими Паталани Парвардигорнинг оёғининг товони деб ҳисоблайдилар, Ер сайёраси Унинг қорни ҳисобланади. Брахмалока, яъни маъбуд Браҳма яшайдиган олий сайёралар тизимини Парвардигорнинг калласи деб ҳисоблайдилар.

Вират-пуруша Парвардигорнинг мужассам бўлган киёфаларидан бири ҳисобланади. Парвардигорнинг азалий, бошланғич киёфаси Кришна, буни "Брахма-самхита" ҳам тасдиқлайди: ади-пуруша. Вират-пуруша ҳам пуруша, лекин У ади-пуруша эмас. Ади-пуруша – Кришна. Ишвараҳ парамаҳ кришнаҳ саччид-ананда виграҳаҳ анадир адир говиндах. "Бхагавад-гита"да ҳам Аржун Кришнани ади-пуруша, азалий, бошланғич деб атайди. "Бутун оламда Мендан буюкроқ зот йўқ" – дейди Кришна. Парвардигорнинг сон-саноксиз экспансиялари мавжуд, уларнинг ҳаммаси пуруша, яъни лаззатланувчи Зотлар, лекин на вират-пуруша, на пуруша-аватара – Каранодакашайи Вишну, Гарбходакашайи Вишну, на Кширодакашайи Вишну – шунингдек, Парвардигорнинг сон-саноксиз экспансияларидан бирортаси бошланғич пуруша эмас. Ҳар бир коинотда ўзининг Гарбходакашайи Вишнуси, вират-пурушаси ва Кширодакашайи Вишнуси бор. Мазкур шеърда вират-пурушанинг пайдо бўлиши таърифланган. Олий Шахс Худо ҳақида жуда оз тушунчага, содда тасаввурга эга бўлган кишилар Парвардигорнинг фазовий киёфасига мураккаб қилишлари мумкин, чунки бу усул ҳам "Шримад Бхагаватам"да тавсия қилинган.

Мазкур шеърда шунингдек коинотнинг ўлчамлари кўрсатилган. Унинг қобиғи бир неча пардалардан таркиб топган – сувдан, ҳаводан, оловдан,

осмондан, ўзликдан, махат-таттвдан ва ҳар бир парда ўзидан олдинги пардадан ўн марта қалинроқ. Бирор олим, умуман ҳеч ким коинотнинг ички ўлчамини аниқлашга қодир эмас, ҳар бир коинот сиртидан етти парда билан ўралган, ҳар бир парда ўзидан олдинги пардадан ўн марта қалинроқ. Сув пардасининг қалинлиги коинотнинг диаметридан ўн марта катта, олов пардаси сув пардасидан ўн марта қалин. Худди шундай, ҳаво пардаси олов пардасидан ўн марта қалин. Инсоннинг кичкина заррадай мияси ана шу ўлчамларни ҳатто тасаввур ҳам қила олмайди.

Мазкур шеърда айтилганки, бу гаплар фақат битта коинотнинг тухумини таърифлайди. Ана шундай коинотлар сон-саноксиз, уларнинг баъзилари биз яшаётган коинотидан сон-саноксиз марта катта роқ. Бунинг устига, бизнинг коинот – энг кичик коинот ҳисобланади, шунинг учун уни бошқариб турган маъбуд Браҳмада унинг фаолиятини бошқариш билан боғлиқ вазифасини бажариш учун фақат тўрт калла бор, холос. Ўлчамлари бизнинг коинотдан сон-саноксиз кўп марта катта бўлган коинотларни бошқарадиган Браҳмаларнинг каллалари ҳам кўп. "Чайтанья-чаритамрита"да айтилганки, бир куни Парвардигор Шри Кришна бизнинг коинотни бошқариб турган маъбуд Браҳманинг илтимоси билан Ўзининг олдига барча Браҳмаларни тўплади, шунда бошқа Браҳмаларнинг баҳайбатлигини кўриб, ҳайратдан турган жойида қотиб қолди. Парвардигорнинг англаб бўлмас қуввати ана шундай. Биз ўзимизни Худо деб тасаввур қилишга қанчалик уринмайлик, қанчалик чуқур фикр-мулоҳаза юритмайлик, биз барибир Унинг ўлчамларини аниқлашга қодир эмасмиз. Бундай бемаъни уринишлар фақат ундай кишининг эси пастигини билдиради, холос.

Текст 53

Олий Шахс Худо, вират-пуруша сувда ётган ана шу олтин тухум ичига кирди ва уни кўплаб бўлақларга бўлиб ташлади.

Текст 54

Аваллига Унинг оғзи пайдо бўлди, кейин нутқ органи ва у билан бирга олов фариштаси, ана шу органини бошқарадиган фаришта пайдо бўлди. Кейин Унинг икки бурун тешиги пайдо бўлди, уларда эса - ҳаёт нафаси, прана билан бирга ҳид билиш туйғуси пайдо бўлди.

Изоҳ: Нутқ билан бирга олов юзага келади, бурун тешикларидан кейин ҳаёт нафаси, нафас олиш ва ҳид билиш туйғуси юзага келади.

Текст 55

Ҳид билиш туйғусидан кейин ана шу сезгини бошқариб турадиган фаришта - шамол фариштаси ағни пайдо бўлди. Кейин Парвардигорнинг фазовий киёфасининг икки кўзи, улар билан бирга – кўриш қобилияти пайдо бўлди. Кўриш сезгиси билан бирга уни бошқарадиган фаришта – Куёш фариштаси пайдо бўлди. Шундан кейин фазовий киёфанинг икки қулоғи пайдо бўлди, уларнинг ичида эшитиш сезгиси, унда эса Диг-девоталар, олам томонларини бошқарадиган фаришталар пайдо бўлдилар.

Изоҳ: Мазкур шеърда Парвардигорнинг фазовий киёфасининг танасининг турли қисмлари пайдо бўлиши ҳақида гап боради. Худди она қорнида чақалоқнинг танаси аста-секин ривожланиб, унда ҳар хил органлар пайдо бўлгани сингари, коинот қорнида ҳам аста-секин Парвардигорнинг фазовий киёфасининг турли органлари пайдо бўлади. Аввалига сезги органлари пайдо бўлади, улар билан бирга уларнинг ҳар бирини бошқариб турадиган илоҳлар пайдо бўладилар. "Шримад Бхагаватам"нинг мазкур шеъри, шунингдек "Брахма-самхита" тасдиқлайдики, Парвардигорнинг кўзлари пайдо бўлгандан кейин Қуёш пайдо бўлган. Шундай қилиб, Қуёш фазовий киёфанинг кўзлари билан боғлиқ. "Брахма-самхита"да ҳам айтилганки, қуёш Олий Шахс Худо, Парвардигор Шри Кришнанинг кўзи. Йач-чакшур эша савита. Савита ибораси "Қуёш" дегани билдиради. Қуёш – Олий Шахс Худонинг кўзи. Аслида, бутун борлиқни Парвардигорнинг фазовий киёфаси яратади. Моддий табиат фақат бунинг учун зарур бўлган унсурларни етказиб беради. Оламни яратиш ишларини Парвардигорнинг Ўзи олиб боради, буни "Бхагавад-гита"(9.10) ҳам тасдиқлайди: майадхйакшена пракритих суйате сачарачарам – "Менинг назоратим остида моддий табиат моддий оламнинг барча қўзғалувчан ва қўзғалмас мавжудотларини яратади".

Текст 56

Кейин, Парвардигорнинг фазовий киёфаси, вират-пуруша терини яратди, ундан кейин Унинг сочлари, мўйлови ва соқоли ўсиб чиқди. Ундан кейин барча майсалар ва доривор гиёҳлар пайдо бўлди, кейин фазовий киёфанинг жинсий аъзолари пайдо бўлди.

Изоҳ: Тери сезиш органи ҳисобланади. майсаларнинг ва доривор гиёҳларнинг ўсишини назорат қиладиган фаришталар – сезиш туйғусини бошқарадиган фаришталардир.

Текст 57

Кейин уруғлик(зурёд қолдириш қобилияти) ва сувларни бошқарадиган фаришта пайдо бўлди. Ундан кейин анус, кейин – ахлат чиқариш қобилияти ва олдида бутун олам ахли титраб турадиган ажал фариштаси пайдо бўлди.

Изоҳ: Мазкур шеърдан маълум бўладики, уруғлик чиқариш ажалга сабабчи бўлади. Шунинг учун йоғлар ва трансценденталистлар умрини узайтириш учун онгли равшинда уруғлигини чиқармай яшайдилар. Инсон ўзининг уруғлигини қанчалик авайлаб-асраса, у ажалини ўзидан шунчалик узоклаштирган бўлади. Жинсий алоқадан ўзини қатъий равишда тугиб юргани сабабли уч юз, ҳатто етти юз йил яшайдиган кўплаб йоғлар бор, "Шримад Бхагаватам"да аниқ айтилганки, уруғлик чиқариш дахшатли ўлимга сабабчи бўлади. Ҳеч қандай қонун-қоидаларга риоя қилмасдан жинсий ҳаётга муккасидан кетган киши ажалидан олдин ўлимга маҳкум бўлади.

Текст 58

Кейин Парвардигорнинг фазовий киёфасининг икки кўли, улар билан бирга нарсаларни ушлаш ва ташлаш

қобилияти пайдо бўлди, кейин фаришта Индра пайдо бўлди. Шундан кейин фазовий киёфанинг оёқлари ўсиб чиқди, улар билан бирга ҳаракат қилиш қобилияти пайдо бўлди, кейин Парвардигор Вишну пайдо бўлди.

Изоҳ: Қўлларни бошқарадиган фаришта Индра, ҳаракат қилишга маъсул Илоҳ эса - Олий Шахс Худо, Парвардигор Вишну. Парвардигор Вишну вират-пурушанинг оёқлари билан бирга пайдо бўлди.

Текст 59

Шундан сўнг Парвардигорнинг фазовий танасида веналар ва қизил таначалар, яъни қон пайдо бўлди. Улар билан бирга дарёлар(веналарни бошқарадиган илоҳлар), кейин эса фазовий киёфанинг қорни пайдо бўлди.

Изоҳ: Қон томирлари мазкур шеърда дарёларга киёсланган; фазовий киёфанинг венаси пайдо бўлгандан кейин коинотнинг сон-саноксиз сайёраларида дарёлар оқа бошлади. Дарёларни бошқарадиган илоҳ тирик мавжудотларнинг асаб тизимини ҳам бошқаради. Асаб тизими касалланган беморларга "Аюр-веда" дарёнинг оқар сувида чўмилишни тавсия қилади.

Текст 60

Кейин коинотда очлик ва ташнали туйғуси, улар билан бирга океанлар пайдо бўлди. Шундан кейин фазовий киёфанинг юраги, кейин эса ақли пайдо бўлди.

Изоҳ: Океан очлик ва ташналик туйғуси пайдо бўладиган қоринга маъсул бўлган илоҳ ҳисобланади. Ана шу органлари касалланган кишиларга "Аюр-веда" океанда чўмилишни тавсия қилади.

Текст 61

Ақлдан кейин Ой пайдо бўлди, кейин тафаккур, ундан кейин маъбуд Браҳма пайдо бўлди. Улардан кейин сохта ўзлик, кейин маъбуд Шива, кейин эса, онг ва уни бошқарадиган илоҳи пайдо бўлди.

Изоҳ: Ой ақлдан кейин пайдо бўлган, демак, Ой ақлни бошқарадиган илоҳ ҳисобланади. Шунга ўхшаб, тафаккурдан кейин пайдо бўлган маъбуд Браҳма – тафаккурни бошқарадиган илоҳ ҳисобланади, сохта ўзликдан кейин пайдо бўлган маъбуд Шива эса – сохта ўзликни бошқарадиган илоҳдир. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Ой фариштаси эзгулик гунаси таъсири остида, маъбуд Браҳма эҳтирос гунасида, маъбуд Шива эса – ғафлат гунасида бўлади. Онг сохта ўзликдан кейин пайдо бўлган, бу шуни кўрсатадики, моддий онг аввал бошдан ғафлат гунаси таъсири остида бўлади, демак, тирик мавжудот фақат онгини поклаш ёрдамида поклана олади. Онгни поклаш жараёни Кришна онгидаги фаолият билан шуғулланиш деб аталади. Онгини полагандан кейин тирик мавжудот сохта ўзликдан халос бўлади. сохта ўзлик, сохта эго деб ўзини тана деб ҳисоблашни айтадилар. Парвардигор Чайтанья бу ҳақда Ўзининг "Шикшаштака"сида айтган. У айтадики, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қиладиган кишининг биринчи навбатда онги, яъни ақл ойнаси покланади, онги моддий иллатдан поклангандан кейин

эса, моддий тирикчилик ёнғини сўна бошлайди. Моддий тирикчилик ёнғини бошланишига сабаб сохта ўзлик бўлади, инсон сохта ўзликдан халос бўлган заҳоти ўзининг ҳақиқий табиатини англаб етади. Фақат ана шундай инсон майя чангалидан озодликка чиқа олади. Инсон сохта ўзлик иллатидан покланганида унинг тафаккури ҳам покланади, шунинг учун ундай кишининг ақли ҳамшиша Олий Шахс Худонинг нилуфар кадамлари пойида жамланган бўлади.

Парвардигор Гаурачанда, яъни “соф, илоҳий ой” киёфасида тўлин ой кечаси дунёга келган. Моддий ойнинг юзида дағаллар бор, лекин Гаурачандранинг, яъни илоҳий ойнинг танасида бирор дағал йўқ. Покланган ақли Парвардигорга хизмат қилишда мужассам қилиш учун пок ойга, Гаурачандрага сажда қилиш лозим. Моддий эҳтирос тинчлик бермай турган, яъни тафаккурини моддий фаровонликка эришиш йўлида ишлатишни истайдиган кишилар одатда маъбуд Браҳмага сажда қиладилар, бутунлай ҳафлат гунасида юрган ва ўзини моддий танасига киёслайдиган одамлар эса, маъбуд Шивага сиғинадилар. Хираньякашипу ва Равана сингари имонсиз дунёвий одамлар маъбуд Браҳмага ёки маъбуд Шивага сиғинадилар, аммо Кришнага хизмат қилиб юрган Прахлада ва бошқа содиқлар, Олий Шахс Худога, ягона Парвардигорга сиғинадилар.

Текст 62

Ҳар хил сезги органларини бошқарадиган фаришта ва илоҳлар пайдо бўлгандан кейин ўзларини дунёга келтирган Зотни уйғотишни истадилар. Аммо, бунга эриша олмай, улар Уни уйқудан уйғотиш учун биринкетин яна вират-пурушанинг танаси ичига кирдилар.

Изоҳ: Қалбимизда мудраб ётган Илоҳни уйғотиш учун ташқи нарсаларда мужассам бўлган сезгиларнинг фаолиятининг йўналишини ўзгартиришимиз, уларни ички оламга, қалбимизга қаратишимиз лозим. Кейинги шеърларда вират-пуруша уйғониши учун бизларнинг сезгиларимиз қандай ишлаши лозимлиги батафсил тушунтирилади.

Текст 63

Олов фариштаси нутқ органи билан бирга вират-пурушанинг оғзига кирди, аммо Уни уйғота олмади. Шамол фариштаси хид билиш сезгиси билан Унинг бурнига кирди, аммо вират-пуруша шунда ҳам уйғонишни истамади.

Текст 64

Куёш фариштаси кўриш сезгиси билан вират-пурушанинг кўзига кирди, лекин вират-пуруша ухлашда давом этаверди. Кейин оламнинг томонларини бошқарадиган илоҳ эшитиш сезгиси билан Унинг кулоқларига кирди, лекин шунда ҳам У уйғонмади.

Текст 65

Терини бошқарадиган илоҳ доривор гиёҳлар ва майсалар, туклар билан бирга вират-пурушанинг терисига кирди, лекин Фазовий Мавжудот шунда ҳам уйғонишни истамади. Сувларни бошқарадиган илоҳ уруғлик билан Унинг жинсий аъзосига кирди, аммо вират-пуруша аввалгидай ухлашда давом этаверди.

Текст 66

Ажал фариштаси ахлат чиқариш қобилияти билан бирга Унинг анусига кирди, лекин у ҳам вират-пурушани фаолият кўрсатишга уйғота олмади. Фаришта Индра нарсаларни ушлаш ва ташлаш қобилияти билан бирга Унинг қўлларига кирди. Лекин вират-пуруша ухлашда давом этаверди.

Текст 67

Парвардигор Вишну ҳаракат қилиш қобилияти билан бирга Унинг товонига кирди, ҳатто шунда ҳам вират-пуруша уйғонишни истамади. Дарёлар қон ва қон айланиш тизими билан бирга Унинг қон томирларига кирди, лекин Фазовий Зот ҳатто қимирламади ҳам.

Текст 68

Очлик ва ташналик туйғуси билан бирга океан Унинг қорнига кирди, лекин Космик Зот шунда ҳам туришни истамади. Ой фариштаси ақл билан бирга Унинг қалбига кирди, лекин у ҳам вират-пурушани уйғота олмади.

Текст 69

Тафаккур билан бирга маъбуд Браҳма Унинг қалбига кирди, аммо у ҳам Космик Зотни уйғота олмади. Фаришта Рудра сохта ўзлик билан бирга Космик Зотнинг қалбига кирди, лекин У ҳатто қимирламади ҳам.

Текст 70

Лекин, ички ҳукмдор(онгни бошқарадиган илоҳ) фикрлаш қобилияти билан бирга Унинг қалбига кирганида космик Зот шу заҳотиёқ уйғониб Сабаблар уммонидан чиқди .

Текст 71

Инсон ухлаб ётганида унинг моддий сифатларидан бирортаси – на ҳаёт қуввати, на сезиш ва ҳаракатланиш органларидан бирортаси, на ақли, на тафаккури – уни уйғота олмади. Фақат Олий Рух уни уйқудан уйғотишга кодир.

Изоҳ: Мазкур шеърларда ҳаёт ҳақида санхья фалсафасига асосланган тасаввур батафсил таърифланган, бунга асосан вират-пуруша, яъни Олий Шахс Худонинг фазовий киёфаси барча сезги органларининг ҳамда уларни бошқарадиган илоҳларнинг манбаи ҳисобланади. Вират-пуруша билан сезгиларни бошқарадиган илоҳлар ёки тирик мавжудотлар орасидаги ўзаро муносабатлар шунчалик чигал ва қийинки, вират-пурушани уйғотиш учун маълум илоҳлар билан боғланган мезги органларини машқ қилишнинг ўзи камлик қилди. Моддий фаолият ёрдамида вират-пурушани уйғотишнинг ёки Олий Шахс Худо билан алоқа боғлашнинг иложи йўқ. Фақат Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган ва моддий нарсаларнинг ҳаммасини тарк этган кишигина Мутлақ Ҳақиқат билан алоқа ўрната олади.

Текст 72

Шундай қилиб, ўзини бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаб, инсон қалбида Худога

садоқат, моддий оламга боғланмаслик туйғусини ривожлантриши ҳамда ақлини ўзининг ҳам қалбида, ҳам ундан ташқарида мавжуд бўлган Олий Рухда мужассам қилиш учун руҳий илмга эга бўлиши лозим.

Изоҳ: Инсон ўзининг қалбида мавжуд бўлган Олий Рухни кўришга қодир. Тана ичида мавжуд бўлган ҳолда, Олий Рух айни пайтда ундан ташқарида ҳам мавжуд, яъни моддий танага нисбатан илоҳий ҳолатда бўлади. Гарчи Олий Рух ҳам алоҳида руҳ жойлашган тана ичида жойлашган бўлса ҳам, алоҳида руҳдан фарқли равишда У ана шу танага боғланиб қолган эмас. Шунинг учун Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида биз моддий танага боғланиш туйғусидан покланишимиз лозим. Мазкур шеърда аниқ айтилганки(бхактйа), инсон Парвардигорга садоқат билан хизмат қилиши лозим. "Шримад Бхагаватам"(1.2.7)да шундай дейилган: васудеве бхагавати бхакти-йогоҳ прайоджитаҳ. Тирик мавжудот Васудевага, ҳамма жойда мавжуд бўлган Вишнуга, Олий Шахс Худога соф садоқат билан хизмат қила бошлаганида у шу заҳотиёқ моддий оламга боғланмаслик туйғусига эга бўлади. Санкхья фалсафасининг мақсади инсонга моддий иллатлардан халос бўлишга ёрдамлашиш, бунга эришиш учун Олий Шахс Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ўзи кифоя. Инсон моддий фаровонликка интилишни тарк этганида ўзининг ақлини бутунлай Олий Рухда мужассам қила олади. Токи бизнинг ақлимиз турли моддий нарсаларга чалғиб юришда давом этар экан, биз ақлимиз ва тафаккуримизни Олий Шахс Худода ёки Унинг қисман намён бўлган Праматма қиёфасида мужассам қила олмаймиз. Бошқача қилиб айтганда, моддий оламга боғланиб қолган киши ўзининг ақлини Парвардигорда жамлашга ва ўзининг бор кучини Унга бағишлашга қодир эмас. Фақат таркидунё қилгандан кейингина Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги илмга эга бўлиш мумкин. Ҳиссий, яъни моддий лаззатга берилиб юрган киши эса, ҳеч қачон Мутлақ Ҳақиқатни англаб ета олмайди. Бу ҳақиқат "Бхагавад-гита"(18.54)да ҳам тасдиқланган. Моддий иллатлардан покланган киши қалбида ҳамиша чуқур лаззат ҳис қила бошлайди ва Худога садоқат билан хизмат қилиш имкониятига эга бўлади, Худога садоқат билан хизмат қилиш натижасида эса руҳий озодликка эришади.

"Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшиғида айтилганки, Худога хизмат қилиш инсонга қувонч бағишлайди. Фақат ана шундай қувончли ҳолатдагина Худо ҳақидаги илмни, Кришнани англаш илмини эгаллаш мумкин. Моддий табиатнинг унсурларини таҳлилий жиҳатдан ўрганиш ва Олий Рухга мувоқабат қилиш санкхья фалсафасининг мазмунини ташкил этади. Санкхья-його тизимининг мукамал кўриниши Мутлақ Ҳақиқатга садоқат билан хизмат қилишдан иборат.

"Шримад Бхагаватам"нинг Учтинчи кўшиқ, "Моддий табиатнинг бошланиши" деб аталадиган йигирма олтинчи бобига Бхактиведантининг ёзган изоҳлари шундай яқунланади.

Йигирма еттинчи боб

Текст 1

Худо Шахси Парвардигор Капиладева давом этди: Табиатан ўзгармас бўлган тирик мавжудот эғалик қилиш туйғусидан халос бўлганида, гарчи моддий тана ичида яшашда давом этса ҳам, худди куёш ҳамиша ўзининг сувдаги аксидан узокда қолавергани сингари, у энди моддий табиат гуналари таъсири остидан чиқади ва уларнинг ўзаро фаолиятига аралашмай, бефарқ бўлиб қолади.

Изоҳ: Олдинги бобда Парвардигор Капиладева Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирган инсон аста-секин моддий олам боғланиш туйғусидан халос бўлади ва унга Худо ҳақидаги илмни англаб етишга имкон берадиган илоҳий илмга эга бўлади деган хулосага келган эди. Мазкур шеърда ҳам шу ҳақда айтилган. Моддий табиат гуналари таҳсири остидан чиққан киши сув юзида акс этиб турган куёшга ўхшайди. Сувнинг ҳаракати, унинг салқинлиги ёки унинг устидаги тўлқин ва жилвалар унинг юзида акс этиб турган куёшга заррача таъсир қилмайди. Худди шундай, васудеве бхагавати бхакти-йогоҳ прайоджитаҳ("Шримад Бхагаватам".1.2.7) – Худога садоқат билан хизмат қилиш, бхакти-його фаолиятига ғарқ бўлган киши сувда акс этиб турган куёшга ўхшайди. Сиртдан қараганда Худонинг содиқ хизматкори моддий оламда яшаётгандай бўлиб кўриниши мумкин, лекин аслида у ҳамиша Парвардигорнинг илоҳий даргоҳида юрган бўлади. Сув устида акс этиб турган куёш аксига қараб куёш ана шу сув ҳавзасида жойлашган деб ўйлаш мумкин, лекин аслида куёш бу ердан кўп миллион километр узокда. Худди шундай, бхакти-його билан шуғулланиб юрган киши ниргуна, моддий табиат гуналари таъсирига берилмайдиган бўлади.

Авикара ибораси "ўзгармас" деганини англади. "Бхагавад-гита" ҳам тасдиқлайдики, барча тирик мавжудотлар Парвардигорнинг заррачаларидир, бошқача қилиб айтганда, улар ўзларининг бор куч-қувватини Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида ишлатиб, Парвардигор билан мангу ҳамкорлик қилиш учун яратилган. Тирик мавжудотнинг ўзгармас табиати ана шундай. Лекин, тирик мавжудот ўзининг қувватини ҳиссий лаззатланишга қаратиб, шунга мос равишда ҳаракат қила бошласа, у ўзининг ҳолатини ўзгартириб юборади. Ўзининг ҳолатини мана шундай ўзгартириши викара деб аталади. Инсон ҳатто моддий тана ичида бўлиб ҳам руҳий устоз раҳбарлиги остида Худога садоқат билан хизмат қила бошласа, у ўзининг мангу бурчини бажараётган бўлади, демак у ўзининг аввалги ўзгармас табиий ҳолатига қайтади. "Шримад Бхагаватам"да айтилганидек, озодликка эришиш – ўзининг азалий табиий ҳолатига қайтиш демакдир. Бизнинг азалий бошланғич ҳолатимиз – Худога садоқат билан хизмат қилиш(бхакти-йогена, бхактйа). Инсон моддий боғланишлардан халос бўлганида ва Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлганида унинг ҳолати ўзгармас бўлади. акартритват ибораси "ҳиссиётни лаззатлантириш билан боғлиқ бўлган бирор иш қилмаслик" деганини билдиради. Инсон ўз хоҳиши билан ҳаракат қилганида, у қилаётган ишларининг

хаммасига ўзини маъсул деб билади, шунинг учун ўзининг ҳар бир ишининг оқибатига дучор бўлади, аммо у ўзининг ҳар бир ҳаракатини Қришнага бағишласа, у қилган ишларининг натижасига эгалик қилиш туйғусидан халос бўлади, шунда унга қилаётган ишларининг ҳаммаси ўзиники бўлиб туюлмайди. Ўзининг ўзгармас ҳолатига қайтиб, қилаётган ишларини ўзиники деб ўйлашни бас қилиб, инсон шу заҳотиёқ илоҳий поғонага кўтарилади, шунда худди сув юзида акс этиб турган куёшга сув таъсир қилмай кўйгани сингари, моддий табиат гуналари унга ўз таъсирини ўтказмай кўяди.

Текст 2

Рух моддий табиатнинг жилвалари ва сохта ўзлигининг таъсирига тушиб қолганида, у ўзини танасига қиёслаб. Бутунлай моддий фаолиятга ғарқ бўлади ва сохта ўзлик таъсири остида ўз меҳнатининг барча натижаларини меники деб ҳисоблай бошлайди.

Изоҳ: Аслини олганда, тирик мавжудотни моддий табиат гуналари ҳаракат қилишга мажбур қилади. Тирик мавжудот эркинликдан маҳрум. У Олий Шахс Худо раҳбарлиги остида ҳаракат қилса эркинликка эришади, лекин ўзини лаззат олаётган ҳисоблаб, ўзининг ҳиссиётини лаззатлантириш билан машғул бўлганида у моддий табиат гуналари ҳукми остига тушиб қолади. "Бҳагавад-гита"да шундай дейилган: пракритех крияманани – тирик мавжудотнинг ҳаракатлари унга таъсир қилаётган моддий табиат гуналари балан ифодаланади. Гуна деб моддий табиатнинг сифатларини айтадилар. Шартланган тирик мавжудот моддий табиат гуналари таъсири остида бўлади, лекин у ўз тақдиримни ўзим ҳал қиламан деб ўйлайди. Мана шу сохта эгалик туйғусидан фақат Парвардигор ёки Унинг ҳақиқий вакили раҳбарлиги остида Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши халос бўла олади. "Бҳагавад-гита"да Аржун ўзининг бобокалони ва руҳий устозини ўлдиргани учун маъсулиятини ўз бўйнига олишга уринган эди, аммо Қришнанинг раҳбарлиги остида ҳаракат қилиб, у ўзини қилган ишларининг ҳаммасини ўзим қиляпман деб ўйлашга мажбур қиладиган сохта эгалик(маъсулият) туйғусидан халос бўлди. Аржун жанг қилди, лекин қилган ишлари учун у жавобгар бўлмади, аммо жанг қилиш олдидан, у бошқаларга зулм қилишдан ва жангда иштирок этишдан бош тортиб турганида у бутун маъсулиятни ўз бўйнига олиб турганди. Эркинлик билан шартланганлик орасидаги фарқ мана шундан иборат. Шартланган рух тақводор, покдомон бўлиши ва ҳамиша эзгулик гунасида ҳаракат қилиши мумкин, лекин у ҳамиша моддий табиатнинг ранг-баранг жилваларига маҳлиё бўлиб қолаверади, Худонинг содиқ хизматкори эса ўзининг ҳар бир ҳаракатида Парвардигорнинг хоҳишига боғланган бўлади. Шунинг учун оддий одамлар кўзига содиқ хизматкор қандайдир гуноҳ иш қилаётгандай бўлиб кўринса ҳам, у ўзининг ишлари учун ҳеч қандай жавобгар эмас.

Текст 3

Шундай қилиб, моддий табиат гуналари таъсири остида бўлган ҳолда, шартланган рух бир танадан иккинчи танага кўчиб, ҳаётнинг ҳар хил куйи ёки олий

шаклларида мужассам бўлиб юради. Токи у моддий фаолиятни тарк этмас экан, у ўзининг мана шу ҳолатига чидаб юришга мажбур, чунки унинг фаолияти нопоклигича қолаверади.

Изоҳ: Мазкур шеърда ишлатилган карма-дошаих ибораси “нопок фаолияти туфайли” деган маънони англатади. Бу ибора моддий оламдаги гуноҳ ишларга ҳам, савоб ишларга ҳам тааллуқли; моддий табиат билан алоқада бўлгани сабабли бу дунёдаги ҳар қандай фаолият нопок, яъни гуноҳ ҳисобланади. Шартланган нодон киши бирор шифохона ёки мактаб куриш билан, яъни одамларнинг моддий фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилиб билан у одамларга яхшилик қилиб юрибман деб ўйлаши мумкин, лекин у билмайдик, бундай фаолият ҳам нопок бўлади, чунки бундай фаолият унга туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан чиқиб кетишга имкон бермайди. Мазкур шеърда аниқ айтилган: сад-асан-мишра-йонишу. Бу дегани, инсон ўзининг моддий оламда қилган савоб ишлари учун кейинги ҳаётида бирор бадавлат хонадонда ёки олий сайёраларда фаришталар орасида туғилиши мумкин. Лекин ҳатто савоб ишлар ҳам нопок бўлади, чунки уни руҳий озодликка чиқара олмайди. Агар инсон моддий жиҳатдан ривожланган ёки бадавлат хонадонда туғилса, бу билан у туғилиш, ўлиш, кексалик ва касаллик билан боғлиқ бўлган моддий азоб-уқубатлардан халос бўлади дегани эмас. Моддий табиатга маҳлиё бўлиб қолиб, шартланган рух ўзининг ҳиссиётини лаззатлантириш учун қилаётган ҳар бир ҳаракати нопок эканини ва фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган фаолият ҳеч қандай карма оқибатларини келтирмаслигини тушуниб етишга қодир эмас. Тирик мавжудот ўзининг нопок фаолиятини тарк этмас экан, у ҳаётнинг баъзан олий, баъзида паст шаклларида туғилиб, бирин-кетин тана алмашиб юришга мажбур бўлади. Мана шу самсара-падавим, яъни “қутулиб кетишнинг иложи йўқ бўлган моддий олам” деб аталади. Моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишни истаган киши ўзининг фаолиятини Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғлаши лозим. Бошқа йўл йўқ.

Текст 4

Аслида тирик мавжудот моддий оламга нисбатан илоҳий ҳолатда, аммо моддий табиат устидан ҳукмронлик қилиш истаги унга моддий оламда тирикчилик қилишни тарк этишга имкон бермайди, шу боис у, худди тушидагидай, сон-саноксиз мусибатларга дучор бўлиб юришга мажбур.

Изоҳ: Моддий оламдаги ҳаётни тушга ўхшатиш жуда ўринли. Ухлаётган кишининг ақли унинг тушида қандай – яхшими ё ёмонми - вазиятга тушиб қолишини белгилайди. Худди шундай, аслида руҳнинг моддий табиатга ҳеч қандай алоқаси йўқ, аммо, унинг ақлида моддий табиат устидан ҳукмронлик қилиш истаги пайдо бўлгани учун, у шартланган ҳолатга тушиб қолади.

Тирик мавжудотнинг шартланган ҳаёти мазкур шеърда дхйайато вишайан асйа сўзлари билан ифодаланган. Вишайа дегани “лаззат берадиган нарса”ни билдиради. Токи тирик мавжудот ўзини

лаззатланувчи деб ҳисоблар экан, у шартланган ҳаёт билан яшашга мажбур бўлади. Лекин, инсон ўзига келган заҳоти, у ўзининг лаззатланувчи эмаслигини англаб етади, чунки ягона лаззатланувчи – Парвардигордир. "Бҳагавад-гита"(5.29)да ҳам тасдикланадики, барқа қурбонлик маросимлари ва риёзатларнинг маҳсулидан фақат Парвардигор лаззатланади ва бутун уч олам Унинг мулки. У – барча тирик мавжудотларнинг ҳақиқий дўсти. Лекин, Парвардигорни бутун борлиқнинг эгаси, ягона лаззатланувчи ва барча тирик мавжудотларнинг энг яқин дўсти сифатида тан олиш ўрнига, биз ўзимиз бу дунёнинг эгаси бўлишга, лаззатланишга ва одамларга дўст бўлишга интиламиз. Биз ўзимизни инсониятнинг дўсти ва ғамхўри деб ҳисоблаб инсонпарварлик фаолияти билан шуғулланамиз. Ҳатто инсон ўз миллатининг, бутун халқининг ва мамлакатининг манфаатларининг энг яхши ҳимоячиси деб ҳисобласа ҳам, аслида у ҳар бир инсоннинг энг яқин дўсти бўла олмайди. Яғнона дўст - Парвардигор, Кришна. Биз шартланган руҳларнинг онгини улар ўзининг ҳақиқий дўсти Кришна эканини англаб ета оладиган даражага кўтаришга ҳаракат қилишимиз лозим. Кришнани ўзига дўст деб билган кишини Кришна ҳеч қачон алдамайди, зарур бўлган пайтда албатта унга ёрдамга келади. Ўзини одамларнинг энг яқин дўсти деб юрган киши эмас, балки одамларнинг қалбида Кришнанинг дўсти бўлиш истагини уйғотишга уриниб юрган киши инсониятга энг буюк яхшилик қилиб юрган киши бўлади. Дунёвий дўстликнинг имкониятлари жуда чекланган. Ҳатто ўзини одамларнинг дўсти деб юрган киши ҳам, ҳамманинг дўсти бўла олмайди. Тирик мавжудотлар сон-саноксиз кўп, бизнинг имкониятимиз эса жуда чекланган, шунинг учун биз шунинг учун биз бутун инсониятга амалда ҳеч қандай яхшилик қила олмаймиз. Одамларнинг қалбида Кришна онгини уйғотишга ҳаракат қилиб юрган киши инсониятга энг катта хизмат қилиб юрган бўлади, чунки Кришна онгига эга бўлиб, улар олий лаззатланувчи, олий эга ва барча тирик мавжудотларнинг энг яқин дўсти Кришна эканини тушуниб етадилар. Шунда биз ўзимизни моддий табиатнинг хўжайини деб ҳис қилиб юрган ғафлат уйқусидан уйғонамиз.

Текст 5

Ҳар бир шартланган руҳнинг бурчи – барча боғланишларни тарк этиб, ўзининг ҳиссий лаззатларга боғланиб қолган нопок онгини Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул қилишдан иборат. Шунда тирик мавжудот ўзининг ақлини ва онгини тўлиқ жиловлай олади.

Изоҳ: Бу ерда тирик мавжудот қандай қилиб озодликка эриша олиши ажойиб таърифланган. Тирик мавжудотнинг шартланганлигининг сабаби унинг ўзини лаззатланувчи, бу дунёда бирор нарсанинг эгаси ва барча тирик мавжудотларнинг дўсти деб юрганидир. Бундай тасаввур унда ҳиссий лаззатланишга интилиш туйғуси таъсир остида юзага келади. Ўзини ватандошларининг, жамиятнинг ёки бутун инсониятнинг энг яқин дўсти деб ҳисоблаб, ватанпарварлик, инсонпарварлик ишлари ёки бошқа бирор савобли эзгу фаолият билан шуғулланар экан,

инсон аслида ўз ҳиссиётини лаззатлантириш ҳақида ўйлайди. Ўзини миллатнинг йўлбошчиси ёки инсонпарвар деб юрган киши аслида одамларга эмас, фақат ўзининг ҳиссиётига хизмат қилаётган бўлади. Ҳақиқат шундан иборат. Лекин, моддий табиатнинг ранг-баранг жилвалари таъсирида адашган шартланган руҳ буни тушуниб етишга қодир эмас. Шунинг учун мазкур шеър бизни қатъий қарор билан Худога садоқат билан жиддий хизмат қилишга чақиради. Демак, инсон ўзини бу дунёда бирор нарсанинг эгаси, кимларнингдир саодатманди, дўсти ёки лаззатланувчи деб ҳисоблашни тарк этиши лозим. Ҳақиқий лаззатланувчи Кришна, Олий Шахс Худо эканини ҳамиша эсда сақлаш лозим; мана шу бҳакти-йоганинг асосий қоидаси ҳисобланади. Мана шу уч қонданнинг ҳақиқат эканлигига бизда ҳеч қандай шубҳа, гумон бўлмаслиги лозим: Кришна бутун борлиқнинг эгаси, ягона лаззатланувчи ва барча тирик мавжудотларнинг дўсти эканини ҳамиша эсда сақлаш керак. Бизларнинг ҳар биримиз шуни фақат ўзимиз англаб етиб қолмасдан, Кришна ҳақидаги илмни тарғибот қилиб, бунга бошқаларни ҳам ишонтиришга ҳаракат қилишимиз лозим.

Худога садоқат билан самимий хизмат қилиб юрган киши табиий равишда уни моддий табиатнинг ҳукмдори деб ҳисоблашга мажбур қиладиган сохта фикрлардан халос бўлади. Мана шу тарзда боғланишлардан халос бўлиш вайрағя деб аталади. Модда устидан ҳукмронлик қилишга интилиш ўрнига ундай киши Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлади ва ўзининг ҳақиқий онгига эга бўлади. Инсон ўзининг ҳиссиётини жиловлаб олмай туриб йога билан шуғуллана олмайди. Йога индрия-самйамах. Сезгилар ҳамиша бирор фаолият билан машғул бўлади, шунинг учун уларни Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул қилиш лозим; сезгиларни амалда ҳаракатсиз туришга мажбур қилишнинг иложи йўқ. Сезгиларнинг фаолиятини сунъий равишда тўхтатишга уриниш аввалданок ҳеч қандай натижа бермайди. Ҳатто йога билан шуғулланиб, ҳиссиётини жиловлаб олишга уринган буюк йог Вишвамित्रа ҳам соҳибжамол Менакининг жилваси қурбони бўлди. Бу ягона мисол эмас. Агар инсоннинг ақли ва ҳиссиёти Худога садоқат билан хизмат қилишда бутунлай машғул бўлмаса, унинг ақлида истаган вақтда ҳиссий лаззатланиш истаги пайдо бўлиши мумкин.

Мазкур шеърда ифодаланган яна бир муҳим фикр устида тўхтаб ўтиш лозим. Бу ерда: прасактам асатам патхи – тирик мавжудотнинг ақли ҳамиша ўткинчи моддий ҳаётга интилади. Бизлар қадим замонлардан бери моддий табиат билан боғланганмиз, шунинг учун ўткинчи моддий оламга бўлган боғланиш туйғусига ўрганиб қолганмиз. Биз ақлимизни Парвардигорнинг мангу нилуфар қадамлари пойида мужассам қилишимиз лозим. Са ваи манаҳ кришна-падаравиндайох. Инсоннинг ақли Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида бутунлай мужассам бўлиши лозим, шунда ҳамма нарса жой-жойига тушади. Шундай қилиб, мазкур шеърда бҳакти-йога билан самимий ва жиддий шуғулланиш лозимлиги алоҳида муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланган.

Текст 6

Йога ёрдамида ақли ва ҳиссиётини жиловлаб олиб, инсон қалбида чуқур имон ҳосил қилиши ва Мени шарафлаб, Мен ҳақимдаги ҳикояларни тинглаб, Менга бенуксон соф садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилиши лозим.

Изоҳ: Йога билан шуғулланиш жараёни саккиз поғонадан иборат: яма, нияма, асана, пранаяма, пртаъяхара, дхарана, дхъяна ва самадхи. Яма ва нияма поғонасидаги машғулотлар йога тизимининг қонун-қоидаларига қатъий риоя қилишдан иборат, мана шу йог билан шуғулланидиган кишига ақли ва ҳиссиётини жиловлаб олишга ёрдам беради. Ҳар хил ҳолатда ўтириш турлари билан шуғулланиш асана деб аталади. Буларнинг ҳаммаси Худога хизмат қилиб юрган кишининг имонини кучайтиришга ёрдам беради. Лекин жисмоний машқларни бажариш йоганинг яқуний мақсади эмас; йоганинг ҳақиқий мақсади – ақлни жиловлаб олиш, уни бир жойга жамлашни ўрганиш ва Худога садоқат билан хизмат қилишда зарур бўлган имонни кучайтиришдан иборат.

Бхавена, яъни бхава – йога билан ёки бошқа ҳар қандай руҳий фаолият билан шуғулланишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. бхава иборасининг асл мазмуни "Бхагавад-гита"(10.8)да таърифланган: будха бхава-саманвитах –ҳамиша Кришна ҳақида муҳаббат билан ўйлаб юриш лозим. Кришна Олий Шахс Худо, бутун борлиқнинг манбаи эканини ҳамда ҳамма нарса Ундан чиқишини тушунган кишига "Веданта-сутра"нинг джанмадй асйа йатах иборасининг мазмуни очилади: "Бутун борлиқнинг бошланғич манбаи".Шундай киши бхава ҳолатига ғарқ бўлади, яъни худога муҳаббатнинг бошланғич ҳолатига эришади.

"Бхакти-расамрита-синдху"да Рупа Госвами бхава, яъни худога муҳаббатнинг бошланғич поғонасига қандай кўтарилиш мумкинлигини батафсил тушунтирган. У айтадики, инсон энг аввало ишонч ҳосил қилиши лозим(шраддайнвитах). Ишонч ҳосил қилиш учун инсон ё сеҳрли йога билан шуғулланиб(йога қоидаларига риоя қилиб, асаналар бажариб), ё аввалги шеърда тавсия қилинганидек, бевосита бхакти-йога билан шуғулланиб ўзининг ҳиссиётини жиловлаб олиши лозим. Бхакти-йоганинг таркибий қисмларидан биринчиси ва энг асосийси Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва такрорлашдан иборат. Мазкур шеърда ҳам шу ҳақда айтилган; мат-катха-шраванена ча. Инсон ё йога тизимининг барча қонун-қоидаларига риоя қилиш билан, ё Парвардигорнинг қароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва бошқаларга такрорлаб гапириб бериш ёрдамида қалбида Худога ишонч, имон ҳосил қила олади. Мазкур шеърда ишлатилган ча ибораси шуни билдирадики, бхакти-йога усули руҳий ўзликни англашнинг тўғри йўли, қолган йўллар эса, айланма йўллар ҳисобланади. Лекин ҳатто айланма йўлни танлаган киши ҳам, токи тўғри йўлнинг усулидан фойдаланмагунча, яъни Парвардигорнинг улуғворлигини шарафлаб куйламагунча ва Худо ҳақидаги ҳикояларни тингламагунча муваффақиятга эриша олмайди. Шунинг учун мазкур шеърда сатйена ибораси ишлатилган. Шриддхара Свами тушунтирадики, сатйена ибораси нишқапатена, яъни

"очик, иккиюзламачи эмас" деган маънони билдиради. Имперсоналистлар умуман иккиюзламачилардир. Баъзан улар ўзларини Худога садоқат билан хизмат қилиб юргандай кўрсатадилар, лекин уларнинг яқуний мақсади Парвардигорнинг борлигига қўшилиб кетишдан иборат. Мана шу иккиюзламачилик(капата)дир. "Шримад Бхагаватам" бундай носамимийликни инкор этади. "Шримад Бхагаватам"нинг бошида аниқ айтилганки: парамо нирматсаранам – "Бу асар ёмонлик(зулм) ва ҳасад туйғусидан бутунлай покланган кишилар учун мўлжалланган. Мазкур шеърда ҳам ана шу гап алоҳида таъкидланган. Токи инсон ўзининг қалбида Олий Шахс Худога нисбатан сўнмас имон ривожлантирмас экан ва Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглашни бошламас экан, у руҳий озодликка эриша олмайди.

Текст 7

Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши ҳеч кимга нисбатан душманлик қилм асдан ва ҳеч кимга яқинлашмасдан барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлиши лозим. У жинсий поклигини сақлаши, камгап бўлиши ва қилаётган меҳнатларининг барча маҳсулини Олий Шахс Худога қурбон қилиб, ўзининг мангу бурчини бажариб яшаши лозим.

Изоҳ: Худога садоқат билан самимий хизмат қилиб юрган Олий Шахс Худонинг содиқ хизматкори барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлади. Ҳаётнинг жуда кўп турлари мавжуд, аммо содиқ хизматкор уларнинг ташқи қобиғини эмас, тана ичидаги руҳни кўради. Барча руҳлар Олий Шахс Худонинг заррачаси бўлгани учун, у тирик мавжудотларни бир бирдан ажратмайди. Илмга эга бўлган содиқнинг ҳаётга назари ана шундай бўлади. "Бхагавад-гита"да тушунтирилганидек, содиқ хизматкор ёки билимдон донишманд илми брахман, ит, фил ва сигир орасидаги фарқни кўрмайди, чунки у биладика, тана – шунчаки вақтинчалик қобиқ, рух Парвардигорнинг ажралмас заррачаси. Худонинг содиқ хизматкори ҳеч кимга душманлик қилмайди, лекин бу у ҳамма билан бир хил муносабатда бўлади дегани эмас. Бундай бўлиши мумкин эмас. Апрасангатах ибораси "ҳамма билан яқин муносабатда бўлмасдан" деган маънони билдиради. Содиқнинг бутун фикру-хаёли Худога садоқат билан хизмат қилишда банд бўлади, Худога муваффақият билан хизмат қилиш учун у фақат Худонинг содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлиши лозим. У бошқа одамлар билан алоқа қилишининг ҳожати йўқ; ҳеч кимни ўзига душман деб билмасдан, содиқ айна пайтда фақат Худога хизмат қилиб юрган кишилар билан алоқа қилади.

Худонинг содиқ хизматкори жинсий поклигини сақлаши лозим. Жинсий покликни сақлаш деганда биз жинсий ҳаётдан бутунлай воз кечишни назарда тутмаймиз; жинсий поклик ўзининг хотини билан жинсий алоқа қилишга йўл кўяди. Жинсий алоқадан бутунлай воз кечиш – энг яхши йўл. Мана шуниси маъкулроқ, лекин бирор сабабларга кўр бунинг иложи бўлмаса, содиқ хизматкор диний қонун-қоидалар асосида никоҳдан ўтиб, оиласи билан тинч-тотув яшаши мумкин.

Содик хизматкор заруратсиз гапирмаслиги лозим. Жиддий содикнинг бекорчи гапларга вақти йўқ. У ҳамиша Худога хизмат қилиш билан банд бўлади. Гапирганда у фақат Кришна ҳақида гапирди. Мауна ибораси “сукут” деган маънони билдиради. Сукут деганда содик хизматкор гапиришни бутунлай тарк этиши керак деб тушунмаслик керак. Мауна қасамига риоя қилиш – бекорчи гапларни гапирмаслик дегани билдиради. Содик хизматкор кришна ҳақида гапириш имконини ҳеч қачон қўлдан бой бермаслиги керак. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг мазкур шеърда айтилган яна бир муҳим жиҳати – сва-дхармена. Сва-дхармена ибораси шуни билдирадики, биз фақат мангу фаолият билан машғул бўлишимиз, яъни ўзимизни Парвардигорнинг мангу хизматкори деб билишимиз ва ҳамиша Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлишимиз лозим. Навбатдаги балийаса ибораси “Ўзининг барча амалларининг маҳсулини Олий Шахс Худога тақдим этиш” дегани билдиради. Худонинг содик хизматкори ҳеч қачон ўзи учун, ўз ҳиссиётини лаззатлантириш учун ишламайди. У Худони мамнун қилиш учун ишлаб топган пулларининг ҳаммасини ейдиган нарсаларининг ҳаммасини, қилган ишларининг ҳаммасини Олий Шахс Худога, ягона Парвардигорга тақдим этади.

Текст 8

Худонинг содик хизматкори ортиқча уринмасдан келадиган даромад билан қаноатланиб яшати лозим. У керагидан ортиқ овқат емаслиги керак. У хилват жойда жойлашиб, ҳамиша ақлини жамлаб, хотиржам, бошқаларга дўст, ҳамдард бўлиб, ўзининг ҳақиқий “мен”ини англаб яшати лозим.

Изоҳ: Моддий танага эга бўлган ҳар бир инсон қандайдир меҳнат қилиб пул топиши ва танасининг эҳтиёжини қондириши лозим. Худонинг содик хизматкори ўзининг энг зарур эҳтиёжларини қондириш учун етарли бўлган дунё тўплаш учунгина меҳнат қилиши лозим. У ана шу озгина даромад билан қаноатланиб яшати ва ортиқча пул ҳамда кўплаб кераксиз мол-дунё тўплпш учун куч сарфламаслиги керак. Агар шартланган одам пулга муҳтож бўлса, кўпроқ пул тўплаб, моддий табиат устидан ҳукмронлик қилиш учун тиним билмай меҳнат қилади. Капиладева бизларни ўзидан ўзи келадиган нарсаларга эришиш учун ортиқча ҳаракат қилмасликка ўргатади. Шу мақсадда ишлатилган санскритча йадриччхайа ибораси шуни билдирадики, моддий табиат олган ҳар бир тирик мавжудотнинг тақдирига маълум миқдорда шодлик ва мусибат ёзилган; мана шу карма қонуни деб аталади. Кўп пул ишлаб топиш учун фақат бизнинг уринишимиз етарли эмас, агар ундай бўлса, ҳамма одамлар бир хил моддий фаровонликда яшаган бўлардилар. Аслида ҳар бир инсон карма қонуни бўйича тақдирига қанча ёзилган бўлса фақат шунча мол-дунё тўпллайди. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, худди одамлар ўзлари бунга бирор ҳаракат қилмасалар ҳам оғир ва хатарли вазиятга тушиб қолганлари сингари, ўзлари бунга интилмасалар ҳам тақдирига ёзилган моддий фаровонлик ўзидан ўзи келверади. Шунинг учун Капиладева бизга тақдиримизга ёзилган нарсалардан қаноатланиб яшати маслаҳат беради. Инсон ўзининг

бебаҳо умрининг ғамма вақтини Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиб ўтказиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, инсон ўзида бор нарсаларга қаноат қилиб яшати лозим. Агар биз тақдир тақозоси билан ачинарли ҳолатга тушиб қолган бўлсак, биз тақдирдан нолишимиз ёки ўқинишимиз керак эмас. Биз ўзимизнинг қимматли вақтимизни қалбимизда Кришна онгини ривожлантиришга сарфлашимиз лозим. Кришнани англашда юксалиш инсоннинг бадавлат ёки қашшоқлигига боғлиқ эмас; биз яшаётган моддий шароит руҳий юксалишимизга таъсир қилмайди. Руҳий юксалиш йўлида ҳатто энг камбағал, қашшоқ киши ҳам энг бадавлат одам билан бир хил натижаларга эриша олади. Шунинг учун биз Худонинг амри билан ўзимиз тушиб қолган ҳолатдан мамнун бўлиб яшатишимиз лозим.

Мазкур шеърда ишлатилган яна бир ибора - мита-бхук. Бу ибора шуни билдирадики, инсон танасида жонини сақлаб туриш учун зарур бўлганидан кўп ҳам, кам ҳам овқат емаслиги керак. Ўзининг нафсини лаззатлантириш учун очофат бўлиб кўп овқат емаслик керак. Инсон учун ризқ қилиб дон, мева-чева, суг ва шунга ўхшаш маҳсулотлар берилган. Одамлар ўз нафсининг кули бўлиб, ўзларига ризқ қилиб берилмаган нарсаларни емаслиги керак. Худонинг содик хизматкори фақат прасад – аввал Парвардигорга тақдим этилган таом билан овқатланиши лозим. У фақат Парвардигорга тақлиф қилинган таом қолдиқлари билан овқатланиши мумкин. Кришнага фақат пок маҳсулотлардан тайёрланган таомларни тақлиф қилиш мумкин: дон, сабзавотлар, мевалар, гуллар ва суг маҳсулотлари. Унга ғафлат ва эҳтирос гуналарига мансуб маҳсулотлардан тайёрланган таомларни тақлиф қилиш мумкин эмас. Худонинг содик хизматкори қизганчиқ бўлмаслиги керак. бу ерда яна айтилганки, содик муни, яъни ақли зийрак, хотиржам инсон бўлиши лозим. У ҳамиша Кришна ҳақида, қандай қилиб Олий Шахс Худога хизмат қилишни яхшилаш ҳақида ўйлаб юриши лозим. мана шу унинг ягона ташвиши бўлиши керак. Худди дунёвий инсон ҳамиша ўзининг моддий фаровонлигини яхшилаш ҳақида ўйлагани сингари, содик хизматкор ҳамиша ўзининг Кришна онгидаги ҳолатини яхшилаш ҳақида ўйлаб юриши, бунинг учун у муни бўлиши лозим.

Бундан ташқари Капиладева Худонинг содикларига хилват жойда яшати маслаҳат беради. Оддий одамлар одатда фақат пул ҳақида ўйлаб юрадилар, яъни улар Худонинг содик хизматкорига керак бўлмаган моддий фаровонликка интилиб яшайдилар. Содик хизматкор Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одамлар орасида яшати лозим. Шунинг учун Худонинг содиклари одатда бошқа содиклар ҳам яшайдиган муқаддас саждагоҳларда яшайдилар. Худонинг содик хизматкорига кўплаб дунёвий одамлар тўпланмайдиган жойларда яшати тавсия қилинади. Содик хизматкор учун хилват жойда яшати жуда муҳим(вивикта-шарана). Худонинг содик хизматкорининг навбатдаги фазилати – шатна, хотиржамлик, осойишталик. Худонинг содик хизматкори қаттиқ ҳаяжонланмаслиги керак. У озгина даромад билан қаноатланиши, фақат саломатлигини сақлаб туриш учун етарли миқдорда овқатланиши. Хилват жойда яшати ва ҳамиша хотиржам қолиши

лозим. Кришнани англаш йўлида муваффақият қозониш учун инсоннинг ақли хотиржам бўлиши керак.

Содиқнинг яна бир фазилати маитра, бошқаларга дўстона муносабатда бўлиш. Худонинг содиқ хизматкори ҳаммага дўстона муносабатда бўлиши лозим, аммо унинг яқин дўстлари фақат Худонинг содиқлари бўлиши мумкин. унинг бошқалар билан бўладиган муносабатлари ҳамиша дўстона, ўзаро хурматга асосланган бўлиши лозим. У: “Ҳа жаноб, сиз мутлақо ҳақсиз!” – деб айтиши мумкин, лекин у дунёвий одамлар билан яқин муносабатда бўлмаслиги керак. Лекин содиқ хизматкор атеист бўлмаган, лекин руҳий мавзуларда чуқур илмга эга бўлмаган бегуноҳ одамларга нисбатан ҳамдардлик билдириши лозим. Уларга нисбатан ҳамдардлиги туфайли содиқ кўлидан келганча уларнинг Кришнани англаш йўлида юксалишига ёрдам бериш учун уларга насихат бериши лозим. Худонинг содиқ хизматкори ҳамиша ўзининг руҳий ҳолатини англаб юриши лозим, мазкур шеърдаги атмаван ибораси шуни таъкидлайди. У эсидан чиқармаслиги керакки, биринчи навбатда у ўзининг руҳий юксалиши ҳақида ўйлаши лозим, яъни қалбида Кришна онгини ривожлантиришга интилиши керак, шунинг учун у ўзини танасига ва ақлига қиёслайдиган гофил одамларга ўхшаб ҳаракат қилмаслиги керак. атма ибораси “тана” ёки “ақл” деганни билдиради, лекин мазкур шеърда атмаван ибораси шуни билдирадики, содиқ хизматкор ҳамиша ўзини англаб юриши, яъни аслида у моддий тана ёки ақл эмас, руҳий табиатга эга бўлган жон эканини эсдан чиқармасдан, ҳамиша ўзининг соф онгида қолиши лозим. Шунда у Кришнани англаш йўлида албатта муваффақият қозонади.

Текст 9

Рух ва мода ҳақидаги илмни эгаллагандан кейин содиқ хизматкор шу илм ёрдамида ўзининг нуқтаи-назарини ўткир қилиши лозим. У калтафаҳм одамларга ўхшаб, ўзини танасига қиёслаб, танаси билан боғлиқ нарсаларга боғланиб қолмаслиги керак.

Изоҳ: Шартланган руҳларга ўзини танага қиёслаш ва танани “ўзим” деб аташ, тана билан боғлиқ бўлган ёки унга тегишли бўлган нарсаларнинг ҳаммасини “меники” деб ҳисоблаш ёқади. Санскрит тилида ана шундай тасаввур остида фикрлаш ахам мамата деб аталади, мана шу шартланган ҳаётнинг асосий сабабчиси ҳисобланади. Биз ўзимизни ўраб турган нарсаларнинг ҳаммасида мода билан руҳнинг бирикмасини кўра олишимиз лозим. Модданинг ва руҳнинг табиатини ўрганиб, уларни бир биридан ажрата билишимиз, ўзимизни тана деб эмас, мангу руҳ деб билишимиз лозим. Ана уш илмга эга бўлиб биз ҳаёт ҳақидаги алдамчи, руҳга асосланган тасаввурдан ҳалос бўла оламиз.

Текст 10

Содиқ хизматкор моддий онгининг барча поғоналаридан ўтиб илоҳий поғонага кўтарилиши ва мавжудликнинг бошқа тасаввурларидан юз ўгириши лозим. Шу тарика сохта ўзликдан ҳалос бўлиб, у худди осмонда нур сочиб турган қуёшни кўргандай, ўзининг ҳақиқий “мен”ини кўриши лозим.

Изоҳ: Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган кишининг онги уч турли режимда ҳаракат қилади. Биз сергак юрган пайтимизда онг бир режимда, ухлаётганимизда - бошқа режимда, чуқур уйқуга кетганимизда унинг фаолияти бутунлай бошқача тус олади. Кришна онгига эга бўлиш учун моддий онгининг ана шу уч ҳолатига нисбатан ҳам илоҳий бўлган поғонага кўтарилиш лозим. Бунинг учун биз онгимизни бошқа қиёфаларнинг ҳаммасидан тозалашимиз ва уни Олий Шахс Худо, Кришнада жамлашимиз лозим. Мана шу ҳолат дури-бхутанья-даршанаҳ деб аталади: Кришна онгида баркамолликка эришган киши ҳамма жойда фақат Кришнани кўриб юради. "Чайтанья-чаритамрита"да айтилганки, руҳий баркамолликка эришган кишининг кўзига ҳар хил кўзғалувчан ва кўзғалмас нарсалар кўринади, лекин у теварак атрофидаги нарсаларнинг ҳаммасида Кришнанинг қувватларининг ҳаракати намоён бўлаётганини кўради. Кришнанинг қувватини эслаган заҳоти у Кришнанинг шахсий қиёфасини эслайди. Шунинг учун у ўзини ўраб турган нарсаларнинг ҳаммасида фақат Кришнани кўриб юради. "Брахма-самхита"(5.38)да айтилганки, кўзларига Кришнага муҳаббат малҳами сурилган киши ҳамиша Кришнани кўриб юради. У Кришнани ҳам ўзининг қалбида, ҳам ўзини ўраб турган нарсаларда кўради. Буни мазкур шеър ҳам тасдиқлайди; инсон ҳаёт ҳақидаги бошқа тасаввурларнинг ҳаммасидан воз кечиши керак, шунда у сохта ўзлиги таъсирдан ҳалос бўла олади ва ўзини Парвардигорнинг мангу хизматкори деб ҳисоблай бошлайди. Чакшушеваркам: худди биз қуёшни аниқ кўрганимиз сингари, қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши ҳам Кришнанинг қувватини ва Унинг ўзини кўради. Ана шундай назарга эга бўлган кишини атма-дрк, яъни "руҳий ўзлигини англаб етган киши" деб аталади. ўзини моддий тана билан қиёслашга мажбур қиладиган сохта ўзликдан ҳалос бўлгандан кейин у атрофидаги нарсаларнинг асл моҳиятини тўғри тушуна оладиган бўлади, яъни у ҳамма нарсанинг асл ҳолатини кўра олади. Бунда унинг сезгилари ҳам покланади. Сезгилари поклангандан кейин у Худога хизмат қилишига киришади. Сезгиларнинг фаолиятини тўхтатишга урингандан кўра, сохта ўзликдан ҳалос бўлишга ҳаракат қилиш ҳамда ўзини тана деб ҳисоблашни бас қилиш керак. Шунда сезгилар дарров покланади, пок сезгиларга эга бўлган киши ҳақиқатан ҳам Худога садоқат билан хизмат қилишга қодир бўлади.

Текст 11

Озодликка эришган руҳ Мутлақ Худо Шахсини, ҳатто сохта ўзликда ҳам акс этадиган илоҳий табиатга эга Парвардигорни англаб етади. У ҳамма нарсанинг моддий сабабчиси ҳисобланади ва бутун борликка сингиб кетган. У - мутлақ, ягона Парвардигор, алдамчи қувватнинг кўзи.

Изоҳ: Худонинг асл содиқ хизматкори Олий Шахс Худони барча моддий нарсаларда кўриб юради. Парвардигор уларда фақат акс тасвир сифатида мавжуд, аммо асл содиқ тушунадикки, моддий алданишнинг қоронғу зулматида ягона ёруғлик манбаи – унинг

асосини ташкил этадиган Парвардигордир. "Бхагавад-гита"да айтилганки, бутун моддий олам Парвардигор Шри Кришнада жойлашган, яъни "Брахма-самхита"да айтилганидек, Кришна барча сабабланнинг сабабчиси ҳисобланади. "Брахма-самхита"да айтилганки, гарчи ҳамиша ягона Парвардигор бўлиб қолаверса ҳам, Ўзининг қисман қа тўлиқ намоён бўлган экспансиялари сифатида Парвардигор нафақат мана уш коинотнинг, балки бошқа барча коинотларнинг ичида, борлиқнинг ҳар бир атоми ичида мавжуд. Мазкур шеърда ишлатилган адвайам, яъни "иккинчиси бўлмаган" ибораси шуни билдирадики, гарчи Парвардигор ҳатто энг кичик атомда ҳам мавжуд бўлса ягона ва бўлинмас бўлиб қолаверади. Унинг ҳамма жойда мавжудлиги кейинги шеърда ёзилган.

Текст 12

Гарчи куёшнинг ўзи осмонда жойлашган бўлса ҳам, инсон куёшнинг сув юзидаги аксини ва ана шу акс этиб турган куёшни хонанинг деворида кўриб куёшнинг мавжудлигини ҳис қилиш мумкин бўлгани сингари, Парвардигорнинг мавжудлигини ҳам ҳис қилиш мумкин.

Изоҳ: Бундан ҳам яхшироқ мисол топиш қийин. Куёш ер юзидан жуда узоқда жойлашган, лекин унинг аксини хона ичида турган кўзадаги сув юзида кўриш мумкин. Хона хира ёритилган, куёш узоқ осмонда, лекин унинг кўзадаги сув юзидаги акси хонани ёритади ва ундаги коронғу зулматни тарқатиб юборади. Худонинг асл содиқ хизматкори Олий Шахс Худо Ўзининг қувватида акс этиб. Ҳамма жойда мавжуд эканини англаб этади. "Вишну-пурана"да шундай дейилган: "Худди оловнинг яқинлигини ундан келаётган иссиқлик ва ёруғлик орқали билиш мумкин бўлгани сингари, бўлинмас Парвардигорнинг мавжудлигини ҳам У Ўзининг қувватлари билан бутун борлиққа сингиб кетганидан билиш мумкин". "Ишопанишад" тасдиқлайдики, худди биз, гарчи куёш ердан шунча узоқда осмонда бўлишига қарамай, ҳамма жойда куёш нурини ва унинг аксини ҳамма жойда кўриб юрганимиз сингари, озодликка эришган руҳ ҳамма нарсада Парвардигорнинг мавжудлигини ҳис қилади.

Текст 13

Шу тарика ўзлигини англаб етган руҳ аввалига уч турли эгода, кейин танада, сезгиларда ва ақлда акс этади.

Изоҳ: Шартланган руҳ ўзини тана деб билади, аммо озодликка эришган руҳ биледики: "Мен – тана эмасман, руҳий табиатга эга бўлган жонман". Мана шу "мен" деган тушунча эго, яъни ўзини қиёслаш деб аталади. Инсон "мен танаман" ёки "тана билан боғлиқ бўлган ҳамма нарса меники" деб ўйлаганида, ана шу тасаввурлар сохта ўзликдан келиб чиқади. Лекин, ўзлигини англаб етиб, ўзини Худонинг мангу хизматкори деб ҳисоблаганда, ўзини бундай қиёслаш унинг ҳақиқий эгоси бўлади. Ҳаёт ҳақидаги аввалги тасаввур моддий табиатнинг уч сифати зулмати таъсирида юзага келган: эзулик, эҳтирос ва ғафлат. Иккинчи тасаввур эса шуддха-саттва ёки васудева деб аталадиган соф эзулик поғонасида бўлади. Эгодан халос бўлиш зарурлиги ҳақида гапирар эканмиз, биз

сохта ўзликни назарда тутамиз, чунки бизнинг ҳақиқий эгомиз мангу мавжуд. Тирик мавжудотнинг "мен"и у ўзини нотўғри қиёслаб юрган танаси ва ақлининг булганган қобиллари орқали акс этганида тирик мавжудот шартланган ҳолатда бўлади, аммо ана шу "мен" ҳақиқий эгоси орқали акс этганида, ундай тирик мавжудотни озодликка эришган руҳ деб атайдилар. Шундай қилиб, аввал биз ўзимизнинг онгимизни поклашимиз ва ўзимизни танамиз билан боғлиқ бўлган моддий нарсаларга қиёслашни бас қилишимиз лозим, кейин Парвардигор билан ўзаро муносабатларимизни қайта тиклашимиз керак. Шартланган ҳолатда бўлган тирик мавжудот ўзини ўраб турган нарсаларнинг ҳаммасига ҳиссиётини лаззатлантирадиган зотлар деб қарайди, озодликка эришган руҳ эса ҳамма нарсани Худога садоқат билан хизмат қилиш учун ишлатади. Шунинг учун Кришна онгидаги фаолият доирасида Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши ҳақиқий озодликка эришади. Агар табиатан пок бўлган руҳ моддий поғонада, бўшлиқни англаш ёки шахсиятсиз Браҳман поғонасида бирор нарсани қабул қилса ёки инкор этса, у ўз иши билан шуғулланмай юрган бўлади.

Сатйа-дрик деб аталадиган соф руҳини англаб етиб, инсон бутун борлиқда Олий Шахс Худонинг аксини кўра бошлайди. Буни аниқ мисолда кўриш мумкин. Шартланган руҳ чиройли атир гулни кўрганида унда шу заҳоти шу гулнинг муаттар хидидан лаззатланиш истаги пайдо бўлади. Бу дунёни кўришнинг бир тури. Аммо озодликка эришган зот ана шу гулда Парвардигорнинг аксини кўради, шунинг учун у: "Бу ажойиб гул Парвардигорнинг олий қуввати туфайли пайдо бўлган, шунинг учун у Парвардигорники ҳисобланади ва уни Худога хизмат қилишда ишлатиш керак". Дунёни кўришнинг икки тури мана шундан иборат. Шартланган руҳ гулда ўзига лаззат келтирадиган нарсани кўради, содиқ хизматкор эса, атир гулни кўрганида, қандай қилиб уни Худога садоқат билан хизмат қилишда ишлатиш мумкинлиги ҳақида ўйлайди. Худди шундай, Парвардигорнинг аксини инсон ўзининг сезгиларида, ақлида ва танасида – ҳамма нарсада кўриш мумкин. Ҳаёт ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлган киши ҳамма нарсани Худога садоқат билан хизмат қилишда ишлата олади. "Бхакти-расамрита-синдху"да айтилганки, ҳамма нарсани: ўзининг ҳаёт қувватини, бойлигини, тафаккурини ва нутқини – Худога хизмат қилишда ишлатадиган ёки буларнинг ҳаммасини Худога хизмат қилишда ишлатишни истайдиган киши, ҳозир қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар озодликка эришган зот(сатйа дрик) ҳисобланади. Ана шундай одам ҳақиқатни англаб етган бўлади.

Текст 14

Гарчи содиқ хизматкор беш моддий унсурга, моддий лаззат келтирадиган нарсаларга, моддий ҳиссиётга, моддий ақл ва тафаккурга ғарқ бўлгандай кўринса ҳам, барибир уни уйқудан уйғонган ва сохта ўзликдан халос бўлган деб ҳисоблаш лозим.

Изоҳ: "Бхакти-расамрита-синдху"да Рупа Госвами ҳатто моддий тана ичида яшаб туриб ҳам қандай қилиб руҳий озодликка чиқиш мумкинлигини тушунтиради,

мазкур шеърда бу яна ҳам батафсилроқ ёритилган. Озодликка эришган тирик мавжудот(сатйа-дрик), яъни Олий Шахс Худо билан ўзаро муносабатларини англаб етган тирик мавжудот сиртдан қараганда беш моддий унсурга, беш моддий сезгига, ўн туйғуга, ақл ва тафаккурга ғарқ бўлгандай кўриниши мумкин, аммо, шунга қарамай, барибир уни уйқудан уйғонган ва сохта ўзлик таъсири остидан чиққан деб ҳисоблаш лозим. Мазкур шеърда ишлатилган лина ибораси муҳим аҳамиятга эга. Майявади-файласуфлар Браҳманинг шахсиятсиз нурига ғарқ бўлишга интиладилар, ана шу уларнинг охирги мақсади ва охирги манзили. Мазкур шеърда Браҳманга ғарқ бўлиш ҳақида айтилган. Лекин, тирик мавжудот руҳий ёки моддий табиатга ғарқ бўлганда ҳам барибир ўзининг алоҳида шахс сифатини сақлаб қолаверади. Жива Госвами буни дарахт шохасига кўнадиган яшил рангли қуш мисолида тушунтиради: яшил баргларга қўшилиб кетгандай бўлса ҳам, барибир у ўзининг алоҳида мавжудлигини сақлаб қолаверади. Худди шундай, руҳий ёки моддий табиатга ғарқ бўлиб, тирик мавжудот ўзининг алоҳида мавжудлигини сақлаб қолади. Лекин тирик мавжудот ўзининг ҳақиқий алоҳида мавжудлигига ўзини Парвардигорнинг мангу хизматкори сифатида англаб етганида эга бўлади. Бу ҳақиқат Парвардигор Чайтаньянинг оғзидан чиққан эди. Санатана Госвамийнинг саволларига жавоб берар экан, У очик-ойдин аниқ айтдики, тирик мавжудот Кришнанинг мангу хизматкори ҳисобланади. "Бҳагавад-гита"да Парвардигор Шри Кришна ҳам тасдиқлайдики, тирик мавжудот Унинг мангу ажралмас бир қисми. Қисмнинг вазифаси – бутунга хизмат қилиш. Унинг алоҳидалиги мана шундан иборат. Бу қоида ҳатто гўё тирик мавжудот моддага ғарқ бўлгандай кўринадиган моддий оламда ҳам ўринли. Тирик мавжудотнинг кўпол танаси беш унсурдан иборат, унинг нафис танаси эса, ақл, тафаккур, сохта ўзлик ва булганган ондан иборат. У беш ҳаракатланувчи ва беш сезувчи сезгиларга эга. Тирик мавжудот шу тарзда моддага ғарқ бўлган. Аммо, ҳатто йигирма тўрт моддий унсурга ғарқ бўлганда ҳам тирик мавжудот ўзининг Парвардигорнинг мангу хизматкори ҳолатини сақлаб қола олади. Худонинг ана шундай содиқ хизматкори қаерда бўлса ҳам - руҳий оламда, моддий оламда – уни озодликка эришга руҳ деб ҳисоблаш керак. Ишонарли мўътабар зотларнинг фикри шундай, бу мазкур шеърда ҳам тасдиқланади.

Текст 15

Тирик мавжудот ўзининг кузатувчи эканини аниқ сеза олади, лекин, чуқур уйқуда пайтида унинг эгоси йўқолгани сабабли, у худди катта бойлигини йўқотган киши “энди тамом бўлдим” деб тушкунликка тушгани сингари, адашганидан ўзимни йўқотдим деб ўйлайди.

Изоҳ: Фақат ўзининг ғофиллиги сабабли тирик мавжудот ўзини бутунлай йўқотиш мумкин деб ўйлайди. Ҳақиқатни англаб етиш жараёнида тирик мавжудот мангу ҳаётга эришиб, ўзининг ўрнига қайтганида у ҳеч қачон ўзини йўқота олмаслигини тушунади. Мазкур шеърда бу жуда ўринли мисолда тушунтирилган: нашта-витта иватурах. Катта бойлигини йўқотиб қўйган киши “энди тамом

бўлдим!” – деб ўйлаши мумкин, лекин аслида у эмас, шунчали унинг пуллари йўқолган. Лекин, пул ҳақидаги фикрларга ғарқ бўлган, яъни ўзини пулга қиёслаб юрган киши ўзини йўқотдим деб ўйлайди. Худди шундай биз адашиб ўзимизни бизнинг фаолият майдонимиз бўлган моддага қиёслаб юрганда биз ўзимизни йўқотгандай бўламиз, лекин аслида бундай эмас. Инсоннинг қалбида мангу илм пайдо бўлиб, ўзини Худонинг мангу хизматкори сифатида англаб етганида, у ўзининг табиий ҳолатига қайтади. Тирик мавжудот ҳеч қачон бутунлай йўқолиб кетмайди. Чуқур уйқуга кетганда инсон ўзини бутунлай эсдан чиқариб қўяди, шунда у ўзини худди бошқа бировга айланиб қолгандай сезади ёки бутунлай йўқ бўлиб кетгандай бўлади, лекин аслида унинг алоҳида “мен”и ўзгармай қолаверади. Мана шу сохта ўзлик инсонни ўзини бутунлаё йўқолиб кетгандай ҳис қилишга мажбур қилади, токи у ўзини худонинг мангу хизматкори сифатида англаб етмагунча ана шундай ҳолатда қолаверади. Майявади-файласуфларнинг Парвардигор билан қўшилиб кетиш ғояси – сохта ўзлик таъсири остида ўзини йўқотишга яна бир мисол. Инсон ҳатто ўзини Худо деб эълон қилса ҳам, бу хали у ҳақиқатан ҳам Худо бўлди дегани эмас. Мана шу майянинг тирик мавжудотнинг руҳий юксалиш йўлида қўядиган охирги тузоғи ҳисобланади. Ўзини Худога тенг деб ҳисобдиган ёки ўзини Олий Шахс Худо деб биладиган одамлар ҳам сохта ўзлик таъсири остида юрган бўладилар.

Текст 16

Инсон ҳақиқий илмга эга бўлиб, ўзининг ҳақиқий “мен”ини англаб етганида, унга сохта ўзлик таъсирига берилиб қандай ҳолатга тушиб қолгани аён бўлади.

Изоҳ: Майявади-файласуфлар айтадиларки, тирик мавжудотлар охир-оқибатда ўзларининг алоҳида мавжудлигини йўқотадилар, ҳамма бирга қўшилиб кетади, биладиган зот, билиш керак бўлган нарса ва илм орасида фарқ қолмайди. Лекин, бундай фикрни чуқур таҳлил қилиб, унинг ҳеч қандай асоссиз эканини англаб етамиз. Тирик мавжудот ҳатто уч жиҳат: билувчи, билиш керак бўлган зот ва илм бирга қўшилиб кетади деб ўйлаганда ҳам ҳамиша ўзининг алоҳида мавжудлигини сақлаб қолади. Ана шу уч жиҳатнинг қўшилиб кетиши ҳақидаги тасаввурнинг ўзи ҳам илмнинг бир шакли ҳисобланади, агар илмни қабул қиладиган зот мавжуд бўлишда давом этаверадиган бўлса, қандай қилиб билувчи, у биландиган нарса ва илм бирга қўшилиб кетиши ҳақида гап бўлиши мумкин? Илмга эга бўладиган алоҳида руҳ ҳамиша алоҳида мавжуд руҳ бўлиб қолаверади. У ўзининг алоҳидалигини моддий оламда ҳам, руҳий оламда ҳам сақлаб қолаверади; руҳий ва моддий оламда мавжудликнинг бир биридан фақат ўзини қиёслашнинг шакли билан фарқ қилади. Ўзини моддага қиёслашни сохта ўзлик келтириб чиқаради, адашганидан ўзини моддага қиёслаб юрган тирик мавжудот ҳаёт ҳақида тўғри тасаввурга эга бўла олмайди. Мана шу шартланган ҳолатда бўлишнинг асосий қоидаси. Худди шундай, сохта ўзлик покланганида инсон ҳаёт ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлади. Шу тариқа у озодликка эришади.

“Ишопанишад”да айтилганки, бутун борлик Парвардигорнинг мулки: ишавасйам идам сарвам. Ҳамма нарса Парвардигорнинг қувватидан жой олган. Буни “Бхагавад-гита” ҳам тасдиқлайди. Бутун борликни Парвардигорнинг қуввати яратгани ва бутун борлик Унинг қувватида жойлашгани туфайли Парвардигорнинг қуввати унинг Ўзидан фарқ қилмайди, лекин шунга қарамай Парвардигор Шри Кришна: “Мен унда эмасман” – дейди. Ўзининг ҳақиқий табиатини англаб етган тирик мавжудотга бутун борлиқнинг табиати очилади. Ҳаёт ҳақида сохта ўзликка асосланган тасаввурга эга бўлиш тирик мавжудотни шартланган ҳолатга солиб қўяди, ҳаёт ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш эса, уни озодликка чиқаради. Бу ерда аввалги шеърда келтирилган мисолни эслаш жуда ўринли бўлади: инсоннинг бутун фикру-хаёли пулга жамланган бўлса, у пуллари йўқотганда ўзим тамом бўлдим деб ўйлайди. Лекин аслида у пуллардан фарқ қилади, пуллар ҳам уники эмас. Биз ўзимизнинг ҳақиқий ҳолатимизни англаб етганимизда тушунамизки, бойликлар аслида бирор шартланган руҳ ёки тирик мавжудотники эмас, уларни инсон дунёга келтиргани йўқ. Охир-оқибатда барча бойликлар Парвардигорнинг мулкидир, шунинг учун улар йўқолиши мумкин эмас. Лекин, токи инсон адашганидан ўзини лаззатланувчи ёки Худо деб ҳисоблар экан, у ҳаёт ҳақидаги алдамчи тасаввурнинг қули бўлиб шартланган ҳолатда яшаб қолаверади. Лекин, тирик мавжудот сохта ўзликдан халос бўлган заҳоти озодликка эришади. “Шримад Бхагаватам”да айтилганидек, мукти, озодлик деб, тирик мавжудотнинг ўзининг азалий ҳолатига қайтишини айтадилар.

Текст 17

Шри Девахути деди: Эй азиз браҳман, моддий табиат шартланган руҳни эркин қўйиб юбориши мумкинми? Агар улар бир бири билан мангу боғланган бўлса, уларни қандай ажратиш мумкин?

Изоҳ: Мазкур шеърда Капиладеванинг онаси Девахути ўзининг биринчи саволини бeryпти. Ҳатто тирик мавжудот илоҳий табиатга эга бўлган руҳ моддадан фарқ қилишини англаб етса ҳам, на фалсафий изланишлар ёрдамида, на унсурларнинг асл табиатини англаб етиш орқали уларни бир биридан ажратиш мумкин эмас. Руҳ Парвардигорнинг оралиқ қуввати ҳисобланади, модда эса Унинг ташқи қуввати. Қандайдир сабаблар билан мана шу икки қувват бир бирига қўшилган, энди уларни бир биридан ажратиш жуда қийин бўлади. Шундай экан, қандай қилиб алоҳида руҳ озодликка эришиши мумкин? Руҳ танани тарқ этиб кетганида тана ўзидан ўзи йўқолиб кетишига ишонч ҳосил қилиш осон, лекин танадан ажралган руҳнинг мавжудлигини сезишнинг иложи йўқ. фақат тана билан руҳ бирга бўлган пайтдагина ҳаёт давом этишини кузатиш мумкин. аммо, тана билан руҳ бир биридан ажралган заҳоти улар мавжудликнинг намоён бўлмаган ҳолатига ўтадилар. Девахутининг Капиладевага берган саволида бўшлиқ фалсафасининг таъсири сезилиб турибди. Ана шу фалсафа издошлари айтадиларки, онг моддий унсурларнинг ўзаро бирикиши натижасида юзага келади, онг кетганида моддий асос ҳам яқсон бўлади, шунинг учун оқибат-

натижада бўшлиқдан бошқа нарса йўқ. Майявадилар фалсафасида онг мавжуд бўлмаган ана шундай ҳолат нирвана деб аталади.

Текст 18

Худди ернинг хиди ерсиз, сувнинг таъми - сувсиз мавжуд бўла олмагани сингари, тафаккур ҳам онгдан ажралган ҳолда алоҳида мавжуд бўла олмайди.

Изоҳ: Мазкур шеърда келтирилган мисолнинг маъноси шундан иборатки, ҳамма моддий нарсаларнинг хиди бўлади - гулнинг, ернинг, бир сўз билан айтганда ҳамма нарсанинг ўз хиди бўлади. Агар моддадан унинг хидини ажратиш олесак, моддани модда деб бўлмайди. Худди ҳарорати бўлмаган олов олов ҳисобланмагани сингари, таъмини йўқотган сув энди сув бўлмай қолади. Худди шундай руҳ тафаккурдан ажралган ҳолда алоҳида мавжуд бўла олмайди.

Текст 19

Ҳатто тирик мавжудот ҳамма ҳаракатларнинг шунчаки султ бажарувчиси бўлса ҳам, агар руҳ уни боғлаб турган моддий табиатнинг таъсири остида бўлса, руҳ қандай қилиб озодликка чиқа олади?

Изоҳ: Ҳатто агар тирик мавжудот моддий иллатдан покланишга ва моддий тутқунликдан қутулишга интилса ҳам, унинг озодликка эришиш осон бўлмайди. аслини олганда тирик мавжудот моддий табиат гуналари ҳукми остига тушиб қолган заҳоти ана шу гуналар унинг қандай ҳаракат қилишини белгилаб қўядилар, тирик мавжудотнинг ўзи эса уларнинг амрини бажарадиган султ ҳолатга тушиб қолади. Бу ҳақда “Бхагавад-гита”да айтилган: пракритех крийаманани гунаих – тирик мавжудот ўзига таъсир қилаётган сифатлар, яъни моддий табиат гуналарига мос равишда ҳаракат қилади. Унга худди ўзи ҳаракат қилаётгандай бўлиб туюлади, лекин аслида у, бахтга қарши, шунчаки султ бўйсунувчи ҳолатга тушиб қолади. Бошқача қилиб айтганда, тирик мавжудот моддий табиат гуналари таъсири остидан чиқиш имкониятидан маҳрум, чунки аллақачон улар билан шартланиб қолган. “Бхагавад-гита”да ҳам айтилганки, моддий табиат чангалидан қутулиш жуда мушкул. Бутун борлик – бўшлиқ, Худо йўқ, ҳатто борлиқнинг мавжудлигига руҳ сабабчи бўлса ҳам, руҳ шахсиятсиз эканига ишонч ҳосил қилишга уриниб кўриш мумкин. Истаганча таълимотларни ўйлаб топиш мумкин, лекин моддий табиат чангалидан ҳақиқатан ҳам қутулиб кетиш жуда мушкул. Девахути айтадики, инсон истаганча фалсафага берилиши мумкин, лекин агар уни моддий табиат алдаб, боғлаб қўйган бўлса, қандай қилиб у озодликка чиқа олади? “Бхагавад-гита”(7.14)да бунга шундай жавоб берилган: Майя чангалидан фақат ўз ихтиёрини Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига топширган кишигина озодликка чиқа олади(мам эва йе прападйанте).

Девахути аста-секин ўз ихтиёрини Худога топшириш зарурлигини англашга яқинлашяпти, шунинг учун ўғлига жуда чуқур маъноли саволларни бeryпти. Моддий тутқунликдан қандай қилиб озодликка чиқиш мумкин? Оёқ-қўллари моддий гуналар билан боғланган киши қандай қилиб руҳий мавжудликнинг соф ҳолатига

эриша олади. Мурукаба билан шуғулланиб юрган кишиларнинг ҳаммаси мана шу ҳақда ўйлаб кўришлари лозим. “Мен – Олий Рухман. Мен моддий табиатнинг фаолиятини бошқариб турибман. Менинг амримга бўйсуниб куёш осмонда ҳаракат қилади, Ой чиқади” – деб ўйлаб юрган сохта йоглар топилиб қолади. Улар ўйлайдиларки, шундай деб ўйлаб юрсалар ёки шу тарика мурукабага берилиб юрсалар, алар озодликка чиқадилар, лекин ана шундай мурукаба машқи тугаган заҳоти улар яна моддий табиат гуналари чангалига тушадилар. Ўзларининг ана шундай бемаъни мурукаба машқини тамомлашга улгурмасдан бечора йог чанқоғини босиш учун сув ичишни ёки сигарета чекишни истаб қолади. У бутунлай моддий табиат хукми сотида, лекин шунга қарамай, ўзини майя чангалидан озодликка чиққан деб ҳисоблайди. Девахути бу саволни ҳеч қандай асоссиз равишда “бутун борлик – менман” охир-оқибатда ҳамма нарса - шунчаки бўшлиқ, аслида ҳеч қандай гуноҳ ҳам, савоб ҳам йўқ нарса - деб ҳисоблайдилар одамлар учун беряпти. Аслини олганда тирик мавжудот токи "Бхагавад-гита"нинг кўрсатмасига асосан ўз ихтиёрини Худога топширмагунча моддий табиат чангадан кутулиб озодликка эриша олмайди.

Текст 20

Ҳатто тирикликнинг асосий қонун-қоидалари ҳақида фикр-мулоҳазага берилиш инсонни қандайдир вақт мобайнида моддий тутқунлик даҳшатидан халос этса ҳам, барибир у яна тутқунлик чангалига тушиши мумкин, чунки ана шу тутқунликнинг сабаби ҳали йўқолмаган ҳисобланади.

Изоҳ: Моддий тутқунликнинг сабабчиси тирик мавжудотни моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилишга мажбур қиладиган сохта ўзлик ҳисобланади, натижада у модда чангалига тушиб қолади. "Бхагавад-гита"(7.27)да шундай дейилган: иччха-двеша-самуттхена. Тирик мавжудот ўзининг табиатига кўра икки нарсага интилади. Улардан биттаси – иччха, моддий табиатга ҳукмронлик қилиш, яъни Парвардигор сингари буюк бўлишга интилиш. Ҳар биримиз моддий оламдаги энг буюк инсон бўлишга интиламиз. Двеша ибораси “ҳасад” деган маънони билдиради. Тирик мавжудот Кришнага, Олий Шахс Худога ҳасад қила бошлаганда шундай деб ўйлайди: “Нимага энди Кришна ҳамма нарса бўлиши керак экан? Мен ҳам Кришнадан кам эмасман” Мана шу икки туйғу – Худо бўлиш истаги ва Худога ҳасад қилиш – моддий оламда тутқун бўлиб қолишнинг бошланғич сабаби ҳисобланади. Токи файласуфда, имперсоналистда ёки буддистда Худо бўлиш, ўзи ҳамма нарса бўлиш ёки ягона Парвардигорнинг мавжудлигини инкор этиш истаги сақланиб қолар экан, унинг моддий оламда тутқун бўлиб қолиш сабаби ҳам сақланиб қолаверади, шунинг учун ҳеч қандай озодлик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Девахути жуда чуқур фикр юритяпти: “Моддий табиатни назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, инсон ўзича бу илм уни озодликка чиқарди деб ўйлаши мумкин, лекин аслида, токи моддий оламда тутқун бўлиб юришнинг сабаби бор экан, у озодликка эриша олмайди”. "Бхагавад-гита" тасдиқлайдики, ҳақиқатни

фалсафий излашга сарфланган жуда кўп умрлардан кейин инсон ўзининг бошланғич онгига эга бўлиши ва ўз ихтиёрини Худога, Кришнага топшириши мумкин, фақат шундагина у ҳақиқатан ҳам изланишларининг натижасига эришади. Моддий олам тутқунлигидан назарий жиҳатдан озод бўлиш билан амалда озодликка чиқиш бир биридан осмон билан ерча фарқ қилади. "Шримад Бхагаватам"(10.14.4)да айтилганки, саодатли Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлини инкор этиб, фалсафий изланишлар орқали илм эгаллашга уриниш билан инсон шунчаки ўзининг бебаҳо вақтини бекорга кетказди(клишйанти йе кевала-бодха-лабдхайе). Бу йўлда қилинган машаққатли меҳнатнинг натижаси фақат бекорга тўқилган терлар бўлади, холос. Ҳақиқатни фалсафий йўл билан излашдан инсон қаттиқ чарчашдан бошқа нарсага эриша олмайди. "Шримад Бхагаватам"да бундай бемаъни уринишни шолининг пўчоғидан гуруч олишга уринишга ўхшатадилар. Фалсафий изланишлар ёрдамида Ҳақиқатни топишга уриниш ҳам шундай бемаъни, бу йўл бизни моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқара олмайди, чунки бу йўл тутқунлик сабабини йўқота олмайди. Фақат сабабни яқсон қилиши орқали оқибатни йўқотиш мумкин. Парвардигор буни кейинги шеърларда тушунтиради.

Текст 21

Олий Шахс Худо деди: Инсон агар жиддий равишда Худога садоқат билан хизмат қилиб юрса, узоқ вақт давомида Мен ҳақимдаги ҳикояларни тинглаб юрса ва Менинг гапларимга қулоқ солиб юрса озодликка эришади. Шу тарика ўз бурчини бажариб юрган киши ўз фаолиятининг карма оқибатларидан озодликка чиқади ва моддий иллатлардан покланади.

Изоҳ: Мазкур шеърни изоҳлар экан, Шриддхара Свами тушунтирадики, моддий табиат билан аралашининг ўзи ҳали тирик мавжудотни шартланган ҳолатга солиб қўймайди. Тирик мавжудот моддий табиат гуналари таъсирига берилгандан кейин унинг шартланган ҳаёти бошланади. Агар инсон полициячилар билан алоқа қилиб юрган бўлса, бу ҳали унинг жиноятчи эканини исботламайди. Гарчи полиция ҳаммаша мавжуд бўлса ҳам, инсон токи бирор жиноят қилмагунча жазо олмайди. Худди шундай, гарчи озод руҳ моддий табиат салтанатида юрган бўлса ҳам, у ўзида моддий табиат таъсирини ҳис қилмайди. Парвардигорнинг Ўзи ҳам моддий оламга келганда моддий табиат билан аралашади, лекин унинг таъсирини Ўзида ҳис қилмайди. Биз шундай ҳаракат қилишимиз лозимки, ҳатто моддий табиат салтанатида яшаб юрганда ҳам бизга унинг салбий таъсири билинмасин. Гарчи нилуфар гули сувда ўсса ҳам, у сув билан аралашмайди, унга сув юкмайди. Инсон ҳам бу дунёда худди шундай яшаши лозим, бу ерда Парвардигор Капиладева айнан шу ҳақда айтяпти.

Бу дунёдаги барча бахтсизлик ва мусибатлардан халос бўлиш учун инсон жиддий равишда Худога садоқат билан хизмат қилиб юрса, бас. Бу ерда Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирган киши қандай қилиб аста-секин рухий баркамолликка эришиши ҳақида айтилган. Аввалига у ақлини поклаши ва соф онг билан

ўз бурчини бажариб яшаши лозим. Соф онг – Кришна онги. Шундай қилиб, инсон ўз бурчини Кришна онгида бажариши лозим. Ўз фаолиятини ўзгартириб юришга зарурат йўқ, шунчаки Кришна онгида ҳаракат қилиш керак. Ўз бурчини Кришна онгида бажарар экан, инсон шуни аниқлаб олиши лозим: унинг касби, қилиб юрган иши Кришнани, Олий Шахс Худони мамнун қиладими? "Шримад Бхагаватам"нинг бошқа бир шеърда шундай дейилган: свануштхитасйа дхармасйа самсиддхир хари-тошанам – ҳар бир инсон бажариши шарт бўлган ўз бурчи бор, лекин унинг фаолияти қачон Олий Шахс Худо, Парвардигор Харини мамнун қилсагина мукаммал даражага етади. Масалан, Аржуннинг фаолияти жанг қилишдан иборат эди, унинг ўз бурчини қай даражада комил бажаргани унинг қай даражада Кришнани мамнун қилгани билан ўлчанади. Кришна унинг жангда иштирок этишини истаган эди, Худони мамнун қилиш учун жангда қатнашиб, Аржун ўзининг ҳам жамиятдаги, ҳам диний бурчини мукаммал бажарди. Аксинча, Кришнанинг истагига қарши чиқиб, Аржун жанг қилишдан бош тортганида унинг ҳаракати мукаммал эмас эди.

Ўзининг ҳаётини комил даражага етказишни ситаган киши ўз бурчини Кришнани мамнун қилиш учун бажариши лозим. Инсон Кришна онгида ҳаракат қилиши лозим, чунки бундай фаолият карма оқибатларига сабаб бўлмайди. Бу "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланади: йаджнартхат карmano нйатра – қилаётган ишларимизнинг ҳаммасини биз Ягья учун, яъни Вишнуни мамнун қилиш ниятида қилишимиз лозим. Вишнуга, яъни Ягьяга мамнуият келтирмайдиган амаллар тирик мавжудотни моддий оламга тутқун қилиб кўяди, мазкур шеърда Капила Муни ҳам айтяптики, Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиш, яъни жиддий равишда Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали инсон моддий олам тутқунлигидан озодликка эриша олади. фақа узоқ вақт давомида Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаб юрган киши Худога садоқат билан хизмат қилишга жиддий муносабатда бўлиши мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилиш тинглаш ва такрорлашдан бошланади. Худонинг содиқлари билан учрашиб туриш, уларнинг оғздан Парвардигорнинг бу дунёга келиши, кўрсатган қароматлари, кетиши, берган насихатлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаши лозим.

Шрути, яъни муқаддас китобларнинг икки тури мавжуд. Уларнинг баъзиларини Парвардигорнинг Ўзи айтган, бошқалари эса Парвардигор ва Унинг содиқлари ҳақида ҳикоя қилади. Муқаддас китобларнинг биринчи тоифасига "Бхагавад-гита" мансуб, иккинчи тоифасига – "Шримад Бхагаватам". Худога садоқат билан хизмат қилишга жиддий муносабатни ривожлантириш учун ана шу асарларни ишончли одамлардан такрор ва такрор тинглаш лозим. Шу тарзда Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши майянинг иллатли таъсиридан озод бўлади. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаш инсон қалбини моддий табиат гуналари таъсири остида пайдо бўладиган барча иллатлардан поклайди. Мана шу муқаддас китобларни мунгазам равишда тинглаб юриш орқали инсон моддий табиатдан лаззатланиш ва унга ҳукмронлик қилишга интилиш кўринишида намоён бўладиган шахвоний

эҳтирос ва очкўзлик иллатларининг салбий таъсиридан халос бўлади. Очкўзлик ва шахвоний эҳтиросдан халос бўлган киши эса, эзгулик гунасида мустаҳкам туриб олади ва Брахманни, яъни руҳий ўзилигини англаш поғонасига кўтарилади. Шундай қилиб, инсон илоҳий поғонага кўтарилади. Илоҳий поғонага кўтарилиш – моддий олам тутқунлигидан озодликка эришиш деганидир.

Текст 22

Худога садоқатли хизмат қилиш билан мукаммал илм ҳамда илоҳий назар билан қуролланган ҳолда сўнмас қатият билан шуғулланиш лозим. Содиқ хизматкор моддий нарсаларни сўзсиз тарқ қилиши, риёзат чекиши ҳамда қалбига бутунлай ғарқ бўлиш учун сеҳрли йога билан шуғулланиши лозим.

Изоҳ: Кришна онгида Худога садоқатли хизмат қилиш билан кўр-кўрона, моддий ҳис-туйғуларга асосланиб ёки ўз билганича шуғулланмаслик керак. Бу ерда алоҳида таъкидлаб айтилганки, Худога садоқатли хизмат қилиш билан Мутлақ Ҳақиқатни кўрадиган кишига очиладиган мукаммал илм қуролланган ҳолда шуғулланиш лозим. Мутлақ Ҳақиқатни англаб етиш учун инсон уни таркидунё қилишга олиб кетадиган илоҳий илмга эга бўлиши керак. Илмга асосланган таркидунёлик вақтинчалик ёки сунъий таркидунёлик бўлмайди, лекин жуда қудратли кучга эга бўлади. Инсон қалбида Кришна онги ривожлана борган сари шунга мос равишда унда моддий нарсалардан таркидунёлик туйғуси, яъни твайрагья ривожлана боради. Агар инсон моддий лаззатлардан воз кеча олмайган бўлса, демак, у Кришнани англаш йўлида ривожлана олмайган бўлади. Кришна онгига эга бўлган киши қалбида шундай таркидунёликни ривожлантирадики, алдамчи қувватнинг ҳеч қандай жилвалари уни Худога садоқат билан хизмат қилишдан чалғита олмайди. Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни ўз ичига риёзат чекиш(тапасья)ни ҳам олади. Ҳар ойда икки марта, тўлишаётган ва камайиб бораётган ойнинг экадаши кунларида келадиган экадаши кунлари, шунингдек Парвардигор Шри Кришна, Парвардигор Рамачандра ва Чайтаня Махапрабхунинг бу дунёга келган кунлари Худонинг содиқлари оч юриб рўза тутадилар. Йил давомида бунга ўхшаш риёзат чекадиган кунлар анчагина. Йогена ибораси “ақли ва сезгиларини жиловлаб” деган маънони билдиради. Йога индрийа-самйамаҳ.Йогена шуни билдирадики, содиқ хизматкор бутунлай ўзининг қалбига, ички дунёсига ғарқ бўлган ва ўзини англаб етиш жараёнида у Олий Рух билан ўзаро мангу муносабатларинианглаб етади. Шундай қилиб, инсон аста-секин Худога садоқат билан хизмат қилишда мустаҳкам туриб олади, унинг имони шу қадар мустаҳкам бўладики, ҳеч қандай моддий нарсалар унинг имонига путур етказа олмайди.

Текст 23

Моддий табиат таъсири остига тушиб қолган тирик мавжудот худди олов ичига тушиб қолгандай бўлади. Лекин, худди бир бирига ишқалаб олов чиқариладиган ёғочлар шу оловнинг ўзида ёниб кетгани сингари,

Худога садоқатли хизмат қилиш билан жиддий шуғулланиб, у мана шу таъсирдан халос бўла олади.

Изоҳ: Аслида олов азалдан ўтин таркибида мавжуд. Кулай шароит юзага келганида у ўзидан ўзи ёна бошлайди, агар уни қўллаб турилса, оловни юзага келтирган ўтинлар шу оловда ёниб кетадилар. Худди шундай, моддий олам қамоқхонасига тушиб қолган тирик мавжудотнинг шартланиб қолишига сабаб унинг моддий табиатга ҳукмронлик қилиш истаги ҳамда Парвардигорга нисбатан бўлган ҳасад туйғусидир. Шундай қилиб, унинг асосий иллатлари шундан иборатки, у Парвардигор билан қўшилиб кетишга интилади ёки моддий табиатга ҳукмронлик қилишни истади. Кармилар моддий табиат бойлиқларидан фойдаланишни ва шу тарзда уни ўзларига бўйсундириб, ундан лаззатланадилар, моддий лаззатланишдан ҳафсаласи пир бўлган ва озодликка чиқишга интилиб юрган гъанилар эса – Олий Шахс Худо билан қўшилиб кетишни ёки шахсиятсиз Браҳманнинг нурига ғарқ бўлишни истадилар. Бу икки иллатнинг сабабчиси ҳам моддий булғаниш ҳисобланади. Ундан фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида покланиш мумкин, чунки Худога садоқат билан хизмат қилишда бу икки иллат: моддий табиат устадан ҳукмронлик қилиш ва Парвардигор билан қўшилиб кетиш – шунчаки мавжуд эмас. Шу тариқа Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиш олови моддий тирикчилик сабабини яқсон қилади.

Бир қараганда Кришна онгига ғарқ бўлган содиқ хизматкор буюк кармига ўхшаб кўриниши мумкин, чунки у хамиша қандайдир фаолият билан машғул бўлиб юради, лекин содиқ хизматкорнинг амалларининг ички маъноси шундан иборатки, унинг барча ҳаракатлари Парвардигорни мамнун қилишга қаратилган. Ана шундай фаолият бхакти, Худога садоқат билан хизмат қилиш деб аталади. Аржун жангчи эди, лекин, жанг қилиш билан у Парвардигор Шри Кришнанинг ҳиссиётини лаззатлантирди, шу тариқа у Кришнанинг содиқ хизматкори бўлди. Худонинг содиқлари Парвардигорни англаб етиш учун фалсафани ўрганганлари туфайли, уларнинг фаолияти ҳам гъаниларнинг фаолиятига ўхшаб кўриниши мумкин, лекин аслида улар руғий табиатни ва илоҳий фаолиятни англаб етишга интиладилар. Шундай қилиб, гарчи Худога садоқат билан хизмат қилиш таркибида фалсафа билан шуғулланишга интилиш ҳам мавжуд бўлишига қарамай, унда кармали фаолиятнинг ҳамда эмпирик фалсафанинг моддий оқибатлари бўлмайди, чунки Худога садоқат билан хизмат қилиш доирасидаги фаолият Олий Шахс Худони мамнун қилиш учун мўлжалланган.

Текст 24

Ўзининг моддий табиат устидан ҳукмронлик қилиш истагининг бемаъни эканини англаб, ундан воз кечгандан кейин, тирик мавжудот мустақилликка эришади ва ўзининг тўла улуғворлигида намоён бўлади.

Изоҳ: Тирик мавжудот моддий бойлиқлардан амалда фойдалана олмагани учун унинг моддий табиат устидан ҳукмронлик ўрнатишга бўлган уринишларининг ҳаммаси охир-оқибатда омадсизлик билан тугайди.

Унинг умидлари пучга чиқиши шунга олиб келадики, унда оддий тирик мавжудотлардан кудратлироқ бўлиш истаги пайдо бўлади, шунинг учун уни келажақда олий лаззатланувчининг борлиғига қўшилиб кетиш истаги ўзига жалб қила бошлайди. Шу тариқа унинг ақлида унга яна ҳам кўпроқ лаззатланиш имконини берадиган режалар шакллана бошлайди.

Аслида эса, тирик мавжудот фақат Парвардигорга соф садоқат билан хизмат қилиш поғонасига эришганидагина ҳақиқий мустақилликка эришади. Калтафаҳм одамлар Парвардигорнинг мангу хизматкори бўлиш нима эканини тушуна олмадилар. “Хизматкор” иборасининг ўзи уларни саросимага солиб кўяди; улар Худога садоқат билан хизмат қилиш билан моддий оламдаги хизмат қилиш орасида ҳеч қандай умумийлик йўқ эканини улар тушунмадилар. Худонинг содиқ хизматкори бўлиш – энг буюк мартабага эга бўлиш демакдир. Мана шуни тушунган ва ўзининг Парвардигорнинг мангу хизматкори ҳолатига қайта олган киши ҳақиқий мустақилликка эришади. Модда билан аралашиб тирик мавжудот ўзининг мустақиллигидан маҳрум бўлади. Рухий оламда барча тирик мавжудотлар тўла мустақилликка эга, шунинг учун у жойда уларга моддий табиат гуналари мутлақо таъсир қилмайди. Содиқ хизматкор ана шундай ҳолатга эришади ва ўзининг моддий лаззатларга интилиш истаги бемаъни эканини англаб етиб, моддий истаклардан халос бўлади.

Худонинг содиқ хизматкори ва имперсоналист орасидаги фарқ шундан иборатки, имперсоналист ҳеч қандай қаршиликка учрамасдан лаззатланиш учун Парвардигорнинг борлиғига қўшилиб кетишга интилади, содиқ хизматкор эса ҳатто лаззатланиш ҳақидаги фикрдан ҳам воз кечиб, Парвардигорга мухаббат билан хизмат қилади. Мана шу ҳар бир тирик мавжудотнинг табиий ҳолати ҳисобланади, ана шу ҳолатга етганда у ўзининг аввалги улуғвор ҳолатини қайта тиклайди. Ана шу ҳолатга қайтиб, у ишвара, яъни бутунлай мустақил, эркин бўлади. Ҳақиқий ишвара, олий ишвара, яъни олий даражада мустақилликка эга тирик мавжудот Кришна ҳисобланади. Тирик мавжудот эса фақат Парвардигорга хизмат қилганида ишвара бўлади. Бошқача қилиб айтганда, Худога садоқат ва мухаббат билан хизмат қилиш орқали келадиган илоҳий лаззат уни ҳақиқий мустақил, эркин қилиб кўяди.

Текст 25

Тирик мавжудот ухлаганида унинг онги қаттиқ булғанган бўлади, у одатда ёмон тушлар кўради. Лекин, уйқудан уйғонганда у яна онги тиниқ бўлиб, тушида кўрган нарсаларни жиддий қабул қилмай кўяди.

Изоҳ: Инсон ухлаган пайтда унинг онги булғанган бўлади, тушига кирган нарсалар уни безовта қилиб кўп ташвиш келтириши мумкин. Лекин, уйқудан уйғонганида, тушида бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар, гарчи у тушини эсаласа ҳам, уни бошқа безовта қилмай кўяди. Худди шундай, ўзлигини англаш поғонасига кўтарилган, яъни Парвардигор билан ўзининг ҳақиқий муносабатларини англаб етган киши тўла осойишталикка эришади, бу дунёдаги барча ташвишлар манбаи бўлган моддий табиатнинг уч гунаси энди унга

таъсир қилмай кўяди. Онги нопок киши бу дунёдаги ҳамма нарса унинг ҳиссиётини лаззатлантириш учун яратилган деб ҳисоблайди, аммо пок онгда, яъни Кришна онгида бўлган киши бутун борлиқ олий лаззатланувчининг ҳиссиётини лаззатлантириш учун яратилган эканини билади. Уйқу(ғафлат)даги ҳолат билан сергаклик ҳолати орасидаги фарқ мана шундан иборат. Нопок онг худди ухлаб ётган кишининг онгига ўхшайди, Кришна онги эса – зийрак, сергак кишининг онгига ўхшайди. Аслида, "Бхагавад-гита" таълимотига асосан, ягона. Мутлақ лаззатланувчи зот – Кришна. Кришна бутун уч оламнинг ҳукмдори ҳамда ҳар бир тирик мавжудотнинг яқин дўсти эканини тушунган киши мустақилликка ва осойишталикка эришади. Токи шартланган руҳ шуни тушуниб етмас экан, у теварак атрофидаги нарсаларнинг ҳаммасидан лаззатланишга интилиб юраверади. Ана шундай шартланган руҳлар инсонпарвар ёки фидойи одамлар бўлиб етишадилар, яқинлари, ватандошлари учун мактаб ва шифохоналар очадилар. Буларнинг ҳаммаси алдамчи нарсалардир, чунки моддий фаолият ҳеч кимга бахт саодат келтирмайди. Ўзининг яқинларига ҳақиқий яхшилик қилишни истаган киши уларнинг қалбида мудраб ётган Кришна онгини уйғотиши лозим. Кришна онги пратибуддха, яъни “пок онг” деб аталади.

Текст 26

Моддий табиат илмга эга бўлган руҳга зарар етказмайдиган. Ҳатто шундай руҳ моддий фаолият билан шуғулланса ҳам, у Мутлақ Ҳақиқатнинг табиатини билади, шунинг учун унинг ақли ҳамиша Олий Шахс Худода мужассам бўлиб юради.

Изоҳ: Парвардигор Капила айтяптики, ақли Олий Шахс Худонинг нилуфар қадамлари пойида мужассам бўлган содиқ хизматкорни атмарама ёки видита-таттва деб атайдилар. Атмарама ибораси “қалбидан лаззат оладиган зот” ёки “руҳий поғонада лаззатланадиган зот” деган маънони билдиради. Аتما ибораси моддага нисбатан ишлатилганда “тана” ёки “ақл” деган маъноларни англатиши мумкин, лекин, атмарама иборасини ақли ҳамиша Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида мужассам бўлган кишига нисбатан ишлатилганда бу ибора “Олий Руҳга хизмат қилиш фаолиятига фарқ бўлган киши”ни англатади. Тирик мавжудот Парвардигорга хизмат қилиб, Унинг марҳаматига эришганида, шундай кишини ҳақида атмарамага эришган киши деб айтадилар. Фақат ҳақиқатни англаб етган киши атмарама поғонасига кўтарила олади. Бу ҳақиқат шундан иборатки, Олий Шахс Худо лаззатланувчи, тирик мавжудотлар эса Худого садоқат билан хизмат қилиш ва Унга лаззат келтириш учун яратилган. Мана шу ҳақиқатни англаб етган ва ўзига тегишли бўлган нарсаларнинг ҳаммасидан Худого садоқат билан хизмат қилишда фойдаланишга ҳаракат қилаётган киши ўз фаолиятининг карма оқибатларидан халос бўлади ва моддий табиат гуналари таъсири остидан чиқади.

Бу борада битта мисол келтириш мумкин. Масалан, дунёвий инсон осмонўпар ҳашаматли бино, содиқ хизматкор эса Вишнуга эҳром бўлсин. Бир қараганда уларнинг иккови ҳам: осмонўпар бино қураётган киши ҳам, эҳром қураётган киши ҳам, - бир

хил ҳолатда юргандай кўринади, чунки уларнинг иккови ҳам ёғоч, тош, темир ва бошқа қурилиш материаллари билан ишлайди. Лекин осмонўпар бино қураётган киши дунёвий инсон, Парвардигор Вишнуга эҳром қураётган киши эса - атмарама ҳисобланади. Осмонўпар бинони қуриб бўлиб, дунёвий инсон ўзи(танаси)ни лаззатлантиришга интилади, содиқ хизматкор эса, эҳром қуриш билан Олий Руҳни, Олий Шахс Худони мамнун қилишга интилади. Гарчи уларнинг иккови ҳам меҳнат қилар экан моддий фаолият билан машғул бўлсалар ҳам, содиқ хизматкор озоликка эришга зот, дунёвий инсон эса - шартланган руҳлар ҳолатида бўлади. Худонинг содиқ хизматкори бўлмаган, катта иморат қураётган кишининг бутун ақли ўзининг ҳиссиётини лаззатлантириш ҳақидаги, эҳром қураётган содиқ хизматкорнинг ақли эса, Олий Шахс Худода мужассам бўлгани учун шундай бўлади. Қандай фаолият билан машғул бўлишидан қатъий назар инсоннинг ақли Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойида мужассам бўлса, унинг фаолияти кармали оқибатлар келтирмайди ва ҳатто у моддий оламда фаолият кўрсатиб юрган бўлса ҳам, уни шартланган ҳолатга солиб қўймайди. Тўлиқ Кришна онгида Худого садоқат билан хизмат қилиб юрган киши ҳамиша эркин, мустақил ва моддий табиат гуналари таъсирига берилмаган бўлади.

Текст 27

Кўп йиллар ва умрлар давомида Худого садоқат билан хизмат қилиб, ҳақиқий ўзлигини англаб етишга ҳаракат қилса, унда Брахмалока деб аталадиган олий сайёрани ҳам ичига оладиган сайёраларнинг бирортасида лаззатланиб яшаш истаги пайдо бўлмайди. Ана шундай инсон онги ривожлантиришнинг энг олий поғонасига кўтарилади.

Изоҳ: Олий Шахс Худого садоқат билан хизмат қилиб юрган ҳар бир инсонни Худонинг содиқ хизматкори деб атайдилар, лекин уларнинг орасида асл содиқлар ҳам, садоқати шахсий манфаат кўриш истаги билан аралаш содиқлар ҳам бор. Ана шундай содиқлар руҳий манфаат кўриш ва Парвардигорнинг даргоҳида илм ва лаззатга тўлиб мангу яшаш учун Худого садоқат билан хизмат қиладилар. Агар моддий оламда яшайдиган содиқ хизматкорнинг қалби хали тўла покланмаган бўлса, у ўзининг хизмати учун Парвардигордан қандайдир мукофот кутади, масалан, Худо унинг моддий мусибатларини қамайиришини, моддий бойликка эга бўлишга, Олий Шахс Худо билан тирик мавжудот орасидаги ўзаро муносабатлар ҳақидаги илмни эгаллашга ёрдамлашини ёки унга Парвардигорнинг илоҳий табиатини англаб етиш имконини беришини истайди. Ана шундай истаклардан бутунлай покланган содиқ хизматкор Парвардигорнинг соф садоқатли асл хизматкори ҳисобланади. Шундай содиқ хизматкор Худого қандайдир моддий манфат кўриш ёки Парвардигорни англаб етиш учун хизмат қилмайди. У шунчаки Худони севади ва қалбининг амри билан Парвардигорни мамнун қилиш учун хизмат қилади.

Худого соф садоқат билан хизмат қилишнинг аъло даражада намоён бўлган кўриниши Вриндаванлик гопиларнинг хизматидир. Улар Кришнани англаб

етишга интилмайдилар, улар интиладиган ягона мақсад - Уни севиш. Худога муҳаббат туйғуси инсонга фақат Худога соф садоқат билан хизмат қилиш поғонасида келади. Токи содиқ хизматкор Худога соф садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилмас экан, унинг қалбида моддий оламдаги ўзининг ҳолатини яхшилаш истаги сақланиб қолаверади. Худога соф садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилмаган содиқ хизматкор ўзининг қалбида тирик мавжудотлар анча узоқ умр кўрадиган бошқа сайёраларда, масалан Браҳмалокада моддий қулайликлардан лаззатланиб яшаш истагини хис қилиши мумкин. Бундай истақлар моддий истақлардир, аммо шундай содиқлар ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиб юргани туфайли, моддий лаззатларга берилиб сон-саноксиз умрлар яшагандан кейин уларнинг қалбида албатта Кришна онги ривожланади, бунинг белгиси моддий фаровонликнинг ҳар қандай кўринишига бутунлай бефарқ бўлиш ҳисобланади. Ана шундай содиқ хизматкор ҳатто маъбуд Браҳманинг мартабасига эришишни ҳам истамайди.

Текст 28-29

Менинг чекланмаган бесабаб марҳаматим билан Менинг содиқ хизматкорим руҳий ўзлигини англаб этади ва барча шубҳаю-гумонлардан халос бўлиб, қатъий ишонч билан ўзига тайёрлаб қўйилган, бевосита Менинг руҳий қувватим, соф эзгулик қуввати назорати остида бўлган даргоҳга тобора яқинлашиб бораверади. Мана шу - ҳар бир тирик мавжудот интилиши лозим бўлган энг олий мақсад ва энг олий баркамолликдир. Моддий танасини тарк этиб, сеҳргар содиқ хизматкор илоҳий даргоҳга эришади ва ҳеч қачон моддий оламга қайтиб келмайди.

Изоҳ: Руҳий ўзлигини англаш – Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори бўлиш демакдир. Содиқ хизматкорнинг мавжудлиги Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлишни ва садоқат кўрсатиладиган зотнинг мавжудлигини назарда тутати. Оқибат натижада ўзликни англаб етиш – Худо Шахсини ва тирик мавжудотларни англаб етиш демакдир. Ҳақиқий ўзликни англаб етиш алоҳида руҳнинг табиатини ҳамда тирик мавжудот билан Парвардигорни боғлаб турадиган муҳаббатга асосланган ўзаро хизматни англаб етишни назарда тутати. Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини англаб етишга қодир бўлмаган имперсоналистлар ҳам, бошқа илоҳиётчи одамлар ҳам ўзликни англашнинг бундай поғонасига кўтарила олмайдилар. Худога садоқат билан хизмат қилиш Парвардигорнинг чексиз марҳамати билан фақат Худонинг асл содиқ хизматкорига очилади. Мазкур шеърда Парвардигор ана шу ҳақиқатни алоҳида таъкидлаб айтяпти: мат-прасадена – “Менинг алоҳида марҳаматим билан”. Бу "Бҳагавад-гита"да ҳам тасдиқланади. Фақат Парвардигорга чуқур имон ва муҳаббат билан хизмат қилиб юрган кишигагина Олий Шахс Худо вақти келиб унинг Парвардигорнинг мангу даргоҳига эришиши учун зарур бўлган ақл-идрок ато этади.

Нихшрейаса ибораси “олий даргоҳ” деганни билдиради. Сва-самстхана ибораси имперсоналистларнинг паноҳ топган макони йўқлигини

билдиради. Имперсоналистлар руҳий учкун Парвардигорнинг илоҳий танасидан таралиб турган нурга қўшилиб кетиши учун ўзларининг алоҳида мавжудлигидан воз кечадилар. Аммо Худонинг содиқларига алоҳида даргоҳ тайёрлаб қўйилган. Сайёралар куёш нурларида сузиб юрадилар, лекин куёш нурларининг қарор топган алоҳида макони йўқ, Рух фақат бирор сайёрага эришибгина маконга эга бўла олдаи. Руҳий осмон(каивалйя) – шунчаки бутун оламни камраб олган, лаззатга тўла нур. Ана шу нур Олий Шахс Худодан таралиб турибди. "Бҳагавад-гита"(14.27)да шундай дейилган: “браҳmano хи пратиштхахам” – Браҳманинг шахсиятсиз нури Олий Шахс Худонинг танасидан таралиб турибди. Бошқача қилиб айтганда, каивалья, шахсиятсиз Браҳман деб Олий Шахс Худонинг танасидан таралиб турган нурни айтадилар. Ана шу шахсиятсиз нурда Вайкунтха деб аталадиган руҳий саёралар сузиб юрадилар, шу сайёраларнинг асосийси Кришна лока деб аталади. Баъзи бир содиқлар Вайкунтха сайёраларига кўтариладилар, бошқалари эса Кришналокага эришадилар. Ўзининг истагига қараб, содиқ хизматкор руҳий оламнинг сва-самстхана, яъни “излаган макон” деб аталадиган у ёки бу сайёрасига эришади. Худонинг марҳамати билан ўзини англаб етган ва Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқ хизматкор ҳатто моддий танасида юриб ҳам ўзига руҳий оламдаги қайси сайёрадан жой ҳозирлаб қўйилганини билади. Шунинг учун у чуқур ишонч билан, ҳеч қандай шубҳаю-гумонларга берилмасдан, Худога садоқат билан хизмат қилишда ўз бурчини ихлос билан бажариб юради, моддий танасини тарк этгандан кейин эса, руҳий оламдаги ўзини яшашга тайёрлаб юрган сайёрага эришади. Ана шу даргоҳга эришиб. У ҳеч қачон моддий оламга қайтиб келмайди.

Мазкур шеърда ишлатилган лингад виниргама ибораси “моддий тананинг икки тури- кўпол ва нафис танани тарк этиб” деган маънони англатади. Нафис тана ақл, тафаккур, сохта ўзлик ва нопок онгдан таркиб топган, кўпол тана эса – беш унсурдан: ер, сув, олов, ҳаво ва осмондан иборат. Руҳий оламга йўл олар экан, тирик мавжудот нафис танасини ҳам, кўпол танасини ҳам тарк этади. У руҳий оламга соф, руҳий танада кириб боради ва руҳий сайёраларнинг бирида макон топади. Гарчи имперсоналистлар ҳам нафис ва кўпол танасини колдириб, руҳий оламга эришсалар ҳам, улар руҳий сайёралардан бирортасига эриша олмайдилар. Уларнинг истагини амалга ошириб, Парвардигор уларга Ўзининг илоҳий танасидан таралиб турган ёғдуга қўшилиб кетиш имконини беради. Мазкур шеърда ишлатилган сва-самстхнам ибораси ҳам алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Тирик мавжудот хамиша ўзи боришга тайёрланиб юрган даргоҳга эришади. Имперсоналистлар шахсиятсиз Браҳманинг нурига ғарқ бўлиш имкониятига эга бўладилар, Вайкунтха сайёраларининг илоҳий ҳукмдори Нараяна қиёфасидаги Олий Шахс Худо, ёки Кришналокадаги Кришна билан ҳамсуҳбат бўлиб юришни истаганлар эса, ана шу даргоҳларга эришадилар ва ҳеч қачон орқага, моддий оламга қайтиб келмайдилар.

Текст 30

Комил йогнинг диққатини ташқи қувватнинг намоён бўлган кўришинидан иборат йога билан шуғулланиш жараёнининг кўшимча натижалари (сеҳр қудрати) ўзига жалб қилмай кўйганида, унинг руҳий юксалиш йўлидан барча тўсиқлар олиб ташланади, у Менга эришади, шунинг учун энди ажал унга ўз ҳукмини ўтказа олмайди.

Изоҳ: Йогларни одатда йога билан шуғулланиш жараёнининг кўшимча натижалари ўзига жалб этади: уларга энг кичик нарсадан кичик бўлиш, энг катта нарсадан катта бўлиш, истаган орзусига эришиш, бутун бир сайёра яратиш, бошқаларни ўз ҳукмига бўйсундириш имконини берадиган сеҳр қудрати кизиқтиради. Бундай сеҳр қудратлари фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш қандай натижаларга олиб келиши ҳақида тўлиқ илмга эга бўлмаган йогларни ўзига жалб этади. Аслида бундай қобилиятларнинг ҳаммаси моддий қобилиятлар бўлиб, уларнинг руҳий юксалишга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Йогнинг сеҳр қобилияти ҳам худди моддий қувват яратган бошқа кучлар сингари моддий табиатга эга. Камолотга эришган йогнинг ақлини ҳеч қандай моддий қудрат ўзига жалб эта олмайди. У фақат бир нарсага—Парвардигорга соф садоқат билан хизмат қилишга интилади. Брахманнинг нурига қўшилиб кетишдан у дўзахга тушишдан қўрққандай қўрқади. Худонинг содиқ хизматкорида ўзини тута билиш ва сеҳр қудратлари ўзидан ўзи, бунга алоҳида бир ҳаракат қилмаса ҳам ривожланади, моддий оламнинг олий сайёраларида яшаш эса унинг учун бир кулгили бўлиб туюлади. Худонинг содиқ хизматкорининг бутун фикру-хаёли Парвардигорга муҳаббат билан мангу хизмат қилишда мужассам бўлган, шунинг учун ажал унга ўз ҳукмини ўтказа олмайди. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ана шу поғонасида комил йог мангуликка, илм ва лаззатга эришади.

"Шримад Бхагаватам"нинг Учинчи кўшиқ, "Моддий табиатни англаб етиш" деб аталадиган йигирма еттинчи бобига Бхактиведантанинг ёзган изоҳлари шундай юқунланади.

Йигирма саккизинчи боб
Парвардигор Капиланинг Худога садоқат билан
хизмат қилиш
бўйича берган насихатлари

Текст 1

Олий Шахс Худо деди: Эй азиз она, эй шоҳнинг қизи, ҳозир Мен сенга мақсади ақлини бир жойга жамлаш бўлган йога тизими ҳақида гапириб бераман. Йоганинг бу тури билан шуғулланган кишининг қаби қувончга тўлади ва ўзи Мутлақ Ҳақиқатни англаш йўлидан адашмай олға боради.

Изоҳ: Парвардигор Капиланинг мазкур бобда таърифлаб берадиган йога усулини барча мўътабар зотлар тан олганлар, шунинг учун биз унинг барча кўрсатмаларига қатъий амал қилишимиз лозим. Парвардигор бу усулни таърифлашни бошлар экан, йоганинг бу тури билан шуғулланган киши Мутлақ

Ҳақиқат, Олий Шахс Худони англаб етишга тез яқинлашади дейди. Аввалги бобда айтилган эдики, йога билан шуғулланишдан мақсад ғаройиб сеҳр қудратига эга бўлишдан иборат эмас. Инсонни бундай қобилиятларга эга бўлиш эмас, балки Олий Шахс Худони англаб етиш йўлидан бориб, ўзининг илоҳий табиатини англаб етиш қизиқтириши лозим. Бу "Бхагавад-гита"да тасдиқланган. Унда, олтинчи бобнинг охириги шеърда айтилганки, йоглар ичида энг аълоси ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юрган, яъни, бошқача қилиб айтганда, Кришна онгига эга бўлган киши ҳисобланади.

Мазкур шеърда ҳам айтиляптики, йога билан шуғулланиш натижасида инсоннинг қалби қувончга тўлади, Худо Шахси, Парвардигор Капила, йогада олий мартабали Зот бу ерда аштанга-йога деб аталадиган йога тизими ҳақида гапиряпти. Бу йога тизими саккиз турли жараёнлардан таркиб топган: яма, нияма, асана, пранаяма, пратьяхара, дхарана, дхьяна ва самадхи. Ана шу поғоналардан ўтиб, инсон барча йога тизимларининг мақсади бўлган Парвардигор Вишнуни англаб этади. Ҳозирги даврда шундай йога тизимлари пайдо бўлганки, унда одамлар бўшлиққа ёки шахсиятсиз бир нарсага муҳофаза қиладилар, лекин бундай йога тизимларининг бу ерда Парвардигор Капиладева таърифлаб бераётган ишонарли йога тизимларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ҳатто Патанджали барча йога тизимларининг мақсади Парвардигор Вишну деб айтган. Демак, аштанга-йога вайшнавлар амал қиладиган усуллардан биридир, чунки унинг мақсади - Парвардигор Вишнуни англаб етиш. Йога билан шуғулланишдан мақсад ўзида турли сеҳр қудратларини ривожлантиришдан иборат эмас. Капиладева аввалги бобда йога билан шуғулланишга бундай нуктаи-назар билан қарашни қоралаган эди. Йога билан шуғулланишдан асосий мақсад - барча моддий киёслашлардан халос бўлиб, ўзининг азалий бошланғич ҳолатига қайтишдан иборат. Йоганинг олий мақсади шундан иборат.

Текст 2

Инсон бошқа бировнинг ишини қилишга ҳаракат қилмасдан, ўз бурчини иложи борича яхши бажариб яшашга ҳаракат қилиши лозим. У Худонинг марҳамати билан ўзидан-ўзи келадиган насибаси билан қаноатланиб яшаши ҳамда руҳий устозининг нилуфар қадамлари пойига сажда қилиши лозим.

Изоҳ: Мазкур шеърда бир неча муҳим тушунчалар эслатиб ўтилган бўлиб, уларнинг ҳар бирини алоҳида батафсил таҳлил қилиш лозим, лекин биз уларнинг ҳар бирининг асосий жиҳатларига қисқача тўхталиб ўтамиз. Шеър атмавич-чаранарчана деган ибора билан тамом бўлган. Атма-вит ибораси "ўзини англаб етган рух", яъни "ҳақиқий руҳий устоз" деган маънони англатади. Фақат ўзини ва ўзининг Олий Рух билан ўзаро муносабатларини англаб етган кишини ҳақиқий руҳий устоз деб аташ мумкин. Бу ерда айтилганки, инсон ҳақиқий руҳий устоз топиши ва унга ўз ихтиёрини топшириши лозим, чунки унга савол бериб ва сажда қилиб, руҳий фаолият кўрсатиш санъатини ўрганиб олиш мумкин.

Мазкур шеърда биринчи тавсия қилинаётган нарса – сва-дхармачаранам. Токи биз моддий тана ичида эканмиз, бизнинг қандайдир бурчимиз бўлади, биз уни албатта бажаришимиз лозим. Ҳар кимнинг бурчи унинг қайси табақага мансублигига қараб бир биридан фарқ қилади брахманлар, кшатрийлар, вайшья ва шудралар. Ана шу табақаларга мансуб одамларнинг бурч ва вазифалари шастраларда, жумладан "Бхагавад-гита"да ҳам кўрсатилган. Сва-дхармачаранам ибораси инсон ўзи мансуб бўлган табақанинг бурчини бажариб яшаши лозим. Бошқаларнинг бурчини бажаришга интилмаслик керак. Агар инсон қайсидир ижтимоий гуруҳга мансуб бўлса, у шу гуруҳ вакиллари учун белгиланган кўрсатмаларни бажариши лозим. Лекин у ўзининг руҳий табиатини англаб етган ва ижтимоий табақаларнинг чекланган қонун-қоидаларидан юқори кўтарилган бўлса, унинг ягона сва-дхармаси, яъни бурчи Олий Шахс Худого хизмат қилишдан иборат бўлади. Қалбида Кришна онгини ривожлантирган кишининг ягона бурчи – Худого садоқат билан хизмат қилишдан иборат. Токи инсон қалбида ҳаёт ҳақида моддий тасаввурларни сақлаб юрар экан, у ўзининг жамиятдаги ўрнига, қайси табақага мансублигига қараб белгиланган бурчини бажариб яшаши лозим, лекин, илоҳий поғонага кўтарилган кишининг фақат битта вазифаси қолади – Худого садоқат билан хизмат қилиш, унинг сва-дхармаси шундан иборат.

Текст 3

Инсон дунёвий мақсадда диний маросим ва анъаналарни ўтказишни тарк этиши ва ўзининг бутун диққат-эътиборини озодликка олиб борадиган руҳий фаолиятда жамлаши лозим. Инсон ҳаётининг энг мукамал поғонасига кўтарилиш учун у кам овқатланиши ва хилват жойда ёлғиз яшаши лозим.

Изоҳ: Бу ерда Капиладева моддий фаровонлик ва хиссий лаззатланиш мақсадида ўтказиладиган диний маросимларни тарк этишни тавсия қиляпти. Ҳар қандай диний фаолиятнинг мақсади моддий олам тутқунлигидан озодликка эришиш бўлиши лозим. "Шримад Бхагавад"нинг энг бошида айтилган эдики, диний фаолиятнинг энг олий кўриниши инсонни Парвардигорга соф садоқат билан холис хизмат қилиш даражасига кўтарилишга ёрдам берадиган фаолиятдир. Ана шундай диний фаолиятга ҳеч нарса тўсқинлик қила олмайди. шундай фаолият билан шуғулланиш инсонга ҳақиқий мамнуният олиб келади. Мазкур шеърда Капиладева шундай фаолиятни мокша-дхарма, яъни инсонни моддий олам тутқунлигидан озодликка олиб чиқадиган ёки моддий иллатлар чангалидан халос этадиган фаолият деб атаяпти. Одатда одамлар ўзларининг иқтисодий аҳволини яхшилаб олиш учун ёки хиссий лаззат, роҳат-фароғат кўринишида мукофот олиш ниятида диний фаолият билан шуғулланадилар. Лекин йогада камолотга эришишни ният қилган киши олдига бундай мақсадларни қўймаслиги керак.

Навбатдаги муҳим тушунча – мита-медхйаданам, кам овқатланиш. Ведавий муқаддас китобларда йога билан шуғулланадиган кишига қанча овқат егиси келаётган бўлса, шунинг ярмисини ейиш тавсия қилинади. Масалан, у шунчалик очқаб кетган

бўлсаки, бир килограм овқат егиси келаётган бўлса, у ана шу овқатнинг ярмисини ейиши ва қолган қисмига сув ишиб қаноатланиши лозим. Ошқозоннинг чорак қисми ҳаво айланиши учун бўш қолиши лозим. Шу тартибда овқатланиб юрган киши ҳе қачон ошқозон касаллигига учрамайди ва бошқа кўплаб касалликларнинг олдини олган бўлади. Йог "Шримад Бхагавад" ва бошқа ишонарли муқаддас китобларда тавсия қилинган қоидалар асосида овқатланиши лозим. У ҳеч ким унинг йога билан шуғулланишига халақит бера олмайдиган хилват жойда ёлғиз яшаши лозим.

Текст 4

Йог бошқа тирик мавжудотларга зарар етказмаслиги ва бирор нарса ўғирламаслиги керак, у ростгўй бўлиши, ҳаёт учун энг зарур нарсалар билан қаноатланиб яшаши, жинсий алоқа қилишдан ўзини тутиши, риёзат чекиши, поклик сақлаши, Ведаларни ўрганиши ҳамда Олий Шахс Худонинг энг олий қиёфасига сажда қилиши лозим.

Изоҳ: Мазкур шеърда ишлатилган пурушарчанам ибораси "Олий Шахс Худого сиғиниш" деган маънони англатади, бу биринчи навбатда Парвардигор Шри Кришнанинг Илоҳига сиғинишни назарда тутди. "Бхагавад-гита"да Аржун айтадики, Кришна – азалий пуруша, Худо Шахси(пурушам шашватам). Шунинг учун йога билан шуғулланар экан, инсон фақат Кришнага ва унинг шахсий сифатларига мувоқабат қилмасдан, ҳар куни Унинг қиёфасига(расмига) ёки эҳромдаги Кришна Илоҳига сиғиниши лозим.

Жинсий поклигини сақлайдиган, яъни жинсий алоқа қилмайдиган кишини брахмачари деб айтадилар. Чекланмаган тартибда жинсий алоқа билан шуғулланиш ҳамда йога билан шуғулланиш бир бирига мос келмайдиган машғулотлардир. Фирибгар-йоглар ўзларининг янги усулини реклама қилар экан, айтадиларки, инсон йога билан шуғулланиб, истаганча жинсий алоқа қилиши мумкин, аммо бундай гаплар бирор ишонарли муқаддас китобларда тасдиқланмайди. Бу ерда аниқ айтилганки, йог жинсий поклигини сақлаши лозим. Брахмачарийам дегани "Брахман билан мулоқотда бўлиб, яъни тўла Кришна онгида яшаш" дегани билдиради. Жинсий алоқадан лаззатланишга ёрдам берадиган қонун-қоидаларга риоя қилиб яшашга кодир эмаслар. Фақат никоҳдан ўтиб оила қурган кишиларгагина жинсий алоқа қилишга рухсат этилади. Жинсий ҳаёти никоҳ билан чегаралаб қўйилган одамлар ҳам брахмачари ҳисобланади.

Йога билан шуғулланиб юрган киши учун астейам тушунчаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Астейам ибораси "ўғирлик қилмаслик" дегани билдиради. Кенг маънода ўзига кераксиз қулайликлар яратиб қўйган киши ҳам ўғри ҳисобланади. Руҳий коммунизм таълимоти бўйича, инсон ўзининг ҳаёти учун зарур бўлган эҳтиёжидан ортиқча нарсага эғалик қилмаслиги керак. Моддий табиат қонуни шундай. Ҳаёт кечириш учун зарур бўлганидан кўп бойлик ва пул тўплаган киши ўғри ҳисобланади, кўп пул тўплайдиган лекин уни қурбонлик маросими ўтказиш ёки Худо Шахсига сиғиниш учун ишлатмайдиган киши катта ўғри ҳисобланади.

Свадхйайах дегани “ишонарли ведавий муқаддас китобларни ўқиш” деганни билдиради. Ҳатто Кришна онгига эга бўлмаган, лекин йога билан шуғулланадиган киши ҳам ўзининг нима қилиб юрганининг маъносини тушуниш учун ведавий муқаддас китобларни ўқиши лозим. Фақат йога машғулотлари билан шуғулланишнинг ўзи камлик қилади. Буюк содиқ, Гаудия-вайшнава-сампрадайнинг ачарьяси Нароттама дас Тхакур айтадики, биз ўзимизнинг руҳий фаолиятимизда садхуларнинг, муқаддас китобларнинг ва руҳий устозимизнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшашимиз лозим. Ана шу уч манбадан олинган кўрсатмаларга риоя қилиб юрган кишининг руҳий фаолиятда шиддат билан юксалишга эришиши кафолатланади. Руҳий устоз ўзининг шогирдларига Худога садоқат билан хизмат қилиш йогаси билан шуғулланиш жараёнида қайси ишонарли китобларни ўқиш кераклигини айтади, уларга кўрсатма берар экан, ўзи ҳамиша муқаддас китобларга асосланиб гапиради. Шундай қилиб, йога билан муваффақиятли шуғулланиш учун ишонарли муқаддас китобларни ўқиш керак. Муқаддас китобларни ўқиб ўрганмасдан йога билан шуғулланиш шунчаки вақтни бекорга сарфлашдир.

Текст 5

Йог сукут сақлаш қасамига риоя қилиши лозим. Ҳар хил асаналар бажариш ёрдамида у ақлининг хотиржамлигига эришиши лозим, кейин у нафас олиш жараёнини ҳамда ҳаёт нафасининг ҳаракатини бошқаришни, сезгиларини уларга таъсир қиладиган нарсалардан чалғитишни ўрганиши ва шу тарзда ақлини ўзининг қалбида жамлаши лозим. Умуман йога билан, хусусан хатха-йога билан шуғулланишнинг ўзи ҳали мақсад эмас, балки ақлнинг хотиржамлигига эришиш воситасидир. Энг аввало инсон тўғри ўтиришни ўрганиши лозим, шунда унинг ақли ва диққати унга йога билан шуғулланиш имконини берадиган даражада жамланган бўлади. Аста-секин йог ҳаёт нафасининг ҳаракатини бошқаришни ўрганиши лозим, шунда у сезгиларини уларга таъсир қиладиган нарсалардан четлатиш имконига эга бўлади. Аввалги шеърда айtilган эдики, йог жинсий поклигини сақлаши лозим. Сезгиларини жиловлаш, ўзини тута билишни ўрганиш жараёнида жинсий алоқадан ўзини сақлаш жуда муҳим ҳисобланади. Мана шу қасамга амал қилиш брахмачари деб аталади. асана ва нафас олиш машқлари инсонга сезгиларига чексиз лаззатланиш имконини бермай, уларни жиловлаб олишга ёрдам беради.

Текст 6

Ҳаёт нафасини у танада айланиб юрадиган олти айланадан бирига йўналтириб, шу тарзда ўзининг ақлини Олий Шахс Худонинг илоҳий эрмакларидан жамлаб, йог ақлининг самадхи(самадхана) ҳолатига эришади.

Изоҳ: Тана ичида ҳаёт нафаси олти айлана бўйлаб ҳаракат қилади. Ана шу айланаларнинг биринчиси қорин атрофида, иккинчиси юрак атрофида, учинчиси – ўпкада, тўртинчиси – танглайда, бешинчиси - кошларнинг ўртасида, олтинчи, энг юқорида

жойлашган айлана миянинг устида жойлашган. Йог ақли ва ҳаёт нафасини шу даражада бошқара олиши керакки, у ақлини Парвардигорнинг илоҳий эрмакларида жамлай олсин. Ишонарли муқаддас китобларнинг бирортасида йог ақлини қандайдир шахсиятсиз зотга ёки бўшлиққа жамлаб муроқаба қилиши кераклиги ёзилмаган. Мазкур шеърда аниқ айtilган: вайкунтха-лила. Лила ибораси эрмак, ўйин деганни билдиради. Агар Мутлақ Ҳақиқат, Худо Шахси илоҳий кароматлар кўрсатмаса, Унинг шу кароматлари ҳаққида фикр юритиб бўлармиди? Ақлнинг ана шундай ҳолатига фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали, Олий Шахс Худонинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва бошқаларга такрорлаб гапириб бериш ёрдамида эришиш мумкин. "Шримад Бҳагаватам"да айtilганидек, Парвардигор ўзининг содиқ хизматкорларининг илтимоси билан бу дунёга келади ва уни тарк этади. Ведавий муқаддас китобларда Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикоялар, шу жумладан Курукшетрадаги жанг ҳақидаги ҳикоялар, шунингдек, Прахлад Махараж, Дҳрува Махараж, ва Амбариша Махараж сингари Худонинг содиқлари ҳақидаги ҳикоялар жуда кўп. Биздан ана шу ҳикояларнинг бирортасида ақлимизни жамлаш ва ҳамиша шу ҳақда фикрлаб юриши талаб қилинади. Шунда биз самадхи ҳолатига эришимиз. Самадхи инсон организмнинг қандайдир ғайритабиий физиологик ҳолати эмас; самадхи – ақли Олий Шахс Худо ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга ғарқ бўлган кишининг ҳолатидир.

Текст 7

Мана шу ёки муқаддас китобларда тавсия қилинган бошқа бирор усул ёрдамида инсон ўзининг нопок ва асов, ҳамиша моддий лаззатланишга интилиб юрадиган ақлини жиловлаб олиши ҳамда шу тарзда Олий Шахс Худо ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга ғарқ бўлиши лозим.

Изоҳ: Этаир аниъаиш ча. Инсон йога билан шуғуллана олиши учун ундан ҳар хил қонун-қоидаларга риояқилиш, турли асаналарни бажариш ҳамда ақлини танасидаги ҳаво оқимларидан бирида жамлаш талаб қилинади. Бу машғулотларнинг ҳаммаси оқибат-натижада йога билан шуғулланиб юрган кишига Олий Шахс Худо ҳамда Парвардигорнинг Вйкунтхалокадаги илоҳий эрмаклари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга ғарқ бўлиш имкониятини беради. Ананъавий йога билан шуғулланишнинг моҳияти шундан иборат. Лекин, ақлнинг ана шундай ҳолатига муқаддас китобларда кўрсатилган бошқа усуллар ёрдамида ҳам эришиш мумкин, шунинг учун мазкур шеърда аниъаиш ча – яъни, бошқа усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин деб айtilган. Асосийси – моддий истаклар билан булганган ақлини жиловлаб олиш ва уни Олий Шахс Худода жамлаш. Ақли бўшлиқда ёки қандайдир шахсиятсиз нарсада жамлашнинг иложи йўқ. Шунинг учун бирор ишонарли йога-шастраларда бўшлиқ фалсафаси ёки имперсонализмга асосланган йога тизимлари бўйича шуғулланиш тавсия қилинмаган. Шундай қилиб, ҳақиқий йог – Худонинг содиқ хизматкори, чунки унинг ақли ҳамиша Парвардигор Шри Кришнанинг эрмакларида жамланган, Кришнани англаш жараёни эса - йоганинг энг мукамал усули.

Текст 8

Ақлини жиловлаб ҳамда асаналарни бажаришни ўрганиб, йог хилват, муқаддас жойга кетиши, шу ерда тўшак тўшаб, қулай ҳолатда қаддини тиклаб ўтириб олиши ва нафас олиш машқларига киришиши лозим.

Изоҳ: Қулай ҳолатда ўтириш свасти самасинаҳ деб аталади. Йога-шастраларда айтилганки, йог икки товонини сонлари ва болдири орасига қўйиб, елкасини тик тутиб ўтириши лозим; ана шундай ҳолатда ўтириш унга ақлини Олий Шахс Худода жамлашга ёрдам беради. Бу усул "Бхагавад-гита"нинг олтинчи бобида ҳам тавсия қилинган. Мазкур шеърда яна айтилганки. Йога билан хилват, покланган муқаддас жойда шуғулланиш лозим. Йог антилопа териси ҳамда куша майсасидан қилинган ва устига мато ташланган тўшакда ўтириши лозим.

Текст 9

Ҳаёт нафаси айланадиган каналларни тозалаш учун йог куйидаги тартибда нафас олиши лозим: у аввалига чуқур нафас олиши керак, кейин нафасини ичида тутиб туриши, кейин нафас чиқариши лозим. Буни тескари тартибда ҳам машқ қилиш мумкин: аввал нафас чиқариш, бироз нафас олмай туриш, кейин нафас олиш. Бу амаллар ақл хотиржам ҳолатга келиши ва ташқи таъсирларга чалғимаслиги учун керак.

Изоҳ: Бу ерда кўрсатилган машқларни ақлни жиловлаб олиш ва уни Олий Шахс Худода жамлаб олиш учун бажарадилар. Са ваи манаҳ кришна-падаравиндайох: Худонинг содиқ хизматкори Амбариша Махараж ақлини ҳамиша Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида жамлаб юрарди. Кришнани англаш билан шуғулланиб юрган киши Харе Кришна маха-мантрасини зикр қилиши, ақлини Кришнанинг Ўзидан фарқ қилмайдиган муқаддас номларининг илоҳий товуш тебринишларида жамлаб, мантра товушларини диққат билан тинглаши керак. Ақлини Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида жамлаш билан инсон мазкур шеърда таърифланган ақлни жиловлаш усулининг ҳақиқий мақсадига: танасидаги ҳаёт нафаси айланадиган каналларни тозалашга эришади. Хатха-йога билан шуғулланиш ва нафас олиш машқларини бажариш биринчи навбатда ақли ўзининг моддий тана ичида мавжудлигида мужассам бўлган кишиларга тавсия қилинади, лекин, Харе Кришна мантрасини зикр қилиб юрган киши ҳам барибир ана шу мақсадга эришади, фақат у бунга анча осонроқ усул билан боради.

Нафас олиш йўлларини тозалаш жараёни уч босқичдан иборат бўлиб, пурака, кумбхака ва речака деб аталади. Пурака – нафас олиш, кумбхака - нафасни тутиб туриш, речака - нафас чиқариш. Бу амалларни тескари тартибда ҳам амалга ошириш мумкин: нафас чиқариш, бироз вақт нафас олмай туриш, кейин нафас олиш. Тана ичига кираётган ва ундан чиқаётган ҳаво оқимлари ҳаркат қиладиган каналлар санскрит тилида ида ва пингала деб аталади. ида ва пингалани тозалашнинг якуний мақсади ақлни моддий лаззатланишга интилишдан чалғитишдан иборат. "Бхагавад-гита"да айтилганидек, ақл тирик мавжудотнинг дўсти ҳам, душмани ҳам бўлиши

мумкин. Унинг муносабати инсоннинг нима билан машғул бўлиб юрганига мос равишда ўзгариб туради. Моддий лаззатланиш ҳақидаги ўйларга фарқ бўлган ақл бизнинг душманамиз, Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида мужассам бўлган ақл эса бизнинг дўстимиз бўлади. Йога билан шуғулланиш, масалан, пурака, кумбхака ва речака амалларини бажариш ҳам ақлни Кришнанинг номлари товушида ёки Кришнанинг тасвирида жамлаш билан бир хил мақсадда амалга оширилади. "Бхагавад-гита"(8.8)да ҳам нафас олиш машқларини бажариш тавсия қилинган(абхйаса-йога-йуктена). Ақлни бошқаришнинг бу усулларидан фойдаланиш ақлнинг ташқи одам таъсирига чалғиб кетишига йўл қўймайди(четаса нанйа-гамина). Шундай йўл билан ақлни ҳамиша Парвардигорда жамлаб юриш ва охир-оқибатда Унга эришиши мумкин(йати).

Ҳозирги даврдаги одамларнинг ҳар хил асаналарни бажариш ва нафас олиш машқларини бажаришни талаб қиладиган йога билан шуғулланиши жуда кийин. Шунинг учун Парвардигор Чайтанья киртанййаҳ сада харих: ҳамиша Парвардигорнинг "Кришна" деган муқаддас номини зикр қилиб юриш керак, деган, чунки бу ном Олий Шахс Худо ҳар жиҳатдан тўла мос келадиган ва уни мукамал ифодаладиган ном. Кришна деган ном билан Олий Шахс Кришна бир бирдан фарқ қилмайди. Шунинг учун Харе Кришна мантрасини диққат билан зикр қилиб ва тинглаб юрган киши ҳам нафас олиш машқларини бажариш орқали йога билан шуғулланиб юрган киши эришган натижага эришади.

Текст 10

Худди шамол уфуриб турган оловга қўйилган олтин ҳар хил арадашмалардан тарров тозалангани сингари, мана шу нафас олиш машқларини бажариб юрган киши жуда тез вақт ичида ақлида пайдо бўладиган барча ташвишардан халос бўлади.

Изоҳ: Парвардигор Чайтанья ҳам одамларни Харе Кришна мантрасини зикр қилишга чорлаб, ақлни поклаш зарурлиги ҳақида гапирган эди. парам виджайате: "Шри Кришна санкиртанага шон-шарафлар бўлсин!" У Кришнанинг муқаддас номларини зикр қилишни олқишлайди, чунки Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб, қуйлаб юрган киши ўзининг ақлини жуда тез поклайди. Чето-дарпана-марджанам: Кришнанинг муқаддас номини зикр қилиш билан инсон ақлини унда тўпланиб қолган иллатлардан тозалайди. Худди олтинни шамол уфуриб турган олов устига қўйиб поклаганлари сингари, ақлни ё нафас олиш машқларини бажариш ёрдамида, ё Парвардигорнинг муқаддас номини зикр қилиш билан поклаш мумкин.

Текст 11

Пранаяма билан шуғулланиб, инсон ўзининг танасини иллатлардан поклайди, ақлини жамлаш билан эса, ўзининг қилган барча гуноҳ ишлари оқибатидан халос бўлади. Ҳиссиётини жиловлаб у моддий олам билан боғлаб турган ришталарни яксон қилади, Олий Шахс Худода муруқаба қилиш билан эса, моддий боғланишларнинг уч туридан халос бўлади.

Изоҳ: Аюрведага асосланган тиббиёт бўйича тананинг жисмоний ҳолатини уч унсур белгилайди: капха, питта ҳамда ваю(флегма?,сафро ва ҳаво). Замонавий тиббиёт бундай физиологик тасаввурни инкор этади, лекин улар замон имтиҳонидан ўтган аюрведанинг касалларни даволаш усулининг асосини ташкил этади. Аюрведа таълимотига кўра, танадаги ҳар қандай касалликлар "Шримад Бхагаватам"да бир неча бор эслатиб ўтиладиганидек, инсон организмнинг ҳолатини белгилайдиган ана шу уч унсур билан боғлиқ бўлади. Бу ерда айтилганки, пранаяма нафас олиш машқларини бажариб юрган киши ана шу асосий физиологик унсурлар юзага келтирган иллатлардан покланади; ақлини жамлашни машқ қилиш билан инсон ўзининг қилган гуноҳ ишлари оқибатидан халос бўлади, сезгиларини уларга таъсир қиладиган нарсалардан чалғитиш билан эса, ўзини моддий олам билан алоқа қилишдан ҳимоя қилиб юради.

Охир-оқибатда илоҳий поғонага кўтарилиш ва моддий табиатнинг уч гунаси таъсиридан чиқиш учун Олий Шахс Худога муроқаба қилиш лозим. "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланганки, Худога соф садоқат билан хизмат қилиб юрган киши моддий табиатнинг уч гунасига нисбатан илоҳий поғонага кўтарилади ва ўзининг Браҳман эканини англаб этади. Са гунан саматитйаитан брахма-бхуйайа калпате. Ананъавий йога тизимининг ҳар бир амалига бхакти-йога фаолиятининг маълум бир амали мос келади, лекин ҳозирги даврда бхакти-йога билан шуғулланиш анча осон. Аслида Парвардигор Чайтанья бошлаб берган усул янги ўйлаб топилган усул эмас. Бхакти-йога – такрорлаш ва тинглашга асосланган осон йўл. Бхакти-йога билан шуғулланишдан охириги мақсад бошқа барча ананъавий йога усуллариининг мақсади сингари, Олий Шахс Худога эришиш ҳисобланади, лекин, йоганинг бошқа, қийин усуллариининг фарқли равишда, бхакти-йога ҳозирги одамларнинг шуғуллана олиши учун жуда осон. Ақлини жамлашни машқ қилиш ва сезгиларни уларга таъсир қиладиган нарсалардан чалғитиш ёрдамида йог аста-секин ўзининг организмни поклаб олади, танасини поклагандан кейин у ақлини Олий Шахс Худода жамлаш имкониятига эга бўлади. Ана шу ҳолат самадхи деб аталади.

Текст 12

Йога билан шуғулланиш жараёнида инсон ақлини бутунлай поклагандан кейин, у кўзларини чала юмган ҳолда нигоҳини бурнининг учида жамлаши ва Олий Шахс Худонинг тасвирини томоша қилиши лозим.

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, йог Парвардигор Вишнунинг экспансиясига муроқаба қилиши лозим. каштхам ибораси Парвардигор Вишнунинг экспансияси бўлган Параматмани билдиради, бхагаватаҳ ибораси эса, Парвардигор Вишнунинг Ўзини, Олий Шахс Худони англатади. Олий Парвардигор Кришна; Ундан биринчи экспансия Баладева чиқади, Баладевадан Санкаршана, Анируддха ва Парвардигорнинг бошқа кўплаб экспансиялари чиқади, улардан пуруша-аватаралар тарқалади. Аввалги шеърлардан бирида айтилганидек, ана шу пуруша Параматма, Олий Рух киёфасига кирази(пурушарчанам). Олий Рухнинг йог муроқаба қилиши лозим бўлган киёфасининг таърифи

кейинги шеърларда берилади. Мазкур шеърда эса йог нигоҳини бурнининг учида қаратиб, ақлини Парвардигор Вишнунинг тўлиқ экспансияси бўлган калада жамлаб муроқаба қилиши кераклиги айтилган.

Текст 13

Олий Шахс Худонинг нилуфар гулига ўхшаган сиймоси шодликдан порлаб турибди. Парвардигорнинг кўзлари худди нилуфар гул баргидай қизғиш, танаси эса кўкимтир нилуфар гулидай қорамтир рангда. Уч қўлида У сур. Халқа ва гурзи ушлаб турибди.

Изоҳ: Мазкур шеърйог ақлини Парвардигор Вишнунинг киёфасида жамлаши кераклигига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди. Вишнунинг ўн икки турли киёфалари мавжуд. Ана шу киёфаларнинг ҳаммаси "Парвардигор Чайтанья таълимоти" деган китобда таърифлаб берилган. Ақлини бўшлиқда ёки қандайдир шахсиятсиз нарсада жамлаб бўлмайди, шунинг учун йог ақлини Парвардигорнинг мазкур шеърда таърифланганидай "шодликдан порлаб турган" ажойиб киёфасида жамлаши лозим. "Бхагавад-гита"да айтилганки, бўшлиққа ёки шахсиятсиз бирор зотга муроқаба қилиш – жуда қийин жараён бўлиб, муроқаба қиладиган кишининг жуда кўп кучини олади. Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз кўринишига ёки бўшлиққа муроқаба қилиш қизиқтирадиган киши бу йўлда жуда кўп қийинчиликларни енгиб ўтиши керак бўлади, чунки бизлар шахсиятсиз зот ҳақида фикр юритишга одатланмаганмиз. Аслида бундай муроқаба қилишнинг умуман иложи йўқ. шунинг учун "Бхагавад-гита" ҳам Худо Шахсига муроқаба қилишни тавсия қиладди.

Худо Шахси Кришнанинг танасининг ранги ҳақида гапирар экан, Парвардигор Капила нилотпала-дала деган иборани ишлатади. Бу дегани Парвардигорнинг танасининг ранги кўкимтир-оқ нилуфар гул баргини эслатади. Одамлар нимага кришнанинг танаси кўкимтир рангда деб сўрайдилар. Парвардигорнинг танасининг ранги қандайдир бир расмоннинг ўйлаб топган рангида эмас. Унинг ранги ишонарли муқаддас китобларда таърифланган. "Брахма-самхита"да маъбуд Браҳма ҳам Кришнанинг танасини ёмғирли булутнинг кўкимтир рангига ўхшатади. Парвардигорнинг танасининг рангини таърифлаш – шунчаки шоирона ўхшатиш эмас. "Брахма-самхита", "Шримад Бхагаватам", "Бхагавад-гита" ва бошқа кўплаб Пураналарда Парвардигорнинг киёфаси, Унинг қуроллари ва бошқа анжомлари таърифланган. Парвардигорнинг бутун кўриниши мазкур шеърда падма-гарбхарунекшанам ибораси билан ифодаланган. Унинг кўзлари нилуфар гулкосасининг рангида, ўзининг тўрт қўлида У тўрт тимсол: сур, халқа, гурзи ва нилуфар гулини ушлаб турибди.

Текст 14

Унинг сони худди нилуфар гулининг чангини эслатадиган сариқ ялтираган мато билан ўралган. Унинг кўксига Шриватса белгиси – бир тугам оқ туклар, Унинг бўйинини эса қимматбахот Каустубха маржони безаб турибди.

Изоҳ: Мазкур шеърда Парвардигорнинг либоси нилуфар гулининг чангидай сарик-заъфарон рангда экани айтилган. Бу ерда Парвардигорнинг кўксини беэаб турган Каустубҳа маржони ҳам эслаб ўтилган. Унинг бўйнига марварид ва қимматбаҳо тошлардан ясалган ажойиб маржон осилган. Парвардигор олти илоҳий сифатнинг тўла эгаси бўлиб, улардан бири бойлик ҳисобланади. У ҳашам либослар билан кийинган ҳамда моддий оламда топилмайдиган қимматбаҳо тошлардан ясалган безаклар осиб олган.

Текст 15

Парвардигорнинг бўйнида – қимматбаҳо марвариддан ясалган маржон ва ўрмон гулларидан ясалган ажойиб гулчамбар, гулчамбар атрофида унинг муаттар ҳидидан сармаст бўлган асаларилар айланиб юрибди. Парвардигорнинг калласини ажойиб тож беэаб турибди, билакларида, оёғида – чиройли билагузуклар.

Изоҳ: Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, Олий Шахс Худони беэаб турган гулчамбар ҳеч қачон сўлмайди. Вайкунтҳада, Парвардигорнинг руҳий салтанатида ҳазон бўлишга ўрин йўқ. Ҳатто дарахт ва буталардан узилган гуллар ҳам ҳамиша тирик қолаверади, чунки руҳий оламда ҳамма нарса ўзининг азалий кўринишида мавжуд бўлиб ҳеч қачон ҳазон бўлмайди. Дарахтдан узилган, гулчамбар ясалган гуллар ҳамиша ўзининг муаттар ҳидини сақлаб қолаверадилар, чунки вайкунтҳадаги дарахт ва гуллар руҳий табиатга эга. Ана шундай дарахтдан узилган гул ҳамиша тирик бўлиб, ўзининг муаттар ҳидини ҳеч қачон йўқотмайди. Шунинг учун Парвардигорнинг бўйнидаги гулчамбар ясалган гуллар ҳам худда дарахтдаги очилиб турган гуллар сингари асалариларни ўзига жалб этади. Руҳий оламнинг табиати шундай: унда ҳамма нарса чексиз ва мангу. Руҳий оламда ҳамма нарсадан ҳамма нарсани олсангиз ҳам барибир аввалгидан ҳамма нарса ўз жойида қолаверади, яъни аввал айтганимиздай, бирдан бирни айирсангиз ҳам, бирга бирни қўшсангиз ҳам натижа бир бўлиб қолаверади. Асаларилар янги гуллардан ясалган гулчамбар атрофида айланиб юради. Уларнинг беозор визиллаб юриши Парвардигорга чексиз мамнуният келтиради. Парвардигорнинг маржони, тожи, қўл ва оёқларидаги билагузуклари бебаҳо қимматбаҳо тошлардан кўйилган нақшларга тўла. Бу қимматбаҳо тошлар ва марваридлар руҳий табиатга эга бўлгани учун уларни моддий сўзлар билан таърифлашнинг иложи йўқ.

Текст 16

Белига ажойиб камар тақилган Парвардигор ўзининг содиқ хизматкорининг қалб нилуфарида турибди. Парвардигорнинг мафтункор гўзаллиги ва Унинг беғубор сиймоси Уни томоша қиладиган Худонинг содиқларининг нигоҳини ва қалбини қувончга тўлдиради.

Изоҳ: Мазкур шеърда ишлатилган даршанийатамам ибораси шуни билдирадики, Парвардигор содиқ хизматкори Ундан кўзини узолмайдиган даражада гўзал, мафтункор. Парвардигорни томоша қилиб. У ўзининг гўзалликка интилиш истагини тўла қондиради. Биз моддий оламда гўзалликка шайдомиз, лекин

бизнинг ана шу интилишимиз, шу истагимиз ҳамиша амалга ошмай қолаверади. Биз моддий олам яшар эканмиз, қалбимизда пайдо бўладиган талабларни қондиришимизга моддий иллатлар тўсқинлик қилаверади. Аммо. Бизларнинг кўриш, тинглаш, ёғиш ва ҳоказо истакларимиз Олий Шахс Худого хизмат қилиш билан боғлиқ бўлса, улар энг мукамал ҳолатга эришадилар.

Парвардигор ўзининг мангу қиёфасида таърифлаб бўлмас даражада гўзал, Унинг ана шу беқиёс гўзал сиймоси содиқларнинг қалбини қувончга тўлдиради, аммо Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз жиҳатига мувоқабат қилишни маъқул кўрадиган имперсоналистларни У бефарқ қолдиради. Парвардигорнинг шахсиятсиз жиҳатига мувоқабат қилиш – шунчаки бекорга вақт сарфлашдир. Ҳақиқий йоғлар кўзларини чала юмган ҳолда қандайдир бўшлиққа ёки шахсиятсиз нарсага эмас, балки Олий Шахс Худонинг қиёфасига мувоқабат қиладилар.

Текст 17

Парвардигор тенгсиз гўзал, Унга коинотдаги сон-саноксиз сайёраларнинг бутун аҳолиси сажда қилади. У мангу навқирон ва ҳамиша ўзининг содиқларига бахт-саодат бағишлашга тайёр.

Изоҳ: сарв-лока-намаскритам ибораси Парвардигорга барча сайёраларнинг аҳолиси сажда қилади деган маънони англатади. Моддий ва руҳий оламда сон-саноксиз сайёралар мавжуд, уларнинг ҳар бирида Парвардигорга сажда қиладиган сон-саноксиз тирик мавжудотлар яшайди, чунки Унга имперсоналистлардан бошқа ҳамма сажда қилади. Парвардигор таърифлаб бўлмас даражада гўзал. Бу ерда шашват иборасига алоҳида эътибор бериш керак. Парвардигор фақат ўзининг содиқ хизматкорларига гўзал, чиройли бўлиб кўринади, аслида эса У шахсиятсиз Зотдир деб ўйламаслик керак. Шашват ибораси “мангу мавжуд” деган маънони билдиради. Унинг гўзаллиги сўлмас. Парвардигор ҳамиша гўзал, ёш ва навқирон. "Брахма-самхита"(5.33)да ҳам шундай дейилган: адвайтам ачйутам анадим ананта-рупам адйам пурана-пурушам нава-йауванам ча. Бошланғич шахс, бутун борлиқнинг ягона манбаи бўлган ҳолда Парвардигор ҳеч қачон қаримайди. У ёш, навқирон бўлиб мангу қолаверади.

Парвардигор ҳамиша ўзининг содиқларига чексиз марҳамат кўрсатишга ва уларга бахт-саодат улашишга тайёр экани унинг юзидан кўриниб турибди, аммо У ўз ихтиёрини Унга топширмаган кишиларнинг барча илтимосларига сукут билан жавоб беради. "Бҳагавад-гита"да айтилганки, Парвардигор барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлади, чунки У – Олий Шахс Худо, барча тирик мавжудотлар эса – Унинг фарзандлари, аммо, Унга садоқат билан хизмат қилиб юрган кишиларга У алоҳида марҳамат кўрсатади. Мазкур шеърда ҳам ана шу ҳақиқат тасдиқланапти: Парвардигор ўзининг содиқ хизматкорларига марҳамат кўрсатишга ҳамиша тайёр туради. Худди Худонинг содиқлари ҳамиша Олий Шахс Худого хизмат қилишга тайёр тургани сингари, Парвардигор ҳам ҳамиша асл содиқларга ўз марҳаматини кўрсатишга тайёр туради.

Текст 18

Парвардигорнинг сўнмас шуҳратини ҳамма жойда олқишлаб юрадилар, чунки бу Унинг содиқларининг шуҳратини оширади. Шунинг учун йог Парвардигорга ва Унинг содиқларига мууроқаба қилиши лозим. У ақлини Парвардигорнинг мангу қиёфасида жамлаши ва то ақли мустаҳкам осойишталикка эришмагунча Унга мууроқаба қилиши лозим.

Изоҳ: Йог ақлини ҳаммиша Олий Шахс Худода мужассам бўлган ҳолатда ушлаб юриши лозим. Парвардигорнинг Кришна, Вишну, Рама, Нараяна ва бошқалар сингари сон-саноксиз қиёфаларидан бири ҳақида фикр юритишга одатланиб, инсонийогада баркамоликка эришади. Бу "Брахма-самхита"да ҳам тасдиқланади: қалбида Парвардигорга соф муҳаббат уйғотган, кўзларига илоҳий муҳаббат балзами сурилган киши ҳаммиша ўзининг қалбида Олий Шахс Худони кўриб юради. Содиқ хизматкор Парвардигорни Шьямасундара, яъни қорамтир рангли чиройли ўспирин қиёфасида кўради. Қалбида Парвардигорни ана шу қиёфада кўрадиган киши йогада камолотга эришган ҳисобланади. Инсон то ақли ўзгармас даражада хотиржам бўлгунга қадар йога билан шуғулланиши лозим. Ом тад вишноҳ парамам падам сада пашйанти сурайах: Вишну олий шахс ҳисобланади, Уни ҳаммиша барча донишмандлар ва авлиё зотлар кўриб юрадилар.

Эҳромда Парвардигорнинг муртисига сажда қиладиган содиқ хизматкор ҳам ана шу мақсадга эришади. Эҳромда Худого садоқат билан хизмат қилиш Парвардигорнинг қиёфасига мууроқаба қилишдан фарқ қилмайди, чунки Парвардигор ўзининг содиқ хизматкорининг ақлида намоён бўладими ёки моддада намоён бўладими - ҳаммиша ўзгармай қолаверади. Муқаддас китобларда Парвардигорнинг содиқлар кўра оладиган қиёфаларининг саккиз тури кўрсатилган. Парвардигорнинг ана шу қиёфалари лойдан, қумдан, ёғоч ёки тошдан яшаш мумкин, шунингдек Унинг қиёфасини ақлда тасаввур қилиш, бўёқлар билан яшаш, қимматбахо тошлардан ёки металлдан яшаш мумкин, ана шу қиёфаларнинг ҳаммаси бир хилда қадрли. Парвардигорни ақлида тасаввур қилган киши эҳромда Парвардигорни кўрган кишидан бошқача кўради деб ўйламаслик керак. Олий Шахс Худого мутлақ табиатга эга, шунинг учун Парвардигорнинг ана шу икки қиёфаси орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Парвардигорнинг мангу қиёфасини тан олишни истамайдиган имперсоналистлар ҳаёлида қандайдир фазовий шаклини тасаввур қиладилар. Улар омқарани ҳамма нарсадан устун кўядилар, лекин омқара ҳам қиёфага эга. "Бхагавад-гита"да айтилганки, омқара Парвардигорнинг бўғин кўринишидаги қиёфасидир. Шу жиҳатдан у Парвардигорнинг муртисидан ёки бўёқлар билан ясалган тасвиридан фарқ қилмайди.

Мазкур шеърда бошқа муҳим ибора пунйашлока-йашаскарам. Пунйашлока – Худонинг содиқларининг белгиси. Парвардигорнинг асл содиқ хизматкорининг номини зикр қилиш инсон қалбини худди Парвардигорнинг номини зикр қилиш сингари поклайди. Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори ва Парвардигор бир биридан фарқ қилмайди. Баъзи бир ҳолларда Парвардигорнинг улуғвор содиқ

хизматкорининг номини такрорлаш тавсия қилинади. Бу инсонга жуда катта бахт-саодат келтиради. Бир куни Парвардигор Чайтанья гопиларнинг муқаддас номларини такрорлаб юрарди, Унинг баъзи бир шогирдлари Унга танбех бера бошладилар: “Нимага Сен Кришнанинг номини такрорламасдан гопиларнинг номини зикр қилайсан?” Шогирдларининг бу танбехи Парвардигор Чайтаньянинг жаҳлини чиқарди, бу Чайтанья Махапрабху билан Унинг шогирдлари орасида жанжал чиқишига сабаб бўлди. Парвардигор шогирдлари Унинг хатосини тўғрилаб, Унга Худонинг муқаддас номларини зикр қилишнинг илоҳий усули бўйича насиҳат беришга журъат қилганлари учун уларни бошқаларга ибрат бўлиши учун жазоламоқчи бўлди.

Парвардигорнинг улуғворлиги шунда намоён бўладики, У ўзининг илоҳий эрмаклариде иштирок этган содиқларининг шуҳратини кучайтиради. Аржун, Прахлад, Жанака Махараж, Бали Махараж ва бошқа кўплаб содиқлар ҳатто санньяси турмуш тарзига ҳам ўтмагунлар, оилавий одамлар бўлиб қолдилар. Уларнинг баъзилари, масалан, Прахлада ва Бали Махараж иблислар хонадониде дунёга келдилар. Прахлад Махаражнинг отаси иблис эди. Бали Махараж эса Прахлад Махаражнинг невараси эди, лекин шунга қарамай, улар Парвардигор билан ҳамсуҳбат бўлганлари туфайли шон-шуҳрат қозондилар. Парвардигор билан мангу муҳаббат ришталари билан боғланган ҳар бир инсонни Парвардигор билан бир қаторда шарафлаб қуйлайдилар. Бу гапларнинг ҳаммасидан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Капиладева, руҳий баркамоликка интилаётган йог ҳаммиша Парвардигорнинг қиёфасини томоша қилиб юриши ҳамда мууроқабада мустаҳкам туриб олгунга қадар йога билан шуғулланишда давом этиши лозим, деб айтяпти.

Текст 19

Шундай қилиб, Худого садоқат билан хизмат қилишга фарқ бўлган йог ўзининг қалбида Парвардигорнинг қандай туришини, ҳаракат қилишини, ётишини ёки ўтиришини кўради, чунки Парвардигорнинг эрмаклари ҳаммиша ҳайратланарли ва гўзалликка тўла.

Изоҳ: Ўзининг қалбида Олий Шахс Худого мууроқаба қилиш билан Парвардигорнинг улуғворлигини ва кўрсатган кароматларини шарафлаб қуйлаш бир поғонада туради. Улар орасидаги ягона фарқ шундан иборатки, Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларга ақлини жамлаб тинглаш ўзининг қалбида Парвардигорнинг қиёфасига мууроқаба қилишга қараганда анча осонроқ, чунки инсон айниқса ҳозирги даврда, Парвардигор ҳақида ўйлай бошлаган заҳоти унинг ақли безовта бўла бошлайди, натижада Парвардигорнинг қиёфасига мууроқаба қилиш жараёни бузилиб кетади. Лекин, Худонинг содиқлари Парвардигорнинг илоҳий кароматларини олқишлайдиган ҳикояларни гапира бошлаганда, инсон ўзи истаса-истамаса ҳам барибир уларни тинглашга мажбур бўлади. Тинглаш жараёнига инсоннинг ақли ҳам жалб бўлади, шундай қилиб, Парвардигор ҳақида тинглаган киши йога билан шуғулланаётган бўлади. Агар Парвардигорнинг ўз дўстлари ва сигирлари билан

бирга қандай қилиб ўтлоққа кетаётгани ҳақидаги хикоялар ёзилган "Шримад Бхагаватам"нинг бобларини тингласалар, Парвардигорнинг эрмакларига муроқаба қилиб, ҳатто ёш болалар ҳам чексиз руҳий манфаат оладилар. Тинглаш жараёни унда ақл ҳам иштирок этишини талаб қилади. Шунинг учун ҳозирги давр одамларига Парвардигор Чайтанья ҳамиша "Бхагавад-гита"ни тинглаш ва такрор гапириб бериб юришни тавсия қилган. Кришна ҳам шундай дейди: махатмалар, яъни буюк зотлар ҳамиша Парвардигорнинг улуғворлигини куйлаб юрадилар, уларни тинглаган кишилар ҳам Парвардигорни улуғлаб юрган кишилар сингари бахт-саодатга эришадилар. Йога жараёни Парвардигорнинг илоҳий эрмакларига муроқаба қилишниназарда тутади, бунда Парвардигор баъзан туради, баъзан эса ҳаракатланади, ётади.

Текст 20

Парвардигорнинг мангу қиёфасига муроқаба қилар экан, йог бирданига Унингтанасининг ҳамма жойига қарамасдан, аввал ақлини уларнинг алоҳида ҳар бирида жамлаши лозим.

Изоҳ: Мазкур шеърда асосий ибора муни. Муни деб жуда яхши фикр юрита оладиган кишини айтадилар. Бошқача қилиб айтганда, муни – кучли ақлга эга, яъни фикрлаш, сезиш ва исташ қобилияти кучли ривожланган киши. Капиладева атайлаб бу ерда муроқаба қилаётган кишини Худонинг содиқ хизматкори деб атамаяпти. Парвардигорнинг қиёфасига муроқаба қилишга уриниб юрган кишини муни, яъни узокни кўра олмайдиган ақлли кишилар деб, ҳақиқатан ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган кишиларни эса, бхакти-йог деб атайдилар. Куйида таърифланган муроқаба қилиш усули мунилар учун мўлжалланган. Йогни Мутлақ Ҳақиқат, яъни Олий Шахс Худо шахсиятсиз эмаслигига ишонтириш учун кейинги шеърларда унга Парвардигорга Унинг шахсий қиёфасида, нигоҳини бирин-кетин Унинг танасининг бир қисмидан иккинчи қисмига ўтказиб муроқаба қилиш тавсия қилинади. Парвардигорнинг қиёфасига тўлалигича муроқаба қиладиган киши баъзан ўзининг хаёлида қандайдир шахсиятсиз зотни тасаввур қилиши мумкин, шунинг учун бу ерда айтилганки, йог аввало ақлини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида, кейин Унинг тиззасида, кейин белида, кўксидида, бўйнида, юзида жамлаши лозим. Муроқаба қилишни Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан бошлаш ва нигоҳни аста-секин Унинг илоҳий танасининг бошқа қисмларига ўтказиш лозим.

Текст 21

Содиқ хизматкор аввал ақлини Парвардигорнинг яшин, камчи(стрекала), байроқча ва нилуфар белгилари безаб турган нилуфар қадамлари пойида жамлаши лозим. Унинг ой шаклидаги ажойиб(рубин??) тирноқларидан таралиб турган ёду инсон қалбини қамраб олган қалин зулматни ёритиб юборади.

Изоҳ: Майявадилар айтадиларки, ақлини Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз борлигида мужассам қилишга қодир бўлмаган киши ўзининг хаёлида ўзи истаган бирор қиёфани юзага келтириб, шунга муроқаба

қилиши мумкин, лекин мазкур шеърдан кўриниб турибдики, асло бундай қилиш керак эмас. Хом хаёл барибир хом хаёл бўлиб қолаверади, унинг натижаси ҳам барибир хом хаёл, сароб бўлади.

Мазкур шеърда Парвардигорнинг мангу қиёфаси таърифланган. Унинг нилуфар қадамлари пойида яшинни, байроқчани, нилуфар гулини ва филбоннинг қамчисини эслатадиган чизиклар аниқ кўриниб турибди. Унинг оёқларидаги тирноқлардан худди ой нурига ўхшаган ёғду таралиб туради. Парвардигорнинг оёқларидаги белгиларни ва Унинг тирноқларидан таралаётган кучли ёғдуни кўриб, йог моддий оламда ҳукм сураётган ғофиллик зулматидан ёруғликка чиқади. Фалсафий изланишлар ёрдамида бундай озодликка эришиб бўлмайди. Бунга фақат Парвардигорнинг оёқларидаги ярқираган тирноқларидан таралаётган ёғдуни кўра олган кишилар эришадилар. Бошқача қилиб айтганда, агар инсон ғофиллик зулматидан ёруғликка чиқишни истаса, биринчи навбатда у ақлини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида жамлаши лозим.

Текст 22

Бир пайтларда Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини ювган сувлардан оқиб тушаётган муқаддас Гангани ўзининг бошига олиши билан ҳатто маъбуд Шива ҳам покланади. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи муроқабага фарқ бўлган содиқнинг ақлида тўпланган гуноҳлар тоғини яқсон қилиш учун отилган яшинга ўхшайди. Шунинг учун йог узок вақт давомида Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига муроқаба қилиши лозим.

Изоҳ: Мазкур шеърда маъбуд Шиванинг алоҳида буюк мартабага эга экани таърифланган. Имперсоналистлар айтадиларки, Мутлақ Ҳақиқатнинг шакл-шамойили йўқ, шунинг учун биз хаёлан ҳар қандай қиёфага, Вишнунингми, маъбуд Шиванингми, биби Дурганингми ёки уларнинг ўғли Ганешанингми – қиёфасига муроқаба қилишимиз мумкин. Лекин аслида барча тирик мавжудотларнинг ягона ҳукмдори Олий Шахс Худо бўлади. "Чайтанья-чаритамрита"(Ади.5.142)да шундай дейилган: экале ишвара кришна ара саба бхритйа, яъни, ягона Парвардигор - Кришна, қолган барча тирик мавжудотлар, шу жумладан барча фаришталар, ҳатто маъбуд Шива, маъбуд Браҳма ҳам Унинг хизматкорларидир. Мазкур шеърда ҳам шу ҳақда айтилган. Маъбуд Шиванинг улуғворлиги шундаки, у ўзининг бошида Парвардигор Вишнунинг нилуфар қадамлари пойи ювилган сувдан оқиб тушадиган муқаддас Гангани олиб юради. "Хари бхакти виласа"да Санатана Госвами айтадики, ягона Парвардигорни фаришталар билан, ҳатто маъбуд шива, маъбуд Браҳма сингари буюк фаришталар билан бир қаторга қўйган киши шу заҳотиёқ пашанди, имонсиз даҳрий бўлиб қолади. Биз ҳеч қачон фаришталарни Парвардигор Вишнуга тенглаштирмаслигимиз лозим.

Мазкур шеърда яна бир муҳим фикр айтилган. Шартланган руҳ қадим замонлардан бери моддий қувват билан аралашиб юргани туфайли унинг ақлида моддий табиатдан лаззатланиш ва унга ҳукмронлик қилиш шаклидаги иллатлар тўпланиб қолган. Ана шу

иллатлар тоғни эслатади, лекин яшин урса ҳар қандай тоғ ҳам парчаланиб кетади. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига муруқаба қилиш йогнинг ақлидаги иллатлар тоғини яқсон қиладиган яшинга ўхшайди. Агар йог ўзининг ақлидаги иллатлар тоғини яқсон қилишни истаса, у бўшлиққа ёки шахсиятсиз бир зотга муруқаба қилмасдан ўзининг ақлини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида жамлаши лозим. Лекин, бизнинг ақлимизда ўтириб қолган иллат жипслашиб котиб қолган, шунинг учун Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига узоқ вақт давомида муруқаба қилиш лозим. Лекин, ҳамиша Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи ҳақида ўйлаб юришга одатланган кишиларда ундай эмас. Ақли Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида мужассам бўлиб юрган Худонинг содиқлари шунчаки бошқа нарса ҳақида ўйлай олмайдилар. Шундай қилиб, йога билан шуғулланиб юрган киши аввало инсон ҳаётини тартибга соладиган қонун-қоидаларга риоя қилиб, ўзининг ҳиссиётини жиловлаб олиши, кейин узоқ вақт давомида Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига муруқаба қилишга киришиши лозим.

Бу ерда алоҳида таъкидлаб айтилган: бхагаваташ чаранаравинда – йог Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи ҳақида ўйлаши лозим. Майявади-файласуфларнинг фикрига кўра, озодликка эришиш учун маъбуд Шиванинг, маъбуд Браҳманинг ёки биби Дурганинг нилуфар қадамлари пойига муруқаба қилиш мумкин, лекин бу нотўғри. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига муруқаба қилиш кераклигини алоҳида таъкидлаш учун мазкур шеърда бхагаваташ ибораси ишлатилган. Бхагаваташ ибораси “Олий Шахс Худо, Вишну”ни билдиради. Мазкур шеърда ишлатилган яна бир муҳим ибора шивах шиво бхут. Маъбад Шива ўзининг табиатига кўра пок ва эзгуликда, шунинг учун у жуда юксак мартабага эга, лекин Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан оқиб тушадиган муқаддас Гангани бошига олгандан бери у яна ҳам покланди ва унинг мартабаси яна ошди. Мана шу мисол Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи алоҳида муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига боғланиш бошқа, аҳамиятсиз тирик мавжудотлар нари турсин, хатто маъбуд Шиванинг ҳам улуғворлигини оширади экан.

Текст 23

Йог асосий фаришта маъбуд Браҳманинг онаси бўлган, барча фаришталар сажда қиладиган Лакшмининг кароматларини ўзининг қалбига жамлаб олиши лозим. У ҳамиша Худого сўнмас ихлос билан хизмат қилиб, илоҳий табиатли Парвардигорнинг оёқларини ва болдирини уқалаш билан машғул.

Изоҳ: Маъбуд Браҳма – коинотни бошқариш вазифаси юклатилган фаришта. Маъбуд Браҳманинг отаси Гарбходакашайи Вишну бўлгани учун, равнақ фариштаси Лакшми унинг онаси ҳисобланади. Лакшмига барча фаришталар ва бошқа сайёраларнинг аҳолиси сиғинадилар. Одамлар равнақ фариштасининг марҳаматига эришишга интилишлари лозим. Лакшми ҳамиша коинот уммони Гарбха сувларида ястаниб ётган Олий Шахс Худо Нараянанинг оёқларини ва

болдирларини уқалаб ўтиради. Маъбуд Браҳма бу ерда равнақ фариштасининг ўғли деб аталган, лекин аслида у унинг қорнидан дунёга келган эмас. Маъбуд Браҳма Парвардигорнинг ўзининг қорнидан дунёга келган. Гарбходакашайи Вишнунинг қорнидан нилуфар гули ўсиб чиқди, ундан маъбуд Браҳма дунёга келди. Шунинг учун Парвардигорнинг оёқларини уқалаш билан равнақ фариштаси лакшмижи ўзини худди оддий хотиндай тутайди деб ўйламаслик керак. Парвардигор хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл - оддий одамларнинг ҳаракатларига нисбатан илоҳий ҳолатда. Мазкур шеърда асосий ибора абхавасйа ҳисобланади ва у Парвардигор маъбуд Браҳмани равнақ фариштасининг ёрдамисиз дунёга келтирганини англатади.

Ҳаркатларнинг илоҳий табиати дунёвий ҳаракатлардан бутунлай фарқ қилади, шунинг учун Парвардигорнинг рафиқасининг хизмат қилишини қандайдир фариштанинг ёки оддий инсоннинг рафиқасининг ўз эрига хизмат қилиши билан тенглаштириш хато бўлади. Бу ерда айтилганки, йог ана шу тасвири ўзининг қалбига жойлаб олиши лозим. Худонинг содиқ хизматкори ҳамиша Лакшми билан Нараянанинг ўзаро муносабатлари ҳақида ўйлаб юради, шунинг учун унинг муруқабаси, имперсоналистлар ва буддистларнинг муруқабасидан фарқли равишда, ҳеч қачон ақл сатҳидаги муруқаба бўлмайди. Бхава ибораси “моддий тана оладиганзот”, абхава ибораси эса “моддийтанага кирмайдиган, ўзининг азалий, руҳий танасида келадиган Зот” деганни билдиради. П Нараяна моддий табиат яратган зот эмас. Модда фақат моддани ярата олади, аммо Нараяна моддадан пайдо бўлмайди. Маъбуд Браҳма моддий олам яратилгандан кейин пайдо бўлади, лекин Парвардигор коинот яратилмасдан аввал ҳам мавжуд бўлгани учун Унинг танаси моддий эмас.

Текст 24

Кейин йог ўзининг ақлини барча қувватлар манбаи бўлган Худо Шахсининг сонидан жамлаши лозим. Айниқса Парвардигор Гаруданинг елкасида ўтирганида Унинг худди ?????льен гулини эслатадиган пуштиранг сонлари жуда чиройли кўринади. Парвардигорнинг бўлиқ сонлари тиззаларигача эркин тушиб турган қимматбаҳо ипак матодан тикилган либосининг устидан камар билан боғланган. ???

Изоҳ: Олий Шахс Худо ҳамма қувватлар манбаидир, Парвардигорнинг кучлари эса Унинг илоҳий танасининг сонларида тўпланган. Унинг бутун танаси олти саодатга тўла: бойлик, куч, шухрат, гўзаллик, илм ва боғланмаслик. Йогларга Парвардигорнинг оёқларидан бошлаб, аста-секин нигоҳини тиззасига, сонига ва ниҳоят юзига кўтариб. Унинг илоҳий қиёфасига муруқаба қилиш тавсия қилинади. Олий Шахс Худого муруқаба қилиш Унинг нилуфар қадамлари пойига муруқаба қилишдан бошланиши лозим.

Парвардигорнинг илоҳий қиёфасининг бу ерда келтирилган таърифи эҳромда ўрнатилган арча-виграҳада, Илоҳнинг қиёфасида аниқ тасвирланган. Одатда Парвардигорнинг муртисининг пастки қисми сариқ ипак билан ёпилган. Парвардигорнан шундай либосни руҳий оламда, Вайкунтҳада кийиб юради. Парвардигорнинг либоси Унинг тўпиғига тушиб туради. Шундай қилиб, йог

муроқабачи қила олиши учун илоҳий қиёфалар етарли, шунинг учун у шахсиятсиз Браҳманга эришиш мақсадида муроқабачи қилиб юрган сохта йогларга ўхшаб, бекорга тасаввур қилиш қийин бўлган нарсаларга муроқабачи қилишга уриниб юрмаслиги керак.

Текст 25

Шундан кейин йог Парвардигорнинг қорнининг ўртасидаги ойсимон киндигига муроқабачи қилиши лозим. Унинг бутун бир коинотнинг асоси бўлган киндигидан нилуфар гули ўсиб чиқади, унда барча сайёралар тизими жамланган. Ана шу нилуфар гули – яратилган тирик мавжудотларнинг биринчиси бўлмиш маъбуд Браҳманинг даргоҳидир. Кейин йог ақлини Парвардигорнинг кўксидagi сугдай оппоқ марварид маржондан таралиб турган ёғду нурларида ярқираб кўриниб турган, икки катта зумрадга ўхшаган кўкрагида жамлаши лозим.

Изоҳ: Кейин йогга Парвардигорнинг киндигига муроқабачи қилиш тавсия қилинади, Унинг киндигидан бутун моддий коинот дунёга келган. Худди фарзанд онаси билан киндиги орқали боғлангани сингари, яралган тирик мавжудотларнинг биринчиси бўлмиш маъбуд Браҳма ҳам Худонинг олий амрига кўра, Парвардигор билан нилуфар гули орқали боғланган. Аввалги шеърлардан бирида айtilган эдики, Парвардигорнинг оёқларини, болдирини ва сонини укалаб ўтирадиган равнақ фариштасини маъбуд Браҳманинг онаси деб атайдилар, лекин аслида маъбуд Браҳма онасининг қорнидан эмас, балки Парвардигорнинг қорнидан дунёга келади. Парвардигорнинг англаб бўлмас қудрати ана шундай, биз бу ҳақда: “Қандай қилиб отаси бола туғиши мумкин?” - деб, ўзимизнинг моддий тасаввурларимиз нуқтаи-назаридан фикр юритмаслигимиз лозим.

"Брахма-самхита"да айtilганки, Парвардигорнинг илоҳий танасининг ҳар бир аъзоси Унинг бошқа ҳар бир аъзосининг ишини бажара олади; Парвардигорнинг танаси руҳий, шунинг учун Унинг танасининг бирор аъзоси шартланган эмас. Масалан, Парвардигор қулоқлари билан кўра олади. Моддий тананинг қулоғи фақат эшита олади, аммо кўришга қодир эмас, лекин "Брахма-самхита"да айtilганки, Парвардигор қулоқлари билан кўришга, кўзлари билан эшитишга қодир. Унинг илоҳий табиатли танасининг ҳар бир аъзоси Унинг бошқа ҳар қандай органининг вазифасини бажара олади. Парвардигорнинг қорни барча сайёралар тизимининг асоси ҳисобланади. Маъбуд Браҳма барча сайёралар тизимининг яратувчиси лавозимини эгаллаб турибди, аммо унинг яратиш қувватининг манбаи Парвардигорнинг қорни ҳисобланади. Коинотда амалга ошадиган ҳар қандай яратиш жараёни ҳамиша Парвардигор билан бевосита боғлиқ бўлади. Парвардигорнинг танасининг юқори қисмини безаб турган марварид маржон ҳам руҳий табиатга эга, шунинг учун Капиладева йогларга нигоҳини унинг кўксидagi сугдай оппоқ маржонлар жилвасига қаратишни тавсия қилади.

Текст 26

Кейин йог Олий Шахс Худонинг кўксига, Маха-Лакшми паноҳ топган маконга муроқабачи қилиши лозим.

Парвардигорнинг кўкси – ақл ва кўзлар учун чексиз илоҳий лаззат уммони. Шундан кейин йог ўзининг ақлида бутун коинот сажда қиладиган Худо Шахсининг бўйини тасаввур қилиши лозим. Парвардигорнинг бўйни Унинг кўксига осилиб турган қимматбаҳо маржон Каустубҳани яна ҳам чиройли қилиб кўрсатади.

Изоҳ: Упанишадларда айtilганки, моддий оламни Парвардигорнинг ҳар хил қувватлари яратади, яқсон қилади ва мавжудлигини таъминлаб туради. Парвардигорнинг англаб бўлмас хилма-хил қувватларининг ҳаммаси Унинг кўксига жамланган. Одамлар одатда Парвардигорни ҳар нарсага қодир Зот деб биладилар. Унинг ҳар нарсага қодир қувватининг тимсоли – Унинг барча қувватларининг бирикмаси, Парвардигорнинг илоҳий кўксига ўтирадиган Махамая. Парвардигорнинг илоҳий танасининг мана шу қисмига муроқабачи қилиши санъатини мукамал эгаллаб олган йоглар йога камолотининг саккиз сеҳр қудрати ҳисобланадиган жуда кўп моддий қобилиятларга эга бўладилар.

Мазкур шеърда айtilганки, Парвардигорнинг бўйинининг гўзаллиги қимматбаҳо маржон Каустубҳани яна ҳам чиройлироқ қилади, аксинча эмас. Қимматбаҳо тошнинг ўзи Парвардигорнинг бўйинини безаб тургани учун яна ҳам чиройлироқ кўринади, шунинг учун йогларга Парвардигорнинг бўйнига муроқабачи қилиш тавсия қилинади. Ақл ёрдамида Парвардигорнинг ҳар қандай илоҳий қиёфасига, ёки Унинг Илоҳига(муртисига) муроқабачи қилиш керак. Эҳромда ўрнатилган Илоҳ эҳромга келадиган одамларнинг ҳаммасининг диққатини жалб қиладиган даражада чиройли безатилган. Эҳромда Илоҳга сиғиниш ақли ёрдамида Парвардигорнинг илоҳий қиёфасига муроқабачи қилишга қодир бўлмаган кишилар учун мўлжалланган. Эҳромга мунтазам келиб Илоҳни томоша қилиш билан Парвардигорнинг илоҳий қиёфасини бевосита томоша қилиш орасида ҳеч қандай фарқ йўқ, чунки Парвардигор бу икки қиёфаси бир бирдан фарқ қилмайди. Йога билан шуғулланишнинг афзаллиги шундаки, у истаган бирор хилват жойда ўтириб, Парвардигорнинг қиёфасига муроқабачи қилиши мумкин, фикр назарини Парвардигорнинг илоҳий қиёфасида жамлаб олмайдиган киши эса, эҳромга боришга мажбур. Руҳий фаолият билан шуғулланиб юрган киши бу йўлда нима иш қилиб юрган бўлса ҳам: тинглаётими, муроқабачи қиляптими, томоша қиляптими – унинг фаолиятининг марказида Парвардигорнинг илоҳий қиёфаси туради; ҳеч қандай бўшлиқ ёки қандайдир шахсиятсиз зот ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Парвардигор ўзининг чексиз марҳаматини ато этиб, эҳромда Унинг Илоҳини томоша қилиб юрган кишига ҳам, муроқабачи билан шуғулланиб юрган йогга ҳам, Парвардигорнинг "Шримад Бҳагаватам" ва "Бҳагавад-гита" сингари муқаддас китобларда ёзилган илоҳий эрмақлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаб юрган кишига ҳам илоҳий лаззат бағишлаши мумкин. Худого садоқат билан хизмат қилиш тўққиз турли фаолиятни ўз ичига олади, улардан бири смаранам, яъни муроқабачи ҳисобланади. Йоглар смаранам билан шуғулланишни маъқул кўрадилар,

бхакти-йоглар эса, Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва такрорлашни маъкул кўрадилар.

Текст 27

Кейин йог ақлини Парвардигорнинг тўрт қўлида жамлаши керак. Унинг қўллари моддий табиат фаолиятининг турли соҳаларига маъсул бўлган фаришталарнинг қудратининг манбаи ҳисобланади. Шундан кейин йог Парвардигорнинг Мандара тоғи айланавериб ярқираиб юборган тақинчоқларига муроқабани қилиши керак. Кейин нигоҳини хаёлан Парвардигорнинг кўзни камаштиргувчи ёғду таратиб турган минг кеайли Сударшана-чакра халқасига, шунингдек оққушга ўхшаб Унинг нилуфарсимон кафтида жойлашган сурга тикиши лозим.

Изоҳ: Олий Шахс Худонинг қўллари коинотдаги тартибнинг манбаидир. Коинот тартибини бу ерда айтилганидай, Парвардигорнинг қўлидан дунёга келадиган ҳар хил фаришталар саклаб турадилар. Мандара тоғининг бу ерда эса олинганининг боиси шундаки. Иблислар ундан сут уммонини чайишда пишкак ўрнида фойдаланган эдилар. Тошбақа киёфасида мужассам бўлган Парвардигор пишкакни сувда ушлаб турадиган асос, таянч вазифасини бажарди, шунда Мандара тоғи айланиб, Унинг тақинчоқларини сийқалаб ярқироқ қилиб қўйди. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигорнинг қўлларидаги тақинчоқлар ўзидан шундай ғаройиб нур таратиб турибдики, улар гўё ҳозиргина тозалар сийқаланганга ўхшайди. Парвардигорнинг қўлидаги Сударшана-чакра деб аталадиган халқанинг минг кегайи бор, йогларга уларнинг ҳар бирига алоҳида муроқабани қилиш тавсия қилинади. Улар ўзларининг ақлини навбат билан Парвардигорнинг илоҳий танасининг ҳар бир қисмида жамллаши лозим.

Текст 28

Йог Парвардигор учун жуда азиз бўлган Каумодака деган гурзисига муроқабани қилиши лозим. Ана шу гурзи Парвардигор билан мангу душманлик қилиб юрган иблисларни яқсон қилади, шу боис уларнинг қонига бўялган. Шунингдек йог ўзининг ақлини Парвардигорнинг бўйнида осилиб турган, атрофида қора қовоғарилар хотиржам ғувиллаб юрган ажойиб гулчамбарда, ҳамда Парвардигорнинг бўйнида осилиб турган, Худога бетиним хизмат қилиб юрган қалби пок асл содиқларнинг тимсоли бўлган марварид маржонда жамлаши лозим.

Изоҳ: Йог хаёлан нигоҳини Парвардигорнинг илоҳий танасининг ҳар хил қисмларида жамлаши лозим. Мазкур шеърда тирик мавжудотларнинг азалий ҳолатини англаб етиш лозимлиги айтилган. Бу ерда тирик мавжудотларнинг икки тури эслаб ўтилган. арати деб аталадиган биринчи тоифага мансуб содиқлар Олий Шахс Худонинг эрмакларига нафрат билан қарайдилар. Уларнинг олдида Парвардигор қўлларига Ўзи ўлдирган иблисларнинг қонига бўялган қўрқинчли гурзисини ушлаган ҳолда пайдо бўлади. Иблислар ҳам Парвардигорнинг фарзандлари бўлади. "Бҳагавад-гита"да айтилганки, шакли турлари сон-саноксиз равишда хилма-хил бўлган тирик мавжудотларнинг

ҳаммаси Парвардигорнинг фарзандлари ҳисобланади. Лекин, тирик мавжудотларнинг турлича ҳаракат қиладиган икки тоифаси мавжуд. Худди инсон бриллиант ва марваридларни ўзининг бўйнида ёки кўкрагида саклагани сингари, Парвардигор Ўзининг бўйнидан қалби пок тирик мавжудотларга жой беради. Парвардигорнинг бўйнидаги марваридлар соф Кришна онгига эга бўлган тирик мавжудотларнинг тимсоли ҳисобланади. Парвардигорнинг эрмакларига қаршилик кўрсатишга уринадиган иблисларни Унинг ҳамиша ана шу адашган тирик мавжудотларнинг қонига бўялиб юрадиган гурзиси яқсон қилади. Ана шу гурзи Парвардигор учун жуда азиз, чунки унинг ёрдами билан Парвардигор иблисларнинг танасини яқсон қилиб, уларнинг қонини тўқади. Худди тупроқ сув билан аралашиб лой бўлгани сингари, Парвардигорнинг душманлари бўлган имонсиз даҳрийларнинг ердан ясалган таналари Унинг гурзисининг зарбалари остида қон аралаш лойга айланади.

Текст 29

Шундан кейин йог ақлини Ўзининг содиқ хизматкорларига ҳамдардлиги туфайли бу дунёда Ўзини турли киёфаларда намоён этадиган Парвардигорнинг нилуфарсимон сиймосида жамлаши лозим. Парвардигор бурни тўғри, чиройли, Унинг бенуқсон пок ёноқлари кулоқларида бир хилда тебраниб турган тимсоҳ шаклидаги сирғалардан таралиб турган ёғдуни акс эттириб ярқираб нур таратиб турибди.

Изоҳ: Парвардигор моддий оламга Ўзининг содиқларига бўлган чексиз ҳамдардлиги сабабли ташриф буюради. Парвардигор моддий оламда икки сабабга кўра пайдо бўлади ёки мужассам бўлади. Оламда дин қонунлари оёкости бўлиб, имонсизлик авжига чиққанида Парвардигор Худонинг содиқларини ҳимоя қилиш ҳамда имонсизларни яқсон қилиш учун келади. Лекин Унинг бу дунёга келишдан асосий мақсади Ўзининг содиқларига хотиржамлик олиб келишдан иборат. Иблисларни ўлдириш учун Парвардигорнинг Ўзи келиб юриши шарт эмас. Бу ишни Унинг сон-саноксиз ёрдамчилари бемалол бажара оладилар. Ҳатто Парвардигорнинг ташқи қуввати, майя ҳам, иблисларни яқсон қилиш учун бемалол етарли бўлган қудратга эга. Лекин, Парвардигор Ўзининг содиқларига ҳамдардлигидан моддий оламга ташриф буюришида бир йўла гуноҳкорларни ҳам яқсон қилиб кетади.

Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкори олдида ўша содиқ Унинг қайси киёфасига боғланган бўлса, ўша киёфада намоён бўлади. Парвардигорнинг миллионлаб киёфалари мавжуд, лекин уларнинг ҳаммасининг ягона моҳияти Муғлақ Ҳақиқатдир. "Брахма-самхита"да айтилганки: адвайтам ачйутам анадим ананта-рупам – Парвардигорнинг ҳамма киёфалари бир биридан фарқ қилмайди, лекин баъзи содиқлар Парвардигорни Радха-Кришна киёфасида, баъзилари Сита ва Рамачандра киёфасида, яна бирлари Лакшми-Нараяна киёфасида кширишни истайдилар, яна бирлари эса Парвардигорнинг тўрт қўллик Нараяна, Васудева киёфасига боғланиб қолганлар. Парвардигор сон-саноксиз киёфалари мавжуд, Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкори олдида у қайси киёфага боғланган

бўлса шу қиёфада намоён бўлади. Йогларга Парвардигорнинг Худонинг содиқлари тан оладиган қиёфаларига муроқаб қилиш тавсия қилинади. Улар ўзларича Парвардигорнинг қандайдир қиёфасини ўйлаб топиб, шунга муроқаб қилишлари лозим эмас. Қандайдир айланага ёки мўлжалга муроқаб қилиш билан шуғулланиб юрган сохта-йоглар мутлако бемаъни иш билан шуғулланиб вақтини кетказиб юрибдилар. Аслини олганда йог Олий Шахс Худонинг асл содиқлар ҳамиша кўриб юрадиган қиёфасига муроқаб қилиши лозим. Йог дегани содиқ хизматкори билдиради. Худонинг асл содиқ хизматкори бўлмаган йоглар Худонинг асл содиқлари издиан боришлари лозим. Мазкур шеърда алоҳида таъкидлаб айтилганки, йог ўзининг хаёлида Парвардигорнинг бирор шаклини ясаб олмасдан, Парвардигорнинг асл содиқлар тан оладиган қиёфаларидан бирига муроқаб қилиши лозим.

Текст 30

Кейин йог хаёлан нигоҳини Парвардигорнинг тўлқин сочлари ўраб турган, нилуфарсимон кўзи ва қошлари ўйнаб турган ажойиб сиймосига қаратади. Ҳатто атрофида асаларилар галаси ғувиллаб айланиб юрган ҳамда икки балиқ ўйнаб турган нилуфар гулининг гўзаллиги ҳам Парвардигорнинг жамоли олдида уялганидан сўниб қолади.

Изоҳ: Мазкур шеърда ишлатилган дхйайен маномайам ибораси алоҳида муҳим аҳамиятга эга. маномайа дегани “хаёлда пайдо бўлган” дегани эмас. Имперсоналистлар айтадиларки, йог хаёлида истаган бир қиёфани ўйлаб топиб, ана шу қиёфага муроқаб қилиши мумкин, лекин бу ерда айтилганки, йог Парвардигорнинг айнан Худонинг содиқлари кўриб юрган қиёфасига муроқаб қилиши айрилган. Худонинг содиқлари Парвардигорнинг қиёфасини ўзларича ўйлаб топмайдилар. Худонинг содиқларини хаёлда ўйлаб топилган нарсалар қаноатлантира олмайди. Парвардигор сон-саноксиз мангу қиёфалари бор, Худонинг содиқ хизматкори ана шу қиёфалардан ўзига кўпроқ ёқадиган бирортасини танлаб олади ва Парвардигорнинг шу қиёфасига сажда қилиш орқали Худога садоқат билан хизмат қилади. Муқаддас китобларда Парвардигорнинг турли қиёфалари таърифланган. Аввал айтганимиздай, Парвардигорнинг азалий қиёфасини тасвирлашнинг саккиз усули бор. Парвардигорнинг тасвирини ясар экан, Худонинг содиқлари имкониятга қараб лойдан, тошдан, ёғочдан, бўёқлардан, қумдан ва бошқа унсурлардан фойдаланиши мумкин.

Маномайам – Парвардигорнинг содиқ хизматкор ўзининг хаёлида тасаввур қилган қиёфаси. Ақл ҳам Парвардигорнинг тасвирлаш мумкин бўлган унсурлардан бири. Парвардигорнинг ақлда хаёлан тасвирланган қиёфаси ҳам хом-хаёл эмас. Парвардигорнинг ҳақиқий қиёфасига турлича муроқаб қилиш мумкин, лекин бу биз муроқаб қиладиган нарсамизни ўзимиз яратишимиз лозим дегани эмас. Мазкур шеърда икки нарса қиёсланган: Парвардигорнинг сиймоси нилуфар гулига ўхшатиш, Унинг қора сочлари нилуфар гулининг атрофида айланиб ғувиллаб юрган асаларилар галаси билан,

Унинг кўзлари эса – нилуфавр гули атрофида ўйнаб юрган икки балиққа ўхшатиш. Атрофида балиқлар ўйнаб, нилуфар гули ўсиб турган нилуфар гули жуда чиройли кўринади. Аммо Парвардигорнинг сиймоси муқамал ва ўзига тўла-бутун, шунинг учун Унинг гўзаллиги нилуфар гулининг табиий гўзаллигини ортда қолдиради.

Текст 31

Йоглар чуқур имон ва садоқат билан Парвардигорнинг ҳамдардлик булан уларга тез-тез ташлаб турадиган нигоҳини пайқаб олишлари лозим, чунки ана шу нигоҳлар моддий оламда уч турли азоб-уқубатларга дучор бўлиб юрган содиқларнинг мусибатини енгиллаштиради. Унинг майин табассум билан ташлаган нигоҳи таърифлаб бўлмас даражада хайратли ва ғаройиб.

Изоҳ: Токи тирик мавжудот моддий танада шартланган ҳолатда қолар экан, унинг ҳаёти ҳамиша ташвиш ва мусибатларга тўла бўлади. Бу муқаррар нарсас. Ҳатто илоҳий поғонага кўтарилган зотлар ҳам моддий қувватнинг таъсири остида бўладилар. Худонинг содиқлари ҳам баъзан изтироб чекадилар, лекин улар Олий Шахс Худо ҳақида, Унинг гўзал жамоли ҳақида ўйлаган заҳоти, уларнинг изтироб ва мусибатлари иккинчи даражали бўлиб қолади. Парвардигорнинг ўз содиқларига инъом этадиган неъматларини санаб адоғига етиб бўлмайди, лекин Парвардигорнинг ато этадиган энг буюк марҳамати Унинг асл содиқларга нисбатан ҳамдардлик туйғуси барқ уриб турган майин табассум ўйнаб турган сиймосидир.

Текст 32

Шунингдек йог Парвардигор Шри Харининг, агар чидаб бўлмас азоб-уқубатларга дучор бўлиб юрган кишилар Унинг нилуфар қадамлари пойига бош қўйсалар, шу заҳотиёқ уларнинг тўккан барча кўз ёшларини қуришиб юборадиган, барчага бир хилда меҳрибон табассумига муроқаб қилиши лозим. Бундан ташқари йог Парвардигорнинг ички қуввати атайлаб, севги фариштасини мафтун қилиш ҳамда ундан буюк донишмандларни ҳимоя қилиш учун яратган чиройли қайрилган қошларига муроқаб қилиши лозим.

Изоҳ: Бутун коинот азоб ва мусибатлар уммонидир. Моддий оламда яшайдиган тирик мавжудотлар тинмасдан кўз ёши тўқадилар, ана шу кўз ёшлари тўпланса буюк уммон ҳосил бўлади. Аммо, Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойигаю бошини эгган кишиларнинг кўз ёш уммонлари шу заҳотиёқ қуриб қолади. Бунинг учун улар Парвардигорнинг мафтункор табассумини бир марта кўрсалар, бас. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигорнинг мафтункор табассумини кўриб, инсон шу заҳотиёқ моддий оламда тирикчилик қилганда муқаррар дуч келадиган мусибатлардан халос бўлади.

Мазкур шеърда айтилганки, Парвардигорнинг чиройли қошлари шундай, таърифлаб бўлмас даражада гўзалки, инсонни моддий оламнинг барча жилваларини бутунлай эсан чиқариб юборишга мажбур қилади. Шартланган руҳлар моддий оламда тутқун бўлиб

юрибдилар, чунки улар энг кучлиси жинсий алоқа лаззати бўлган ҳиссий лаззатларга алданиб қолганлар. Севги фаришгасини Макара-дхваджа деб атайдилар. Олий Шахс Худонинг чиройли қайрилган қошлари донишмандларни ва Худонинг содиқларини моддий шахватдан ва жинсий алоқадан лаззатланишга интилиш туйғусидан ҳимоя қилади. Қадимда, буюк ачарьялардан бири Ямуначарья айтганки, Парвардигорнинг сеҳрли эрмакларини кўргандан бери, жинсий алоқадан шунчалик жирканадиган бўлиб кетганки, жинсий алоқадан лаззатланиш фикрихаёлига келган захоти у афтини буриштириб, тупуриб ташлайди. Шунинг учун шахвоний эҳтиросдан қутулишни истаган киши Олий Шахс Худонинг мафтункор табассумини ва чиройли эгилган қошларини томоша қилиши лозим.

Текст 33

Чукур муҳаббат тўла садоқат билан йог қалбининг тўрида Парвардигор Вишнунинг кулгисига муроқабани килиши лозим. Парвардигор Вишнунинг кулгиси шу қадар жозибадорки, унга муроқабани килиш мутлақо кийин эмас. Парвардигор кулганида Ўзининг жасмин гулининг гунчаларига ўхшаган, лабларидан таралаётган кизғиш ранг акс этиб турган чиройли тишлари кўзга ташланади. Йог ўзининг ақлини бир марта ана шу иш билан машғул қилиб, бошқа ҳеч нарсага чалғимаслиги керак.

Изоҳ: Айтишларига қараганда, узоқ вақт Парвардигорнинг кулгисига муроқабани килиб юргандан кейин, йог Унинг кулгисини эшита бошлайди. Мазкур шеърларда келтирилган Парвардигорнинг табассумига, кулгисига, юзига, лабларига ва тишларига муроқабани килиш жараёнларининг батафсил таърифланиши инкор қилиб бўлмайдиган даражада исботлаб турибдики, Парвардигор ҳечам шахсиятсиз, шакл-шамойилсиз эмас. Мазкур шеърда айтилганки, йог Парвардигор Вишнунинг кулгисига ёки табассумига муроқабани килиши лозим. Бошқа бирор фаолият содиқ хизматкорнинг қалбини моддий иллатлардан буунлай поклашга қодир эмас. Парвардигор Вишнунинг табассумининг бетакрор гўзаллиги шундан иборатки, У кулганида Унинг бир текис тизилган, жасмин гулининг гунчасини эслатадиган оппоқ тишлари кизғиш рангга бўялади, чунки уларда Унинг қип-қизил лабларининг ранги акс этиб жилдоланиб туради. Йог Парвардигорнинг ана шундай ажойиб, гўзал сиймосини қалбининг тўрига жойлай олганида тўла мамнуният ҳосил қилади. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигорнинг гўзаллигини хаёлан тасаввур қилишга ғарқ бўлган киши моддий оламнинг барча алдамчи жилваларига бефарқ бўлиб қолади.

Текст 34

Ана шу йўлдан бориб, йог аста-секин қалбида Олий Шахс Худо, Харига нисбатан соф муҳаббат туйғусини ривожлантира боради. У Худога садоқат билан хизмат қилишда маълум поғонага кўтарилганида, қалбини тўлдирган чексиз шодлик туйғусидан унинг танасидаги туқлари хурпайиб кетади, тинмасдан кўзларидан Парвардигорга нисбатан бепоён муҳаббати сабабли юзага келган ёшлар оқа бошлайди. Вақт ўтиши билан ҳатто, худди балиқчи балиқ тутиш учун қармоқ

ишлатгани сингари, содиқ хизматкорнинг шу пайтгача Парвардигорнинг эътиборини қозониш учун ишлатиб юрган ақли ҳам моддий фаолият билан машғул бўлишни бутунлай тарк этади.

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, ақлий фаолиятнинг бир тури ҳисобланган муроқабани килиш жараёни самадхи, яъни транс ҳолатининг энг олий поғонаси эмас. Аввалига, онгда Олий Шахс Худонинг қиёфасини тасаввур қилиб олиш учун йог ўзининг ақлидан фойдаланади, лекин йоганинг юқори поғоналарида бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Содиқ хизматкорнинг сезгилари покланганида у Парвардигорга хизмат қилишга боғланиб қолади. Бошқача қилиб айтганда, инсон муроқабани билан то Худога соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига етгунча шуғулланиши керак бўлади. Бошланғич поғоналарда ақл сезгиларини поклаш учун ишлатилади, лекин, муроқабани килиш жараёнида инсоннинг сезгилари поклангандан кейин, бир жойда ўтириб олиб Парвардигорнинг қиёфасига муроқабани килишга зарурат қолмайди. Инсон Худога хизмат қилишга шунчалик ўрганиб кетадики, у ўзидан ўзи табиий равишда хизмат қила бошлайди. Йог ўзининг ақлини Парвардигорнинг қиёфасини муроқабани килишга мажбур қилганида, бундай муроқабани нирбиджа-йога, яъни “жонсиз йога” деб атайдилар, чунки бунда йог Парвардигорга табиий равишда фаол хизмат қилмайди. Аммо, ҳамиша Парвардигор ҳақида ўйлаб юрган киши сабиджа-йога, яъни “тирик, жонли йога” билан шуғулланиб юрган бўлади. Ҳар бир йогнинг мақсади ана шундай йога бўлиши лозим.

"Брахма-самхита"да айтилганидек, инсон ҳамиша, кун бўйи Худога хизмат қилиб юриши лозим. Қалбида Худога нисбатан ҳамма нарсени қамраб оладиган муҳаббат туйғусини ривожлантириб, у преманджана-ччхурита поғонасига кўтарилади. Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида Олий Шахс Худога муҳаббатнинг олий поғонасига эришган киши ҳамиша Парвардигорни кўриб юради. У Парвардигорнинг қиёфасини кўриш учун алоҳида уриниб куч сарфлаб, Унинг қиёфасини муроқабани килишга ўзини мажбур қили юришига зарурат қолмайди. У ана шундай илохий назарга эришади, чунки унинг ақли бошқа ҳеч нарсага чалғимайди. Рухий юксалишнинг ана шу босқичида ақли куч билан муроқабани килишга мажбур қилиш керак бўлмай қолади. Рухий ўзликни англаш жараёнининг қуйи босқичларида тавсия қилинадиган муроқабани усули фақат инсоннинг Парвардигорга муҳаббат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилишига ёрдам бериш учун керак бўлади, шунинг учун, Парвардигорга илохий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган содиқларнинг муроқабани килиш билан шуғулланишига ҳеч қандай зарурат йўқ. Рухий баркамолликнинг ана шундай поғонаси Кришна онги билан яшаш деб аталади.

Текст 35

Моддий иллатлардан бутунлай покланиб ҳамда моддий нарсалардан юз ўгириб, тирик мавжудотнинг ақли худди шамчиروқнинг оловига ўхшаб қолади. Ана шундай ҳолатда унинг ақли Парвардигорнинг ақли

билан кўшилади, шунда тирик мавжудот ўзаро фаолият кўрсатаётган моддий сифатлар оқимидан ажралиб чиқиб, ўзининг Парвардигор билан бир эканини англаб етади.

Изоҳ: Моддий оламда ақлнинг фаолияти фақат қабул қилиш ва инкор этишдан иборат. Ақл моддий онг орқали ўтганида уни Олий Шахс Худони муруқабба қилишга мажбур қилиш лозим, лекин, инсон қалбида Худога муҳаббат уйғога олган бўлса, унинг ақли ўзидан ўзи Парвардигор ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлади. Ана шундай ҳолатда йог фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида ўйлайди. Инсоннинг ақли Олий Шахс Худонинг амри билан ҳамоҳанг бўлган ҳолат нирвана, яъни Парвардигорнинг ақли билан бирлашиш деб аталади.

Нирванага энг яхши мисол "Бҳагавад-гита"да келтирилган. Аввалига Аржуннинг нияти Кришнанинг нияти билан бир эмасди. Кришна Аржуннинг жангда иштирок этишини истаган эди, Аржун эса жанг қилишни истамаётганди, яъни Аржуннинг истаги Кришнанинг амрига зид эди. Лекин, Парвардигор унга "Бҳагавад-гита"ни гапириб бергандан кейин, Аржун ўзининг ақлини Кришнанинг амрига бўйсундирди. Ана шундай ҳолат Парвардигор билан бирлашиш ҳолати деб аталади. Лекин бу Аржун ёки Кришна ўзининг алоҳида мавжудлигидан маҳрум бўлди дегани эмас. Парвардигор билан бирлашишга эришиш алоҳида мавжудликдан маҳрум бўлишдир деб ҳисоблайдиган майявади-файласуфлар шуни тушунишга қодир эмаслар. Тирик мавжудотнинг ақли бутунлай покляниб, у қалбида Худога муҳаббат туйғусини ривожлантирганида унинг ақли Олий Шахс Худонинг ақли бўлади. Ана шунда ақл мустақил ҳаракат қилишни бас қилади; ана шундай ақлнинг ҳар бир ҳаракати Парвардигорнинг амрини бажаришга интилишдан иборат бўлади. Озодликка эришган алоҳида руҳ бошқа бирор иш билан шуғулланмайди. Пратинивритта-гуна-правахаҳ. Тирик мавжудотнинг ақли шартланган ҳолатда ҳамиша унга моддий табиатнинг уч гунаси зўрлаб мажбур қиладиган фаолият билан машғул бўлади, аммо, содиқ хизматкор илоҳий поғонага кўтарилганида, моддий табиат гуналари унинг ақлига таъсир қилмай кўяди. Ана шундай содиқ хизматкор фақат Парвардигорнинг амрини бажариш ҳақида ўйлаб юради. Мана шу руҳий баркамолликнинг нирвана ёки нирвана-мукти деб аталадиган энг юқори поғонаси бўлиб, тирик мавжудот ақли ана шундай поғонага кўтарилиб, барча моддий истаклардан озод бўлади.

Йатхарчих. Арчих ибораси "шуъла, олов" деган маънони билдиради. Чироқ синганида ёки ёғи тамом бўлганида у ўчиб қолади. Лекин, илмий нуқтаи-назардан, шуъла бундай вақтда йўқолиб кетмайди, балки потенциал(кувват) ҳолатга ўтади. Кувватнинг сақланиши қонуни шундай амал қилади. Худди шундай, ақл ҳам моддий сатҳда ҳаракат қилишни тарк этганида унинг фаолияти сифат жиҳатидан ўзгариб, Парвардигорнинг манфаати сатҳига кўтарилади. Мазкур шеър бизга майявади фалсафасида муҳим ўрин тутадиган ақлий фаолиятни тарк этиш ғоясини тушуниб олиш имконини беради: ақлнинг фаолиятини тўхтатиш деганда унинг моддий табиатнинг уч гунаси таъсирида булганган фаолиятини тарк этиш назарда тутилади.

Текст 36

Шу тарзда, энг юқори илоҳий поғонага кўтарилиб, ақл моддий фаолиятни бутунлай тарк этади ва ўзининг бошланғич улуғвор ҳолатига эришади ва унга моддий бахт ва мусибатлар таъсир қилмай кўяди. Ана шунда йог ўзининг Олий Шахс Худо билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги ҳақиқатни англаб етади. У англаб етадики, у ўзи билан боғлашга одатланиб қолган шодлик ва мусибатларнинг, шунингдек уларнинг бирикмасининг ҳақиқий сабабчиси ғафлат гунаси юзага келтирган сохта ўзлик экан.

Изоҳ: Тирик мавжудот ғафлат гунасининг таъсири оқибатида ўзининг Олий Шахс Худо билан ўзаро муносабатларини эсдан чиқаради. Йога билан шуғулланиб, инсон ўзини Олий Шахс Худога боғлиқ эмас, мустақил, эркин деб ҳисоблашга мажбур қиладиган ғофиллик иллатидан поклянади. Аслини олганда бизларнинг Парвардигор билан ўзаро мангу муносабатларимиз муҳаббатга асосланган. Тирик мавжудотнинг ғ вазифаси Парвардигорга муҳаббат билан хизмат қилишдан иборат. Ана шу ўзаро ширин муносабатларни унутиш ғофиллик деб аталади. Тирик мавжудотга моддий табиат гуналари зўрлаб сингдирган ғофиллик уни ўзини лаззатланувчи деб ҳисоблашга мажбур қилади. Содиқ хизматкорнинг ақли покляниб, у ақлининг фаолиятини Олий Шахс Худонинг амрига бўйсундириши лозимлигини англаб етганида у баркамолликка эришади ва дунёвий бахт ва мусибатни ҳис қилмайдиган илоҳий поғонага кўтарилади.

Токи инсон ўз билганича ҳаракат қилишда давом этар экан, у бахт ва мусибатларга дучор бўлиб юраверади. Аслини олганда, у ҳақиқий бахт нима эканини билмайди. Худди ақлдан озган кишининг ишлари унга бахт келтирмагани сингари, инсонга моддий фаолият келтирадиган бахт ва мусибатлар алдамчи, сароб ҳисобланади. Аслида бу дунёда мусибатдан бошқа нарса йўқ.

Ақли Парвардигорнинг амри билан ҳамоҳанг ҳаракат қиладиган киши илоҳий поғонага кўтарилган инсон бўлади. Моддий табиат устидан ҳукмонлик қилиш истаги ғофилликни юзага келтиради, аммо, ана шу истақ бутунлай йўқолиб кетганида ва инсон Худонинг амрига зид бўлган бирор иш қилишни истамай қолганида, у руҳий баркамолликка эришади. Упалабдха-паратма-каштхаҳ. Упалабдха ибораси "англаб етиш" деган маънони англатади. Англаш алоҳида мавжудлик бўлишини назарда тутати. Руҳий баркамолликка эришган ва моддий олам тутқунлигидан озодликка чиққан киши ҳақиқатни англаб етади. нивриттга ибораси шуни билдирадики, тирик мавжудот ўзининг алоҳида мавжудлигини сақлаб қолади; унинг Парвардигор билан бирлиги унинг ўзининг бахтини Парвардигорнинг бахтида кўришини англатади. Парвардигорнинг борлигида бахтдан бошқа ҳеч нарса йўқ. анандамайо бхйасат: Ўзининг табиатига кўра Парвардигор илоҳий лаззатга тўла. Парвардигор билан бирлашиб, озодликка эришган руҳлар бахт ва лаззатдан бошқа нарсани ҳис қилмайдилар. Лекин бунда тирик мавжудот ўзининг алоҳида мавжудлигини сақлаб қолади, акс ҳолда бу ерда илоҳий лаззатни алоҳида ҳис

килишни англатадиган упалабдха ибораси ишлатилмаган бўлади.

Текст 37

Худди маст киши ўзининг кийинган ёки яланғоч эканини билмагани сингари, ўзини англаб етган рух ҳақиқий “мен”га эга бўлгандан кейин моддий танаси қандай ҳаракат қилаётганига эътибор бермай кўяди.

Изоҳ: Рупа Госвами "Бхакти-расамрита-синдху" асарида рухий юксалишнинг ана шу поғонаси ҳақида ҳикоя қилади. Ақли Олий Шахс Худонинг амрига тўла итоат қиладиган, хамиша Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши моддий танасининг эҳтиёжларини бутунлай эсламай кўяди.

Текст 38

Озодликка эришган йогнинг танаси ҳақида, шунингдек унинг сезгилари ҳақида Олий Шахс Худонинг Ўзи ғамхўрлик қилади. Токи у тақдирга ёзилган ҳамма нарсани амалга оширмагунча унинг танаси яшашда ва ҳаракат қилишда давом этаверади. Ўзининг бошланғич азалий ҳолатига қайтиб ва йоганинг энг комил ҳолати бўлган самадхи ҳолатида бўлиб, озодликка чиққан содиқ моддий танага тааллуқли нарсаларни ўзиники деб ҳисоблашни тарк этади. У танасининг ҳаракатларини худди уйқудан уйғонган киши тушида кўрган нарсаларини қабул қилгандай қабул қилади.

Изоҳ: Шундай савол туғилади: Нимага тананинг ҳаракатлари ҳали тана ичида бўлган озод рухга таъсир қилмайди? Наҳотки у моддий фаолиятни ташкил этадиган тананинг ҳаракатлари ва уларнинг оқибатлари сабабли булганмаса? Бу саволларга жавоб берар экан, Капила Муни мазкур шеърда тушунтирадики, озод рухнинг моддий танасига Олий Шахс Худо ғамхўрлик қилади. Тирик мавжудотнинг қилаётган ҳаракатларига унинг ҳаёт кучи эмас, балки унинг аввалги фаолиятининг оқибатлари сабаб бўлади. Агар вентиляторни тоқдан айирсак. У яна анча вақтгача айланиб туради. Унинг айланиши электр токининг кучи билан эмас, балки инерция кучи билан амалга ошаётган бўлади. Худди шундай, озодликка чиққан рухнинг ҳаракатлари ҳам сиртдан қараганда оддий одамнинг ҳаракатларига ўхшаши мумкин, лекин уларни унинг аввалги фаолиятининг давоми деб қараш керак. Одам тушида ҳар хил таналарда ҳаракат қилаётганини кўриши мумкин, лекин уйқудан уйғонгандан кейин у тушунадики, бу таналарнинг ҳаммаси –шунчаки саробдан бошқа нарса эмас. Шунга ўхшаб, озодликка эришган киши ҳам танаси билан боғлиқ нарсалар: болалари, хотини ва ҳоказолар орасида юриши мумкин, лекин у ўзини танаси билан боғлиқ нарсаларга киёсламайди. У биладики, буларнинг ҳаммаси – ўзининг вақтинчалик моддий тушида ҳаракат қилаётган шахслар. Бизнинг қўпол моддий танамиз моддий унсурлардан, нафис танамиз эса – ақл, тафаккур, эго ва нопок онгдан таркиб топган. Агар инсон тушида фаолият кўрсатган нафис танасини сароб деб ҳисобласа ва ўзини унга киёсламайдиган бўлса, зийрак юрган киши ўзини қўпол танага умуман киёсламаслиги керак. Худди уйқудан уйғонган киши танасининг тушида қилган ишларига ташқаридан қарагани сингари, ғафлат

уйқусидан уйғонган, озодликка эришган рух ҳам ўзини моддий танасининг кўрсатган фаолиятига дахлдор деб ҳисобламайди. Бошқача қилиб айтганда, ўзининг ҳақиқий табиатини англаб етгандан кейин у ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан воз кечади.

Текст 39

Оиласи ва мол-дунёга қаттиқ боғланиб қолгани сабабли инсон фарзандлари ва бойлигини ўзиники деб ўйлайди, танасига бўлган қаттиқ боғланиши эса, уни моддий танасини ўзиники деб ҳисоблашга мажбур қилади. Худди оддий одам оила ва мол-дунёси унинг ўзидан фарқ қилишини тушуна олгани сингари, озодликка эришган рух ҳам ўзининг моддий танадан фарқ қилишини тушунишга қодир бўлади.

Изоҳ: Мазкур шеърда ҳақиқий илмга эга бўлган кишининг қандай фикр юритиши таърифланган. Дунёда сон-саноксиз болалар бор, лекин уларнинг баъзиларига бизлар қаттиқ боғланиб қолганмиз, шунинг учун гарчи улар биздан бошқа алоҳида мавжудлигини билсак ҳам, уларни ўзимизнинг ўғлимиз ёки қизимиз деб ҳисоблаймиз. Худди шундай, пулга қаттиқ боғланиб қолганимиз сабабли бизлар банкка қўйган пулимизни ўзимизники деб ҳисоблаймиз. Танамизга боғланиб қолганимиз, уни севганимиз учун уни ўзимизнинг танамиз деб ҳисоблаймиз. Аввалига мен бу тана “меники” деб ҳисоблайман, кейин ана шу тасаввурни мен шу тананинг аъзоларига кенгайтираман: “Менинг кўлим, менинг оёғим”, - кейин: “Менинг ўғлим, менинг қизим, менинг пулларим” – деб айта бошлайман. Лекин, аслида ўғлим ва пуллар мендан алоҳида мавжуд экани менга маълум. Моддий тана ҳам шундай: мен ўзимнинг танамдан фарқ қиламан. Бу ҳақиқатни тушуниш қийин эмас, ҳаётни ана шундай тушуниш пратибуддха деб аталади. Инсон ана шундай тушунчага Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида эришади, ана шу илм, яъни Кришнани англаш шарофати билан у озодликка эришади.

Текст 40

Гарчи оловнинг тиллари, учқунлар ва тутунлар ҳаммаси битта манба – ёнаётган ўтинлардан чиққани сабабли бир-бири билан ажралмас даражада боғлиқ бўлса ҳам, ёниб турган олов улардан фарқ қилади.

Изоҳ: Ёнаётган ўтинлар, учқунлар, тутун ва ёлин, оловнинг тақрибий қисмлари бўлгани туфайли алоҳида ўзлари мавжуд бўла олмайди, лекин шунга қарамай, улар бир биридан фарқ қилади. Қалтафаҳм одам гарчи улар орасида ўхшашлик умуман бўлмаса ҳам, тутунни олов деб билади. Оловни ёруғлик ва иссиқликдан ажратишнинг иложи бўлмаса ҳам, иссиқлик билан ёруғлик оловнинг ўзидан фарқ қилади.

Текст 41

Парвардигор, парам брахма деб аталадиган Олий Шахс Худо қузатувчи родини ижро этади. У живадан, яъни сезгилар, беш унсур ва онг билан боғланган алоҳида тирик мавжудотдан фарқ қилади.

Изоҳ: Мазкур шеърда тўла бутуннинг аниқ таърифи келтирилган. Тирик мавжудот моддий унсурлардан

фарқ қилади, олий тирик мавжудот, моддий унсурларнинг яратувчиси бўлган Парвардигор эса кичкина атомар заррача бўлган тирик мавжудотдан, яъни алоҳида руҳдан фарқ қилади. Парвардигор Чайтанья тарғибот қилган мана шу таълимот ачинтъя-бхедабхеда-таттва деб аталади. Борликдаги ҳар бир унсур ундаги бошқа барча унсурлар билан бир, аинни пайтда улардан фарқ қилади. Парвардигор ўзининг моддий куввати ёрдамида яратадиган моддий коинот ҳам бир вақтнинг ўзида Унинг Ўзи билан бир ва Ундан фарқ қилади. Моддий кувват Парвардигор билан бир, лекин аинни пайтда Ундан фарқ қилади, Мана шу “бир вақтнинг ўзида бирлик ва фарқ қилиш” ғояси бхагавата фалсафий мактаби яратган мукаммал ғоя ҳисобланади, буни мазкур шеърда Парвардигор Капиладева ҳам тасдиқлаяпти.

Тирик мавжудотлар учқунларга ўхшайдилар. Аввалги шеърда айтилганидек, олов, аланга, тутун ва ўтин тўла бутунни ташкил этади. Мазкур шеърда тирик мавжудот, моддий унсурлар ва Олий Шахс Худони тўла бутун сифатида таърифлаяпти. Бу тизимда тирик мавжудотлар оловнинг таркибий қисмлари ҳисобланадиган учқунларга ўхшайди. Моддий кувватни тутунга ўхшатадилар. Аланга ҳам Парвардигорнинг таркибий қисми ҳисобланади. "Вишну-пурана"да айтилганки, биз кўриб турган нарсаларнинг ҳаммаси, яъни моддий ва рухий оламдаги бутун борлик Парвардигорнинг турли кувватларининг намоён бўлишидир. Худди олов бир жойда жойлашган ҳолда атрофга ёруғлик ва иссиқлик тарқатгани сингари, Олий Шахс Худо ҳам бутун борликка Ўзининг хилма-хил кувватларини тарқатиб туради.

Вишнуизмнинг тўрт фалсафий доктринаси – шуддха-адвайта(соф нондуализм), дваита-адвайта(бир вақтда бирлик ва фарқ қилиш), вишишта-адвайта ва дваита. Бу тўрт доктрина ҳам "Шримад Бхагаватам"нинг мана шу икки шеърда таърифланган ғояга асосланган.

Текст 42

Йог бутун борликда фақат руҳни кўриши лозим, чунки бутун оламда Парвардигорнинг турли кўринишда намоён бўлиб турган кувватларидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Шундай қилиб, содиқ хизматкор барча тирик мавжудотларнинг ягона табиатини кўриши лозим. Ана шундай нуқтаи-назарга эга бўлиш Олий Руҳни англаб этиш деб аталади.

Изоҳ: "Брахма-самхита"да айтилганидек, Олий Руҳ нафақат ҳар бир коинот ичига, балки оламнинг ҳар бир атоми ичига қиради. Олий Руҳ ғамма жойда мавжуд, лекин у бизнинг кўзимизга кўринмайди, Олий Руҳни бутун борлиқнинг ҳамма жойида кўриб юриш қобилиятига эга бўлган киши ўзини моддий нарсаларга қиёслаш иллатидан озодликка чиқади.

Сарва-бхутеша иборасини қуйидагича тушуниш лозим: тирик мавжудотларнинг тўрт тури бор: ердан ўсиб чиқадиган тирик мавжудотлар; бижғиш ёки ферментация натижасида дунёга келадиган тирик мавжудотлар; туғумдан дунёга келадиган тирик мавжудотлар ҳамда она қорнида ривожланадиган тирик мавжудотлар. Тирик мавжудотларнинг мана шу тўрт тури 8400000 турли ҳаёт шаклида яшайдилар. Ўзининг

моддий танага қиёслаш иллатидан халос бўлган киши ҳар бир тирик мавжудотни бир хилдаги руҳ яратганини кўришга қодир бўлади. Чуқур тафаккурга эга бўлмаган калтафаҳм одамлар дарахт ва ўсимликлар ердан ўзидан ўзи ўсиб чиқади деб ўйлайдилар. Лекин, ҳақиқий илмга эга бўлган, ўзининг руҳий табиатини англаб етган донишманд киши биладики, ўсимликларнинг ердан униб чиқишига шароитга мос равишда ҳар хил моддий таналарда мужассам бўлиб, ҳаётнинг ҳар хил шаклларига қирадиган руҳ ҳисобланади. Микроблар лаборатория шароитида ферментация жараёнида кўпаяди, лекин уларнинг ривожланиши ҳам руҳнинг мавжудлиги билан шартланган. Дунёвий олимлар тухумда жон, ҳаёт йўқ деб ҳисоблайдилар, лекин аслида бундай эмас. Ведавий муқаддас китоблардан биламизки, ҳар хил тирик мавжудотлар дунёга турли йўллар билан келадилар. Қушлар тухумдан чиқадилар, хайвонлар ва одамлар она қорнидан туғиладилар. Йог ёки Худонинг содиқ хизматкори ҳаёт ҳақида мукаммал тасаввурга эга, чунки у атрофини ўраб турган нарсаларнинг ҳаммасида тирик мавжудотнинг мавжудлигини кўради.

Текст 43

Худди турли ўтинлар турлича ёнгани сингари, илохий табиатли пок руҳ ҳам моддий табиат гуналарининг турли бирикмалари таъсири остига тушиб, ўзини ҳар хил таналарда намоён этади.

Изоҳ: Шунинг аниқлаб олиш лозимки, ҳар бир тана ажойиб, фақат унинг ўзига хос бўлган алоҳида хусусиятларга эга. Пракрити дегани моддий табиатнинг уч гунасининг ўзаро фаолиятини билдиради, ва ана шу гуналар таъсири остида бир тирик мавжудот кичкина тана, бошқа бир тирик мавжудот – катта тана олади. Масалан, катта ўтинни ёқсангиз олов ҳам катта бўлади, унинг ёнида кичкина чўпнинг ёниши жуда кичик бўлиб кўринади. Лекин оловнинг сифати ҳар икки ҳолатда ҳам бир хил, аммо моддий табиат ўзини шундай намоён этадики. Ўтинга боғлиқ равишда олов ё катта, кучли, ё кичик, кучсиз бўлиб кўринади. Худди шундай, гарчи сифат жиҳатидан бир хил бўлса ҳам, коинотнинг танасида жойлашган руҳ кичкина тана ичидаги руҳдан фарқ қилади.

Кичкина, атомар руҳлар катта руҳнинг учқунларига ўхшайди. Олий Руҳ энг катта руҳ ҳисобланади ва ўзининг ўлчамлари билан алоҳида руҳлардан фарқ қилади. Ведаларда айтилганки, Олий Руҳ кичкина руҳларни барча зарур нарсалар билан таъминлаб туради(нитйо нитйанам). Олий Руҳ билан алоҳида руҳ орасидаги фарқ нимадан иборат эканини тушунадиган киши ўз ҳаётидан нолишни тарк этиб, хотиржамликка эришади. Атомар кичик руҳ ўзини микрод жихатидан Олий Руҳга тенг деб ҳисоблаб юрганида у майя ҳукми остида бўлади, чунки унинг бундай тасавури ҳақиқатга тўғри келмайди. Ҳеч қандай фалсафий изланишлар алоҳида руҳни Олий Руҳ қила олмайди.

"Вараха-пурана"да турли хил руҳларни свамша-вибхиннамша ибораси билан ифодаланган. Олий Шахс Худо свамша деб аталади, вибхиннамша деб аталадиган алоҳида руҳлар эса, Олий Руҳнинг кичкина зарралари бўлиб мангу қолаверадилар, буни "Бхагавад-гита" ҳам тасдиқлайди: мамаивамшо джива-

локе джива-бхутах санатанах. Алоҳида тирик мавжудот атомар рух бўлиб мангу қоладилар, шунинг учун улар ҳеч қачон Парвардигор билан тенглаша олмайдилар.

Текст 44

Шундай қилиб, ўзини моддий оламнинг ҳам сабабчиси, ҳам оқибати қилиб кўрсатгани туфайли англаб етиш жуда мушкул бўлган майя устидан ғалаба қозониб, йог ҳақиқий ўзлигини англаб етади.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"да айтилганки, тирик мавжудотлар уларнинг илмини қоплаб оладиган майянинг жилвалари олдида ожиздирлар. Аммо, Кришнага, Олий Шахс Худога ўз ихтиёрини топширган киши энгилмасдай бўлиб кўринган майя чангалидан озодликка чиқа олади. Мазкур шеърда даиви пракрити, яъни Парвардигорнинг ташқи қуввати ҳам дурвибхавйа, яъни "англаш ва энгиш жуда мушкул" деб аталган. Лекин биз ўзимиздан унинг жилваларини олиб ташлаб, ана шу энгилмас майяни энгишимиз лозим, бунга эса, Парвардигор Унга ўз ихтиёрини топширган кишига Ўзини ошкор этганида, Худонинг марҳамати билан эришиш мумкин. Мазкур шеърда шунингдек сварупенаватиштхате ибораси ишлатилган. Ўзининг сварупасига қайтиш деганда инсон ўзининг рухий табиатини англаб етиши назарда тутилади, бошқача қилиб айтганда, унинг Олий Рух эмас, балки Олий Рухнинг бир зарраси эканини тушуниб етиши назарда тутилади. Рухий ўзликни англашнинг моҳияти шундан иборат. Тирик мавжудот ўзини Олий Рух деб ўйлаб, ҳамма жойда мавжудман деб ҳисоблаганида, унинг ўзи ҳақидаги тасавури билан унинг ҳақиқий сварупаси орасида ҳеч қандай умумийлик йўқ. Яъни у ўзининг ҳақиқий ҳолатини англаб етмаган ва ўзининг Парвардигорнинг ажралмас бир заррачиси эканини тушунмайди. Мазкур шеърда инсон ўзининг ҳақиқий табиатини биратўла ва ҳаммиша тушуниб олиши кераклиги айтилган. "Бхагавад-гита"да бундай ҳолат Брахманни англаш деб аталган.

Брахманни билган киши Унинг фаолиятида иштирок етиши мумкин. Ўзининг рухий табиатга эга эканини билмайдиган кишилар, ҳаёт ҳақида ўзларини танага қиёслашга асосланган сохта тасаввур таъсири остидаги фаолият билан шуғулланадилар. Инсон ўзининг сохта табиатини англаб етганида у Брахман поғонасида ҳаракат қила бошлайди. Майявади-файласуфлар Брахманни англаб етган рух ҳар қандай фаолиятни тарк этади деб айтадилар, аслида ундай эмас. Агар моддий пардалар билан қопланган рух ўзи учун ғайритабиий бўлган шундай шароитда шунчалик фаол бўлатуриб, ўзининг ана шу пардаларидан халос бўлгандан кейин фаол ҳаракат қилишдан тўхтаб қолади деб ўйлаш мантиққа тўғри келадими? Бундай гапларнинг асосиз эканини англаб етиш учун шундай мисол келтириш мумкин: Агар касал одам бирор фаолият билан фаол шуғулланиб юрган бўлса, у касалидан тузалгандан кейин фаолиятини тарк этади, деб ўйлашга асосимиз бўладими? Бунга жавоб аниқ: Касалидан қутулган тирик мавжудот фаолиятини давом эттиради, лекин энди унинг фаолияти покланади. Брахман поғонасидаги тирик мавжудотларнинг фаолияти шартланган тирик мавжудотларнинг фаолиятидан фарқ қилади деб айтиш мумкин, лекин

фаолиятнинг ўзи тўхтамайди. "Бхагавад-гита"(18.54)да айтилганки, ўзининг Брахман эканини англаган тирик мавжудот Худога садоқат билан хизмат қила бошлайди. Мад-бхактим лабхате парам: Брахманни англаб етган киши Худога садоқат билан хизмат қилишга киришиши мумкин. Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш – Брахман онги билан фаолият кўрсатишдир.

Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган кишиларга майя ўз ҳукмини ўтказа олмай қолади. Уларнинг ҳолати ҳар томонлама мукамал бўлади. Тўла бутуннинг бир бўлаги сифатида тирик мавжудотнинг бурчи тўла бутунга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишдан иборат. Мана шу – энг олий рухий баркамолликдир.

"Шримад Бхагаватам"нинг Учинчи кўшиқ, "Парвардигор Капиланинг Худога садоқат билан хизмат қилиш бўйича берган насиҳатлари" деб аталадиган йигирма саккизинчи бобида Бхактиведантанинг ёзган изоҳлари шундай яқунланади.

Йигирма тўққизинчи боб Парвардигор Капила Худога садоқат билан хизмат қилишни таърифлайди

Текст 1-2

Девахути деди: Эй Парвардигор, Сен моддий қувватнинг бирлашган шаклининг белгиларини ҳамда рухнинг хусусиятларини санкхья фалсафаси бўйича илмий жиҳатдан таърифлаб бердинг. Энди менга барча фалсафий тизимларнинг энг юқори чўққиси бўлган Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлини таърифлаб бер.

Изоҳ: "Шримад Бхагаватам"нинг Учинчи кўшиқ йигирма тўққизинчи бобида Худога садоқат билан хизмат қилишнинг улуғворлиги ҳақида ҳамда вақтнинг шартланган руҳларга қандай таъсир кўрсатиши ҳақида ҳикоя қилинади. Шартланган руҳни шунчаки бекорга вақтни сарфлашдан иборат бўлган моддий фаолиятдан воз кечишга ундаш мақсадида вақтнинг унга кўрсатадиган таъсири шунчалик батафсил тушунтирилади. Аввалги бобда тартиб билан моддий табиат, алоҳида рух ҳамда Парвардигор, яъни Олий Рух батафсил таърифланган эли, бу бобда эса бхакти-йога, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш – тирик мавжудот Олий Шахс Худо билан ўзаро мангу муносабатлари доирасида кўрсатадиган фаолиятининг қоидалари ҳақида маълумот берилади.

Бхакти-йога, Худога садоқат билан хизмат қилиш барча фалсафий тизимларнинг асосини ташкил этади. Инсонни Худога садоқат билан хизмат қилиш лозимлиги ҳақидаги тушунчага олиб келмайдиган ҳар қандай фалсафани сохта сафсатага асосланган тизим деб ҳисоблаш лозим. Лекин, фалсафий асосга эга бўлмаган бхакти-йоганинг ўзи у ёки бу даражада диний ақидапарастлик бўлиб қолади. Одамлар икки тоифа бўладилар: бировлар ўзларини ақли, доно одамлар деб ҳисоблайдилар ва вақтини фалсафий изланишлар ёки муроқабани қилиш билан ўтказадилар, бошқа тоифадаги одамлар эса, фақат ўзларининг ҳис-туйғуларига ишонадилар ва ўзларининг нуқтаи-назарини фалсафий

асослаб бера олмайдилар. Бу икки тоифа одамлар ҳам инсон ҳаётининг олий мақсадига эриша олмайдилар, агар эришсалар ҳам бунинг учун уларга жуда кўп йиллар керак бўлади.

Ведаларда ҳаётнинг уч асоси мавжудлиги ҳақида айтилган: Парвардигор, тирик мавжудотлар ҳамда Парвардигорни тирик мавжудот билан боғлаб турадиган мангу муносабатлар. Шунга мос ҳолда яшашдан мақсад - бхакти, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидалари асосида инсон ўзининг калбида Худога муҳаббат туйғусини ривожлантириш, Парвардигорнинг мангу хизматкори бўлиши, оқибат натижада Олий Шахс Худонинг мангу даргоҳига эришишдан иборат.

Санкхья фалсафаси бирни ўраб турган оламнинг тузилишини таҳлил қилади. Нарсаларнинг моҳиятини англаб етиш учун уларнинг табиатини ва хусусиятларини ўрганиш лозим. мана шу ўрганиш жараёни деб аталади. Лекин атрофимиздаги оламни ўрганишнинг ўзи мақсад бўлмаслиги, балки яшашдан мақсадни, яъни ўрганиш жараёнининг асосини ташкил этадиган бхакти-йогани англаб етиш воситаси бўлиши керак. Бхакти-йогани инкор этадиган ва фақат нарсаларнинг табиатини назарий жиҳатдан таҳлил қилиб ўрганиш билан шуғулланадиган киши амалда ҳеч нарсага эриша олмайди. "Шримад Бхагаватам" бундай машғулотни қуруқ шоли пўчоғини титкилаш билан тенглаштиради. Шоли пўчоғида бурунч йўқ, шунинг учун уни титкилаб юрган киши шунчаки вақтини бекор кетказади. Моддий табиатни, тирик мавжудотни ва Олий Рухни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш инсонни барча асосларнинг асоси бўлган Худога садоқат билан хизмат қилишга олиб келиши лозим.

Текст 3

Эй Парвардигор, марҳамат қилиб менега ва бутун инсониятга самсара чархпалаги ҳақида гапириб бер, чунки туғилиш ва ўлиш билан боғлиқ бўлган изтироблар ҳақида эшитиб, бизлар моддий фаолиятни тарк эта оламиз.

Изоҳ: Мазкур шеърдага асосий ибора самсритиҳ. Шрейах-срити – Олий Шахс Худонинг салтанатига олиб борадиган саодатли йўл, самсрити – моддий мавжудликнинг энг қоронғу жойларига олиб борадиган туғилиш ва ўлишлар йўлида чексиз сарсон бўлиб юриш. Моддий олам, Худо ва ўзининг Худо билан ўзаро яқин муносабатлари ҳақидаги илмдан маҳрум бўлган одамлар моддий оламдаги мавжудликнинг энг қоронғу жойларига шиддат билан кетиб боряптилар. Бунда улар ўзларининг ҳаракатларини моддий таракқиёт деб атайдилар. Моддий оламнинг қоронғу жойларига тушиш – инсон танасидан бошқа таналарда мужассам бўлиш демакдир. Ғофил одамлар билмайдиларки, вақти келиб, уларга инсон танасида яшаш учун ажратилган вақт ниҳоясига етганида улар моддий табиатнинг ҳукми билан бошқа тубан таналарда қайта туғилишга мажбур бўладилар. Тирик мавжудот қандай қилиб ҳаётнинг ҳар хил турларига мансуб тана олиши ҳақида кейинги бобда ҳикоя қилинади. Туғилиш ва ўлишлар чархпалагида узлуксиз тана алмашлаб юриш жараёни самсара деб аталади. Девахути ўзининг буюк ўғли Капила Мунидан, шартланган руҳларни улар бхакти-

йога, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли ҳақида билмасдан, улар тубанликка олиб борувчи йўлдан кетиб бораётганига ишонтириш учун тирик мавжудотларнинг ана шу бетиним сарсон-саргардонлиги ҳақида гапириб беришни илтимос қилапти.

Текст 4

Илтимос, шунингдек менга Сенинг намоён бўлган кўринишларингдан бири бўлган ва унинг таъсири остида оддий одамлар эзгу фаолият билан шуғулланадиган мангу замон ҳақида гапириб бер.

Изоҳ: Ҳатто бахтга элтувчи йўл ҳақида ва ғофилликнинг энг қоронғу жойларига олиб борадиган йўл ҳақида ҳеч нарса билмайдиган киши ҳам, моддий фаолиятнинг ҳамма натижаларини йўққа чиқарадиган мангу замоннинг таъсирини ўзида ҳис қилади. Бизнинг танамиз маълум бир вақтда дунёга келади ва шу заҳотиёқ мангу вақт, замон ҳукми остига тушиб қолади. Тана дунёга келган вақтдан бошлаб ўлишни бошлайди. Вақтнинг тана устидан ҳукмронлик қилиши ўсиш ва кексايш жараёнларида намоён бўлади. Агар инсон ўттиз ёки эллик ёшга чиққан бўлса, демак, вақт унинг ўттиз ёки эллик йил умрини ютиб юборган бўлади.

Ҳар бир инсон биладики, унга яшаш учун ажратилган вақт ниҳоясига етганида у албатта бешафқат ўлим исканжасига тушади. Аммо, баъзи одамларкексалиги яқинлашганда ёки қийин аҳволга тушиб қолганларида замоннинг таъсири ҳақида ўйланиб қоладилар ва шунинг учун, кейинги ҳаётида инсонлар жамиятининг қуйи табақаларига мансуб одамлар ҳонадониди ёки тубанликка юз тутиб ҳайвонлар орасида туғилмаслик учун эзгу ишлар билан шуғуллана бошлайдилар. Одамларнинг аксарият кўпчилиги ҳиссий лаззаланиш истагининг қули бўлиб, жаннатий сайёраларга тушишга интиладилар, шу мақсадда улар хайр эҳсон тарқатиш билан шуғулланадилар ёки эзгу фаолиятнинг бошқа тури билан шуғулланадилар. Лекин аслида, "Бхагавад-гита"да айтилганидек, ҳатто моддий оламнинг энг юқори сайёраси Брахмалокада ҳам тирик мавжудот туғилиш ва ўлишлар сабабли изтироб чекишга мажбур бўлади, чунки замоннинг ҳукми бутун моддий оламнинг ҳамма жойига таъсир қилади. Аммо руҳий оламда замон таъсири умуман билинмайди.

Текст 5

Эй Парвардигор, худди куёш сингари Сен тирик мавжудотларни ютиб юборган шартланган ҳаёт зулматини тарқатиб юборасан. Уларнинг донишмандлик кўзлари юмилган, шунинг учун улар Сенинг нилуфар пойи қадамларинг паноҳида нажот топишдан маҳрум бўлиб, ғофиллик зулматида мангу ухлаб юрибдилар. Ҳофил ва адашган ҳолда улар алдамчи моддий фаолият ва унинг оқибатларига ғарқ бўлганлар, шунинг учун ана шундай аянчли аҳволда кўринадилар.

Изоҳ: Мазкур шеърдан маълум бўладики, Парвардигор Капиланинг буюк онаси, Шримати Девахути, бу дунёда яшашдан мақад нима эканини билмасдан алданиш зулматига ғарқ бўлиб ғафлат уйқусида ҳаётдан

кийналиб юрган одамларга ҳамдардлик билдирапти. Ҳар бир вайшнава, Худонинг содиқ хизматкори ғафлат уйқусида ётган тирик мавжудотларни уйғотишни ўзининг бурчи деб билади, шунинг учун Девахути ўзининг буюк ўғлидан шартланган рухларнинг ҳаётини илм нури билан ёритишни ва уларнинг изтиробга тўла ачинари ҳаётига чек қўйишни илтимос қиляпти. У мазкур шеърда Парвардигорни йога-бхаскара, яъни “йога куёши” деб атапти. Шу пайтгача Девахути ўзининг буюк ўғлидан бхакти-йога йўлини таърифлаб беришни илтимос қилган эди, Парвардигор бу йогани йоганинг олий тизими деб, унга бхакти-йога ҳақида гапириб бериб.

Бхакти-йога худди куёш сингари, ачинарли ҳолати мазкур шеърда таърифланган шартланган рухлар озодликка чиқиши мумкин бўлган йўлни ёритади. Шартланган рухлар кўр, шунинг учун улар қайси йўл уларни ҳақиқий бахтга олиб боришини кўришга қодир эмаслар. Инсон бўлиб яшашдан мақсад ўзининг ҳамиша ўсиб борадиган моддий эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилишдан иборат эмаслигини улар тушунмайдилар. Моддий тана атиги бир неча йил мобайнида мавжуд бўлади, аммо тирик мавжудотларнинг ўзлари мангу мавжуд ва уларнинг мангу эҳтиёжлари бор. Ҳаётда фақат вақтинчалик танасининг эҳтиёжларини қондириб, мангу руҳининг мангу эҳтиёжларига эҳтибор бермай юрган одамлар ривожланиш жараёнида тирик мавжудотларни ғофилликнинг энг қоронғу жойларига олиб борадиган жамиятга мансубдилар. Уйқуга ғарқ бўлган тирик мавжудот ана шу зулматдан чиқиш йўлини кўра олмайди, аста-секин уни чарчоқ мағлуб қилади. У ҳар хил йўллар билан ўзидан ана шу чарчоқни аритишга ёки унга мослашиб олишга ҳаракат қилади, лекин унинг ҳаракатларининг барчаси бекорга кетади ва шу тариқа у ғофиллик зулматида тобора чуқурроқ ғарқ бўлаверади. Тирикчилик учун узоқ йиллар давом этиб келаётган кураш оқибатида тўпланиб қолган чарчоқдан халос бўлишнинг ягона йўли – Худога садоқат билан хизмат қилиш яъни Кришна онги билан яшаш.

Текст 6

Шри Майтрея деди: Эй Курулар аълоси, одамларнинг ахволига ачинганидан ҳамда Ўзининг ажойиб онасининг гапларидан жуда мамнун бўлибд Капила унинг саволларига жавоб бера бошлади.

Изоҳ: Парвардигор Капила фақат ўзининг озодликка эришиши ҳақида эмас, балки барча шартланган рухларни қутқариш ҳақида қайғураётган ажойиб онасининг берган саволларидан жуда мамнун бўлди. Парвардигор моддий оламда яшаётган адашган тирик мавжудотларнинг ахволига ҳамиша ачинади, уларни қутқариш учун Ўзи бу дунёга келиб туради ёки Ўзининг ишончли хизматкорларини юборади. Парвардигорнинг қалби шартланган рухлар нисбатан ҳамдардлик туйғусига тўла, шу боис, Унинг содиқ хизматкорларидан бири ҳам уларга ҳамдардлик билдирса, Парвардигор бундан жуда хурсанд бўлади. "Бхагавад-гита"да айтилганки, "Бхагавад-гита" илмини тарғибот қилиб, яъни Олий Шахс Худога ўз ихтиёрини топшириш лозимлигини тушунтириб, шартланган рухларга илм ўргатишга ҳаракат қилиб юрган кишилар

Парвардигор учун жуда қадрли, азиздилар. Шунинг учун онасининг бу дунёда адашиб юрган зотларга ачинганидан айтаётган гаплари Парвардигорни жуда мамнун қилди ва У онасининг дардини тушунди.

Текст 7

Худо Шахси, Парвардигор Капила деди: Эй покдомон аёл, содиқнинг сифатларига қараб Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳар турли кўринишда бўлиши мумкин.

Изоҳ: Кришна онгида Худога соф садоқат билан хизмат қилиш бўлинмас, чунки Худога соф садоқат билан хизмат қилиб юрган киши ўзининг хизмати эвазига ҳеч қандай манфаат кўзламайди. Лекин. Одатда одамлар қандайдир моддий мақсадга интилиб юрганлари сабабли Худога садоқат билан хизмат қила бошлайдилар. "Бхагавад-гита"да айтилганидек, моддий иллатлардан покланмаган киши тўрт турли сабабларга кўра Худога садоқат билан хизмат қила бошлайди. Қийин ахволга тушиб қолган киши Худонинг содиқ хизматкори бўлади ва Худога илтижо қилиб, уни бу мусибатлардан халос этишни тилайди. Пулга муҳтож бўлган кишилар Парвардигорга мурожаат қилиб, Ундан ўзларининг иқтисодий ахволини яхшилаб олишга ёрдам беришни тилайдилар. Бошига мусибат тушмаган, пулга муҳтож бўлмаган, лекин Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишга интилиб юрган бошқа бировлар ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиб, Парвардигорнинг табиати ҳақида савол бера бошлайдилар. Буларнинг ҳаммаси "Бхагавад-гита"(7.16)да жуда яхши таърифланган. Аслида Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли битта, лекин содиқ хизматкорнинг ҳолатига қараб, унинг хизмати турли кўринишларда бўлиши мумкин, бу ҳақда навбатдаги шеърларда гап боради.

Текст 8

Ҳасадгўй, мағрур, ёвуз, золим ва худбин одамнинг Худога хизмат қилиши Худога ғафлат гунасида садоқат билан хизмат қилиш деб аталади.

Изоҳ: "Шримад Бхагаватам"нинг Биринчи кўшиқ иккинчи бобида олий ва энг пок дин – Худога бесабаб, эвазига бирор нарса талаб қилимасдан ҳолис хизмат қилишдир деб айтилган эди. Худога соф садоқат билан хизмат қилиб юрган кишининг ягона нияти Олий Шахс Худони мамнун қилишдан иборат бўлади. Аслида бу ният ҳам эмас. Балки тирик мавжудотнинг азалий асл ҳолатидир. Шартланган киши Худога садоқат билан хизмат қилар экан, ҳақиқий руҳий устознинг барча кўрсатмаларига амал қилиши лозим. Руҳий устоз Парвардигорнинг тўлиқ ваколатга эга вакилидир, чунки у Парвардигордан кўрсатма олади ва уларни ўзгартирмасдан шогирдлар силсиласи орқали беради. "Бхагавад-гита"да айтилганки, ундаги илм шогирдлар силсиласи орқали олиниши лозим, акс ҳолда у ўзгариб кетади. Инсон ҳақиқий руҳий устоз қабул қилиб, унинг раҳбарлиги остида фақат Парвардигорни мамнун қилиш ниятида Унга хизмат қила бошлаганида унинг Худога соф садоқат билан хизмат қилиши бошланади. Ундай киши баъзан мағрур, ёвуз, ҳасадгўй ва ўз

манфаатини Парвардигорнинг манфаатидан устун кўядиган бўлади.

Худога хизмат қилишни истайдиган, лекин мағрур, бошқаларга ҳасад қиладиган ёки уларга душманлик қиладиган киши нафрат туйғуси остида ҳаракат қилади. шундай киши одатда ўзини энг яхши содиқ деб ҳисоблайди. Худога бундай кайфият билан хизмат қилиш соф садоқат билан хизмат қилиш бўлмайди, бу Худога садоқат билан хизмат қилишнинг куйи кўриниши(тамасах). Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакура ахлоқсиз содиқлар билан ҳамсуҳбат бўлмасликни насиҳат қилган. Олий Шахс Худони ҳаётининг олий мақсади қилиб олган ҳар бир инсон вайшнав ҳисобланади, лекин ҳали покланмаган, қандайдир шахсий манфат кўзлаб юрган кишиларни вайшнавларнинг барча улўвор сифатларига эга бўлган биринчи нав вайшнав деб ҳисобламаслик керак. Ундай вайшнавага ҳурмат билдириш мумкин, чунки у Парвардигорни ҳаётининг олий мақсади деб билади, лекин, у ҳали ғафлат гунасида юргани учун у билан яқин муносабатда бўлмаслик керак.

Текст 10

Моддий лаззат, шон-шухрат ёки бойлик кўринишида мукофот олиш ниятида Худога хизмат қилиб юрган худбин киши эҳромдаги Илоҳларга сажда қилганда, унинг хизмати Худога эҳтирос гунасида садоқат билан хизмат қилиш бўлади.

Изоҳ: “Худбин” иборасининг мазмунини тўғри тушуниш жуда муҳим. Санскрит тилидаги бхинна-дриқ ва притхаг-бхавах тушунчалари ана шу ибора билан ифодаланган. Ўз манфаатларини Парвардигорнинг манфаатларидан ажратадиган киши худбир одам деб аталади. Эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсири остида юрган кишиларнинг ишончи комилки, Парвардигорнинг қиладиган ягона иши уларнинг истак ва илтимосларини бажаришдан иборат. Шундай содиқларнинг мақсади – ўзларининг ҳиссиётини лаззатлантириш ниятида Парвардигордан иложи борича кўпроқ моддий бойликлар олиш. Худбин одамнинг характери шундай бўлади. Аслини олганда аввалги бобда таърифланган соф садоқат содиқ хизматкорнинг ақли Парвардигорнинг ақли билан уйғунлашганини назарда тутади. Содиқ хизматкорнинг ягона истаги Парвардигорнинг амрини бажариш бўлиши керак. Парвардигор билан содиқ хизматкорнинг бирлиги мана шундан иборат. Лекин, содиқнинг Парвардигорнинг манфаатидан фарқ қиладиган истак ва манфаатлари бўлса, унинг кайфиятини худбин одамнинг кайфияти деб аталади. Агар шундай “содиқ” Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғлиқ бўлмаган моддий лаззатланишни истаса, ёки Парвардигор Ўз марҳамати билан унга шон-шухрат ва бойлик юборишига умид қилса, бу унинг эҳтирос гунаси таъсирида юрганини билдиради.

Маммо, майявадилар худбин иборасининг мазмунини бошқача тушунтирадилар. Улар айтадиларки, Парвардигорга сиғинаётганда инсон ўзини у билан бир деб ҳисоблаши лозим. Бу –Худога бўлган садоқатнинг моддий табиат гуналари билан булганган бошқа кўринишидир. Тирик мавжудот Парвардигордан фарқ қилмайди деган тасаввур ғафлат

гунаси таъсирида юзага келади. Парвардигор билан ҳақиқий бирлик уларнинг манфаатларининг бирлиги ҳисобланади. Асл содиқ хизматкорнинг Худо учун хизмат қилишдан бошқа истаги йўқ. Токи содиқ хизматкорнинг ҳаракатларида шахсий манфаат кўзлашнинг озгина аломатлари қолар экан, тушуниш керакки, унинг садоқати моддий табиатнинг уч гунаси билан булганган нопок садоқат бўлади.

Текст 10

Содиқ хизматкор кармали фаолият иллатидан покланиш мақсадида Олий Шахс Худога сажда қилиб ва ўз меҳнатининг натижаларини Худога таклиф қилиб юрган бўлса, унинг садоқати эзгулик гунаси таъсири остида бўлади.

Изоҳ: Браҳманлар, кшатрийлар, вайшьялар ва шудралар, шунингдек браҳмачарилар, грихастхалар, ванапрастхалар ва санньясилар варнашрама жамиятининг ижтимоий тизимини ташкил этадилар, варнашрама жамиятига мансуб одамларнинг ҳаммасининг Олий Шахс Худони мамнун қилиш мақсадида бажаришлари лозим бўлган вазифа ва бурчлари бор. Инсон варнашрама тизимида ўз бурчини бажариб, ўз меҳнатининг натижаларини Худога қурбон қилса, унинг фаолияти кармарпанам, яъни “Парвардигорни мамнун қилиш ниятида кўрсатилган фаолият” деб аталади. Ўз меҳнатининг натижаларини Худо йўлига қурбон қилиш билан инсон ана шу фаолият жараёнида қилган хато ва камчиликлари учун жавобгар бўлишдан озод бўлади. Лекин, ўз меҳнатининг натижаларини Худога соф садоқат билан эмас, балки эзгулик гунаси таъсири остида таклиф қилса, унинг манффати Парвардигорнинг манфаати билан бир бўлмайди. Тўрт ашрам ва тўрт варна вакиллари у ёки бу бойликка эга бўлиш ёки қандайдир шахсий мақсад кўзлаб меҳнат қиладилар. Шунинг учун уларнинг фаолиятини эзгулик гунасидаги фаолият деб атайдилар ва бундай фаолиятни соф садоқат тоифасига мансуб деб бўлмайди. Худога соф садоқат билан хизмат қилиш, Рупа Госвамнининг таърифлаши бўйича моддий истаклардан бутунлай пок: анябхилашита-шунйам. Унда шахсий ва моддий манфаатларга ўрин йўқ. Худога садоқат билан хизмат қилиш фаолияти кармали фаолиятга ёки эмпирик фалсафага нисбатан илохий ҳолатда бўлиши лозим. Худога соф садоқат билан хизмат қилиш бирор моддий сифатлар билан булганмаган.

Ғафлат, эҳтирос ва эзгулик гуналарида Худога садоқат билан хизмат қилишнинг 81 тури мавжуд. Бунда тинглаш, такрорлаш, эслаш, эҳромда илоҳга сажда қилиш, илтижо қилиш, хизмат қилиш, ўзининг ҳамма мол-мулкни қурбон қилиш ва ҳоказолар назарда тутилади. Ғафлат гунасида, эҳтирос гунасида ва эзгулик гунасида тинглаш бор. Худди шундай, такрорлаш ҳам ғафлат, эҳтирос ва эзгулик гунасида бўлиши мумкин ва ҳоказо. Уч қарра тўққиз йигирма етти, йигирма еттини учга кўпайтирсак, саксон бир бўлади. Содиқ хизматкор кейинги шеърда ҳикоя қилинадиган Худога соф садоқат билан хизмат қилиш поғонасига эришиш учун Худога садоқат билан хизмат қилишнинг нопок моддий кўринишларидан юқори кўтарилиши лозим.

Текст 12-12

Изоҳ: Худога соф садоқат билан хизмат қилиш шунда намоён бўладики, содикнинг ақлида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигорнинг илоҳий сифатларини таърифлайдиган ҳикояларни ва Олий Шахс Худонинг илоҳий номлари товушларини тинглашга узлуксиз интилиш туйғуси пайдо бўлади. Худди Ганга сувлари ўзидан ўзи уммонга оқаётгани сингари, асл содикнинг бетиним жазавали лаззати ҳам, ўзининг йўлида барча моддий тўсиқларни енгиб ўтиб, узлуксиз равишда тўғри Парвардигорга қараб оқиб туради.

Изоҳ: Худога бенуксон соф садоқат билан хизмат қилиш пок муҳаббатга асосланган бўлади. Мад-гуна-шрути-матрена ибораси “Олий Шахс Худонинг илоҳий сифатларининг таърифини эшитган захоти” деганни билдиради. Парвардигорнинг сифатлари ниргуна деб аталади. Парвардигор моддий табиат гуналари билан булганмаган, шунинг учун асл содикларни Ўзига жалб этади. Қалбида Худога интилиш туйғусини ривожлантириш учун содик хизматкор муруқаба қилиш билан шуғулланиши шарт эмас. Асл содик хизматкор ўзи илоҳий поғонада турган бўлади, Парвардигор билан унинг бир бирига ўзаро интилиши табиий ҳол бўлиб, у мазкур шеърда денгизга интиладиغان Ганга сувларига киёсланган. Худди Ганганинг сувлари йўлида учраган ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтгани сингари, асл содик хизматкорнинг ҳам Парвардигорнинг илоҳий номларига ва эрмакларига интилишига ҳеч қандай моддий тўсиқлар халақит бера олмайди. Бу борада “узлуксиз” деган маънони англатадиган авиччхинна иборасига алоҳида эътибор бериш керак. Асл содик хизматкорнинг садоқатли хизмати оқимини ҳеч қандай моддий тўсиқлар тўхтатишга қодир эмас.

Ахаитуки ибораси “холис” деган маънони англатади. Асл содик хизматкор Парвардигорга муҳаббат билан хизмат қилар экан, қандайдир шахсий манфаат кўзламайди, у ўзининг хизмати эвазига мукофот сифатида моддий ёки руҳий бойликка эга бўлишдан ҳам умидвор бўлмайди. Мана шу холис соф садоқатнинг биринчи аломатидир. Анябхилашита-шунийам: у ўзининг шахсий истаklarини амалга ошириш учун Худога садоқат билан хизмат қилмайди. Усадоқат билан хизмат қиладиган зот пурушоттама, Олий Шахс Худодан бошқа ҳеч ким эмас. Сохта содиклар баъзан фаришталарни Олий Шахс Худодан фарқ қилмайди деб ҳисоблаб, ҳар хил фаришталарга сажда қиладилар. Лекин, мазкур шеърларда алоҳида таъкидлаб айтилганки, бхакти, садоқат билан хизмат қилишимиз лозим бўлган Зот бошқа кимдир эмас, балки фақат Олий Шахс Худо, Нараяна, Вишну яъни Кришна бўлиши лозим.

Авйавахита ибораси “узлуксиз” деган маънони билдиради. Асл содик хизматкор Парвардигорга садоқат билан куну-тун, бетиним хизмат қилишда машғул бўлиши лозим; у ўзининг вақтини шундай режалаштириши керакки, куннинг ҳар бир дақиқа, ҳар бир лаҳзасида у Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бирор тури билан машғул бўлиб юрсин. Авйавахита ибораси яна шуни билдирадики, содик хизматкорнинг манфаатлари Парвардигорнинг

манфаатлари билан мос келади. Асл содик хизматкор фақат бир нарсани истади: Парвардигорнинг илоҳий истаklarини амалга ошириш. Асл содик хизматкорнинг Худога хизмат қилиши табиий равишда бўлади, унга моддий табиат гуналари таъсир қила олмайди. Худога моддий иллатлардан пок бўлган соф садоқат билан хизмат қилишнинг белгилари ана шундай бўлади.

Текст 13

Худонинг асл содик хизматкори ҳатто Парвардигорнинг Ўзи таклиф қилса ҳам, озодликнинг салокья, саршти, самипья ва экатва сингари барча турларидан юз ўгиради.

Изоҳ: Парвардигор Чайтанья бизларни инсон қалбида Олий Шахс Худога нисбатан табиий муҳаббат туйғуси уйғонгандан кейин бошланадиган Худога соф садоқат билан хизмат қилиш принципларига ўргатади. “Шикшаштака”да У Парвардигорга шундай илтижо қилади: “Эй Парвардигор, мен сендан на бойлик, на чиройли хотин, на кўплаб издошлар тиламайман. Мен Сендан фақат бир нарса тилайман: менга умрлар оша Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан нажот топган асл содик хизматкоринг бўлиб қолишга рухсат бер!” Парвардигор Чайтаньянинг илтижоси “Шримад Бҳагаватам”нинг мазкур шеърда акс садо бериб турибди. “Умрлар оша” деганда Парвардигор Чайтанья содик хизматкор ҳатто туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқишга ҳам интилмаслигини назарда тутди. Йог ва эмпирик-файласуфлар руҳнинг туғилиб-ўлишларига яқун ясашга уринадилар, лекин содик хизматкор агар Худога садоқат билан хизмат қилиш имконияти бўлса, ҳатто моддий оламда қолишга ҳам тайёр.

Бу ерда аниқ айтилганки, асл содик хизматкор имперсоналистлар, эмпирик-файласуфлар ва сеҳргар-йогларнинг орзу қилиб юрган мақсади - Парвардигор билан қўшилиб кетиш(экатва)га ҳам интилмайди. Парвардигор билан қўшилиб бир бўлиб кетиш истаги Худонинг содик хизматкорига бегона. Баъзи ҳолларда Худонинг содик хизматкори Вайкунтха сайёраларида Парвардигорга хизмат қилиш учун шу жойга кўтарилишга рози бўлади, аммо Браҳманнинг унрига қўшилиб кетишга рози бўлгандан кўра дўзахга кетишни афзал билади. Экатва, Парвардигордан таралиб турган нурга қўшилиб кетишни кайвалья деб атайдилар, аммо Худонинг асл содик хизматкорига кайвалья дўзах бўлиб кўринади. Сodik хизматкор Худога садоқат билан хизмат қилишга шунчалик боғланиб қолганки, руҳий озодликнинг беш тури уни мутлақо қизиқтирмайди. Парвардигорга соф илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган содиклар озодликнинг барча беш турига эга бўлади деб айтадилар.

Худонинг содик хизматкори Вайкунтхага, руҳий оламга эришганида. Унга тўрт турли имконият берилади. Улардан биттаси салокья, яъни Олий Шахс Худо билан битта сайёрада яшаш имконияти. Вайкунтханинг сон-саноксиз сайёраларининг ҳар бирида Парвардигор Ўзининг тўла намоён бўлган киёфаларидан бирида мужассам бўлиб ҳукмронлик қилади. Вайкунтха сайёраларининг энг асосийси - Кришналока. Моддий коинотнинг асосий сайёраси куёш бўлгани сингари, руҳий олам руҳий оламнинг асосий

сайёраси Кришналока. Парвардигор Кришналокада туриб таратаётган ёғду фақат руҳий оламни эмас, балки хатто моддий оламда бу ёғду модда билан қопланган бўлишига қарамай, моддий оламни ҳам ёритиб туради. Руҳий оламда сон-саноксиз Вайкунтха сайёралари мавжуд, уларнинг ҳар бирида Парвардигор ҳукмронлик қилади. Содик хизматкор Олий Шахс Худо билан бирга яшаш учун вайкунтха сайёраларининг бирига тушиши мумкин.

Саршти деган озодликка эришган содик хизматкор Парвардигор эга бўлган бойликларга эга бўлади. Самипья деган озодликка эришиш – Парвардигор билан бевосита мулоқот қилиш имкониятига эга бўлиш демакдир. Озодликнинг сарупья деган турига эришган содик хизматкор Олий Шахс Худонинг танасига ўхшаган руҳий танага эга бўлади. Парвардигорнинг танасини Унинг озодликка эришган содик хизматкорининг танасидан икки ёки уч аломатига қараб ажратиш олиш мумкин. Ана шундай аломатлардан биттаси Шриватса, яъни фақат Парвардигорнинг кўксидан бор бўлган белги, бир тугам туқлар ҳисобланади.

Худонинг асл содик хизматкори руҳий бойликка нисбатан арзимаган нарса ҳисобланадиган моддий бойликлар нари турсин, агар унга руҳий озодликнинг мана шу беш турини таклиф қилсалар, улардан ҳам юз ўгиради. Парвардигор Прахлад Махаражга Ундан истаган моддий бойлигини сўрашни таклиф қилганида, Прахлад Махараж шундай деди: “Эй Парвардигор, отамнинг бу дунёдаги ҳамма модий бойлиги бор эди, унинг қудрати олдида хатто фаришталар ҳам титраб турардилар. Лекин шунга қарамай, Сен бир лахзада уни яқсон қилдинг, шу билан унинг моддий фаровонлигидан асар ҳам қолмади”. Моддий ёки руҳий бойликларга интилиш истаги Худонинг содик хизматкорига бегона. У фақат бир нарсага интилиб яшайди: Худога садоқат билан хизмат қилиш. Мана шу унга энг катта бахт келтиради.

Текст 14

Аввал айтганимдек, бхакти-йоганинг энг юқори поғонасига кўтарилгандан кейин содик хизматкор моддий табиат гуналари таъсиридан халос бўлади ва Олий Шахс Худо жойлашган илоҳий поғонага эришади.

Изоҳ: Ўзининг "Бхагавад-гита"га ёзган изоҳларида, имперсоналистлар фалсафасининг асосчиси ҳисобланадиган Шрипада Шанкарачарья тан олгандики, Нараяна, Олий Шахс Худо моддий олам чегарасидан ташқарида. Унинг ҳолати жуда ажойиб, чунки бошқа ҳамма нарса моддий олам жойлашган. Ведаларда ҳам айтилганки, олам яралишидан аввал фақат Нараяна бор эди; ўша пайтда на маъбуд Браҳма, на маъбуд Шива йўқ эди. Фақат нараяна, Олий Шахс Худо, Вишну яъни Кришна ҳаммиша илоҳий поғонада, моддий олам чегарасидан ташқарида мавжуд бўлади.

Моддий гуналар Олий Шахс Худога таъсир қилмайди, шунинг учун Парвардигорни ниргуна деб атайдилар. Мазкур шеърда буни Парвардигор Капила ҳам тасдиқляпти: Худога соф садоқат билан хизмат қилиб юрган ҳар қандай инсон ҳам Парвардигорнинг Ўзи сингари илоҳий поғонада турган бўлади. Парвардигор сингари Худонинг содиклари ҳам

ўзларида моддий табиат гуналарининг таъсирини ҳис қилмайдилар. Моддий табиатнинг уч гунаси таъсирига берилмайдиган кишини озодликка чиққан руҳ, яъни браҳма-бхута деб айтадилар. Браҳма-бхута прасаннатма – озодликка чиқиш поғонаси. Ахам браҳмасми: “Мен тана эмасман”. Фақат ҳаммиша Кришнага садоқат билан хизмат қилиб юргани туфайли илоҳий поғонада юрган зотларга нисбатан мана шу ибора қўлланилади. Ана шундай инсонга моддий табиатнинг уч гунаси ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Имперсоналистлар, инсон ўзи ўйлаб топган киёфага ёки Браҳманга сажда қилиши ва охир-оқибатда Браҳманнинг нурига ғарқ бўлиши мумкин деган сохта таълимотни олға сурадилар. Албатта, Парвардигордан таралиб турган нурга ғарқ бўлиш билан тирик мавжудот аввалги шеърда айтилгандай, ўзига хос озодликка эришади. Лекин, содик хизматкор ҳеч қачон бунга рози бўлмайди, чунки Худога садоқат билан хизмат қилишни бошлаб, у шу заҳотиёқ сифат жиҳатдан Парвардигор билан бир ҳолатга эришади. Содик хизматкор Парвардигор билан шахсиятсиз озодлик келтирадиган сифат жиҳатдан бирликка аллақачон эришган бўлади, шунинг учун у бунинг учун ортиқча ҳаракат қилиб юришига ҳожат қолмайди. Мазкур шеърда аниқ айтилганки, шунчаки Худога соф садоқат билан хизмат қилиш орқали тирик мавжудот сифат жиҳатидан Парвардигорнинг Ўзидан фарқ қилмайдиган поғонага кўтарилади.

Текст 15

Содик хизматкор эвазига бирор мукофот таъма қилмасдан ўзининг шастраларда белгиланган муқаддас бурчларини бажариши лозим. У заруратсиз ҳеч кимга зулм қилмасдан ҳаммиша Худога садоқат билан хизмат қилиб яшаш лозим.

Изоҳ: Ҳамма: браҳманлар, кшатрийлар, вайшьялар ва шудралар – ўзлари мансуб бўлган табақа учун белгилаб қўйилган вазифаларни бажариб яшашлари лозим. Тўрт табақадан ҳар бирининг вазифалари "Бхагавад-гита"да кўрсатилган. Браҳманлар ўз ҳиссиётини жиловлашин ўрганиши ва ростгўй, пок ва илмли содик хизматкорлар бўлишига ҳаракат қилишлари лозим. Кшатрийларга табиатан раҳбарлик қилиш қобилияти ато этилган бўлади. Улар жанг қилишдан кўркмайдилар ва саховат билан хайр-садақа улашадилар. Вайшьялар – савдогар ва деҳқонлар – савдо-сотик билан шуғулланиб, сигирларга ғамхўрлик қиладилар ҳамда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадилар. Шудралар, яъни қора ишчилар эса, қучли ақлга эга бўлмаганлари туфайли жамиятнинг олий табақаларига хизмат қилишлари лозим.

"Бхагавад-гита"да дундай дейилган: сва-кармана там абхйарчйа – инсон қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар инсон ўз бурчини бажариш билан ҳаммиша Худога хизмат қила олади. Худога шудралар эмас, балки фақат браҳманлар хизмат қила оладилар, деб ўйламаслик керак. Олий Шахс Худонинг вакили бўлган ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида ўзининг белгиланган бурчини бажариш билан Парвардигорга ҳар бир инсон хизмат қилиши мумкин. Ҳеч ким ўзининг бажариб юрган вазифаларини бошқа табақага мансуб кишиларнинг вазифалари сингари

обрўли эмас деб ҳисобламаслиги лозим. Брахман ўзига берилган тафаккурдан фойдаланиб худога хизмат қилади, кшатрий Архунга ўхшаб, ўзининг ҳарбий санъатидан фойдаланиб Худога хизмат қилади. Аржун жангчи эди, шу боис унинг "Веданта-сутра"ни ва бошқа фалсафий асарларни ўрганишга вақти йўқ эди. Врадждахмада яшайдиган подачи кизлар вайшьялар табақасига мансуб эди, улар сигирларга қарар, далада меҳнат қилардилар. Кришнанинг тутинган отаси Нанда Махараж ҳам, унинг қўл остидагилар ҳам вайшьялар эди. Уларнинг ҳаммаси зиёли одамлар эди, лекин бу уларнинг Кришнани жон дилидан севиб, ўзларининг бор нарсаларини Унга бериб, Кришнага хизмат қилишларига халақит бермасди. Ҳатто ижтимоий поғонада шудралардан ҳам пастда турадиган чандалаларнинг ҳам Кришнага хизмат қилганига жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Бошқа бир мисол – донишманд Видура, онаси шудрани бўлгани учун уни шудра деб ҳисоблардилар. Аслини олганда инсоннинг келиб чиқиши ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, чунки "Бхагавад-гита"да Парвардигорнинг Ўзи айтганки, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган ҳар қандай инсон илоҳий поғонага кўтарилади. Агар одамлар эвазига бирор мукофот таъма қилмасдан Худога садоқат билан хизмат қилиш сифатида бажарсалар, ҳар қандай вазифа ҳурматга лойиқдир. Худога садоқат билан хизмат қилиш бесабаб, табиий ва узлуксиз бўлиши лозим. Кришна таърифлаб бўлмас даражада жозибадор, бизнинг бурчимиз – кўлимиздан келганча Унга хизмат қилишдан иборат. Худога соф садоқат билан хизмат қилишнинг моҳияти шундан иборат.

Мазкур шеърда ишлатилган яна бир эътиборга лойиқ ибора – натихимсрена ибораси бўлиб, “зулм қилмасликка ва ўлдирмасликка ҳаракат қилиб” деган маънони билдиради. Агар содиқ зулм ишлатишга мажбур бўлса, у зарурат юзасидан шарт бўлган зулм билан чекланиши лозим. Баъзан одамлар шундай савол берадилар: “Сизлар бизларни гўшт емасликка даъват қиласизлар, лекин ўзларингиз сабзавотларни ейсизлар. Бу ҳам зулм эмасми?” Сабзавотларни овқатга ишлатиш ҳам зулм эканини тан оламиз. Вегетарианлар ҳам бошқа тирик мавжудотлар ҳисобидан яшайдилар, чунки сабзавотлар ҳам тирик зотлардир. Имонсиз одамлар сигир, эчки ва бошқа ҳайвонларни сўйиб, овқатга уларнинг гўштини ишлатадилар, вегетариан таомлар билан овқатланадиган содиқлар ҳам сабзавотларни “ўлдирадилар”. Лекин мазкур шеър табиатнинг энг муҳим қонунига асосланган: ҳар бир тирик мавжудот бошқа бир тирик мавжудотни ўлдириш билан ўзининг тириклигини сақлаб туради. Дживо дживасйа дживанам: бир тирик мавжудот бошқа тирик мавжудот билан озикланиб яшайди. Шундай қилиб, инсонга фақат зарурат юзасидан зулм қилишга руҳсат этилган.

Инсон Олий Шахс Худога таклиф этилмаган нарсани емаслиги керак. Йаджна-шишташинах сантах: Ягья, Олий Шахс Худога таклиф этилган нарсалар билан озикланиб, инсон ўзининг барча гуноҳларидан озод бўлади. Шунинг учун Худонинг содиқлари фақат прасад – аввал Парвардигорга таклиф этилган таом билан овқатланадилар. Кришна айтадики, содиқ хизматкори Унга мева ва сабзавотлардан тайёрланган таомларни таклиф этса, У қабул қилади. Содиқ хизматкор Кришнага фақат вегетариан таомлар таклиф

қилиши лозим. Агар Парвардигор ҳайвон гўштини ейишни истаса, содиқ хизматкор Унга гўшт таклиф қилган бўларди, лекин Парвардигор бундай қилишни буюрмаган.

Биз зулм ишлатишга мажбурмиз, табиат қонуни шундай. Лекин бунда биз зарурат мажбур қилган чегарадан ўтмаслигимиз лозим, ана шу чегарани Парвардигорнинг Ўзи белгилаб қўйган. Аржун бошқаларни ўлдирди, гарчи ўлдириш – албатта, зулм бўлса ҳам, у ўзининг душманларини фақат Кришнанинг амри шундай бўлгани учунгина ўлдирди. Худди шундай, агар биз ҳам Парвардигорнинг амрини бажариш учун зарур бўлган миқдорда зулм ишлатсак, бизларнинг ишимиз ҳам натихимса бўлади. Умуман зулм қилмасдан яшашнинг иложи йўқ, чунки шартланган ҳаёт зулм билан бирга бўлади. Лекин биз фақат зарурат юзасидан ёки Олий Шахс Худонинг амрини бажариш учун зулм ишлатишимиз лозим.

Текст 16

Содиқ хизматкор мунтазам равишда эҳромга бориб туриши, Менинг Илоҳимни томоша қилиши, Менинг нилуфар қадамларим пойига қўл теккизиши, менга сиғиниш анжомларини таклиф қилиши ва илтижо қилиши лозим. У бу дунёга эзгулик гунаси юзага келтирадиган боғланмаслик кўзи билан қараши ҳамда барча тирик мавжудотларнинг бир хил руҳий табиатини кўриши лозим.

Изоҳ: Эҳромда Илоҳга сиғиниш Худонинг содиқларининг вазифаси ҳисобланади. У асосан тажрибасиз содиқлар учун мўлжалланган, аммо руҳий юксалишга эришган содиқлар ҳам бунга бефарқ қарамаслиги керак. Тажрибасиз содиқ ҳамда руҳий юксалишга эришган содиқ эҳромда Парвардигорнинг мавжудлигини турлича қабул қиладилар. Тажрибасиз содиқ арча-виграха Худо Шахсидан фарқ қилади, деб ҳисоблайди; у эҳромдаги Илоҳ Парвардигорнинг тимсоли деб ўйлайди, тажрибали содиқ эса, эҳромда ўрнатилган Илоҳда Олий Шахс Худони кўради. Унинг нуқтаи-назаридан Парвардигорнинг азалий қиёфаси билан Парвардигорнинг эҳромдаги арча-виграха қиёфаси бир биридан фарқ қилмайди. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг олий, яъни бхава, Худога муҳаббат поғонасига кўтарилган содиқлар шундай ўйлайдилар. Тажрибасиз содиқлар эса эҳромга бориб Илоҳга сиғинишни ўзининг кундалик бурчи деб билади.

Эҳромда Илоҳга сиғиниш – содиқ хизматкорнинг кундалик турмушининг таркибий қисми. Ҳар куни у чиройли либосларга бурканган Илоҳни кўриш учун эҳромга келади. У чуқур эътиромли ҳаяжон билан Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига қўл теккизади, мева, гул таклиф қилиш билан Унга сажда қилади, илтижо қилади. Лекин, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг юқори поғоналарига кўтарилиш учун содиқ хизматкор бошқа тирик мавжудотларга Парвардигорнинг ажралмас заррачалари, руҳий учкунлар деб қараши лозим. У қандай кўринишда бўлса ҳам Парвардигор билан боғланган ҳар бир тирик мавжудотга ҳурмат билдириши лозим. Ҳар бир тирик мавжудот Парвардигорнинг ажралмас заррачаси бўлгани туфайли азалдан У билан боғланган бўлгани учун содиқ хизматкор барча тирик мавжудотларнинг

рухий бирлигини кўришга ҳаракат қилиши лозим. "Бхагавад-гита"да айтилганидек. Пандит, яъни илмга эга бўлган инсон, билимдон браҳман, шудра, чўчка, ит ва сигирларни бир биридан ажратмайди. У шунчаки тирик мавжудотнинг ташқи либоси бўлган танасига эътибор бермайди. У браҳманнинг, сигирнинг ёки чўчқанинг ташқи қобиғини эмас, балки рухий учқунни, Парвардигорнинг заррасини кўради. Ҳар бир тирик мавжудотда Парвардигорнинг заррасини кўришга қодир бўлмаган киши пракрита-бхакти, моддий нуқтаи-назарга эга содиқ деб аталади. Ундай содиқ хизматкор ҳали рухий поғонага кўтарилган эмас ва Худога садоқат билан хизмат қилишнинг пастки поғоналарида юрган бўлади. Лекин, бу унинг эҳромда Илоҳга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишига ҳалақит бермайди.

Гарчи содиқ барча тирик мавжудотларнинг ягона рухий табиятини кўрса ҳам, у ҳамма билан бир хил муносабатда бўлмайди. Йўлбарс ҳам Парвардигорнинг заррачаси бўлгани билан, бу биз унинг Олий Шахс Худо билан боғлиқ эканини назарда тутиб, у билан ҳам кучоқлашиб кўришишимиз лозим дегани эмас. Фақат қалбида Кришна онгини ривожлантирган одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиш лозим.

Кришна онгига эга бўлган содиқлар билан дўстона муносабатда бўлиш ҳамда уларга алоҳида ҳурмат кўрсатиш лозим. Албатта, юшққа тирик мавжудотлар ҳам Парвардигорнинг ажралмас заррачалари ҳисобланади, лекин, уларнинг онги модда билан булганган ва ҳали Кришна онгига айланмаган бўлгани боис, бизлар улар билан мулоқот қилмаслигимиз лозим. Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакура ҳатто хулқи ёмон бўлган вайшнавлар билан ҳам яқин суҳбатдош бўлмасликни тавсия қилади. Ундай вайшнавларга муносиб ҳурмат билдириш керак, лекин иложи борича улардан узоқроқ юриш лозим. Вишну Олий Шахс Худо эканини тан олган ҳар қандай инсон вайшнав ҳисобланади, лекин ҳақиқий вайшнав бўлиш учун инсон ўзида фаришталарга хос бўлган барча эзгу фазилатларни ривожлантириши лозим.

Шридхара Свами ўзининг ёзган изоҳида саттвена иборасининг мазмунини тушунтиради, у айтадики, бу ибора даирёена(сабр, чидам) иборасининг синоними ҳисобланади. Худога садоқат билан хизмат қилишда муваффақиятга эришиш учун инсон сабр-тоқатли бўлиши лозим. Биринчи уринишларимиз муваффақиятли бўлмагани учун биз Худога садоқат билан хизмат қилишни тарк этмаслигимиз лозим. Ҳеч нарсага эътибор бермасдан, Худога садоқат билан хизмат қилишда давом этавериш лозим. Шрила Рупа Госвами айтадики, Худога садоқат билан хизмат қилишда ихлос, сабр-тоқат ҳамда шу танлаган йўлнинг тўғрилигига чуқур ишонч, имон керак. Содикда чуқур имон пайдо бўлиши учун унга сабр-тоқат керак: "Кришна мени бундай аҳволда ташлаб қўймайди, чунки мен Унга садоқат билан хизмат қилиб юрибман". У шастраларнинг кўрсатмаси асосида Худога садоқат билан хизмат қилишда давом этиши лозим, эртами-кечми у албатта муваффақиятга эришади.

Текст 17

Худога садоқат билан хизмат қилар экан, асл содиқ рухий устозига ва ачарьяларга чуқур ҳурмат-эҳтиром

кўрсатиши лозим. У ўзидан паст, қашшоқ одамларга ҳамдардлик билдириши, ўзи билан бир поғонада турган одамлар билан дўстона муносабатда бўлиши лозим. Лекин у қилаётган ҳар бир ишини муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида бажариши, ҳамиша ҳиссиётини назорат қилиб юриши лозим.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"нинг ўн учинчи бобида айтилганки, фақат ачарьянинг раҳбарлиги остида Худога садоқат билан хизмат қилиш ва рухий илмни ўрганиш керак. Ачарйопасанам: ҳақиқатни англаб етган ачарья, рухий устозга сажда қилиш лозим. Рухий устоз Кришнадан бошланган шогирдлар силсиласига мансуб бўлиши лозим. Рухий устоздан олдинги ачарья унинг рухий устози бўлади, унинг рухий устозининг рухий устози ва ҳоказо – бу ачарьяларнинг ҳаммаси шогирдлар силсиласи занжирини ташкил этади.

Мазкур шеърда барча ачарьяларга чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш лозимлигини тавсия қилади. Шастраларда айтилганки: гуруша нара-матих. Гуруша ибораси "ачарьяларни" деганни, нара-матих ибораси эса, "оддий инсонлар деб ҳисоблаб" деган маънони билдиради. Фақат ашаддий материалист киши Худонинг содиқ хизматкорини жамиятнинг у ёки бу табақасига мансуб деб ҳисоблайди, ачарьяларни оддий инсонлар деб ҳисоблайди, эҳромдаги Илоҳни – тошдан, ёғочдан ёки металлдан қилинган бут деб ҳисоблайди. Нийамена: ачарьяларга муқаддас китобларда кўрсатилган қоидалар асосида чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш лозим. Кейин, содиқ хизматкор ўзидан паст, қашшоқ одамларга ҳамдард бўлиши лозим. Бунда инсоннинг моддий ҳолати назарда тутилмайди. Худонинг содиқлари нуқтаи-назариди Кришна онгига эга бўлмаган одамларнинг ҳаммаси қашшоқ одамлар ҳисобланади. Инсон жуда катта моддий бойликка эга бўлиши мумкин, лекину Кришна онгидан маҳрум бўлса, удай одам қашшоқ ҳисобланади. Аксинча, жуда кўп ачарьялар, масалан, Рупа Госвами ва Санатана Госвами дарахт тагида ухлаганлар. Сиртдан қараганда улар гадойлардай қашшоқ бўлиб кўриниши мумкин, лекин улар ёзиб қолдирган асарларни ўқиган киши, уларнинг рухий жиҳатдан энг бадавлат кишилар эканини тушуниб этади.

Худонинг содиқ хизматкори рухий илмдан маҳрум бўлган қашшоқ одамларга ҳамдардлик билдиради, уларнинг Кришна онгига эга бўлишига ёрдам бериш учун уларга илм ўргатади. Бу Худонинг содиқ хизматкорининг вазифаларидан бири. Шунингдек у рухий юксалишда ўзи билан бир поғонада турган содиқлар билан дўстона муносабатда бўлиши, яъни бошқача қилиб айтганда, у ҳаётга ўзига ўхшаган нуқтаи-назар билан қарайдиган кишилар билан дўстлашиши лозим. Худонинг содиқ хизматкори оддий одамлар билан яқин дўст бўлишига ҳеч қандай зарурат йўқ; вақтини рухий мавзулардаги суҳбатларда ўтказиб, бир бирларига рухий юксалишда ёрдам бериши учун у бошқа содиқлар билан ҳамсуҳбат бўлиши лозим.ана шундай суҳбатлар ишта-гоштхи деб аталади.

"Бхагавад-гита"да:бодхайантаҳ параспарам, яъни "ўзаро муҳокама қилиб" деб айтилган. Одатда, Худонинг асл содиқлари ўз вақтини Парвардигор Шри Кришнанинг ёки Парвардигор Чайтаньянинг ҳар хил эрмаклари ҳақидаги ҳикояларини ўқиш ва муҳокама

килиш билан ўтказадилар. Пураналар, "Махобҳорат", "Шримад Бхагаватам", "Бхагавад-гита" ва Упанишадларда икки ва ундан ортиқ содиқлар ўзаро муҳокама қилишлари мумкин бўлган жуда кўп ҳикоялар бор. Ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари ва дунёқараш, манфаатлари бир бирига мос келадиган одамлар ўзаро дўст тутинадилар. Ана шундай одамлар сва-джати, яъни "бир табақага мансуб одамлар" деб аталади. Содиқ хизматкор хулқ-атвори вайшнавларнинг одобига мос келмайдиган кишилар билан ҳамсухбат бўлмаслиги керак; ҳатто вайшнав, Кришнанинг содиғи бўлса ҳам, агар унинг хулқ-атвори вайшнавларнинг одоб қоидаларига мос келмаса, ундан узоқроқ юриш керак. Шундай қилиб, содиқ хизматкор ҳамиша ақли ва сезгиларини назорат остида ушлаб юриши, барча қонун-қоидаларга қатъий амал қилиши ҳамда ўзи билан руҳий юксалишнинг бир поғонасида турган содиқлар билан дўстона муносабатда бўлиши лозим.

Текст 18

Содиқ фақат руҳий мавзулардаги суҳбатларни тинглашга интилиши, ҳамма вақт Парвардигорнинг муқаддас номини зикр қилиб юриши лозим. Одамлар билан бўладиган ўзаро муносабатларда у ҳалол, ростгўй ва оддий бўлиши лозим. Гарчи содиқ ҳеч кимга душманлик қилмасдан ҳаммага дўстона муносабатда бўлса ҳам, у руҳий юксалишнинг пастки поғоналарида турган одамлар жамоасидан йироқ юриши лозим.

Изоҳ: Руҳий юксалишга эришиш учун руҳий илмга эга кишиларнинг гапларини тинглаш керак. Руҳий ҳаётнинг ҳақиқий таъминоти тоғиб кўришга интилиб юрган киши руҳий ҳаётнинг қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиши ва сезгиларини назорат қилиб юриши лозим. Ҳиссиётни жиловлаш учун бошқа тирик мавжудотларга зулм қилмаслик, ростгўй бўлиш, ўғирлик қилмаслик, жинсий алоқадан сақланиш ва фақат ҳаёт учун жуда зарур бўлган нарсалар билан қаноатланиб яшаш лозим. Содиқ хизматкор ортиқча овқат емаслиги, кераксиз нарсаларни тўплаши, дунёвий одамлар билан бекорчи суҳбатларга берилмаслиги ва муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига амал қилишни мақсад қилиб олмаслиги керак. Қонун-қоидаларга фақат руҳий юксалишга эришиш мақсадида риоя қилиш лозим.

"Бхагавад-гита"да содиқ хизматкорнинг ўн саккиз сифати кўрсатилган бўлиб, улардан биттаси соддалик. Содиқ хизматкор жуда камтар бўлиши, бошқалардан ўзига ҳурмат кўрсатишни талаб қилмаслиги, бошқа тирик мавжудотларга зарар етказмаслиги лозим. Аманитвам адамбхитвам ахимса. У бошқалар билан ўзаро муносабатларда сабр-тоқатли ва содда бўлиши, руҳий устоз қабул қилиб, ҳиссиётини жиловлаб олиши лозим. Бу ҳақда мазкур шеърда ҳам "Бхагавад-гита" ҳам айtilган. Содиқ хизматкор билимдон кишиларнинг руҳий юксалишга ёрдам берадиган насиҳатларига қулоқ солиши лозим; бундай насиҳатларни у ачарьядан олиши ва уларга қатъий риоя қилиши лозим.

Мазкур шеърда алоҳида таъкидлаб айtilган: нама-санкиртанач ча – ёлғиз ҳолда ёки Худонинг содиқлари даврасида Парвардигорнинг муқаддас номини зикр қилиш керак: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна

Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Парвардигор Чайтанья Худонинг муқаддас номларини зикр қилишга алоҳида эътибор бериб, уни руҳий юксалишни таъминловчи куч деб атаган. Бу ерда ҳам арджавена ибораси ишлатилган, бу ибора "режа тузмасдан" деган маънони англатади. Худонинг содиқ хизматкори қандайдир шахсий манфаатлари кўзлаб режалар тузмаслиги лозим. Албатта, баъзан муносиб раҳбарлик остида тарғиботчилар Парвардигорнинг ишини амалга ошириш учун белгиланган режа асосида ҳаракат қиладилар. Лекин, шахсий манфаат бўйича содиқ хизматкор режалар тузмаслиги ва руҳий фаолият билан шуғулланмайдиган кишилар билан ҳамсухбат бўлмаслиги керак. Бу ерда арийа ибораси ҳам ишлатилган. Арийлар деб Кришна онгидаги руҳий юксалишни моддий тараққиёт билан бирга олиб борадиган кишиларни айтадилар. Арийлар билан ариймаслар, яъни сура ва асуралар орасидаги фарқ уларнинг руҳий юксалиш даражаси билан аниқланади. Худонинг содиқларига руҳий юксалишнинг пастки поғоналарида турган кишилар билан ҳамсухбат бўлмаслик тавсия қилинади. Парвардигор Чайтанья айтган эдики: асат-санга-тйага – Худонинг содиқ хизматкори ўткинчи нарсаларга боғланиб қолган одамлар билан ҳамсухбат бўлмаслиги керак. Асат ибораси билан моддий нарсаларга қаттиқ боғланиб қолган, яъни Худонинг содиқ хизматкори бўлмаган ҳамда аёллар ва моддий лаззатларга боғланиб қолган кишини ифодалайдилар. Вайшнавлар фалсафасига кўра шундай одамдан узоқ юриш лозим.

Содиқ хизматкор ҳеч қачон ўзининг эришган ютуқлари билан мағрурланмаслиги лозим. Ҳақиқий вайшнав ҳамиша камтар ва итоаткор бўлади. Ҳатто руҳий юксалишда жуда юқори поғонага эришгандан кейин ҳам у камтар ва итоаткор бўлиб қолаверади. Бунга бизларни Кавираджа Госвами ва бошқа вайшнавлар ўзлари ўрнак кўрсатиб ўргатиб кетганлар. Чайтанья Махапрабху айтган эдики, содиқ хизматкор йўлда ўсиб ётган майсадан ҳам камтар, дарахтдан ҳам сабрли бўлиши керак. У мағрурланмаслиги ва ўзининг фазилатларини бошқаларга кўз-кўз қилмаслиги лозим.

Текст 19

Ўзида ана шундай илоҳий сифатларни ривожлантирган ва шу тарзда онгини поклаган киши Менинг номимни ва гапларимни, Менинг илоҳий қароматларимни олқишлайдиган ҳикояларни тинглаб, уларнинг жозибадорлигини ҳис қилади.

Изоҳ: Мазкур бобда Парвардигор Девахутига тушунтирган эдики, Худонинг содиқ хизматкори учун Парвардигорнинг муқаддас номининг товуши ва Унинг сифатларини, қиёфаларини ва бошқа жиҳатларини таърифлайдиган ҳикоялар ғайритабиий равишда мафтункор бўлиб кўринади(мад-гуна-шрути-матрена). Муқаддас китобларда берилган қонун-қоидаларга риоя қилиб яшаш билан содиқ хизматкор аста-секин барча илоҳий фазилатларга эга бўлади. Моддий унсурлар билан аралашиб бизлар ўзимизда бемаъни сифатларни ривожлантирганмиз. Юқорида таърифланган усул инсонга ана шу иллатлардан бутунлай покланишга ёрдам беради. Аввалги шеърда ёзилган лоҳий

сифатларга эга бўлиш учун аввал бизларни булғаб турган салбий сифатлардан покланиш лозим.

Текст 20

Худди шамол араваси ҳид манбаидан таралаётган муаттар хидни бир зумда ҳид билиш органига етказгани сингари, Кришна онгида ҳамиша Худого садоқат билан хизмат қилиб юрган кишининг ақли ҳам ҳамма жойда мавжуд бўлган Олий Рухга эришади.

Изоҳ: Енгил шабада боғда ўсиб турган гулларнинг муаттар хидларини бизга етказиб, бизни ўзига мафтун этгани сингари, садоқатга тўла онг ҳам, Параматма қиёфасида ҳамма жойда, шу жумладан ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжуд бўлган Парвардигорнинг илохий иштирокини дарров ҳис қилади. "Бхагавад-гита"да Парвардигор кшетра-гья деб аталган; У бизнинг қалбимизда жойлашган, айни пайтда бошқа барча тирик мавжудотларнинг қалбида ҳам мавжуд. Алоҳида рух фақат бир танада жойлашган, шунинг учун у билан бошқа бир тирик мавжудот орасида ўзаро келишмовчилик бўлиши мумкин, аммо Олий Рух ҳамма жойда мавжуд. Алоҳида рухларнинг фикри бир бирига моддий олам скелмаслиги мумкин, лекин Олий Рух бир қиёфада ҳар бир тана ичида мавжуд бўлгани учун Уни ўзгармас(авикари) деб атайдилар. Алоҳида рух Кришна онгига эга бўлганида у Олий Рухнинг мавжудлигини ҳис қила бошлайди. Кришна онгида Худого садоқат билан хизмат қилишга фарқ бўлган киши Олий Шахс Худони Олий Рух кўринишида ёки Олий Шахс сифатида англаб етишини "Бхагавад-гита" ҳам тасдиқлайди(бхактйа мам абхиджанати).

Текст 21

Мен Олий Рух қиёфасида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжудман. Агар инсон ҳамма жойда мавжуд Олий Рухни сезмаса ва Унга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатмаса-ю, эҳромдаги Илоҳга сиғиниб юрган бўлса, унинг қилаётган амаллари шунчаки Худого сиғинишга тақлид қилиш бўлади.

Изоҳ: Онги покланган, яъни Кришна онгига эга бўлган киши ҳамма нарсада Кришнанинг мавжудлигини ҳис қилишга қодир бўлади. Бундан маълум бўладики. Фақат эҳромдаги Илоҳга сажда қиладиган, лекин бошқа тирик мавжудотларга муносиб ҳурмат-эҳтибор беришни истамайдиган киши Худого садоқат билан хизмат қилишнинг энг пастки поғоналарида турган бўлади. Эҳромда Илоҳга сиғинадиган, лекин бошқаларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатмайдиган содиқ материалист-содиқ бўлиб, содиқларнинг паст тоифасига мансуб бўлади. Содиқ хизматкор бутун борлик Кришна билан боғлиқ эканини тушунишга ва шу тушунчага асосланиб ҳаммага хизмат қилишга ҳаракат қилиши лозим. Ҳаммага хизмат қилиш – ҳамма нарсани Кришна хизмат қилишга ишлатиш демакдир. Агар табиатан яхши хулқ-атворга эга бўлган киши ўзининг Кришна билан ўзаро муносабатлари қандай эканини билмаса, руҳий юксалишга эришган содиқнинг бурчи – унга Худого хизмат қилиш имкониятини беришдан иборат. Қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши фақат тирик мавжудотларни

Кришнага хизмат қилишга жалб этишга эмас, балки атрофидаги ҳамма нарсани Кришнага хизмат қилишда ишлатишга қодир бўлади.

Текст 22

Эҳромда Илоҳга сиғиниб юрган, лекин Парвардигор Параматма қиёфасида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжудлигини билмайдиган киши ғофил одам бўлиб, қурбонлик эҳсонларини кулга ташлаётган кишига ўхшайди.

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, Парвардигор Ўзининг тўла экспансияси бўлган Олий Рух қиёфасида ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд. Моддий таналарнинг 8.400.000 тури бор, Олий Шахс Худо уларнинг ҳар бирининг ичида ҳам алоҳида рух кўринишида, ҳам Олий Рух кўринишида мавжуд. Алоҳида рух Парвардигорнинг бир заррачаси, шунинг учун Парвардигор алоҳида рух шаклида ҳар бир танада мавжуд деб айтиш мумкин. Лекин Парвардигор Олий Рух кўринишида ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳаракатларини кузатиб туриш учун унинг қалбига киради. Унда ҳам, бунда ҳам муҳими шундан иборатки, Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд, шунинг учун ўзини бирор динга мансуб деб ҳисоблайдиган, лекин Олий Шахс Худо ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам ва бутун борлиқнинг ҳамма жойида мавжуд эканини англамайдиган кишилар ғафлат гунаси таъсири остида юрган бўладилар.

Эҳромда, черковда ёки масжидда ўтказиладиган маросим ва ақидаларга боғланиб қолган, лекин Парвардигор ҳамма жойда мавжудлиги ҳақидаги оддий илмдан беҳабар бўлган киши худди қурбонлик маросими ўтказаётиб, эҳсон қилинадиган сариеғни оловга эмас, кулга қуяётган кишига ўхшайди. Қурбонлик маросими пайтида руҳонийлар қурбонлик гулханига сариеғ қуядилар ва ведавий мантраларни ўқийдилар, лекин улар мантра ўқисалар ва барча қондаларга қатъий риоя қилсалару, аммо сариеғни оловга эмас, кулга қуйсалар, қурбонлик маросими қутилган натижа бермайди. Бошқача қилиб айтганда, ҳеч бир тирик мавжудотга бефарқ қарамаслик керак. Худонинг содиқ хизматкори ҳамиша эсида сақлаши лозимки, ҳар бир, шу жумладан энг кичкина арзимас тирик мавжудотда, ҳатто чумолининг ичида ҳам Парвардигор бор, шунинг учун ҳар бир тирик мавжудотга ғамхўрлик қилиш ва уларга зарар етказмаслик керак. Ҳозирги даврда қушхоналар одатдаги ҳол бўлиб қолди. Бунинг устига баъзи бир динлар уларнинг мавжудлигини ҳатто ўзларининг обрўси билан тасдиқлаётдилар. Парвардигор ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд эканини ҳақидаги илмни одамлар билмайдилар, бундай илмдан маҳрум бўлган инсонлар жамиятининг хоҳ руҳий, хоҳ моддий жиҳатдан ривожланиши ғафлат гунасидаги тараққиётдан бошқа нарса эмас.

Текст 23

Менга ҳурмат-эҳтиром кўрсатадиган, лекин бошқа тирик мавжудотларнинг таналарига ҳасад ва душманлик билан қарайдиган киши худбин одамдир. Ана шундай одамнинг қалбидаги бошқаларга нисбатан

нафрат туйғуси уни уйку ва хотиржамликдан махрум килади.

Изоҳ: Мазкур шеърда ишлатилган бхутешу баддхваирайсйа, яъни “бошқаларга душманлик кўзи билан арайдиган” ҳамда двишатах пара-кайе, “бошқа бировнинг танасига ҳасад қиладиган” иборалари алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Бошқаларга ҳасад қиладиган ёки душманлик кўзи билан қарайдиган киши ҳеч қачон бахт нималигини била олмайди. Шунинг учун Худонинг содиқ хизматкори биринчи навбатда бошқаларга тўғри муносабатда бўлишни ўрганиши лозим. Таналарнинг бир бирдан фарқ қилишига эътибор бермасдан, у ўзининг атрофида Парвардигорнинг ажралмас заррачаларини ҳамда Ўзининг тўлиқ экспансияларидан бири бўлган Параматма киёфасидаги Парвардигорнинг Ўзини кўриши лозим. Бошқа тирик мавжудотлар билан учрашар экан, содиқ хизматкор уларнинг танасига эътибор бермайди.

Мазкур шеърда Парвардигор моддий тана қафасига қамалиб юрган шартланган руҳларни кутқариш истагини изҳор этяпти. Худонинг содиқларининг бурчи – Парвардигорнинг ана шу истагини шартланган руҳларга етказиш ва уларга Кришнани онги ҳақида гапириб беришдан иборат. Мана шу шартланган руҳларнинг илохий ҳаётга эришишига ва инсон бўлиб яшашнинг олий мақсадига эришишига ёрдам беради. Албатта, эволюцион ривожланиш зинапоясига одамлардан пастда турган тирик мавжудотларда бунга имконият йўқ, аммо одамларнинг ёрдами билан барча тирик мавжудотлар кришна онгига эга бўла оладилар. Бошқа усулларни қўллаш билан ҳатто ҳаётнинг қуйи шаклларига мансуб тирик мавжудотларни ҳам Кришнани англаш даражасига кўтариш мумкин. Масалан, Парвардигор Чайтаньянинг буюк содиғи Шивананда Сена прасад бериб, битта итнинг моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишига ёрдам бериб, яъни Парвардигорга тақдим этилган таом тарқатиш ана шундай тирик мавжудотларга – ғофил одамларга ва ҳайвонларга – Кришнани англаш поғонасига кўтарилиш имконини беради. Ҳақиқатан ҳам, Пурида Шивананда Сенанинг итига Парвардигор Чайтаньянинг кўзи тушиб қолди ва У уни моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқарди.

Бу ерда алоҳида таъкидланганки, Худонинг содиқлари бошқа тирик мавжудотларга зарар етказмаслиги керак (дживахимса). Парвардигор Чайтанья айтганки, содиқ хизматкор битта ҳам тирик мавжудотни ўлдирмаслиги керак. Баъзан бизларга шундай савол берадилар: агар сабзавотлар ҳам тирик мавжудот бўлса, Худонинг содиқлари сабзавотлар билан овқатланганида уларга зулм ўтказган бўлмайдиларми? Биринчидан, дарахт ёки ўсимликдан бир неча барг, шоха ёки мева узган билан биз уларни ҳаётдан махрум қилмаймиз. Бундан ташқари, дживахимса ибораси ҳар бир тирик мавжудот ўзининг аввалги кармасига кўра маълум бир ҳаёт шаклига мансуб тана ичида яшаши лозим. Шунинг учун гарчи барча тирик мавжудотлар мангу бўлса ҳам, ҳеч ким уларнинг аста-секин эволюцион ривожланиш жараёнига ҳалақит бермаслиги керак. Худонинг

содиқлари Худога садоқат билан хизмат қилишнинг барча қонун-қоидаларига қатъий риоя қилишлари ҳамда ҳар қандай, ҳатто энг кчик тирик мавжудотда ҳам албатта Парвардигор мавжудлигини ҳамиша эсида сақлашлари лозим. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигорнинг ҳамма жойда мавжудлигини англаб етиши лозим.

Текст 24

Эй бегуноҳ зот, Мен ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд эканимни билмаган киши, ҳатто барча зарур маросимларни ўтказса ва Менга барча сиғиниш анжомларини таклиф қилса ҳам, эҳромдаги Илоҳга сажда қилиш билан Мени ҳеч қачон мамнун қила олмайди.

Изоҳ: Эҳромда Илоҳга сиғиниш жараёни олтмиш тўрт қоида билан тартибга солинади. Илоҳга ҳар хил анжомлар таклиф қилинади, уларнинг баъзилари кўпроқ кадрли, баъзилари камроқ. "Бҳагавад-гита"да айтилагнки: “Агар содиқ хизматкорим Менга гул, барг ҳамда озгина сув ва мевалар таклиф этса, Мен унинг эҳсонларини қабул қиламан”. Парвардигорга бирор нарса таклиф этар экан, бу билан содиқ хизматкор Унга ўзининг муҳаббатини изҳор этади, эҳсонлар бу ерда иккинчи даражали роль ўйнайди. Агар қалбида Худога муҳаббат ва боғланиш туйғусини ривожлантирмаган киши шунчаки Парвардигорга ҳар хил таомлар, мевалар ва гуллар таклиф қилса, Парвардигор унинг эҳсонларини қабул қилмайди. Парвардигорга пора беришнинг иложи йўқ. У шунчалик буюкки, бизларнинг ҳар қандай эҳсонимиз Унинг учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Бунинг устига У ҳеч нарсага муҳтож ҳам эмас. Ўзига тўла бутун бўлган Парвардигорга нима ҳам таклиф қилиш мумкин? Бизнинг ҳукмимиздаги ҳамма нарса Унинг Ўзидан чиққан. Парвардигорга турли нарсалар таклиф этар эканмиз, биз буни фақат Унга ўз муҳаббатимизни ва миннатдорчилигимизни изҳор этиш учун қиламиз.

Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжуд эканини биладиган асл содиқ хизматкор қалбида ҳамиша Парвардигорга нисбатан миннатдорчилик ва муҳаббат туйғусини хис қилиб юради, шунинг учун прасад тарқатиш ҳам Илоҳга сиғинишнинг таркибига киради. Содиқ хизматкор шунчаки ўзининг хонасида ёки уйда меҳроб ўрнатиб, Парвардигорга таом таклиф қилиши, кейин уни фақат ўзи еб юрмаслиги лозим. Албатта, бу Парвардигор билан ўзаро муносабатларидан беҳабар бўлган ғофил ҳолатда овқатни фақат ўзи учун тайёрлашдан устун туради. Бундай одамларнинг ҳайвонлардан фарқи кам. Аммо, руҳий юксалишга интилиб юрган содиқ хизматкор Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд эканини билиши ҳамда аввалги шеърда айтилганидай, бошқа тирик мавжудотларга ҳамдардлик кўзи билан қараши лозим. Содиқ хизматкор Парвардигорга сиғиниши, руҳий юксалишда ўзи билан тенг содиқлар билан дўстона муносабатлар ўрнатиши ва ғофил тирик мавжудотларга прасад тарқатиб, ҳамдардлик билдириши лозим. Ғофиллик чанғалида тутқун бўлиб юрган одамларга прасад тарқатиш – Худо Шахсига сажда қилиб сиғиниб юрган ҳар бир инсоннинг бурчидир.

Парвардигор фақат самимий муҳаббат ва садоқатни қабул қилади. Одамнинг олдига кўплаб тансиқ ширин таомлар кўйиш мумкин, лекин унинг қорни оч бўлмаса, у бу таомларга қайрилиб ҳам қарамайди. Худди шундай, бизлар илоҳга кўплаб қимматбаҳо нарсалар таклиф этишимиз мумкин, лекин биз Парвардигорнинг ҳамма жойда мавжудлигини англамасдан, бу ишни самимий, чин юракдан, садоқат билан қилмасак, Худога қилаётган хизматимиз мукамал бўлмайди. Ғофиллигимиз сабабли Парвардигор бизнинг таклиф қилган нарсаларимизни қабул қилмайди.

Текст 25

Ўз бурчини бажариб яшаган ҳолда, содиқ хизматкор то ўзининг қалбида ва бошқа тирик мавжудотларнинг қалбида Менинг мавжудлигимни ҳис қиладиган бўлгунча Олий Шахс Худонинг қиёфаси бўлган Илоҳга сажда қилиб сиғиниши лозим.

Изоҳ: Мазкур шеърда Капиладева ҳатто шунчаки ўз бурчини бажари юрган кишиларга ҳам Илоҳларга сиғинишни тавсия қилади. Жамиятнинг турли табақаларига ва турмуш-тарзига мансуб одамларнинг ҳаммаси ўз бурчини ҳалол бажариб яшашлари лозим. Лекин бунда ҳар бир инсон то Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд эканини англаб етгунча эҳромда Илоҳга сажда қилиб сиғиниб юриши лозим. Бошқача қилиб айтганда, биз ҳаётда ўз бурчимизни ҳалол бажариб яшаш билан қаноатланиб қолмаслигимиз лозим, биринчи навбатда биз ўзимиз ҳам, бошқа тирик мавжудотлар ҳам Олий Шахс Худо билан маълум муносабатлар билан мангу боғланган эканзимизни тушуниб олишимиз керак. Токи биз шуни тушуниб етмас эканмиз, ҳатто ўз бурчимизни виждонан бажариб юрган бўлсак ҳам, қилаётган меҳнатимиздан ҳеч қандай манфаат кўра олмаймиз.

Мазкур шеърдаги асосий ибора сва-карма-крит ҳисобланади. Ўзининг муқаддас китобларда белгиланган бурчини тўлиқ бажариб юрагн кишини шу ибора билан ифодалайдилар. Худонинг содиқ хизматкори бўлган ёки Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши ўз бурчини бажаришдан озод бўлади деб ўйламаслиги керак. Худога садоқат билан хизмат қилишни баҳона қилиб биз дангасалигимизни химоя қилмаслигимиз лозим. Худога садоқат билан хизмат қилиш инсоннинг ҳаётда ўз бурчини бажариб яшашига ҳалақит бермаслиги лозим. Сва-карма-крит ибораси шуни билдирадики, инсон ўзининг ҳамма бурч ва вазифаларини бажариб юриши, ҳеч қачон уларни тарк этмаслиги кераклигини билдиради.

Текст 26

Худбинлик билан бошқа тирик мавжудотларни ўзидан озгина бўлса ҳам паст кўрадиган одамларнинг юрагини Мен худди куйдирувчи ажал оловдай бўлиб, қаттиқ сиқилишга мажбур қиламан.

Изоҳ: Ҳар хил тирик мавжудотларнинг таналари бир биридан фарқ қилади, лекин содиқ хизматкорнинг атрофидаги тирик мавжудотлар билан бўлган муносабатлари уларга асосланган бўлмаслиги лозим; у ҳамиша эсида сақлаши керакки, тирик мавжудот

ҳаётнинг қайси шаклида бўлишидан қатъий назар, алоҳида руҳ билан Олий Руҳ барча тирик мавжудотларнинг қалбида жойлашган бўлади.

Текст 27

Шундай қилиб, саховат билан хайр-эҳсон қилиб, барча тирик мавжудотларнинг тенглигини кўриб уларга хурмат-эҳтиром кўрсатиб дўстона муносабатда бўлиш билан содиқ хизматкор Менинг марҳаматимга эришади ва Мени, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида унинг жони сифатида мавжуд бўлган Парвардигорни мамнун қилади.

Изоҳ: Олий Руҳ билан алоҳида руҳ бир биридан фарқ қилмайди, чунки Олий Руҳ ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида жойлашган деб ўйлайдиган киши қаттиқ адашади. Олий руҳ билан алоҳида руҳни бир деб тасаввур қилиш имперсоналистларнинг ҳаммаси йўл қўйган қатта хато. Бу ерда аниқ айтилганки, алоҳида руҳга унинг Олий Шахс Худо билан ўзаро муносабатлари жиҳатидан муносабат билдириш лозим. Мазкур шеърда таърифланган алоҳида руҳга сажда қилишнинг мазмуни унга совғалар беришни, ўзини ҳаммадан устун қўйиш иллатидан ҳалос бўлиб унга дўстона муносабатда бўлишни назарда тутати. Имперсоналистлар баъзан Олий Шахс Худо Нараяна гадой бўлганини назарда тутиб, гадойларни даридра-нараяна деб атайдилар. Бундай тасаввур барча муқаддас китобларнинг таълимотига мутлақо зид. Олий Шахс Худо, Парвардигор барча бойлик ва фазилатларга тўла. У алоҳида руҳ билан бирга гадойнинг ёки ҳатто ҳайвоннинг танасида яшашга рози бўлади, аммо Унинг Ўзи бу билан гадой бўлиб қолмайди.

Мазкур шеърда иккита санскрит ибора ишлатилган, мана ва дана. Мана ибораси юқори мартаба эгаллаб турган кишини, дана ибораси эса – хайр-эҳсон қиладиган ёки ўзига қарам бўлган зотларга ҳамдардлик билдирадиган кишини билдиради. Биз Олий Шахс Худога гўё У биздан паст турадигандай ёки Уни бизларнинг қилган эҳсонларимизга қарам деган тушунча асосида муносабат билдирмаслигимиз керак. Хайр-эҳсон ёки меҳрибонлик ҳақида гап кетганда улар ўзларининг моддий ёки молиявий жиҳатдан биздан паст бўлган зотларга мўлжалланиши назарда тутилади. Бой-бадавлат одамларга хайр-эҳсон бермайдилар. Худди шундай, бу ерда айтилганки, мана, яъни ўзидан юқори турган кишига хурмат билдирадилар, меҳрибонликни эса ўзидан пастда турган кишиларга нисбатан қиладилар. Ўзининг аввалги қармали фаолиятига қараб тирик мавжудот ё бой-бадавлат бўлиши, ё камбағал-қашшоқ бўлиши мумкин, лекин Парвардигор, Олий Шахс Худо ҳамиша ўзгармай қолаверади; У олти хил бойликнинг ҳаммасининг мангу эгаси. Тирик мавжудотни ўзи билан тенг кўриб хурмат қилиш – уни Олий Шахс Худо ўрнида кўриш эмас. Бошқа тирик мавжудотларга нисбатан дўстона муносабатда бўлиш ёки уларга меҳрибонлик қилиш учун албатта уларни Олий Шахс Худо даражасига кўтариш шарт эмас. Лекин, айти пайтда, бирор ҳайвоннинг, масалан чўчқанинг қалбида мавжуд бўлган Олий Руҳ билимдон браҳманнинг қалбида мавжуд бўлган Олий Руҳдан нимаси биландир фарқ қилади деб

хисобламаслик керак. Барча тирик мавжудотларнинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рух – ягона, ўзгармас Олий Шахс Худонинг Ўзи. Ҳар нарсага қодир бўлган ҳолда Парвардигор истаган жойда яшай олади ва истаган жойда вайкунтха мухитини ярата олади. Унинг англаб бўлмас қудрати ана шундай. Демак, Нараяна чўққанинг қалбида мавжуд бўлганида, У чўққа-Нараяна бўлиб қолмайди. У ҳамиша Ўзи, ягона Парвардигор бўлиб қолаверади, чўққанинг танаси Унга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Текст 28

Эй марҳаматли зот, тирик мавжудотлар жонсиз нарсалардан устун туради. Тирик мавжудотлар ичида ҳаёт аломатларини намоён этадиган зотлар ҳаёт аломатларини намоён этмайдиган зотлардан устун туради. Онги ривожланган ҳайвонлар улардан ҳам устун турадилар, кучи сезиш қобилияти ато этилган зотлар улардан устун туради.

Изоҳ: Аввалги шеърда бошқа тирик мавжудотларни уларга ғамхўрлик қилиш ҳамда уларга дўстона муносабатда бўлиш билан хурмат қилиш лозимлиги айtilган эди, мазкур ва кейинги шеърларда эса, содиқ хизматкор кимларга дўстона муносабатда бўлиш керагу, кимларга меҳрибонлик қилиш кераклигини билиб олиши учун тирик мавжудотларнинг ҳар хил тоифалари кўрсатиб ўтилган. Масалан, йўлбарс – тирик мавжудот, Олий Шахс Худонинг бир заррачаси, унинг қалбида ҳам Олий Рух кўринишида Парвардигор бор. Лекин бу, бизлар йўлбарс билан дўстона муносабатда бўлишимиз лозим деганими? Албатта йўқ. Биз унга меҳрибонлигимизни прасад бериш билан намоён этиб ғамхўрлик қилишимиз лозим. Қалин ўрмонда яшайдиган риёзатчилар йўлбарслар билан дўстлашмайдилар, лекин ҳамиша уларга Парвардигорга таклиф этилган таом, прасад берадилар. Йўлбарслар донишмандларнинг кулбасига яқин келадилар, кўйилган таомдан ейдилар ва худди оддий итларга ўхшаб яна ўз йўлига қайтиб кетадилар. Ведалар жамиятида итларнинг уй ичига киришига йўл қўйилмайди, чунки ит ва мушуклар нопок, ҳаром ҳайвонлар ҳисобланади. Ўзини хурмат қиладиган бирор маданиятли киши ит ёки мушукни эшигидан ичкари киритмайди. Уларни ҳамиша кўчада юришга, ҳеч қачон уй ичига кирмасликка ўргатадилар. Лекин ғамхўр хўжайин, ҳамиша ит ва мушуклар учун ҳам прасад қолдиради, улар уйдан ташқарида прасадни еб яна нари кетадилар. Пасткаш ҳайвонларга ҳамдардлик билдириш лозим, лекин бу улар билан ҳам бизлар худди одамлар билан бўлганимиз сингари муносабатда бўлишимиз керак дегани эмас. Биз уларни ўзимизга тенг деб ҳисоблашимиз лозим, лекин уларга одамларга қараганда бошқача муносабатда бўлишимиз керак. Тирик мавжудотларнинг руҳий юксалиши ҳақида уларнинг қайси аломатларига қараб билиб олиш кераклиги мазкур ва кейинги олти шеърларда айtilган.

Биринчи ажратиш ўлик модда билан тирик мавжудот орасида ўтказилади. Баъзан ҳатто тошлар ҳам ҳаёт аломатларини кўрсатади. Маълумки, баъзи бир тоғлар ва тепаликлар ўсадилар. Бу тошда ҳам рух мавжудлигининг оқибатидир. Руҳий юксалиш зинапоясидан улардан юқориқ турган тирик

мавжудотларда онг аломатлари бўлади, яна юқориқ турган тирик мавжудотларда сезиш қобилияти пайдо бўлади. "Маҳобҳорат"га мансуб китобларнинг биттаси "Мокша-дхарма"да айtilганки, дарахтларда сезиш қобилияти кучли ривожланган, улар ҳидларни сезиб, уларни бир биридан ажрата оладилар. Дарахтлар ҳам кўриш қобилиятига эга эканига ҳар ким ўз тажрибасида ишонч ҳосил қилиши мумкин. Баъзан қандайдир қудратли дарахт, у ёки бу тўсиқни айланиб ўтиш учун ўсиш йўналишини ўзгартиради демак, дарахтлар ҳам кўриш қобилиятига эга, "Маҳобҳорат" таълимотига кўра, улар ҳам ҳидларни бир биридан ажратиш қобилиятига эга. Бу дарахтлар ҳам кучли сезиш қобилиятига эга эканини билдиради.

Текст 29

Сезги органларига эга тирик мавжудотлар ичида таъм билан сезгиси ривожланган зотлар фақат тери билан сезадиган зотлардан устун туради. Ҳид билиш сезгиси бор тирик мавжудотлар улардан устун, улардан эса эшитиш қобилияти ривожланган зотлар устун туради.

Изоҳ: Ғарбий давраларда эволюцион таълимотнинг асосчиси деб Дарвинни тан оладилар, аслида эволюцион таълимот янгилик эмас. Дарвиндан беш минг йил олдин эволюцион таҳлимот назарияси "Шримад Бҳагаватам"да баён этилган эди. "Шримад Бҳагаватам"да олам яралишининг бошида ер юзига келган капила Мунининг таълимоти киритилган. Бу таълимот инсониятга ведалар маданияти давридан бери маълум ва эволюцион ривожланиш жараёнининг барча қонуниятлари ведавий муқаддас китобларда батафсил таърифланган; шундай қилиб, аста-секин эволюцион ривожланиши ва антропология назарияси Ведалар учун янгилик эмас.

Бу ерда айtilганки, дарахтлар орасида анча ривожланган ва ривожланмаган дарахтлар бор. Масалан, баъзи бир дарахт турлари уларга бирор нарса текканини сезиш қобилиятига эга. Эволюцион зинапояда дарахтлардан балиқлар устун туради, чунки уларда таъм билиш қобилияти бор. Балиқлардан асаларилар устун туради, уларда ҳид билиш сезгиси кучли ривожланган, эшитиш қобилиятига эга бўлган илонлар асаларилардан устун туради. Илон қоронғида ҳам қурбаканинг қуриллаган овозига қараб ҳаракатланиб, ўлжасини топиб олади. Қурбаканинг қуриллаган овозини эшитган илон дарров тушунади: "Шу ерда қурбақа ўтирибди". Товушига қараб у ўлжасининг қаерда ўтирганини аниқлаб олади ва уни тутиб олади. Баъзан, бемаъни суҳбатларга берилиб вақтини бекорга кетказиб ажални яқинлаштириб юрган кишиларни ҳам ана шундай қурбақаларга қиёслайдилар. Инсоннинг тили суяксиз, у қурбаканинг қуриллаганидан қолишмай валдираб тинмасдан гап сотиши мумкин, лекин у ўзининг бекорчи гаплари билан фақат ажални яқинлаштиради, холос. Яхшиси, Парвардигор ато этган тил ва нутқ неъматидан маҳамантра зикр қилишда фойдаланган маъқул: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

Текст 30

Товушни сезадиган тирик мавжудотлардан шаклни сезадиган тирик мавжудотлар устун туради, пастки ва устки қатор ттишлари бор тирик мавжудотлар улардан устун туради, ўз навбатида, улардан кўп оёкли мавжудотлар устун туради. Кўп оёклилардан тўрт оёкли зотлар устун туради, улардан эса – одамлар устун туради.

Изоҳ: Баъзи кушлар, масалан, қарғалар шакллари бир биридан ажратиш қобилиятига эга. Кўп оёкли тирик мавжудотлар, масалан арилар оёғи бўлмаган ўсимлик ва майсалардан устун туради. Тўрт оёкли хайвонлар эволюцион ривожланиш зинаюсида кўп оёклилардан устун туради, фақат икки оёғи бўлган инсон хайвонлардан устун туради.

Текст 31

Одамларнинг табиий сифатлари ва фаолият турига қараб табақаларга бўлинган жамиятда яшайдиган одамлар бошқа одамлардан устун туради, улар ичида эса жамиятнинг зиёли одамлари, брахманлар аъло ҳисобланади. Брахманлар ичида аълоси Ведаларни биладиган зотлардир, Ведаларни ўрган зотлар ичида Ведаларнинг ҳақиқий мазмунини англаб етган зот ҳаммадан устун бўлади.

Изоҳ: Жамиятни одамларнинг сифатлари ва фаолияти турига қараб табақаларга бўлиш илмий жиҳатдан асосланган тизимдир. Ҳозирги даврда жамиятни брахманлар, кшатрийлар, вайшьялар ва шудраларга бўлиш моҳияти бузилган нотўғри табақаларга ажратиша айланиб кетган. Лекин яққол кўриниб турибдики, бу жуда қадимдан келаётган ижтимоий тизим, чунки у "Шримад Бхагаватам" ва "Бхагавад-гита"да эслаб ўтилган. Агар инсонлар жамиятида зиёли одамлар табақаси, ҳарбийлар, савдогарлар ва ишчилар табақаси бўлмаса, бундай жамият аъзолари қандай фаолият билан машғул бўлиши лозимлигини билмайдилар. Илм ўрганиш жараёнида Мутлақ Ҳақиқатни англаб етган киши брахман деб аталади, Ведаларнинг мақсадини англаб етган брахманга веда-джна деган унвон берилади. Ведаларнинг мақсади Мутлақ Ҳақиқатни англаб етиш. Мутлақ Ҳақиқатнинг уч кўринишини: Брахман, Параматма ва Бхагаванни англаб етган ҳамда Бхагаван – Олий Шахс Худо эканини тушунадиган киши брахманлар ичида аълоси, яъни вайшнава деб аталади.

Текст 32

Ведаларнинг мақсади маълум бўлган брахмандан ҳар қандай шубҳаю-гумонларни тарқатиб юборишга кодир зот туради, брахманларнинг қонун-қодаларига қатъий амал қиладиган киши ундан ҳам устун туради, моддий иллатлардан покланган киши ундан ҳам устун туради, аммо, эвазига ҳеч қандай муқофот таъма қилмасдан Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган Парвардигорнинг асл содиқлари улардан ҳам устун турадилар.

Изоҳ: Артха-джна – Мутлақ Ҳақиқатнинг табиатини мукамал ўрганган ва Мутлақ Ҳақиқатни уч кўринишида: Брахман, Параматма ва Бхагаван кўринишида англаб етиш мумкинлигини биладиган

брахмандир. Мана шу илмга эга бўлиб қолмасдан, ундан сўраган кишининг Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги барча гумонларини тарқатиб юбора оладиган киши шундай брахмандан ҳам устун туради. Фалсафани аниқ таърифлаб бера оладиган ва бошқаларнинг гумонларини тарқатиб юборишга кодир брахман-вайшнавлар орасида Худога садоқат билан хизмат қилиш қонун-қодаларига риоя қилмайдиган зотлар ҳам бўлади. Улар брахман-вайшнавларнинг паст тоифасига мансуб ҳисобланади. Бошқаларнинг гумонларини тарқатиб юборишга кодир бўлиш билан бирга брахманларнинг эзгу фазилатларига эга бўлган кишилар улардан устун турадилар. Ведаларда баёт этилган кўрсатмаларнинг мақсадини ва Ведаларда кўрсатилган қонун-қодаларни амалда қўллашни биладиган ҳамда ўзининг шогирдларини шунга ўргатадиган киши ачарья деб аталади. Ҳақиқий ачарья Худога садоқат билан хизмат қилар экан, ҳеч қачон юқори мартабага эришишга интилмайди.

Рухий баркамолликка эришган брахман вайшнава деб аталади. Бу ерда айтилганки, Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги илмни эгаллаган, лекин уни бошқаларга тарғибот қила олмайдиган вайшнава Худога садоқат билан хизмат қилишнинг пастки поғонасида турган бўлади; Худо ҳақидаги илмни ўзи билиб қолмасдан уни бошқаларга тарғибот қилишга кодир киши Худога садоқат билан хизмат қилишнинг иккинчи поғонасида турган бўлади. Бошқаларга тарғибот қилиб қолмасдан, бутун борлиқ Мутлақ Ҳақиқатда, Мутлақ Ҳақиқат эса бутун борлиқда мавжуд эканини кўра оладиган киши эса, вайшнавларнинг олий тоифасига мансуб бўлади. Бу ерда айтилган гаплардан маълум бўладики, вайшнава брахман ҳисобланади. Аслини олганда вайшнава бўлган киши брахманлик даражасининг олий поғонасига кўтарилган бўлади.

Текст 33

Шунинг учун Мен, ўз манфаатларини Менинг манфаатларимдан ажратмайдиган, Менга хизмат қилишдан бир лаҳза ҳам тўхтамасдан ўзининг барча амалларини ва бутун ҳаётини, қисқаси, ўзида бор нарсаларнинг ҳаммасини Менга бағишлаган кишидан ҳам устун турадиган зот йўқ деб ҳисоблайман.

Изоҳ: Мазкур шеърда ишлатилган самадаршанат ибораси шуни билдирадики, шундай содиқ хизматкорнинг бирор шахсий манфаати қолмаган бўлади; унинг манфаатлари Олий Шахс Худонинг манфаатларига тўла мос келади. Парвардигор Чайтанья Худонинг содиқ хизматкори ролини бажарар экан, худди шу фалсафани тарғибот қилган эди. У одамларни Кришна – Олий Шахс Худо, сиғиниш лозим бўлган ягона Парвардигор эканига, Худонинг асл содиқларининг манфаати Парвардигорнинг манфаатига тўла мос келишига ўргатган.

Бахзан майявади-файласуфлар ғофиллиги сабабли, сама-даршанат ибораси содиқ хизматкор ўзини Олий Шахс Худодан фарқ қилмайди деб ҳисоблаши лозимлигини билдиради деб айтадилар. Лекин бу нотўғри. Ўзини Парвардигордан фарқ қилмайди деб ҳисоблайдиган зот қандай қилиб Унга хизмат қила олади? Хизмат қилиш деганда хўжайин бўлиши назарда тутилади. Хизмат қилиш учун хўжайин,

хизматкор ва хизмат бўлиши керак. Бу ерда аниқ айтилганки, ўзининг бутун ҳаётини, барча амалларини, ақлини ва жонини, бир сўз билан айтганда, ҳамма нарсасини Парвардигорни мамнун қилишга бағишлаган кишини одамлар ичида энг буюк инсон деб ҳисоблаш керак.

Акартуҳ ибораси “эғалик қилиш туйғусидан махрум” деган маънони англатади. Ҳар бир инсон ўз меҳнатининг натижаларига эғалик қилиб, улардан лаззатланиш учун мустақил ҳаракат қилишни истади. Лекин содиқ хизматкорнинг ундай истаги йўқ; у нима иш қилса ҳам Олий Шахс Худонинг амри билан қилади. Содиқ хизматкорнинг ҳеч қандай шахсий манфаати йўқ. Парвардигор Чайтанья Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилар экан, у буни одамлар Уни Кришна, Олий Шахс Худо деб атасинлар деган мақсадда қилгани йўқ; аксинча, У одамларга Олий Шахс Худо – Кришна эканини ўргатар ва ҳаммани Унга сиғинишга даъват қиларди. Парвардигорнинг ишончли вакили бўлган ҳолда содиқ хизматкор ўзи учун ҳеч нарса қилмайди, унинг бутун фаолияти Парвардигорни мамнун қилишга қаратилган. Шунинг учун бу ерда: майи санныяста-карманаҳ – “содиқ хизматкор ҳаракат қилади, лекин у Худо учун ҳаракат қилади” дейилган. Майй арпитатманаҳ ибораси “У ўзининг ақлини бутунлай Менга бағишлайди” деганни билдиради. Мазкур шеърда айтилганидек, эволюцион зинапоянинг энг юқори поғонасида турган содиқ хизматкорнинг алоҳида белгилари шулар ҳисобланади.

Текст 34

Рухий баркамолликка эришган содиқ хизматкор ҳаммани ҳурмат қилади, чунки унинг ишончи комилки, Олий Шахс Худо, Парвардигор барча тирик мавжудотларнинг танасига кирган ва уларнинг Олий Рухи ва ҳукмдори сифатида уларнинг қалбида жойлашган.

Изоҳ: Аввал айтилган эдики, рухий баркамолликка эришган содиқ хизматкорнинг ақлига ҳеч қачон шунчаки Парвардигор Параматма қиёфасида ҳар бир тирик мавжудотнинг танаси ичига киргани туфайли алоҳида ҳар бир тирик мавжудотни Олий Шахс Худо деб ҳисоблаш фикри келмайди. Бу ғирт нодонлик. Масалан, агар хона ичига бир киши кирса, энди шу хона инсон бўлиб қолганини билдирадими? Худди шундай, Парвардигор 8.400.000 турли ҳаёт шаклига эга бўлган моддий таналарнинг ҳаммасининг ичига киради, лекин бу ана шу таналарнинг ҳар бири Олий Шахс Худо бўлиб қолади, дегани эмас. Лекин Худонинг асл содиқ хизматкори Парвардигор Ўзининг иштироки билан ҳар бир танани поклаб, уни Худонинг эҳромига айлантиради; тўлиқ илмга эга бўлиб, Парвардигорнинг эҳромига сажда қилиб, содиқ хизматкор ҳар бир тирик мавжудотга ҳурмат-эҳтиром кўрсатади, чунки унинг Олий Шахс Худо билан боғлиқ эканини ҳаммиша эсида сақлайди. Олий Шахс Худо гадоининг танаси ичига кирганда даридра-нараяна, қашшоқ Нараяна бўлиб қолади деб, майявади файласуфлар нотўғри тахмин қиладилар. Имонсиз ва даҳрийларнинг бундай гаплари оғир ҳақорат ҳисобланади.

Текст 35

Эй Манунинг қизи, Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳамда сеҳрли йога илмининг қонун-қоидаларини шу тарзда амалда қўллаб юрган содиқ хизматкор Худога садоқат билан хизмат қилиб юргани шарофати билан Парвардигорнинг салтанатига эришади.

Изоҳ: Мазкур шеърда Олий Шахс Худо Капиладева аниқ айтилганки, саккиз поғонали сеҳрли йога билан шуғулланишнинг мақсади йоганинг олий поғонасига – бхакти-йогага эришиш. Инсон у ёки бу асаналарни бажариш билан, баркамолликка эришдим деб ўйлаб, чекланиб қолмаслиги керак. Муроқаба билан шуғулланиш уни Худога садоқат билан хизмат қилишга олиб келиши лозим. Аввал айтганимиздек, йог аста-секин нигоҳини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан тиззасига, сонига, кейин кўксига, бўйнига ва ниҳоят юзига ва тақинчоқларига ўтказиб, Парвардигор Вишнунинг шахсий қиёфасига мууроқаба қилиши лозим. Қандайдир шахсиятсиз Зотга мууроқаба қилишнинг ҳеч қандай маъноси йўқ.

Олий Шахс Худонинг танасининг турли қисмларига мууроқаба жараёнида инсон қалбида Худога муҳаббат уйғонганида у бахкти-йога поғонасига кўтарилган бўлади. Ана шу вақтдан бошлаб у илоҳий муҳаббат туйғуси таъсири остида Худога ҳақиқатан ҳам хизмат қила бошлайди. Йога билан шуғулланиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилган ҳар қандай инсон Худога, Унинг илоҳий даргоҳига қайтиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу ерда аниқ айтилган: пурушах пурушам враджет – пуруша, тирик мавжудот Олий Шахс Худога боради. Сифат жихатидан Парвардигор билан тирик мавжудот бир биридан фарқ қилмайди; униси ҳам, буниси ҳам пуруша деб аталади. Пурушас сифати Парвардигорда ҳам, тирик мавжудотда ҳам мавжуд. Пуруша ибораси “лаззатланувчи” деган маънони билдиради, лаззатланиш истаги тирик мавжудотда ҳам, Парвардигорда ҳам бор. Улар фақат ҳис қиладиган лаззатининг миқдори билан бир биридан фарқ қилади. Тирик мавжудот Олий Шахс Худо ҳис қиладиган миқдорда лаззатлана олмайди. Буни бадавлат киши билан қашшоқ одамлар орасидаги фарқ билан қиёслаб тушуниб олиш мумкин: қашшоқ ҳам, бадавлат киши ҳам лаззатланишга интиладилар, лекин қашшоқ одамда ҳеч қачон бадавлат одамниқига тенг лаззатлани имконияти бўлмайди. Лекин, агар қашшоқ одам ўзининг истакларини бадавлат кишининг истаклари билан мослаштиради, улар иккиси ҳам, бадавлат киши ҳам, қашшоқ одам ҳам, ёки каттаси ҳам, кичиги ҳам, бир бирига ёрдам бера бошласа, уларнинг иккови ҳам тенг даражада лаззатланиш имкониятига эга бўлади. Бхакти-йога билан шуғулланиб юрган кишиларда шундай бўлади. Пурушах пурушам враджет: тирик мавжудот Парвардигорнинг салтанатига эришиб, Унга лаззат келтириш учун хизмат қила бошлаганида у Олий Шахс Худо лаззатланадиган ҳамма бойликлардан фойдаланади ва у ҳам худди Парвардигордай лаззатлана бошлайди.

Аксинча, тирик мавжудот Олий Шахс Худога тақлид қилиб, ўзи лаззатланишни истаганида, унинг истаклари майя деб аталади, ана шу истаги уни моддий оламга олиб келади. Фақат ўзлари лаззатланишни истаيدиган ва Парвардигор билан ҳамкорлик қилишдан бош тортадиган тирик мавжудотлар дунёвий ҳаёт билан

яшайдилар. Аммо, тирик мавжудотнинг лаззатлари Олий Шахс Худонинг лаззатлари билан боғлиқ бўлганида, унинг ҳаёти руҳий ҳаёт бўлади. Бу ерда шундай мисол келтириш мумкин: тананинг ҳар хил қисмлари ва органлари ўз ҳолича мустақил лаззатлана олмайдилар, улар бир бири билан ҳамкорлик қилишлари ва биргаликда ошқозонни овқат билан таъминлашлари лозим. Уларнинг биргаликда келишиб қилган ҳаракатлари тананинг ҳар хил органларига тенг лаззатланиш имкониятини беради. Ачинтъя-бхедабхеда, яъни бир вақтнинг ўзида бирлик ва фарқ қилиш фалсафаси ана шундан иборат. Тирик мавжудот агар ўзини Парвардигорга қарши қўйса, лаззатлана олмайди; ҳақиқатан ҳам лаззатланиш учун у бхакти-йога билан шуғулланиш жараёнида ўзининг ҳамма ҳаракатларини Парвардигорнинг манфаатларига бўйсундириши лозим.

Бу ерда айтилганки, Олий Шахс Худога сеҳрли йога ёрдамида ҳам, бхакти-йога ёрдамида ҳам эришиш мумкин. Бу шундан далолат берадики, аслини олганда йога билан бхакти-йога орасида ҳеч қандай фарқ йўқ, чунки унинг ҳам, бунинг ҳам мақсади битта – Парвардигор Вишну. Лекин, ҳозирги даврда одамлар бўшлиққа ёки шахсиятсиз зотга муруқабга қилишга асосланган йога тизимини кашф этганлар. Аслини олганда йога – Парвардигор Вишнунинг қиёфасига муруқабга қилишдир, агар ҳақиқатан ҳам муқаддас китобларда келтирилган қонун-қоидалар асосида шуғуллансалар, сеҳрли йога билан бхакти-йога бир биридан фарқ қилмайди.

Текст 36

Алоҳида руҳ эришиши лозим бўлган ана шу пуруша – Браҳман, Параматма деган номлар билан маълум бўлган Олий Шахс Худонинг мангу қиёфасидир. Парвардигор – илоҳий шахс, Унинг барча кароматлари мутлақо илоҳий сифатга эга.

Изоҳ: Алоҳида руҳ эришиши лозим бўлган шахсни таърифлаш учун Парвардигор Капила Уни бу ерда пуруша, барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори ҳамда Параматманинг ва Браҳманнинг шахсиятсиз нурининг олий даражада намоён бўлган кўриниши, Олий Шахс Худо деб атаган. Парвардигор браҳманнинг нурининг ҳамда Параматманинг манбаи бўлгани учун У бу ерда асосий шахс деб аталган. “Катха-упанишад”да айтилганки: нитйо нитйанам – сон-саноксиз тирик мавжудотлар мавжуд, лекин Парвардигор – бошқа барча тирик мавжудотларнинг мавжудлигини таъминлаб турадиган асосий тирик мавжудотдир. Бу “Бхагавад-гита”(10.8)да ҳам тасдиқланади, у ерда Парвардигор Кришна: ахам сарвасйа прабхавах – “Мен – бутун борлиқнинг, шу жумладан Браҳманнинг нурининг ҳам, Параматманинг ҳам манбаиман”. “Бхагавад-гита”(4.10)да Парвардигорнинг барча кароматлари илоҳий табиатга эга экани айтилган. Жанма карма ча ме дивйам: Парвардигорнинг кароматлари, Унинг келиши ва кетишлари илоҳий табиатга эга, ҳеч қачон уларни моддий деб ҳисобламаслик керак. Парвардигорнинг келишига, кетишига ва кароматларига моддий фаолият қонунилари таъсир қилмаслигини биландиган ҳар бир инсон озодликка эришган зотдир. Йо ветти татвтагах/тйактва дехам пунар джанма: ўзининг ҳозирги танасини

ташлагандан кейин шундай инсон моддий оламни бутунлай тарк этиб Олий Шахс Худонинг олдига боради. Буни аввалги шеър ҳам тасдиқлайди: пурушах пурушам враджет – Олий Шахсга эришиш учун Унинг илоҳий табиатини ва Унинг кароматларини тушуниб этишнинг ўзи кифоя.

Текст 37

Оламдаги ҳамма нарсани ўзгартириб юборадиган замон Олий Шахс Худо яна бир кўринишидир. Замон ҳам Олий Шахс Худонинг ўзи эканини билмайдиган киши ҳаммаша унинг олдида кўрқувда юради.

Изоҳ: Шафқатсиз Замон, вақтнинг ўтиши барча тирик мавжудотларни даҳшатга солади, лекин замон – Олий Шахс Худонинг намоён бўлган кўринишларидан бири эканини биладиган содиқ хизматкорнинг ундан кўрқиб ўтиришига ҳожат йўқ. Мазкур шеърда рупа-бхедаспадам ибодарси алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Бу дунёдаги шакл-қиёфаларда бўладиган ҳамма ўзгаришларнинг сабабчиси замон ҳисобланади. Масалан, энди дунёга келган чақалоқ кичкина танага эга, лекин вақт ўтиши билан унинг танаси ўса бошлайди, аввалига ўсмир танасига, кейин ёш йигит танасига айланади. Худди шундай, Худди шундай, бутун борлик ҳам, Олий Шахс Худонинг амрини бажарадиган итоаткор замон таъсири остида ҳар хил ўзгаришларга учраб, бошқача тус олади. Одатда биз ёш боланинг, ўспирин ва ёш йигитнинг таналари орасида ҳеч қандай фарқ кўрмаймиз, чунки биламизки, унинг танасида бўладиган ўзгаришларнинг ҳаммаси замон таъсири остида бўлади.

Лекин, замон қандай ҳаракат қилишини билмайдиган кишининг ундан кўрқиб яшашга ҳамма асослари бор.

Текст 38

Олий Шахс Худо, барча қурбонлик маросимларидан лаззатланадиган Парвардигор Вишну Замон мезони ҳамда барча ҳукмдорларнинг ҳукмдоридир. У барча тирик мавжудотларнинг қалбига қиради, ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳаётини таъминлаб туради ҳамда бир тирик мавжудотнинг иккинчи тирик мавжудотни яқсон қилишига сабаб бўлади.

Изоҳ: Мазкур шеърда Олий Шахс Худо, Парвардигор Вишнунинг аниқ таърифи келтирилган. У – олий лаззатланувчи, бошқа барча тирик мавжудотлар Унинг хизматкорларидир. “Чайтанья-чаритамрита”(Ади, 5.14)да шундай дейилган: экале ишвара кришна – ягона Парвардигор – Вишну. Ара саба бхритйа: қолган барча тирик мавжудотлар – Унинг хизмакорлари. Маъбуд Браҳма, маъбуд Шива ва бошқа фаришталар – ҳаммаси Парвардигорнинг хизматкорларидир. Айнан Парвардигор Вишну Параматма қиёфасида ҳар бир тирик мавжудот қалбига қиради ва бир тирик мавжудотни иккинчи тирик мавжудотни ўлдиришга ундайди.

Текст 39

Олий Шахс Худо, Парвардигор ҳеч кимга қаттиқ боғланиб қолмаган, Унинг дўсти ҳам, душмани ҳам йўқ. Лекин У ўзини эслаб юрган зотларнинг қалбида туриб

ичдан уларга йўл кўрсатиб туради, Уни эсан чикарганларни ҳалокатга учратади.

Изоҳ: Олий Шахс Худо, Парвардигор Вишну билан ўзаро муносабатларини эсан чикарган тирик мавжудот туғилиш ва ўлишлар чархпалагига тушиб қолади. Парвардигор сингари тирик мавжудот ҳам мангу. Лекин унинг унутувчанлиги уни бир танадан иккинчи танага ўтиб юришга мажбур этадиган моддий оламга тушиб қолишига сабаб бўлади, унинг навбатдаги танаси яксон бўлганида, у ўзи ҳам яксон бўлим деб ўйлайди. Аслида эса, унинг ҳалокатга учрашига Парвардигор билан ўзаро муносабатларини эсан чикаргани сабаб бўлади. Парвардигор билан ўзаро муносабатларини эсан чикармаган ҳар қандай инсонни Парвардигорнинг ўзи қалбида туриб бошқариб туради. Лекин бу Парвардигор бир тирик мавжудотнинг дўсти, иккинчи бир тирик мавжудотнинг душмани дегани эмас. У ҳаммага ёрдам беради, лекин моддий қувват тасирига берилмайдиган киши нажот топади, аммо моддий қувват адаштириб қўйган киши ҳалокатга учрайди. Шунинг учун: харим вина на сритим таранти – Парвардигорнинг ёрдамисиз ҳеч ким туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқа олмайди. Демак, ҳар бир тирик мавжудотнинг бурчи – Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топиш ва шу тариқа туғилиш ва ўлишлар чархпалаги чархпалаги занжирини узиб озодликка чиқишдан иборат.

Текст 40

Парвардигордан кўрққанидан шамол эсади, Унинг олдида куёш кўрқиб туради, Ундан кўрқиб ёмғир ёғади ва осмондаги ёритгичлар Ундан кўрққанидан нур сочиб турадилар.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"да Парвардигор шундай дейди: майадхйакшена пракритиҳ суйате – “Табиат Менинг назоратим остида ҳаракат қилади”. Фақат нодон одам табиатда ҳамма нарса ўзидан ўзи ҳаракат қилади деб ўйлаши мумкин. Даҳрийларнинг бундай таълимоти Ведавайи муқаддас китобларда тасдиқланмайди. Табиат Олий Шахс Худонинг назорати остида ҳаракат қилади. Буни "Бхагавад-гита" ҳам тасдиқлайди, мазкур шеърда ҳам айтилганки, Парвардигорнинг амрига бўйсуниб куёш нур сочади, Унинг амрини бажариб булутлар ерга ёмғир юборадилар. Табиатнинг барча кучларини Олий Шахс Худо, Парвардигор Вишну бошқариб туради.

Текст 41

Олий Шахс Худо олдида кўрққанидан дарахтлар, майсалар ва бошқа ўсимликлар ўз вақтида гуллаб, мева берадилар.

Изоҳ: Худди Парвардигорнинг амрига бўйсуниб куёш чиққани ва боггани, йил фасллари тартиб билан алмашиб тургани сингари, майсалар, гул ва дарахтлар Унинг амрига бўйсуниб ўсиб-ривожланадилар. Атеист-файласуфлар айтадиларки, дарахтлар ҳеч қандай сабабсиз, ўзидан ўзи ўсадилар, лекин аслида бундай эмас. Улар Олий Шахс Худонинг амрига бўйсуниб, юқоридан берилган буйруқ билан ўсадилар. Ведавий

муқаддас китобларда айтилганки, Парвардигорнинг ҳар хил қувватлари шу даражада бенуқсон ҳаракат қиладики, четдан қараганда ҳамма нарса ўзидан-ўзи бўлаётгандай бўлиб туюлади.

Текст 42

Парвардигордан кўрққанидан дарёлар оқади, океан қирғоғидан чиқиб тошиб кетмайди. Фақат Ундан кўрққанидан олов ёнади, Ер тоғ тизмалари билан бирга коинот уммониға ғарқ бўлмайди.

Изоҳ: Ведавий муқаддас китоблардан биламизки, коинотнинг ярми сув билан тўла бўлиб, ана шу сув устида Гарбходакашайи Вишну ястаниб ётади. Унинг қорнидан нилуфар гули ўсиб чиқади, шу гулнинг поясида коинотнинг ҳамма сайёралари жойлашган. Дунёвий олим сайёралар коинотда бутун олам тортишиш қонуни асосида ёки бошқа бир қонун асосида сузиб юрадилар, деб айтиши мумкин, лекин биз ҳамма қонунларни яратиб қўйган зот аслида Олий Шахс Худо эканини эсан чикармаслигимиз лозим. Агар қонун мавжуд бўлса, демак, шу қонунни яратиб қўйган зот ҳам бўлиши лозим. Дунёвий оламлар қонунларни яратиб қўйган Зотни тан олишга қодир эмаслар. "Шримад Бхагавад-гита" ва "Бхагавад-гита"дан биз коинот қонунларини ким яратиб қўйганини биламиз Олий Шахс Худо.

Мазкур шеърда айтилганки, сайёралар коинот уммониға ғарқ бўлмайдилар. Парвардигорнинг амрига бўйсуниб, Унинг қуввати қўллаб-қувватлаб тургани туфайли улар коинотнинг ярмисини тўлдириб турган сувга тушиб кетмасдан коинотда сузиб юрадилар. Бу сайёраларнинг ҳаммаси устидаги тоғлари, денгизлари, океанлари, шаҳарлари, саройлари ва уйлар билан бирга жуда оғир, лекин бу уларнинг коинотда сузиб юришига ҳалақит бермайди. Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, коинотдаги сайёраларнинг ҳаммасида бизнинг сайёрадаги сингари тоғлар ва океанлар бор.

Текст 43

Олий Шахс Худонинг амри билан осмон коинотга сон-саноксиз тирик мавжудотлар яшайдиган сон-саноксиз сайёраларни ўз ичига жойлаштиришга имкон беради. Коинотнинг етти қобик билан ўралган бутун танаси Парвардигорнинг амри билан ўсади ва кенгайди.

Изоҳ: Мазкур шеърдан маълум бўладики, коинотдаги сайёралар коинотда сузиб юрадилар ва уларнинг ҳаммасида тирик мавжудотлар яшайди. Швасатам ибораси “нафас оладиган зот”, яъни тирик мавжудот деган маънони билдиради. Коинотдаги сон-саноксиз сайёралар улар яшайдиган макон ҳисобланади. Ана шу сайёраларнинг ҳар бирида сон-саноксиз тирик мавжудотлар яшайди, Парвардигорнинг олий амри билан барча сайёралар космик фазога жойлашади. Мазкур шеърда яна айтилганки, коинотнинг ўлчами каттайиб боради. У етти қобик билан ўралган. Коинотнинг ичидаги унсурларга ўхшаган беш унсурдан таркиб топган қобиклар коинотнинг танасини ўраб туради. Биринчи қобик ердан таркиб топган, унинг диаметри коинотнинг ичининг диаметридан ўн марта катта; иккинчи қобик сувдан иборат бўлиб, ер

қобигидан ўн марта қалин, учинчи, оловдан иборат қобикнинг қалинлиги эса, сувнинг қалинлигидан ўн марта катта. Шундай қилиб, ҳар бир навбатдаги қобикнинг қалинлиги аввалги қобикдан ўн марта катта.

Текст 44

Олий Шахс Худодан кўрқанидан моддий табиат гуналарини бошқарадиган фаришталар коинотни яратадилар, мавжудлигини таъминлаб турадилар ва яқсон қиладилар; моддий оламдаги барча жонли ва жонсиз мавжудотларнинг ҳаммаси уларнинг ҳукми остида.

Изоҳ: Моддий табиатнинг уч гунасини уч илоҳ бошқариб туради: Браҳма. Вишну ва маъбуд Шива. Парвардигор эзгулик гунасини бошқаради, маъбуд Браҳма – эҳтирос гунасини, маъбуд Шива эса - ғафлат гунасини. Улардан бошқа ҳавони, сувни, булутларни ва бошқа кучларни бошқарадиган жуда кўп фаришталар бор. Худди ер юзидаги ҳар қандай ҳукумат аппаратига ҳар хил вазириликлар ва бошқармалар киргани сингари, Парвардигорнинг моддий оламни бошқарадиган ҳукумати ҳам сон-саноксиз маҳкамалардан таркиб топган бўлиб, уларнинг ҳаммаси Олий Шахс Худодан кўрқанидан ўз қазифасини бажарадилар. Коинотдаги жонли ва жонсиз мавжудотларнинг ҳаммасини фаришталар бошқариб туради, лекин уларнинг ўзлари олий ҳукмдорга, Парвардигорга бўйсундилар. Шунинг учун "Брахма-самхита"да шундай дейилган: ишвараҳ парамаҳ кришнаҳ. Коинотда рўй бериб турган воқеа-ҳодисаларнинг ҳаммасини сон-саноксиз фаришталар, табиат кучларининг ҳукмдорлари бошқариб турадилар, лекин уларнинг ҳаммасига олий ҳукмдор – Кришна ҳукмронлик қилади.

Коинот яқсон бўлишининг икки тури бор. Маъбуд Браҳма уйқуга кетганида, Браҳманинг туни кириб келиши билан коинот қисман яқсон бўлади, маъбуд Браҳма ҳалок бўлганда коинот бутундай яқсон бўлади. Токи маъбуд Браҳма тирик экан, турли фаришталар Парвардигорнинг назорати остида коинотни яратиш, мавжудлигини таъминлаш ва яқсон қилиш вазифаларини бажариб турадилар.

Текст 45

Мангу замоннинг боши ҳам, охири ҳам йўқ. У бу қамоқхона-оламни яратган Парвардигорнинг вакили ҳисобланади. Замон намоён бўлган оламнинг ҳалокатга учрашига сабабчи бўлади, у бир тирик мавжудотни бошқа бир тирик мавжудот қорнидан дунёга келишга мажбур қилиб яратувчи вазифасини бажаради, ҳамда хатто ажал ҳукмдори Ямаражни ҳам ўлишга мажбур қилиб, коинотни яқсон қилади.

Изоҳ: Олий Шахс Худонинг вакили бўлган мангу замон амрига бўйсуниб, ота фарзандни дунёга келтиради, вақти келганда эса, бешафқат замон амрига бўйсуниб ўлишга мажбур бўлади. Замон хатто ажал ҳукмдорини ҳам аямайди. Бошқача қилиб айтганда, моддий оламда яшайдиган фаришталар ҳам бизлар сингари ўлимга маҳкум зотлардир. Биз ошиб борса юз йил яшашимиз мумкин, лекин ер ҳисоби билан миллион, миллиард йил умр кўрадиган фаришталар ҳам ажалдан қутула олмайдилар. Моддий оламда ҳеч ким мангу яшай

олмайди. Бу олам Олий Шахс Худонинг амри билан яралади, мавжуд бўлиб туради ва яқсон бўлади. Шунинг учун Худонинг содиқ хизматкорига бу моддий оламдан ҳеч нарса керак эмас. У фақат бир нарсага– Олий Шахс Худого хизмат қилишга интилади. Уларнинг ўзаро муносабатлари манг. Парвардигор мангу мавжуд, Унинг хизматкори ҳам мангу, хизмат қилиш жараёни ҳам мангу.

“Шримад Бҳагаватам”нинг Учинчи кўшиқ, “Парвардигор Капила Худого садоқат билан хизмат қилишни таърифлайди” деб аталадиган йигирма тўққизинчи бобига Бҳактиведантанинг ёзган изоҳлари шундай яқунланади.

Ўттизинчи боб

Кармали фаолиятнинг ҳалокатли оқибатлари

Текст 1

Олий Шахс Худо, Парвардигор Капила деди: Худди осмондаги булутлар уларни ҳар ёққа олиб юрадиган шамолнинг қудратини билмагани сингари, ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлиб, кармали фаолият билан машғул дунёвий одам ҳам уни олиб юрган замон қудрати ҳақида ҳеч нарса билмайди.

Изоҳ: Чанакья деган буюк сиёсатчи ва пандит айтганки, ҳатто бой берилган бир лаҳза вақтни ҳам ҳеч қандай пулга қайтариб бўлмайди. Ўзимизнинг бебаҳо умримизни ўйламасдан сарфлаш билан қанчалик зарар кўраётганимизни ҳатто тасаввур қилишнинг ҳам иложи йўқ. Биз қандай фаолият билан шуғулланмайлик – рухий ёки моддий фаолиятми – биз ўзимизга ажратилган умримизни жуда авайлаб сарфлашимиз лозим. Шартланган руҳ мазкур танада аниқ белгиланган вақтгача яшайди, шунинг учун ведавий муқаддас китоблар бизга ана шу қисқа вақт ичида қалбимизда Кришна онгини тўла ривожлантиришни ва шу тарзда замон ҳукми остидан озодликка чиқишни тавсия қилади. Лекин афсуски, Кришна онгига эга бўлмаган кишилар, шамол ҳар томонга олиб юрган булутлар сингари, уларни олиб юрган замоннинг қанчалик тез ўтиб бораётганини ҳатто сезмайдилар ҳам.

Текст 2

Замон кўринишида Олий Шахс Худо дунёвий одамнинг алдамчи бахтга эришиш ниятида шунча куч сарфлаб, оғир меҳнат билан яратган ҳамма нарсасини йўққа чиқаради. Буни кўриб, шартланган руҳ қаттиқ мусибат чекади.

Изоҳ: Олий Шахс Худонинг вакили бўлган замоннинг асосий вазифаси яқсон қилишдан иборат. Дунёвий одамлар, яъни ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга кишилар иктисодий тараққиёт деб, ҳар хил нарсаларни ишлаб чиқариш билан машғул бўладилар. Улар ўзларининг моддий эҳтиёжларини қондириш билан бахтли бўламиз деб ўйлайдилар, лекин, улар ишлаб-чиқарган нарсаларнинг ҳаммаси эртами-кечми яқсон бўлишини эсдан чиқарадилар. Инсоният тарихидан биз бир вақтлар ер юзида яшаган қудратли империялар ҳақида эшитганмиз. Ана шу империялар жуда катта куч

сарфлаб тузилган, лекин уларнинг ҳаммаси вақти келиб йўқолиб кетди. Шунга қарамай, калтафаҳм дунёвий одамлар эртами-кечми замон яксон қиладиган моддий бойликлар яратиш билан ўзларининг бебаҳо вақтини бекорга кетказиб юрганини тушуна олмайдилар. Ўз кучини ана шундай нодонларча сарфлашнинг сабаби ўзларининг мангу фаолият учун яратилган мангу рухлар эканини билмайдиган одамларнинг ғофиллигидир. Улар ҳозирги танасида яшаш учун берилган умри – уларнинг мангу йўлидаги шунчаки қисқа бир кўналга эканини билмайдилар. Бу ҳақда ҳеч нарса билмасдан, ҳаётда фақат бир марта яшаймиз деб ўйлайдилар, шунинг учун ўзларининг қисқа умрини тирикчилигини моддий шароитини яхшилашга сарфлайдилар.

Текст 3

Адашган дунёвий одам ҳозирги танаси ҳам, танаси билан боғлиқ бўлган, ўзи қаттиқ боғланиб қолган уйи, ери ва бойлиги сингари нарсаларнинг ҳаммаси ўткинчи эканига ҳеч шубҳа қилмайди. Фақат ғофиллиги туфайли у буларнинг ҳаммаси мангу қолади деб ўйлайди.

Изоҳ: Дунёвий имонсиз одамлар Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқларни Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишга бекорга вақтини кетказиб юрган жиннилар де ҳисоблайдилар. Ўзининг ўткинчи моддий танасини мангу деб ҳисоблашда намоён бўладиган жиннилик касалининг оғир турига ўзлари чалинганидан уларнинг ҳатто хабари ҳам йўқ. Бунинг устига улар ана шу тасаввурни танаси билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммасига тарқатадилар: ўзининг уйига, ватанига, жамиятга ва ўзларини ўраб турган нарсаларнинг ҳаммасига. Дунёвий одамнинг ўз уйининг, ватанининг ва ҳоказо нарсаларнинг мангу эканига бўлган ишончи алданиш, майя деб аталади. Мазкур шеърда гап шу ҳақда боради. Мохад гриха-кшетра-васуни: фақат алданиш дунёвий одамни унинг уйи, ери ва бойлиги мангу қолади деб ўйлашга мажбур қилади. Инсониятнинг ҳозирги ҳаётида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган оилавий ҳамда миллатлараро муносабатларнинг асосида мана шу алданиш ётади. Иқтисодий тараққиёт мезони ҳам ана шунга асосланган. Лекин, Кришна онгига эга бўлган киши яхши биладик, инсонлар жамиятининг иқтисодий фаровонлиги ўткинчи ва алдамчи мезонлардир.

"Шримад Бхагаватам"нинг шеърларидан бирида айтилганки, одамлар орасида кенг тарқалган инсонни унинг танасига қиёслаш, одамларни "ўзиники" ва "беғона"ларга ажратиш ҳамда ажодлари ўтган жойларга сажда қилиш – ҳайвонлар маданиятига хос амаллардир. Лекин, Кришна онгига эга бўлган киши ўзига тегишли бўлган нарсаларнинг ҳаммасини Худога хизмат қилишда ишлатиши мумкин. Аслида шундай бўлиши керак. Ҳамма нарса Кришна билан боғланган, шунинг учун агар одамлар иқтисодий тараққиёт ва моддий фаровонлик натижаларини Кришнани англаш илмини тарқатиш йўлида ишлатсалар, инсонлар жамияти руҳий юксалишнинг янги поғонасига кўтарилган бўлардилар.

Текст 4

Тирик мавжудот ҳаётнинг қайси шаклида туғилишидан қатъий назар, ана шу турдаги тана ичида яшашдан маълум бир лаззат ҳис қилади ва ана шундай шароитга тушиб қолганидан ҳеч қачон афсусланмайди.

Изоҳ: Тирик мавжудот қандай жирканч танада бўлишига қарамай ўз ҳаётини мамнун бўлиб яшаши алданиш деб аталади. Юқори мартабага эга бўлган киши жамиятнинг паст табақаларига мансуб одамларнинг аҳволига ачиниши мумкин, лекин уларнинг ўзлари одатда ўз ҳаётини мамнун бўлиб яшайдилар, чунки улар Парвардигорнинг ташқи қуввати, майя ҳукми остида бўладилар. Майянинг икки вазифаси бор. Унинг бир вазифаси пракшепатмика, иккинчиси – аваранатмика деб аталади. Аваранатмика ибораси "қоплаб олувчи" деган, пракшепатмика ибораси эса, - "пастга тортувчи" деган маънони билдиради. Дунёвий одамлар ва ҳайвонлар ҳар қандай шароитда ҳам лаззатланиб яшайдилар, чунки уларнинг илми алданиш пардаси билан қопланган. Эволюцион зинапояннинг яъни ҳаётнинг тубан шаклларида тирик мавжудотнинг онги шунчалик паст ривожланганки, у бахт ва мусибатни бир биридан ажратайшга қодир эмас. Аваранатмика-шакти ана шундай таъсир қилади. Ҳатто ахлат билан озиқланиб яшайдиган чўчка ҳам ўзини бахтиёр ҳис қилади, аммо руҳий юксалиш анча юқори поғонасида турган инсон чўчканинг бошқа ҳайвонларнинг ахлатини еб турганини кўриб, жирканганидан титраб кетади.

Текст 5

Шартланган тирик мавжудот ўзининг ҳозирги танасидан тўла мамнун. Унинг илмини қоплаб оладиган алдамчи қувват адаштириб қўйгани туфайли у ҳатто дўзахда яшаётган бўлса ҳам, ўзининг танасидан ажралишни истамайди, чунки у ҳатто шу ерда ҳам ҳаётдан лаззатланиш йўлини топади.

Изоҳ: Айтишларига қараганда бир замонларда осмон шоҳи Индра руҳий устози Брихаспати олдида гуноҳ қилиб қўйгани учун, руҳий устози уни дуои-бад қилган экан. Ана шу қарғиш натижасида Индра мана шу сайёрада чўчка бўлиб туғилган. Орадан анча вақт ўтгандан кейин маъбуд Браҳма уни ўзининг жаннатий сайёрасига қайтармоқчи бўлди, аммо чўчка танасида юрган Индра бир вақтлар ўзи осмон шоҳи эканини бутунлай эсидан чиқариб юборган ва шу боис жаннатга қайтиб боришдан бош торган. Майянинг қудрати ана шундай. Ҳатто Индра ҳам жаннатий лаззатларни эсидан чиқариб юбориши ва чўчка бўлиб яшашдан лаззатланиб юриши мумкин. Майя таъсири остида шартланган руҳ ўзининг танасига шу қадар қаттиқ боғланиб қоладики, ҳатто унга: "Ҳозирги танангни ташла, шунда сен дарров шоҳнинг танасига эга бўласан!" – деб таклиф қилинса ҳам, у бу таклифни рад этади. Мана шундай боғланиш туйғуси барча шартланган тирик мавжудотларнинг қалбида бор. Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзи бизларга даъват қилади: "Моддий оламдаги нарсаларингизнинг ҳаммасини тарк этинг. Менинг олдимга қайтинг, сизларга Ўзим ғамхўрлик қиламан", - лекин бизлар Унинг гапларига қулоқ солмаймиз. "Ҳозир ҳам яхши

яшяпмиз. – ўйлаймиз биз, - Кришнага ўз ихтиёримизни топширишнинг ва Унинг салтанатига боришнинг нима кераги бор?” Мана шу алданиш, майя ҳисобланади. Бу дунёда яшаётган ҳар бир одам, қанчалик даҳшатли шароитда яшаётганига қарамай, ўзининг ҳозирги ҳолатидан мамнун.

Текст 6

Шартланган руҳнинг ўзининг ҳаёт шароитидан мамнунлигига сабаб ундаги танасига, хотинига, уйига, болаларига, уй ҳайвонларига, бойлигига ва дўстларига бўлган қаттиқ боғланишдир. Ана шу нарсалар даврасида шартланган руҳ ўзини ҳаётда баркамолликка эришдим деб ҳисоблайди.

Изоҳ: Бу дунёда инсон ҳаётининг баркамоллиги – шунчаки афсона. Шунинг учун ҳам дунёвий одамнинг барча яхши сифатлари сариқ чақага қиммат деб айтадилар: қанчалик яхши фазилатларга эга бўлмасин, дунёвий одам ҳамиша ўзини ўткинчи моддий ҳаёт уммониға тортиб кетадиган ақли сатҳида ҳаракат қилади. Ҳаёти ақл сатҳида киши руҳий фаолият билан шуғуллана олмайди. Ундай киши умрлар оша моддий оламда тирикчилик қилишга маҳкум. Дўстлари ва қариндошлари, ўзига яқин ва қадрдон одамлар даврасида юрган шартланган руҳ ўзининг ҳаётидан тўла мамнундай кўринади.

Текст 7

Ҳар хил ташвишлар ана шундай нодон кишини ҳамиша безовта қилади, лекин шунга қарамай, у ўзининг яқинлари ва қариндошлари деб ҳисоблайдиган кишиларнинг тирикчилигини таъминлаш учун кетма-кет гуноҳ ишлар қилаверади ва амалга ошмайдиган орзу-умидлар билан яшайди.

Изоҳ: кичкина оилани боққандан кўра катта давлатни бошқариш осон, деб айтадилар. Бу гаплар айниқса, Кали-юганинг таъсири одамларни майя яратган ўзларининг ўткинчи оиласи ҳақида қайғуриб, ҳамиша хавотирда юришга мажбур қилиб, хотиржамликдан маҳрум қилиб қўйган ҳозирги даврда жуда ўринли. Биз шунчалик ташвишланиб ғамхўрлик қилиб юрган оиламиз, аслида Кришналоқадаги оиланинг бузилган аксидир. Кришналоқада ҳам тирик мавжудотнинг оиласи, дўстлари, яқинлари, ота-онаси бор; у жойда ҳамма нарса бор, лекин улар мангу. Моддий оламда биз тана алмашишимиз билан оилани ҳам алмаштирамиз. Бугун биз одамлар оиласида яшаймиз, эртага фаришталар оиласида, мушуклар оиласида ёки итлар оиласида туғилишимиз мумкин. Бу дунёда бизнинг қариндошларимиз, яқинларимиз, танишларимиз ва дўстларимиз ҳамиша ўзгариб турадилар, шунинг учун уларни асат, ўткинчи деб атайдилар. Муқаддас китобларда айтилганки, токи биз асат нарсаларга, яъни ўткинчи, аслида мавжуд бўлмаган жамиятга ва оилага боғланиб юрар эканмиз, биз ташвиш-хавотирлардан халос бўла олмаймиз. Дунёвий одамлар моддий оламдаги оила, жамият ва дўстлик – шунчаки соя эканини билмайдилар, шунинг учун уларга боғланиб қоладилар. Шунинг учун уларнинг қалби ҳамиша хавотир олови ичида юришининг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Лекин, шунга қарамай, улар ўзларининг

алдамчи оиласини боқиш учун оғир меҳнат қилишда давом этаверадилар, чунки улар ўзларини Кришна билан боғлайдиган ҳақиқий оиласи ва қариндошлари ҳақида ҳеч нарса билмайдилар.

Текст 8

У ўзининг бутун қалби ва ҳиссиётини уни майянинг жилвалари билан сеҳрлаб қўядиган хотинига беради. У хотинининг хилватдаги суҳбатлари ва кучоқлашларидан лаззатланади, кичкина болаларнинг чулдирашлари эса уни ҳайратга солади.

Изоҳ: Мангу тирик мавжудот учун майя салтанатидаги оилавий ҳаёт зиндонга ўхшайди. Қамоқхонада маҳбусларни панжара ортига қамаб, кишанлаб қўядилар. Худди шундай шартланган руҳ ҳам аёл гўзаллигининг жилвалари, унинг кучишлари, хилват жойдаги ишқий суҳбатлари ва кичкина фарзандларининг ширин чулдирашларига боғланиш кишанлари билан боғланган. Ана шуларга алданган тирик мавжудот ўзининг асл моҳиятини бутунлай эсдан чиқариб қўяди.

Мазкур шеърда ишлатилган стринам асатинам ибораси аёлларнинг муҳабати фақат эркаларнинг ақлини бузиш учун мўлжалланганини билдиради. Аслини олганда моддий оламда муҳаббат йўқ. Бирга учрашганда эркак ҳам, аёл ҳам фақат ўз ҳиссиётининг талабларини қондириш ҳақида ўйлайди. Ҳиссий лаззатларга берилиш учун аёл киши эркакка нисбатан сохта муҳаббат яратади, ана шу сохта муҳаббат қопқонига тушиб қолган эркак эса ўзининг ҳақиқий бурчини эсдан чиқариб қўяди. Уларнинг бирга қўшилиши натижасида болалар дунёга келганида, у болаларининг ширин чулдирашларига боғланиб қолади. Аёлга ва уйда эшитилиб турадиган болаларининг шовқинига бўлган муҳаббат эркак кишини уйини тарк этиш имкониятидан маҳрум қилиб, мангу маҳбустга айлантириб қўяди. Ведавий муқаддас китобларда ана шундай одам грихамедха, яъни “диққат-эътибори ўзининг уйига қаратилган зот” деб аталади. Грихастха – оиласи, хотини ва болалари билан яшайдиган, лекин ҳаётининг асосий мақсади Кришнани англаш бўлган киши. Шунинг учун Ведалар одамларни грихамедха эмас, грихастха бўлиб яшашга чақиради. Грихастха алдамчи оилавий ҳаёт яратган қамоқхонадан озодликка чиқишга ва Кришнанинг даргоҳига бориб, ўзининг ҳақиқий оиласига эга бўлишга интилади, грихамедха эса, умрлар оша ўзини оилавий боғланишлар чангалига ташлаб, майя зиндонидан мангу қолиб кетади.

Текст 9

Оилавий ришталар билан боғланган ана шундай киши ёлгон ва иккиюзламачилик ҳукмрон бўлган оиласи даврасида яшайди. Атрофига фақат мусибатлар уруғини экиб, ўзининг тўймас ҳиссиётининг талабларини итоаткорлик билан қондириб, у ўзининг бошига ҳар тарафдан ёғилаётган мусибат ва қийинчиликларга қарши туришга ҳаракат қилади, агар у қандайдир мўъжиза билан тақдирга ёзилган мусибатларга бардош бера олса, ўзини бахтиёр ҳис қилади.

Изоҳ: "Бҳагавад-гита"да Парвардигорнинг Ўзи ўткинчи моддий оламни мусибатлар уммони деб атаган. Бу ерда ҳеч ким ўзи бахтли бўла олмайди, оиласига, жамиятга ёки мамлакатига бахт келтира олмайди. Одамларнинг бахт деб юрганлари сароб, алданишдир. Моддий оламда тақдирнинг оғир мусибатларига чидам билан бардош беришни бахт деб ҳисоблайдилар. Моддий олам шундай тузилганки, токи инсон эпчил ва иккиюзламачи бўлишни ўрганмагунча у муваффақиятга эриша олмайди. Ўзларининг еб-ичиш, ухлаш, бола-чақа қилишдан иборат танасининг эҳтиёжларини қондириш учун ҳатто хайвонлар, қушлар ва асаларилар ҳам аёрлик қилишга мажбур бўлсалар, одамлар ҳақида нима дейиш мумкин. Моддий фаровонликка эришиш учун алоҳида одамлар ва бутун бир халқлар бир бири билан мусобақалашадилар. Шу тариқа бутун инсоният ёлғон ва иккиюзламачилик уммонига ғарқ бўлади. Қуёш порлаб турган осмон остидаги бир парча ерни эгаллаш учун курашда биз қанчалик эпчиллик ва кашфиётчилик қилмайлик, буларнинг ҳаммасига юқоридан келадиган буйруқ билан эртами-кечми барибир чек қўйилишини бир дақиқа ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак. Шунинг учун моддий оламда бахтга эришиш учун бизларнинг уринишларимизнинг ҳаммаси – майя яратиб қўйган сароб изидан чопишдан бошқа нарса эмас.

Текст 10

Пул топиш учун у ҳар қадамда бошқа одамларга зулм қилади. Ишлаб топган пулининг ҳаммасини у оиласига беради, ўзи эса ўзининг пулига сотиб олинган харажатлардан тайёрланган овқатнинг озгина қисмини истеъмол қилади ва ниҳоят у оқибат-натижада ҳаром-ҳариш йўллари билан пул топиб ғамхўрлик қилиб юрган одамлари сабабли дўзахга равона бўлади.

Изоҳ: Бенгалияликларда шундай мақол бор: “Ким учун ўғирлик қилган бўлсам, шу одамнинг ўзи биринчи бўлиб мени ўғрига чиқаради”. Севимли отаси уларга ғамхўрлик қилиш учун шунча гуноҳ ва жиноятлар қилган бўлса ҳам, оила аъзолари ҳамиша уни оз пул ишлаб топаётганида айблайдилар. Оила аъзоларига қаттиқ боғланган, адашган эркак улага хизмат қилади, уларни деб ўзини дўзах азобиға гирифторм қилади. Масалан, оиласининг тирикчилигини таъминлаш учун ўғри ўғирлик қилиши керак. Эртами-кечми уни ушлаб қамоққа ташлайдилар. Дунёвий ҳаётнинг ҳамда бизнинг моддий оламдаги қариндошларимизга ва яқинларимизга боғланишимизнинг моҳияти шундан иборат. Оиласига боғланиб қолган ота хотини ва болаларини таъминлаш учун ҳаром-ҳариш йўллари билан иложи борича кўп пул ишлаб топшига ҳаракат қилади, лекин барибир унинг ўзи қонунларни бузмасдан қанча лаззат оладиган бўлса, шундан кўп лаззат ололмайди. Қунига ўзи атиги уч юз грамм овқат истеъмол қиладиган киши баъзан катта бир оилани таъминлашга ва бунинг учун ҳар хил йўллари билан пул ишлаб топишга мажбур бўлади, лекин унинг ўзига ўзи истеъмол қила олганидан тарикча ҳам кўп таом етишмайди, баъзан эса у ҳатто ўзининг фарзандларидан ортган овқат билан қаноатланишга мажбур бўлади. Ноконуний йўллари билан пул ишлаб топишга мажбур бўлган ҳолда у ўз меҳнатининг натижаларидан

етарлича лаззатланиш имкониятидан ҳам маҳрум. Майянинг алдамчи қуввати ана шундай ҳаракат қилади.

Саробга, майяга хизмат қилишнинг табиати – хоҳ у жамиятга, ватанга ёки оилага хизмат қилиш бўлсин, - ҳамиша ўзгармай қолаверади: қорида айтилган гапларнинг ҳаммаси йирик сиёсий арбобларга ҳам тааллуқли. Аксарият ҳолларда ўз ватанининг равнағи учун жуда кўп ишлар қилган давлат бошлиғи бирор иши билан ёқмай қолган ўз ватандошларининг кўлиан халок бўлади. Бошқача қилиб айтганда, саробга хизмат қилиш билан биз ҳеч қачон қармоғимиздагиларни мамнун қила олмаймиз, лекин биз уларга хизмат қилмай ҳам туролмаймиз, чунки ўз табиатимизга кўра бизлар хизматқормиз. Ўзининг асл табиатига кўра алоҳида тирик мавжудот Парвардигорнинг бир заррачасидир, аммо, ўзининг бурчи – Парвардигорга хизмат қилиш эканини унутиб, у ўзининг диққат-эътиборини бошқаларга хизмат қилишга қаратади; мана шу майя деб аталади. Бошқаларга хизмат қилиб. Инсон адашганидан ўзини хўжайин деб ҳисоблайди. Оила бошлиғи ўйладики, у – ўз оиласининг хўжайини, давлат бошлиғи эса, ўзини бутун бир халқнинг ҳукмдори деб ҳисоблайди, лекин аслида, униси ҳам, буниси ҳам хизматқор бўлиб, ўзининг майяга қилаётган хизмати билан ўзига дўзахдан жой ҳозирлаб юрган бўлади. Шунинг учун фаросатли киши ўзида Кришна онгини ривожлантириши ва ўзининг бутун бойлигини, ҳаётини, ақл-идроқини ва нутқини Унга бағишлаб, Парвардигорга хизмат қилиши лозим.

Текст 11

Ишлари чаппасидан кета бошлаганида, инсон такрор ва такрор ишларини ўнглаб олишга ҳаракат қилади, лекин. Қилаётган барча ҳаракатлари самара бермасдан, унинг ҳамма ишлари барбод бўлганида, у очкўзлик домига тушиб, бошқаларнинг молига кўз олайтира бошлайди.

Текст 12

Ўз оиласининг тирикчилигини таъминлашга зўр бериб уринаётган ана шундай омадсиз кишининг аҳволи жуда ачинарли кўринади. У ҳамиша ўзининг омадсизлиги ҳақида ўйлайди, ана шундай фикрлар унга чидаб бўлмас азоб беради.

Текст 13

Худди ҳасис деҳқонлар қариб қолган хўқизни парваришламай қўйгани сингари, у энди оиланинг эҳтиёжини қондира олмаётганини кўриб, хотини ва болалари уни аввалгидай ҳурмат қилмай кўядилар.

Изоҳ: Пул ишлаб топишга қодир бўлмаган кекса чолнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Кексаларга бундай муносабатда бўлиш кейинги даврларда юзага келган одат деб ўйламаслик керак. Ҳамиша шундай бўлиб келган. Ҳатто ҳозирги даврда ҳам баъзи бир халқларда кексайиб қолган кишилардан тезроқ қутулиш учун уларга заҳар бериш одати сақланиб қолган. Одамхўр одамларнинг қабиласида кексайиб қолган отасини тантана билан сўйиб ўлдириб катта зиёфат уюштирадилар, фарзанд ва набиралари отасининг гўштини мазза қилиб ейдилар. Бу ерда келтирилган мисолда айтилганки, деҳқон ишга ярамай қолган

хўкизларни парвариш қилишни ёқтирмайди. Худди шундай, ғамхўр отаси пул ишлаб топа олмайдиган ночор кекса чолга айланиб қолганида, уни аввалгидай севмайдиган бўлиб қолган хотини, фарзандлари ва бошқа қариндошлари энди уни шунчаки ҳурмат қилмай қўймасдан, очикдан-очик уни жерка бошлайдилар. Шунинг учун фаросатли киши кексайиб қолмасдан олдин оиласига бўлган боғланишдан халос бўлишга ва Олий Шахс Худонинг нилуфар қадамлари пойидан нажот топишга қўлидан келганча ҳаракат қилиши лозим. Парвардигор унга ғамхўрлик қилиши учун у ўзининг ҳаётини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаши лозим, шунда у кексайиб қолганида ўзининг “қариндошлари”дан хўрлик кўрмайди.

Текст 14

Бир вақтлар ўзи таъминлаб турган кишиларнинг қўлида қарам бўлиб қолганига қарамай, оиланинг нодон отаси оилавий ҳаётга бўлган ихлосини йўқотмайди. Кексалиқдан бадбашара бўлиб қолган ҳолда у ўзининг ажали билан учрашишга ҳозирлик кўра бошлайди.

Изоҳ: Оилага бўлган боғланиш туйғуси шунчалик кучлики, ҳатто қариндошлари кексайиб қолган отасига эътибор бермай қўйганларида ҳам, у ўзини ҳовлидаги итнинг аҳволига солиб, уларни аввалгидай севишда ва уйда қолишда давом этаверади. Ведавий замонларда эркак киши ўзига ғамхўрлик қилишга етарлича кучи бор пайтда уйини тарк этиб кетган. Эркак кишига бутунлай заифлашиб, касалга чалиниб, кексайиб қолмасдан олдин уйини тарк этиш ва қолган умрини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаш тавсия қилинади. Шунинг учун Ведаларда айтилганки, эллик ёшга етгандан кейин эркак киши уйини тарк этиб, ўрмонга жойлашиб олиши лозим. Ўзини тайёр деб ҳисоблаганида эса, у санньяси қабул қилиши ва эшикма-эшик юриб, одамларга руҳий илм тарқатиши лозим.

Текст 15

Шу тарзда у уйда қолади ва, худди ҳовлидаги итга ўхшаб, унга берган нарсалари билан озиқланиб юради. Иштаха қочиши ва овқатҳазм бўлмаслиги сингари сон-саноксиз касаллардан қийналиб, у кунига бир ҳоқуч овқат истеъмол қилади ва аста-секин энди умуман ишлай олмайдиган ногиронга айланиб қолади.

Изоҳ: Ажал ёқасига келиб қолган киши ночор, ноилож ногиронга айланиб қолади, қариндошлари унга ғамхўрлик қилмай қўйганида у қаттиқ изтироб чекади, унинг ҳаёти қаровсиз итнинг ҳаётидан ҳам баттар бўлади. Шунинг учун Ведаларда айтилганки: эркак киши ана шундай ачинарли аҳволга тушиб қолишини кутиб ўтирмасдан уйини тарк этиши ва ўз ажалини оиласи ва қариндошларидан йироқда қарши олиши лозим. Агар эркак киши уйини тарк этиб, оила аъзоларига билдирмаган ҳолда ўла олса, у ҳақиқий инсонларга муносиб ўлим билан ўлган бўлади. Аммо, оиласига боғланиб қолган киши ўлгандан кейин қариндошлари тўпланиб унинг тобутини тантана билан кўчадан кўтариб юришларини, ҳатто ўзи бунга кўра олмаса ҳам, барибир унинг танасини тантанали маросим билан дафн этишларини орзу қилади. Ана

шундай орзуларни ўйлар экан, гарчи ўлгандан кейин ўзи қаерга боришини, кейинги ҳаёти қандай бўлишини билмаса ҳам, у ўзини бахтиёр ҳис қилади.

Текст 16

Ажали билан курашиб, ичидан куч билан чиқаётган ҳаво оқими остида одамнинг кўзлари хонасидан чиқиб кетади, томоғига балғам тикилади. Унинг нафас олиши оғирлашади, ўлими олдидан ҳар нафас олганида унинг томоғидан: “гхура-гхура” деган бўғиқ овоз чиқа бошлайди.

Текст 17

Ажал домига тушиб, у дардга чўмган қариндошлари ва дўстлари даврасида ўлим тўшагида ётади. У ичидаги гапларини уларга айтишга интилади, лекин тили айланмайди, чунки у аллақачон бешафқат замон ҳукми остига тушиб қолган бўлади.

Изоҳ: Оиланинг отаси ўлим тўшагида ётганида қариндошларнинг ҳаммаси одоб юзасидан уни ўраб оладилар ва отасига мурожаат қилиб баланд овозда: “Вой отажоним!”, “Вой қадрдон дўстим!”, “Вой эрим!” - деб дод-вой сола бошлайдилар. Уларнинг изтироб чекаётганини кўриб, ўлаётган одам ўзининг охириги кўрсатмаларини беришни истайди, лекин, бешафқат замон ҳукми остига тушиб қолиб, уларга бир оғиз ҳам гапира олмайди, бу уни қаттиқ изтиробга солади. У касаллигидан, томоғига тикилиб турган балғамдан нафас олишга қийналиб азобланиб ётади. Бу азоблар етишмагандай, қариндошларининг дод-вой солиб йиғлаётганини эшитиб, у баттар изтироб чека бошлайди.

Текст 18

Шу тариха, бутун умри давомида оиласининг фаровонлиги ўйлаб ҳамиша ўз ҳиссиётининг талабини қондириб яшаган киши аюҳаннос солиб йиғлаётган қариндошлари даврасида қаттиқ азият чекиб ҳаётдан кўз юмади. У оғир изтироблар дастидан ҳушидан кетиб, ачинарли аҳволда танасини тарк этади.

Изоҳ: "Бҳагавад-гита"да айтилганки, инсон ажали келганда бутун умри давомида нима ҳақида ўйлашга одатланган бўлса, шу ҳақда ўйлайди. Агар у бутун умри давомида фақат ўз оиласининг фаровонлигини ўйлаб юрган бўлса, унинг бу танасидаги охириги ўйлари ҳам оила ташвиши бўлади. Оддий одамлар учун ана шундай оқибат тўла қонуний ҳисобланади. Шундай одам ажали етиб ўлгандан кейин ўзини нималар кутаётганини билмайди; ўзининг қисқа умрининг ҳаммасини у фақат оиласига ғамхўрлик қилиш билан ўтказади, лекин охир-оқибатда унинг қариндошлари барибир унинг оиланинг фаровонлиги учун қилган хизматларидан норози бўлиб қоладилар. Оиланинг ҳар бир аъзоси у оилага жуда кам даромад келтирди деб ҳисоблайди. Оиласига бўлган кучли боғланиши уни ҳиссиётини жиловлаб олиб, қалбида илоҳий онгни ривожлантиришдан иборат бўлган ўзининг энг асосий бурчини эсдан чиқаришга мажбур қилади. Баъзан танасини тарк этаётган киши шундай сўзлар билан оиланинг ишларини ўғлига ёки қариндошларидан бирига топширади: “Мен кетяпман. Сендан илтимос, оиламга ғамхўрлик қил!” У ўзини келажакда нималар кутиб турганини билмайди,

лекин у хатто ўлим тўшагида ётиб ҳам ўз оиласининг фаровонлиги ҳақида ташвишланишни тарк этмайди. Баъзи ҳолларда ўлим тўшагида ётган киши ўзи режалаштириб қўйган, оиласига катта бойлик келтирадиган тадбирни амалга оширишга улгуриш учун врачларга ялиниб, умрини ҳеч бўлмаса яна бир неча йилга узайтиришни илтимос қилади. Шартланган руҳнинг моддий касали ана шундай. Шартланиб қолган киши Кришна онгига га бўлишдан иборат бўлган ўзининг ҳақиқий бурчини бутунлай эсдан чиқариб қўяди. Гарчи у бундай оилаларни бирин-кетин алмаштириб юрган бўлса ҳам, фақат ўз оиласининг фаровонлиги билан боғлиқ бўлган режаларни амалга ошириш ҳақида ўйлайди.

Текст 19

Ажали етган пайтда киши олдида кўзлари ғазабга тўлиб турган ажал фаришталарини кўради ва даҳшатга тушибЮ кўрққанидан ётган жойида сийиб-сичиб юборади.

Изоҳ Танасини тарк этгандан кейин тирик мавжудот ё гуноҳкор зотларнинг ҳукмдори бўлган Ямараж(Азроил)нинг қўлига, ё олиий сайёралардан бирига, ёки Вайкунтҳага эришиши мумкин. Мазкур шеърда Парвардигор капила Азроилнинг элчилари бўлган Ямадуталар ўзларининг умрини фақат ҳиссий лаззатларга берилиш ва оиласининг фаровонлигини ўйлаб ўтказган одамларни нима қилиши ҳақида гапиряпти. Умрида ҳеч қандай қонун-қоидаларга риоя қилмасдан ҳиссий лаззатларга берилиб яшаган одамлар ажали етиб, танасини тарк этгандан кейин, Ямадуталар уларни ҳибсга олиб, Ямаражнинг сайёрасига олиб борадилар. Кейин уларни нима қилишлари кейинги шеърларда таърифланади.

Текст 29

Худди жамоат тартибини сақлайдиган зотлар жазолаш учун жиноятчини ҳибсга олгани сингари, Ямадуталар ҳам бутун умри давомида фақат ўзининг ҳиссиётини лаззатлантириб юрган гуноҳқорни кишанлаб оладилар. Улар гуноҳқорнинг бўйнига мустаҳкам арқон соладилар ва қаттиқ жазолаш учун унинг нафис танасини махсус парда билан қоплайдилар.

Изоҳ: Ҳар бир тирик мавжудот нафис ва қўпол тана билан қопланган. Нафис тана ақл, эго, тафаккур ва онгдан таркиб топган. Муқаддас китобларда айтилганки, Ямаражнинг элчилари гуноҳқор-жиноятчининг нафис танасини махсус парда билан қоплаб, уни ўзларининг ҳукмдори олдига олиб борадилар ва шу ерда у чидай олишга қодир бўлган азоблар билан жазолаб қийнайдилар. Тирик мавжудот бу қийноқлар дастидан ўлиб қолмайди. Агар у бу азоблардан ўлиб қоладиган бўлса, унинг қилган гуноҳларига ким жаза олади? Ямаражнинг элчиларига тирик мавжудотни ўлдириш вазифаси юклатилмаган. Аслини олганда тирик мавжудотни ўлдиришнинг иложи йўқ, чунки алоҳида руҳ мангу тирик. Шунчаки у фақат ўз ҳиссиётининг талабини қондириб, лаззатланиб яшаш учун қилган гуноҳ ишлари учун жавоб бериши лозим.

Жазолаш механизми "Чайтанья-чаритамрита"да таърифланган. Қадим замонларда

шоҳнинг хизматкорлари жиноятчини қайиққа ўтқазиб, дарёнинг ўртасига олиб борганлар. Кейин сочидан тутиб, уни сувга ботирганлар, у нафас ололмай, қийналиб қолганда сувдан чиқариб бир-икки марта нафас олишга имкон берганлар ва у нафас ололмасдан бўғилиб изтироб чекиши учун уни яна сувга ботирганлар. Ямараджа ҳам гуноҳқорларни ана шундай азоблар билан қийнайди, бу ҳақда кейинги шеърларда айтилади.

Текст 21

Ямаражнинг элчилари уни йўлдан судраб кетадилар, гуноҳқор эса уларнинг қўлида даҳшатдан зир титраб боради. Йўл бўйи уни итлар тишлайди, у умри давомида қилган гуноҳларини эслайди. Буларнинг ҳаммаси уни чексиз изтиробга солади.

Изоҳ: Мазкур шеърдан маълум бўладики, Ямаражнинг сайёрасига борар экан, унинг элчилари ҳибсга олган гуноҳқор жуда кўп итларга дуч келади, унга ўз ҳиссиётининг талабини қондириб лаззатланиш учун қилган гуноҳларини эслатиш учун итлар унга ташланиб тишлай бошлайдилар. "Бҳагавад-гита"да айтилганки, ҳиссий лаззатланишга бўлган истаклар кишининг кўзини кўр қилиб, уни ақл-идрокнинг охириги мисқолидан ҳам маҳрум қилиб қўяди. Ана шундай истак домига тушиб қолиб, у ҳамма нарсани эсдан чиқариб юборади. Камаис таис таир хрита-джанаҳ. Ҳиссий лаззатланиш истаги домига тушиб қолган киши ақлини йўқотади ва ўзининг бу лаззатлари учун кейин изтироб чекиш билан жавоб беришини унутиб қўяди. Мана энди, Ямаражнинг хизматида турган итлар унга лаззат кетидан қувиб қилган ишларининг ҳаммасини эслаш имконини беряпти. Ҳозирги даврда хатто ҳукумат қонунлари ҳам одамларнинг токи улар моддий тана ичида экан, ҳиссий лаззатга берилишини қўлаб-қувватлайди. Бутун жаҳондаги ҳукуматлар аҳоли сонини кўпайтиришни чеклаш билан ана шундай фаолиятни қўллаб-қувватлайдилар. Улар аёлларни ҳомиладор бўлишнинг олдини оладиган дорилар билан таъминлайдилар ва аборт қилдириш учун врачларга мурожаат қилишга рухсат берадилар. Буларнинг ҳаммаси ҳиссий лаззатланиш изидан қувиш ҳисобланади. Аслини олганда жинсий олоқа ўзидан муносиб тақводор зурёд қолдириш учун мўлжалланган, лекин одамлар ҳиссиётини жиловлаб олишга қодир бўлмагани ва жаҳонда уларни бунга ўргатадиган бирор муассаса бўлмагани сабабли, бечора одамлар ҳиссиётини лаззатлантириш билан боғлиқ бўлган жиноят, гуноҳ ишлар қурбони бўладилар, ажали етиб ўлганидан кейин эса, уларни "Шримад Бҳагаватам"нинг мазкур бобида таърифланган қаттиқ жазоларга гирифторм этадилар.

Текст 22

Гуноҳқорни қуёшнинг жазирама иссиғи остида қизиб турган қумдан олиб борадилар, йўлнинг икки томонида эса олов уфуриб туради. У умуман юролмай қолганида Ямаражнинг элчилари елкасига камчи билан уриб, уни қистай бошлайдилар. У очлик ва чанқоқлик азобидан қийналади, лекин ичишга сув, дам олиш учун бирор пана жой топилмайди.

Текст 23

Ямаражнинг даргоҳига олиб борадиган йўлдан судралиб борар экан, у баъзан холдан тойиб йиқилади, баъзан хушидан кетиб қолади, лекин ҳар гал уни ўрнидан туришга мажбур қиладилар. Шу тарика у Ямаражнинг даргоҳига етиб боради ва унинг олдида хозир бўлади.

Текст 24

Икки-уч лаҳза ичида у тўқсон тўққиз минг йоджан масофани босиб ўтади, кейин уни ўзининг қилган ишларига яраша жазолаб, қаттиқ кийноққа соладилар.

Изоҳ: Бир йоджан 13 километрга тенг, шундай қилиб, гуноҳкор 1.287.000 км га тенг масофани босиб ўтади. Мана шундай катта масофани у атиги бир неча лаҳзада босиб ўтади. Тирик мавжудот ана шу катта масофани тез босиб ўта олиши ва ўзига тайёрлаб қўйилган азобларга бардош бера олиши учун Ямаражнинг вакиллари унинг нафис танасини махсус парда билан қоплайдилар. Гуноҳкор руҳ оладиган тана гарчи моддий бўлса ҳам, шундай унсурлардан тузилганки, дунёвий олимлар уни сеза олмайдилар. Бир неча лаҳзада 1.287.000км масофани босиб ўтиш ҳатто замонавий космонавтлар учун ҳам мўъжиза бўлиб кўринади. Ҳозиргача улар соатига 30.000 км тезлик билан учяптилар, аммо бу ерда айрилганки, гарчи буларнинг ҳаммаси руҳий қувватнинг аралашувисиз, моддий олам ичида бўлиб ўтса ҳам, гуноҳкор бир неча лаҳза ичида 1.287.000 км масофани босиб ўтади.

Текст 25

Уни ёниб турган ўтинлар устига ўтказадилар, ёнғин унинг тана аъзоларини куйдира бошлайди. Баъзан уни ўзининг гўштини ейишга мажбур қиладилар, баъзан эса унинг гўштини бошқалар ғажий бошлайди.

Изоҳ: Мана шу ва ундан кейинги уч шеърда гуноҳкорни қандай жазолар билан қийнаши таърифланади. Аввало биз унинг ўтда ковурилган гўштини ейишга унинг ўзини ёки унинг ёнидагиларни мажбур қилишларини билиб оламиз. Охирги жаҳон урушида концлагердаги маҳбуслар баъзида ўзларининг ахлатини еганлар, шунинг учун бу дунёда бошқа тирик мавжудотларнинг гўштини еб лаззатланиб яшаган гуноҳкорлар Ямаражнинг даргоҳи Ямасаданда ўзларининг гўштини ейишининг ажабланарли жойи йўқ.

Текст 26

Дўзахда яшайдиган итлар ва кузғунлар унинг ичак-човоғини тортиб оладилар, лекин бунда унинг ўзи яшашда давом этиб, буларнинг ҳаммасини ўз кўзи билан кўриб туради, илон, чаён, пашша ва бошқа махлуқлар унга қаттиқ азоб бериб ҳар тарафдан чақа бошлайдилар.

Текст 27

Кейин филлар бирин-кетин танасининг ҳар хил аъзоларини узиб олиб, унинг танасини бўлақларга бўлиб ташлай бошлайдилар. Уни чуқур жарликка ташлайдилар, чуқур сув остига туширадилар ёки қоронғу ғор ичига қамаб қўядилар.

Текст 28

Бутун умри давомида айшу-ишратга берилган эркак ва аёллар Тамисра, Андха-тамисра ва Раурава деган дўзахларда дахшатли кийноқларга солинадилар.

Изоҳ: Жинсий алоқа дунёвий ҳаётнинг асосини ташкил этади. Бу дунёда тирикчилик учун азоб-уқубатга тўла кураш олиб борадиган барча дунёвий одамларнинг ҳаётининг мазмунини жинсий ҳаёт ташкил этади. Шунинг учун Ведалар даврида жинсий алоқа қатъий равишда чеклаб қўйилган: фақат никоҳдан ўтиб оила курган кишиларга фақат фарзанд кўриш ниятида жинсий алоқа қилишга рухсат этилган. Аммо, эркак билан аёл ўзларининг ҳиссиётини лаззатлантириш учун ноқонуний ва гуноҳ бўлган жинсий алоқа билан шуғуллансалар, уларнинг ҳар иккаласи ҳам хозирги ҳаётида, ҳам кейинги ҳаётида оғир жазога гирифтор бўлади. Ҳозирги ҳаётида уларнинг жазоси турли таносил касалликлари, масалан сифилис ва гонорея, кейинги ҳаётида эса, "Шримад Бхагаватам"нинг мазкур шеърда айрилганидек, улар дўзахий сайёралардан бирига тушадилар ва шу ерда уларни қаттиқ кийноқларга гирифтор этадилар. "Бхагавад-гита"нинг биринчи бобида Аржун ҳам ноқонуний жинсий алоқаларни қоралайди; у ерда айрилганки, никоҳ маросими билан покланмаган аёллар билан жинсий алоқа қилиб, фарзандлар дунёга келтирадиган киши дўзахга тушади. "Шримад Бхагаватам"нинг мазкур шеърда ҳам тасдиқланадики, ана шундай гуноҳ қилган кишилар тамисра, Андха-тамисра ва Раурава деган дўзахлардан бирига тушадилар.

Текст 29

Парвардигор капила давом этди: Эй азиз она, баъзан айтадиларки, ҳатто мана шу сайёранинг ўзидаёқ ё дўзахга ё жаннатга тушиб қолиш мумкин, чунки ҳатто мана шу ерда ҳам одамлар худди дўзахдагидай қаттиқ изтироб чекадилар.

Изоҳ: Баъзан одамлар Ведаларда келтирилган дўзахнинг таърифларини жиддий қабул қилмайдилар. Улар ишонарли муқаддас китобларда келтирилган маълумотларни инкор этадилар. Лекин бу ерда Парвардигор Капила ана шу маълумотлар аниқ эканини тасдиқлапти ва айтяптики, ҳатто мана шу сайёранинг ўзида ҳам худди дўзахдагидай ҳаёт шароитлари бор. Фақат Ямаража ҳумронлик қиладиган сайёрада дўзах бор деб ўйламаслик керак. Ямаражнинг сайёрасида гуноҳкор одамнинг унга келгуси ҳаёти учун тайёрлаб қўйилган дўзахий шароитларда яшашга мослашиб олиш имконини берадилар. Шундан кейин ўзининг дўзахий ҳаётини давом эттириш у қайсидир бир сайёрада туғилади. Масалан, инсон ўзининг қилган гуноҳ ишлари учун жазо сифатида кейинги ҳаётида ахлат ва сийдиклар билан озикланиб яшаши лозим бўлса, у аввал Ямаражнинг сайёрасида ана шундай овқатлар билан озикланишга ўрганади, кейин эса, маълум бир танага, масалан, ахлат билан озикланадиган чўчка танасига эга бўлади ва шу танада ҳаётдан лаззатланиб юрибман деб ўйлайди. Аввал айрилган эдики, шартланган руҳ қандай дахшатли шароитга тушмасин, баибир ўзини бахтиёр ҳис қилади. Акс ҳолда у дўзахий ҳаётнинг азоб-уқубатларига бардош бера олмаган бўларди.

Текст 30

Ўзини ва оила аъзоларини таъминлаш учун гуноҳ ишлар қилиб юрган киши танасини тарк этгандан кейин ўзи ҳам дўзахда изтироб чекади, ўзининг қариндошларини ҳам азоб-уқубатларга дучор этади.

Изоҳ: Ҳозирги замон маданиятининг асосий хатоси шундан иборатки, одамлар ўлгандан кейин ҳаёт борлигига ишонмайдилар. Лекин, уларнинг бунга ишониши ёки ишонмаслигидан қатъий назар, агар ўзларига берилган инсон ҳаётини маъсулиятсиз яшаб, Ведалар ва Пураналар сингари муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига амал қилмаган бўлсалар, улар қайта тўғилишга ва қилган гуноҳлари учун албатта азоб-уқубатлар билан жавоб беришга мажбур бўладилар. Эволюцион ривожланиш зинапоёсида инсондан пастда турадиган тирик мавжудотлар ўзларининг қилган ишларига жавоб бермайдилар, чунки уларнинг барча ҳаракатлари улар боғлиқ бўлмаган ҳолда шартланган бўлади. Лекин. Ривожланган онг соҳиби бўла туриб, инсон маъсулиятсиз амаллар қилса, у, мазкур шеърда айтилганидек, ўзини дўзахий азоб-уқубатларга гирифтор қилади.

Текст 31

Танасини тарк этиб, у ўзи ёлғиз ҳолда дўзахнинг энг қоронғу жойларига равона бўлади, унинг бошқа тирик мавжудотларнинг мусибатлари эвазига тўплаган пуллари эса, йўл ҳаражатларини қоплайди.

Изоҳ: Инсон ўзини ва оиласини таъминлаш учун нопок, ҳаром йўллар билан пул ишлаб топганида, тўплаган пулларини оила аъзоларининг ҳаммасига сарфлайди, аммо фақат унинг ўзи дўзахга тушади. Бошқаларнинг мусибатлари эвазига ҳаётда лаззатланиб яшаётган киши одатда ўзининг дўстлари ва қариндошлари билан биргаликда лаззатланади, лекин, унинг ўзи содир қилган гуноҳ ва жиноятларининг меvasини териш вақти келганда, бу “мева”лардан ёлғиз ўзи “лаززатланади”. Масалан, агар кимдир пул ишлаб топиш учун бировни ўлдирса ва шу йўл билан топган пулини оиласини боқиш учун сарфласа, унинг ҳаром пулларига тирикчилик қилиб юрган кишилар ҳам унинг қилган қотиллигига қисман жавобгар бўладилар ва улар ҳам дўзахга тушадилар, аммо оила бошлиғи алоҳида қаттиқ жазо олади. Ўзининг бутун умрини хиссий лаззатлар изидан қувиб ўтказган киши ўзи билан бирга тўплаган пулларини эмас, балки фақат ўз гуноҳларини олиб кетади. Унинг ишлаб топган пуллари шу ерда қолади, гуноҳлари эса у билан бирга боради.

Бу дунёдаги қонунлар ҳам шундай: агар одам бировни ўлдириб пулини олган бўлса, гарчи унинг жиноят қилишига қисман сабабчи бўлсалар ҳам, унинг оила аъзолари дорга осилмайдилар. Аммо, оиласини таъминлаш учун қотиллик қилган кишини жиноятчи сифатида дорга осадилар. Жинойий йўл билан топилган пуллардан лаззатланадиган одамлардан кўра жиноятчининг ўзи ўша жиноят учун кўпроқ жавобгар бўлади. Шунинг учун буюк олим ва файласуф Чанакья Пандит айтганки, ўзининг ишлаб топган пулларини сат – Олий Шахс Худого хизмат қилиш учун сарфлаган маъқул, чунки танасини тарк этар экан, инсон ўзи

билан бирга сариқ чақа ҳам олиб кета олмайди. Унинг топган мол-дунёси барибир бу ерда қолиб йўқолиб кетади. Ё биз пулларни тарк этамиз, ё пуллар бизларни тарк этади - барибир биз улардан айрилиб қоламиз. Шунинг учун токи пуллар қўлимизда экан, уларни қалбимизда Кришна онгини ривожлантириш учун ишлатиш лозим.

Текст 32

Шундай қилиб, Олий Шахс Худонинг амри билан оиланинг отаси дўзахга равона бўлади ва худди ўз бойлигидан махрум бўлган киши сингари, қилган гуноҳлари учун изтироб чекади.

Изоҳ: Мазкур шеърда дўзахга тушган кишининг изтироблари бойлигидан айрилган кишининг изтиробларига қиёсланади. Шартланган руҳ кўп миллионлаб умрлар давомида бошқа таналарда яшагандан кейин инсон танасига эга бўлади, инсон танасининг ўзиёқ жуда кам топиладиган нодир неъмат ҳисобланади. Агар, ўзининг ана шу нодир умридан руҳий озодликка эришиш учун фойдаланиш ўрнига инсон ўзининг умрини оиласининг ташвишларига фарқ бўлиб ўтказса, оила аъзоларининг дунёвий бахтини ўйлаб ҳар хил бемаъни ва гуноҳ ишлар қилиб юрса, у бойлигидан айрилиб, афсус-надомат чекиб ўтирган кишининг ҳолатига тушиб қолади. Бойлик қўлдан кетган бўлса, бунинг учун афсус-надомат чекиб ўтиришдан фойда йўқ, лекин токи бойлиги қўлда экан, мангу саодатга эришиш учун инсон улардан тўғри фойдаланиши лозим. Кимдир бунга эътироз билдириши мумкин: инсон ишлаб топган пулларини бу ерда қолдирар экан, демак, у улар билан бирга гуноҳларини ҳам қолдириб кетади. Аммо мазкур шеърда алоҳида таъкидлаб айтилганки, ҳаром йўллар билан топган пулларини бу ерда ташлаб кетган киши Парвардигорнинг амрига кўра (даивенасадитам) гуноҳларини ўзи билан бирга олиб кетади. Ҳатто ўғри ўғирлаган пулларини қайтариб берса ҳам, уни барибир жазолайдилар. Қонунга кўра ўғирлаган молини қайтариб берган бўлишига қарамай ўғри барибир жазоланиши лозим. Худо Шахси инсон танасини тарк этар экан, ҳаром йўллар билан топган мол-дунёсини бу дунёда ташлаб кетса ҳам, Худонинг амри билан қилган гуноҳ ишлари учун жавобгар бўлиб қолаверади ва дўзахий сайёралардан бирида у жазо олишга мажбур бўлади.

Текст 33

Шундай қилиб, ўзининг оиласини ва қариндошларини таъминлаш учун ҳаром ишлар қилишдан тап тортмайдиган киши ўзи учун дўзахий сайёраларнинг энг ёмони бўлган Андха-тамисра деган сайёрадан жой ҳозирлайди.

Изоҳ: Мазкур шеърда уч ибора алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Кавалена ибораси “фақат ҳаром йўллар билан” деган, адхармена ибораси – “ҳаром” ёки “гуноҳ”, кутумба-бхарана ибораси эса - “оиласини таъминлаш” деган маъноларни билдиради. Албатта, ҳар бир оилали кишининг бурчи – оила аъзоларининг эҳтиёжларини таъминлаб туришдан иборат, лекин у муқаддас китобларнинг қонунлари асосида ҳалол йўл билан пул

топиши лозим. "Бхагавад-гита"да айтилганки, Парвардигор инсонлар жамиятини одамларнинг табиатига ва фаолият турларига қараб тўрт варнага, яъни табақага бўлиб қўйган. Лекин, ҳатто "Бхагавад-гита"да айтилган гапларга эътибор бермасак ҳам, кўриш мумкинки, ҳар қандай жамиятда инсоннинг фаолияти унинг табиати ва фаолияти, яъни касби билан белгиланади. Масалан, ёғоч жиҳозлар ясайдиган кишини дурадгор, темир билан ишлайдиган кишини – темирчи деб атайдилар. Худди шундай, одамларни даволайдиган ёки муҳандислик ишини бажарадиган кишилар ҳам жамиятнинг маълум табақасига мансуб бўлиб, ўзларининг маълум вазифалари бор. Кўрсатаётган фаолият турига Парвардигор қараб одамларни тўрт варнага бўлиб қўйган: брахманлар, кшатрийлар, вайшьялар ва шудралар. Мана шу тўрт табақанинг ҳар бирига мансуб бўлган одамларнинг вазифалари "Бхагавад-гита" ва бошқа ведавий муқаддас китобларда кўрсатиб қўйилган.

Ҳар бир инсон ўз бурчини виждонан бажариб, ҳалол яшаши лозим. У ўзининг сифатига мос келмайдиган фаолият билан шуғулланиб, ноқонуний йўллар билан пул тўплаб тирикчилик қилмаслиги керак. Агар руҳий фаолият билан шуғулланиб юрган, одамларга илм бериши ва уларни руҳий ҳаёт кечиришга ўргатиши лозим бўлган брахман, шунга лойиқ сифатларга эга бўлмаса, демак, у шунчаки одамларни алдаб юрган бўлади. Инсон тирикчилик қилиш учун бундай усуллар билан пул ишлаб топмаслиги керак. Бу гаплар кшатрий ва вайшьяларга ҳам тааллуқли. Муқаддас китобларда алоҳида таъкидлаб айтилганки, қалбида Кришна онгини ривожлантиришга интилаётган киши тирикчилик қилиш учун ҳалол йўл билан, ортиқча ҳаракат қилмасдан пул топиши лозим. Мазкур шеърда айтилганидек, нопок(кевалена) йўллар билан бойлик орттирадиган киши дўзахнинг энг қоронғу жойларига равона бўлади. Агар инсон оиласини муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига риоя қилиб, қонуларни бузмасдан таъминлаб юрган бўлса, бундай оилада яшашнинг ёмон жойи йўқ.

Текст 34

Тирик мавжудот дўзахда азоб чекиб бўлиб, инсон ҳаётигача бўлган барча пасткаш ҳаёт шакллари орқали ўтгандан кейин, шу тарзда ўз гуноҳларидан поклангандан кейин, у яна ер сайёрасида инсон танасида туғилади.

Изоҳ: Белгиланган вақт қамқожнада ўтирган маҳбусни яна озодликка чиқариб юбордилар. Худди шундай, бутун умри давомида гуноҳ ишлар қилиб юрган жиноятчини аввалига дўзахга ташлайдилар, кейин у, ҳайвонлар танасида дўзахий шароитларда, яъни ит, мушук, чўчка ва бошқа ҳайвонлар танасида яшаб, аста-секин эволюцион ривожланиш натижасида яна инсон танасига эга бўлади. "Бхагавад-гита"да айтилганки, агар йога билан шуғулланиб юрган инсон, руҳий баркамолликка эриша олмаса ва бирор сабабларга кўра бу йўлни охиригача босиб ўтолмасдан тубанликка юз тутса, барибир кейинги ҳаётида унинг инсон танасида туғилиши кафолатланган бўлади. Унда айтилганки, ана шундай омадсиз йог кейинги ҳаётида жуда бадавлат ёки такводор инсонлар хонадониде туғилади. "Бадавлат

хонадон" деганда савдогар ёки тадбиркор одамлар хонадони назарда тутилади, чунки савдо-сотик ва тадбиркорлик билан шуғулланадиган кишилар одатда жуда бадавлат яшайдилар. Шундай қилиб, Олий Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишга интилиб, руҳий ўзлигини англаш йўлидан бораётган, лекин мақсадига эриша олмаган киши кейинги ҳаётида бадавлат савдогарлар ёки такводор брахманлар хонадониде туғилади, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам у албатта инсон танасига эга бўлади. Демак, Тамисра, Андхатамисра ва бошқа ҳар қандай дўзахий сайёраларга тушишни истамайдиган киши Кришнани англаш, яъни энг мукамал йога ҳисобланадиган бхакти-йога йўлига кириши лозим, чунки ҳатто ҳозирги ҳаётида Кришна онгига эриша олмаса ҳам, у дўзахга тушишдан қутулиб, кейинги ҳаётида албатта яна инсон танасида туғилади. Кришна онгида яшаш тирик мавжудотга такводорлик билан яшаш ҳамда дўзахий шароитларда – чўчка ва итлар танасида туғилишга олиб келадиган тубанликка юз тутишдан ҳалос бўлиш имконини беради.

"Шримад Бхагаватам"нинг Учтинчи қўшиқ, "Кармали фаолиятнинг ҳалокат келтирадиган оқибатлари" деб аталадиган ўттизинчи бобига Бхактиведантанинг ёзган изоҳлари шундай яқунланади.

Ўттиз биринчи боб

Парвардигор Капила тирик мавжудотларнинг сарсон

бўлиб юриши ҳақида гапириб беради

Текст 1

Олий Шахс Худо, Парвардигор деди: Парвардигорнинг назорати остида ўз фаолиятининг натижалари асосида тирик мавжудот, шартланган рух, эркакнинг уруғлигига кириб, у билан бирга маълум бир ҳаёт шаклида дунёга келиш учун аёлнинг бачадонига тушади.

Изоҳ: Аввалги бобда айтилганидек, тирик мавжудот маълум вақт давомида дўзахда ва ҳайвонлар танасида азоб чекиб яшагандан кейин яна инсон танасига эга бўлади. Парвардигор Капила бу мавзунинг муҳокама қилишни мазкур бобда ҳам давом эттиради. Яна инсон танасига эга бўлиш учун дўзахий ҳаёт турларида жазосини ўтаб бўлган алоҳида рух ўзига ота сифатида кўпроқ муносиб бўладиган эркак кишининг уруғлиги ичига киради. Жинсий алоқа пайтида рух отасининг уруғлиги билан бирга маҳлум турдаги танани шакллантириш учун онасининг қорнига тушади. Барча шартланган тирик мавжудотлар шу тарзда дунёга келадилар, лекин мазкур шеърда Андхатамисра деган дўзахда жазосини олиб бўлган рух ҳақида гап боради. Ана шу дўзахда азобланиб бўлиб ит, чўчка ва бошқа дўзахий ҳаёт шаклларида кўп умрлар яшагандан кейин у яна инсон бўлиб туғилади ва бир вақтлар дўзахга тушган танасига ўхшаган инсон танасига эга бўлади.

Дунёда ҳамма воқеа-ҳодисалар Олий Шахс Худонинг назорати остида рўй беради. Тирик мавжудот ўзининг танасини моддий табиатдан олади, моддий табиат эса Олий Рухнинг амрини бажаради, холос. "Бхагавад-гита"да айтилганки, тирик мавжудот моддий олам бўйлаб моддий табиат ато этган аравада айланиб

юради. Парвардигор Олий Рух киёфасида хамиша алоҳида рух билан бирга юради. У моддий табиатга алоҳида руҳни унинг аввалги фаолияти натижасига қараб маълум турдаги тана билан таъминлашни буюради, моддий табиат эса итоаткорлик билан Унинг амрини бажаради. Мазкур шеърда асосий ибора ретаҳ-канашрайаҳ бўлиб, у шуни кўрсатадики, онанинг қорнида пайдо бўладиган ҳаётнинг манбаи эркакнинг уруғлиги эмас, балки отанинг уруғлиги билан она қорнига кирадиган тирик мавжудот, алоҳида рух бўлиб, бунинг натижасида танани шакллантириш жараёни бошланади. Агар уруғликда алоҳида рух бўлмаса, шунчаки жинсий алоқа натижасида тирик мавжудот дунёга келмайди. Дунёвий олимлар ўртага ташлаган “рух мавжуд эмас, она қорнидаги ҳомила сперматозоид билан уруғлик хужайраларининг бирга қўшилиши жараёнида пайдо бўлади” деган ғояси ҳеч қандай асосга эга эмас.

Текст 2

Биринчи тунда сперматозоид уруғлик хужайралари билан қўшилади. Орадан беш тун ўтгандан кейин парчаланиш натижасида уруғлик хужайрасидан пуфак шаклланади. Ўн кун ўтгандан кейин уруғлик олча шаклига киради, кейин у аста-секин тухумга ёки бир парча гўштга айланади.

Изоҳ: Алоҳида рух оладиган тана унинг ҳаётнинг қайси турига мансублигига қараб тўрт усулдан бири билан шакллана бошлайди. Дарахт ва ўсимликларнинг таналари ердан униб чиқади; чивин, микроб ва бургалар тердан дунёга келадилар; учинчи тур таналар тухумдан чиқади, тўртинчи тур таналар эса, ҳомиладан ривожланади. Бу ерда айтилганки, уруғлик хужайралари ва сперматозоид қўшилгандан кейин ҳомиланинг танаси шакллана бошлайди, у ривожланишнинг маълум босқичида бир парча гўштга ёки тухумга айланади. Қушларда тухум шаклланади, одамлар ва ҳайвонларда эса – бир парча гўшт.

Текст 3

Биринчи ой давомида ҳомиланинг калласи, иккинчи ой давомида эса – қўллари, оёқлари, қўл-оёқларидага бармоқлари, териси устидаги туклари, суяклари ва териси, шунингдек, жинсий аъзолари ва танасидаги бошқа тешиклари: кўзлари, бурни, қулоқлари, оғзи ва анус шаклланади.

Текст 4

Уруғланишдан кейин орадан тўрт ой ўтганда тананинг етти асосий таркибий қисми шаклланиб бўлади: лимфа(???), қон, гўшт, ёғ, суяклар,суяк мияси(???) ва уруғлик. Бешинчи ой охирига бориб тирик мавжудот очлик ва чанқоқлик ҳис қила бошлайди, олти ойлик бўлганда эса, сув қобиғи(аминион)га ўралган ҳомила онасининг қорнининг ўнг тарафига ўтади.

Изоҳ: Олтинчи оининг охирига бориб, чақалоқ танаси шаклланиб бўлади, агар ҳомила ўғил бола бўлса, она қорнининг ўнг томонига, қиз бола бўлса чап томонига ўтишга ҳаракат қилади.

Текст 5

Онаси истеъмол қилган овқатлардан озуқа олиб, у ичган нарсалардан чанқоғини қондириб, ҳомила аста-секин ривожлана бошлайди. Бунда у ҳамма вақт сийдик, ахлат тўла, қурт ва ҳар хил ҳашаротлар макони бўлган она қорнида ётади.

Изоҳ: “Маркандея-пурана”да айтилганки, санскрит тилида апиайана деб аталадиган киндик онани ҳомиланинг қорни билан боғлаб туради, ана шу киндик орқали ҳомила онаси еган овқатлардан ҳазм қилишга тайёр ҳолда озуқа олиб туради. Замонавий тиббиёт “Маркандея-пурана”да таърифланган ҳомиланинг она қорнида ривожланиш жараёни қандай бориши ҳақидаги маълумотларни тўла тасдиқлайди. Шундай қилиб, Пураналарнинг ишонарли аниқ манба экани инкор этиб бўлмайдиган факт, майявади-файласуфларнинг улар ишониб бўлмайдиган гумонли асарлар эканини исботлашга уринишлари ҳеч қандай натижа бермайди.

Қорнидаги ҳомиланинг танаси ривожланиши бутунлай онасининг еган овқатларига боғлиқ бўлгани учун аёл киши ҳомиладорлик пайтида овқатланишда маълум бир чеклашларга риоя қилиши лозим. Ҳомиладор аёл шўр, аччиқ таомларни, пиёз сингари сассиқ нарсаларни истеъмол қилмаслиги керак, чунки чақалоқнинг танаси ҳали жуда ёш ва нозик бўлиб, бундай ўткир озуқаларга бардош бера олмайди. Ведавий муқаддас китобларда, смритиларда ҳомиладор аёллар амал қилиши учун берган тавсияларнинг ҳаммаси чақалоқнинг ривожланишига ижобий таъсир қилади. Ведавий муқаддас китоблардан биламизки, жамиятнинг муносиб аъзоси бўлиб етишадиган такводдор фарзандни дунёга келтириш учун жуда кўп меҳнат сарфлаш керак. Зурёд қолдириш мақсадида жинсий алоқа қилишдан олдин жамиятнинг олий табақаларига мансуб кишилар илмий асосга эга бўлган гарбхадхана маросими ўтказишлари лозим. Ҳомиладор аёллар Ведаларда келтирилган бошқа тавсияларга ҳам риоя қилиб яшашлари лозим. Фарзандга ғамхўрлик қилиш ота-онанинг асосий вазифаси ҳисобланади, чунки агар ота-оналар ўз фарзандларига етарли эътибор берсалар. Бутун жамият такводдор инсонлардан ташкил топади, улар бутун оламнинг тинчлигини сақлаб, ўз ватанининг ва бутун инсониятнинг гуллаб-яшнаши ҳақида жон қуйдирадилар.

Текст 6

Она қорнидаги оч қуртлар чақалоқнинг нозик танасини такрор ва такрор чақа бошлаганида у чидаб бўлмас даражада изтироб чекади. Ана шундай даҳшатли шароитда у вақти вақти билан ҳушидан кетиб қолади.

Изоҳ: Тирик мавжудот моддий азоб-укубатларга фақат дунёга келгандан кейин эмас, балки ҳали туғилмасдан олдин онасининг қорнида пайтидаёқ дучор бўла бошлайди. У моддий тана билан боғланган вақтдан бошлаб изтироб чека бошлайди. Афсуски, бизлар она қорнида бошимиздан кечирган азоб-укубатларни эсимиздан чиқариб юборамиз, шунинг учун тирик мавжудотнинг дунёга келиши билан боғлиқ мусибатларга аҳамият бермаймиз. Шунинг учун "Бхагавад-гита"да алоҳида таъкидлаб айтилганки, одамлар тирик мавжудот туғилганда ва ўлганида

қанчалық оғир изтиробларни бошидан кечиришини яхши билишлари лозим. Она қорнида тананинг шаклланиши давомида ҳам, ажали етиб танасини тарк этаётганида ҳам тирик мавжудот оғир синовлар орқали ўтади. Аввалги бобда айтилганидек, тирик мавжудот ўлганидан кейин бир танадан иккинчи танага ўтади, айниқса ит ва чўчка танасига эга бўлган тирик мавжудотлар жуда қаттиқ изтиробларга дучор бўладилар. Лекин, бошимиздан шунча мусибатлар ўтганига қарамай, биз майя таъсири остида ҳамма нарсани унутиб юборамиз ва яна, аввал айтилганидек, шунчаки мусибатлардан вақтинча халос бўлишни билдирадиган алдамчи бахт жилвасининг ҳукми остига тушиб қоламиз.

Текст 7

Онаси аччиқ ва ўткир, ёки шўр ва ачиган нарсалар истеъмол қилганида, унинг қорнидаги чақалоқ чидаб бўлмас оғриқдан қийналади.

Изоҳ: Онанинг қорнидаги чақалоқ бошидан кечирадиган изтиробларни биз ҳатто тасаввур ҳам қила олмаймиз. Ана шундай ҳолатда ётишнинг ўзи жуда мушкул, лекин чақалоқнинг шунга қўниқшдан бошқа иложи йўқ. Ҳали чақалоқнинг онги унчалик ривожланмагани туфайли, у бу изтиробларга бардош бера болади, акс ҳолда у бу оғриқларга чидамай аллақачон ўлиб қолган бўларди. Мана шу, изтироб чекаётган тирик мавжудотнинг танасига шу даҳшатли азобларга бардош бериш имконини берадиган майянинг бизга кўрсатаётган марҳамати бўлади.

Текст 8

Сув қобиғи билан ўралган, ичак-чаваклар орасида чақалоқ икки букилиб, калласи қорнига босилиб, бўйни ва қовурғаси эгилиб, она қорнининг чап ёки ўнг тарафида сиқилиб ётади.

Изоҳ: Агар катта одам чақалоқнинг она қорнида ётганидай, икки букилган, қўл-оёғи боғланган даҳшатли шароитга тушиб қолса, у бир неча лаҳза ҳам яшай олмаган бўларди. Афсуски, бизлар бошимиздан кечирган ҳамма азоб-уқубатларни эсимиздан чиқариб юборамиз, туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан тезроқ халос бўлиш ҳақида ўйламасдан, бу дунёда бахт топишга ҳаракат қиламиз. Мана шу ҳақиқий муаммолар очикчасига муҳокама қилинмайдиган жамият таназзулга юз тутаяди, чунки ана шундай жамиятда яшайдиган одамлар моддий оламда яшаш қанчалик хатарли эканини англаб етиш имкониятидан маҳрум бўладилар.

Текст 9

Эркин ҳаракат қилиш имкониятидан маҳрум бўлиб, чақалоқ худди қафасга солинган қушдай, она қорнида камалиб ётади. Ана шу вақтда, агар тақдир унга кулиб боқса, у ўзининг аввал яшаб ўтган юз умри давомида бошидан кечирган мусибатларини эслайди, уларни эслаш уни қаттиқ изтиробга солади. Ана шундай вазиятда у хотиржам қолиши мумкинми?

Дунёга келгандан кейин одатда одамлар ўзларининг аввалги ҳаётларида бошидан кечирган бахтсизлик ва

қийинчиликларини эсдан чиқариб кўядилар, аммо, вояга етгандан кейин, "Шримад Бхагаватам" сингари ишонарли муқаддас китобларни ўқиб ўргангандан кейин биз ҳеч бўлмаса туғилиш ва ўлиш билан боғлиқ бўлган оғир изтироблар ҳақида билиб оламиз. Агар бизлар муқаддас китобларга ишонмасак – бу бошқа гап, лекин, муқаддас китобларда ёзилган маълумотларнинг ҳақиқат эканига шубҳа қилмайдиган имонли киши кейинги ҳаётида моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиш учун тайёргарлик кўриши лозим; мана шу фақат инсонларга ато этилган нодир имконият ҳисобланади. Инсон ҳаёти аслида мусибатларга тўла экани ҳақидаги эслатмаларга эътибор беришни истамайдиган одамларни ўзларини ўзлари ўлдириб юрган қотилларга ўхшатадилар. Муқаддас китобларда айтилгани, фақат инсон танаси тирик мавжудотга майя ғафлатидан халос бўлиш ва моддий тирикчилик уммонини кечиб ўтиш имконини беради. Инсон танаси – барча зарур нарсалар билан жиҳозланган кема ҳисобланади. Тажрибали капитан – рухий устоз ҳамиша бизнинг хизматимизга тайёр, муқаддас китобларда берилган насиҳат ва кўрсатмалар эса, бизга ёрдам берадиган шамол вазифасини бажаради. Ана шундай имкониятларга эга бўлатуриб, ғофиллик уммонини кечиб ўтишни истамайдиган кишининг ўзини ўзи ўлдирадиган қотилдан фарқи йўқ.

Текст 10

Она қорнига тушганига етти ойдан кейин, бу пайтга келиб онги кириб қолган чақалоқ, ҳомиладорликнинг охирига ҳафталарида ўзига таъсир қиладиган ҳаво оқимларининг босимини ҳис қилади. Ана шу ҳаво оқимлари босими остида у худди ана шу ифлос жойдаги қуртларга ўхшаб ўралиб, айлана бошлайди.

Изоҳ: Еттинчи ойнинг охирида чақалоқ ҳаво оқимларининг босими остида ўрнидан кўзғалиб, ҳаракатлана бошлайди, чунки туғиш арафасида онанинг қорни кенгая бошлайди. Қуртлар мазкур шеърда содара деб аталган. Содара ибораси "бир онадан туғилган" деган маънони англатади. Чақалоқ она қорнидан дунёга келади, ферментация натижасида она қорнида қуртлар ҳам пайдо бўлади, шунинг учун ана шу қуртлар билан чақалоқ аслида туғишган ака-укалар ҳисобланади. Ҳамма одамларнинг тенглиги ва қон-қардошлиги ҳақида гапирганда биз бошқа тирик мавжудотлар нари турсин, ҳатто қуртлар ҳам бизларнинг туғишган укаларимиз эканини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Шунинг учун бизнинг бурчимиз – барча тирик мавжудотларга бир хилда ғамхўрлик қилишдан иборат.

Текст 11

Ана шундай даҳшатли шароитга тушиб қолган, моддий унсурлардан таркиб топган етти парда билан ўралган тирик мавжудот қўлларини қовуштириб, ўзини ана шундай аҳволга солиб қўйган Парвардигорга илтижо қила бошлайди.

Изоҳ: Айтишларига қараганда, туғиш вақти яқинлашиб тўлғоқ азоблари бошланган пайтда аёл киши яна шундай даҳшатли азоб-уқубатларга дучор бўлмаслик учун энди ҳеч қачон ҳомиладор бўлмасликка қасам ичар экан. Худди шундай, жарроҳлик операцияси

қилганда ҳам одам яна касалланиб, шундай столга қайтадан ётмаслик учун турмуш тарзини бутунлай ўзгартиришга қасам ичади, қийин ахволга тушиб қолган киши ҳам қайтиб бундай хатони тақрорламасликка онг ичади. Худди шундай она қорнидаги дўзахий шароитга тушиб қолган тирик мавжудот ҳам Парвардигорга илтижо қилади ва яна қайтиб она қорнига тушмаслик ҳамда туғилиш ва ўлиш азобларига дучор бўлмаслик учун ҳеч қачон гуноҳ ишлар қилмасликка Унга ваъда беради. Она қорнида қийналиб, чақалоқ олдида турган туғилишдан қўрқиб дахшатга тушади, лекин она қорнидан чиққандан кейин, ўзини соғ-саломат ва ҳаётга тўла кўрганида, у ҳамма нарсани унутиб юборади ва яна ўзини шу ахволга тушишига сабабчи бўлган гуноҳ ишларни тақрорлай бошлайди.

Текст 12

Инсоннинг руҳи шундай дейди: Мен бу дунёга Ўзининг сон-саноксиз мангу қиёфаларида келиб, ер юзида юрган Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан ўзимга паноҳ излайман. Мен фақат Ундан паноҳ излайман, чунки фақат Унинг ўзи мени барча кўрқувлардан халос қилишга қодир ва қилган гуноҳларим сабабли Унинг ўзи мени мана шундай ҳаёт шароитига солиб қўйибди.

Изоҳ: чалач-чаранаравиндам ибораси ҳақиқатан ҳам ер юзида юрган Парвардигорни билдиради. Масалан, Парвардигор Рамачандра ҳақиқатан ҳам ер юзида юрган, Парвардигор Шри Кришна ҳам ер юзида худди одамлардек юрган. Демак, бу илтижо Ер сайёрасида ва коинотнинг бошқа сайёраларида тақводорларни ҳимоя қилиш ва гуноҳкорларни яқсон қилиш учун сон-саноксиз таналарда мужассам бўладиган Парвардигорга қаратилган. "Бхагавад-гита"да тасдиқланадики, оламда худосизлик авжига чиқиб, дин таназзулга юз тутганида, тақводорларни ҳимоя қилиш ва гуноҳкорларни жазолаш учун Парвардигор бу дунёга келади. Шу мазкур шеърда гап Парвардигор Шри Кришна ҳақида боради.

Мазкур шеърда акс этган яна бир нарсага эътибор бериш лозим. Бу ерда айтилганки, Парвардигор моддий оламга Ўз хоҳиши билан келади(иччхайа). "Бхагавад-гита"да Парвардигор Шри Кришна ҳам буни тасдиқлайди: самбхавами атма-майайа – "Мен бу дунёда Ўз хоҳишим билан, ички қувватим ёрдамида пайдо бўламан". У бунга Уни моддий табиат қонунлари мажбур қилгани учун унинг келмайди. Бу ерда иччхайа деб айтилган: имперсоналистлар айтганидек, Парвардигор тана олмайди, чунки У ўз хоҳиши билан келади, Парвардигорнинг бу дунёга келадиган танаси Унинг мангу қиёфаси ҳисобланади.

Тирик мавжудот Парвардигор амри билан дўзахий ҳёт шароитларига тушади, шунинг учун фақат Парвардигорнинг Ўзи уни озодликка чиқара олади, демак, ҳар биримиз фақат Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ излашимиз лозим. Парвардигор Шри Кришна шундай талаб қўяди: "Ҳамма нарсани тарк эт ва ўзингни Менга топшир!" "Бхагавад-гита"да айтилганки, ўз ихтиёрини Унга топширган киши бошқа ҳеч қачон моддий оламда

туғилмайди; у ўзининг уйига, бу дунёни бутунлай тарк этиб Худонинг даргоҳига қайтади.

Текст 13

Мен, пок руҳ, ҳозир ўз фаолиятимнинг натижаларига боғланиб қолгандайман, шунинг учун мени майя жойлаб қўйган она қорнида қамалиб ётибман. Мен ўзим билан бирга мана шу ерда мавжуд бўлган, лекин ҳамиша пок ва ўзгармас бўлиб қолаверадиган Зот олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман. У чексиз, лекин инсон тавба-газарру қилган қалбида Унинг иштирок этаётганини ҳис қила олади. Мен Унинг олдида чуқур эҳтиром билан сажда қиламан.

Изоҳ: Аввалги шеърда жива, руҳ: "Мен Парвардигордан паноҳ излайман" деган эди. Шундай қилиб, ўзининг табиатига кўра алоҳида руҳ Олий Руҳ, Худо Шахсининг мангу хизматкори ҳисобланади. Олий Руҳ ва алоҳида руҳ бир танада яшайдилар, бу Упанишадаларда ҳам тасдиқланади. Бир қараганда улар бир хил шароитда тургандай кўринади, лекин уларнинг биттаси мусибат чекади, бошқа биттасига эса моддий азоб учубатлар таъсир қилмайди.

Мазкур шеърда: вишуддхам авикарам акханда-бодхам - дейилган. Олий Руҳ ҳамиша пок, моддий иллат Унга таъсир қила олмайди. Булганган тирик мавжудот моддий тана зиндонига тушиб қолгани учун изтироб чекади, лекин бу у билан бирга шу танада мавжуд бўлган Парвардигор ҳам моддий танага қамалган дегани эмас. Парвардигор авикарам, ўзгармас. У ҳамиша Парвардигор бўлиб қолаверади, лекин, афсуски, майявади-файласуфларнинг нопок қалби уларнинг Олий Руҳнинг алоҳида руҳдан фарқ қилишини тушуниб олишига халақит беради. Бу ерда: атапйамаана-хридайе васитам – "Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд, лекин Уни фақат тавба-газарру қилган қалб ҳис қила олади. Алоҳида руҳ ўз ўрнини эсдан чиқариб. Олий Руҳ билан бирлашишни истагани ва қандай қилиб бўлса ҳам моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилгани учун тавба-газарру қилади. Унинг барча уринишлари ҳеч қандай натижа бермади, энди у қилган ишларидан пушаймон бўлиб тавба қиляпти. Ана шу тавба-газарру унга Олий Руҳнинг ёнида эканини ҳис қилиш ҳамда У билан ўзининг ўзаро муносабатларини эслаш имконини беради. "Бхагавад-гита"да айтилганидек, жуда кўп умрлар яшагандан кейин шартланган руҳ Васудеванинг улуғворигини ҳис қила бошлайди. У – унинг ҳукмдори ва У – Парвардигор. Алоҳида руҳ ўзи Унинг хизматкори эканини эслайди ва шу боис ўз ихтиёрини Унга топширади. Шу тарика у махатма, буюк зотга айланади. Парвардигорнинг улуғворлигини англаб етиш бахтига муяссар бўлган киши, хатто у ўша вақтда ҳали онасининг қорнида ётган бўлса ҳам, моддий олам тутқунлигидан албатта озодликка чиқа олади.

Текст 14

Беш унсурдан таркиб топган моддий танага эга бўлиб, мен Парвардигордан айрилиб қолган эдим, ҳозир менинг сифатларим ва сезгиларим ўзимнинг руҳий табиатимга зид бўлган ишлар билан машғул. Аммо, Олий Шахс Худо, Парвардигор моддий табиатга ва тирик мавжудотларга нисбатан илоҳий ҳолатда, Унинг

меникига ўхшаган моддий танаси йўқ, У ҳамиша барча руҳий мукамалликларга тўла, шунинг учун мен Унинг олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман.

Изоҳ: Тирик мавжудот билан Олий Шахс Худо орасидаги фарқ шундан иборатки, тирик мавжудот моддий қувват таъсирига берилувчан бўлади, Парвардигор эса тирик мавжудотга ва тирик мавжудотларга нисбатан ҳамиша илоҳий ҳолатда қолаверади. Тирик мавжудот моддий табиат салтанатига тушиб қолганида унинг сезгилари ва сифатлари булғанади, яъни модда билан қопланади. Аммо Парвардигорга моддий сифатларни ёки моддий сезгиларни зўрлаб тикиштириб бўлмайди, чунки У моддий табиат таъсирига берилмайди, оддий тирик мавжудотлардан фарқли равишда ғофиллик зулматига тушиб қолмайди. Мутлақ илмга эга бўлган ҳолда У ҳеч қачон моддий табиат ҳукми остига тушиб қолмайди. Моддий табиат ҳамиша Парвардигорнинг назорати остида бўлади, шунинг учун Парвардигор унинг ҳукми остига тушиб қолиши мумкин эмас.

Рух чексиз кичик ўлчамга эга бўлгани туфайли моддий табиат таъсири остига тушиб қолишга мажбур бўлади, лекин у алдамчи моддий тана чангалидан озодликка чиққанида ўзининг Парвардигорнинг табиати билан бир хил бўлган руҳий табиатига эга бўлади. Ана шунда у билан Парвардигор орасидаги фарқ йўқолади ва уларнинг сифат жиҳатидан бирлиги қайта тикланади. Лекин тирик мавжудот уни моддий табиат таъсиридан тўла ҳимоя қила оладиган қудратга эга бўлмагани туфайли, у миқдор жиҳатидан ҳамиша Парвардигордан фарқ қилади.

Худога садоқат билан хизмат қилишдан мақсад – моддий иллатлардан покланиш ҳамда тирик мавжудот билан Олий Шахс Худонинг сифат жиҳатидан бирлиги қайта тикланадиган руҳий поғонага кўтарилишдан иборат. Ведаларда айтилганки, тирик мавжудот ҳамиша эркин бўлиб қолаверади: асанго хй айам пурушах. Тирик мавжудот ўзининг асл табиатига кўра эркин. Моддий иллат фақат вақтинча уни қоплаб олади, ўзининг асл ҳолатига кўра тирик мавжудот озод, эркин. Ана шу ҳолатга бҳакти-йюга билан шуғулланиш, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали қайтиш мумкин. Мана шу жараён тирик мавжудот ўз ихтиёрини Парвардигорга топширган пайтдан бошланади. Шунинг учун бу ерда: “Мен чуқур эҳтиром билан Олий Шахс Худонинг олдида бош эгаман” деб айтилган.

Текст 15

Инсоннинг жони давом этади: Тирик мавжудот моддий табиат ҳукми остида бўлади ва туғилиш ва ўлишлар чархпалагида айланиб, тирикчилик учун машаққатли кураш олиб боради. Унинг шартланган ҳаётига сабаб – ўзининг Олий Шахс Худо билан ўзаро муносабатларини эсдан чиқарганидир. Шундай экан, тирик мавжудот Парвардигорнинг марҳаматисиз яна Худога илоҳий садоқат билан хизмат қилиш йўлига қира олиши мумкинми?

Изоҳ: Майявади-файласуфлар ҳақиқатни фалсафий излаш йўлидан бориб, моддий олам тутукунлигидан озодликка эришиш мумкин деб айтадилар, лекин

мазкур шеърда айтилганки, тирик мавжудот илм ёрдамида эмас, балки фақат Парвардигорнинг марҳамати билан озодликка чиқа олади. Рухнинг фалсафий изланишлар жараёнида эгаллайдиган илми, у қанчалик чуқур бўлмасин, унинг ёрдамида Мутлақ Ҳақиқатга яқинлашиш учун ҳамиша яроқсиз, номукамал бўлиб қолаверади. Ведаларда айтилганки, Худонинг марҳаматисиз на Унинг Ўзига, на Унинг ҳақиқий қиёфасига, на Унинг сифатларига, на Унинг номига яқинлашишнинг иложи йўқ. Худога садоқат билан хизмат қилмайдиган кишилар минглаб йиллар давомида ҳеч қандай натижа бермайдиган фикр-мулоҳазаларга берилиб юрадилар, лекин барибир Мутлақ Ҳақиқатнинг табиатини англаб ета олмайдилар.

Фақат Парвардигорнинг марҳамати билан Мутлақ Ҳақиқатни англаб етиш ва руҳий озодликка эришиш мумкин. Айни пайтда мазкур шеърда аниқ айтилганки, бизлар Парвардигорнинг моддий қуввати таъсири остида хотирамизни йўқотганмиз. Шундай савол ўринли бўлади: Нимага ҳар нарсага қодир Парвардигор бизлар моддий қувватнинг ҳукми остига тушиб қолишимизга йўл қўйди? Бу "Бҳагавад-гита"да тушунтирилган, унда Парвардигор шундай дейди: “Мен ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбига мавжудман, шу боис бировларнинг хотирасини йўқотаман, бировларга ичдан илм бераман”. Шартланган руҳнинг унутувчанлигининг сабабчиси ҳам Парвардигор ҳисобланади. Моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилиб, тирик мавжудот ўзига берилган чекланган мустақилликни суистеъмол қилади. Майя деб аталадиган мустақилликни суистеъмол қилиш имконияти ҳамиша мавжуд, чунки акс ҳолда ҳеч қандай мустақиллик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Мустақилликка эга бўлиш – ундан ўз хоҳиши билан эркин фойдалана олиш демакдир. Мустақиллик кўзғалмас нарса эмас, балки ўз табиатига кўра ҳаракатчан. Шундай қилиб, бизлар майянинг ҳукми остига тушиб қолганимизнинг сабаби бизнинг мустақиллигимиз бўлиб, бизлар бир пайтлар ана шу мустақилликни суистеъмол қилганмиз.

Майя шу қадар қудратлики, Парвардигорнинг гапига қараганда, унинг таъсирини енгиш жуда мушкул. Лекин, “агар ўз ихтиёрини менга топширсан”, инсон уни осонлик билан енга олади. Мам эва йе прападйанте: ўз ихтиёрини Худога топширган ҳар қандай инсон моддий табиатнинг бешафқат қонунлари ҳукми остидан чиқади. Бу ерда аниқ айтилганки. Тирик мавжудот Парвардигорнинг амри билан майя таъсири остига тушиб қолади, демак у фақат унинг марҳамати билан моддий олам тутукунлигидан озодликка чиқа олади.

Мазкур шеърда моддий табиат таъсири остига тушиб қолган тирик мавжудотларнинг нима қилиши таърифланган. Моддий табиат ҳар бир шартланган руҳни нима биландир машғул бўлшига мажбур қилади. Мақсади хиссий лаззатланишдан иборат бўлган моддий оламдаги моддий тараққиёт йўлидан бораётган шартланган руҳларнинг қанчалик ажойиб натижаларга эришаётганини кўришимиз мумкин. Лекин инсоннинг асосий вазифаси ўзининг Парвардигорнинг мангу хизматкори эканини англаб етишдан иборат. Ҳақиқатан ҳам илмга эга бўлган киши тушунадикки, Парвардигор сифинишга лойиқ бўлган олий Зот, тирик мавжудот эса – Унинг мангу хизматкори. Ана шу илмдан махрум

бўлиб, одамлар моддий фаолият билан машғул бўладилар, уларнинг ғофиллиги ана шундан иборат.

Текст 16

Барча кўзғалувчан ва кўзғалмас тирик мавжудотларни Ўзининг қисман мужассам бўлган кўриниши бўлган Параматма қиёфасида Парвардигорнинг ўзи бошқариб туради. Парвардигор замоннинг ҳар бир уч босқичида: ўтмиш, ҳозир ва келажакда - иштираётган этади, шунинг учун шартланган руҳлар Унинг назорати остида ҳар хил фаолият билан шуғулланидилар, шу боис моддий ҳаётнинг уч турли азоб-уқубатларидан халос бўлишни истаган киши ўз ихтиёрини бутунлай Унга топшириши лозим.

Изоҳ: Шартланган руҳ моддий табиат ҳукми остидан чиқишга самимий интила бошлаганида Олий Шахс Худо, ҳар бир тирик мавжудот қалбида Параматма қиёфасида мавжуд бўлган Парвардигор ичидан туриб уни ўз ихтиёрини унга топширишга ундайди. "Бахавад-гита"да ҳам Парвардигор бизларга даъват қилиб шундай дейди: "Ҳамма ишларингизни тарк этинглар, шунчаки ўз ихтиёрингизни Менга топширинглар!" Ҳар қандай илмнинг ягона манбаи Парвардигор эканини биз тушунишимиз лозим. Бу "Бахавад-гита"да ҳам тасдиқланган маттах смритир джнанам апоханам ча. Парвардигор шундай дейди: "Инсонга ҳақиқий илми мен бераман, Мен унга хотира ато этаман, унутиш имкониятини ҳам Мен бераман". Моддий лаззатлар изидан қувиб, моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилиб юрган кишиларга Парвардигор Худога хизмат қилиш кераклигини унутиш ҳамда моддий фаолият лаззатидан татиб кўриш имкониятини беради. Худди шундай. Тирик мавжудот моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга уринишларидан ҳафсаласи пир бўлиб, моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишга самимий интила бошлаганида, унинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигор тирик мавжудотга ўз ихтиёрини Худога топшириш кераклигини англаш этишга ёрдам беради, натижада тирик мавжудот озодликка эришади.

Мана шу илми бизга Парвардигордан ёки Унинг вакилидан бошқа ҳеч ким бера олмайди. "Чайтанья-чаритамрита"да Парвардигор Чайтанья Рупа Госвамига насиҳат берар экан, айтадики, тирик мавжудотлар кўлаб ҳаётлар давомида моддий оламда яшаш билан боғлиқ мусибатларга дучор бўлиб, бу дунёда саргардон бўлиб юрадилар. Лекин, моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишга самимий интилаётган киши бунинг учун зарур бўлган илми рухий устози ва кришнадан олади. Демак, тирик мавжудот ўз ҳаётининг ҳақиқий муаммолари устида жиддий фикр-мулоҳаза юрита бошлаганида, ҳар кимнинг қалбида Олий Рух қиёфасида мавжуд бўлган Кришна уни Парвардигорнинг вакили бўлган ҳақиқий рухий устоз олдига олиб келади ва уни ана шундай рухий устознинг паноҳига киришга ундайди. Ичидан Парвардигор унда, сиргдан рухий устози бошқариб турган ҳолда инсон Кришнани англаш йўлига киради ва шу йўлдан бориб, моддий олам тутқунлигидан озодликка эришади.

Шундай қилиб, Олий Шахс Худонинг ёрдамисиз тирик мавжудот ўзининг азалий ҳолатига қайта олмайди. То олий илмга эга бўлмагунча, у моддий оламда тирикчилик учун бетиним кураш олиб бориб, азият чекишда давом этаверади. Шунинг учун рухий устоз Олий Шахс Худонинг марҳамати тимсоли ҳисобланади. Шартланган руҳлар рухий устозидан бевосита кўрсатма олиши ва унинг раҳбарлиги остида аста-секин қалбида Кришна онгини ривожлантириши лозим. Ҳар бир шартланган руҳнинг қалбида Кришна онгининг уруғи азалдан бор, у рухий устозидан насиҳат олганида ана шу уруғ униб чиқа бошлайди ва тирик мавжудот бу дунёда яшашдан олий мақсадга эришади.

Текст 18

Онасининг қорнида қон, сийдик ва ахлат аралашмаси ичида, онасининг ошқозонида ёниб турадиган овқат ҳазм қилиш олови тафтидан пишиб, бу ердан тезроқ чиқиб кетишга интилиб, у ойларини санаб вақт ўтказди ва Худога илтижо қиёди: "Эй Парвардигор, мен бахтиқаро зот қачон бу зиндондан эркинликка чиқаман?"

Изоҳ: Бу ерда тирик мавжудотнинг онаси қорнида чекадиган изтироблари таърифланган. Она қорнидаги чақалокни бир тарафдан овқат ҳазм қилиш олови куйдиради, иккинчидан у сийдик, ахлат, қон ва йирингларга аралашиб ётади. Етти ой тўлгандан кейин болага онг киради, у ўзининг қанчалик даҳшатли шароитга тушиб қолганини тушуна бошлайди ва озодликка чиқаришини талаб Парвардигорга илтижо қилади. У ўзининг озодликка чиқишгача қолган ойларини санаб, ўзи қамалиб ётган бу зиндондан қачон ташқари чиқишини интизорлик билан кутади. Ўзларини маданиятли инсонлар деб ҳисоблайдиган ҳозирги одамлар чақалокнинг она қорнида қанчалик даҳшатли шароитда ётиши ҳақида ўйламайдилар, баъзида эса, уни ўзларининг ҳиссий лаззатларига ҳалакит бераётган зот деб, аборт ёки бошқа йўллар билан ўлдириб ташлайдилар. Тирик мавжудотнинг она қорнида чекадиган азобларига аҳамият бермасдан шундай одамлар худди ҳеч нарса кўрмагандай моддий ҳаётдан лаззатланиб яшайдилар ва ўзларига инсон танасида туғилиш ато этган нодир имкониятлардан фойдаланмайдилар.

Мазкур шеърда ишлатилган крипана-дхих ибораси алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Дхих ибораси "тафаккур", крипана ибораси эса - "ҳасис" деган маънони англатади. Фақат калтафаҳм ҳасис одамлар, яъни ўзининг тафаккуридан тўғри фойдалана олмайдиган кишилар шартланган ҳаёт билан яшайдилар. Инсон танасида туғилган тирик мавжудот ривожланган тафаккурга эга, у ана шу тафаккурини туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан халос бўлиш учун ишлатиши лозим. Шундай қилмайдиган кишини ҳасис деб атайдилар. Шундай одам худди катта бойлиги бўлатуриб, ундан фойдаланмасдан, фақат ўзининг жавахирларидан фахрланиб юрган кишига ўхшайди. Шу боис, ўзининг тафаккуридан майя чангалидан халос бўлиш ҳамда туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқиш учун ишлатмайдиган кишини ҳасис деб атайдилар. Ҳасисликка қарама-қарши сифат удара – сахийлик, олижаноблик. Ўзига ато этилган

чуқур тафаккурдан ўзининг руҳий ўзлигини англаб етиш учун фойдаланадиган брахманни удара деб атайдилар. У барча тирик мавжудотларнинг бахт-саодатини ўйлаб, ўзининг тафаккурини Кришнани англаш илмини тарғибот қилиш учун ишлатади, шунинг учун уни олижаноб деб атайдилар.

Текст 18

Эй Парвардигор, гарчи мен атиги ўн ойлик бўлсам ҳам, сенинг бесабаб марҳаматинг билан менда илоҳий онг уйғонди. Барча адашган руҳларнинг дўсти сифатида менга кўрсатган ана шу бесабаб марҳаматинг қарзини мен ҳеч қачон уза олмайман, шу боис фақат қўлларимни ковуштириб, камтарин ҳолда Сенга илтижо қилишдан бошқа чорам қолмайди.

Изоҳ: "Бҳагавад-гита"да айтилганидек, тирик мавжудотга тафаккур ва унутишни у билан бир танада мавжуд бўлган Олий Руҳ ато этади. Парвардигор ўзининг Олий Руҳ қиёфасида шартланган руҳнинг моддий табиат чангалидан халос бўлишга самимий интилаётганини кўриб, ичидан Олий Руҳ, ташқаридан эса руҳий устоз бўлиб, унга чуқур тафаккур ато этади; Парвардигор шартланган руҳларга насихатлар("Бҳагавад-гита") бериш учун моддий оламга ўзи ташриф буюриши мумкин. Адашган руҳларни ўзининг даргоҳига, Парвардигорнинг салтанатига қайтариш учун Парвардигор ҳар қандай имкониятдан фойдаланади. Биз Парвардигорнинг олдида ўтаб бўлмас қарздор эканимизни ҳамиша эсда сақлаб юришимиз лозим, чунки У ҳамиша бизларни аввалги мангу бахтиёр ҳаётимизга қайтаришга ҳаракат қилади. Парвардигорнинг бизларга қилган яхшиликлари қарзини биз ҳеч қачон қайтара олмаймиз, шунинг учун биз фақат Ундан чексиз миннатдор бўлиб, қўл ковуштириб унга илтижо қилишдан бошқа олжымиз йўқ. Қандай қилиб чақалоқ онасининг қорнида Худого илтижо қилиши таърифланган бу гапларга ишончсизлик билан қарайдиган атеистлар топилиб қолиши мумкин.қандай қилиб онасининг қорнида ётган чақалоқ Парвардигорга шундай ажойиб илтижо қилиши мумкин? Лекин Парвардигорнинг марҳамати билан ҳамма нарса бўлиши мумкин. Сиртдан қараганда чақалоқ ҳақиқатан ҳам жуда оғир шароитда ётгандай бўлиши мумкин, лекин унинг руҳий табиати ўзгармай қолаверади, бунинг устида Парвардигор ҳам, аввалгидай ҳамиша у билан бирга. Парвардигорнинг илоҳий қуввати амалга оширишга қодир бўлмаган бирор иш йўқ.

Текст 19

Бошқа турдаги таналар ичидаги тирик мавжудотлар ташқи оламни фақат инстинкт билан қабул қиладилар: улар фақат ана шу тана учун ёқимли ва ёқимсиз нарсаларни ажрата оладилар. Мен эса, сезгиларни жиловлаб олиш ҳамда ўз бурчимни англаб етиш имконини берадиган танага эгаман, шунинг учун мен чуқур эҳтиром билан Парвардигор олдида бош эгаман, чунки мен Унинг марҳамати билан мана шу танага эга бўлдим ва Уни ҳам ташқарида, ҳам ўз қалбимда кўриш қобилиятига эга бўлдим.

Изоҳ: Тирик мавжудот ҳар хил биологик турларга мансуб бўлган моддий таналарга эга бўладиган эволюцион ривожланиш жараёни худди гулнинг ривожланишини эслатади. Ривожланиш жараёнида гул ҳар хил босқичлардан ўтади: аввалига ғунча пайдо бўлади, кейин у очила бошлайди, кейин у тўла гуллаб, чиройли тусга кириб, атрофга анвойи хид тарата бошлайди. Худди шундай, моддий таналарнинг 8.400.000 тури мавжуд, эволюцион ривожланиш жараёнида тирик мавжудот аста-секин ҳаётнинг куйи шаклларида олий шаклларига ўтади. Инсон танасидаги ҳаёт энг юқори даражада ривожланган ҳаёт ҳисобланади, чунки унда тирик мавжудотга туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан халос бўлиш имконини берадиган онг ато этилади. Агар чақалоқнинг омади келса, у ҳали онасининг қорнидаёқ ўзининг бошқа тирик мавжудотлардан афзаллигини англаб этади. Инсон танасидаги ҳаётнинг бошқа таналардаги ҳаётдан асосий фарқи мана шунда. Таналари инсон танаси сингари мукамал бўлмаган ҳайвонлар фақат ўзларининг танасига ёқимли ва ёқимсиз бўлган нарсаларни сеза оладилар, шунинг учун улар фақат танасининг овқатланиш, ухлаш, жинсий алоқа ва ўзини ҳимоя қилиш талабларини қондириш ҳақида ўйлайдилар. Лекин инсон танасидаги тирик мавжудот Худонинг марҳамати билан ўзининг алоҳида ҳолатга қўйилганини тушуниш ҳамда ўзини ва Олий Шахс Худони англаб етиш учун етарли даражада ривожланган онгга эга.

Дама-шарира ибораси шунини билдирадики, биз ҳиссиётимизни ва ақлимизни жиловлаб олиш имкониятини берадиган танага эгамиз. Бизнинг моддий оламда тирикчилик қилишда давом этишимизнинг боиси ўзимизнинг ақлимиз ва сезгиларимизни жиловлай олмаётганимизда. Биз ана шундай ажойиб тана бериб қўйгани учун Парвардигорга миннатдорчилик билдиришимиз ҳамда ундан тўғри фойдаланишимиз лозим. Инсон билан ҳайвоннинг бир биридан фарқи шундаки, ҳайвон ўзини бошқара олмайди, уят, одоб нима экани ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас, инсон эса одоб-ахлоқ туйғусига эга ва ўзини бошқара олади. Ўзини бошқара олиш қобилиятини намоён этмайдиган кишининг ҳайвондан фарқи қолмайди. Ҳиссиётини жиловлаб олиб, яъни йоганинг қонун-қоидаларига риоя қилиб, бизлар ҳақиқий "мен"имизнинг табиатини, Олий Руҳни, бизни ўраб турган оламни ва уларнинг ўзаро муносабатларини англаб ета оламиз; ҳиссиётини жиловлаб олган киши ҳар нарсага қодир бўлади. Аксинча, ўзининг ҳиссиётини жиловлай олмаган киши ҳайвонлар билан бир қаторда туради.

Мазкур шеърда гап ўзининг ҳиссиётини англаб етган киши эришадиган руҳий ўзликни ҳақиқий англаб етиш ҳақида борапти. Ўзликни англаш жараёнида биз Олий Шахс Худони ва ўзимизни англаб етишга интилишимиз лозим. Ўзини Парвардигор билан тенг деб ҳисоблайдиган киши ўзининг ҳақиқий "мен"ининг табиати ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмайди. Бу ерда аниқ айтилганки, Парвардигор – анади, ёки пурана, яъни Унинг мавжудлигига Ўзидан бошқа сабаб йўқ, тирик мавжудотни эса, Парвардигор яратган бўлиб, тирик мавжудот Унинг ажралмас бир қисмидир. "Брахма-самхита" ҳам буни тасдиқлайди: анадир адир

говиндах – Говинданинг, яъни Парвардигорнинг манбаи йўқ. У туғилмаган, тирик мавжудот эса Ундан туғилади. Бу ҳақда "Бҳагавад-гита"да ҳам айtilган: мамаивамшаҳ – тирик мавжудот ҳам, Парвардигор ҳам туғилмаган, лекин шуни тушуниб олиш лозимки, заррача(тирик мавжудот)нинг олий манбаи Олий Шахс Худо бўлади. Шунинг учун "Брахма-самхита"да бутун борлиқ Олий Шахс Худодан чиққан деб айtilган(сарва-карана-каранам). Буни "Веданта-сутра" ҳам тасдиқлайди: джанмадй асйа йатах – Мутлак Ҳақиқат бошланғич манба бўлиб, барча тирик мавжудотлар ундан дунёга келган. "Бҳагавад-гита"да ҳам Парвардигор Шри Кришна шундай дейди: "Мен – бутун борлиқнинг, шу жумладан Браҳма, Шива ва бошқа барча тирик мавжудотларнинг манбаиман". Шуни тушуниш – ўзини англаб етиш демакдир. Инсон ўзини мустақил зот деб ўйламасдан, хамиша Парвардигорнинг ҳукми остида эканини эсда сақлаши лозим. Агар ҳақиқатан ҳам мустақил бўлса, қандай қилиб у шартланган ҳаёт чангалига тушиб қолган?

Текст 20

Шунинг учун, эй Парвардигор, мен ҳозир яшаётган шароит қанчалик даҳшатли бўлишига қарамай, яна моддий ҳаётнинг чуқур кудуғига тушиб қолмаслик учун мен онам қорнидан ташқарига чиқишни истамайман. Инсон дунёга келган заҳоти Сенинг ташқи қувватинг, дева-майя қопқонига илиниб қолади, туғилиш ва ўлишларнинг мангу чархпалагидан чиқиб кетиш йўлини топмасдан яна ўзини алдамчи моддий танасига қиёслаб бошлайди.

Изоҳ: Она қорнида қамалиб ётар экан, чақалоқ жуда оғир ва хатарли ҳолатда бўлади, унинг ягона афзаллик томони шундаки, ана шу пайтда тирик мавжудотда пок онг уйғонади, ўзининг Парвардигорга қарам эканини англаб етиб, у ўзини бу ҳолатдан қутқаришни тилаб Худого илтижо қила бошлайди. Лекин дунёга келган заҳоти у Парвардигорнинг алдамчи қуввати, майя ҳукми остига тушиб қолади, у шунчалик кучлики, уни Парвардигорни эсдан чиқаришга ва яна ўзини танага қиёслашга мажбур қилади. Майя ибораси "алданиш" ёки "аслида мавжуд бўлмаган нарса" деганини билдиради. Моддий оламда ҳар бир тирик мавжудот ўзини танасига қиёслайди. Ўзини тана деб нотўғри тасаввур қилиш чақалоқда у она қорнидан дунёга келган заҳоти бошланади. Онаси ва бошқа қариндошлари чақалоқнинг дунёга келишини сабрсизлик билан кутадилар, у дунёга келганида эса, онаси унга сут бериб парваришлай бошлайди, қолган қариндошлар эса унинг атрофида парвона бўлиб, уни эркалай бошлайдилар. Шунинг учун ёш бола ўзининг ҳақиқий ҳолатини тез унутиб юборади ва қариндошлик ришталари тўрига илиниб қолади. Моддий оламдаги тирикчилик бутунлай мана шу қариндошлик ришталари асосида тузилган бўлади. Ҳақиқий илмга эга бўлиш – ўзида "мен бу тана эмасман. Мен – руҳий табиатга эга бўлган жон. Парвардигорнинг ажралмас заррачасиман" дегант онгни ривожлантиришдир. Ҳақиқий илмга эга бўлган киши ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан воз кечади, яъни ўзини тана деб ҳисоблашни тарк этади.

Майя, яъни Парвардигорнинг ташқи қуввати таъсири остида тирик мавжудот дунёга келган заҳоти

ҳамма нарсани эсидан чиқариб юборади. Шунинг учун Парвардигорга илтижо қилар экан, чақалоқ айтяптики, дунёга келмасдан, онасининг қорнида қолишни истайди. Маълумки. Айнан ана шу мақсадда Шукадева Госвами ўн олти йил давомида онасининг қорнида ётган; у ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурларга асир бўлиб қолишни истамаганди. Онасининг қорнида руҳий илмга эга бўлиб, у шунинг учун олти ёшида дунёга келди ва майя таъсирига берилиб кетмаслик учун шу заҳотиёқ уйини тарк этди. "Бҳагавад-гита"да Парвардигор Шри Кришна майянинг ҳукмини енгиб бўлмаслигини айтади, лекин ана шу енгилмас майяни Кришнани англаш усулидан фойдаланган киши енга олади. Бу ҳам "Бҳагавад-гита"да тасдиқланган(7.14): мам эва йе прападйанте майам этам таранти те. Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига ўз ихтиёрини топширган киши ҳаёт ҳақидаги сохта тасаввурлардан халос бўлади. Фақат майя таъсири остида тирик мавжудот ўзининг Кришна билан ўзаро мангу муносабатларини унутиб, ўзини танасига ва танасининг фаолияти билан боғлиқ нарсалар: хотини, болалари, қариндошлари, дўстлари ва яқинларига қиёслаб юради. Шу тариқа у майя қурбони бўлиб қолади ва моддий олам тутқунлигида, туғилиш ва ўлишларнинг мангу чархпалагида ўзини яна ҳам оғирроқ мусибатларга дучор қилади.

Текст 21

Шунинг учун ўзимни қўлга олиб, мен яқин дўстим, пос онг ёрдамида ғофиллик зулматидан чиқиб кетишга ҳаракат қиламан. Парвардигор Вишнунинг нилуфар қадамлари пойини эсимда сақлаган ҳолда, мен туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан халос бўламан ва она қорнига такрор ва такрор киришдан қутуламан.

Изоҳ: Шартланган тирик мавжудотнинг мусибатлари у оансининг уруғлик ҳужайралари билан қўшиладиган отасининг уруғлигига киргандан пайтдан бошланиб, она қорнидан дунёга келгандан кейин ҳам давом этади. Бу мусибатларнинг охири кўринмайди. Бир нарса аниқки, тирик мавжудот танасини алмашлаганда ҳам бу мусибатлар адо бўлмайди. Бизнинг танамиз ҳар дақиқа сайин ўзгариб, алмашиб туради, лекин бу ёш ўтиши билан мусибатлар камаяди ёки, она қорнидан чиққандан кейин чақалоқ изтироб чекмайди дегани эмас. Шунинг учун биз қилишимиз мумкин бўлган ягона иш - қалбимизда Кришна онгини ривожлантиришдан иборат. Бу ерда айtilганки: упасадита-вишну-падаҳ, яъни "Кришна онгига эга бўлиш". Худонинг марҳамати билан чуқур тафаккурга эга бўлган ваКришнани англашга интилиб юрган киши олий мақсадга эришади, чунки кришна онги ёрдамида у у туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан чиқиб кета олади.

Худого илтижо қилар экан, чақалоқ айтадики, ташқарига чиқиб яна алдамчи қувватнинг қурбони бўлгандан кўра она қорнидаги зулматда қолиб кришнани эслаб юрган яхши. Алдамчи қувват она қорнида ҳам, ундан ташқарида ҳам ҳаракат қилади, шунинг учун гап тирик мавжудотнинг қаерда бўлишида эмас, балки унинг Кришна онгига қанчалик фарқ бўлганида. Агар у хамиша Кришна онгига юришга кодир бўлса, моддий ҳаётнинг даҳшатли шароитлари унга халокит бера олмайди ёки унга халокатли таъсир кўрсата олмайди. "Бҳагавад-гита"да айtilганки,

инсоннинг ақли унга дўст бўлиши ҳам, душман бўлиши ҳам мумкин. Бу ерда ҳам шу фикр такрорланган: сухридатманаива, яъни “дўст-тафаккур”. Ўзлигини англаб етишнинг ва озодликка чиқишнинг энг ишончли йўли – ақлни бевосита Кришнага хизмат қилишда машғул қилиш ва қалбида Кришна онгини ривожлантириш. Биз ўзимизни қўлга олиб, бхакти-йога, яъни Кришнани англаш билан жиддий шуғуллана бошлашимиз лозим. Бунинг учун ҳаммиша мантра зикр қилиб юришимиз лозим, - Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре – шунда биз туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан биратўла чиқиб кета оламиз.

Шундай савол туғилиши мумкин: қандай қилиб онасининг қорнида ётган чақалоқ, Кришнани англаш билан шуғулланиш учун зарур бўлган бирор нарсага эга бўлмай туриб, Кришнани шундай аниқ англаб етиши мумкин? Лекин, аслида Олий Шахс Худо, Парвардигор Вишнуга сиғиниш учун ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Чақалоқ она қорнида қолишни, айна пайтда майя чангалидан озодликка чиқишни истайди. Кришна онгини ривожлантириш моддий шароитларга боғлиқ эмас. Агар инсон ҳаммиша Кришна ҳақида ўйлаб юрса, бу иш билан ҳар қандай шароитда ҳам шуғулланиши мумкин. Ҳатто она қорнида ҳам маха-мантра зикр қилиш мумкин: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Маха-мантрани ҳамма жойда: уйкуда, ишда, она қорнида, ундан чиққандан кейин зикр қилиш мумкин. Тирик мавжудотга қалбида Кришна онгини ривожлантиришга ҳеч қандай шароит халақит бера олмайди. Худого қилган илтижоларининг охирида чақалоқ шундай дейди: “Менга ҳеч қачон она қорнини тарк этмасликка рухсат бер. Гарчи бу ердаги шароит жуда оғир бўлса ҳам, ташқарига чиқиб яна майянинг қурбони бўлгандан кўра, шу ерда қолганим яхши”.

Текст 22

Парвардигор Капила давом этди: Она қорнидаги ўн ойлик чақалоқ Худодан шуни илтимос қилади, аммо шу тариқа у Парвардигорни олқишлаб турганида, туғишга ёрдам берадиган ҳаво оқими унинг калласини пастга қаратиб, уни она қорнидан ташқарига итариб чиқаради. Шу тарзда у дунёга келади.

Текст 23

Ҳавонинг тўсатдан юзага келадиган босими уни она қорнидан ташқарига чиқишга мажбур қилади. Оғир изтироблар билан, калласи пастга қараган ҳолда, у нафас ололмасдан, қаттиқ оғриқ сабабли хотирасини, хушини йўқотиб дунёга келади.

Изоҳ: Криччхрена ибораси “қаттиқ қийинчилик билан” деган маънони билдиради. Чақалоқ ҳаво оқимининг босими остида ингичка йўлак орқали она қорнидан ташқарига чиқар экан, унинг нафаси бўғилиб қолади, қаттиқ оғриққа чидамай у хотирасини йўқотади. Баъзан у хис қиладиган оғриқ шунчалик қаттиқ бўладики, чақалоқ ўлик ёки чалажон бўлиб туғилади. Чақалоқ дунёга келганда қанчалик изтироб чекишини тасаввур қилиш мумкин. Ўн ой давомида чақалоқ она қорнида даҳшатли шароитда ётади, кейин эса, вақти келганда уни кўполлик билан у ердан зўрлаб итариб ташқарига

чиқариб ташлайдилар. "Бхагавад-гита"да Парвардигор айтадики, ҳақиқатан ҳам рухий баркамолликка эришишни истаган киши туғилиш, ўлиш, кексалик ва касаллик азобларини ҳаммиша эсида саклаши лозим. Дунёвий олимлар илм-фан тараққиётида қанчалик муваффақиятларга эришмасинлар, улар ҳеч қачон инсонни моддий оламда яшаш билан боғлиқ бўлган азоб-уқубатларнинг мана шу тўрт туридан халос эта олмайдилар.

Текст 24

Чақалоқ ахлат ва сийдик билан аралашиб ерга тушади ва худди тезак билан бирга тушган қуртга ўхшаб ахлат ичида кўзғала бошлайди. У олий илмни эсидан чиқариб. Майя чангалига тушганидан қаттиқ чинқириб йиғлай бошлайди.

Текст 25

Чақалоқ дунёга келгандан кейин, унга нима кераклигини тушунмайдиган одамлар қўлига тушиб қолади ва шу одамлар уни парваришлай бошлайди. Унга ўзи истамаган нарсаларни бера бошлайдилар, ноилоҳ аҳволга тушиб қолган болакай эса, ҳатто уларга қаришилк ҳам кўрсата олмайди.

Изоҳ: Чақалоқ она қорнида экан, унинг озиқланишини табиатнинг ўзи назорат қилади. Она қорнидаги муҳитни яхши деб айтиш қийин, лекин чақалоқнинг озукасини табиат қонунлари етарли миқдорда етказиб беради. Лекин, она қорнидан чиққандан кейин чақалоқ бутунлай бошқа шароитга тушиб қолади. У бир нарса егиси келаётган бўлса, унга умуман бошқа нарса берадилар, чунки унга аслида нима кераклигини ҳеч ким билмайди, у эса уларга қаришилик ҳам қилолмайди. Баъзан чақалоқ она сутини истаб йиғлайди, аммо энагаси унинг қорни оғриётган бўлса керак деб, унга аччиқ дори бера бошлайди. Чақалоқ дорини ичгиси келмайди, лекин у бунга қаришилик қила олмайди. Шундай қилиб, дунёга келгандан кейин у жуда ачинарли ҳолатга тушиб қолади ва изтироб чекишда давом этади.

Текст 26

Тердан ҳўл бўлган, микроблар бижғиб ётган тўшакда ётар экан, бечора бола ўтириш, туриш ёки жойини ўзгартириш нари турсин, ҳатто қичиган жойини қаший олмайди.

Изоҳ: Яна эслатиб ўтиш мумкинки, қаттиқ изтироблар ичида дунёга келган чақалоқ йиғлаб туғилади. Лекин бу билан унинг кўз ёшлари ва изтироблари тамом бўлмайди. Кичкина чақалоқ деярли тинмасдан йиғлайди, чунки унга сийдик ва ахлати билан ифлос бўлган тўшагида бижғиб ётган микроблар азоб беради, унинг ўзи эса ўзининг бу аҳволини яхшилаш учун бирор иш қилишга қодир эмас.

Текст 27

Худди кичкина қуртлар катта қуртни тишлагани сингари, бечора чақалоқнинг нозик танасини пашша, чивин, бурга ва бошқа ҳашаротлар қақади, илмдан махрум бўлган чақалоқ эса, хўрсиниб-хўрсиниб йиғлайди.

Изоҳ: вигата-джанам ибораси шуни билдирадики, майя хукми остига тушиб қолган чақалоқ она қорнида эга бўлган руҳий илмдан маҳрум бўлади. Онасининг қорнидан чиққандан кейин у бошидан кечирishi лозим бўлган изтироблар унинг озодликка чиқишни қанчалик орзу қилганини эслашига тўсқинлик қилади. Айтадиларки, ҳатто улуғвор руҳий илмга эга бўлган киши ҳам ёмон шароитга тушиб қолиб, уни эсдан чиқариши мумкин. Ёш болалар эмас, ҳатто биз катталар ҳам қалбимиздаги Кришна онгини авайлаб асрашимиз, ўзимизнинг асосий бурчимизни унутиб қўйиш эҳтимоли катта бўлган хатарли вазиятларга тушмасликка ҳаракат қилишимиз лозим.

Текст 28

Унинг болалиги ана шундай изтиробларда ўтади. Болаликдан кейин унинг ёшлик даври бошланади, лекин бунда ҳам унинг изтироблари адо бўлмайди. Чексиз истаклар унга азоб бера бошлайди, истакларини амалга ошира олмай қолганида, у ғофиллиги сабабли қаттиқ саросимага тушади ёки ғазабланади.

Изоҳ: чақалоқ туғилганидан бошлаб у беш ёшга тўлганча ўтадиган даврни болалик деб атайдилар. Беш ёшдан ўн беш ёшгача бўлган давр пауганда(ўсмирлик) деб аталади. Ўн беш ёшдан унинг ёшлиги бошланади. Капила Муни чақалоқнинг болалик даврида бошидан кечирадиган азоблари ҳақида гапириб берган эди. Чақалоқ ўсмирлик даврига етганида, унинг ҳаётида мусибатларнинг янги босқичи бошланади: уни жонга тегадиган мактабга юборадилар. У болалар билан ўйнашни истайди, лекин уни мактабга боришга, ўқишга, имтиҳонларга тайёрланишга мажбур қиладилар. Яна у ўзи ёқтирган ўйинчоқларни оломаганидан қийналади, бу унга қаттиқ азоб беради. Бошқача қилиб айтганда, ҳали ёшлигида эмас. Ҳатто ўсмирлик даврида ҳам инсон худди болалигидагидай бахтсиз бўлиб қолаверади. Болаларнинг ўйнашга бўлган истакларининг, инжиқликларининг чеги йўқ, агар улар истаган нарсасига эриша олмасалар, ҳафсаласи пир бўлиб, қаттиқ ғазабланадилар, бу эса улар учун янги мусибатлар манбаига айланади.

Текст 29

Тирик мавжудотнинг танаси билан бирга унинг мағрурлиги ҳам ўса бошлайди. Қалбида руҳ учун ҳалокатли бўлган манманлик ва ғазаб оловини кучайтириб, инсон ўзига ўхшаб эҳтирос домига тушиб қолган бошқа одамлар билан ўзаро душманлик қила бошлайди.

Изоҳ: "Бҳагавад-гита"(3.36)нинг учинчи бобида Аржун Кришнадан тирик мавжудотни қамраб оладиган эҳтироснинг сабаби нимада эканини сўрайди. Муқаддас китобларда айтилганки, тирик мавжудот мангу ва шунинг учун сифат жиҳатидан Парвардигордан фарқ қилмайди. Нимага унда тирик мавжудот моддий табиатнинг қурбони бўлади ва моддий қувват таъсири остида шунча гуноҳ ишлар қилади? Аржуннинг саволига жавб бера туриб, Парвардигор Шри Кришна айтадики, тирик мавжудот ўзининг улуғвор ҳолатидан маҳрум бўлади ва эҳтирос таъсири остида моддий

тирикчиликнинг даҳшатли шароитига тушиб қолади. Эҳтирос кейинчалик ғазабга айланади. Эҳтирос ҳам, ғазаб ҳам эҳтирос гунасидан бошланади. Эҳтирос бевосита эҳтирос гунасидан пайдо бўлади, агар эҳтиросқондирилмаса, ғафлат гунасига мансуб бўлган ғазабга айланади. Руҳни қамраб олган ғофиллик унинг тубанликка юз тутишига ва ўзахий ҳаётнинг энг даҳшатли шароитларига тушиб қолишига сабаб бўлади.

Дўзахий ҳаёт шароитидан қутулиб кетиш ва руҳий борлиқнинг олий поғонасига кўтарилиш учун эҳтиросни Кришнага бўлган муҳаббатга айлантириш лозим. Вайшнавлар сампрадайасининг буюк ачарйаси Шрила Нароттама дас Тхакур шундай дейди: кама кришна-кармарпане – эҳтирос қалбимизда хиссий лаззатланиш билан боғлиқ бўлган сон-саноксиз истакларни юзага келтиради, лекин эҳтиросни поклаб, сифатини ўзгартирсак, ана шу эҳтирос бизга Олий Шахс Худони мамнун қилишга қаратилган истакларга ундайди. Ғазабдан ҳам Худога садоқат билан хизмат қилишда фойдаланиш мумкин, уни имонсиз даҳрийларга ёки Худога душманлик қиладиган кишиларга қаратиш мумкин. Эҳтирос ва ғазаб бизларни моддий оламга олиб келди, лекин ана шу сифатлардан қалбимизда кришна онгини ривожлантириш ва соф руҳий мавжудлик ҳолатига қайтиш учун фойдаланиш мумкин. Шунинг учун Шрила Рупа Госвами бизларга моддий оламда бизларни ўраб турган лаззат келтирадиган, фақат танада жонни сақлаб туриш учунгина зарур бўлган нарсаларга боғланиб қолмасликни, балки улардан Кришнанинг сезгиларини лаззатлантиришда фойдаланишни тавсия қилган. Моддий оламга ҳақиқий боғланмасликнинг, таркидунёликнинг моҳияти шундан иборат.

Текст 30

Ғофиллиги сабабли тирик мавжудот беш унсурдан таркиб топган моддий танасини ўзим деб ҳисоблайди. Ҳаёт ҳақидаги мана шу сохта тасаввурлар уни ўткинчи нарсаларни ўзининг мулки деб ҳисоблашга мажбур қилади, натижада у ғофиллик зулматида тобора чуқурроқ ғарқ бўлади.

Изоҳ: Мазкур шеърда тирик мавжудотнинг қандай қилиб ғофиллик зулматида тобора чуқурроқ ғарқ бўлиши таърифланган. Бу жараён инсон ўзини беш унсурдан таркиб топган моддий танага қиёслани туфайли бошланади. Кейин у танаси билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммасини ўзининг мулки деб ҳисоблай бошлайди. Шу тарзда у ғафлат уммонига тобора чуқурроқ ғарқ бўлаверади. Тирик мавжудот мангу, лекин у вақтинчалик нарсаларни мангу деб қабул қилиб, ўзи учун нима яхши ва нима ёмонлиги ҳақида нотўғри тасаввурларга асосланиб яшагани сабабли, у ғофилликка ғарқ бўлади ва ўзини моддий мусибатларга дучор этади.

Текст 31

Барча ташвишлар манбаи бўлган ва ҳамиша ғофиллик ва кармали фаолият тузоғига тушиб қолган одам изидан эргашиб юрадиган ўзининг танаси учун инсон ҳар хил гуноҳ ишлар қилади, ана шу гуноҳ ишлар уни моддий оламда такрор ва такрор туғилишга ва ўлишга мажбур қилади.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"да айтилганки, одамлар Ягъя(Вишну)ни мамнун қилиш учун меҳнат қилишлари лозим, чунки Олий Шахс Худони рози қилишга қаратилмаган ҳар қандай фаолият моддий оламда тутқун бўлишга сабаб бўлади. Шартланган ҳолатда тирик мавжудот танасини ўзим деб билади, шунинг учун Олий Шахс Худо билан ўзаро муносабатларини унутиб қўяди ва ўз танасининг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилади. У ўзининг танасини ўзим, танасининг фаолияти натижаси бўлган маҳсулотларини – қариндош деб билади, ўзи дунёга келган жой унга муқаддас бўлиб кўринади. Ана шундай сохта тасаввурлардан келиб чиққан ҳолда тирик мавжудот бирин-кетин бемаъни ишларни қила бошлайди, бу ишлари эса уни ҳар хил ҳаёт турлигига мансуб бўлган таналарда такрор ва такрор тўғилиш ва ўлишга мажбур қилади.

Ҳозирги замонавий жамиятда сиёсий ва миллий арбоблар, яъни давлат ҳокимияти кўлида бўлган раҳбарлар халқни ҳақиқат йўлидан оғдириб ва жамиятда одамларга ҳаёт ҳақида моддий тасаввурларни сингдириб, одамларни тобора кўпроқ адаштириб юборяптилар. Натижада йўлбошчиларнинг ўзлари ва уларнинг изидан бораётган одамлар дўзахга тушадилар ва шу ерда кўплаб умрларини ўтказадилар. "Шримад Бхагаватам"да бу шундай мисол билан тушунтирилган: андха йатхандхаир упанийамаһа – кўр одам изидан бошқа кўр одамларни эргаштириб бораётган бўлса, оқибатда улар ҳаммаси жарликка қулайдилар. Бу бизларнинг кўз ўнгимизда рўй берапти. Жаҳонда изидан ғофил одамларни эргаштириб кетаётган раҳбарлар кўп, аммо, уларнинг ўзлари ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлгани сабабли, инсонлар жамиятида на тинчлик, на фаровонлик йўқ. Ҳар хил жимсоний машқлар бажариш билан шўғулланадиган йоглар ҳам ғофил одамлар тоифасига киради, чунки хатха-йога биринчи навбатда ҳаёт ҳақида жуда кучли моддий тасаввурга эга бўлган кишилар учун мўлжалланган. Шундай қилиб, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, токи инсон ҳаёт ҳақида моддий тасаввурдан халос бўлмас экан, у такрор ва такрор тўғилиш ва ўлишга мажур бўлади.

Текст 32

Шунинг учун агар одам ҳиссий лаззатларга берилган, айшу-ишрат излаб юрган ёки нафс(тили)нинг қули бўлиб қолган одамлар таъсири остида яна гуноҳ ишларга қўл урса, у яна дўзахга равона бўлади.

Изоҳ: Аввал айтганимиздек, шартланган руҳ Андхатамисра ёки Тамисра деган дўзахга тушади, шу ерда жазо олиб бўлгандан кейин, дўзахий ҳаёт турларидан бирида туғилади, яъни ит ёки чўчка танасига эга бўлади. Ана шундай таналардан бир нечасини алмаштириб, у яна инсон танасига эга бўлади. Шунингдек Капиладева инсон қандай қилиб бу дунёга келишини ҳам таърифлаб берди. Инсоннинг танаси шартланган руҳнинг мусибатлари давом этадиган она қорнида шаклланади. Агар ана шу мусибатларни бошидан кечириб ва яна бир марта инсон танасида туғилиш имкониятига эга бўлиб ҳам, тирик мавжудот ўзининг нодир умрини фақат жинсий алоқа ва ширин таомлар ҳақида ўйлайдиган кишилар билан бирга бўлиб ўтказса, у яна тубанликка

юз тутади ва ўша Тамисра ва Андхатамисра дўзахларига равона бўлади.

Одамларнинг аксарият кўпчилигининг фикру-хаёли асосан тили ва жинсий аъзоларининг талабини қондириш ташвиши билан банд бўлади. Моддий ҳаёт шундай. Моддий ҳаётнинг мазмуни руҳий ўзлигини англаб етиш йўли ва ўзининг ҳақиқий "мен"ининг табиати ҳақида ўйламасдан, фақат еб-ичиб хурсандчилик қилишдан иборат. Дунёвий одамлар фақат тили, қорни ва жинсий аъзоларининг талабларини қондириш билан машғул бўлганлари сабабли, руҳий баркамолликка эришишга интилиб юрган кишилар улар билан яқин муносабатда бўлишдан ўзларини тийишлари лозим. Дунёвий одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиш ўзини ўзи ўлдириш билан баробар. Шунинг учун айтилганки, донишманд киши ана шундай хатарли суҳбатлардан узоқроқ юриб, иложи борича кўпроқ вақтини тақводор авлиё зотлар даврасида ўтказишга интилиши лозим. Инсон руҳий инсонлар билан ҳамсуҳбат бўлганида унинг ҳаётнинг руҳий мақсади борасидаги барча шубҳаю-гумонлари тарқалиб кетади ва у руҳий ўзлигини англаш йўлидан тез ривожланади. Баъзан у ёки бу диний қонун-қоидаларга қаттиқ боғланиб қолган ақидапараст одамларни учратиш қолиш мумкин. Ўзларининг диний қонун-қоидаларига риоя қилиб, индуслар, мусулмонлар ва масихийлар эҳромларга, масжидларга ва черковларга борадилар, лекин афсуски, улар фақат тили ва жинсий аъзосининг талабини қондириш ҳақида ўйлайдиган кишилар билан ҳамсуҳбат бўлишдан воз кеча олмайдилар. Мазкур шеърда аниқ айтилганки, ўзини диндор, тақводор одам деб юрган, лекин айна пайтда ана шундай пасткаш одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиб юрган кишилар албатта тубанликка юз тутадилар ва дўзахнинг энг қоронғу жойларига равона бўладилар.

Текст 33

У ўзининг поклигини ва ростгўйлигини йўқотади, ҳамдардлик, ачиниш туйғусидан, ақлини жамлаш қобилиятидан, руҳий тафаккурдан, ор-номусидан, риёзат(қаноати)дан, шон-шухратидан, сабр-тоқатидан ҳамда ақли ва сезгиларини жиловлай олиш қобилиятидан, омадидан ва бошқа барча эзгу фазилатларидан маҳрум бўлади.

Изоҳ: Жинсий алоқага муккасидан кетган кишилар бошқа тирик мавжудотларга ҳамдардлик қилиш нари турсин, ҳали Мутлақ Ҳақиқатнинг табиатини англаб етишга ва ўзларининг поклигини сақлашга ҳам қодир эмаслар. Улар ҳаёт ҳақида жиддий фикр юритиб яшай олмайдилар, уларни инсон ҳаётининг олий мақсади кизиқтирмайди. Инсон ҳаётининг олий мақсади Кришна, яъни Парвардигор Вишну, лекин, жинсий алоқага муккасидан кетган кишилар улар учун ҳақиқий бахт Кришна онгига эришиш эканини тушунишга қодир эмаслар. Ана шундай одамлар одоб-ахлоқ, ор-номус ҳақида озгина бўлса ҳам тасаввурга эга эмаслар, шу боис муҳаббат эркинлиги деб, одамлар олдида, паркларда худди ит-мушуклар сингари бир бири билан кучоқлашиб, ўпишиб юрадилар. Ана шундай бахтиқаро мавжудотлар ҳеч қачон моддий фаровонликка эриша олмайдилар. Улар ўзларини худди ит ва мушуклардай тутадилар, шунинг учун ўзлари ҳам ит ва мушуклардай

яшайдилар. Улар ўзидан яхши ном қолдириш нари турсин, ҳатто ўзларининг моддий ахволини ҳам ўнглаб ололмайдилар. Баъзан шундай одамлар ҳатто ўзларини йога билан шуғулланаётган қилиб кўрсатадилар, лекин улар йога билан шуғулланишдан асосий мақсад ақлини ва сезгиларини жиловлаб олишга қодир эмаслар. Ана шундай одамлар ҳеч қачон бой-бадавлат яшай олмайдилар. Бир сўз билан айтганда, уларни бахтиқаро омадсиз одамлар деб аташ мумкин.

Текст 34

Содиқ хизматкор ўзининг руҳий табиати ҳақида ҳеч нарса билмайдиган ва худди қўлга ўргатилган кучукдай, аёлларнинг нағмасига ўйнайдиган ашаддий нодон одамлар билан ҳамсуҳбат бўлмаслиги керак.

Изоҳ: Шундай нодон одамлар билан ҳамсуҳбат бўлмаслик биринчи навбатда бхакти-йога, яъни Кришнани англаш билан шуғулланиб юрган кишиларга бериладиган маслаҳат. Инсон Кришнани англашда юксала борган сари унда ростгўйлик, поклик, раҳмдиллик, жиддийлик, руҳий тафаккур ва очиклик сингари фазилатлар ривожланиб боради, у чидамли, сабр-тоқатли бўла боради, ақлини ва ҳиссиётини жиловлаш қобилиятига эга бўлади. Бу сифатларнинг ҳаммаси инсонда унинг Кришнани англашда юксала бориши билан ривожланади. Лекин, агар у шудралар билан, худди ўргатилган кучуклар сингари аёлларнинг гапига кириб кетадиган одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиб юрса, у руҳий баркамолликка эриша олмайдди. Парвардигор Чайтанья айтганки, Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган ва моддий ғофиллик уммонини кечиб ўтишга интилаётган киши аёллар билан ёки моддий лаззатларга муккасидан кетган кишилар билан ҳамсуҳбат бўлмаслиги керак. Кришна онгига эга бўлишни истаган киши учун бундай суҳбатлар ўзини ўзи ўлдириш билан баробар.

Текст 35

Бу дунёдаги бирор дунёвий боғланиш аёлларга ёки аёллар билан бирга бўлишни ёқтирадиган одамлар билан ҳамсуҳбат бўлишга боғланиш сингари инсоннинг кўзини кўр қилиб ўзига бўйсундириб олишга қодир эмас.

Изоҳ: Аёлларга бўлган боғланиш шунчалик юқумлики, аёлларнинг ўзлари билан ҳамсуҳбат бўлиш эмас, ҳатто уларга қаттиқ боғланиб қолган одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиш ҳам инсонни моддий ҳаётга ёпиштириб қўяди. Тирик мавжудотнинг шартланган ҳолатга тушиб моддий оламда яшашининг сабаблари кўп, лекин, уларнинг энг асосийси аёллар билан ҳамсуҳбат бўлиш ҳисобланади, бу ҳақда кейинги шеърларда ҳикоя қилинади.

Кали-югада аёллар билан ҳамсуҳбат бўлишдан қочиб қутулишнинг амалда иложи йўқ. Биз ҳар қадамда уларга дуч келамиз. Инсон кўчага чиқиб магазинга йўл олар экан, ҳамма жойда аёл тасвири туширилган рекламаларни кўради. Аёлларга бўлган жисмоний интилиш жуда кучли, шунинг учун ҳозирги даврда эркаклар руҳий илм ҳақида жуда кам тасаввурга эга. Руҳий илмга асосланган ведалар жамиятида эркакларнинг аёллар билан учрашиши қатъий чеклаб

қўйилган. Тўрт ижтимоий табақа тизимидаги биринчи, учинчи ва тўртинчи табақа, яъни браҳмачари, ванапрастха ва санньясиларга аёллар билан учрашиш таъқиқланган. Фақат грихастхаларга аёллар билан учрашиш рухсат этилган, ҳатто уларнинг ўзаро муносабатлари ҳам жуда чеклаб қўйилган. Бошқача қилиб айтганда, аёллар билан бирга бўлишга боғланиш моддий оламда шартланган ҳолатда бўлишнинг асосий сабабчисидир, шунинг учун моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишга жиддий интилаётган ҳар бир инсон аёллар билан учрашишдан ўзини тийиши керак.

Текст 36

Ўзининг қизига кўзи тушган маъбуд Браҳма унинг гўзаллигига маҳлиё бўлганидан, ор-номусни ҳам эсдан чиқариб, қизи урғочи кийик қиёфасига кирганида, эркак кийик қиёфасига кириб унинг изидан чопди.

Изоҳ: Маъбуд Браҳма ўз қизининг жилвалари олдида ўзини туюлмади, маъбуд Шива Мохини-муртининг гўзаллигига маҳлиё бўлиб, ўзларининг мисолида бизларга ибратли ўртак кўрсатиб, оддий шартланган руҳлар эмас, ҳатто буюк фаришталар ҳам аёл зотининг жилвалари қурбони бўлиб тубанликка юз тутиши мумкинлигидан огоҳлантирадилар. Шунинг учун эркак кишига ҳатто ўзининг қизи, онаси, ёки синглиси билан ҳам жуда яқин муносабатда бўлмаслик тавсия қилинади чунки ҳиссиётлар шу қадар кучлики, шахвоний эҳтиросга берилиб кетган эркак киши бу аёл ўзининг қизи, онаси ёки синглиси эканини ҳам унутиб қўйиши мумкин. Шунинг учун яхшиси, инсон бхакти-йога билан шуғулланиб, Мадана-Моханага хизмат қилиб, ўзининг ҳиссиётини жиловлашни ўргангани маъқул. Парвардигор Шри Кришнани Мадана-Мохана деб атайдилар, бунинг маъноси “Севги фариштаси(Купидон)ни ҳам мафтун қиладиган Зот” деганни англатади. Фақат Мадана-Моханага хизмат қилиб Мадана, яъни Купидоннинг ҳамласига бардош бериш мумкин. Акс ҳолда ўз ҳиссиётимизни жиловлашга бўлган барча уринишларимиз бизларга муваффақият келтирмайди.

Текст 37

Маъбуд Браҳма яратган барча мавжудотлар: одамлар, фаришталар ва ҳайвонлар орасида донишманд Нараянадан бошқа ҳеч ким аёл қиёфасидаги майянинг жилваларига бардош бера олмайдди.

Изоҳ: Коинотдаги биринчи тирик мавжудот маъбуд Браҳманинги ўзи эди, у биринчи донишмандлар – Маричи ва бошқаларни яратди; улар ўз навбатида Кашьяпа Муни ва бошқа Праджапатиларни яратдилар, Кашьяпа Муни ва Ману фаришталарни, одамлар ва бошқа тирик мавжудотларни яратдилар. Лекин, уларнинг бирортаси аёл қиёфасидаги майянинг жилваларига бардош беролмайдилар. Моддий оламда маъбуд Браҳмадан бошлаб то кичкина чумолигача ҳамма жинсий алоқага интилади. Бугун моддий олам ана шу ўқ атрофида айланади. Маъбуд Браҳмада ўз қизига нисбатан уйғонган эҳтирос – аёллар жилвасига тирик мавжудотлар орасида ҳеч ким бардош бера олмаслигига ёрқин мисол бўла олади. Аёл зоти –

майянинг шартланган рухни алданиш чангалида ушлаб туриш учун яратиб қўйган ғаройиб мўъжизаси.

Текст 38

Энди сен, Менинг битта қош қокиши билан энг буюк жангчиларни ва олам ҳукмдорларини ўзига бўйсунитишга мажбур қила оладиган аёл қиёфасига кирган қувватим, майя қанчалик қудратга эга эканини кўряпсан.

Изоҳ: Инсоният тарихидан биз кўплаб буюк саркардаларнинг қандайдир Клеопатраларнинг нозу-карашмаларининг қурбони бўлганига жуда кўп мисолларни биламиз. Аёл зотининг таърифлаб бўлмас даражада жозибадор табиатини ҳамда эркак кишидаги унга бўлган интилиш кучининг табиатини тушуниш зарур. Ана шу куч қаердан пайдо бўлган? "Веданта-сутра"да айтилганки, бутун борлиқнинг манбаи Олий Шахс Худо: джанмадй асйа йатах. Яъни, Олий Шахс Худо, ёки Олий Зот, Брахман, Мутлақ Ҳақиқат – бутун борлиқдаги ҳамма нарсанинг манбаи. Демак, аёл зотининг жозибадорлиги ҳам, эркак зотининг унинг олдида ночорлиги ҳам Олий Шахс Худода, рухий оламда мавжуд бўлиши ҳамда Парвардигорнинг илоҳий эрмаклариди ўзини намоён этиши керак.

Парвардигор – Олий Шахс, бошланғич олий эркаклик тимсоли. Оддий инсоннинг қалбида мавжуд бўлган аёлни севиш истаги Олий Шахс Худода ҳам бор. Парвардигор ҳам аёл зотининг гўзаллиги Уни ўзига мафтун этишини истайди. Энди шундай саволга жавоб бериш лозим бўлади: агар Парвардигор ҳам аёл зотининг жилвасига учиб, унинг ҳукми остига тушиб қолишни истайдиган бўлса, моддий аёлнинг гўзаллиги Уни ўзига мафтун эта оладими? Албатта, йўк! Ҳатто дунёвий одамлар ҳам, агар уларни Олий Брахмanning гўзаллиги ўзига мафтун этган бўлса, аёлларнинг ишваларига қарши тура оладилар. Бунга Харидас Тхакурнинг ҳаётидаги воқеа мисол бўла олади. Ярим тунда уни чиройли бир фоҳиша аёл йўлдан урмоқчи бўлган эди, лекин, Харидас Тхакур Худога садоқат билан хизмат қилишга бутунлай ғарқ бўлгани ва Парвардигорга нисбатан илоҳий муҳаббат поғонасига эришгани туфайли, унинг нозу-карашмаларига қарши тура олди. Бунинг устига, унинг таъсири остида ўша фоҳиша аёлнинг ўзи Парвардигорнинг буюк содиқ хизматкорига айланди. Шундай қилиб, моддий гўзаллик Парвардигорни ўзига жалб қила олмайди. Агар Парвардигор аёл зотини севишни истаса, Унинг Ўзи Ўзининг қувватидан ана шундай аёл зотини яратиши лозим. Ана шу аёл – Радхарани. Олти Госвами ўзларининг асарларида тушунтирганларки, Радхарани Олий Шахс Худонинг лаззатланиш қувватининг тимсолидир. Парвардигор илоҳий лаззат ҳис қилишни истагани учун Парвардигор Ўзининг ички қувватидан аёл зотини яратади. Шундай қилиб, эркаклардаги аёл зотининг ишваларига учиб хусусияти мутлақо табиий сифат, чунки бу сифат рухий оламда ҳам мавжуд. Лекин, моддий оламда ақс этар экан, у бузилган қиёфага киради, шунинг учун ана шундай ҳалокатли оқибатларга олиб келади.

Агар моддий гўзалликка махлиё бўлиб юргандан кўра, инсон ўзининг қалбида Кришна ва Радхаранига муҳаббат ривожлантирса, у "Бҳагавад-гита"да эълон қилинган қонунга риоя қилган бўлади:

парам дриштва нивартате. Кришна ва Радхаранининг илоҳий гўзаллигига ошиқ бўлиб қолган киши моддий оламдаги аёлларнинг гўзаллигига бефарқ бўлиб қолади. Радха-Кришнага сиғинишнинг моҳияти шундан иборат. Бу ҳақиқатни тасдиқлаб Ямуначарья шундай дейди: "Радхарани ва Кришнанинг гўзаллиги мени ўзига ром этгандан бери, аёл зотини кўришим ёки унга яқинлашиш ҳақида ўйлашим билан жирканганимдан афтим буришиб кетади ва туфуриб ташлайман". Инсонни Мадана-Моханнинг гўзаллиги, Кришна ва Унинг севгилиларининг гўзаллиги ўзига ром этганида у моддий аёлларнинг гўзаллигига бефарқ бўлиб қолади ва у шартланган ҳаёт кишанларидан халос бўлади.

Текст 39

Йогада баркамолликка эришишга интилаётган, Менга хизмат қилиб ўзининг рухий табиатини англаб етган киши ҳеч қачон чиройли аёллар билан учрашмаслиги лозим, чунки муқаддас китобларда айтилганки, ундай аёл Худонинг содиқ хизматкорини дўзахга олиб боради.

Изоҳ: Йогада мукамалликка эришган киши Кришнани тўлиқ англаб етган бўлади. Бу "Бҳагавад-гита"да тасдиқланади, унда айтилганки, Кришна ҳақида муҳаббат ва садоқат билан ўйлаб юрган киши йогларнинг ичиди энг аълосидир. "Шримад Бҳагаватам"нинг Биринчи кўшиқ иккинчи бобида ҳам айтилганки, Парвардигорга Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши моддий иллатлардан бутунлай покланганида Худо ҳақидаги илмга эга бўлади.

Мазкур шеърда пратилабдхатма-лабдхак ибораси ишлатилган. Атма ибораси "руҳ"ни, лабха ибораси эса – "эга бўлиш" деганни билдиради. Шартланган тирик мавжудотлар ўзларининг атмаси(руҳи)ни йўқотганлар, аммо рухий ҳаётга кирган киши уни англаб етган бўлади. Муқаддас китобларда айтилганки, ўзининг рухий табиатини англаб етган ва йогада олий баркамолликка эришишга интилаётган киши ёш аёллар билан учрашишни тарк қилиши лозим. Лекин ҳозир, эркакларда жинсий аъзонинг мавжудлиги унга чекланмаган миқдорда аёллар билан лаззатланиш ҳуқуқини беради, бу унинг комил йог бўлиб етишишига ҳалақит беролмайди деб эълон қилиб юрган фирибгарларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Ишонарли йога тизимларининг бирортаси аёллар билан эркин учрашиб юришга рухсат бермайди. Мазкур шеърда аниқ айтилганки, бундай учрашувлар инсон олдида дўзах эшикларини ланг очиб кўяди. Ведалар маданиятида аёллар билан учрашиш қатъий равишда чеклаб қўйилган эди. Тўрт ижтимоий табақа ичиди уч табақга мансуб одамларнинг аёллар билан учрашиши бутунлай таъқиқлаб қўйилган эди. Аёллар билан фақат грихастхалар, уйланган кишилар, унда ҳам фақат фарзанд кўриш учун жинсий алоқа қилишлари мумкин. Лекин, моддий оламда ачинарли ҳаёт кечиришни давом эттиришни истаган киши ҳеч қандай чеклашларга риоя қилмасдан аёллар билан учрашиб юравериши мумкин.

Текст 40

Парвардигор яратиб қўйган аёл зоти майя тимсолидир, ана шу майя билан учрашиб, унинг хизматини қабул

килиб юрган киши билиб қўйиши лозимки, у худди йўлида ўт босиб ётган ташландиқ қудуққа қулаган киши сингари, ўзининг ажали сари тўғри йўлдан шиддат билан кетяпти.

Изоҳ: Баъзан ташландиқ қудуқнинг усти ўт-ўланлар билан қопланиб, у кўзга кўринмай қолади, эҳтиётсиз йўловчи бу ерда қудуқ борлигини билмасдан ана шу қудуққа йиқилиб тушади ва муқаррар ҳалокатга учайди. Худди шундай, эркак билан аёлнинг бир бирига яқинлашуви ҳам шундан бошланадики, эркак киши аёлнинг ўзига хизмат қилишига рухсат беради, чунки Парвардигор аёл зотини эркак кишига хизмат қилиш учун яратиб қўйибди. Унинг хизматини қабул қилиб, эркак киши унга боғланиб қолади. Агар унинг ақл-фаросати етарли даражада бўлмаса, агар у аёл зоти – эркакни тўппа-тўғри дўзахга олиб борадиган эшик эканини тушунмаса, у бунинг оқибатларидан кўрқмасдан аёл зоти билан эркин учраша бошлайди. Шунинг учун мавжудликнинг илоҳий поғонасига эришишга интилиб юрган кишиларга аёллар билан учрашмаслик тавсия қилинади. Ҳали бундан эллик йилча аввал ҳам ҳиндлар жамиятида эркак ва аёлларнинг бирга бўлиши қатъиян чеклаб қўйилган эди. Хотин кун бўйи эрини кўра олмасди, бунинг устига эрхотинлар уйнинг бошқа бошқа хоналарида яшардилар. Аёлнинг хизмат қилиши эркак кишига чуқур лаззат бағишлаши мумкин, лекин эркак киши жуда эҳтиёт бўлиши лозим, чунки бу ерда аниқ айтилганки, аёл зоти – ҳалокатга, яъни руҳий ўзлигини унутишга олиб борадиган тўғри йўлдир. Руҳий ўзлигини англаш йўлидан бораётган киши учун аёл билан бирга бўлиш ўтиб бўлмас тўсиқ ҳисобланади.

Текст 41

Аввалги ҳаётида аёл зотига қаттиқ боғланиб қолган тирик мавжудот кейинги ҳаётида аёл танасини олади ва эркак қиёфасидаги майяга – ўзининг эрига, у мени бой-бадавлат, уйли-жойли қилади, фаррзандлар ва бошқа моддий бойликларбилан таъминлайди, деган ниятда аҳмоқона умидворлик билан назар ташлайди.

Изоҳ: Мазкур шеърдан маълум бўладики, ҳозир аёл танасида юрган киши ўзининг аввалги ҳаётида хотинига қаттиқ боғланиб қолгани сабабли аёл танасига эга бўлган эркак киши бўлиши мумкин. Бу "Бҳагавад-гита"да ҳам тасдиқланади: инсоннинг келажақдаги танаси унинг ажали келганда ўйлаган фикрларига боғлиқ бўлади. Хотинига қаттиқ боғланиб қолган киши ажали етганда албатта хотини ҳақида ўйлайди, шунинг учун кейинги ҳаётида аёл танасига эга бўлади. Худди шундай, агар аёл зоти ажали етганида эри ҳақида ўйласа, кейинги ҳаётида эркак бўлиб туғилади. Шунинг учун Ҳиндистоннинг муқаддас китобларида аёлнинг поқдомонлигига ва эрига бўлган садоқатига жуда катта аҳамият берилади. Аёл зотининг ўзининг эрига боғланганлиги унинг руҳий юксалишига ва унга кейинги ҳаётида эркак кишининг танасига эга бўлишига ёрдам беради. Лекин эркак киши хотинига боғланиб қолса, тубанликка юз тутади ва кейинги ҳаётида аёл танасига эга бўлади. Ҳамиша шуни эсда тутиш лозимки, "Бҳагавад-гита"да айтилганидек, қўпол ва нафис таналар шунчаки руҳнинг пардалари, холос.

Ўзининг асл табиатига кўра рух Парвардигорнинг оралиқ қувватидир. Парвардигорнинг қуввати бўлган ҳолда ҳар бир тирик мавжудот аёл, яъни лаззат берувчи зот ҳисобланади. Эркак танасига эга бўлган рух аёл танасига қараганда моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишга кўпроқ имкониятга эга. Мазкур шеърда Парвардигор Капила шуни айтмоқчики, тирик мавжудот ўзининг ҳозирги эркак танасидан аёлларга боғланиб қолиб, моддий лаззатлар тўрига илиниб, кейинги ҳаётида аёл танасига эга бўлиш учун эмас, балки руҳий фаолият билан шуғулланиш учун фойдаланиши лозим. Аёл зоти одатда моддий фаровонлик, барча қулайликларга эга бўлган уй-жой, чиройли либос ва тақинчоқларга эга бўлишни орзу қилади. Эркак киши уни шу нарсалар билан таъминлаганда у жуда мамнун бўлади. Эркак билан аёлнинг ўзаро муносабатлари жуда чигал, лекин биз ҳамиша эсимизда сақлашимиз лозим бўлган асосий нарса шундан иборатки, илоҳий поғонага кўтарилишга ва ўзининг руҳий табиатини англаб етишга интилаётган эркак киши аёллар билан ўзаро муносабатларда жуда эҳтиёт бўлиши лозим. Лекин, Кришна онгига эга бўлган кишилар учун бундай чеклашлар анча енгиллатилиши мумкин, чунки, агар эри ҳам, хотини ҳам бир бирига эмас, балки Кришнага боғланган бўлсалар, уларнинг иккаласи ҳам моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишга ва Кришнанинг даргоҳига эришишга тенг имкониятга эга бўладилар. "Бҳагавад-гита"да ҳам айтилганки, ҳаётини Кришна онгига Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган киши, ҳатто у ҳайвон, аёл танасида ёки жамиятнинг паст табақаларига мансуб одам бўлса ҳам, ўзининг уйига, Худога қайтади ва Кришнанинг мангу даргоҳига эришади. Эркак киши аёл зотига боғланмаслиги керак, аёл эса – эркакка. Эркак киши ҳам, аёл киши ҳам Худога садоқат билан хизмат қилишга боғланиши лозим, шунда уларнинг иккаласи ҳам моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқа оладилар.

Текст 42

Аёл киши ўзининг эрини, уйини ва фарзандларини худди овчининг кийикка ҳалокат олиб келадиган чакириқ овозларига ўхшаган Парвардигорнинг ташқи қуввати қўйган тузоқлар деб ҳисоблаши лозим.

Изоҳ: Мазкур шеърларда Парвардигор Капила айтадики, фақат аёл зоти эркак учун дўзахга олиб борадиган эшик эмас, балки эркак ҳам аёл учун дўзах эшиги ҳисобланади. Ҳаммаси боғланишга боғлиқ. Эркак кишини аёлнинг хизмати, гўзаллиги ва бошқа кўплаб фазилатлари ўзига мафтун этади, аёл киши эса, унга шинам уй, чиройли либослар олиб бергани, фарзандлар ва тақинчоқлар совға қилгани учун эркак кишига боғланиб қолади. Ҳамма гап уларнинг бир бирига нисбатан бўлган боғланишнинг характерида. Токи эркак билан аёлнинг бир бирига ўзаро боғланишининг асосида ҳиссий лаззатланишга интилиш туйғуси ётар экан, аёл зоти эркак учун, эркак киши - аёл учун катта хавф бўлиб қолаверади. Лекин, агар улар ўзларининг боғланишини Кришнага олиб ўтсалар ва қалбида Кришна онгини ривожлантирсалар, уларнинг оилавий ҳаёти уларнинг иккаласига ҳам

чексиз бахт-саодат келтиради. Шунинг учун Шрила Рупа Госвами шундай тавсия қилади: "Бхакти-расамрита-синдху" (1.2.255)

Кришнани англаб етган эркак ва аёл фақат Кришнага хизмат қилиш бўйича ўз бурчларини бажариш учун эр билан хотин сифатида бирга яшаши лозим. Агар фарзандлари, хотини, эри – оиланинг ҳамма аъзолари биргаликда Кришнага хизмат қилиб юрсалар, улар моддий нарсаларга бўлган боғланишлардан халос бўлдилар. Чунки уларнинг ўзаро муносабатларида уларни бир бирига боғлаб турган ришта Кришна бўлади, уларнинг онги пок бўлиб қолаверади ва улар моддий ҳаёт зиндонига кулашдан ҳимояланган бўладилар.

Текст 43

Ўзининг танасига боғланиб қолган дунёвий тирик мавжудот ўз фаолиятининг ҳосилини йиғиб, бир сайёрадан иккинчи сайёрага ўтиб юради. Шу тарзда у кармали фаолият тўрларига ўралиб қолади ва умрлар оша унинг меваларидан лаззатланиб юради.

Изоҳ: Токи тирик мавжудот моддий тана қафаси ичида экан, уни жива-бхута деб атайдилар, у моддий танадан халос бўлгандан кейин эса, у браҳма-бхута тоифасига ўтади. Бирин-кетин моддий таналарни алмашлаб юриб, тирик мавжудот нафақат ҳаётнинг ҳар хил шаклларида эмас, балки ҳар хил сайёраларда дунёга келиб юради. Парвардигор Чайтанья айтган эдики, кармали фаолият тўрига илиниб қолган тирик мавжудотлар бутун коинот бўйлаб сарсон бўлиб юрадилар, агар бахтли ҳодиса рўй бериб ёки ўзларининг бирор савоб иши сабабли Кришнанинг марҳамати билан улар ўзларининг ҳаёт йўлида ҳақиқий руҳий устозни учратиш қолсалар, улар ундан Худога садоқат билан хизмат қилиш уруғини оладилар. Агар ана шу уруғни олиб, тирик мавжудот уни ўзининг қалбига экса ва Худонинг муқаддас номларини такрорлаш ва зикр қилиш билан суғориб турса, вақти келиб ундан катта дарахт ўсиб чиқади ва шунда тирик мавжудот ҳатто моддий оламда ҳам унинг мева ва гулларидан лаззатланиб яшай олади. Мана шу поғона браҳма-бхута поғонаси деб аталади. Ўзини танасига қиёслайдиган тирик мавжудотни дунёвий одам деб, ўзини моддий қобилларга қиёслашни бас қилган ва Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган кишини эса озодликка эришган шахс деб атайдилар. Лекин, токи тирик мавжудот ҳақиқий руҳий устоз билан учрашмас экан, у туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан чиқиб кета олмайди ва бир танадан иккинчи танага, бир сайёрадан иккинчи сайёрага ўтиб, моддий оламда сарсон бўлиб юраверади.

Текст 44

Тирик мавжудотнинг кармали фаолияти унинг маълум кўринишдаги моддий ақл ва сезги органларига эга бўлган навбатдаги танасини шакллантиради. Тирик мавжудот ўзининг маълум бир босқичдаги фаолиятининг меваларини териш тамомлаши “ўлим” деб аталади, у ўз фаолиятининг навбатдаги босқичининг натижаларини ола бошлаши эса “туғилиш” деб аталади.

Изоҳ: Қадим замонлардан бери тирик мавжудот бир танадан иккинчи танага, бир сайёрадан иккинчи сайёрага ўтиб, коинот бўйлаб айланиб юрибди, унинг бу саргардонлигининг охири кўринмайди. "Бҳагавад-гита"да тирик мавжудотнинг саргардонлиги шундай таърифланади: бхрамайан сарва-бхутани йантраарудхани майайа – майянинг алдовига учган тирик мавжудотлар бутун коинот бўйлаб моддий табиат таъминлаб қўйган тана аравасида айланиб юрадилар. Моддий мавжудлик – амал ва унинг оқибатларининг узлуксиз занжиридир, амал ва оқибатларнинг ана занжирида бир умр – чексиз кинолентадаги шунчаки бир кадр, холос. Фарзанд дунёга келганида бу унинг учун фаолиятнинг янги босқичи бошланганини билдиради, инсон кексайиб оламдан ўтганида эса, унинг ажали билан кармали фаолиятнинг навбатдаги цикли тугаган бўлади.

Биз кўрамизки, кармалари ҳар хил бўлгани сабабли, гарчи бир жойда, бир вақтда ва бир хил шароитда туғилсалар ҳам, бир киши бой, биров камбағал оилада дунёга келади. Аввалги ҳаётида кўплаб савоб ишлар қилган киши бадавлат ёки тақводор инсонлар хонадонидида туғилиш имкониятига эга бўлади, кўплаб гуноҳ ишлар қилган киши эса, камбағал, насл-насаби номаълум имонсиз одамлар хонадонидида туғилади. Тана алмаштириш фаолият соҳасини ўзгартириш демакдир. Шунга ўхшаб, ёш бола улғайиб ёш йигит бўлганида, ёш болаларнинг ўйинлари ўрнига энди ёш йигитнинг ишларини қила бошлайди.

Маълумки, тирик мавжудотнинг оладиган танаси унинг аввалги кармаси, қилган ишлари билан белгиланади. Бу жараён жуда қадим замонда бошланган ва унинг охири кўринмайди. Шунинг учун вайшнав-шоирлар айтадиларки: анад карам-пхале – тирик мавжудотнинг кармали фаолияти қачон бошланганини аниқлашнинг иложи йўқ, чунки у маъбуд Браҳманинг ҳаётининг аввалги даврида бошланган бўлиши ҳам мумкин. Бунга Нарада Мунининг ҳаёти мисол бўла олади. Бир даврда у чўри аёлнинг ўғли эди, кейинги даврда эса буюк донишманд бўлди.

Текст 45-46

Кўриш қобилиятининг нерви касалланиши сабабли кўзлар ранг ва шаклни ажрата олмай қолганда, кўриш қобилияти сусайиб, кўзнинг ва кўриш қобилиятининг эгаси бўлган тирик мавжудот кўр бўлиб қолади. Худди шундай, жисмоний тана, яъни тирик мавжудотни ташқи олам билан боғлаб турган механизм сезиш қобилиятини йўқотганида, бу ҳолат “ўлим” деб аталади. Тирик мавжудот яна ўзини жисмоний танага қиёслаш бошлаган пайт эса, “туғилиш” деб аталади.

Изоҳ: Биз: “Мен кўряпман” – деганда, биз ўз кўзимиз билан ёки кўзойнак орқали кўраётган бўламиз; бошқача қилиб айтганда, биз махсус аппарат орқали кўрамиз. Кўриш аппарати ишдан чиққанида, яъни кўзимиз бирор касалликка учраганида ёки қандайдир сабабларга кўра кўзимиз кўрмай қолганида, биз, яъни кўриб турган зот ҳам кўролмай қоламиз. Худди шундай, токи моддий тана ичидида экан, руҳ ҳаракат қилади, моддий тана ишдан чиққанда ва ҳаракат қилмай қолганида эса, тирик мавжудот ҳам кармали фаолият билан шуғулланмай қўяди. Тирик мавжудот ҳаракат қилиш

учун фойдаланиб юрган механизм ишдан чиқиб, ишга яроқсиз бўлиб қолганида, “Ўлим” деб аталадиган ҳолат юзага келади. Тирик мавжудот фаолият кўрсатиш учун янги механизм олганида эса, уни “туғилди” деб атайдилар. Аслини олганда, тирик мавжудот ҳар бир лахзада туғилиб, ўлиб туради, чунки унинг танаси ҳамиша ўзгариб туради. Танада рўй берадиган охириги ўзгариш “Ўлим” деб аталади, янги танага кириш эса – “туғилиш” деб аталади. Туғилиш ва ўлимнинг сирини билишнинг калити мана шундан иборат. Аслини олганда тирик мавжудот туғилмайди, ўлмайди, у мангу барҳаёт. Бу ҳақиқат "Бхагавад-гита"да тасдиқланади: на ханйате ханйамане шарире – тирик мавжудот ҳеч қачон ўлмайди, ҳатто моддий тана ҳалок бўлганда ҳам у ўлмай қолаверади.

Текст 47

Шунинг учун ўлимдан кўрқмаслик керак, шунингдек танани руҳга қиёслашдан нажот излашнинг ёки тананинг талабларини қондириб, ўйламасдан лаззатга берилишнинг ҳам ҳожати йўқ. Ўзининг асл табиатини англаб етгандан кейин, инсон дунёвий ўткинчи боғланишлар юкидан ҳалос бўлиб, мақсад сари адашмай боравериши лозим.

Изоҳ: Ҳаёт билан ўлим фалсафасини англаб етган донишманд киши учун тирик мавжудотнинг она қорнида қандай дахшатли шароитда бўлиши, унинг бу дунёга келгандан кейин бошидан кечирадиган мусибатлари ҳақида тинглаш жуда оғир. Лекин бу муаммоларни албатта ҳал қилиш лозим. Фаросатли, ақлли киши моддий тана чексиз мусибатлар манбаи эканини тушуниши лозим. Бу дунёда моддий тана ичида азият чекиб юравериш ўрнига у ана шу иллатдан қутулиш йўлларини излаши лозим. Бу иллатдан қандай даволаниш йўлини озодликка эришган зотлар билан учрашиб билиб олиш мумкин. Шунинг учун биз биринчи навбатда ким ҳақиқатан ҳам озодликка эришган зот эканини билиб олишимиз лозим. Озодликка эришган зот қандай бўлиши "Бхагавад-гита"да таърифланган, унда айтилганки, моддий табиатнинг бешафқат қонунларининг ҳукми остидан чиққан ва ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши Брахман даражасига етган бўлади.

Олий Шахс Худо моддий оламдан ташқарида жойлашган. Ҳатто, Шанкарачарья сингари имперсоналистлар ҳам тан оладиларки. Нараяна моддий оламга нисбатан илохий поғонада. Шунинг учун, Парвардигорга Унинг Нараяна, Радха-кришна ёки Сита-Рама сингари намоён этган сон-саноксиз қиёфаларининг бирортаси орқали сифиниб юрган кишини озодликка чиққан руҳ деб атайдилар. "Шримад Бхагаватам" тасдиқлайдики, озодликка эришиш - ўзининг азалий асл ҳолатига қайтишдир. Тирик мавжудот Парвардигорнинг мангу хизматкори, агар инсон Парвардигорга самимий ва жиддий хизмат қилиб юрган бўлса, у шу заҳотиёқ озодликка чиқади. Биз озодликка эришган кишилар билан ҳамсуҳбат бўлишга интилишимиз лозим, шунда ҳаётнинг барча муаммоларини, шу жумладан туғилиш ва ўлиш муаммосини ҳам албатта ҳал қила оламиз.

Худога садоқат билан хизмат қилар экан, инсон ҳасислардай йўл тутмаслиги лозим. У бекорга ўзининг

таркидунё қилганини кўз-кўз қилмаслиги керак. Аслини олганда таркидунё қилишнинг иложи йўқ. Инсон ҳашаматли саройни тарк этиб, ўрмонга бориб жойлашганида, у ҳеч нарсани тарк этмаган бўлади, чунки у яшаган сарой Олий Шахс Худоники эди, у бориб жойлашган ўрмон ҳам Олий Шахс Худонинг мулки. У шунчаки ўзининг яшаш жойини ўзгартириши унинг бирор нарсани тарк этганини билдирмайди. Сарой ҳам, ўрмон ҳам ҳеч қачон уники бўлган эмас. Моддий ҳаётдан воз кечиш – адашганидан ўзини моддий табиатнинг ҳукмдори деб ўйлаб юрган сохта тасаввурдан ҳалос бўлиш демакдир. Инсон фақат ҳаёт ҳақидаги ана шундай сохта тасаввурдан ҳалос бўлганида ва ўзини Худо деб ҳисоблашни тарк этганидагина у ҳақиқий таркидунё қилган бўлади. Таркидунёликнинг бошқа барча кўринишлари ҳеч қандай маънога эга эмас. Рупа Госвами айтадики, агар инсон Худога садоқат билан хизмат қилишда ишлатиш мумкин бўлган нарсдан воз кечса, унинг таркидунёлиги пхалгу-вайрагья, яъни “чала, сохта таркидунёлик” деб аталади. Бутун борлик Парвардигорнинг мулки ҳисобланади, шунинг учун бизнинг бурчимиз – бирор нарсани ўз ҳиссиётимизни лаззатлантириш учун олиб қолмасдан, ҳамма нарсдан Худога садоқат билан хизмат қилишда фойданишдан иборат. Ҳақиқий таркидунёликнинг маъноси шундан иборат. Шунингдек, тананинг чексиз талабларини қондираверишга ҳам интилмаслик керак. Ўзимиз қаттиқ интилмасдан, Кришнанинг марҳамати билан ўздан-ўзи келадиган нарсалар билан қаноатланиб яшаш керак. Ўзимизнинг бутун вақтимизни Кришна онгида Худога хизмат қилишга бағишлашимиз лозим. Шундай ҳаракат қилиб, биз туғилиш ва ўлиш муаммоларини ҳал қила оламиз.

Текст 48

Ҳаётга ҳақиқат назари билан қараб, Худога садоқат билан хизмат қилишда руҳини тиклаб, моддий оламнинг ўткинчи жилваларига учмасдан, инсон ўзининг тафаккурига таянган ҳолда танасига ғамхўрлик қилишни алдамчи оламга топшириши лозим. Шу тариқа у барча дунёвий боғланишларни тарк эта олади.

Изоҳ: Баъзан одамлар, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одамлар билан учрашиш уларни ўзларининг иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш имкониятидан маҳрум қилиб қўяди, деб ўйлайдилар. Шундай гумонларни тарқатиб юбориш учун Парвардигор Капила бу ерда айтяптики, озодликка эришган зотлар билан учрашиш деганда улар билан жисмоний жиҳатдан учрашишни эмас, балки, ҳаёт муаммоларини фалсафий жиҳатдан англаб етишни назарда тутади. Хусусан, мазкур шеърда: самйаг-даршанайа буддхйа – инсон ҳаётга ҳақиқат назари билан қараш лозим ва йога билан шугулланиб, тафаккурига таяниб таркидунё қилиши лозим. "Шримад Бхагаватам"нинг Биринчи қўшиқ, иккинчи бобида таърифланган йўлдан бораётган киши ана шундай таркидунёликка эришади.

Содиқ хизматкорнинг тафаккури ҳамиша Олий Шахс Худо билан боғланган. У моддий оламга бефарқ, боғланмасдан қарайди, чунки яхши биладики, бу дунё Парвардигорнинг алдамчи қуввати яратган

вақтинчалик олам. Ўзи Олий Руҳнинг бир заррачаси эканини англаган ҳолда содиқ хизматкор Худога хизмат қилади, шунинг учун унинг амаллари уни карма ришталари билан боғлаб қўймайди. Шу тарзда у оқибат-натигада ўзининг моддий танасини тарк этади ва пок руҳ сифатида моддий қувватдан ажралиб, Парвардигорнинг салтанатига киради.

“Шримад Бхагаватам”нинг Учтинчи кўшиқ, “Парвардигор Капила тирик мавжудотларнинг сарсон бўлиб юриши ҳақида гапириб беради” деб аталадиган ўттиз биринчи бобига Бхактиведантанинг ёзган изоҳлари шундай яқунланади.

Ўттиз иккинчи боб Кармали фаолият тўрлари

Текст 1

Парвардигор Капила деди: Оиласи билан яшайдиган киш моддий бахт-саодатга эришиш ниятида диний маросимлар ўтказилади. Шундай қилиб, у моддий фаровонликка эришади ва ҳиссий лаззатланиш истақларини амалга оширади. Бу цикл(???) қайта-қайта такрорланади.

Изоҳ: Оилали одамлар икки тоифа бўлади: уларнинг бир тоифаси грихамедхалар, иккинчиси грихастхалар деб аталади. Грихамедхалар ўз ҳиссиётини лаззатлантиришни истайдилар, грихастхалар – руҳий ўзлигини англашга интиладилар. Бу ерда Парвардигор грихамедхалар, яъни моддий оламда қолишни истайдиганлар ҳақида гапиряпти. Улар моддий бахт-саодатга эришишга интиладилар, шунинг учун уларга моддий фаровонлик келтирадиган, шу билан бирга ўз ҳиссиётини лаззатлантириш имконини берадиган ҳар хил диний маросимлар ўтказадилар. Уларга бошқа ҳеч нарсадан кераги йўқ. Шундай одамлар бутун умри давомида бой-бадавлат яшаш, яхши еб-ичиш учун тиним билмасдан меҳнат қиладилар. Эзгу мақсадларга пул эҳсон қилиб, улар кейинги ҳаётида жаннатнинг олий сайёраларида туғилишдан умидвор бўладилар. Уларда туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан чиқиб кетиш ва моддий тирикчиликнинг ажралмас қисми бўлган мусибатларга биратўла чек қўйиш истаги йўқ. Ана шундай одамлар грихамедхалар деб аталади.

Грихастха – хотини, болалари ва қариндошлари билан бирга оиласида яшайдиган, лекин уларга боғланиб қолмаган оилали киши. У таркидунё қилган санньяси бўлишдан кўра оилали бўлиб қолишни маъқул кўради, лекин унинг асосий мақсади руҳий ўзлигини англаб етиш, яъни Кришна онгида бўлиш поғонасига кўтарилишдан иборат. Лекин бу ерда Парвардигор Капиладева яшашдан мақсади моддий фаровонлик бўлган грихамедхалар ҳақида гапиряпти. Ана шу мақсадга эришиш учун улар қурбонлик маросими ўтказадилар, хайр-эҳсон қиладилар, эзгу ишлар билан шуғулланадилар. Шундай одамлар моддий жиҳатдан юқори поғонага кўтариладилар, улар ҳозир ўзларининг аввалги ҳаётида қилган савоб ишларининг мевасини тераётганларини тушунган ҳолда улар ўзларига келажакда яна ҳам кўпроқ лаззатланиш

имкониятига эга бўлиш учун такрор ва такрор диний маросимлар ўтказадилар. Пунаҳ пунаш чарвита-чарвананам – дейди Прахлада Махараж. Чайналган нарсани чайнайвериш ҳеч қачон уларнинг жонига тегиб кетмайди. Ҳатто улар бой-бадавлат яшасалар ҳам моддий мусибатлар уларни тинч қўймайди, лекин шунга қарамасдан улар ўзларининг турмуш тарзини ўзгартиришни истамайдилар.

Текст 2

Ҳиссий лаззатларга боғланиб қолиш ана шундай одамларни Худога садоқат билан хизмат қилиш имкониятидан маҳрум қилади. Шунинг учун гарчи улар ҳар хил қурбонлик маросими ўтказсалар ва фаришталар ва аждодларини мамнун қилишга тантанали равишда қасам ичсалар ҳам, уларнинг қалбида кришнани англашга, Худога садоқат билан хизмат қилишга ихлос уйғонмайди.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"(7.20)да айтилганки, фаришталарга сиғинадиган кишилар ақлини йўқотган одамлардирб камаис таис таир хрита-джнанаҳ. Улар ҳиссий лаззатланиш истагининг қули бўлиб қолганлар, шунинг учун фаришталарга сиғинадилар. Албатта, бой-бадавлат бўлиш, саломатлигини тузатиб олиш ёки яхши маълумотга эга бўлиш учун ҳар хил фаришталарга сиғиниш Ведаларда тавсия қилинган. Дунёвий одамларнинг талаблари хилма-хил, сон-саноксиз фаришталар ана шундай одамларга ўзларининг истагини амалга оширишда ёрдамлашадилар. Одатда моддий фаровонликда яшашда давом этишни истайдиган грихамедхалар пиду, яъни ҳар хил нарсалар эҳсон қилиб фаришталарга ёки аждодларга сиғинадилар. Ундай одамлар Кришна онгидан маҳрум ва Худога садоқат билан хизмат қилиш билан кизикмайдилар. Ана шундай “такводор” ва “диндор” одамлар тоифаси имперсонализм фалсафаси тарқалиши натижасида пайдо бўлган. Имперсоналистар айтадиларки, олий Мутлақ Ҳақиқатнинг шакл-шамоили йўқ, демак, инсон истаган киёфасини хаёлига келтириши ва унга сиғиниб, мақсадига эришиши мумкин. Шунинг учун грихамедхалар, яъни дунёвий одамлар айтадиларки, ҳар қандай фариштани Худо деб сиғинишлари мумкин. Индуизмга амал қиладиган кишилар орасида гўшт ейишга қаттиқ боғланиб қолган кишилар фаришта Калига сиғинишни маъқул кўрадилар, чунки муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига асосан унга эчки қурбонлик қилиш мумкин. Улар айтадиларки, инсон кимга сиғинишининг ахамияти йўқ, - фаришта Калига сиғинадими, Олий Шахс Худога сиғинадими, Парвардигор Вишнуга сиғинадими ёки фаришталардан истаган биттасига сиғинадими – барибир ҳаммаси бир хил натижа беради. Бу албатта ғирт ёлғон, лекин адашган одамларга шундай фалсафа ёқади. "Бхагавад-гита" бундай ёлғон фикрларни биратўла инкор этади. Унда аниқ айтилганки, фаришталарга сиғиниш – ақл-идрокини йўқотган кишиларнинг иши. Мазкур шеърда ҳам ана шу ҳақиқат тасдиқланган, унда фаришталарга сиғинадиган кишилар кама-мудха, яъни “ақлдан озган киши” ёки “ҳиссий лаззатларга интилишдан кўзи кўр бўлиб қолган киши”деб аталган. Кришна онгидан маҳрум бўлган кама-мудхалар Худога садоқат билан

хизмат қилмайдилар, улар ҳиссий лаззатланиш истагининг қули юълиб қолганлар. Шундай қилиб, фаришталарга сиғинадиган кишилар "Бхагавад-гита"да ҳам, "Шримад Бхагаватам"да ҳам қораланади.

Текст 3

Ҳиссий лаззат изидан чоғиб ҳамда фаришталарга ва аждодларига сиғиниб юрган кишилар Ой сайёрасига эришадилар, шу ерда улар сомадан тайёрланган ичимликдан ичадилар. Кейин улар яна мана шу сайёрага қайтиб келадилар.

Изоҳ: Ой сайёраси жаннатий сайёралар тоифасига қиради. Ведаларда тавсия қилинган маълум қурбонлик маросимларини, масалан, баъзи чеклашларга риоя қилиш ҳамда қасам ичиш билан бўладиган фаришталарга ва аждодларга сиғиниш маросимини ўтказиб ана шу сайёрага эришиш мумкин. Лекин, Ой сайёрасига эришган киши у ерда жуд узоқ вақт қола олмайди. Ведаларда айтилганки, Ойда инсон фаришталар ҳисоби билан ўн минг йил давом этади. Фаришталарнинг бир куни(12 соати) ердаги олти ойга тенг. Моддий космик кема ёрдамида Ойга боришнинг иложи йўқ. Унга фақат моддий лаззатланиш имкониятига эришиш ниятида эзгу ишлар қилиб юрган кишилар эриша оладилар. Лекин, ҳатто Ойга борган киши ҳам, ўзларининг қилган савоб ишлари заҳираси тамом бўлгандан кейин яна ер сайёрасига қайтиб келишга мажбур бўладилар. Бу "Бхагавад-гита"(9.21)да тасдиқланади: те там бхуктва сварга-локам вишалам кшине пунйе мартйа-локам вишанти.

Текст 4

Олий Шахс Худо, Хари Ўзининг ўриндиғига, Ананта-Шешага чиққанида, дунёвий одамлар яшайдиган сайёраларнинг ҳаммаси, шу жумладан Ой сайёраси мансуб бўлган жаннатий сайёралар ҳам яқсон бўладилар.

Изоҳ: Ҳиссий лаззатларга боғланиб қолган одамлар олий сайёраларга эришишга интиладилар, Ой ҳам ана шу сайёралар қаторига қиради. Одамлар роҳат-фароғатда узоқ умр кўриб, моддий ҳузур-ҳаловатлардан кўпроқ лаззат ҳис қилиш учун интилиб юрган бошқа кўп сайёралар мавжуд. Лекин улар билмайдиларки, ҳатто коинотнинг энг олий сайёраси бўлган Брахмаалокада ҳам барибир ўлим бор. "Бхагавад-гита"да Парвардигор айтадики, ҳатто брахмаалокада яшайдиган киши ҳам тўғилиш, ўлиш, кексалик ва касалликлар билан боғлиқ бўлган мусибатларга дучор бўлади. Фақат Парвардигорнинг салтанатига, Вайкунтҳалокага эришган киши ҳеч қачон моддий оламда тўғилмайди. Лекин дунёвий одамларни, яъни грихамедхаларни ана шундай келажак қизиқтирмайди. Улар такрор ва такрор таналарини алмашлаб, бир сайёрадан иккинчи сайёрага кўчиб юришни маъқул кўрадилар. Уларга Парвардигорнинг салтанатидаги илм ва лаззатга тўла мангу ҳаётнинг кераги йўқ.

Коинотнинг яқсон бўлишининг икки тури мавжуд. Маъбуд Брахманинг умри охирига етганида бутун коинот яқсон бўлади. Ўша пайтда барча сайёралар тизими, шу жумладан жаннатий сайёралар ҳам сув остига ғарқ бўладилар ва Гарбходака уммонида,

илонлардан ясалган, Шеша деб аталадиган ўриндикда ястаниб ётган Гарбходакашайи Вишнунинг танаси ичига қиради. Маъбуд Брахманинг ҳар бир куни тугаганда ҳам коинот қисман яқсон бўлади, бунда фақат куйи сайёралар тизими яқсон бўлади. Эрталаб уйқудан тургандан кейин маъбуд Брахма бу сайёралар тизимини қайтадан яратади. Мазкур шеърда "Бхагавад-гита"да Парвардигор Шри Кришнанинг фаришталарга сиғинадиган кишилар ақли йўқ одамлардир деган гапларини тасдиқлайди. Бу нодон одамлар тушунмайдиларки, ҳатто улар жаннатий сайёраларга эришсалар ҳам, коинот яқсон бўлганда улар ҳам, сайёралари билан бирга фаришталарнинг ўзлари ҳам яқсон қилинади. Улар тирик мавжудот эриша оладиган лаззатга тўла мангу ҳаёт ҳақида ҳеч нарса билмайдилар.

Текст 5

Пок онг соҳиби бўлган чуқур тафаккур эгалари Кришна онгида бўлишдан тўла мамнуният ҳосил қиладилар. Моддий табиат гуналари таъсиридан озодликка чиқиб, улар ҳиссий лаззатланиш ҳақида ўйламасдан ҳаракат қиладилар, ўзларига белгиланган вазифаларини эса бурч юзасидан бажарадилар.

Изоҳ: Ана шундай одамлар тоифасига Аржун мисол бўла олади. Аржун кшатрий бўлгани учун жангда иштирок этиш унинг бурчи эди. Одатда шоҳлар шоҳона лаззатланиб яшаш учун ўзлари ҳукмронлик қилаётган салтанатининг чегараларини кенгайтириш мақсадида уруш олиб борадилар. Лекин Аржуннинг ҳаракатларида бунинг тескараси эди, - лаззатланиш истаги уни жангда қатнашишдан бош тортишга ундади. Аржун айтадики, қариндошларига қарши жанг қилиб, салтанатини тортиб олиши мумкин, лекин бундай қилишни истамайди. Лекин, уни Кришнани мамнун қилиш унинг бурчи эканига ишонтирган "Бхагавад-гита" илмини тинглаб туриб, Кришнанинг амрига итоат қилиб, жангга кирди. Шундай қилиб, у ўз ҳиссиётини лаззатлантириш учун эмас, балки Олий Шахс Худони мамнун қилиш учун жанг қилди.

Ўзига белгиланган бурчини ўз ҳиссиётини лаззатлантириш учун эмас, балки Парвардигорнинг ҳиссиётини лаззатлантириш учун бажарадиган кишиларни ниҳсанга, яъни "моддий табиат гуналари таъсиридан озодликка чиққан зотлар" деб атайдилар. Нйаста-карманах ибораси шуни кўрсатадики, ана шундай одамлар ўзларининг бутун фаолияти маҳсулини Олий Шахс Худого бағишлайдилар. Бир қараганда улар шунчаки ўз бурчини бажариб юргандай кўринади, лекин уларнинг мақсади ўз ҳиссиётини лаззатлантириш эмас, балки, Олий Шахс Худони мамнун қилишдан иборат. Ана шундай содиқларни прашантах, яъни "тўла мамнуният ҳосил қилган зотлар" деб атайдилар. Шуддха-четасах дегани "Кришна онгига эга бўлган" деган маънони билдиради; уларнинг онги бутунлай покланган. Онги булганган киши ўзини коинотнинг ҳукмдори деб билади, лекин пок онг соҳиби бўлган киши тушунадики, у Олий Шахс Худонинг мангу хизматкори. Парвардигорнинг мангу хизматкори ҳолатига қайтиб ва Унга ўз меҳнатининг барча натижаларини бағишлаб, инсон тўла мамнуният ҳосил қилади. Лекин, ўз ҳиссиётини лаззатлантириш

максадида меҳнат қилиб юрган киши тинчлик нималигини билмайди. Оддий одамнинг онги Кришна онгидаги кишининг онгидан фарқи шунда.

Текст 6

Ўз бурчини бажараётганда ўз меҳнатининг натижасига боғланмасдан, уларга эгалик қилиш ёки сохта ўзлик туйғусига берилмасдан ҳаракат қиладиган киши ўзининг онгини бутунла поклайди ва ўзининг азалий табиий ҳолатига қайтади. Ўзининг бу дунёдаги бурчларини шу тарзда бажариб. У ҳеч қийналмасдан Парвардигорнинг салтанатига эришади.

Изоҳ: Мазкур шеърда ишлатилган нивритти-дхарманиратаҳ ибораси “қалбида боғланмаслик туйғусини ривожлантириш мақсадида ҳамиша диний маросимлар ўтказиб” деган маънони билдиради. Диний фаолиятнинг икки тури бор. Уларнинг биттаси правритти-дхарма деб аталади; бу йўлдан ё жаннатий сайёраларга тушишга интилиб юрган, ё ўз ҳиссиётини лаззатлантириш имкониятига эга бўлиш учун моддий фаровонликка интилиб юрган грихамедхалар борадилар. Моддий оламдаги ҳар бир тирик мавжудот бу ерга ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун келган. Ана шундай фаолият правритти деб аталади. Бунга бутунлай карама-қарши бўлган диний фаолият нивритти деб аталади, - бу Олий Шахс Худога бағишланган фаолиятдир. Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиб юриб, инсон эгалик қилиш туйғусидан ҳамда ўзини Худо ёки хўжайин деб ҳисоблашга мажбур қиладиган сохта ўзлик таъсиридан халос бўлади. У ўзининг хизматкор эканини ҳамиша эсида сақлайди. Шунинг шарофати билан унинг онги покланади. Фақат пок онгга эга бўлган кишигина Парвардигорнинг салтанатига қира олади. Дунёвий одамлар нари борса моддий оламнинг олий сайёраларидан бирига эришишлари мумкин, лекин бу коинотнинг барча сайёралари яна қайтадан яратилиш ва яқсон қилиниш учун вақти-вақти билан яқсон бўлиб турадилар.

Текст 7

Ёруғ нур йўлидан боиб, озодликка эришган зотлар Олий Шахс Худога моддий ва руҳий оламларнинг ҳукмдори ҳамда уларнинг яратилиш ва яқсон бўлишининг олий сабабчиси бўлган Парвардигорга эришадилар.

Изоҳ: Сурйа-дварена ибораси “ёруғ нур йўлидан” ёки “Қуёш орқали ўтадиган йўл билан” деган маънони англатади. Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли нурли йўл деб аталади. Ведалар инсонларни зулмат қаърида адашиб юришни тарк этишга ва Қуёш орқали ўтадиган нурли йўлга чиқишга чақиради. Мазкур шеърда ҳам айтилганки, нурли йўлдан бориб, инсон моддий иллатлардан покланади; ана шу йўл уни Худо Шахси ҳукмронлик қилаётган салтанатга олиб боради. Пурушам вишвато-мукхам ибораси Олий Шахс Худони, ҳар жиҳатдан мукамал Парвардигорни билдиради. Олий Шахс Худонинг олдида бизларга қанчалик катта бўлиб кўринмасин, барча тирик мавжудотлар арзимас заррадир. Ҳар бир тирик мавжудот чексиз кичик, шунинг учун Ведаларда Парвардигорни барча мангу зотлар орасида олий мангу зот деб аталган. У – моддий

ва руҳий оламларнинг ҳукмдори, яралишнинг олий сабабчиси. Моддий табиат – шунчаки яратиш маҳсули, унинг ҳақиқий сабабчиси Парвардигорнинг қуввати ҳисобланади. Моддий қувват ҳам Унинг ҳукми остида; худди ота билан онанинг бирлашиши натижасида фарзанд дунёга келгани сингари, моддий табиат билан унга Ўз нигоҳини ташлайдиган Парвардигорнинг бирикиши моддий оламнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шундай қилиб, моддий коинотни ҳаракатга келтирадиган сабаб моддий табиат эмас, балки Парвардигорнинг Ўзидир.

Текст 8

Худо Шахсининг экспансияси бўлган Хираньягарбхага сиғинадиган одамлар икки парардха охиригача, яъни маъбуд Браҳма ўладиган вақтгача моддий оламда қоладилар.

Изоҳ: Коинотнинг қисман яқсон бўлиши маъбуд Браҳманинг кундузи охирига етганида рўй беради, унинг умрининг оирида эса, коинот тўла яқсон бўлади. Маъбуд Браҳма икки парардхи вақт ўтгандан кейин ҳалок бўлади, у билан бирга бутун коинот ҳам яқсон бўлади. Олий Шахс Худо, Гарбходакашайи Вишнунинг тўйқ экспансияси бўлган Хираньягарбхага сиғинадиган одамлар дарров Вайкунтҳадаги Олий Шахс Худонинг олдида бормайдилар, улар Сатъялока ёки бошқа олий сайёраларда Браҳманинг умрининг охиригача қоладилар. Кейин улар маъбуд Браҳма билан бирга руҳий оламга эришадилар.

Парасйя пара-чинтакаҳ ибораси “ҳамиша Олий Шахс Худо ҳақида ўйлаб” деган маънони, яъни ҳамиша Кришна онгида бўлишни билдиради. “Кришна” деганда биз бутун вишну-таттвани назарда тутамиз. Кришна уч пураша-аватара: Маха-Вишну, Гарбходакашайи Вишну ҳамда Кширодакашайи Вишнуни, шунингдек Парвардигорнинг мужассам бўлган бошқа қиёфаларини Ўз ичига олади. Буни “Брахма-самхита” ҳам тасдиқлайди: рамади-муртишу кала-нийамена тиштхан – Парвардигор Шри Кришна Ўзининг Рама, Нрисимха, Вamana, Мадхусудана, Вишну ва Нараяна сингари сон-саноксиз экспансиялари билан биргаликда мангу мавжуд. У Ўзининг ҳар бири Олий Шахс Худодан фарқ қилмайдиган тўла намоён бўлган қисмлари, тўла қисмларининг қисмлари билан бирга мавжуд. Парасйя пара-чинтакаҳ ибораси қалбида Кришна онгини тўла ривожларган кишини билдиради. Ана шундай одамлар дарров Парвардигорнинг салтанатига, Вайкунтҳа сайёраларига эришадилар. Лекин, Парвардигорнинг тўлиқ қисмига, Гарбходакашайи Вишнуга сиғиниб юрганлар коинотда то унинг охиригача қоладилар ва шундан сўнг руҳий оламга йўл оладилар.

Текст 9

Моддий табиатнинг уч гунасининг икки парардха билан чекланган мавжудлик даври ниҳоясига етганида маъбуд Браҳма ер, сув, ҳаво, олов, эфир, ақл, сохта ўзлик ва бошқа қобиклар билан ўралган моддий коинотни йиғиштиради ва Худонинг даргоҳига қайтади.

Изоҳ: Мазкур шеърда ишлатилган авйакритам ибораси алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Бу иборанинг маъноси

"Бхагавад-гита"да санатанам ибораси билан ифодаланган. Моддий олам вйакрита тоифасига киради: у хамиша ўзгариб туради ва охир-окибатда яксон бўлади. Лекин моддий олам яксон бўлгандан кейин санатана-дҳама, яъни руҳий олам мавжудликда давом этаверади. Руҳий осмон авйакрита, яъни "ўзгармас" деб аталади. Айнан ана шу жойда Олий Шахс Худо мангу яшайди. Замон таъсири остида маъбуд Браҳманинг моддий коинотни бошқариш даври ниҳоясига етганида маъбуд Браҳма уни яксон қилади ва бошқа тирик мавжудотлар билан бирга Парвардигорнинг салтанатига киради.

Текст 10

Нафас олиш машқлари ва муруқабда ёрдамида моддий оламни тарк этадиган йоглар Ер сайёрасидан жуда узокда жойлашган маъбуд Браҳманинг сайёрасига эришадилар. Ўзларининг танасини тарк этиб, улар маъбуд Браҳманинг танасига кирадилар, маъбуд Браҳма озодликка эришиб Олий Шахс Худога, Олий браҳманга қайтганида, ана шу йоглар ҳам у билан бирга Худонинг даргоҳига эришадилар.

Изоҳ: Йога билан шуғулланишда мукамалликка эришган йоглар коинотнинг энг олий сайёрасига, Браҳмалокага эришадилар. Моддий таналарини тарк этиб, улар маъбуд Браҳманинг танасига кирадилар. Улар бирданига руҳий озодликка эриша олмайдилар, чунки улар Парвардигорнинг содиқ хизматкорлари эмаслар. Улар то маъбуд Браҳма руҳий озодликка эришгунча кутиб туришга мажбур, фақат шундан кейин маъбуд Браҳма билан бирга улар ҳам моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқадилар. Токи тирик мавжудот у ёки бу фариштага сиғиниб юрар экан, унинг ақли ана шу фаришта ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юради, шунинг учун у бирданига озодликка эришишга ва Парвардигорнинг салтанатига қайтишга ёки Унинг шахсиятсиз нурига қўшилишга қодир эмас. Ана шундай йоглар ва фаришталарнинг содиқлари яратишнинг янги цикли бошланганида яна моддий оламда туғилиш хавфи остида бўладилар.

Текст 11

Шунинг учун, эй азиз она, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бориб, ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган Парвардигорнинг паноҳига кир.

Изоҳ: Қалбида Кришна онгини тўла ривожлантириб, тирик мавжудот Олий Шахс Худо билан бевосита мулоқот қилишга ва У билан ўзининг севгилиси, Олий Руҳи, фарзанди, дўсти ёки ҳукмдори сифатида мангу муносабатларини қайта тиклашга қодир бўлади. Тирик мавжудот ва Парвардигорнинг ўзаро илохий муҳаббатга асосланган ҳар хил муносабатлари мавжуд, ана шундай ҳолат ҳақиқий бирлик, бирлашиш ҳисобланади. Тирик мавжудотнинг Парвардигор билан бирлашиши деганда майявади-файласуфлар вайшнав-файласуфлардан бугунлай бошқа нарсани назарда тутадилар. Вайшнав-файласуфлар ҳам, майявади-файласуфлар ҳам Парвардигор билан бирлашишга интиладилар, аммо, Парвардигорнинг борлигига ғарқ бўлиб, вайшнавлар ўзларининг алоҳида мавжудлигини йўқотмайдилар. Улар ўзларининг Кришнанинг

севгилиси, Унинг отаси ёки онаси, дўсти ёки хизматкори сифатида ўзларининг ҳақиқий ҳолатини саклаб қоладилар.

Руҳий оламда хизматкор билан хўжайин орасида фарқ йўқ. Руҳий оламнинг муғлақ табиати шундан иборат. Гарчи содиқ хизматкор билан Парвардигор ўзаро хизматкор ва хўжайин ришталари билан боғланган бўлса ҳам, хизмат қилаётган зот ҳам, хизматини қабул қилаётган зот ҳам, бир поғонада турадилар. Уларнинг бирлиги ана шундан иборат. Парвардигор Капила онасига бошқа айланма йўлларни танламасликни маслаҳат берапти. У ҳозир Худонинг даргоҳига тўғри йўлдан борёпти, чунки Парвардигор унинг ўғли бўлди. Аслида унга ҳеч қандай насиҳатларнинг кераги йўқ эди, чунки у аллақачон руҳий баркамоллик чўққисига эришган зот. Капиладева унга шу йўлда давом этишни маслаҳат берапти. Шунинг учун онасига муурожаат қилар экан У онасининг Парвардигорни ўзининг фарзанди деб ҳисоблашини назарда тутиб, бхамини деб атайди. Парвардигор Капила Девахутига Кришна онгида бевосита Худога садоқат билан хизмат қилишни маслаҳат беради, чунки қалбида Кришна онгини ривожлантирмаган киши ҳеч қачон майянинг тўрларидан чиқиб кета олмайди.

Текст 12-15

Эй азиз она, Парвардигорга хизмат қилишдан қандайдир манфаат кўзлайдиган одамлар бор. Аммо, ҳатто маъбуд Браҳма сингари фаришталар, Санаткумар сингари буюк донишмандлар, Маричи сингари буюк мутафаккир(муни)лар ҳам олам яралишининг янги цикли бошланганида яна моддий оламга қайтишга мажбур бўладилар. Моддий табиат гуналари яна ўзаро ҳаракат қила бошлаганида моддий коинотнинг яратувчиси ва ведалар илмининг маркази маъбуд Браҳма ҳамда руҳий илм ва йога тизимининг асосчилари бўлган буюк донишмандлар замон ҳукмига бўйсуниб яна моддий оламга қайтадилар. Карма оқибатлари келтирмайдиган фаолият билан шуғулланиб, улар озодликка эришадилар ва пурушанинг биринчи намоён бўлган қиёфасининг танаси ичига кирадилар, аммо моддий олам яратилган пайтда яна бу ерга қайтиб, ўзлари аввал қайси қиёфада бўлса шу қиёфага кириб, ўзларининг аввалги лавозим(ҳолат)ини эгалладилар.

Изоҳ: Маъбуд Браҳманинг ўзи озодликка эришишини ҳамма биледи, аммо у ўзининг содиқ хизматкорларига озодлик инъом этишга қодир эмас. Маъбуд Браҳма, Шива сингари фаришталар бирор тирик мавжудотга озодлик инъом этишга қодир эмаслар. "Бхагавад-гита"да айтилганидек, майя чангалидан фақат Кришнага, Олий Шахс Худога ўз ихтиёрини топширган киши халос бўла олади. Мазкур шеърда маъбуд Браҳма адйах, стхира-чаранам деб аталган, у – коинотдаги биринчи яралган тирик мавжудот. Дунёга келгандан кейин маъбуд Браҳма Парвардигордан коинотни қандай яратиш лозимлиги ҳақида батафсил кўрсатмалар олади ва яралиш жараёнига киришади. Мазкур шеърда Капиладвеа маъбуд Браҳмани веда-гарбха, яъни "Ведаларнинг якуний мақсади маълум бўлган зот" деб атайди. Унга хамиша Маричи, Кашьяпа ва етти донишманд, шунингдек сеҳргар-йоглар, Кумарлар ва

бошқа кўплаб рухий жиҳатдан улуғвор зотлар ҳамроҳ бўлиб юрадилар. Лекин шунга қарамай маъбуд Браҳманинг Парвардигорнинг манфаатларига тўла мос келмайдиган шахсий манфаатлари бор. Бхеда-дриштйа ибораси шуни кўрсатадики, баъзан маъбуд Браҳма ўзини Парвардигорга қарам эмас, эркин деб, ёки Худо Шахсининг тенг ҳуқуқли уч қиёфасидан бири деб ҳисоблайди. Маъбуд Браҳмага моддий коинотни яратиш, Парвардигор Вишнуга – унинг мавжудлигини таъминлаб туриш, Рудра, яъни маъбуд Шивага эса, - уни яқсон қилиш вазифаси юклатилган. Ана шу уч Илоҳ ҳам ягона моддий табиатнинг гуналарининг ҳар хил фаолиятини бошқарадиган Парвардигорнинг мужассам бўлган қиёфаси ҳисобланади, аммо уч Илоҳ ҳам Олий Шахс Худога қарам. Бхеда-дриштйа ибораси бу ерда шу сабабли ишлатилганки, маъбуд Браҳмада баъзида ўзини Рудра сингари мустақил деб ҳисоблашга мойиллик бор. Баъзида маъбуд Браҳма ўзини Парвардигорга қарам эмас деб ўйлайди, унга сиғиниб юрган зотларнинг ҳам бунга ишончи комил. Шу сабабли яқсон бўлган моддий коинотни қайтадан яратиш вақти келганида ва моддий табиат гуналари яна ўзаро фаолият кўрсата бошлаганида маъбуд Браҳма моддий оламга қайтиб келади. Маъбуд Браҳма Парвардигорнинг биринчи мужассам бўлган қиёфасига, яъни илоҳий сифатларга тўла Маха-Вишнуга эришса ҳам, у рухий оламда қолмайди.

Унинг бу дунёга қайтишида жуда чуқур маъно бор. Маъбуд Браҳма, буюк ришилар ва йоганинг буюк устози(Шива) – оддий тирик мавжудотлар эмаслар. Улар жуда катта қудратга эга зотлар бўлиб, сеҳр йогасининг барча қудратига эга. Шунга қарамай, уларнинг қалбида Парвардигор билан тенглашиш истаги сақланиб қолаверади, шунинг учун улар моддий оламга қайтиб келишга мажбур бўладилар. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, агар тирик мавжудот ўзини Олий Шахс Худога тенг деб ҳисобласа, демак, у ҳали тўла покланмаган ва мукамал илмга эга эмас. Гарчи моддий коинот яқсон бўлгандан кейин ана шу шахсларнинг барчаси Парвардигорнинг биринчи пуруша-аватараси, Маха-Вишнуга эришсалар ҳам, улар яна тубанликка тушадилар, яъни моддий оламга қайтиб келадилар.

Имперсоналистлар Парвардигор бу дунёга моддий танада келади деб жуда катта хатога йўл қўядилар. Ана шу нотўғри тахминдан келиб чиққан ҳолда улар айтадиларки, Парвардигорнинг қиёфасига эмас, балки шахсиятсиз, қиёфага эга бўлмаган зотга муҳофаза қилиш лозим. Ана шу хато сабабли буюк сеҳргар-йоглар ва энг машҳур илоҳиётчилар ҳам олам яралишининг янги цикли бошланганида моддий оламга қайтиб келишга мажбур бўладилар. Аммо бошқа тирик мавжудотларнинг ҳаммаси тўла Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилишлари ва Олий Шахс Худога муҳаббат билан хизмат қилиш жараёнида озодликка эришишлари мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бораётган кишилар ҳар хил поғонада бўлишлари ва шунга қараб Парвардигор ҳақида ўзининг ҳукмдори, дўсти, ва ниҳоят севгилиси сифатида ўйлаши мумкин. Мана шу фарқлар илоҳий ранг-барангликнинг албатта мавжуд бўлган таркибий қисмидир.

Текст 16

Моддий оламга қаттиқ боғланиб қолган кишилар ўз бурчларини қатъият ва чуқур ишонч билан пухта бажарадилар. Ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланишдан умидвор бўлиб, улар ҳар қуни қилиш зарур бўлган ҳамма ишларни қиладилар.

Изоҳ: "Шримад Бхагаватам"нинг мана шу ва кейинги беш шеърда моддий оламга қаттиқ боғланиб қолган кишилар қаттиқ қораланади. Ведавий битикларда айтилганки, моддий лаззатларга боғланиб қолган кишилар қурбонлик маросими ўтказишлари бошқа урф-одатларга риоя қилишлари лозим. Улар кейинги ҳаётида жаннатга эришиш учун ўзларининг кундалик турмушида улар ҳар хил қонун-қоидаларга, турли чеклашларга риоя қилишлари лозим. Мазкур шеърда Парвардигор Капила айтадики, ана шундай одамлар ҳеч қачон озодликка эриша олмайдилар. Муқаддас китобларда ўзларига белгиланган вазифаларни ўзининг моддий фаровонлигини ошириш учун бажариб юрганлар нари турсин, ҳатто ҳар бир фариштани мустақил Худо деб ҳисоблаб, фаришталарга сиғиниб юрган киши ҳам рухий оламга эриша олмайди.

Текст 17

Эҳтирос гунасининг таъсири остида ана шундай кишилар ҳамиша хавотир остида юрадилар, уларнинг жиловланмаган сезгилари уларни ҳамиша ҳиссий лаззат ахтаришга мажбур қиладилар. Улар ажодларга сиғинадилар ҳамда ўз оиласининг, жамоасининг ёки мамлакатининг иқтисодий фаровонлигини ошириш учун туну-кун меҳнат қиладилар.

Текст 18

Ана шундай одамлар траи-варгика деб аталадилар, чунки уларнинг манфаати бутунлай тараққиётнинг уч йўлига мужассам бўлган. Уларни Олий Шахс Худо, шартланган руҳга озодлик инъом этишга қодир бўлган Парвардигор қизиқтирмайди. Улар Парвардигорнинг илоҳий қароматларини таърифлагани сабабли бизнинг эътиборимизга муносиб бўлган Олий Шахс ҳақидаги ҳикояларга бефарқ қарайдилар.

Изоҳ: Ведалар фалсафасида ривожланишнинг тўрт йўли мавжуд: диний ривожланиш йўли; моддий фаровонлик йўли; ҳиссий лаззатлар йўли ва озодликка эришиш йўли. Моддий лаззатдан бошқа нарса қизиқтирмайдиган кишилар ўзларига белгиланган вазифаларни иложи борича яхши бажаришга интиладилар. Уларнинг манфаати бутунлай ўзларининг моддий ҳолатини яхшилашнинг уч турига қаратилган: диний маросимлар, моддий фаровонлик ва ҳиссий лаззатланиш. Ўзларининг иқтисодий ҳолатини яхшилаб, улар моддий ҳаётдан лаззатланиб яшаш имкониятига эга бўладилар. Шунинг учун дунёвий одамларнинг манфаатлари тараққиётнинг траи-варгика деб аталадиган уч йўлидан ташқари ичқмайди. Траи – “уч”, варгика ибораси эса - “тараққиёт йўли” дегани билдиради. Ана шундай дунёвий одамларни Олий Шахс Худо қизиқтирмайди, аксинча, одатда улар Парвардигорга нисбатан душманлик муносабатида бўладилар.

Мазкур шеърда Капиладева Олий Шахс Худони хари-медхах, яъни “тирик мавжудотни туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқарувчи Зот” деб атапти. Дунёвий одамлар Парвардигорнинг ғаройиб кароматлари ҳақидаги ҳикояларга бефарқ қарайдилар. Улар бу ҳикояларни афсона ва бўлмаган нарсалар деб ҳисоблайдилар, Парвардигорни эса, моддий оламга мансуб бўлган оддий инсон деб ҳисоблайдилар. Ана шундай одамлар Худога садоқат билан хизмат қилишга ва қалбида Кришна онгини ривожлантиришга қодир эмаслар. Одатда улар газеталарни, романларни ва одамлар ўйлаб чиқарган пьесаларни катта қизиқиш билан ўқийдилар. Парвардигорнинг Ўзи иштирок этган тарихий воқеалар, Парвардигор Шри Кришнанинг Курукшетра жанг майдонида қилган ишлари, Пандузодаларнинг қахрамонликлари, шунингдек Парвардигорнинг Вриндавандаги эрмаклари ва Унинг Дваракада ҳукмронлик қилишлари ҳақидаги ҳикояларнинг ҳаммаси тўлалигича Парвардигорнинг кароматларини таърифлаш учун мўлжалланган "Бхагавад-гита" ва "Шримад Бхагаватам"да ёзилган. Аммо, бутун диққат-эътибори ўзларининг моддий оламдаги аҳволини яхшилашга қаратилган дунёвий одамларни Парвардигорнинг кароматлари қизиқтирмайди. Уларни қайсидир буюк сиёсатчининг ёки моддий ҳаётда муваффақият қозонган жуда бадавлат бирор кишининг ҳаётидан олинган ҳикоялар қизиқтириши мумкин, аммо Парвардигорнинг илоҳий кароматлари уларни умуман қизиқтирмайди.

Текст 19

Парвардигорнинг олий амрига биноан ана шундай одамларга тавқи-ланъат тамғаси босилган. Олий Шахс Худонинг кароматлари ҳақидаги лаззатли ҳикоялардан юз ўнгирганлари сабабли уларни ахлат билан озикланадиган чўчқаларга тенглаштирадilar. Парвардигорнинг илоҳий кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ўрнига улар дунёвий одамларнинг гуноҳ ишлари ҳақидаги ҳикояларни тинглайдilar.

Изоҳ: Жаҳонда бошқа одамларнинг – сиёсатчиларнинг, бадавлат кишиларнинг ёки бадиий асарлардаги ўйлаб топилган қахрамонларнинг ҳаётдан олинган ҳикояларни тинглашни ёқтирмайдиган киши йўқ. Ўйлаб топилган бемаъни роман, повест ҳамда илмсиз файласуфларнинг асарлари бутун оламни босиб кетган. Дунёвий одамлар шундай асарларни берилиб ўқийдилар, аммо, уларнинг қўлига ҳақиқий илм таърифланган китоблар: "Шримад Бхагаватам", "Бхагавад-гита", "Вишну-пурана" ёки Библия, Қуръон сингари муқаддас китоблар тушиб қолса, бу китоблар уларда заррача қизиқиш уйғотмайди. Тақдир тақозоси билан ана шундай инсонларга тавқи-ланъат тамғаси босилган. Уларнинг тақдир чўчқанинг тақдиридан фарқ қилмайди. Чўчқалар ахлатни ҳамма нарсдан устун қўядilar. Агар чўчқага суг ва сариёғдан тайёрланган бирор ширин овқат таклиф қилсангиз, у бундан юз ўгириб, ўзига жуда ширин туюладиган жирканч, сасиқ ахлат излашга тушади. Одамларнинг дўзахий фаолияти ҳақидаги ҳикоялардан лаззатланадиган, аммо Парвардигорнинг илоҳий кароматлари билан қизиқмайдиган дунёвий одамлар

ҳам ана шундай тавқи-ланъатга учраганлар. Парвардигорнинг кароматлари ҳақидаги ҳикоялар – соф нектар, бизнинг эътиборимизни тортадиган бошқа асарларнинг ҳаммаси аслида захар ҳисобланади.

Текст 20

Ана шундай одамлар Қуёшнинг жанубий йўлида жойлашган Питрилока сайёрасига тушиш имкониятига эга бўладilar. Лекин, анча вақт ўтгандан кейин улар яна мана шу сайёрага қайтиб келадilar, ўзларининг аввалги оилаларида туғиладilar ва яна аввалги кармали фаолият билан шуғуллана бошлайдилар – туғилганидан то ўлгунча уларнинг бутун ҳаёти ана шундай фаолият билан ўтади.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"(9.21)да айтилганки, ана шундай одамлар олий сайёраларга эришадilar, аммо, кармали фаолияти учун ажратилган вақт ниҳоясига етган заҳоти улар яна Ер сайёрасига қайтиб келадilar. Шундай қилиб, улар хамиша гоҳида юқори кўтарилиб, гоҳида пастга тушиб юрадilar. Олий сайёраларга эришган кишилар ерга қайтиб келиб ўзлари қаттиқ боғланиб қолган оилада туғиладilar ва то умри тугагунча яна кармали фаолият билан машғул бўладilar. Туғилганидан то умрининг охиригача шундай одамлар сон-саноксиз маросим ва анъаналарга риоя қилиб яшайдilar, одатда улар бу амалларни жуда қадрлайдилар ҳамда уларга қаттиқ боғланиб қолганлар.

Текст 21

Ўзларининг савоб ишлари заҳираларини тамомлагандан кейин Тақдир тақозоси билан улар, худди катта лавозим эгаллаб турган киши бирданига энг тубан ҳаётга тушиб қолгани сингари, яна мана шу сайёрага қайтиб келадilar.

Изоҳ: Баъзан шундай бўладики, ҳукумат таркибида юқори лавозим эгаллаб турган киши бирданига обрўсидан айрилиб қолади, бунга ҳеч ким қаршилиқ қила олмайди. Худди шундай, олий сайёраларга эришишга интилиб юрган нодонлар ҳам, ўзларига лаззатланиш учун ажратилган вақт тугаши билан тубанликка қулаб, яна Ер сайёрасига қайтиб келадilar. Содиқ хизматкорнинг юксалиши билан оддий инсоннинг юксалиши орасидаги фарқ шундан иборатки, руҳий сайёралардан бирига тушган содиқ хизматкор ҳеч қачон тубанликка қуламайди, оддий инсон эса, ҳатто коинотдаги сайёралар тизимининг энг олий сайёрасига, брахмалокага эришган бўлса ҳам, барибир яна пастга қулашга маҳкум. "Бхагавад-гита"да ҳам айтилганки, олий сайёраларга эришган тирик мавжудотлар яна орқага қайтишга мажбур бўладilar. Лекин, ана шу "Бхагавад-гита"(8.16)нинг ўзида Парвардигор Шри Кришна Ўзининг содиқ хизматкорини ишонтириб айтадики: мам упетйа ту каунтейа пунар джанма на видйате – “Менинг даргоҳимга эришган киши ҳеч қачон моддий ҳаётнинг шартланган ҳолатига қайтиб келмайди”.

Текст 22

Шунинг учун, эй азиз она, Мен сенга Олий Шахс Худонинг паноҳига киришни маслаҳат бераман, чунки Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи барча учун

муқаддасдир. Унга муҳаббат ва садоқат билан сажда кил, шунда сен Худога илоҳий садоқат билан хизмат қилиш поғонасига эришасан.

Изоҳ: Баъзан маъбуд Браҳмани ҳам парамештхинам ибораси билан ифодалайдилар. Парамештхи ибораси “олий ҳукмдор” деганни англатади. Маъбуд Браҳма мана шу коинотнинг ҳукмдори, худди шундай Кришна руҳий оламнинг Олий Ҳукмдори ҳисобланади. Парвардигор Капила онасини Олий Шахс Худо, Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топишга чақиряпти, чунки мана шу энг ишончли паноҳдир. У онасига фаришталарнинг, ҳатто моддий оламда энг юқори лавозим эгаллаб турган маъбуд Браҳма ва Шиваларнинг паноҳига киришни маслаҳат бермаяпти. Тирик мавжудот Олий Шахс Худонинг пойи қадамларидан ўзига паноҳ топиши лозим.

Сарва-бхавена ибораси “ҳамма нарсани қоплаб олувчи жазавали лаззат” деганни англатади. Бхава – Худога соф муҳаббатдан олдин келадиган поғона. "Бхагавад-гита"да айтилганки, будха бхавасаманвитаҳ – бхава поғонасига эришган киши Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига сиғиниши мумкин. Парвардигор Капила ҳам онасига шундай қилишни маслаҳат беряпти. Мазкур шеърда ишлатилган тад-гунаишрайайа бхактйа ибораси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу сўзлар Кришнага садоқат билан хизмат қилиш илоҳий табиатга эга эканини кўрсатади, уни ҳеч қачон моддий фаолият деб ҳисобламаслик керак. Биз бу ҳақиқатнинг "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланишини кўрамиз, унда айтилганки, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқлар руҳий салтанатга кириш ҳуқуқига эга бўладилар. Браҳма-бхуйайа калпате: улар шу заҳотиёқ Парвардигорнинг илоҳий салтанатига эришадилар.

Тўла Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиш – инсонга ҳаётда олий баркамолликка эришиш имконини берадиган ягона йўлдор. Бу ерда Парвардигор Капила онасига ана шу ҳақда айтяпти. Шунинг учун бхакти ниргуна, яъни “моддий сифатларга эга бўлмаган” деб аталади. Гарчи Худога садоқат билан хизмат қилиш фаолияти сиртдан қараганда моддий фаолиятга ўхшаса ҳам, унга моддий сифатлар иллати таъсир қила олмайди. Тад-гунашрайайа дегани шуни билдирадики, Парвардигор Шри Кришнанинг илоҳий сифатлари шу қадар улғуворки, содиқ хизматкор Худога хизмат қилишдан бошқа бирор иш билан шуғулланишга ҳеч қандай зарурат сезмай қолади. Парвардигор қанчалик олижаноб эканини билган ҳолда, содиқ хизматкор бошқа яна кимгадир сиғинишга ҳеч қандай зарурат ҳис қилмайди. Муқаддас китобларда айтилганки, ялмоғиз Пугана Кришнани заҳарламочки эди, лекин, Кришнага унинг сути ёқиб қолгани сабабли, У ялмоғиз Пуганага руҳий оламда Ўз онаси мақомини берди. Шунинг учун Парвардигорга илтижо қилар экан, Худонинг содиқлари шундай дейдилар: “Ҳатто Кришнани ўлдирмоқчи бўлган ялмоғиз Пугана ҳам шундай юқори мақомга эришган бўлса, бизнинг бошқа кимгадир сиғинишимизнинг нима кераги бор?” Диний фаолиятнинг икки тури бор: моддий фаровонликка эришиш ниятида амалга ошириладиган диний фаолият ва руҳий юксалиш мақсадида кўрсатиладиган диний

фаолият. Аммо, Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топган киши моддий фаровонликка ҳам, руҳий юксалишга ҳам эришади. Шундай экан, фаришталарга сиғинишнинг нима кераги бор?

Текст 23

Кришна онгида ҳаракат қилиб ҳамда Кришнага садоқат билан хизмат қилиб, тирик мавжудот аста-секин илм ва таркидунёликка эришади. Шу тарзда у ҳақиқий ўзлигини англаб етади.

Изоҳ: калтафаҳм одамлар айтадиларки, бхакти-йога, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш илоҳий илм ва таркидунёликка эриша олмаган зотлар учун мўлжалланган. Лекин аслида тўлиқ Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши қалбида таркидунёлик туйғусини ривожлантириш ёки қалбида илоҳи йил уйғонишини кутиб ўтиришининг ҳожати йўқ. Айтилганки, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан адашмай бораётган кишининг қалбида фаришталарнинг барча эзгу фазилатлари ўзидан-ўзи ривожлана бошлайди. Қандай қилиб содиқ хизматкор бундай сифатларга эга бўлишини тушунтиришнинг иложи йўқ, лекин барибир, ана шундай ҳол рўй беради. Бунга авваллари тирик мавжудотларни ўлдиришдан лаззат олиб юрган, Худонинг содиқ хизматкори бўлгандан кейин эса, ҳатто чумолига ҳам озор бермайдиган бўлиб қолган бир овчининг ҳаёти мисол бўлиши мумкин. Худонинг содиқ хизматкорининг сифатлари ана шундай бўлади.

Ҳақиқатан ҳам илоҳий илм эгаллашни истаган киши ҳақиқатни фалсафий йўл билан излашга вақтини кетказиб юрмасдан Парвардигорга соф садоқат билан хизмат қилиши лозим. Мутлақ Ҳақиқатнинг табиати ҳақида маълум хулосаларга келиш учун мазкур шеърда ишлатилган браҳма-даршанам иборасини таҳлил қилиш лозим. Браҳма-даршанам ибораси “илоҳийликка эришиш” ёки “илоҳийликни англаш” деганни билдиради. Браҳманни фақат Васудевага хизмат қилиб юрган киши ангай олади. Агар Браҳман шахсиятсиз бўлса, даршанам, яъни уни “кўриш” ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Мазкур шеърда даршанам ибораси “Олий Шахс Худо, Васудевани кўриш” деганни билдиради. Даршанам ибораси кўрадиган зот ҳам, кўринадиган зот ҳам шахс эканини англатади. Браҳма-даршанам ибораси шуни билдирадики, Олий Шахс Худони кўриш билан содиқ хизматкор бир вақтнинг ўзида шахсиятсиз Браҳманни англаб етади. Браҳманнинг табиатини англаб етиш учун у қўшимча бирор иш қилиб юришининг ҳожати йўқ. Бу "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланади: браҳма-бхуйайа калпате – Худонинг содиқ хизматкори бўлиш билан бир вақтда инсон ўзининг руҳий табиатини англаб етади ва Мутлақ Ҳақиқатга эришади.

Текст 24

Улғувор содиқ хизматкорнинг ақли ҳиссиётининг фаолиятида барқарорликка эришади, шунда содиқ хизматкор унга лаззат берадиган нарсаларга ҳам, нафратини кўзғайдиган нарсаларга ҳам илоҳий муносабатда қолаверади.

Изоҳ: Рухий баркамолликнинг юқори поғонасига эришган содиқ хизматкорнинг хулқ-атворини кузатиш орқали илоҳий илм ва моддий лаззатларга боғланмаслик қандай намоён бўлишини аниқлаб олиш мумкин. Ана шундай поғонага кўтарилган содиқ хизматкор учун ёқимли нарса ҳам, ёқимсиз нарса ҳам йўқ, чунки у ўзининг ҳиссиётини лаззатлантириш учун ҳаракат қилмайди. У нима қилса ҳам, нима ҳақида ўйласа ҳам, унинг барча амаллари ва фикрлари Худо Шахсини мамнун қилишга қаратилган. У қаерда бўлишининг аҳамияти йўқ – моддий оламда, рухий оламда, унинг ақли ҳамиша хотиржам қолаверади. Худонинг содиқлари моддий оламда бирор яхшилик йўқлигини тушунадилар. Бу ерда ҳамма нарса ёмон, чунки бу ерда ҳамма нарса моддий табиат таъсирида булганган. Дунёвий одамларнинг яхши ва ёмон, ёқимли ва ёқимсиз нарсалар ҳақидаги тасаввурлари ё хом-хаёлга, ё ҳиссиётининг талабларига асосланган бўлади. Аслини олганда моддий оламда бирор яхшилик йўқ. Аксинча, рухий оламда ҳамма нарса мутлақ эзулик, яхшиликдан иборат. Рухий ранг-барангликда бирор камчилик, нуқсон йўқ. Худонинг содиқ хизматкори ҳаётга рухий илм назари билан қарагани туфайли унинг ақли ҳамиша хоиржам, мувозанат ҳолатида бўлади: мана шу унинг илоҳий поғонага кўтарилганидан далолат беради. Ана шундай содиқ хизматкор бунинг учун ҳеч қандай ҳаракат қилмаса ҳам, таркидунёликка(вайрагъя) ва илм(илм)га эришади, охир-оқибатда у ҳақиқий илоҳий илмга эга бўлади. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Худонинг асл содиқ хизматкори Парвардигорнинг илоҳий сифатларига эга бўлади ва шу жиҳатдан Олий Шахс Худодан фарқ қилмайдиган бўлади.

Текст 25

Худонинг асл содиқ хизматкорининг илоҳий тафаккури унга бу дунёнинг ишларига хотиржам назар ташлаш ҳамда ўзининг моддий иллатларга алоқадор эмаслигини тушуниш имконини беради. У воқеа-ҳодисаларни яхши ва ёмонга ажратмайди ҳамда ўзини илоҳий, сифат жиҳатидан Парвардигор билан бир хил даражада ҳис қилади.

Изоҳ: Ёқимсиз кайфиятларга, ҳис-туйғуларга боғланишлар сабаб бўлади. Содиқ хизматкор ҳеч нарсага боғланмаган, шу боис унинг учун ёқимли ёки ёқимсиз нарсанинг ўзи йўқ. У ҳатто ўзининг шахсий манфаатига зид бўлса ҳам, Худого садоқат билан хизмат қилиш учун зарур бўлган ҳамма нарсани бирдай қабул қилади. Аслини олганда унинг шахсий манфаати ҳам йўқ, шу боис Парвардигорни мамнун қиладиган нарсалар Унинг содиқ хизматкорига ҳам лаззат бағишлайди. Масалан, аввалига Аржун ўзининг жангда иштирок этиши мумкин эмасдай туюлди, лекин, у жангда иштирок этиши Парвардигорни мамнун қилишини тушунгандан кейин жангда иштирок этишга рози бўлди. Унинг ўзи учун ёқимли ва ёқимсиз, мумкин ёки мумкин эмас нарсалар йўқ; у нима иш қилмасини ҳаммасини Худо учун қилади, шунинг учун у ҳеч нарсага боғланиб қолган эмас, ҳеч нарсани инкор ҳам қилмайди. Ана шундай ҳолатни илоҳий бефарқлик ҳолати деб аталади. Худонинг асл содиқ хизматкори

Парвардигорни мамнун қилиш билан ҳаётда лаззатланиб яшайди.

Текст 26

Парвардигор, Олий Шахс Худо мутлақ илоҳий илмдан бошқа нарса эмас, лекин ўрганиш усулига қараб У Ўзини турлича намоён этади: шахсиятсиз Брахман, Параматма, Олий Шахс Худо ёки пуруша-аватара.

Изоҳ: Мазкур шеърда ишлатилган дришӣ-адибхӣ ибораси муҳим аҳамиятга эга. Джива Госвамнинг фикрига кўра, дриши ибораси “илм ўрганишнинг фалсафий йўли”, яъни гьянани билдиради. Ҳақиқатни фалсафий англашнинг ҳар хил таълимотларга асосланган турли шакллари, масалан, гьяна-йога Бхагаван, Олий Шахс Худони шахсиятсиз Брахман сифатида кўриш имконини беради. Саккиз поғонали йога билан шуғулланиб юрган кишилар олдида Парвардигор Параматма қиёфасида намоён бўлади. Аммо, соф Кришна онгига эга бўлган, яъни соф илмга эга бўлган киши Мутлақ Ҳақиқатни англамоқчи бўлса, у Мутлақ Ҳақиқатни Олий Шахс сифатида англаб этади. Илоҳийликни англаб етиш учун биргина илм(гьяна)нинг ўзи етарли. Бу ерда ишлатилган параматмешвараҳ пуман ибораси илоҳий табиатга эга бўлиб, Олий Рухни билдиради. Олий Рухни баъзида пуруша деб атайдилар, аммо бхагаван ибораси бевосита Олий Шахс Худони, олти илоҳий фазилат: бойлик, шон-шухрат, куч, гўзаллик, илм ва боғланмасликка мукамал эга бўлган Парвардигорни билдиради. Бхагаван – турли рухий жиҳатларда мавжуд бўлган Худо Шахси. Параматма, Ишвара ва Пуманнинг таърифлари бир биридан фарқ қилиши Худо Шахсининг экспансиялари сон-саноксиз эканлигидан далолат беради.

Охир-оқибатда Олий Шахс Худони англаб етиш учун бхакти-йога йўлига кириш лозим. Гьяна-йога ёки дхьяна-йога билан шуғулланиб юрган киши аста-секин бхакти-йога поғонасига кўтарилиши лозим, фақат шундагина у Параматма, Ишвара, Пуман ва ҳоказолар нимани эканини англаб этади. "Шримад Бхагаватам"нинг иккинчи қўшиғида айтилганки, инсон ким бўлишидан қатъий назар: содиқ хизматкорми, карми ёки гьяними, - агар у етарлича ақл-фаросатга эга бўлса, жиддий равишда Худого садоқат билан хизмат қилиши лозим. Яна айтилганки, Худого садоқат билан хизмат қилиш орқали инсон ҳар қандай мақсадга, шу жумладан кармали фаолият билан шуғулланиб юрган кишилар интилаб юрган мақсадларга ҳам эриша олади. Парвардигор олти фазилатга мукамал эга бўлгани боис, У Ўзининг содиқ хизматкорига улардан истаган бирини инъом эта олади.

Ягона Парвардигор, Олий Шахс Худо ҳар хил мутафаккирлар олдида ё Олий Шахс қиёфасида, ё шахсиятсиз Брахман қиёфасида, ё Параматма қиёфасида намоён бўлади. Имперсоналистлар шахсиятсиз Брахманнинг борлиғига қўшилиб кетишга интиладилар, аммо бу мақсадаг шахсиятсиз Брахманга сизиниш орқали эришиб бўлмайди. Лекин, агар Худого садоқат билан хизмат қилиб юрган киши Парвардигорнинг борлиғига қўшилиб кетишни истаса, у бунга эриша олади. Шундай қилиб, ҳақиқатан ҳам

Парвардигор билан қўшилиб кетишни истаган киши Худого садоқат билан хизмат қилиши лозим.

Содиқ хизматкор Парвардигорни бевосита кўра олади, аммо гьянилар, эмпирик-файласуфлар ёки йоглар бундай имкониятга эга эмас. Улар Парвардигор билан шахсан алоқа ўрната олмайдилар. Муқаддас китобларнинг бирор жойида илм ўрганиш ёки шахсиятсиз Брахманга сиғиниш орқали Олий Шахс Худонинг яқин ҳамроҳлари дарвасига кириш мумкинлиги айтилмаган. Сеҳрли йога билан шуғулланиб юрган кишилар ҳам бундай имкониятдан маҳрум. Шахсиятсиз, шакл-шамойилга эга бўлмаган Брахман баъзан адришйа деб аталади, чунки шахсиятсиз нур брахмажйоти Парвардигорнинг юзини бекитиб туради. Йоглар ўзларининг қалбида мавжуд бўлган тўрт кўлли Вишнуни кўришга интиладилар, шу боис Парвардигор улар учун ҳам кўринмас бўлиб қолаверади. Фақат Худонинг содиқлари Парвардигорни бевосита кўра оладилар. Бу ерда дришй-адибхих иборасига яна бир эътибор бериш лозим. Парвардигор бир вақтнинг ўзида ҳам кўринмас, ҳам кўринадиган қиёфада, мана шу Парвардигорнинг турли аспекти, жиҳатлари мавжудлигини билдиради. Парвардигорнинг кўринмас аспекти Параматма ва Брахман, кўринадиган аспекти – Бхагаван. Буларнинг ҳаммаси "Вишну-пурана"да яхши тушунтирилган. Парвардигорнинг фазовий қиёфаси ва Парвардигорнинг шакл-шамойилга эга бўлмаган ёғдуси, кўринмас бўлган ҳолда Мутлак Ҳақиқатнинг куйи жиҳатлари ҳисобланади. Фазовий қиёфа моддий, шахсиятсиз Брахман эса – илоҳий табиатга эга, лекин руҳий илмнинг олий поғонаси – Худо Шахсини англаб етиш. "Вишну-пурана"да айтилганки: вишнур брахма-сварупена свайам эва вйавастхитах – Брахманнинг ҳақиқий қиёфаси Вишну. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигор – Олий Брахман. Свайам эва: Парвардигор Мутлак Ҳақиқатнинг шахсий кўриниши. Мутлак Ҳақиқатнинг олий руҳий ифодаси – Олий Шахс Худо. Бу "Бҳагавад-гита"да ҳам тасдиқланади: йад гатва на нивартанте тад дхама парамам мама. Кришна парамам мама деб таърифлаётган даргоҳ – тирик мавжудот эришгандан кейин мусибатларга тўла бу моддий оламга ҳеч қачон қайтиб келмайдиган даргоҳни билдиради. Бутун борлик ва ундаги ҳамма нарса Парвардигор Вишнунинг мулки, лекин, У яшайдиган жой тад дхама парамам, Унинг олий даргоҳи, ҳар биримиз Парвардигорнинг ана шу олий даргоғига эришишга интилишимиз лозим.

Текст 27

Барча йоглар интилиб юрган олий мақсад – моддага умуман боғланмасликка эришиш ҳолатидир. Йоганинг ҳар хил турлари билан шуғулланиш орқали ана шундай ҳолатга эришиш мумкин.

Изоҳ: Йоганинг уч тури мавжуд: бхакти-йога, гьяна-йога ва аштанга-йога. Барча илоҳиётчилар: Худонинг содиқлари, гьянилар, йоглар моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишга интиладилар. Гьянилар ўзларининг сезги органларини моддий фаолиятдан чалғитишга уринадилар. Гьяна-йог модда алдамчи, рўё, фақат Брахман ҳақиқатан мавжуд деб ҳисоблайди, шунинг учун фалсафий изланишлар ёрдамида у ўзининг сезгиларини уларга таъсир

киладиган нарсалардан чалғитишга ва ҳиссий лаззатланиш одатидан халос бўлишга уринади. Аштанга-йога билан шуғулланиб юрган одамлар ҳам ҳиссиётини жиловлаб олишга интиладилар. Аммо Худонинг содиқлари ўзларининг сезгиларини Худого садоқат билан хизмат қилишда машғул қилишга ҳаракат қиладилар. Албатта, бхакталарнинг, Худонинг содиқларининг фаолияти – гьяни ва йогларнинг фаолиятдан анча устун турадиган улуғвор фаолият. Сеҳргар-йоглар саккиз поғонали йога ёрдамида, яъни яма, нияма, асана, пранаяма, пратъяхара ва ҳоказолар билан шуғулланиб ўзларининг ҳиссиётини жиловлаб олишга интиладилар. Гьянилар мантикий фикр-мулоҳазалар ёрдамида ҳиссий лаззатларнинг алдамчи эканини англаб етишга интиладилар. Лекин, энг осон ва тўғри йўл инсонга ўзининг ҳиссиётини Худого садоқат билан хизмат қилишда машғул қилиш имконини берадиган бхакти-йога йўлидир.

Йогларнинг ҳаммаси қандайдир йўллар билан ўзларининг ҳиссиётини моддий фаолиятдан чалғитишга ҳаракат қиладилар, аммо уларнинг яқиний мавқадлари бир хил эмас. Гьянилар Брахманнинг нурига қўшилиб кетишга интиладилар, йоглар – Параматмани англаб етишга, Худонинг содиқлари эса – қалбида Кришна онгини ривожлантиришга ва Худого илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш поғонасига эришишга интиладилар. Парвардигорга ана шундай хизмат қилиш орқали инсон ўзининг ҳиссиётини мукамал бошқара олади. Аслини олганда, сезгиларнинг фаолияти ҳаёт белгисидир, уни тўхтатишнинг иложи йўқ. Сезгиларни фақат юксакроқ поғонада турадиган фаолият билан машғул қилиш ёрдамида моддий фаолиятдан четлатиш мумкин. "Бҳагавад-гита"да айтилганидек, парам дриштва нивартате – фақат юксакроқ фаолият билан машғул қилиш орқали сезгиларнинг моддий фаолиятини тўхтатиш мумкин. Худого садоқат билан хизмат қилиш сезгилар учун ана шундай фаолият ҳисобланади. Йоганинг барча турларининг мақсади ана шундан иборат.

Текст 28

Илоҳийликни инкор этадиган зотлар Олий Мутлак Ҳақиқатни сезгиларнинг эмпирик(ўз тажрибасида) қабул қилиши жараёнида англаб етадилар. Уларнинг мукамал бўлмаган сезгилари орқали оладиган тажрибаси уларда бутун борлик ҳақида нотўғри тасаввур ҳосил қилади.

Изоҳ: Олий Мутлак Ҳақиқат, Худо Шахси ягона, У ўзининг шахсиятсиз аспектида ҳамма жойда мавжуд. Бу ҳақда "Бҳагавад-гита"да аниқ айтилган. "Бутун борлик Менинг қувватларимнинг намоён бўлишидан бошқа нарса эмас" – дейди Парвардигор Шри Кришна. Ҳамма нарса Унда мавжуд, лекин бу У ҳамма нарасда шахсан иштирок этади дегани эмас. Ҳар хил сезгилар: барабаннынг гумбурлаган товуши; чиройли аёлнинг гўзаллигига махлиё бўлиш ёки тил орқали сугдан тайёрланган ширинликларнинг ёқимли таъмини ҳис қилиш – ҳар хил сезги органлари ёрдамида қабул қилинади, шунинг учун турлича ҳис қилинади. Шунинг учун, гарчи Парвардигорнинг қувватининг намоён бўлган кўриниши сифатида бутун борлик ягона табиатга эга бўлса ҳам, эмпирик илм-фаннинг турли

соҳалари мавжуд. Худди шундай, олов фақат иссиқлик ва ёруғлик кувватига эга, аммо ана шу икки кувват ёрдамида у ўзини турли шакл ва қиёфаларда намоён эта олади, яъни турлича қабул қилинади. Майявади-файласуфлар мана шу ранг-барангликни алдамчи деб эълон қиладилар, аммо вайшнава-файласуфлар бу дунёнинг намоён бўлган турли кўринишларини алдамчи деб ҳисоблайдилар; улар учун намоён бўлган бу ранг-баранглик Олий Шахс Худодан фарқ қилмайди, чунки улар Парвардигорнинг турли хил кувватларининг намоён бўлган кўринишларидир.

Вайшнавлар Мутлак Ҳақиқатнинг мавжудлигини ва моддий оламнинг алдамчи, рўё эканини тарғибот қиладиган фалсафани тан олмайдилар (брахма сатйам джаган митхйа). Гарчи, ҳар қандай ярқираган нарса олтин бўлавермаса ҳам, бу ҳар қандай ярқираган нарса – майя, сароб дегани эмас. Чиғанокнинг қобиғи олтин бўлиб кўриниши мумкин. Биз фақат кўзларимиз шундай тузилгани учун ҳар қандай ярқираган нарсани олтин билан адаштирамиз, лекин бу чиғанокнинг ўзи алдамчи дегани эмас. Худди шундай, Парвардигор Шри Кришнанинг қиёфасини томоша билан инсон Унинг аслида қандай эканини тушуна олмайди, лекин бу Парвардигор сароб, алдамчи дегани эмас. Кришнанинг қиёфасини тушуниш учун унга "Брахма-самхита" сингари муқаддас китоблар нуқтаи-назаридан қараш лозим. Ишварах парамак кришнах сач-чид-ананда-виграхах: Кришна, Олий Шахс Худо, лаззатга тўла мангу руҳий танага эга. Биз мукаммал бўлмаган сезгиларимиз билан Парвардигорнинг қиёфасини англай олмаймиз. Парвардигорни англаб етиш учун биз Худо ҳақидаги илмга эга бўлишимиз лозим. Шунинг учун бу ерда: джнанам экам деб айтилган. "Бҳагавад-гита"да тасдиқланадики, фақат нодон одамлар Кришнани кўрганда Уни оддий инсон деб ҳисоблайдилар. Улар Олий Шахс Худо чексиз илм, қудрат ва бойлик соҳиби эканидан беҳабардирлар. Сезгиларнинг тажрибасига асосланган фалсафий изланишлардан Парвардигор қиёфага эга эмас деган хулоса келиб чиқади. Ана шундай изланишлар Парвардигорнинг алдамчи куввати таъсиридан халос бўлишга йўл кўймай, шартланган руҳни ғофиллик чангалида ушлаб туради. Олий Шахсни англаб етиш учун "Бҳагавад-гита"да ёзилган Парвардигорнинг ўзининг илохий гапларини тинглаш лозим. Унда Парвардигор аниқ айтяптики, бутун оламда Ундан буюк зот йўқ. Браҳманнинг шахсиятсиз ёғдуси Унинг шахсий қиёфасидан таралиб туради. "Бҳагавад-гита"нинг беғубор пок сўзларини Ганга сувларига қиёслайдилар. Ганга сувлари шунчалик пок, қудратлики, ҳатто эшак ва сигирларни ҳам поклашга қодир, аммо, пок Гангадан юз ўгирадиган ва оқава сувда ювиниб ўзининг қирларини тозалай олади деб ўйлаган киши ҳеч қачон ўз мақсадига эриша олмайди. Худди шундай, Мутлак Ҳақиқат ҳақидаги илмга фақат Мутлак Ҳақиқатнинг ўзининг пок сўзларини тинглаш орқали эга бўлиш мумкин.

Мазкур шеърда аниқ айтилганки, Олий Шахс Худони тан олишни истамайдиган кишилар Мутлак Ҳақиқатнинг табиати ҳақида ўзларининг номукаммал тажрибаларига асосланиб фикр юритадилар. Лекин, Браҳманнинг шахсиятсиз жиҳати ҳақидаги тўғри тушунчага фақат тинглаш жараёнида эришиш мумкин,

- Браҳманни ўз тажрибамизга асосланиб англаб етишнинг иложи йўқ. Шундай қилиб, инсон фақат тинглаш жараёнида илмга эга бўлиши мумкин. Бу "Веданта-сутра"да ҳам тасдиқланади: шастра-йонитват – соф илмни фақат ишонарли муқаддас китоблардан ўрганиш мумкин. Шунинг учун Мутлак Ҳақиқат ҳақидаги ҳар хил фалсафий изланишлар ҳеч қандай натижа бермайди.

Тирик мавжудотнинг асл табиати у сергак бўладими, туш кўрадимиз ёки чуқур уйқуда бўладими, ҳамиша у билан бирга қоладиган онг ҳисобланади. Ҳатто чуқур уйқуга ғарқ бўлганда ҳам, тирик мавжудот онги билан ўзини бахтли ёки бахтсиз ҳис қилади. Шунинг учун ана шу онг нафис ёки кўпол тана ўтганида хиралашади, лекин, тирик мавжудот онгини поклаб, Кришна онгига эга бўлганида, у моддий тутқунликдан халос бўлади ва туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқади. Булганмаган соф ондан моддий табиат пардаси олиб ташланганида тирик мавжудот ўзининг ҳақиқий табиатини англай бошлайди ва Олий Шахс Худонинг мангу хизматкори эканини тушунади. Ана шу пардани қуйидагича олиб ташлаш мумкин: қуёш нурлари ўзидан ёғду таратиб туради, қуёшнинг ўзи ҳам нур таратиб туради. Қуёш очик осмонда турганида унинг нурлари ҳам худди унинг ўзидай қучли ёғду таратади, аммо қуёш булутлар яъни майя орқасида кўринмай қолса, қоронғулик юзага келади, шунда сезгилар ҳақиқатни тўғри қабул қилиш имкониятидан маҳрум бўладилар. Шу боис ғофиллик пардасидан қутулиш учун биз ишонарли муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига амал қилиб ўзимизда руҳий онгни, яъни Кришна онгини уйғотишимиз лозим.

Текст 29

Мен бирлашган кувват, махат-таттвдан сохта ўзликни, моддий табиатнинг уч гунасини, беш моддий унсурни, алоҳида онгни, ўн бир сезгини ва моддий танани яратдим. Худди шундай, бутун борлик ҳам Олий Шахс Худодан дунёга келади.

Изоҳ: Парвардигорни махат-пада деб атайдилар; бунинг маъноси шуки, моддий кувват, махат-таттва Унинг нилуфар қадамлари пойида жойлашган. Махат-таттва моддий олам юзага келади манба, яъни бирлашган кувват ҳисобланади. Махат-таттвдан оламнинг бошқа ҳамма йигирма тўрт унсури – ўн бир сезиш органи, беш турли сезиладиган унсур, беш моддий унсур, ва ниҳоят онг, тафаккур ва сохта ўзлик юзага келади. Махат-таттвнинг манбаи Олий Шахс Худо ҳисобланади, шунинг учун қайсидир маънода Парвардигор моддий оламдан фарқ қилмайди. Лекин айтилган пайтда Парвардигор билан бутун борлик орасида фарқ бор. Бу борада мазкур шеърда ишлатилган саврат иборасига эътибор бериш лозим. Саврат ибораси "мустикал" дегани билдиради. Парвардигор ҳеч кимга қарам эмас, гарчи мустикаллиги Парвардигорнинг мустикаллигини тирик мавжудотнинг мустикаллиги билан умуман тенглаштириб бўлмаса ҳам, барибир алоҳида руҳ ҳам мустикалликка эга. Тирик мавжудотнинг мустикаллиги чексиз даражада кичик, Парвардигорнинг мустикаллиги эса чексиз. Худди алоҳида тирик мавжудот беш унсур ва сезгилардан таркиб топган моддий танага эга бўлгани сингари,

мутлако мустақил Парвардигор ҳам моддий танага эга, бу тана коинотнинг баҳайбат танаси. Алоҳида тирик мавжудотнинг танаси вақтинчалик, Парвардигорнинг танаси ҳисобланадиган коинот ҳам фақат маълум вақт мобайнида мавжуд бўлиб туради. Алоҳида тана ҳам, коинот танаси ҳам маҳат-таттвдан пайдо бўлади. Инсон ўзининг тафаккури ёрдамида инсон улар орасидаги фарқни тушуниб олиши лозим. Ҳар ким биладик, унинг моддий танаси руҳий учқундан пайдо бўлган. Шунга ўхшаб, коинотнинг баҳайбат танаси ҳам олий руҳий учқундан, Олий Руҳдан пайдо бўлади. Алоҳида тана алоҳида руҳдан юзага келгани сингари, коинотнинг баҳайбат танаси ҳам Олий Руҳдан юзага келади. Алоҳида руҳнинг онги бор, Олий Руҳнинг ҳам онги бор. Гарчи Олий Руҳнинг онги билан алоҳида руҳнинг онги орасида ўхшашлик бўлса ҳам, алоҳида руҳнинг онги чекланган, Олий Руҳнинг онги эса чексиз. Бу "Бҳагавад-гита"(13.3)да тушунтирилган: кшетраджнам чапи мам виддхи – худди алоҳида руҳ алоҳида тана ичида мавжуд бўлгани сингари, Олий Руҳ ҳар бир фаолият майдонида мавжуд. Унинг ҳам, бунинг ҳам онги бор. Улар орасидаги фарқ шундан иборатки, алоҳида руҳнинг онги фақат битта танага тарқалган, Олий Руҳнинг онги эса, барча алоҳида таналарга тарқалган.

Текст 31

Мана шу мукамал илми ўзгармас ишонч билан Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган, ҳар қандай моддий нарсаларни тарқ этган ва Парвардигор ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга фарқ бўлиб юрган киши эгаллай олади. Ана шундай инсон моддий қувват таъсири остидан озодликка чиқади.

Изоҳ: Йога билан шуғулланиб юрган, лекин Парвардигорнинг ҳақиқатан ҳам мавжудлигига ишонмайдиган киши бу мукамал илми эгаллашга қодир эмас. Фақат Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиб, бирор амалий руҳий фаолият кўрсатиб юрган киши тўла самадхи ҳолатига эриша олади. Улар ўзларининг нигоҳи билан бутун космик оламни қамраб олишга ҳамда унинг ҳақиқий табиатини сабабини тушуниб етишга қодир бўладилар. Бу ерда аниқ айтилганки, фақат ўзгармас қатъий ишонч билан Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган кишигина ана шундай тушунчага эга бўлади. Самахитатма ва самадхи иборалари синонимлар ҳисобланади.

Текст 31

Эй ҳурматли зот, Мен сенга Мутлак Ҳақиқатни англаб етиш йўллари ҳақида гапириб бердим. Инсон ана шу йўлдан бориб модда ва руҳнинг табиати ҳамда улар ўзаро қандай муносабатда экани ҳақида ҳақиқий илмга эга бўлади.

Текст 32

Ҳақиқатни фалсафий жиҳатдан излаш жараёнининг энг юқори поғонаси Олий Шахс Худони англаб етиш бўлади. Инсон Парвардигорни англаб етиб, моддий табиат гуналари таъсири остидан чиққанида, у Худога садоқат билан хизмат қилиш даражасига эришади. Инсон Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан боришгани ёки ҳақиқатни фалсафий жиҳатдан излаш

йўлидан боришгани, у барибир ягона мақсадга – Олий Шахс Худога эришиши лозим.

Изоҳ: "Бҳагавад-гита"да айтилганки, фалсафий изланишларга сарфланган сон-саноксиз умрлардан кейин ҳақиқий донишманд инсон ниҳоят Васудева, Олий Шахс Худо ҳамма нарсанинг сабабчиси(манбаи) эканини тушуна бошлайди ва шуни англаб етгандан кейин ўзини Унга топширади. Ҳақиқатни фалсафий англаш йўлидан бораётган одамлар орасида ана шундай инсонлар жуда кам топилади, чунки уларнинг ҳаммаси – буюк зотлардир. Агар фалсафий изланишлар йўлидан бориб инсон Олий Шахс Худони англашга эриша олмаса, унинг меҳнати ниҳоясига етмаган бўлади. У то Олий Шахс Худони англаб етмагунча ва Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасига эришмагунча изланишни давом эттириши лозим.

Худо Шахси билан бевосита мулоқот қилиш имкониятини инсонга "Бҳагавад-гита" беради, унда бошқа нарсалар билан бир қаторда айтилганки, ўзликни англашнинг бошқа: фалсафий изланишлар ва сеҳрли йога йўллари билан бораётган кишилар жуда кўп қийинчиликларга дуч келадилар. Узоқ йиллар давомида машаққатли меҳнат қилгандан кейин йога ва донишманд-файласуф Парвардигорни англаб етиши мумкин, лекин улар танлаган йўл осон эмас, айна пайтда Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан истаган киши бора олади. Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали ҳам худди шундай натижага эришиш мумкин фалсафий изланишлар йўлидан бораётган киши Худо Шахсини англаб етмагунча унинг барча уринишлари бекор кетаверади. Донишманд-файласуфнинг якуний мақсади шахсиятсиз Браҳманга қўшилиб кетишдан иборат, аммо Браҳман – Худо Шахсидан таралиб турган нурдан бошқа нарса эмас. "Бҳагавад-гита"(14.27)да айтилганки: браҳмано хи пратиштхахам амритасйавйасйа – "Мен – яксон бўлмайдиган ва олий лаззатга тўла шахсиятсиз Браҳманнинг асосиман". Парвардигор барча лаззатларнинг, шу жумладан Браҳманнинг лаззатининг ҳам туганмас манбаидир, шу боис айтилганки, қалбида Олий Шахс Худога ўзгармас ишонч бўлган киши шахсиятсиз Браҳманни ва Параматмани ҳам англаб етган бўлади.

Текст 33

Бир нарсанинг ўзини турли сезгилар турлича қабул қиладилар, чунки у ҳар хил сифатларга эга. Худди шунингдек, Парвардигор ягона, аммо шастраларнинг ҳар хил кўрсатмаларига риоя қилиб турли юрган кишилар Уни турлича қабул қиладилар.

Изоҳ: Кўриш мумкинки, эмпирик-файласуфлар гьяна-йога билан шуғулланиб шахсиятсиз Браҳманни англаб етадилар, Худонинг содиқлари эса, бхакти-йога, Кришнани англаш билан шуғулланиб Худо Шахсига бўлган ишончини ва Парвардигорга садоқатини мустаҳкамлайдилар. Лекин, бу ерда айтилганки, бхакти-йоглар ва гьяна-йогларнинг мақсади битта – Худо Шахси, лекин улар орасидаги фарқ шундан иборатки, гьяна-йога билан шуғулланиб юрган кишиларга Худо Шахси шахсиятсиз бўлиб кўринади. Худди битта нарсани ҳар хил сезги органлари турлича

кабул қилгани сингари, ягона Парвардигор эмпирик-файласуфга шахсиятсиз бўлиб кўринади. Узоқдан караганда тоғ булутга ўхшаган кўкимтир нарса бўлиб кўринади, билмаган киши уни булут деб ўйлаши мумкин. Лекин аслида у кўриб турган нарса булут эмас, катта тоғ. Булутга ўхшаб кўриниб турган нарса аслида нима эканини тушуниб етиши учун у буни биладиган кишилардан сўраши лозим. Яқинроқ боргандан кейин у булут ўрнида яшил кўкатларга бурканган тоғни кўради. У тоғнинг этагига борганида эса, тоғ устида мавжуд бўлган ажойиб ранг-барангликни кўради. Яна бир мисол – сут. Сутга қараб туриб, биз унинг оқ эканини кўрамиз, уни татиб кўргандан кейин эса, унинг жуда ширин эканини биламиз. Бармоғимизни сутга ботириб, унинг совуқ эканини, уни хидлаб кўриб эса, ундан ёқимли хид келиб турганини, уни тинглаб туриб эса, ана шу суюқликни сут деб аташини билиб оламиз. Сутни қайси сезги организмиз орқали қабул қилишимизга қараб биз олдимизда турган нарсани қандайдир оқ суюқлик, ширинлик, ёқимли хидли ва ҳоказо нарса деб айтаемиз. Аслида эса бу сут. Худди шундай, Парвардигорни Мутлақ Ҳақиқатнинг табиати ҳақида фалсафий фикр-мулоҳазалар юритиши ёрдамида англаб етишга уриниб юрган киши Унинг танасидан таралиб турган ёғду, шахсиятсиз Браҳманни кўриши мумкин; Парвардигорни йога билан шуғулланиш орқали англаб етишга уриниб юрган киши Уни Олий Рух киёфасида кўради, Олий Ҳақиқатни тўғри йўл орқали, бхакти-йога билан шуғулланиш ёрдамида англаб етишга интилиб юрган киши Олий Шахс Худо билан юзма-юз учрашади.

Охир-оқибатда Олий Шахс руҳий ўзликни англаш йўлларининг ягона мақсадидир. Шастралар кўрсатмаларига риоя қилиб моддий иллатлардан бутунлай покланишга эриша олган киши борлиқдаги ҳамма нарсанинг манбаи Парвардигор эканини тушуна бошлайди ва ўзини Унга топширади. Сутнинг таъминини кўз, бурун ёки кулоқ эмас, балки фақат тил орқали билиш мумкин. Худди шундай фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали Мутлақ Ҳақиқатни мукаммал англаш ва Унда мужассам бўлган лаззатни ҳис қилиш мумкин. Бу "Бҳагавад-гита"да ҳам тасдиқланади: бхактиа мам абхиджанати – Мутлақ Ҳақиқат тўлиқ англаб етишни истаган киши Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кириши лозим. Албатта, Мутлақ Ҳақиқатни тўлиқ англаб етишнинг иложи йўқ. Чексиз кичик тирик мавжудот бунга қодир эмас. Лекин, Мутлақ Ҳақиқат ҳақида тирик мавжудот эга бўлига қодир бўлган энг чуқур тушунча унга фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида келади.

Ўзликни англашнинг муқаддас китобларда ёзилган турли йўллари инсонни Олий Шахс Худонинг шахсиятсиз нурига олиб келиши мумкин. Шахсиятсиз Браҳманга фарқ бўлиб ёки Уни англаб етиб, у чуқур илоҳий лаззат ҳис қилади, чунки Браҳман ананта(чексиз). Тад брахма нишкалам анантам: брахмананда чексиз. Аммо, ҳатто чексиз илоҳий лаззат ҳам охиригача чегара эмас. Илоҳийликнинг табиати шундай. Илоҳий поғонада ҳатто чексиздан ҳам юқори поғонага кўтарилиш мумкин. Ана шу олий поғона Кришна ҳисобланади. Кришна билан бевосита мулоқотда бўлиш ва Унга садоқат билан хизмат қилиш инсонга ҳеч нарсага тенглаб бўлмайдиган лаззат

келтиради. Бу лаззатни ҳатто Браҳманни англаш илоҳий лаззатига тенглаштириб бўлмайди. Шунинг учун Прабодхананда Сарасвати айтадики, гарчи кайвалья, Браҳманни англаш лаззати катта ва унга сон-саноксиз файласуфлар интилиб юрган бўлса ҳам, Худога садоқат билан хизмат қилиш лаззатидан тотиб кўрган содиқ хизматкор учун чексиз Браҳмандан лаззатланиш дўзах азобини эслатади. Шунинг учун биз бевосита Кришна билан мулоқот қилиш имкониятига эришишга ҳаракат қилишимиз лозим, бунинг учун эса Браҳман поғонасидан ҳам юқор кўтарилиш лозим. Ақл барча сезгиларнинг бутун фаолиятининг маркази ҳисобланади, Кришнани эса сезгиларнинг ҳукмдори, Хришикеша деб атайдилар. Шу боис Кришнага, Хришикешага яқинлашиш учун инсон Амбариша Махаражга ўхшаб ўзининг бутун ақлини Унда жамлаши лозим(са ваи манах кришна-падаравиндайох). Бхакти руҳий ўзликни англашнинг барча усулларининг асосини ташкил этади. Бхакти-йогасиз на гъяни-йогода, на аштанга-йогода муваффақиятга эришишнинг иложи йўқ, токи инсон Кришнага мурожаат қилмас экан, у руҳий ўзликни англашнинг олий мақсадига эриша олмайди.

Текст 34-36

Тартибга солинган кармали фаолият билан шуғулланиб, қурбонлик маросими ўтказиб, эҳсонлар тарқатиб, риёзат чекиб ҳамда ҳар хил муқаддас китобларни ўрганиб, фалсафий изланишлар олиб бориб, ақл ва ҳиссиётини жиловлаб, таркидунёлик турмуш тарзи билан яшаб, Худо олдида ўз бурчини бажариб, турли хил йога машғулотлари ва бхакти-йога билан шуғулланиб, боғланиш ва таркидунёликка олиб келадиган Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бориб, ўзликни англаш таълимотини ўзлаштириб, ҳар қандай моддий нарсаларни тарк этиб, руҳий ўзликни англашнинг турли йўллари мукаммал биладиган киши Парвардигор Ўзини моддий ва руҳий оламда Ўзини қандай намоён этадиган бўлса шундай ҳолатда эгаллаб юради.

Изоҳ: Аввалги шеърда шастраларнинг кўрсатмаларига риоя қилиб яшаш зарурлиги ҳақида гапирилган эди. Шастраларда жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳларнинг ва руҳий варна(табақа)га мансуб одамларнинг вазифалари кўрсатилган. Мазкур шеърда айтилганки, тартибга солинган кармали фаолият, қурбонлик маросими ўтказиш, эҳсон тарқатиш, оилали кишиларнинг бурчи ҳисобланади. Ведалар жамияти инсон умри тўрт босқичга бўлинади(брахмачари, грихастха, ванапрастха, санньяси). Грихастхаларнинг, яъни оилали кишиларнинг асосий вазифаси қурбонлик маросими ўтказиш, эҳсон тарқатиш ҳамда ўз бурчи доирасида тартибга солинган фаолият билан машғул бўлиш. Худди шундай, риёзат чекиш, ведавий битикларни ўрганиш, фалсафий изланишлар дунёвий ишларни тарк этган ванапрастхалар учун мўлжалланган. Ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида ведавий муқаддас китобларни ўрганиш брахмачариларнинг, шунингдек ёш йигитларнинг шогирдлик даврида бажарадиган бурчи таркибига ҳам киритилган. атмендрия-джайа, ақл ва ҳиссиётни жиловлаб олиш – таркидунёлик қилган кишиларнинг

бурчи. Одамлар ўзларининг рухий ўзлигини англаб етишлари ва охир-оқибатда Кришна онгидаги, Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасига эриша олишлари учун шастралар мана шу фаолият турларининг ҳаммасини ҳар хил тоифадаги одамлар учун белгилаб қўйган.

Бхакти-йогена чаива ибораси шуни англатадики, ўттиз тўртинчи шеърда келтирилган вазифаларнинг ҳаммасини: йога билан шуғулланиш, қурбонлик маросими ўтказиш, тартибга солинган кармали фаолият, Ведаларни ўрганиш, фалсафий изланишлар, таркидунёликни – бхакти-йога доирасида амалга ошириш лозим. Санскрит грамматикасига кўра, ча эва хи ибораси шуни алоҳида таъкидлайдики, бу фаолиятларнинг ҳаммаси Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғланган бўлиши лозим, акс ҳолда улар ҳеч қандай натижа бермайди. Ўз бурчи доирасида кўрсатиладиган ҳар қандай фаолиятдан кўзланадиган мақсад Олий Шахс Худони мамнун қилиш бўлиши лозим. Бу "Бхагавад-гита"(9.27)да ҳам тасдиқланганини кўриш мумкин: йат кароши йад ашнаси – "Нима қилсанг ҳам, нима есанг ҳам, қандай қурбонлик маросими ўтказсанг, қандай риёзат чексанг ёки қандай эзгу иш қилсанг ҳам, бундай фаолиятларнинг натижасини Парвардигорга эҳсон қилиш лозим". Бу ерда ишлатилган эва ибораси таъкидлайдики, инсон шу тарзда ҳаракат қилиши лозим. Токи инсоннинг бутун фаолияти Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғланган бўлмас экан, у ўзи интилаётган натижага эриша олмайди. Аммо, агар унинг қилаётган ҳар бир ишида бхакти-йога қўшимчаси бўлса, у албатта олий мақсадга эришишидан шубҳаланмаса ҳам бўлади.

"Бхагавад-гита"да айтилганидек, биз Олий Шахс Худо, Кришнага эришишимиз лозим: "Сон-саноксиз умрлардан кейин инсон Олий Шахс, Кришнага келади ва бутун борлиқнинг манбуи У эканини тушуниб, Унга ўзини топширади". "Бхагавад-гита"нинг яна бир жойида Парвардигор шундай дейди: бхоктарам йаджна-тапасам – "Инсон чекадиган баарча қаттиқ риёзатлар ёки у ўтказадиган қурбонлик маросимлари натижасидан Олий Шахс Худо лаззатланади". Парвардигор барча сайёраларнинг эгаси ва ҳар бир тирик мавжудотнинг дўсти.

Дхарменобахайа-чихнена ибораси шуни билдирадики, бхакти-йоганинг икки аломати бор: у билан шуғулланиш натижасида инсон Парвардигорга боғланиб қолади ва унда моддий оламга боғланмаслик кучаяди, яъни моддий оламга бефарқ бўшлиб қолади. Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида ривожланиш мана шу икки аломат билан аниқланади. Уларни инсон овқатланаётганида ҳис қиладиган икки сезги билан тенглаштириш мумкин. Овқатланар экан, қорни оч киши кучи кўпайиб, қаноат ҳосил қила бошлайди, айна пайтда қорни тўя борган сари овқатга нисбатан бефарқ бўла бошлайди. Худди шунингдек, Худога садоқатли хизмат билан шуғулланар экан, инсон ҳақиқий илмга эга бўлади ва моддий фаолиятга боғланишини тобора йўқота боради. Худога садоқат билан хизмат қилишдан бошқа бирор фаолият инсон қалбида моддий нарсаларга бефарқлик ва Парвардигорга боғланиш туйғусини ривожлантира олмайди. Қалбимизда Парвардигор бўлган боғланиш туйғусини кучайтирадиган фаолиятнинг тўққиз тури

мавжуд: Парвардигор ҳақида тинглаш, такрорлаш, Уни эслаш, Унга сажда қилиш, хизмат қи лиш, Унга дўст бўлиш, Унга илтижо қилиш, ўзимизда бор нарсанинг ҳаммасини Унга эҳсон қилиш, Унинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш. Инсон қалбида таркидунёлик туйғусини уйғотадиган нарсалар ҳақида ўттиз олтинчи шеърда айтилган.

Ўз бурчини бажариб ҳамда қурбонлик маросимлари ўтказиб яшаш шарофати билан инсон олий сайёраларда туғилиши ёки жаннатий салтанатга тушиши мумкин. Санньяси қабул қилиб, инсон ана шундай истаклардан халос бўлганида у шахсиятсиз Брахманни англаб етганида у рухий фаолият бошқа барча турларидан ҳам юқори кўтарилади ва Худога соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига эришади. Ана шу поғонада у Олий Шахс Худо, Бхагаванни англаб етади.

Парвардигорни англаб етиш атма-таттва-авабодхена, яъни "ўзининг ҳақиқий табиатини англаб етиш" деб аталади. Ўзининг асл табиатига кўра у Парвардигорнинг мангу хизматкори эканини англаб етган киши моддий хизматга нисбатан бефарқ бўлиб қолади. Биз ҳар биримиз кимгадир хизмат қиламиз. Ўзининг асл табиатини англаб етмаган киши ўзининг жисмоний танасига, оиласига, жамиятга ёки ватанга хизмат қилади. Аммо, инсон ўзининг ҳақиқий табиатини англаб етганида у моддий нарсаларга хизмат қилишни тарк этади ва Худога садоқат билан хизмат қила бошлайди.

Моддий табиат гуналари таъсири остида юрган ва ўз бурчини бажариб юрган киши коинотнинг Олий Шахс Худонинг моддий оламдаги вакиллари бўлган Қуёш фариштаси, Ой фариштаси, ҳаво фариштаси, маъбуд Брахма ёки маъбуд Шива сингари фаришталар ҳукмрон бўлган олий сайёраларида туғилиш имкониятига эга бўлади. Бу фаришталарнинг ҳаммаси Парвардигорнинг моддий оламдаги вакиллари ҳисобланади. Моддий фаолият билан шуғулланиб юрган киши фаришталарнинг сайёраларига кўтарила олади. Бу ҳақда "Бхагавад-гита"(9.35)да айтилган: йанти дева-врата деван – фаришталарга боғланиб қолган ва ўз бурчини бажариб юрган кишилар ўзлари сифиниб юрган фаришталарнинг сайёрасига борадилар. Худди шундай инсон питаларнинг, аждоқларининг сайёраларига эришиши мумкин. Аммо ўзининг ҳақиқий бурчи нимадан иборат эканини англаб етган киши Худога садоқат билан хизмат қилади ва Олий Шахс Худога эришади.

Текст 37

Эй азиз она, Мен сенга Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида ва унинг инсонлар жамиятида эга бўладиган тўрт кўриниши ҳақида гапириб бердим. Шунингдек Мен сенга ҳатто улар бунга сезмасалар ҳам, мангу замон тирик мавжудотларни таъқиб қилиб юришини тушунтириб бердим.

Изоҳ: Бхакти-йога, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш усули – ўзининг сувларини Мутлақ Ҳақиқат уммонига олиб борадиган асосий дарёдир, тилга олинган бошқа барча усулларнинг ҳаммаси унинг ирмоқларига ўхшайди. Мазкур шеърда Парвардигор

Капила шу пайтгача Худога садоқат билан хизмат қилишнинг муҳимлиги ҳақида айтилган гапларнинг ҳаммасига яқун ясайди. Аввал айтилганидек, бхакти-йога тўрт турли бўлади, уларнинг уч тури моддий табиат гуналари остида бўлади, тўртинчи тури эса илоҳий табиатли бўлиб, унга моддий гуналарнинг булғаш таъсири ўз кучини кўрсата олмайди. Парвардигорга моддий табиат гуналарида садоқат билан хизмат қилиш – моддий оламда тирикчилик қилишни давом эттириш, натижаларидан лаззатланиш ниятидан пок ҳамда ҳақиқатни эмпирик фалсафий изланишлар ёрдамида англаб етиш билан боғланмаган Худога садоқат билан хизмат қилиш эса соф, илоҳий даражадаги хизмат қилиш бўлади.

Текст 38

Ғофилликда, яъни ўзининг асл табиатини эсдан чиқариб машғул бўлиб юрган фаолиятларнинг қайси тури билан машғуллигига қараб, шартланган тирик мавжудотларнинг ҳаёти ўтадиган моддий тирикчиликнинг сон-саноксиз поғоналари мавжуд. Эй азиз она, тафаккурини ана шу унутиш пардаси қоплаб олган ҳар қандай киши ўзини келажакда нима кутиб турганини кўриш қобилиятини йўқотиб қўяди.

Изоҳ: Моддий олам тутқунлигига бир марта тушган кишининг ундан озодликка чиқиб кетиши жуда мушкул бўлади. Шунинг учун Парвардигор, Олий Шахс Худонинг Ўзи моддий оламга келади ёки бу ерга Ўзининг ҳақиқий вакиллари юборади. Бу дунёдан кетар экан, У ғофиллик уммонида адашиб юрган тирик мавжудотлар уларда ёзилган кўрсатмалардан фойдаланиши ҳамда авлиё зотлар ва руҳий устозлар ёрдамида моддий олам тутқунлигидан чиқиб кета олишлари учун "Бҳавад-гита" ва "Шримад Бҳаваатам" сингари муқаддас китобларни қолдириб кетади. Моддий тирикчиликсирлигидан озодликка чиқиш учун тирик мавжудот садхуларнинг, руҳий устознинг ёки Кришнанинг марҳаматига эришиши лозим; ўз кучи билан озодликка чиқишнинг иложи йўқ.

Текст 39

Парвардигор Капила давом этди: Бу илм пасткаш ва ҳасадгўй кишилар учун, агностиклар, тубанликка юз тутган ҳамда ифлос табиатли одамлар учун мўлжалланмаган. Бу илм иккиюзламачилар ва ўзларининг моддий бойликларидан мағрурланадиган кишилар учун мўлжалланмаган.

Текст 40

Бу илмни очкўз, қизганч ёки оилавий ҳаётга қаттиқ боғланиб қолган, шунингдек Худога ишонмайдиган, Худонинг содиқларига ва Олий Шахс Худога нисбатан душманлик муносабатида бўладиган кишиларга ошкор этмаслик керак.

Изоҳ: Бошқа тирик мавжудотларга зарар етказишга интилиб юрган кишилар Кришнани англаш илмини тушунишга қодир эмас. Ундай одамлар учун Парвардигорга илоҳий хизмат қилиш салтанати эшиклари берк. Яна шундай шогирдлар борки, руҳий устоз олдида сохта камтарлик намойиш этадилар, аслида эса Худога қандайдир шахсий манфаатларни

кўзлаб хизмат қиладилар. Улар ҳам ҳеч қачон Кришна онги ҳамда Худога садоқат билан хизмат қилиш нима эканини англаб ета олмайдилар. Бошқа диний таълимот бўйича фотиҳа олган лекин Худога садоқат билан хизмат қилиш Олий Шахс Худони англаб етишнинг ҳаммабоп асосини ташкил этишини тушунмайдиган кишилар ҳам Кришнани англаш фалсафасини англаб ета олмайдилар. Бизларнинг Ҳаракатимизга қўшилган, лекин бошқа маданият муҳитида тарбия олгани учун кўп ўтмай жамиятни тарк этиб, яна моддий оламга қайтиб кетган ёшлар бўлган. Аслида Кришнани англаш ҳаракати бирор сектанинг, диний оқимнинг дини эмас, бу – инсонга Парвардигорни ва ўзининг Парвардигор билан ўзаро муносабатларини англаб етиш имконини берадиган таълим, руҳий фаолиятдир. Диний дунёқарашидан қатъий назар ҳар қандай инсон бизнинг Ҳаракатимизга қўшила олади. Лекин афсуски, бошқа фикрга эга бўлган кишилар ҳам бор, ана шундай кишиларга Кришнани англаш илмининг қонун-қоидаларини тушунтирмаслик керак.

Дунёвий одамлар одатда ўзидан ном қолдириш, шон-шухратга эга бўлиш, моддий фаровонликка эришиш ниятида ҳаракат қиладилар. Агар дунёвий одам шундай мақсадларга эришиш ниятида Кришнани англаш йўлига кирса, у ҳам ҳеч қачон бу илоҳий фалсафани тушуна олмайди. Ундай одамлар фақат жамиятда тақводор ва Худодан кўрқадиган киши деб ном қолдириш учун диний урф-одатларга амал қилиб юрадилар. Улар фақат ўз манфаатини ўйлаб у ёки бу диний ананьаларга қўшиладилар. Бундай ҳоллар айниқса биз яшаб турган даврда кўп рўй беради. Ана шундай одамлар ҳам ҳеч қачон Кришнани англаш фалсафасини тушуна олмайдилар. Ҳатто инсон моддий бойликка эришишга интилмаса ҳам, лекин оилавий ҳаётга қаттиқ боғланиб қолган бўлса, у ҳам Кришнани англашнинг маъносини тушуна олмайди. Бирп қараганда шундай одамлар моддий бойликларга эришишга унчалик интилмаётгандай туюлиши мумкин, лекин уларга ўзининг хотинига, болаларига ва оиласининг фаровонлигига қаттиқ боғланиб қолгани халақат беради. Ниҳоят, юқорида кўрсатилган нуқсонларнинг бирортасига эга бўлмаган, лекин шунга қарамай, Олий Шахс Худога хизмат қилишга қизиқмайдиган, бошқача қилиб айтганда, Худога ишонмайдиган имонсиз киши ҳам Кришнани англаш фалсафасини тушунишга қодир эмас.

Текст 41

Бу илмни Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига қатъий ишонадиган, руҳий устозини ҳурмат қиладиган, ҳасад иллатидан пок, барча тирик мавжудотларга нисбатан дўстона муносабатда бўлган ва Худога чуқур имон билан ҳалол ва холис хизмат қилишга тайёр кишиларга ўргатиш лозим.

Текст 42

Бу илмни руҳий устоз Олий Шахс Худони ҳамма нарсадан устун қўядиган, ҳеч кимга ҳасад қилмайдиган, моддий иллатлардан ҳамда Кришнани англаш билан боғлиқ бўлмаган нарсалардан бутунлай халос бўлган кишиларга ўргатиши лозим.

Изоҳ: Ҳеч ким, орлаиқ поғоналардан сакраб ўтиб дарров Худога садоқат билан хизмат қилишнинг олий поғонасига кўтарила олмайди. Аввалги шеърдаги бхакта ибораси бхакта бўлиб етишига ёрдам берадиган покланиш жараёнида юрган киши ҳақида эди. Худонинг содиқ хизматкори бўлиш учун инсон аввало руҳий устоз қабул қилиши ва унга Худога садоқат билан хизмат қилишда қандай қилиб муваффақиятга эришиш борасида саволлар бериши лозим. Худонинг содиқ хизматкорига хизмат қилиш, ҳар куни Худонинг муқаддас номларини маълум миқдорда зикр қилиш, Илоҳга сажда қилиш, ишонарли содиқ оғзидан "Шримад Бхагаватам" ёки "Бхагавад-гита" тинглаш, Худога садоқат билан хизмат қилишга ҳеч нарса халақит бермайдиган муқаддас даргоҳда яшаш – инсоннинг Худога садоқат билан хизмат қилишда муваффақият қозонишини таъминлайдиган олтмиш тўрт фаолиятнинг биринчи беш тури шундан иборат.

Содиқ хизматкор руҳий устозига муносиб ҳурмат эҳтиром кўрсатишга ҳамиша тайёр туриши лозим. Аксинча, агар руҳий оғаларидан кимдир кўпроқ биладиган бўлса ёки Кришнани англашнинг юқороиқроқ поғонасида турган бўлса, содиқ хизматкор унга ҳам худди руҳий устози сингари ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши, руҳий оғаларининг Кришнани англаш йўлида юксалаётганидан хурсанд бўлиши лозим. Содиқ хизматкор оддий инсонларга меҳрибонлик қилиши, уларнинг аҳволига ачиниб, ҳамиша уларг Кришнани англаш илмини тарғибот қилиш лозим, чунки фақат Кришна онгида яшаш уларга майя чангалидан халос бўлишга ёрдам беради. Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилиш - ҳақиқий эзгу фаолиятдир, чунки мана шу усул одамлар шунчалик муҳтож бўлиб юрган ёрдамни бера оладиган ягона усулдир. Шушрушабхиратайа ибораси ўзининг руҳий устозига чуқур ишонч билан ҳолис хизмат қилиб юрган кишини билдиради. Шогирд ўзининг руҳий устозига шахсан хизмат қилиш ва унга ғамхўрлик қилиш имкониятини кўлдан бой бермаслиги лозим. Шунга интилиб юрган содиқ хизматкор илоҳий илм эгаллашга муносиб бўлади. Бахир-джата-вирагайа ибораси "ўзининг амалларида ҳам, қалбида ҳам моддий боғланишлардан халос бўлган киши" деганини англатади. У Кришна билан боғлиқ бўлмаган фаолиятни тарк этиб қолмасдан, унинг қалбида моддий турмуш тарзига нисбатан нафрат туйғуси ҳам йўқ. Ана шундай инсон ҳеч кимга зарар етказмайди, у нафақат одамларнинг, балки барча тирик мавжудотларнинг бахтини ўйлаб юради. Шучайе ибораси қалби ҳам танаси ҳам пок, яъни ҳам ички, ҳам ташқи покликка эришган инсонни билдиради. Ана шундай ҳолатга эришиш учун ҳамиша Ҳаре Кришна мантрасини, Парвардигор Кришна ёки Парвардигор Вишнунинг муқаддас номини зикр қилиб юриш лозим.

Дийатам ибораси шуни кўрсатадики, илоҳий илм руҳий устоздан олинган бўлиши лозим. Руҳий устоз муносиб бўлмаган кишиларни шогирдликка олмаслиги лозим. У руҳий устозликни касб қилиб олиши, фақат тирикчилик учун пул ишлаб топиш учун руҳий устоз бўлмаслиги лозим. Ҳақиқий руҳий устоз фотиҳа олишни истаётган киши бунинг учун зарур бўлган сифатларга эга эканини кўра билиши, бунга муносиб бўлмаган кишига фотиҳа бермаслиги лозим. Руҳий устоз ўзининг шогирдини шундай тарбиялаши

лозимки, келажакда унинг ҳаётдаги ягона мақсади Олий Шахс Худо, ягона Парвардигор бўлсин.

Мана шу икки шеърда Худонинг содиқ хизматкори ўзида ривожлантириши лозим бўлган сифатлар кўрсатилган. Ўзида ана шу сифатларни ривожлантирган киши Худонинг содиқ хизматкори деган номга муносиб бўлади. Агар инсон ҳали шундай сифатларга эга бўлмаса, Парвардигор ҳақиқий содиқ хизматкори бўлиши учун у шундай сифатларни ўзида ривожлантиришга ҳаракат қилиши лозим.

Текст 43

Мен ҳақимда бирор марта муҳаббат ва садоқат билан ўйлаган, Менинг кароматларим ҳақидаги ҳикояларни тинглаган ва такрорий ҳикоя қилиб берган киши албатта ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтади.

"Шримад Бхагаватам"нинг Учинчи қўшиқ, "Кармали фаолият тўрлари" деб аталадиган ўттиз иккинчи бобида Бхактиведантанинг ёзган изоҳлари шундай қўюланади.

Ўттиз учинчи боб

Капиланинг кароматлари

Текст 1

Шри Майтрея шундай деди: Парвардигор Капиланинг онаси Парвардигор Капила ва Кардама Мунининг хотини Девахути ўғлининг насихатларини тинглаб бўлганида, у онгини қоплаб олган ғофиллик пардаларидан халос бўлди ва у Худога садоқат билан хизмат қилиш илмига эгаллаб, илоҳий илмга эга бўлди. У тирик мавжудотни озодликка олиб чиқадиган йўлга бошлайдиган санкхья фалсафаси асосларини гапириб берган Парвардигор олдида сажда қилди ва Уни ўзининг самимий илтижолари билан мамнун қилди.

Изоҳ: Парвардигор Капила Ўзининг онасига баён этган фалсафа руҳий ҳаётнинг асосини ташкил этади. Унинг алоҳида аҳамияти мазкур шеърда сиддхи-бхумим ибораси билан ифодаланган: санкхья фалсафаси – инсонни озодликка олиб чиқадиган кафолотли фалсафадир. Моддий қувват таъсири билан шартланиб қолган ва шу боис моддий оламда ачинарли аҳволда тирикчилик қилиб юрган одамлар Парвардигор Капила асослаб берган санкхья фалсафасини ўрганиб осонлик билан моддий олам тутқунлигидан озодликка эриша оладилар. Бу фалсафани англаб етган киши ҳатто моддий оламда қолиб ҳам шу заҳотиёқ озодликка эришади. Тирикчиликнинг ана шу босқичи дживан-мукти деб аталади. Ана шу поғонага кўтарилган киши ҳатто моддий тана ичида юриб ҳам озод руҳ ҳисобланади. Парвардигор Капиланинг онаси Девахути ана шундай ҳолатга эришган эди, чунки у Парвардигорга илтижо қилиб, Уни мамнун қилганди. Санкхья фалсафаси асосий қодаларини тушуниб етган киши Худога садоқат билан хизмат қилишга қодир бўлади ва қалбида тўлиқ Кришна онгини ривожлантириб, ҳали моддий оламда юрган пайтидаёқ озодликка эришади.

Текст 2

Девахути деди: Маъбуд Брахмани туғилмаган зот деб атайдилар, чунки у Сен коинот қаъридаги океан сувларида ором олиб ётганинда қорнингдан ўсиб

чиқадиған нилуфар гулидан дунёга келади. Лекин хатто маъбуд Браһма ҳам танаси сон-саноксиз коинотларнинг манбаи бўлган Сенга фақат муруқаба қила олган, эй Парвардигор.

Изох: Маъбуд Браһманинг яна бир номи – Аджа, яъни “туғилмаган зот”. Бизларнинг тасаввуримизга кўра ҳар бир тирик мавжудотнинг моддий отаси ва онаси бўлиши лозим, акс ҳолда у дунёга кела олмайди. Лекин маъбуд Браһма коинотдаги биринчи тирик мавжудот бўлган ҳолда, Олий Шахс Худонинг, бевосита Парвардигор Вишнунинг экспансияси бўлган, коинот қаъридаги океан сувларида ором олиб ётадиган Гарбходакашайи Вишнунинг танасидан дунёга келган. Парвардигорга муружаат қилиб Девахути шуни таъкидламоқчи эдики, маъбуд Браһма Парвардигорни кўришни истаганида, у Парвардигорга муруқаба қила бошлайди. “Сен – моддий оламнинг уруғисан, - деди у, - Гарчи маъбуд Браһма Сенинг танангдан дунёга келган бўлса ҳам, у кўп йиллар давомида муруқаба қилиши керак эди, лекин шунда ҳам Сен унинг олдида юзма-юз пайдо бўлмадинг. Сенинг тананг коинот қаъридаги чексиз уммон сувларида ястаниб ётади, шунинг учун Сени Гарбходакашайи Вишну деб атайдилар”.

Мазкур шеърда Парвардигорнинг баҳайбат танасининг табиати таърифланган. Парвардигорнинг танаси илохий табиатга эга, унга моддий иллат таъсир қиллолмайди. Бутун моддий олам Парвардигорнинг танасидан чиққан, шу боис хулоса қилиш мумкинки, Унинг танаси моддий олам яралишидан аввал ҳам мавжуд эди. Демак, Парвардигор Вишнунинг илохий танаси моддий унсурлардан таркиб топган эмас. Парвардигор Вишнунинг танаси бошқа барча тирик мавжудотларнинг ҳам, Олий Шахс Худонинг қувватларидан бири ҳисобланган моддий табиатнинг манбаи ҳисобланади. Парвардигорга муружаат қилар экан, Девахути шундай дейди: “Сен – намоён бўлган моддий оламнинг ва барча яралган қувватларнинг асосисан. Шунинг учун Сенинг менага санкхья фалсафасини ўргатиб, мени майя чангалидан кутқариб олишингнинг хайратланарли жойи йўқ. Аммо, Сен менинг қорнимдан дунёга келишинг, ҳеч шубҳа йўқки, жуда катта мўъжиза, чунки Ўзинг бутун борлиқнинг манбаи бўла туриб, Сен чексиз марҳамат кўрсатиб менинг ўғлим бўлдинг. Мана шуниси энг хайратли. Сенинг тананг барча коинотларнинг манбаи ҳисобланади, лекин Сен уни менинг қорнимга, оддий бир аёлнинг қорнига жойлаб қўйдинг. Мана шу мен учун энг катта мўъжиза ҳисобланади”.

Текст 3

Эй азиз Парвардигор, гарчи Сен Ўзинг ҳеч нарса қилмасанг ҳам, Сен Ўз қувватларингни моддий оламнинг яралиш, мавжудлик ва яқсон бўлишига сабаб бўладиган моддий табиат гуналарининг ўзаро фаолияти жараёнига киритиб қўясан. Эй Парвардигор, Ўзингнинг истақларингни Сенинг Ўзинг ҳаётга табиқ этасан, барча тирик мавжудотлар учун Сен Ўзинг Олий Шахс Худосан. Сен улар учун мана шу моддий оламни яратасан, гарчи Сен ягона бўлсанг ҳам, Сенинг сон-саноксиз қувватларинг ҳар хил кўринишларда намоён бўлади. Мана шу мен учун ҳамиша жумбоқ бўлиб қолаверади.

Изох: Мазкур шеърда Девахути айтяптики, гарчи Мутлақ Парвардигор Ўзи бирор иш қилмаса ҳам, У турли кўринишдаги сон-саноксиз қувватларга эга. Бу Упанишадаларда ҳам тасдиқланади. Оламда Парвардигордан буюкроқ ва Унга тенг келадиган бирор зот йўқ. Гарчи, ҳамма нарса Ўзидан ўзи рўй бераётгандай бўлиб кўринса ҳам, бутун борлиқда рўй берадиган ҳар қандай воқеа-ҳодисаларни Парвардигорнинг қувватлари амалга оширади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, гарчи моддий табиат гуналари Парвардигорнинг ҳар бири маълум кудратга эга бўлган турли хил экспансиялари: Браһма, Вишну ва Шиваларнинг ҳукми остида бўлса ҳам, Парвардигорнинг Ўзи моддий табиат гуналарининг фаолиятига аралашмайди. Девахути айтяптики: “Гарчи Сен Ўзинг ҳеч иш қилмасанг ҳам, Сенинг амринг албатта амалга ошади. Сен ўз истақларингни амалга оширишда кимнингдир ёрдамига муҳтож бўлишинг ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Охир-оқибатда Сен Олий Рух ва бутун борлиқнинг олий ҳукмдорисан, шунинг учун Сенинг истақларинг амалга ошишига ҳеч ким ҳалақит бера олмайди”. Парвардигор бошқа тирик мавжудотларнинг режаларини барбод қилиши мумкин. Ихтиёр қилиш инсондан, ижобат эса Парвардигордан деган гап бор. Лекин Парвардигорнинг Ўзи бирор ишни ихтиёр этса, Унинг истаги амалга ошиши бошқа ҳеч кимга боғлиқ эмас, чунки У мутлақ табиатга эга. Бизнинг истақларимизнинг амалга ошиш-ошмаслиги охир-оқибатда Парвардигорга боғлиқ, аммо Парвардигорнинг истақларининг амалга ошиши ҳам бошқа кимгадир боғлиқ деб бўлмайди. Парвардигорнинг англаб бўлмас кудрати ана шундай. Оддий тирик мавжудотлар қила олмайдиган ишни амалга ошириш Парвардигор учун умуман қийин эмас, Ўзининг ана шундай чексизлигига қарамай, Парвардигор ишонарли муқаддас китоблар бўлган Ведаларни ўрганиб юрган одамларга Ўзини англаб етиш имкониятини беради. Шабда-мулатват: Парвардигорни фақат шабда-браһма орқали, яъни ведавий муқаддас китоблар ёрдамида англаб етиш мумкин.

Моддий олам нима мақсадда яратилган эди? Парвардигор барча тирик мавжудотлар учун Олий Шахс Худо, шу боис У моддий оламни тирик мавжудотларнинг орасидаги ўзлари лаззатланишни истайдиган ёки моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишни истайдиган зотлар учун яратди. Олий Худо бўлган ҳолда Парвардигор тирик мавжудотларнинг хилма-хил истақларини амалга оширади. Бу Ведаларда тасдиқланади: эко бахунам йо видахати каман – олий тирик мавжудот бошқа кўплаб тирик мавжудотларнинг эҳтиёжларини қондиради. Ҳар хил тирик мавжудотларнинг истақларининг ҳақиқатан ҳам сон-саноғи йўқ, лекин, олий тирик мавжудот, Парвардигор бир Ўзи уларнинг ҳаммасининг мавжудлигини таъминлаб туради ва Ўзининг англаб бўлмас қувватлари ёрдамида уларнинг барча эҳтиёжларини қондиради.

Текст 4

Сен – Олий Шахс Худосан, шунга қарамай Сен менинг қорнимдан дунёга келдинг. Эй Парвардигор, қорнимдан

бутун борлик жой олган Парвардигор шундай қилиши мумкинми? “Ҳа, бўлиши мумкин!” – деб жавоб берман мен, чунки оламнинг мавжудлик даврининг охирида Сен чақалоқ қиёфасига кириб баньян(қантал) дарахти япроғи устида Ўзингнинг нилуфар пойинг бармоғини сўриб ётасан.

Изоҳ: Коинот яқсон бўлган пайтда Парвардигор баъзан тошқин сувлари устида ётган қантал дарахти япроғи устида ётадиган чақалоқ қиёфасига қиради. Шунинг учун Девахути айтадики: “Сенинг оддий аёл қорнида жойлашганингнинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Чақалоқ қиёфасига кириб, Сен қантал дарахти япроғи устида ётганча бутун олам тошқини сувлари устида сузиб юрасан. Шунинг учун мен Сенинг менинг қорнимда жойлашганингдан ҳайрон бўлмайман. Бу билан Сен моддий оламдаги фарзандларни жуда яхши кўрадиган ҳамда фақат фарзанд кўриш ва фарзандлари даврасида оилавий ҳаётдан лаззатланиб яшаш учун учун оила қурадиган кишилар, Олий Шахс Худони ўзларига фарзанд қилиб олишлари мумкинлигини исботламоқчи эдинг. Энг ҳайратланарлиси шундаки, Парвардигор Ўзининг нилуфар қадамлари пойининг бармоғини Ўзининг оғзига солиб ётади”.

Барча буюқ донишмандлар ва Худонинг содиқлари ўзларининг бутун куч-қувватини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилишга қаратадилар. Бу шуни билдирадики, Унинг нилуфар қадамлари пойининг бармоғи қандайдир илоҳий лаззат манбаи бўлиши керак. Худонинг содиқлари шунчалик интилиб юрган нектар таъминини хис қилиш учун Парвардигор Ўзининг бармоғини сўриб ётади. Баъзан Парвардигорнинг Ўзи Унда қанчалик илоҳий лаззат борлигини тотиб кўришни истаиди, Ўз қувватининг ширинлигидан лаззатланиш учун У бунга имкон берадиган ҳолатни эгаллайди. Парвардигор Чайтанья – Парвардигор Кришнанинг Ўзи, лекин У Ўзи билан боғлиқ бўлган ҳамма нарса тўла бўлган, Парвардигорнинг содиқларининг энг аълоси Шримати Радхарани ҳаммаша лаззатланиб юрган илоҳий нектар лаззатдан тотиб кўриш учун содиқ хизматкори ролини ўйнайди.

Текст 5

Эй Парвардигор, Сен адашган зотларнинг гуноҳкорона фаолиятига чек қўйиш ҳамда уларга Худонинг содиқ хизматкори бўлиш ва озодликка эришишда ёрдам берадиган илми ўргатиш учун мана шу қиёфага киргансан. Сенинг насихатларингга муҳтож бўлган ана шу гуноҳкор зотларга ғамхўрлик қилиб, Сен Ўз ихтиёринг билан тўнғиз ва бошқа қиёфаларда мужассам бўлиб моддий оламга ташриф буюрасан. Ҳозир Сен ғамхўрлигинг остидаги зотларга илоҳий илм ўргатиш учун яна бу дунёга ташриф буюрдинг.

Изоҳ: Аввалги шеърларда Олий Шахс Худонинг асосий илоҳий сифатлари ҳақида гап борган эди. Бу ерда эса Парвардигорнинг моддий оламга келиш сабаби ҳақида айтилади. Ўзининг ранг-баранг қувватлари ёрдамида Парвардигор моддий табиат ва турли таналарга ҳукмронлик қилиш истаги бўлган тирик мавжудотларга ҳар хил таналар инъом этади. Лекин, вақт ўтиши билан тирик мавжудотлар шунчалик тубанликка юз

тутадиларки, уларга талъим бериш ва уларни ғофиллик чангалидан халос этиш зарурати юзага келади. "Бхагавад-гита"да айтилганки, ҳар гал, одамлар ўзларининг бу дунёда яшашдан мақсади нима эканини эсдан чиқарганида Парвардигорнинг Ўзи моддий оламда бирор кўринишда мужассам бўлади. Капила қиёфасига кириб, У шартланган руҳларга руҳий озодлик йўлини кўрсатди, уларга илоҳий илми ошқор этди ҳамда улар ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига қайта олишлари учун уларга Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини баён қилди. Парвардигорнинг турли кўринишда мужассам бўлган қиёфалари мавжуд: тўнғиз, балиқ, тошбақа, ярим одам-ярим арслон ва ҳоказо. Парвардигор Капила ҳам Парвардигорнинг мужассам бўлган қиёфалардан бири. Бу ерда айтилганки, Парвардигор Капила ер юзига адашган шартланган руҳларга илоҳий илм нурини таратиш учун келган.

Текст 6

Ҳатто ит гўшти ейдиган ҳароми оиласида туғилган киши ҳам, агар бир марта Олий Шахс Худонинг муқаддас номини тилга олса ёки агар Парвардигорнинг улғворлигини куйласа, Унинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тингласа, Унинг олдида сажда қилса ёки шунчаки Уни эслаб юрса, шу заҳотиёқ ведавий қурбонлик маросими ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади. Шундай экан, Олий Шахс Худони бевосита кўриб юрганлар ҳақида нима дейиш мумкин?

Изоҳ: Мазкур шеърда Парвардигорнинг муқаддас номини такрорлаш ва тинглашда ҳамда Уни эслаб юришда мужассам бўлган ғайритабиий илоҳий қудрат ҳақида гап боради. Шартланган руҳларнинг гуноҳ ишларининг натижаси ҳақида гапирар экан, Рупа Госвами ўзининг "Бхакти-расамрита-синдху" асарида кўрсатиб берганки, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади. Бу "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланади, унда Парвардигор айтадики, ўз ихтиёрини Унга топширган кишига Унинг Ўзи ғамхўрлик қилади ва уни қилган барча гуноҳлари оқибатидан халос этади. Агар шунчаки Олий Шахс Худонинг муқаддас номини шунчаки такрорлаган киши барча гуноҳлардан шунчалик тез покланадиган бўлса, Парвардигорни бевосита кўриб юрганлар ҳақида нима дейиш мумкин?

Бу ерда айтилганки, Худонинг муқаддас номларини тинглаш ва такрорлаш жараёнида покланган киши шу заҳотиёқ ведавий қурбонлик маросими ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади. Одатда ведавий қурбонлик маросими ўтказиш ҳуқуқига фақат браҳманлар оиласида дунёга келган, ўн турли покланиш маросимлари орқали ўтган ва Ведаларни биладиган кишилар эга бўладилар. Лекин бу ерда садйах, яъни “шу заҳотиёқ” деган маънони англатадигане ибора ишлатилган. Шриддхара Свами ўзининг изоҳида айтганки, ана шундай киши шу заҳотиёқ ведавий қурбонлик маросими ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади. Инсон ўзининг аввалги ҳаётида содир этган гуноҳлари учун жазо сифатида ит гўшти ейдиган ҳароми одамлар оиласида туғилади, аммо, агар Худонинг муқаддас номларини ҳақоратларсиз такрорласа ва тингласа, у шу заҳотиёқ ўзининг барча

гуноҳлари оқибатидан озод бўлади. Бунинг устига у барча гуноҳларидан покланиб қолмасдан, барча покланиш маросимларини ўтказган киши даражасига эришади. Брахман оиласида туғилиш имконияти – шубҳасиз, инсонга аввалги ҳаётида қилган савоб ишлари учун мукофот сифатида берилади. Лекин, ҳатто брахман оиласида туғилган бола ҳам руҳий фотиҳа, муқаддас чилвир, зуннор олиши ва кўплаб покланиш маросимлари орқали ўтиши лозим. Лекин, Парвардигорнинг муқаддас номини такрорлаб юрган киши ҳатто чандал, ит гўшти ейдиган ҳароми одамлар оиласида туғилса ҳам, ҳеч қандай покланиш маросими ўтказиши шарт эмас. Шунчаки Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш билан у тезда покланади ва энг билимдон брахманлар билан бир хил поғонага кўтарилади.

Бу борада Шриддзара Свами таъкидлаб айтадики: анена пуджйатвам лакшйате. Баъзи ақидапараст брахманлар, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш – шунчаки покланиш маросимининг бошланиши деб айтадилар. Албатта, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш самараси уни зикр қилаётган кишига боғлиқ бўлади, лекин Шриддхара Свами айтадики, бу гаплар муқаддас номни ҳақоратсиз такрорлайдиган киши учун тўла ўринли бўлади, чунки бундай киши шу заҳотиёқ брахман поғонасидан юқори кўтарилади. Шриддхара Свамининг айтишига қараганда шундай киши шу заҳотиёқ энг билимдон брахманлар муносиб бўлган обрў-этиборга эга бўлади ва ведавий қурбонлик маросими ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади. Агар муқаддас номларни шунчаки такрорлаган киши гуноҳлари оқибатидан бутунлай покланадиган бўлса, Девахутига ўхшаб Парвардигорни бевосита кўриб юрган ва олдида ким турганини тушунадиган зотлар ҳақида нгима дейиш мумкин?

Одатда руҳий фаолиятга фотиҳа бериш масаласини шогирдни руҳий юксалиш йўлидан етаклаб борадиган руҳий устоз ҳал қилади. Агар шогирдининг зарур сифатларга эга бўлганини ҳамда Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб етарлича покланган бўлса, бошқалар уни ҳар тарафлама брахманлар билан бир қаторда ҳурмат қилишлари учун руҳий устоз шогирдига брахманлик зуннорини беради. Буни Шрила Санатана Госвами ҳам ўзининг “Хари-бхакти-виласа” асарида тасдиқлайди: “Худди оддий металл, масалан бронзани кимёвий усул ёрдамида олтинга айлантириш мумкин бўлгани сингари, дикша-видхана, руҳий фотиҳа бериш орқали ҳар қандай инсонни брахман даражасига етказиш мумкин”.

Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш билан инсон фақат покланиш жараёнини бошлайди, кейинги ҳаётида ана шу жараёни охирига етказиш учун у брахман оиласида туғилиш имкониятига эга бўлади, деган фикр бор. Лекин ҳозирги даврда ҳатто энг яхши брахманлар оиласида туғилган зотлар ҳам покланиш маросимлари орқали ўтмайдилар, бунинг устига, ҳатто уларнинг оталари ҳақиқий брахман эканини аниқ ишонч билан айтишнинг иложи йўқ. Аввалги замонларда брахманларнинг хонадонида гарбходхана покланиш маросими ўтказилган, лекин ҳозир ҳатто брахманлар ҳам гарбхадхана, яъни фарзанд кўриш учун зурёд коолдириш жараёнини поклайдиган маросим ўтказмайдилар. Бундай шароитларда ҳеч ким

боланинг ҳақиқатан ҳам брахман отадан туғилганига кафолат бера олмайди. Лекин ҳақиқий руҳий устоз инсоннинг ҳақиқий брахман сифатларига эга ёки эга эмаслигини аниқлашга қодир бўлади, шу боис руҳий устоз шогирдининг бунга муносиб эканини кўрганида уни брахман даражасига кўтаради. Панчатра қондалари асосида брахманлик фотиҳаси ва зуннор олган киши двиджа, иккибор туғилган зот даражасига эришади. Буни Санатана Госвами ҳам тасдиқлайди: двиджатвам джайате. Инсон муқаддас номларни такрорлаш жараёнида покланганида руҳий устозидан фотиҳа олиб брахман даражасига эришади. Ана шундай брахман руҳий юксалиш жараёнида юксала бориб, вайшнав поғонасига кўтарилиши мумкин. Бу шундан далолат берадики, вайшнав брахманларга хос бўлган барча эзгу фазилатларга эга бўлиши лозим.

Текст 7

Сенинг муқаддас номингни такрорлаб юрган зотларга ҳамду-санолар ва шон-шарафлар бўлсин! Ҳатто ит гўшти ейдиганлар оиласида туғилган бўлса ҳам уларни ҳурмат қилиш лозим. Сенинг муқаддас номингни такрорлайдиган одамлар, шубҳасиз, барча риёзат турлари ва қурбонлик маросимлари орқали ўтган ҳамда арийларнинг барча фазилатларига эга. Сенинг муқаддас номингни такрорлаш имкониятига эга бўлиш учун улар муқаддас саждагоҳлардаги сувларда чўмилишлари, Ведаларни ўрганишлари ва ўзларининг шастраларда белгиланган ҳамма бурчларини бажарган бўлишлари лозим эдилар.

Изоҳ: Аввалги шеърда айтилганидек, Парвардигорнинг муқаддас номини атиги бир марта ҳақоратсиз тилига олган киши шу заҳотиёқ ведавий қурбонлик маросими ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади. “Шримад Бхагаватам”нинг бу гаплари бизни ҳайратга солмаслиги керак. Биз бу гапларнинг ҳақиқат эканига шубҳа қилмаслигимиз лозим: “Қандай қилиб Парвардигорнинг муқаддас номини шунчаки такрорлаган киши авлиё даражасига кўтарилиб, энг буюк, улугвор брахманлар билан бир хил мартабага эришиши мумкин?” Имонсиз одамларнинг қалбида пайдо бўладиган ана шундай шубҳаю-гумонларни тарқатиб юбориш учун бу ерда Девахути айтадики, Парвардигорнинг муқаддас номини ҳамма ҳам бирдай такрорлаш имкониятига эга бўлавермайди, муқаддас номни зикр қилиш имкониятига эга бўлиш учун инсон аввал барча ведавий ананьаларни ва қурбонлик маросимларини ўтказган бўлиши лозим. Ўзининг аввалги ҳаётларида олдинги барча босқичлардан ўтмаган: барча ведавий маросимларни ўтказмаган, Ведаларни ўрганмаган ҳамда арийларга хос эзгу фазилатларга эга бўлмаган киши – ҳозирги ҳаётида Парвардигорнинг муқаддас номларини такрорлай олмайди, шунинг учун Девахутининг гапларидан ҳайрон бўлмастик керак. Агар киши университетнинг юридик факультетиде таълим олаётган бўлса, ўз ўзидан маълумки, у ўрта мактабни тугатган бўлади. Худди шундай агар Парвардигорнинг муқаддас номларини такрорлаётган бўлса, Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре, - демак, у аввалги босқичлардан ўтган бўлади. Бунинг устига Девахути айтяптики, муқаддас номни шунчаки

тилига олган киши ҳам хурмат-эйтиборга лойик инсондир. Бу жараённинг икр-чикирларига берилиб ўтиришнинг, яъни муқаддас номни зикр қилишнинг ҳақоратли, ҳақоратсиз ва соф поғонаси ҳақида билишнинг умуман ҳожати йўқ. Муқаддас ном тилимизнинг учиди бўлишининг ўзи кифоя. Нама ибораси бу ерда бирлик шаклида берилган, демак, бир марта “Кришна” ёки “Рама” деган номнинг ўзи кифоя. Инсон Парвардигорнинг ҳамма муқаддас номларини тақрорлаши лозим деб ўйламаслик керак. Парвардигорнинг муқаддас номлари сон-саноксиз, биз барча ведавий ананъа ва маросимларни ўтказганимизни исботлаш учун ана шу номларнинг ҳаммасини тақрорлаб ўтиришимизнинг ҳодати йўқ. Агар бир мартагина муқаддас номни бир марта талаффуз қилса бас, у барча синовлардан ўтган бўлади. Шундай экан, Худонинг муқаддас номларини ҳаммиша, куну-тун тинмасдан зикр қилиб юрган одамлар ҳақида нима дейиш мумкин? Бу ерда тубхйам, яъни “фақат Сенинг” деган маънони англатадиган ибора алоҳида таъкидланган. Фақат ягона Парвардигорнинг номини зикр қилиш керак. Бу дегани ҳар қандай номни бир хил муваффақият билан зикр қилиш мумкин деб ҳисоблайдиган майявади-файласуфлар айтганидек, қандайдир фариштанинг ёки Парвардигорнинг қувватининг номини зикр қилиш мумкин дегани эмас. Фақат ягона Парвардигорнинг муқаддас номи чексиз поклаш қудратига эга. Ягона Парвардигорнинг муқаддас номини фаришталарнинг номига тенглаштирадиган ҳар қандай одам пашанди, Худога шак келтирадиган имонсиз киши ҳисобланади.

Муқаддас номни ўзининг эҳтиёжини қондириш учун эмас, ёки муқаддас ном ёрдамида тирикчилик қилиш учун пул ишлаб топиш ниятида эмас, балки Парвардигорни мамнун қилиш учун зикр қилиш лозим. Агар инсоннинг муқаддас номни тақрорлашга бўлган муносабати шахсий манфаат, таъмагирлик билан бўлганмаган бўлса, ҳатто у ит гўшти ейдиган ҳароми одамлар оиласидан чиққан бўлса ҳам, ундай инсон хурмат-эҳтиромга лойикдир, чунки у нафақат ўзини поклашга, балки бошқаларни ҳам озодликка чиқаришга қодир бўлади. Худди Хароидас Тхакур сингари, у бошқаларни илохий номларни тақрорлаш лозимлигига ишонтира олишга қодир бўлади. Харидас Тхакур мусулмон оилада дунёга келди, лекин Парвардигорнинг муқаддас номини ҳақоратларсиз тақрорлагани учун Парвардигор Чайтанья унга муқаддас номни зикр қилиш ачарьяси(устози ва тарғиботчиси) унвонини берди. Унинг ведавий урф-одатларга риоя қилинмайдиган оилада дунёга келиши ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган. Чайтанья Махапрабху ва Адвайта Прабху уни мўътабар зот деб тана олганлар, чунки у Парвардигорнинг муқаддас номини ҳақоратсиз тақрорлаган. Адвайта Прабху ва Парвардигор Чайтанья сингари буюк зотлар унинг аввал барча риёзатлар орқали ўтганига, барча ведавий битикларни ўрганганига ва барча қурбонлик маросимларини ўтказганига заррача шубҳа қилмаганлар. Бунга исбот талаб қилишнинг кераги йўқ. Шунга қарамай, смарта-браҳманлар яъни ақидапараस्त браҳманлар айтадиларки, ҳатто Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юрган кишиларни покланган деб ҳисобласак ҳам, улар барибир ведавий маросимларни ўтказиши ва ведавий

қурбонлик маросими ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиш учун кейинги ҳаётида браҳманлар хонадониди туғилишини кутишлари лозим. Лекин бу таълимот ҳақиқатга тўғри келмайди. Покланиш учун ундай одам покланиши учун кейинги ҳаётини кутиб ўтиришининг ҳожати йўқ, у ҳозирги ҳаётидаёқ покланади. У барча ведавий маросимларни ўтказган ҳисобланади. Аслини олганда Худонинг содиқлари эмас, балки смарта-браҳманлар ҳақиқатан ҳам покланишлари учун ҳар хил покланиш маросимларини ўтказишлари лозим. Мазкур шеърда барча ведавий маросимлар санаб ўтилмаган, лекин, муқаддас ном тақрорлаб юрган одамлар барча маросимларни, шу жумладан бу ерда кўрсатилмаган маросимларни ҳам ўтказган бўладилар.

Джухувуҳ ибораси шуни англатадики, муқаддас ном зикр қилиб юрган кишилар қурбонлик маросимларининг ҳамма турларини ўтказган. Саснух: улар барча муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилганлар ҳамда барча покланиш маросимлари орқали ўтганлар. Уларни арийлар деб атайдилар, чунки улар мана шу маросимларнинг ҳаммасини ўтказганлар шунинг учун арийлар қаторига ёки арий деб аталишга муносиб бўлган сифатларга эришган зотлар тоифасига кира оладилар. Арийлар деб хулқ-атвори Ведаларнинг талабларига жавоб берадиган маданиятли кишиларни айтадилар. Парвардигорнинг муқаддас номини зикр қилиб юрган ҳар қандай содиқ хизматкор арийларнинг аълоси ҳисобланади. Ведаларни ўрганмай туриб, арий бўлишнинг иложи йўқ, лекин мазкур шеърдан маълум бўладики, муқаддас номни зикр қилиб юрган кишилар Ведаларнинг ҳаммасини ўрганган одамлардир. Девахути бу ерда анучуҳ иборасини ишлатади, бу ибора шуни кўрсатадики, бу одамлар шастраларнинг барча кўрсатмаларини бажарган ва шунинг учун руҳий устоз бўлишга муносиб зотлардир.

Мазкур шеърда ишлатилган гринанти ибораси билан ведавий маросимлар ва ҳар хил урф-одатларга амал қилиш поғонасидан юқори кўтарилган кишини ифодалайдилар. Агар инсон қози, судья лавозимини эгаллаб турган бўлса, демак у ҳуқуқшунос дипломига эга ва ҳуқуқни ўрганиб юрган ёки уни ўрганишга киришаётган одамлардан устун туради. Худди шундай, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юрган кишиларведавий маросимларни ўтказиб юрган ҳамда ўзини бунга тайёрлаб юрган кишилар(бошқача қилиб айтганда, браҳман оиласида туғилган, лекин ҳали покланиш маросимлари орқали ўтмаган, шу боис энди Ведаларни ўрганишга ва қурбонлик маросими ўтказишга тайёрланиб юрган кишилар)дан устун туради.

Парвардигорнинг муқаддас номини тақрорлаш билан инсон шу заҳотиёқ шартланган ҳаёт тутқунлигидан озодликка чиқади ва Парвардигорнинг муқаддас номини тинглаган киши, ҳатто у ит гўшти ейдиган одамлар оиласида дунёга келса ҳам, моддий оламда асир бўлиш кишанларидан халос бўлиши Ведалар адабиётининг ҳар хил китобларида тасдиқланишини кўриш мумкин.

Текст 8

Эй Парвардигор, менинг ишончим қомилки, Сен – Капила номи билан келган Парвардигор Вишнунинг Ўзисан, Сен – Олий Браҳман, Олий Шахс Худосан! Ўзларининг ҳиссиёти ва ақлини жиловлаб олган буюк

авлиё ва донишмандлар Сенга мураккаб қиладилар, чунки фақат Сенинг марҳаматинг билан тирик мавжудот моддий табиатнинг уч гунаси таъсири остидан озодликка чиқа олади. Моддий олам яқсон бўлганида ведалар фақат Сенинг Ўзингда паноҳ топади.

Изоҳ: Илтижо қилишда давом этиш ўрнига Капиланинг онаси Девахути хулоас қилиби айтадики, Парвардигор Капила – Парвардигор Вишнунинг Ўзидан бошқа ҳеч ким эмас, у аёл зотидан бўлгани туфайли илтижо қилиб Унга муносиб равишда сажда қилишга қодир эмас. Унинг нияти Парвардигорни мамнун қилиш эди. Мазкур шеърда ишлатилган пратйак ибораси алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Йога жараёни саккиз поғонадан иборат: яма, нияма, асана, пранаяма, пратъяхара, дхарана, дхъяна ва самадхи. Пратъяхара ибораси “сезгиларнинг фаолиятини тамомлаш” деганини англатади. Худони англашнинг Девахути айтаётган поғонасига фақат ўзининг сезгиларини моддий фаолиятдан тўхтатишга қодир бўлган киши эриша олади. Инсон Худога садоқат билан хизмат қилиб юрганида унинг сезгилари бошқа фаолият билан шугулланиш имкониятидан маҳрум бўлади. Шу тарзда қалбида Кришна онгини тўла ривожлантирган киши Парвардигорнинг ҳақиқий табиатини англаб етади.

Текст 9

Ўзининг сеvimли онасининг айтган гапларидан мамнун бўлган Парвардигор Капила, Олий Шахс Худо унга хотиржамлик ва улуғворлик билан жавоб берди.

Изоҳ: Парвардигор ҳар жиҳатдан мукамал бўлгани учун Унинг онасига бўлган муҳаббати ҳам мукамал. Девахутининг гапларини тинглаб туриб, У онасига хотиржам ҳолда, ҳурмат-эҳтиром ва улуғворлик билан жавоб берди.

Текст 10

Парвардигор, Худо Шахси деди: Эй азиз она, Мен сенга гапириб берган ўзликни англаш йўли жуда осон. Сен ундан ҳеч қийналмасдан бора оласан ва жуда тез, ҳозирги ҳаётингнинг ўзидаёқ озодликка эришасан.

Изоҳ: Худога садоқат билан хизмат қилиш усули шунчалик мукамалки, шунчаки бхакти-йога қоидаларига риоя қилиш ҳамда руҳий устознинг кўрсатмаларини бажариб юриш орқали, мазкур шеърда айтилганидек, гарчи ўзининг моддий танасида қолса ҳам, руҳий озодликка эришади ва майя таъсири остидан чиқади. Йоганинг бошқа турлари билан шугулланиб юрган ёки ҳақиқатга фалсафий изланишлар орқали эришиш йўлидан бораётганлар ўзларининг руҳий баркамолликка эришган ёки эришмаганини ҳеч қачон билмайдилар. Лекин Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган, руҳий устозининг кўрсатмаларига чуқур имон билан ишонадиган ва бхакти-йоганинг барча қоидаларига риоя қилиб юрган кишининг озодликка чиқиши кафолатланади. Шрила Рупа Госвами ҳам ўзининг "Бхакти-расамрита-синдху" асарида буни тасдиқлайди. Иха йасйа харер дасйе: ягона мақсади руҳий устоз раҳбарлиги остида Парвардигорга хизмат қилиш бўлган ҳар қандай инсон қаерда бўлишидан қатъий назар дживан-мукта ҳисобланади. Бошқача

қилиб айтганда, у моддий танасида қолган ҳолда руҳий озодликка эришган бўлади. Баъзан тажрибасиз содиқларнинг хаёлида руҳий устоз ҳақиқатан ҳам озодликка эришган зотмикан деган гумон пайдо бўлади. Кўпинча улар руҳий устозининг фаолиятининг моддий томонига ишонқирамай қоладилар, лекин руҳий устознинг озодликка эришган ёки эришмаган зот эканини унинг моддий, яъни жисмоний ишларига қараб аниқлнмайди. Бунинг руҳий устознинг илоҳий сифатларини кўра билиш лозим. Дживан-мукта иборасининг ўзиёқ инсон моддий танада эканини билдиради, демак, унда барибир қандайдир даражада моддий эҳтиёжлар сақланиб қолади, чунки унинг танаси моддий табиатга эга. Лекин, у Худога садоқат билан хизмат қилишга бутунлай ғарқ бўлгани туфайли, уни озодликка эришган зот деб ҳисоблаш лозим.

Озодликка эришиш – ўзининг азалий руҳий ҳолатига қайтиш демакдир. руҳий озодликка эришишни "Шримад Бҳагаватам" шу тарзда ифодалайди: муктир... сварупена вйавастхитах. Тирик мавжудот сварупасини, асл табиатини Парвардигор Чайтанья таърифлаб берган: дживера сварупа хайа – кришнера нитйа-даса – ўзининг асл табиатига кўра тирик мавжудот Парвардигорнинг мангу хизматкоридир. Агар инсон Худога садоқат билан хизмат қилишга бутунлай ғарқ бўлиб юрган бўлса, уни озодликка эришган зот деб ҳисоблаш лозим. Инсоннинг руҳий озодликка эришган ёки эришмаганини унинг қандайдир бошқа сифатларига қараб эмас, балки фақат унинг Худога садоқат билан хизмат қилишдаги фаолиятига қараб аниқлаш лозим.

Текст 11

Эй азиз онажон, ҳақиқий илоҳиётчилар Мен сенга берган кўрсатмаларга қатъий риоя қиладилар. Ишончинг комил бўлсинги, агар сен ўзликни англаш йўлидан борсанг ва барча кўрсатмаларга қатъий риоя қилсанг, моддий тирикчиликка хос бўлган барча кўркув, хавотирлардан албатта халос бўласан ва окибат-натийжада Менинг олдимга қайтиб келасан. Лекин, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан беҳабар бўлган киши туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан ҳеч қачон озодликка эриша олмайди.

Изоҳ: Моддий оламдаги ҳаёт ҳамиша ташвиш ва хавотирларга тўла бўлади, шунинг учун моддий оламда яшайдиган кишилар ҳамиша кўркув остида юрадилар. Аммо, моддий ҳаёт асрилигидан озодликка чиққан киши айна пайтда барча хавотир ва кўркувлардан ҳам халос бўлади. Парвардигор Капила таърифлаб берган Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кириш билан инсон тез ва ҳеч қийналмасдан руҳий озодликка эришади.

Текст 12

Шри Майтрея деди: Ўзининг вазифасини бажариб – Ўзининг сеvimли онасига насиҳатлар бериб бўлгандан кейин Олий Шахс Худо, Парвардигор Капила ундан руҳсат сўради ва уйини тарк этиб кетди.

Изоҳ: Парвардигорнинг Капила қиёфасида ер юзига келишдан вазифаси одамларга Худога садоқат билан хизмат қилиш руҳи билан суғорилган илоҳий санкхья фалсафасини ошкор этишдан иборат эди. Ана шу

илми Ўзининг онасига, онаси оркали бутун олам аҳлига ўргатиб, Капиладева бундан кейин уйда қолишнинг бирор маъноси йўқлигини кўрди ва онасидан рухсат олиб бутун олам бўйлаб сайр қилишга йўл олди. Одатга кўра У Ўз ҳаётини рухий изланишларга бағишлаш учун уйини тарк этиб кетди, лекин аслида рухий соҳада У излаши лозим бўлган бирор нарса йўқ эди, чунки Унинг Ўзи барча рухий изланишлардан қўйиладиган олий мақсад эди. Оддий инсон ролини ўйнар экан, Парвардигор Ўзининг амаллари билан бошқаларга ўрناк кўрсатишни истаганиди. Албатта, У онаси билан бирга қолиши мумкин эди, лекин У Ўзининг ҳаракатлари билан кўрсатмоқчи эдики, инсон оилада яшаши шарт эмас. Бундан кўра инсон ўзининг бутун вақтини Кришнани англаш бағишлаб брахмачари, санньяси ёки ванапрастха турмуш тарзи билан яшагани маъқулроқ. Лекин бир ўзи яшашга қодир бўлмаган кишига ўзининг ҳиссиётининг талабларини қондириш учун эмас, балки қалбида Кришна онгини ривожлантириш учун оила қуриш ва хотини ва болалари билан яшаш рухсат этилади.

Текст 13

Ўғлининг кўрсатмаларига амал қилиб, ўзининг ашрамида қолган Девахути бхакти-йога билан шуғуллана бошлади. Кардама Мунининг гуллар билан ажойиб безатилган, шу боис Сарасвати дарёсининг гулчамбар билан безатилган тожи деб аталган уйда у самадхи ҳолатига эришди.

Изоҳ: Девахути ҳеч қаерга кетмади, чунки аёл кишига уйини тарк этиш тавсия қилинмайди. Аёл зоти ҳамиша бировга қарам мавжудот ҳисобланади. Девахутининг ҳаёти мисолида кўришимиз мумкинки, балоғатга етгунча у отаси Сваямбхува Манунинг қарамоғида эди, кейин Сваямбхува Ману уни Кардама Мунига хотинликка берди. Ёшлигида у эрининг қўл остида яшади, кейин унинг ўғли Капила Муни дунёга келди. Ўғли вояга етганида Девахутининг эри уйини тарк этиб кетди, шунда онаси олдидаги бурчини бажариб бўлгандан кейин, ўғли ҳам уни тарк этди. У ҳам уйини тарк этиб кетиши мумкин эди, лекин у бундай қилмади. Аксинча, у уйда қолди ва буюк ўғли Капила Мунининг насиҳатларига амал қилиб бхакти-йога билан шуғуллана бошлади, унинг бхакти-йога билан шуғулланиб юргани шарофати билан Кардама Мунининг уйи Сарасвати дарёсининг гулларга беланган тожига ўхшаб яшнаб кетди.

Текст 14

У кунига уч марта сувда ювиниб покланарди, натижада унинг қоп-қора тўлқин сочлари вақт ўтиши билан кулранг тусга қира бошлади. Қаттиқ риёзатлар дастидан озиб-тўзиб кетган Девахути жулдур кийимлар кийиб олган эди.

Изоҳ: Йоглар, брахмачарилар, ванапрастхалар ва санньясилар ҳар куни камида уч марта – эрта тонгда, кун ўртасида ва кечқурун ювиниб покланишлари лозим. Бу қоидага ҳатто грихастхалар ҳам, айниқса рухий юксалишда юқори поғонага эришган брахманлар ҳам катъий амал қиладилар. Девахути шохнинг қизи эди, у

эрининг уйда ҳам шохона турмуш тарзи билан яшади. Гарчи Кардама Муни шох бўлмаса ҳам, ўзининг сеҳр қудрати билан у Девахути учун ҳашаматли сарой қуриб берди, бу саройда Девахутининг ўз қанизақлари бўлиб ва барча қулайликлар яратилган эди. Лекин, у ҳали эри билан яшаган даврдан у риёзат чекишга одатланиб қолгани сабабли, бундай камсуқум турмуш тарзи билан яшаш унинг учун қийин эмасди. Лекин барибир, эри ва ўғли уйни тарк этиб кетгандан кейин Девахути қаттиқ тавба-тазарруларга берилиб, ўзининг танасини қаттиқ қийноқларга солиб юриши оқибатида у озиб-тўзиб кетди. Ортиқча семизлик рухий юксалишга тўсқинлик қилади. Инсон ортиқча семизликдан ҳалос бўлишга интилиши лозим, чунки ортиқча оғирлик рухий ўзликни англаб етишга ҳалақит беради. Рухий фаолият билан шуғулланиб юрган киши меъёридан ортиқча овқат истеъмол қилишдан, ортиқча ухлашдан ўзини тийиши ҳамда қулай муҳитда яшамаслиги лозим. У ўз ихтиёри билан онгли равишда овқатланиш ва уйқусини чеклаб қўйиши лозим. Бу бхакти-йога бўлсин, гьяна-йога ёки хатха-йога бўлсин, ҳар қандай йога тури билан шуғулланиш учун зарур шарт ҳисобланади.

Текст 15

Риёзат чекиш ҳамда йога билан шуғулланиш ёрдамида Праджапатилардан биттаси бўлган Кардама шундай сеҳр қудратига эришдики, унинг саройи ғарқ бўлган бойлик ва серҳашамат безакларга баъзан ҳатто коинот бўйлаб ўзларининг ҳаво кемаларида сайр қилиб юрадиган зотлар ҳам ҳасад қилардилар.

Изоҳ: Кардама Мунининг оилавий фаровонлигига ҳатто ўзларининг ҳаво кемаларида коинот бўйлаб сайр қилиб юрадиган зотлар ҳам ҳасад қилишларини айтганида Майтрея Муни жаннатий сайёралар аҳолисини назарда тутяпти. Уларнинг ҳаво кемалари ҳамиша бир томондан иккинчи томонга учиб юрадиган ҳозирги самолетларга ўхшаган эмас; жаннатдагиларнинг ҳаво кемалари ҳеч қандай қаршиликка учрамасдан космик фазода ҳаракат қила оладилар. "Шримад Бҳагаватам"да жуда кўп шеърлар борки, улардан биз қадимда одамларнинг ва олий сайёраларда яшайдиган зотларнинг уларга бир сайёрадан иккинчи сайёрага саёҳат қилиш имкониятини берадиган учиш воситалари бўлган. Улар ҳозир коинот бўйлаб сайр қилиб юрмаган деб ким айта олади? Бизларнинг самолет ва космик кемаларнинг тезлиги жуда паст, лекин биз биламизки, Кардама Муни коинотда ўлчамлари жиҳатидан катта бир шаҳарни эслатадиган ўзининг ҳаво кемасида коинот бўйлаб сайр қилган ва барча жаннатий сайёраларга бориб чиққан. У оддий ҳаво кемаси эмас, коинот бўйлаб қилинган оддий сайр эмасди. Кардама Муни шу қадар қудратли сеҳргар-йог эдики, унинг бойлигига ҳатто олий сайёраларнинг аҳолиси ҳавас қиларди.

Текст 16

Кардама Мунининг уйининг безаклари ҳашамати ва ғаройиблиги билан кишини ҳайратга соларди. Тўшак ва кўрпалар худди сутнинг кўпигидай оппоқ, ўтирғиқ ва скамейкалар фил суягидан ясалган бўлиб, устига олтиндан нақш берилиб тўқилган матолар тўшалган,

олтин каравотларда эса пардай юмшоқ ёстиклар кўйилганди.

Текст 17

Сарой деворлари энг яхши нав мрамардан ясалган бўлиб, кимматбаҳо тошлардан нақш кўйилган эди. Кечалари сарой залларида чироқ ёқишга зарурат йўқ эди, чунки ана шу гавҳартошларнинг ярқираган нурлари сарой ичини ёритиб турарди. Уйдаги аёлларнинг ҳаммаси бошидан оёғигача кимматбаҳо тақинчоқлар билан безаниб олгандилар.

Изоҳ: Бу шеърлардан кўриниб турибдики, қадимда уйларнинг безаклари ўзидан нур таратиб турадиган гавҳартошлардан, фил суягидан, олий навли мрамардан, уй анжомлари эса олтиндан ясаиб, кимматбаҳо гавҳартошлардан нақш кўйилган бўлган, одамлар эса ипак ва парчадан тикилган либослар кийиб юрганлар. Аслида ҳар қандай анжомнинг ҳақиқий кадр-қиммати бўлган. Қадимда ҳозиргига ўхшаган пластмасса ёки арзон металллардан ясалган жиҳозлар бўлмаган. Ведалар даврида одамларнинг кундалик турмушда ишлатиладиган анжомларининг ҳаммасининг қандайдир кадр-қиммати бор эди. Зарурат туғилганда ана шу кадрли нарсаларни алмашлаш ёки сотиш мумкин бўлган. Шунинг учун ҳатто синган ёки яроқсиз ҳолга келган жиҳозлар ва анжомларнинг ҳам маълум баҳоси, кадри бўлган. Ҳинд хонадонларида ана шу урф-одат ҳозиргача давом этиб келяпти. Одамлар уйларида металл идишларни, олтин тақинчоқларни ва қумуш идишларни, шунингдек ипак ва парчадан тикилган кимматбаҳо кийим-кечакларни сақлаб қўядилар, зарур пайтда уларни тезда сотиш ва пул қилиш мумкин. Оилали кишилар ва савдогарларга шундай ишлар қилиш руҳсат этилган.

Текст 18

Саройнинг асосий биноси ғаройиб боғ билан ўралган эди, у ерда муаттар ҳид таратиб турган ажойиб гуллар ва шохалари мевалар оғирлигидан эгилиб турган чиройли, баланд дарахтлар ўсиб ётарди. Дарахтларда сайроқи қушлар ўтирар, уларнинг овозлари сармаст асалариларнинг ғувиллаган овозлари билан қўшилиб, ёқимли шинам мухитни яратиб, бу боғларга алоҳида бир фойз бериб турарди.

Текст 19

Девахути нилуфар гуллари ўсиб ётган ҳовузда чўмилиш учун мана шу ғаройиб боғ ичига кирганида самовий зотларнинг канизақлари гандҳарвалар Кардама Мунининг оилавий ҳаётини олқишлаб қўшиқ куйлай бошлардилар. Унинг буюк эри Кардама Муни ҳамиша унга ҳар томонлама ғамхўрлик қиларди.

Изоҳ: Мазкур шеърда Девахути ва Кардаманинг намунали оилавий ҳаёти таърифланган. Эр вазифасини бажариб, Кардама Девахутига барча қулайликлар яратиб берган, унинг ўзи хотинига боғланиб қолмаган эди. Ўғли Капиладева вояга етган заҳоти Кардама оиласини тарк этиб кетди. Буюк шоҳ Сваямбхува Манунинг қизи, барча эзгу фазилатлар ҳамда нодир гўзаллик соҳибаси бўлган Девахути бутунлай ўзининг эри ва ҳимоячисига қарам бўлиб, ҳамма нарсада унга

эргашарди. “Ману қонунлари”га кўра ожиз жинсга мансуб бўлгани боис аёллар ҳамиша кимнингдир ҳимояси остида бўлишлари лозим. Болалик даврида уларга ота-оналари ғамхўрлик қилади, ёшлигида уларга ғамхўрлик қилишни эрлари ўз зиммасига олади, кексайганида эса, улар ўз фарўандларининг қўлида бўладилар. Девахутининг ҳаёти “Ману-самхита” кўрсатмаларининг ёрқин мисоли ҳисобланади: болалигида у отасининг қўлида бўлди, ёшлигида шунчалик бадавлат бўлишига қарамай, эрининг ҳукми остида эди, кексайганида эса – ўғли Капиладева ҳимояси остида бўлди.

Текст 20

Гарчи унинг ҳаёти ҳар томонлама ажойиб бўлса ҳам, дабдабали фаровонликда яшаган, ҳаётига ҳатто жаннатда яшайдиган зотлар ҳам ҳасад қилиб юрган покдомон Девахути ҳеч иккиланмасдан ана шу қулайликларни тарк этди. Ёнида ўзининг буюк ўғли йўқлиги уни қаттиқ изтиробга соларди.

Изоҳ: Девахути моддий бойликларни тарк этиб кетишдан ҳечам афсусланмасди, лекин у ўғлидан айрилгани сабабли юзага келган ҳижрон азобидан қаттиқ изтироб чекарди. Моддий қулайликлардан осонгина воз кечган Девахутининг Капиладан айрилиқ азобига сира чидай олмаётгани ғалати туюлиши мумкин. Нима сабабдан у ўзининг ўғлига қаттиқ боғланиб қолган эди? Бунга навбатдаги шеърда жавоб берилади: Девахутининг ўғли оддий инсон эмасди. Унинг ўғли Олий Шахс Худо эди. Шундай қилиб, моддий боғланишлардан халос бўлиш учун инсон ўзининг қалбида Олий Шахс Худога боғланиш туйғусини ривожлантириши лозим. Бу ҳақда “Бхагавад-гита”да айтилган: апарам дриштва нивартате – фақат руҳий ҳаёт мазасини татиб кўрган киши дунёвий турмуш тарзидан воз кеча олади.

Текст 21

Девахутининг эри санньяси қабул қилиб уйини тарк этиб кетган эди, энди унинг ёлғиз ўғли Капила ҳам уни ташлаб кетди. Девахутига ҳаёт ва ўлимнинг барча сиралри маълум бўлишига, қалби бутунлай пок бўлишига қарамай, худди бузоғи ўлганда изтироб чекадиган сигирдай, у ўғли билан бўлган ҳижрон азобидан қаттиқ қийналарди.

Изоҳ: Эри санньяси қабул қилиб уйини тарк этиб кетган аёлнинг изтироб чекишига ортиқча ҳожат йўқ, чунки у билан бирга эрининг вакили бўлган ўғли қолади. Ведаларда айтилганки: атмаива путро джайате – аёл учун ўғил фарзанд эрининг танасининг давоми ҳисобланади. Аслини айтганда вояга етган ўғли бўлган аёлни бева деб айтиб бўлмайди. Шунинг учун Девахути ёнида Капила Муни бор вақтда унчалик хафа эмасди, лекин ўғли кетгандан кейин у бу мусибатдан ўзини қўярга жой тополмай қолди. У Капила Муни билан оилавий ришталар орқали боғланиб қолгани учун эмас, балки Парвардигорга бутун қалби билан боғланиб қолгани туфайли изтироб чекарди.

Мазкур шеърда келтирилган мисолда Девахути бузоғидан айрилган сигирга қиёсланган. Бузоғидан айрилган сигир туну-кун ёш тўқади. Ҳамиша кўз ёши

тўқиб, дўстлари ва қариндошларидан: “Мен ўғлимсиз яшай олмайман. Илтимос, Уни менинг олдимга олиб келинглар, акс ҳолда мен ўлиб қоламан” деб илтимос қилиб юрган Девахутининг ҳам кўз ёшлари тинмасди. Олий Шахс Худога нисбатан бўлган ана шундай кучли боғланиш, ҳатто у ўғлига бўлган муҳаббат кўринишида бўлса ҳам, инсонга руҳий бойлик келтиради. Дунёвий ўғилга боғланиш инсонни моддий оламда тутқун қилиб қўяди, лекин Худо Шахсига бўлган шундай боғланиш туйғуси инсонни юксакликка кўтариб, унинг олдида Парвардигор билан мангу мулоқот қилиш имконияти бўлган руҳий олам дарвозаларини кенг очиб қўяди.

Ҳар қандай аёл ўзининг қалбида Девахутиники сингари сифатларни ривожлантиришга ва Олий Шахс Худони ўзига ўғил қилиб олишга қодир. Парвардигор Девахутининг ўғли бўлишга рози бўлган экан, демак худди шундай Парвардигор бошқа бир аёлнинг ҳам ўғли бўлиши мумкин, фақат аёл бунга муносиб бўлса бас. Олий Шахс Худони ўзига ўғил қилиб олиб, инсон бу дунёда ажойиб фарзандни тарбиялаш келтирадиган барча шодликлардан лаззатланиб яшаши мумкин, ҳаётда ана шундай лаззатланиб яшаб, умрининг охирида эса у руҳий оламга эришади ва Парвардигорнинг шахсий ҳамроҳи бўлади.

Текст 22

Эй Видура, ўзининг ўғли, Олий Шахс Худо Капиладева ҳақида тинмасдан ўйлаб юриб, у тез вақт ичида ўзининг бадавлат уйига бўлган боғланиш туйғусидан халос бўлди.

Изоҳ: Бу ерда инсон қандай қилиб қалбида Кришна онгини ривожлантириш билан руҳий баркамолликка эришиши ҳақида амалий мисол келтирилган. Капиладева уйини тарк этиб кетгандан кейин Девахути ҳамиша Уни ўйлаб юрди, шу боис у ҳамиша Кришна онгига ғарқ бўлиб юрарди. Бу унга оилавий шароитга боғланиш туйғусидан тезроқ халос бўлиш имкониятини берди.

Токи биз қалбимизда Олий Шахс Худога боғланиш туйғусини ривожлантирмас эканмиз, биз моддий боғланишлардан халос бўла олмаймиз. Шунинг учун "Шримад Бҳагаватам"да айтилганки, фалсафий изланишлар орқали ҳақиқатга эришиш йўлидан бориб моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишнинг иложи йўқ. Ўзининг моддадан фарқ қилишини англаш ҳамда “мен руҳий табиатга эга бўлган жон, Брахманман” деган тушунчага эга бўлишнинг ўзи ҳали инсон тафаккурини поклаш учун етарли эмас. Имперсоналист одам, ҳатто у руҳий ўзлигини англашнинг юқори поғонасигна эришса ҳам, эртамикечми барибир моддий боғланишлар қурбони бўлиб, яна моддий оламга қайтиб келади, чунки у Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилмайди.

Худонинг содиқлари Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаб ҳамда Унинг қароматларини олқишлаб Унга хизмат қиладилар. Шу тариқа улар ҳамиша хотирасида Парвардигорнинг ажойиб, жозибадор мангу қиёфасини эслаб юрадилар. Худога хизмат қилиб юрган, Унинг дўсти ёки хизматкори бўлган ёки Унга ўзи эга бўлган бутун бойлигини инъом этган киши Парвардигорнинг

салтанатига кириш ҳуқуқига эга бўлади. "Бҳагавад-гита"да айтилганидек, тато мам таттвато джнатва – Худога соф садоқат билан хизмат қилиш орқали инсон Олий Шахс Худога, ягона Парвардигорга эришади ва руҳий оламнинг сайёраларидан бирида У билан бевосита мулоқот қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Текст 23

Девахути ўзгармас диққат билан ўз ўғли, ҳамиша юзида табассум ўйнаб турадиган Худо Шахси Капиладеванинг чуқур мукамал насихатларини тинглагандан кейин, у ҳамиша Вишну қиёфасидаги Парвардигорга муроқабат қилиб юрди.

Текст 24-25

Девахути Худога садоқат билан холис хизмат қилиб, ўзининг қунларини шу тарзда ўткази бошлади. Барча моддий нарсаларни тақр этиб, у фақат ҳаёт учун энг зарур нарсалар билан қаноатланиб яшарди. Мутлақ Ҳақиқатни тушириш Девахутига илм ато этган, унинг қалби моддий иллатлардан бутунлай покланган эди, у Олий Шахс Худога муроқабатга ғарқ бўлганди. Шундай қилиб у моддий табиат гуналари келтириб чиқарган барча адашишлардан халос бўлди.

Текст 26

Унинг ақли Парвардигор ҳақидаги фикрларга бутунлай ғарқ бўлган эди, шахсиятсиз Брахман ҳақидаги илм унга ўзидан ўзи келганди. Брахманни англаб етган руҳ сифатида Девахути ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга кишиларга хос бўлган сохта қиёслашлардан халос бўлган эди. Шу тариқа у барча моддий мусибатлардан озод бўлди ва илоҳий лаззат нима эканини билди.

Изоҳ: Аввалги шеърда Девахути Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги илмга эга бўлди дейилган эди. Шундай савол туғилади: нимага унда у муроқабат билан шуғулланиб юрибди? Гап шундаки, Мутлақ Ҳақиқатга ақл сатҳидаги фалсафий изланишлар орқали интилиш инсонни Унинг шахсиятсиз аспектини англашга олиб келади. Аммо, Парвардигор ҳақидаги, Унинг сифатлари, эрмаклари ва атрофидаги нарсалар ҳақидаги ҳикояларни диққат билан тинглаган киши ўзидан ўзи Парвардигорга муроқабатга ғарқ бўлади. Парвардигор ҳақида тўлиқ илмга эга бўлган киши бир вақтнинг ўзида шахсиятсиз Брахманни ҳам англаб етади. Мутлақ Ҳақиқат уч хил кўринишда англаб етадилар: шахсиятсиз Брахман, Олий Руҳ ва ниҳоят Олий Шахс Худо. Шунинг учун Олий Шахс Худони англаб етган киши Олий Руҳ ва шахсиятсиз Брахман ҳақидаги илмга ҳам эга бўлади.

"Бҳагавад-гита"да: брахма-бхутах прасаннатма деб айтилган. Бу дегани, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг, яъни Кришна онгидаги фаолиятнинг моҳиятини фақат моддий олам тутқунлигидан озодликка эришган ва Брахман поғонасига кўтарилган киши тушунишга қодир бўлади. Айтилганки, Кришнага хизмат қилиб юрган киши Брахманни англаб етган бўлади, чунки Олий Шахс Худо ҳақидаги илоҳий илм ўз ичига Брахман ҳақидаги илмни ҳам олади. Бу "Бҳагавад-гита"да тасдиқланган: брахмано хи пратиштхахам – Парвардигорнинг шахсий аспекти шахсиятсиз Брахманга қарам эмас. "Вишну-пурана"да

хам айтилганки, ҳаммага меҳрибон Парвардигорнинг паноҳига кирган киши шахсиятсиз Брахманни англаб етган бўлади. Бошқача қилиб айтганда, вайшнавларнинг ҳаммаси брахман ҳисобланади.

Мазкур шеърда ифодаланган яна бир муҳим фикр – шастраларнинг қоида ва кўрсатмаларига риоя қилиш лозимлигидир. "Бхагавад-гита"да айтилганидек, йуктаҳара-вихарасйа – Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши ҳам овқатланиши, ухлаши, ўзини ҳимоя қилиши ва жинсий алоқа қилиши лозим, чунки унинг танаси шуни талаб қилади. Лекин, Худонинг содиқ хизматкори танасининг бу фаолиятларини тартибга солиб қўяди. У фақат кришна-прасад истеъмол қилади, белгиланган қоидалар бўйича ухлайди, ва ҳоказо. Мана шу қоидаларнинг ҳаммасининг мазмуни уйқуга кетадиган вақтни қисқартириш, саломатликни сақлаб туриш учун зарур бўлган энг кам миқдорда овқатланишга одатланишдан иборат. Қисқаси, содиқ хизматкорнинг мақсади моддий лаззатланиш эмас, балки руҳий юксалишдан иборат. Жинсий ҳаётни ҳам чеклаб қўйиш лозим. Фақат Кришна онгига эга бўлган фарзандларни дунёга келтириш мақсадида жинсийалоқа қилишга рухсат берилади. Бошқа бирор мақсадда жинсий алоқа қилиш учун ҳеч қандай зарурат йўқ. Худога садоқат билан хизмат қилишда ҳеч қандай қатъий қоидалар йўқ, лекин содиқ хизматкорнинг бутун ҳаёти тартибга солинган(йукта) ва олий мақсадга қаратилган. Ана шу қоида ва кўрсатмаларнинг ҳаммасига риоя қилиб юриб, у аста-секин покланади ва ҳофиллиги сабабли юзага келган барча адашишлардан халос бўлади. Бу ерда алоҳида таъкидлаб айтилганки, Худога садоқат билан хизмат қилиш моддий оламда тутқун бўлиб юришнинг сабабини яқсон қилади.

Санскрит тилидаги анартха-нивритти ибораси шуни билдирадики, моддий тананинг ўзи аслида кераксиз ва ёқимсиз ҳисобланади. Бизлар – руҳий табиатга эга жонлармиз, аслида ҳеч қачон моддий танага муҳтож бўлган эмасмиз. Шунга қарамай, бизлар моддий тана билан лаззатланишни истаганимиз учун биз уни Олий Шахс Худонинг амрини бажарадиган моддий табиатдан олганмиз. Аммо биз ўзимизнинг азалий ҳолатимизга қайтиб яна Парвардигорнинг хизматкорлари бўлган заҳоти биз то моддий танамизни бутунлай унутиб юбормагунча, аста-секин танамизнинг эҳтиёжларини эсимиздан чиқара бошлаймиз.

Баъзан биз тушимизда ўзимизни бошқа бир танада кўрамыз ва то уйқудан турмагунча шу танада ҳаракат қиламыз. Мен тушимда осмонда учиб юрган, ўрмонда сайр қилиб юрган ёки қандайдир нотаниш жойда яшайётган бўлишим мумкин. Лекин, уйқудан уйғонгандан кейин, мен бу таналарнинг ҳаммасини унутиб юбораман. Худди шундай, инсон қалбида Кришна онгини ривожлантирганида ва ҳаётини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаганида у танасида рўй бераётган барча ўзгаришларни унутиб юборади. Биз онамиз қорнидан дунёга келган пайтимиздан бошлаб, ҳамиша таналарни алмашлаб юрамыз. Лекин, қалбимизда Кришна онги уйғонганида биз алмаштиришга улгурган таналарни унутиб юборамиз. Тананинг эҳтиёжлари иккинчи даражали бўлиб қолади, чунки руҳнинг асосий эҳтиёжи ҳақиқий, руҳий ҳаёт ҳисобланади. Тўла Кришна онгида Худога

садоқат билан хизмат қилиш бизни илоҳий поғонага кўтариб қўяди. Бхагаватй атма-самшрайе ибораси Олий Рух, яъни бутун борлиқнинг жони кўринишидаги Парвардигорни билдиради. "Бхагавад-гита"да Кришна шундай дейди: биджам мам сарва-бхутанам – "Мен – бутун борлиқнинг уруғиман". Инсон Парвардигорнинг паноҳи остига кириб Худога садоқат билан хизмат қилишни бошлаганида Олий Шахс Худони тўла англаб етади. Парвардигор Капила айтганидек, мад-гуна-шрути-матрена – қалбида Кришна онгини ривожлантирган ва Худо Шахси ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга ғарқ бўлган киши Парвардигорнинг илоҳий сифатлари ҳақида эшитган заҳоти унинг бутун вужуди Худога муҳаббат туйғуси билан тўлади.

Девахути ўзининг ўғли Капиладевадан ақлни Парвардигор Вишнуда қандай мужассам қилиш ҳақида мукамал насихатлар олди. Унга Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини баён этиб берган ўғлининг насихатларига амал қилиб, у чуқур садоқат ва муҳаббат билан қалбидаги Парвардигорнинг илоҳий киёфасини томоша қилди. Мана шу – Брахманни англашнинг олий поғонаси, сеҳрли йоганинг ҳамда Худога садоқат билан хизмат қилишнинг олий поғонаси. Охир-оқибатда инсон Парвардигор ҳақидаги ўйларга бутунлай ғарқ бўлади ва ҳамиша Унга муроқабга қилиб юради, у руҳий баркамолликнинг олий босқичига эришади. "Бхагавад-гита" тасдиқлайдики, ҳамиша Парвардигор ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга ғарқ бўлиб юрган кишини энг баркамол йог деб ҳисоблаш лозим.

Рухий ўзликни англаш усулларининг барча турлари: гьяна-йога, дхьяна-йога ва бхакти-йоганинг ҳақиқий мақсади - Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасига эришиш. Агар инсон фақат Мутлақ Ҳақиқатни ёки Олий Рухни англаб етишга интилсаю, лекин Худога садоқат билан хизмат қилмаса, унингқилиб юрган амаллари сезиларли натижа бермайди. Ана шундай одамни қуруқ шоли поҳолини совуриб юрган кишига ўхшатадилар. Токи инсон унинг барча изланишларининг олий мақсади Олий Шахс Худо эканини тушунмагунча унинг барча фалсафий изланишлари ёки сеҳрли йога билан шуғулланишлари ҳеч қандай маънога эга бўлмайди. Аштанга-йоганинг еттинчи поғонаси дхьяна-йога ҳисобланади. Аммо, ана шу дхьяна Худога садоқат билан хизмат қилишнинг учинчи поғонасидир. Худога садоқат билан хизмат қилиш тўққиз поғонадан иборат. Унинг биринчи поғонаси тинглаш, иккинчи поғонаси – такрорлаш, учинчи поғонаси – эслаш. Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида инсон бунга ортикча ҳаракат қилмасдан комил гьяни ва комил йог бўлиб етишади. Бошқача қилиб айтганда, гьяна ва йога Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бошланғич поғоналаридир.

Девахути ана шу усулнинг энг асл моҳиятини англаб етган; юзида табассум қилиб турган ўғли Кпиладеванинг маслаҳатига амал қилиб у ҳаёл нигоҳини Парвардигор Вишнунинг киёфасида жамлади. Лекин, айни пайтда у Олий Шахс Худонинг Ўзи бўлган Капиладева ҳақида ўйлашни тарк этмади ва шу тариқа у риёзат чекиб, қасамларга риоя қилиб, илоҳий ўзликни англаш билан шуғулланиб юришдан кўзлаган олий мақсадига эришди.

Текст 27

Ҳамиша жазава ҳолатида бўлиб, моддий табиат гуналари тирик мавжудот илинтириб кўядиган алданиш чангалидан халос бўлиб, худди инсон тушида кўрган таналарини унутиб юборгани сингари, Девахути ўзининг моддий танасини бутунлай эсдан чиқариб кўйди.

Изоҳ: Бир буюк вайшнав айтганки, ўзининг танасини унутган киши уни моддий оламга боғлаб турган занжирларни узган бўлади. Токи инсон ўзининг танаси мавжудлигини эсида сақлар экан, у моддий табиат гуналари ҳукми остида қолиб, шартланган ҳаётда тирикчилик қилади. Лекин, у ўзининг танаси мавжудлигини эсдан чиқарганида унинг шартланган моддий ҳаёти ниҳоясига етади. Биз сезгиларимиз Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юргандагина ўзимизнинг танамизни эсдан чиқара оламиз. Шартланган ҳаётда инсон ўзининг сезгиларидан оиласига, жамиятга ёки ватанига хизмат қилиш учун фойдаланади. Лекин, у ўзини моддий олам билан боғлаб турган ана шу ришталарни эсдан чиқарганида ва Парвардигорнинг мангу хизматкори эканини англаб етганида, унинг ҳолати моддий тирикчиликни эсдан чиқариш деб аталади.

Бундай унутиш Худога садоқат билан хизмат қилишга бутунлай ғарқ бўлган кишига келади. Схс ўзининг танасидан оилада, жамиятда, ўз ватанида ёки бу оламда яшашдан лаззатланиш учун фойдаланишни тарк этади. У шунчаки Олий Шахс Худо, Кришна учун меҳнат қилади. Ҳақиқий Кришна онгида бўлиш мана шу ҳисобланади.

Илоҳий лаззатга ғарқ бўлиб, Худонинг содиқ хизматкори моддий азоб-укубатларни ҳис қилмай кўяди. У ҳис қиладиган илоҳий бахт мангу лаззат деб аталади. Худонинг содиқларининг таъбири билан айтганда ҳамиша Парвардигорни эслаб юриш самадхи, транс(жазава ҳолати) деб аталади. Ҳамиша жазава ҳолатида юрган киши моддий табиат гуналари таъсири остидан чиқади, табиат гуналари унга ҳатто яқинлаша олмайдди. Моддий табиат гуналарининг нопок таъсиридан халос бўлиб, у айни пайтда моддий оламда бир танадан иккинчи танага ўтиб туғилиб юриш заруратидан ҳам халос бўлади.

Текст 28

Девахутининг танасини унинг эри Кардама яратган самовий канизаклар парваришларди, унинг акли мутлақо хотиржам бўлгани туфайли, у озиб-тўзиб кетмади ва худди тутун ўраб олган оловга ўхшарди.

Изоҳ: Девахути жазава ҳолатига ғарқ бўлгани ва ҳамиша илоҳий лаззат ҳолатида юргани туфайли унинг акли ҳамиша Худо Шахси ҳақидаги ўйлар билан банд бўлиб юрарди. У озиб-тўзиб кетмади, чунки унинг танасини эри яратган самовий канизаклар парваришлардилар. Аюрведа тиббиётида айтилганки, инсон ғам-ташвишлардан халос бўлса, одатда унинг танаси семира бошлайди. Девахути ҳамиша Кришнани эслаб юргани учун ҳар хил ташвишлардан безовта бўлмасди, шу боис у озиб-тўзиб кетмади. Таркидунёлик қилишга қасам ичган киши хизматкор ва канизаклар хизматидан фойдаланмаслиги керак, Девахутига эса

самовий фаришталар хизмат қилардилар. Бир қараганда унинг ҳаёти руҳий ҳаёт қондаларига зиддай бўлиб кўринади, лекин, тутун ўраб олган олов ўзининг гўзаллигини сақлаб қолгани сингари, Девахути дабдабали ҳаёт кечириб юрса ҳам барибир беғубор поклигича қолаверди.

Текст 29

Ҳамиша Олий Шахс Худо ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юриб, у вақти-вақти билан сочлари ва либослари тартибсиз ҳолга келиб қолганини сезмасди.

Изоҳ: Мазкур шеърда ишлатилган даива-гуптам, яъни “Олий Шахс Худо ҳимоя қилаётган” деган маънони англатадиган ибора муҳим аҳамиятга эга. Инсон ўз ихтиёрини Худога топшириб, Унга хизмат қила бошлаганида содиқ хизматкор ўз танасининг эҳтиёжларини ўйлаб безовта бўлмаслиги учун Парвардигор унинг танасига ғамхўрлик қилишни Ўз зиммасига олади. “Шримад Бҳагаватам”нинг иккинчи кўшигининг иккинчи бобида айтилганки, ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширган инсон ўзининг танасининг эҳтиёжлари ҳақида ўйламай кўяди. Парвардигор ҳар хил таналардаги сон-саноксиз тирик мавжудотларнинг барча эҳтиёжларини қондиради, шунинг учун Худога садоқат билан хизмат қилишга бутунлай ғарқ бўлган киши Унинг эътиборидан четда қоламан деб кўркмаслиги керак. Девахути Парвардигорнинг Ўзи ғамхўрлик қилишни ўз зиммасига олган танасини парваришлашни бутунлай эсдан чиқариб юборганининг ҳайратланарли жойи йўк.

Текст 30

Эй азиз Видура, Капиланинг насиҳатларига амал қилиб, Девахути моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқди ва ҳеч қийналмасдан Олий Рух кўринишидаги Олий Шахс Худога эришди.

Изоҳ: Рухий юксалишнинг Девахути эришган поғонаси мазкур шеърда атмана, браҳма-нирванам ва бҳагавантам иборалари билан ифодаланган. Улар мазкур шеърда бҳагавантам деб аталган Мутлақ Ҳақиқатни босқичма-босқич англаб етиш поғоналарига мос келади. Олий Шахс Худо Вайкунтҳанинг сон-саноксиз сайёраларида ҳукмронлик қилади. Нирвана ибораси “моддий азоб-укубатлар оловининг сўниши” деган маънони англатади. Рухий олам сарҳадларига эришгандан кейин яъни ўзининг “мен”ининг руҳий табиатга эга эканини англаб етгандан кейин инсон барча моддий мусибатлардан халос бўлади. Ана шу ҳолат браҳма-нирвана деб аталади. Ведавий муқаддас китобларда айтилишига кўра нирвана ибораси “моддий ҳаётни тарк этиш” деган маънони англатади. Атманам – ўзининг қалбида мавжуд бўлган Олий Рухни англаб етиш. Охир-оқибатда руҳий баркамолликнинг олий поғонаси Олий Шахс Худони англаб етиш ҳисобланади. Девахути Капиланинг Вайкунтҳаси деб аталадиган руҳий сайёрага эришган кўринади. Вайкунтҳа оламида сон-саноксиз руҳий сайёралар мавжуд, уларнинг ҳар бирида Парвардигор Вишнунинг турли экспансиялари ҳукмронлик қилади. Вайкунтҳа сайёраларининг ҳар бири уни бошқариб турган Парвардигор Вишнунинг экспансиясининг номи билан

аталади. "Брахма-самхита"да айтилганки: адвайтам ачйутам анадим ананта-рупам. Ананта ибораси "сон-саноксиз" деган маънони англатади. Парвардигорнинг илохий қиёфасининг экспансиялари сон-саноксиз, У ўзининг анжомларини қўлларида қандай тартибда ушлаб турганига қараб, Уни Нараяна, Прадьюмна, Анируддха, Васудева ва ҳоказо деб атайдилар. Вайкунтха сайёраларидан бири Капиланинг Вайкунтхаси деб аталади. Парвардигор Капила билан учрашиш, шу сайёрада ўзининг илохий ўғли билан бирга лаззатланиб мангу ҳаёт кечириш учун Девахути шу сайёрага йўл олди.

Текст 31

Эй Видура, Девахути рухий баркамолликка эришган жой шундан бери коинотдаги энг муқаддас жойлардан бири ҳисобланади. Бутун уч оламда уни Сиддхапада деб атайдилар.

Текст 32

Азизим Видура, унинг танаси таркиб топган моддий моддий унсурлар сувга айланиб, шундан бери барча дарёлар ичида энг муқаддас бўлган дарё сувларига қўшилиб кетди. Ана шу дарё сувларида чўмилган ҳар қандай инсон ҳам рухий баркамолликка эришади. Шунинг учун рухий баркамолликка эришишга инитилиб юрган одамларнинг ҳаммаси унинг сувларида чўмилиш учун шу ерга йўл оладилар.

Текст 33

Азизим Видура, онасидан рухсат олгандан кейин, буюк донишманд Капила, Олий Шахс Худо, отасининг даргоҳини тарк этди ва шимолий шарқ тарафга йўл олди.

Текст 34

У шимол томонга бораётганида барча самовий машшоқлар – чараналар ва гандхарвалар – шунингдек, буюк донишмандлар ҳамда жаннатда яшайдиган зотлар, апсарлар Унга илтижо қилдилар ва муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатдилар. Океан Унга инъом эҳсон қилиб, яшашга жой берди, У шу даргоҳда яшай бошлади.

Изоҳ: Маълум бўладики, Капила аввал Ҳимолайга, Ганга дарёси бошланадиган жойга йўл олган, кейин Ганга оқими бўйлаб юриб, унинг океанга бориб қуйиладиган жойига(Бенгал бўғозига) етиб борган. Океан Унга жой берган, У ҳали ҳозиргача Ганга-сагара деб аталадиган, Ганга сувлари океанга бориб қуйиладиган жойда яшай бошлаган. Мана шу жой Ганга-сагара-тиртха бўлган, одамлар ҳали ҳозиргача ҳақиқий санкхья фалсафасини яратган Капиладевага ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш учун ана шу жойга келадилар. Афсуски, бошқа бир Капила деган шахс ҳам санкхья фалсафасини яратган, лекин унинг таълимотининг "Шримад Бхагаватам"да нозил қилинган санкхья фалсафасига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Текст 35

Бутун уч оламда яшаётган шартланган руҳларни кутқариш учун Капила Муни ҳозир ҳам жазава ҳолатига ғарқ бўлиб, ана шу жойда яшайди ва барча ачарьялар, буюк рухий устозлар ҳамда санкхья фалсафасининг тарғиботчилари Унга сажда қиладилар.

Текст 36

Эй ўғлим, сен менга савол бердинг, мен эса жавоб бердим. Эй бегуноҳ зот, Капиладева ва унинг онаси ҳамда уларнинг кароматлари ҳақидаги ҳикоялар ҳақиқатан ҳам энг пок ҳикоялардир.

Текст 37

Капиладева ва Унинг онаси ҳақидаги ҳикоялар шунчалик табаррук ва сирлики, уларни тинглаган ёки ўқиган ҳар қандай инсон Гаруданинг елкасида ўтирадиган Парвардигорнинг содиқ хизматкори бўлиб, Худога илохий муҳаббат билан хизмат қилиш учун Олий Шахс Худонинг даргоҳига қайтиб кетади.

Изоҳ: Капиладева ва Унинг онаси Девахути ҳақидаги бу ҳикоя шу қадар муқаммал ва илохий табитлики, ҳатто уни шунчаки ўқиган ёки тинглаган киши ҳам рухий баркамолликка ва инсон ҳаётининг олий мақсадига эришади, чунки Олий Шахс Худонинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилади. Парвардигорнинг Ўзи ўғли бўлиб туғилган ва Капиладеванинг барча насиҳатларига қатъий риоя қилиб юрган Девахути ҳам ҳеч шубҳа йўқки, инсон ҳаётининг энг олий муқаммал ҳолатига эришган.

"Шримад Бхагаватам"нинг Учинчи қўшиқ, "Капиланинг кароматлари" деб аталадиган ўттиз учинчи бобига Бхактиведантанинг ёзган изоҳлари шундай қўнланади.

Учинчи қўшиқ тамом.

29.12.2006 10:02:10